


САФО МАТЖОН, ШАРОФЖОН САРИЕВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Ўрта мактаб, академик лицей ва касб-хунар
коллежларининг ўқувчилари ҳамда олий ўқув
юртига кирувчи абитуриентлар учун
қўлланма



ТОШКЕНТ - 2005

Адабиёт - сўз санъати, инсоният даҳоси яратган сирли ва сехрли мўъжиза. Инсонлар камолотида ва маънавиятининг шаклланишида адабиётнинг ўрни беҳисобдир.

Мазкур қўлланма ўзбек ва жаҳон адабиёти намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди, адабиёт назарияси ва тарихи ҳақида анча тўлиқ маълумот бериш учун мўлжалланган бўлиб, у ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари, олий ўқув юртига кирувчи абитуриентлар ҳамда барча адабиёт ихлосмандлари учун маълумотнома сифатида хизмат қилиши мумкин.

Қўлланмадаги мавзулар таълим турлари бўйича ўқитилаётган «Адабиёт» ўқув фани мавзуларига ҳамда амалдаги ўқув дастурларига мувофиқлаштирилган. Ушбу қўлланма Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика университети Илмий кенгаши йиғилишининг 2000 йил 26 октябрь 3 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Бу қўлланманинг мантиқий давоми сифатида «Адабиёт фанидан мавзули тест саволлари тўплами» нашр этилган бўлиб, улар биргаликда «Адабиёт» курси бўйича яхлит ўқув - дидактик мажмуани ташкил этади.

Муаллифлар:

- педагогика фанлари доктори,
профессор *Сафо Матжон*
- ТошДШИ қошидаги Хорижий тиллар
академик лицейи ўқитувчиси
Шарофжон Сариев

Тақризчилар:

- филология фанлари доктори,
профессор *Боқижон Тўхшев*
- ТошДШИ қошидаги Хорижий тиллар
академик лицейи олий тоифали «Она тили ва
адабиёт» фани ўқитувчиси *Бахринисо Оқбўтаева*

Масъул муҳаррир:

- филология фанлари номзоди *М. Ҳамроев*

КИРИШ. АДАБИЁТ - СЎЗ САНЪАТИ

Санъат воқеликни образлар воситасида акс эттиради. Образ эса борлиқдаги нарсаларни оддий акс эттиришдан иборат эмас, балки бадий акс эттиришдан иборатдир. Ижодкорнинг фикр, туйғу, сезги ва кечинмалари сиңдирилган ҳаёт манзараси тасвири *бадий образ* дейилади.

Санъатнинг турлари кўп. Улардан энг муҳимлари *тасвирий санъат (мусаввирак), мусиқа, кляно, мейморчилик, рақс, ҳайкалтарошлик ва бадий адабиётдир*. Образлилик ҳамма санъат турлари учун хос. Бироқ уларнинг ҳар бирининг ўзига хос образ яратиш воситалари мавжуд. Бадий адабиётда образ яратувчи ягона восита сўзdir. Бироқ адабиётдаги бу сўз оддий сўз эмас, балки муайян ҳис - туйғунини, ҳолат ва ҳаракатни, манзарани ўқувчилар қалбига таъсир этадиган даражада ифодаловчи бадий сўздан иборат бўлади. *Бадий сўз адабиётнинг асосий қуроли ҳисобланади*. Образли сўзга асосланувчи, ҳаётни муайян образлар воситасида акс эттирувчи адабиёт эса *бадий адабиёт* деб юритилади.

«Адабиёт» арабча сўз бўлиб, «*одоблар йиғиндиси*», бошқача айтганда «*одоблар хазинаси*» деган маънони билдиради. Одоб эса маънавий аталмиш тушунчанинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун бадий адабиётни *маънавий хазинаси* дейиш ҳам мумкин. Бадий адабиётнинг қуйидаги уч вазифаси бор:

1) *Ҳаётнинг ҳаққоний бадий инъикосини яратиш;*
2) *Инсон образини яратиш, унинг ички оламни тасвирлаш, табиати ва руҳиятидаги гўзаллик куртакларининг ташқи олам таъсирида гунча туғиши ва гуллаши жараёнини кўрсатиш;*

3) *Тарихий ўтмишидаги, шунингдек, ҳозирги даврдаги ибратли воқеалар ва ажойиб кишилар ҳаётини акс эттириш орқали кишиларга эмоционал таъсир ўтказиш, завқ-шавқ бағишлаш, уларни тарбиялаш, уларнинг баржамол инсонлар бўлиб шаклланишида фаол иштирок этиш.*

Адабиётнинг бош вазифаси эса инсон қалбида эзуликка муҳаббат, ёвуликка нафратни уйғотишга қаратилган. Ёзувчининг қуроли сўз бўлиб, у сўзлардан моҳирлик билан фойдаланган ҳолда шундай ҳаётий манзаралар чиқариб, асарларни ўқиган ўқувчи худди ўша воқеаларда иштирок этаётгандек, уларни ўз кўзи билан кўриб тургандек бўлади, қахрамонлар билан бирга шодланиб, бирга маъюсланади. Санъат асарлари таъсирида ўқувчиларда туғилган бундай туйғулар *эстетик туйғу* дейилади.

Бадий асарларда тасвирланган тарихий шахслар, уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар *тарихий ҳақиқат* деб аталади. Ҳаёт фанда илмий абстракциялар, ахборотлар тарзида акс этса, адабиётда у бадий образ қиёфасида гавдаланади. В. Г. Белинский таъбири билан айтганда *фан «нима бўлганини» тушунтирса, адабиёт «қандай бўлганини» тасвирлайди*. Адабиёт ҳаётнинг инъикоси бўлгани билан унинг суратга туширилган айнан нуҳаси эмас. Ҳаётдаги ҳодиса ва шахслар фаолияти аслида қандай кузатилган бўлса, шу ҳолатда кўчириб олинмайди. Ёзувчи тарихий шахс ҳаётини акс эттирганда ҳам, умумлаштиришни йўли билан қахрамонни тасвирлаганда ҳам уларнинг ҳаётдаги фель-атворлари, бошидан кечирганларини қандай бўлса, шундай тасвирламай, балки уларни муайян нуқтаи назардан бир оз ўзгартирса, баъзи воқеаларни ўзидан кўшса, баъзиларини тушириб қолдирса, бу *бадий тўқима* дейилади.

Бадий адабиёт илмий адабиётдан ҳаёт ҳақиқатини жонли ва жозибали тасвирлаш билан кескин фарқланади. Бадий асарлар 3 хил бўлади:

1. **Лирик асарлар** (*шеърлар: ғазал, рубоий, туюқ, қўшиқ, мухаммас, фард, қитъа, қасида, мусамма ва бошқ.*). Лирик асарларда воқелик айрим шахснинг кечинмалари, ўй-фикрлари асосида кўрсатилади. Лирика мазмун ва моҳиятига кўра икки хил бўлади: А) *интим лирика* - шоирнинг руҳий кечинмалари ва ҳиссий олами акс эттирилади. Б) *ижтимоий лирика* - реал ҳаётда рўй берган воқеа ва ҳодисалар тасвирланади.

2. **Эпик асарлар** (*очерк, ҳикоя, қисса (новелла), роман, эртак ва бошқ.*). Бир ёки бир неча одамнинг ҳаёти, тақдири, уларнинг бошқа одамлар билан муносабати ҳақида ҳикоя қилувчи, образларнинг характер хусусиятларини акс эттирувчи бадий асарлар эпик турдаги асарлар дейилади. Эпик асарларда тасвирланаётган воқелик, асарда иштирок этувчи турли персонажларнинг хатти-ҳаракати ва кечинмалари кўпроқ муаллиф ҳикояси орқали кўрсатилади.

3. **Драматик асарлар** (*драма, комедия, трагедия (фолжма)*). Бундай асарларда воқелик асарда бевосита иштирок этувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, нутқлари орқали очилади.

Бадий асарларнинг яна шундай бир тури борки, уларда воқеани ҳикоя қилиб бериш ҳисси муносабат билдириш билан уйғунлашиб кетади. Бундай асарлар *ядро-эпик асарлар* деб юритилади. Бу турга *достон, баллада, поэма ва мотам* киради.

Бадий адабиёт асарларининг ғоя ва мазмуни, ундаги бадий тасвир, асар сюжети, образларнинг маъноларини *адабиётмунослик* фани ўрғанади. Бу фан 3 асосий таркибий қисмдан иборат:

1. **Адабиёт назарияси.** У сўз санъатининг моҳияти, кишилик жамиятидаги ўрнини, ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этади, бадий ижоднинг табиати ва тараққиётига хос умумий қонуниятлари, методлар, жанрлар, бадий асарнинг тузилиши ва хусусиятлари, асарнинг бадий тили, услуб, турли бадий-тасвирий ва ифодавий воситалар, шеър тузилиши масалаларини ўрғанади.

2. **Адабиёт тарихи.** Сўз санъатининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихини тадқиқ этади, адабиёт тараққиётини хронологик изчилик билан, унинг энг қадимги ёдгорликларидан бошлаб шу кунга қалар яратилган асарларга текширади. Жаҳон ва бирор миллий адабиётнинг тараққиёт жараёни, ҳар бир давр адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, ижодкорларнинг ижодий фаолияти каби масалаларни ўрганиш ва ўргатиш адабиёт тарихининг вазифасидир.

3. **Адабий танқид.** У замонавий бадий асарларни халқ ҳаёти, унинг ҳозирги кундаги эҳтиёж ва талаблари жиҳатидан тадқиқ этади, баҳолайди, нуқсонларини аниқлайди. Ёзувчиларнинг ижодий ўсиши ва адабиёт равнақига кўмаклашади. Танқидчилик адабиётнинг замона билан алоқаси, ҳар бир ижодкор асарининг тутган ўрни, ижтимоий курашдаги роли ва функцияларини аниқлаб беради.

Адабиёт дастлаб оғзаки шаклда юзага келган. Оғзаки адабиёт ёзма адабиётнинг юзага келишида асосий вазифани ўтаган. Ёзма адабиётнинг энг муҳим ютуғи шундаки, у унутилмайди ва кейинги авлодларга ўзгармай, яъни ижодкор қаламидан қандай чиққан бўлса, шундайингича етиб боради. Бу иккала адабиёт тури лонмо ёнма-ён яшайдилар ва бир-бирининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Адабиёт тарих фани билан, жамият тарихи билан узвий боғлиқ. Энг қадимги даврлардан бошлаб XI-XII асрларгача бўлган давр ораллигида яратилган адабиёт фанда *қадимги туркий адабиёт* номи билан юритилади. Ўзбек адабиётида XIV асрдан XVII асргача бўлган давр *уйғонини (ренессанс)* даври ҳисобланади. Адабиёт тарихини қуйидагича даврлаштириш мумкин:

1. Энг қадимги адабий ёдгорликлар.
2. X-XII асрлар адабиёти.
3. XIII - XIV асрлар адабиёти
4. XIV - XVII асрлар адабиёти
5. XVII - XIX аср адабиёти
6. XX аср адабиёти
7. Миллий истиқлол даври адабиёти

Хуллас, бадий адабиёт инсон ва табиат муносабати, мана шу муносабатда инсоннинг тутган ўрни ва роли, инсон руҳий олами бутун мураккаблиги билан кўрсатиш орқали маънавий юксакликни тарғиб этувчи, разиллик ва губанликни инкор этувчи, инсоннинг дунёқарошига, ҳиссиётига ва ахлоқига ижобий таъсир кўрсатувчи сўз санъатидир.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

1-МАВЗУ. ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Халқ оғзаки ижоди ёзма адабиётдан анча илгари пайдо бўлган ва ёзма адабиётнинг бунёдга келиши учун замин ҳозирлаган. Оғзаки яратилган ва оғзаки тарқалган, халқ шоирлари ёки жамоа томонидан яратилиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келган бадий асарлар ҳозирда **халқ оғзаки ижоди** ёки **«фолклор»** (ингл. «folk» (халқ), «lore» (донолик) - «халқ донолиги») деб юритилади. Халқ яратган асарлар ўзининг гоёвийлиги, чуқур халқчилиги, тил бойлиги ва бадийлиги билан ажралиб туради. У халқнинг енгилмас иродасини, қеажакка бўлган ишончини, ҳақиқат, адолат, тинчлик ва бахт ҳақидаги тасавурларини яққол акс эттиради. Халқ оғзаки ижодида қуйидаги жанрлар киради: **қўшиқ, мақол, матал, топшиқ, афсона, ривоят, асотир (миф), эртақ, латифа, лоф, лапар, термалар, дoston, аския, тез айтиш, масал, алла, ёр-ёрлар, келин садомлар** ва бошқ.

Лапар, лоф, аския каби жанрлар тортишув, баҳслашув, айтишув-ҳазил-мутойиба, муболага, бадиҳаўйлик асосида ижро этилади.

ҚУШИҚ - куйга солиб айтиладиган кичик лирик шеър. Қўшиқларнинг куйидагича турлари мавжуд:

1. **Лирик қўшиқлар.** Бундай қўшиқларда инсонларнинг руҳий олами, ишқий кечинмалари акс этади, турт мисралик бандлардан ташкил топади, улар қасб, пайт, ўрин танламайди: уларни исталган вақтда исталган киши хоҳишига кўра баян овоз билан ёки киргойи қилиб айтавереди. *Мисол:*

*Хавони булут босди,
Ойни кўрмасам бўлмас,
Юракларни ғам босди,
Ёрни кўрмасам бўлмас.*

*Ёш болалар ўйнайди,
Тол ёғочдан от қилиб.
Ошиқ йиғит йиғлайди,
Сўйганини ёд қилиб.*

2. **Меҳнат қўшиқлари.** Улар халқ шеърятининг энг қадимий шаклидан бўлиб, бу шеърят ибтидоий инсоннинг меҳнат фаолияти билан бевосита алоқадорликда вужудга келган. Меҳнат қўшиқлари меҳнат тури жараёнида ижро этилади, бундай қўшиқлар матнида ўша меҳнат тури билан боғлиқ асбоб ёки бошқа воситалар ва уларга мурожаат этиш мотивлари етакчилик қилади. Бизгача етиб келган меҳнат қўшиқлари куйидагилардир:

а) **Дехқончилик билан боғлиқ қўшиқлар:** қўш қўшиқлари, ўрим қўшиқлари, «Тулмадингми, Қорадарё», янчиқ қўшиқлари («Хўп майча»лар (Майдагул)), ёрғичоқ қўшиқлари.

б) **Чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар:** соғим қўшиқлари: хўш-хўш (говмишим), турей-турей, чуриялар.

в) **Хунармандчилик билан боғлиқ қўшиқлар:** чарх қўшиқлари, бўзчи қўшиқлари, ўрмак қўшиқлари (*Ўзбек аёлларининг ғилла, шолча тўқиш билан боғлиқ меҳнат қўшиқлари*), кашта қўшиқлари (*Каштакнинг турлари: санама, илма, жамалак, йўрма*).

3. **Мавсумий - маросим қўшиқлари:**

Иил фасллари тасвирланган қўшиқлар **мавсум қўшиқлари** дейилади. Қадимги қўшиқларнинг намуналари Маҳмуд Қошғарийнинг **«Девону луғотит турк»** асари орқали етиб келган. Бизгача етиб келган мавсумий - маросим қўшиқлари куйидагилар:

а) **Суст хотин (ёмғир чақирш қўшиғи).** Суст хотин қадимги зардуштийлик (оташпарастлик) динида муқаддас саналган Тишгириянинг халқ ўртасида номи ўзгариб кетган образидан иборат. Бунда баҳор ойларида ёмғир етарлигича ёғмаса, қишлоқ аёллари йиғилишиб, полиз қуриқчисига ўхшаш қўғирчоққа кекса аёл кўйлагини кийдириб, қишлоқдаги барча хонадонларга киришиб, «Суст хотин»

қўшигини айтиб юрганлар. Хонадон эгалари уларни шодлик билан қарши олиб, қўғирчоқ устидан сув сепишиб, маросим иштирокчиларига хайр-садақа қилишган. Маросим тутагач, йиғилган хайр-садақа ҳисобига Суст хотинга атаб катта ис чиқаришган. Суст хотин зардуштийларда ёмғир тангриси (*осмон сувлари худоси*) ҳисобланган.

б) *Чой момо (шамол тўхтатиш)*. Бундай қўшиқларда илтижо қилинадиган Чой момо тарихан Чуй момо, яъни «шамол момо» образидан иборат бўлиб, у зардуштийларнинг шамол тангриси ҳисобланган. Бу маросим қуйидагича ўтказилган: Икки кампир эски кийим ва чопон кийиб, юзларига қора куя суртишиб, қўлларига асо ушлашиб олдида «Чой момо» қўшигини айтиб юришган. Бўй етиб қолган бешта қиз бошларига шолча ёпиб, кампирлар оргидан эргашиб қўшиққа жўр бўлиб юришган. 7-8 ёшлардаги бир ёки бир неча ўғил болалар хуржун осилган эшакларга миниб, хонадонлардан хайр-садақаларни йиғиб юришган. Эшакка ўқдоғ, юмшоқ супурги ва кели сопи судратиб қўйилган. Маросим тутагач, йиғилган хайр-садақа ҳисобига шамол тангриси шарафига ис чиқарилган. «Чой момо» маросимлари ҳозир Қозоғистоннинг Туркистон, Сайрам атрофларида япковчи ўзбеклар орасида сақланиб қолган.

Қўшиқдан намуналар:

...Боса-боса беринглар, Чой момолар ўлибди; Чой момо, чой, чой, чой
 Босилиб қолсин қув шамол. Уғли етим қолибди. Чайилиб қолсин бу шамол.
 Уча-уча беринглар, Чой момонинг онаси, Боса-боса беринглар,
 Училиб қолсин бу шамол. Амакимга борибди. Босилиб қолсин қув шамол...

в) *Ё, Ҳайдар (шамол чақиритиш)*. Қўшиқда шамол ҳомийси сифатида Ҳайдарга, яъни Муҳаммад алайҳиссаломнинг қувёи, тўртинчи халифа Алига мурожаат қилинади. Бу қўшиқнинг қуйидаги 4 мисрасигина сақланиб қолган:

Ҳайдар, ота-онанг ўлибдир,
 Моли сенга қолибдир.
 Боланг сувга оқибдир,
 Шамолнингни қўйворивор.

МАҚОЛ - халқнинг доно, пурҳикмат ифодалари, йирик маданият арбоблари, олимлар, давлат арбобларининг ибратомуз гаплари, халқнинг ҳаётий тажрибалари асосида юзага келган доно фикрларни ихчам шаклда ифодаловчи асарлар. Мақоллар шеърый ва насрий тузилишга эга. Уларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, мардлик, саҳйлик, адолат, инсоф, дўстлик, олижаноблик, чин инсоний ғоялар, соф муҳаббат, илм олишга даъват кабилар ўз аксини топган. Мисоллар: «*Азоб кўрмай - роҳат йўқ*», «*Ишламай еган - оғримай ўлар*», «*Тиришган тоғдан ошар*», «*Ватанинг тинч - сен тинч*», «*Уйқу жой танламас, муҳаббат - чирой*», «*Беташъ-ш бош қайда, меҳнатсиз ош қайда*», «*Хунар - хунардан унар*», «*Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар*» ва бошқ.

МАТАЛ - кўча маънода ишлатилувчи халқ мажозий ибораларининг бир тури. Матал ўз маъносидан бошқа маънога кўчирилган сўз бирикмаларидан иборат бўлади, унда ўхшатиш, киноя, қочирма сўз ва бошқа тил воситалари қўлланилади. Бунда мажозий иборанинг ўз асл маъноси билан кўчирилган маъноси ўртасида манتيқий боғланиш бўлади. Мисоллар: «*Темирни қизигида бос*», «*Чумчүк сўйса ҳам қассоб сўйсин*» ва бошқ.

ТОПИШМОҚ - нарса ёки ҳодисаларнинг атайлаб яширинган белгиси, шакли, хатти-ҳаракати, ҳолати ва вазифасини бошқа нарса ёки ҳодисаларга қиёслаш асосида топилга асосланган шеърый ёки насрий тузилишдаги савол ва топшириқлар. Топишмоқлар ўзбеклар ўртасида «*топишмоқ*», «*жумбоқ*», «*жумоқ*», «*жумук*», «*тол-тол*» каби атамалар билан юритилади. Топишмоқлар халқ турмуши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда яратилади. Уларнинг заминда кишиларнинг қадимий эътиқод ва тасавурлари, уларнинг оламни билиш ва идрок этишга бўлган интилишлари ётади.

- Мисоллар:** 1. *Ақа ўтдим билдингми,
Бақа ўтдим билдингми?
Оқ қуврайнинг бошини
Чертиб ўтдим, билдингми? (тамол)*
2. *Ош ичида тош
Тош ичида ош (ўрик)*
3. *Ер тағида муштдай гушт
(томоғом)*
4. *Сувга тушса мингта,
Сувдан чиқса битта. (Отинг думи)*
5. *Асалдан ширин, захардан аччиқ.
(сўз)*

АФСОНА - ҳаёлий уйдирмалар асос бўлган кичик насрий ҳикоялар ҳисобланади. *«Афсона»* атамаси форсча *«фусун»* (*«сехр, авраш, макр»*) сўздан олинган. Афсоналар асосида муайян даражада тарихий воқеа ва ҳодисалар ётади, узоқ даврлар ўтиши билан ўзининг аниқ илдизларини йўқотади, воқеликни юксак бадиийликда акс эттирмайди. Уларда асосан осмоний ҳодисалар эмас, балки ярим ҳаётий, ярим ҳаёлий воқеалар тасвирланади. Афсона ижрочиси халқ оммасидир. Аристотель афсоналарни *«ҳақиқатдан хабар берувчи ёлғон ҳикоялар»* деб атаган. Афсоналар ўз мавзусига кўра *тарихий, топонимик, диний, маиший* каби турларга бўлинади. **Мисоллар:** *«Ҳазораст», «Гулдурсун», «Аёз қалъа», «Шоҳсанам кўшики», «Обшир ота», «Тумарис», «Широқ»* ва бошқ. Қадимги туркий адабиётда афсона *«сао»* деб номланган. Афсоналар тарих билан боғлиқдир.

РИВОЯТ - халқнинг тарихий ўтмиши ҳақидаги бадиий ёдномалар. Биз ривоятлар ва афсоналар туфайли аждодларимиз кўрсатган буюк қаҳрамонликлар ҳақидаги тарихни билиш оламиз. Ривоятлар афсоналарга қараганда тарихга янада яқин туради. Улар ҳам халқ ижодиридир. Эртакни эртакчи, дostonларни бахшилар ижро этганлари ҳолда афсона ва ривоят исталган киши томонидан айтилиши мумкин.

АСОТИР (миф) - ибтидоий инсонларнинг коинот, табиат ҳодисаларининг меҳияти, пайдо бўлиш сабабларини ўзларича изоҳлаш мақсадида яратган оғзаки ҳикоялари. Асотирларда барча мавжудот жонли образлар воситасида ҳаракат қилади. Бирор нарса ёки ҳодисанинг пайдо бўлиши (этиология) ва йўқолиб кетиши (эсхатология) ҳақида ҳам жуда кўплаб асотирлар мавжуд. Асотирлар эртактарга яқин туради. Уларнинг ҳар иккисида ҳам фантастика, бадиий ҳаёлот етакчилик қилади. Қаҳрамонларга ғайри - одатий сифатлар «юкланади». Асотирлар бир қанча турларга бўлинади: а) *Этиологик мифлар* - табиат ҳодисалари, табиатдаги бирор предметларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифлар; б) *космогоник мифлар* - дуненинг пайдо бўлиши, коинот жисмлари ҳақидаги мифлар; в) *этногоник мифлар* - бирор уруғ, қабиланing пайдо бўлиши ҳақидаги мифлар; г) *антропологик мифлар* - инсонларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифлар; д) *эсхатологик мифлар* - инсонларнинг келажаги ҳақидаги мифлар ва ҳ.к. Мисол: *Азиз Момо (қиш фасли ҳақида), «Ой билан Кун» (оилавий ҳаёт ҳақида, бу асотирда қўлланган «Юлдуз учди» деган тушунча Ой уйқуга кетганда, Кун болаларидан бирини олиб қочмоқчи бўлгани билан боғлиқ).*

АЗИЗ МОМО

Қадим замонларда Азиз Момо исми кекса бир кампир яшар экан. Унинг тўқсонта ўғли бўлиб, тўқсон кун - қишининг ҳар бир кунини Азиз Момонинг бир ўғлига бағишланган экан. Агар тўқсон кун қиш илиқ ўтса, Азиз Момо даргазаб бўлиб, ўз ўғилларига «Тўқсон, тўқсонинг ҳам менинг бир кунимча йўқсан» деб койиб берар экан. Шундан кейин у «Азиз Момо кунлари» деб аталувчи Наврўз арафасидаги олти кун мобайнида қаттиқ совуқларни юборар эмиш.

ЭРТАК - ҳаёт ҳақиқатига асосланган, ҳаёлот ва фантастика хусусиятлари билан йўғрилган, одамларга ибрат-ўғит берувчи оғзаки ҳикоялар ҳисобланади. Эртактарда халқнинг маиший турмуши ва қаҳрамонликлари, инсонпарварлик ва ватанпарварлик, чин сеvgи ва вафодорлик ҳақидаги орзулари ҳаёлий ҳамда ҳаётий уйдирмалар воситасида ҳикоя қилинади. Ўзбеклар ўртасида эртактар *«варсоқ», «ўйичак», «утуқ», «масала»* каби атамалар билан юритилади. Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарига эртактарнинг *«этуқ»* тарзида ишлатилганлигини кўрсатиб ўтади. Эртактарнинг ўзига хос

жанр хусусиятлари куйидагилар. 1) *Оғзаки ҳикояги асосланган қил-ҳарм сюжетга эга бўлиши*; 2) *воқеаларнинг онгли тарзда ҳаёлий уйдирмалар орқали акс эттирилиши*; 3) *Эстетик вазифанинг этакчилик қилиши*; 4) *ўзига хос бадиий шаклий қолиш ҳамда тилга эга бўлиши* (эртаклар «бир бор экан, бир йўқ экан»... каби махсус бошламалар билан бошланиб, «мурод-мақсадига етипти», «бирга туриб, бирга яшаптилар», «соқоли кўксига етипти» каби махсус тугалланмалар билан якулланади). Халқ эртаклари мазмунан 3 гуруҳга бўлинади:

1. *Ҳайвонлар ҳақидаги ҳамда мажозий эртаклар* (Мисол: «Сусамбил», бу эртакда йўлда эшакка хўкиз, хўроз, иккита каламуш, арилар ҳамроҳ бўладилар. Эртак қаҳрамонлари: Хўкиз (мункарнакир), қаламушлар (гўрковлар), арилар (Азроил, хўроз (сўфи), эшак (эшон), бўрилар).

2. *Сеҳралар - фантастик эртаклар* (Мисоллар: «Гулиқарҳаҳ» (бу эртакда Тилла кокилли бола шум кампирнинг хийласи билан Гулиқарҳаҳни, қирқ қозонни, оинаи ҳажоннамонни қўлга киритади. Эртак қаҳрамонлари: Тилла кокилли бола, Гулиқарҳаҳ, чол, қуш (ўз фарзандини танимаган подшоҳга тилла кокилли бола унинг фарзанди эканлигини айтган), подшо (икки хотинини ва шум кампирни отнинг думига боғлаб ўлдирган), шум кампир ва бошқ. «Битта дев тишини каяласа, бир одамнинг сони чиқибди» деган шўрболага ҳам шу эртакда учрайди), «Хусниябону» (Эртак қаҳрамонлари: Гарданш, Нодираи даврон, Хусниябону ва бошқ. Эртакда Хусниябону ўғриларнинг бошлиғи эшон эканлигини айтганда, подшо дарғазаб бўлиб, уни осишга буюради, лексин вазирнинг маслаҳатига кўра Хусниябону ва унинг доясини дашту биёбонга ташлаб келишадди, дарахт остидан топиб олган хазинани Хусниябону етим-есирларга шаҳар куриш учун сарфлайди), «Гулжамол»).

3. *Ҳаётий-маиший эртаклар* (Мисол: «Маликка Хўсробод»).

Воқеликка ҳажвий ёндашиш орқали акс эттириш жиҳатидан ўзбек халқ эртаклари *ҳажвий* ва *ҳажсий бўлмаган эртаклар* каби турларга бўлинади. Йиқий-саргузашт эртакларида севгида вафодорлик куйланади. Эртаклари эзиб олиш ва нашр қилдириш, асосан XIX асрнинг охири XX аср бошларидан бошланди. Эртакларда ҳар хил воқеалар юз беради. Масалан, «*Олтин балиқ*» эртакда олтин балиқ камбағал ота - бола балиқчиларни подшо қизини даволаб бахтли қилган.

ЛАТИФА - халқ оғзаки ижодининг энг оммавий жанрларидан бири бўлиб, нозик, майин киноя, қочириклар иштирак этувчи кулгули, кичик ҳажмли ҳикоядир. Халқ ўртасида «*афанди*» деб ҳам юритилади. «Латифа» атамаси арабча «*латиф*» сўзидан олинган бўлиб, «*нозик*», «*ёқимли*», «*зариф*» деган маъноларни билдиради. Мустақил жанр сифатида латифа куйидаги хусусиятларга эга: 1) *Ягона қаҳрамон билан боғлиқ ҳолда яратилади* (Насриддин образи, бу образ асосан XIX асрдан бошлаб ўзбек латифаларига кириб келган. XIX асрга қадар латифа қаҳрамони «*биъ киши*», «*Машраб*», форс-тожик латифалари таъсирида «*Мушфиқий*», «*Ба.тул*» ёки туркий халқлар оғзаки ижодида кенг тарқалган «*Алдар кўса*», «*Кўса*», «*Кал*» каби турлича номлар билан юритилган. Халқ орасида бу образ «*Насриддин афанди*», «*Хўжа Насриддин афанди*» ёки «*Афанди*» каби шаклларда қўланади). 2) *Ихчам сюжетга эга бўлади*. 3) *Асар конфликтли, қаҳрамони ва унинг «муҳолифи» ўртасидаги мулоқот диалог орқали ҳал этилади*. Латифаларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг ҳамма вақт ҳаёт билан ҳамнафас, ҳамқадам боришидир. Латифалар мазмуни ва воқеликка муносабати жиҳатидан икки турга бўлинади: а) *ҳажсий латифалар* - уларда Насриддин афанди йирик давлат арбоблари, сарой аҳли, муфти ва қозилар, ҳоким ва миршаблар, маккор муллалар ва жоҳил табиблар даврасида тасвирланади. б) *юмористик латифалар* - уларда Афанди бевосита оиласи, болалар, қўни-қўшни ва маҳалла-қўй даврасида тасвирланади. Латифани махсус ижро этувчилар йўқ. Уни ҳар ким айтавериши мумкин. Латифа анекдот (гр. «босиб чиқарилмаган») деб ҳам

юритилади. Термин сифатида анекдот биринчи марта VI асрда Византияда қўлланилган.

ЛОФ - бирор воқеани ўта бўрттириб айтиш, ҳазил-мутойибага асосланган жанр. *Мисол:* *Бир куни икки лофчи учрашиб қалишибди.*

- *Раҳматлик отамнинг бўйи чунон узун эдики, боши осмонда юрарди, - дебди бир лофчи.*

- *Ушанда отангизнинг бошига бирор нарса тегиб турармикан? - деб сўрабди иккинчиси. Ҳалиги лофчи булутни айтяпти, деб ўйлаб:*

- *Ҳа, тегиб турар экан, - деса, иккинчи лофчи:*

- *Уша тегиб турган нарса, раҳматлик отам кийган тўннинг этаги эди, - дебди.*

ЛАПАР - халқ қўшиқларининг бир тури, асосан, икки киши томонидан ёки икки тараф томонидан айтилади. Лапар *айтиш* деб ҳам юритилади.

Мисол: Қиз: *Ота-онам йўл бермас,* Йигит: *Келдинг, кетма ёнимдан,*

Уйнамоққа сен билан.

Кўнгилларни очайлик.

Ишқингда куйдим ўзим,

Юр жонгинам, шу оқшом,

Алам билан, ғам билан.

Бу ерлардан кетайлик.

ТЕРМАЛАР - панд-насихат, одоб-ахлоқ, соз ва сўз ҳақида яратилган ижтимоий ҳаётдаги турли ҳодисалар, шахс ва жониворларнинг таърифи ва танқидига бағишланган, бахшчилар томонидан қўйланган 10 - 12 сатрдан 150 - 200, баъзан ундан ҳам ортиқ мисраларгача бўлган лирик, лиро-эпик шеърлар.

Мисол: Қошининг қаросига,
Хол бўлай орасига.
Асло раҳминг келмайди
Бировнинг боласига.

Қалдирғоч қора бўлар.
Қаноти ола бўлар.
Ёшликда берган кўнгил,
Айрилмас бало бўлар.

ДОСТОН - халқ оғзаки ижодининг энг мураккаб, йирик ва кенг тарқалган жанрларидан бири. «Достон» сўзи «қисса», «хикоя», «шино шухрат», «саргузашт», «таъриф» ва «мақтов» маъноларида ишлатилади. Бу сўз адабий атома сифатида халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдан йирик ҳажмли эпик асарларни англатади. Фольклор ва ёзма адабиётдаги достонлар бир-бири билан ҳаётни тасвирлаш воситаси ва усулларига кўра жиддий фарқланади. Ёзма адабиётдаги достонлар лирик достон (*Миртемирнинг «Сурат», А. Ориповнинг «Юзма-юз» достонлари*), эпик достон (*Ойбекнинг «Даврим жароҳати», М. Шайхзоданинг «Тошкентнома», Э. Воҳидовнинг «Истанбул фожиаси» достонлари*), драматик достон (*Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни», А. Ориповнинг «Жаннатга йўл» достонлари*) каби уч турга бўлинади.

Достон дастлаб халқ оғзаки ижодида вужудга келган. У лиро-эпик турга киради. Халқ достонларини дўмбира жўрлингида ижро этувчи ва куйловчи санъаткор *шор* ёки *бахши* (*мўғулча «бахша», «багша» сўздан олинган бўлиб, «устод», «маврифатчи» демакдир. Санскритча «бхик шу» сўздан келиб чиққан, деган фикр ҳам бор*) деб аталган. Халқ ижодкорларини ўзбек халқи *бахши* ва *шор*, қозоқ халқи *оқин*, қорақалпоқлар *жирво*, озайбайжонлар *омиш* деб атайдилар. Достонни ижро этувчи бахшчилар минглаб шеърый мисраларни, катта-катта насрий парчаларни ёддан билши, биронта мушқий асбобни чала олиши лозим. Халқ достонларини ижро этиш услубига кўра Булунғур, Кўрғон, Шаҳрисабз, Шеробод, Жанубий Тожикистон ва Ҳоразм достончилиқ мактаблари мавжуддир.

Халқ достонларининг наср қисми сажъ усулида берилган. Уларда бошланма уч муҳим жиҳатни ўз ичига олади, яъни бошланма асарда тасвир этиладиган воқеанинг узоқ ўтмишга оид эканлигини, воқеа ўрнини ва қаҳрамоннинг авлод-аждоди шажрасини кўрсатади.

Фольклоршунослар томонидан ўзбек халқ бахшчиларининг айтиб туриши асосида 150 дан ортиқ (вариантлари билан 400 дан ортиқ) достонлар ёзиб

олинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги китоб ҳолида нашр қилинган. Бу дostonлар куйидаги турларга бўлинади:

1. **Қаҳрамонлик дostonлари:** Бундай дostonлар уруғчилик замонлари билан, халқнинг кўчманчилик ҳаёти билан боғлиқ. Қабила ва уруғлар орасидаги курашлар, низо ва адоватлар, қабила ва уруғларнинг халқ сифатида бирлашиши, давлатчилик курашларининг пайдо бўлиши, уруғ ва қабилаларнинг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган курашлари бу турдаги дostonларнинг майлонга келишига сабаб бўлган. Мисол: «Аттомиш», «Едгор».

2. **Жангнома дostonлар:** Бундай дostonларда ўзаро жанг жадаллар, афсонавий ёки тарихий урушлар, бундай урушлардаги шунинг ёки яқка шахснинг жасоратлари тасвирланган. Мисол: «Юсуф ва Аҳмад», «Алибек билан Балибек», «Холдорхон» ва бошқ.

3. **Ишқий - романтик дostonлар:** Бундай дostonларда севги романтикаси ва фантастик саргузаштлар уйғунлашиб кетади. Мисол: «Муродхон», «Рустамхон», «Кунтуғмиш», «Маликаи айёр», «Равшан», «Гурўғли» туркуми ва бошқ.

4. **Тарихий дostonлар:** Бу турдаги дostonларда тарихда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, айрим тарихий шахсларнинг фаолияти ифода этилган. Мисол: «Эдега», «Шайбонийнома», «Ойчинор» ва бошқ.

5. **Китобий дostonлар:** Улар яратилиш жихатидан ёзма адабий манбага эга бўлган бевосита ёзма адабиёт таъсирида яратилган дostonлардир. Мисол: «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Зевархон», «Рустами дoston», «Баҳром ва Гуландом» ва бошқ.

АСКИЯ - ўзбек халқ оғзаки ижодининг хушчақчақ ва култуви бир жанри. «Аския» атамаси арабча «закый» сўзидан олинган бўлиб, «езди утқир, сўзамол, заковатли» маъноларини билдиради. «Закый» сўзининг кўплик шакли «Аскиё» бўлиб, талаффузда «Аския» кўринишини олган. Аския оммавий жанр ҳисобланади. У олатда халқ сайилди. ғўйларда ва бошқа маросимларда ижро этилади, ҳозиржавоблик, зийраклик ва донишмандликни, тил бойлигини, бадиий-эстетик дидни талиб этади. Аския шунчаки сўзамоллик бўлмай, балки танлаб олинган бир ёки бир неча мавзу атрофида уйғотиладиган културдир. Дунёдаги бирорта бошқа халқда оғзаки ижоднинг аския тури йўқдир. Бу ҳол ўзбек тилининг бойлиги, ифода имкониятларининг кўплиги, маънонинг серқатламлигини кўрсатганидек, халқимизнинг таъби нозик ва серзавқлигидан далолат беради. Аскияни ижро этувчилар *аскиячилар* деб аталади. Аскияларнинг ўз сюжети ва композицияси бўлади. Бу айниқса «Пайров» турида равшан кўринади. Пайров аския айтувчилар танлаган мавзудир. Мисол: «Мева пайрови», «Тил пайрови» ва бошқ.

Кўшиқ пайрови

Маҳмуджон: - Дадавой, отарчилигингиз ҳеч қолмади-қолмади-да! Харидор топилмаса, «Остонамга ночор ўлдим-да, келдим» деб ёпишиб ҳам оласиз. Ё «Гадоларидан бири» мисиз?

Дадавой: - Сизнинг ҳам уйингчилигингиз қолмади-да! «Ноз этма» деса бўлди, йўрғалаб кетаверасиз. Ҳар нарса эви билан-да, «Кам-кам» бўлсин.

ТЕЗ АЙТИШ - маълум сўзни, сўз бирикмасини ёки товушни лўғри талаффуз қилишга, уни бошқа товушлардан фарқлашга ўргатадиган, хотирани мустаҳкамлайдиган ва нутқни ўстирадиган жанр ҳисобланади. Мисол: «Оқ чойнакка кўк қопқоқ, кўк чойнакка оқ қопқоқ», «Қишда кишимш пишмасмиш, Пишса кишимш қишмасмиш», «Бир туп турпнинг томирини туртиб турган бир туп турпнинг томирини бир туп турпнинг томири туртиб турибди».

МАСАЛ (ар. «намуна») - бадиий адабиётнинг энг қадимий жанрларидан бўлиб, унда воқелик мажозий характердаги ўсимлик, ҳайвон, баъзан инсон образлари орқали тасвирланади. Улар кўпинча шеърӣ шаклда, баъзан насрда ҳам яратилиши мумкин. Демак, масал таълимий-тарбиявий мазмунга эга бўлган, кўпроқ майиш-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий мавзуларда, асосан,

мажозий образлар воситасида воқеликни акс эттирувчи кичик ҳикоячалардан иборат. Қадимги Юнонистонда масал жанрида шухрат қозонган шоирлардан бири *Эзоп* (эр. ав.6-5 асрлар) бўлиб, унинг асарларида аччиқ кесатиқ, пичинг устунлик қилар эди. Шу бонс кейинги давр адабиётидаги ўткир ҳажв, аччиқ кесатиқ ва пичингта эга бўлган асар тилига нисбатан «Эзоп тили» атамаси қўлланилади.

Француз адабиётида *Лафонтен* (1621-1695), немис адабиётида *Лессинг* (XVIII аср), рус адабиётида *А. Д. Кантемир*, *А. П. Сумароков*, *А. И. Кривошар*, ўзбек адабиётида *А. Навоий*, *М. Гулханий*, *Ҳамза*, *М. Худойқулов*, *Я. Қурбон*, *С. Абдуқаҳҳор* каби шоирлар ижодида масал жанрининг гўзал намуналари яратилган. *Мисол: Гулханий «Тўя билан бўталоқ», «Маймун билан нажжор», Ҳамза «Тошбақа ва чай», Авлоний «Тулки ила қарға»* ва бошқ.

АЛЛА - болаларни ухлатиш учун оналар айтадиган қўшиқ. Алла оҳангги бешик ёки беланчак тебраниш суръатига мос бўлади.

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ

2 - МАВЗУ. ШЕЪРИЙ ЖАНРЛАР (ЛИРИКА)

Лирика (юн. «лира жўрлигида куйлаш») - бадиий адабиётнинг асосий турларидан бири бўлиб, бирор ҳаётий воқеа-ҳодиса таъсирида инсон қалбида турилган руҳий кечинма, фикр ва туйғулар орқали воқеликни акс эттиради. *Образламлик, жонлантириш, истиора* кабилар шоирона фикр ва шеърни шакллантирувчи бадиий воситалардир.

Шеър - оҳанг жиҳатидан бир тартибга солинган, ҳис-туйғу ифодаси сифатида вужудга келган ҳаяжонли ритмик нутқдир. Шеърний шаклнинг ўзига хослигини, яъни мусикавийлиги ва оҳангдорлигини таъминловчи бир қанча унсурлар бор. Улардан асосийлари қуйидагилар:

1. *Мисра* (ар. «эшикнинг бир табақаси») - бир қатор шеър.

2. *Байт* (ар. «уй») - икки мисра шеър.

3. *Банд* - шеърнинг ўзига хос қофияланиш тартибига эга бўлган қисми. Банлар иккилик, учлик, тўртлик, бешлик, олтилик, еттилик ва ҳоказо бўлади.

4. *Равий* (ар. «юкни тўяга боғлайдиган арғамчи») - қофия асосини ташқил этган, туб сўзларда ўзак охирида, ясама сўзларда эса негиз сўнггида келувчи чўзиқ унли ёхуд ундош ҳарф, яъни тиргак товушидир. Мисол: *шайдо, пайдо, ё* қофиядош сўзларидаги «о» унлиси, *жонимсан, забонимсан* сўзларидаги биринчи «н» ундоши, *кўзимдан, юзимдан, юзимдан* сўзларидаги «з» товуши равий ҳисобланади. Равийдан кейин турувчи ундош ёки чўзиқ унли (баъзан қўшимча) *васл* деб («кўзимдан», «юзимдан», «юзимдан» сўзларидаги «им» қўшимчаси), васлдан кейин турувчи ундош ёки чўзиқ унли *хуруж* деб, хуруждан кейинги ундош ёки чўзиқ унли *мазид* деб, мазиддан кейинги ундош ёки чўзиқ унли *нойра* деб юрнтилади. Мисол: «*сандосидин*», «*истиғносидин*» сўзларидаги «о» товуши равий, «с» - *васл*, «и» - *хуруж*, «д» - *мазид*, *ундан кейинги «и»* - *нафоз* (қисқа унли, эски ўзбек ёзувида ёзилмади), «н» - *нойра* ҳисобланади.

5. *Қофия* (ар. «эргаштирувчи») - ритмик жиҳатдан уюшган нутқда, яъни шеърний мисраларнинг муайян бир ўрнида, кўпроқ мисра сўнгига сўзларнинг оҳангдош бўлиб келиши. Мисол: қон, фиғон, осмон ва бошқ. Қофияланиш тартибини кўрсатиш учун алифбонинг кичик ҳарфларидан фойдаланиш қабул қилинган. Мисол: *Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур, - а*
Ҳижрониди жуз нолайи зорим йўқтур, - а
Дашт узра қуюн киби қарорим йўқтур, - а
Сарғашталигимда иктиверим йўқтур. - а (А. Навоий рубоёиси)

Равий билан тугалланган қофияларни *муқайяд* деб, равийдан кейин ҳарфлар келган қофияларни *мутлақ қофия* деб аташ қабул қилинган.

6. **Радиф** (ар. «отнинг орқасига эргашиб борувчи», «изма-из келувчи») - қофиядан сўнг бутун шеър давомида айнан такрорланиб келувчи сўзлар ва сўз бирикмалари. Шеърда ифодаланаётган атакчи фикрни таъкидлаш, ўқувчи эътиборини асосий ғояга жалб этиб, шоирнинг ғоявий ниятини ўқувчи қалбига тўлароқ етказиш мақсадида хизмат қиладиган ва айнан такрорланадиган сўз ва сўзлар бирикмаси **радиф** дейилади. Мисол:

*Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,
Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай. (Осаҳий)*

*Ёд этмас эмиш кишини гурбатда кимми,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда кимми. (З. М. Бобур)*

7. **Ритм (зарб)** - шеъринг асарда мисраларнинг бир ўлчовли, бир ҳажмли бўлиб келиши. Унинг шеъринг асарлардаги аниқ кўриниши ёки шеъринг нутқини ўлчайдиган мезон вази деб аталади.

8. **Ҳожиб** (ар. «дарвозабон; нардали») - шеърда қофиядош сўзлар орасида айнан такрорланиб келадиган сўз ёхуд сўзлар бирикмаси.

*Мисол: Бири улки юз лутф эрур зотиға,
Ки «Фарҳоду Ширин» эрур отиға. (А. Навоий, «Хамса»дан)*

Лириканинг асосий жанрларига қуйидагилар киради:

Мумтоз адабиётга хос шеъринг жанрлар

ФАРД - мумтоз шеърятдаги энг кичик шеър шакли ҳисобланади. У ўзаро қофияланувчи якки мисрадан иборат. Баъзан улар қофиясиз бўлиши ҳам мумкин. Фардларда турли ички кечинмалар тарбиявий қарашлар ифодаланади. «**Фард**» арабча сўз бўлиб, «якка» «ёлғиз», «ягона» деган маъноларни билдиради. Фард айрим йирик асарларга қиссадан ҳисса тарзида хулоса айтиш учун ҳам келтирилади. Шарқ девон тузиш анъанасига кўра фард қитъалардан сўнг энг охириги ўринда берилади. **Қофиялланиши:** а-а ёки а-б

Мисоллар:

*Бу гулиан ичра йўқтур бақо гулига сабот, -а
Ажаб саодат эрур, яхшилик била чиқса от. -а (А. Навоий)*

*Муруват - барча бермакдур, емак йўқ, -а
Футувват¹ - барча қилмакдур, демак йўқ. -а (А. Навоий)*

¹Футувват-мардлик, йигитлик; карам, саҳоват, жўмардлик.

*Икки кўзунгу лабинг ғамидин -а
Мен хаста ўлуб-ўлуб тирилдим. -б (А. Навоий)*

*Киши айбинг деса, дам урмағилки¹, ул эрур кўзгу, - а
Чу кўзгу тийра² бўлди, ўза айбинг зоҳир айларму?! - а (А. Навоий)*

¹-нафас урмагин. яъни индамай кўя қол ²- хира

КИТЪА - жуфт мисралари қофияланиб, тоқ мисралари очик қоладиган шеър шакли. У икки байтдан 20-30 байтгача ҳажмда бўлиши мумкин. Кўпинча **тўрт мисра (икки байт)**дан ташкил топади. А.Навоий туркий тилда 300 дан ортиқ қитъа ёзган. «**Қитъа**» арабча сўз бўлиб, «қисм», «бўлак», «парча» деган маъноларни билдиради. Уни матлаъсиз ғазалга ўхшатиш мумкин. Бу жанрда арузнинг ҳамма вазналари қўлланади. Қитъа икки хил бўлади: биринчи хили муस्ताқил асар шаклида, иккинчи хили эса ғазал, қасида, таржеъбанд каби бошқа жанрдаги шеърлар таркибидан ажратиб олиш тарзида.

Қофиялланиши: б - а, в - а

*Мисол: Чун ғараз сўздин эрур маъни анго, - б
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр. - а*

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини, - в
Кўрма ким дер они, кўргил ким не дер. - а

Бу қитъа сўзлаш маданиятига ҳақида бўлиб, Навоий қаламига мансубдир.

Тунга сизмасмен фараҳдин гул каби, - б

Келса ул сарви равон бир-бир манга. - а

Мунча йил кетган бу бахту давлатим, - в

Шукриллаҳким, келур бир-бир манга. - а

(Лутфий)

МАСНАВИЙ - ўзаро қофияланувчи икки мисрадан иборат шеърини шакл.

«**Маснавий**» сўзи арабча бўлиб, «**иккилик**», «**жуфт**» деган маъноларни билдиради. Кўпгина асарлар маснавий усулида ёзилган бўлиб, бу шакл ўрта аср мумтоз адабиётимизда энг кўп қўлланган. **Мисол:** «**Ҳамса**»лар, **М. Солиҳ** «**Шайбонийнома**», **Муқимий** «**Танобчилар**», **Фурқат** «**Илм хосияти**» ва ҳок.

Ўзбек адабиёти тарихида маснавий йўли билан яратилиб, бизгача тўла ҳолда сақланган асар Ю. Х. Ҳожибнинг «**Қуталғу билиг**» достонидир. Бу йўли билан ҳар қандай воқеани эркин ифодалаш мумкин. Маснавийни «**достон**» ҳам дейишади. А. Навоий маснавий жанрини «**васъе(кег) майдон**» деб таърифлаган. **Қофияланиши:** а-а, б-б, в-в...

Мисол: ...**Недур аҳволинг, эй зори ғарибим,** - а
Висолим давлатидин бенасибим? - а

Чекардин ғам тоғин ҳолинг нечукдур? - б

Бу юкдин жисми чун нолинг* нечукдир?... - б

(А. Навоий, Шариннинг Фарҳодга мактубидан)

*Нол - қамиш қалам ичидаги ингичка томир, қилтирик

ҲАЗАЛ - ишқ-муҳаббатни куйлайдиган лирик шеър. Ҳазал атамаси дастлаб VI-VII асрларда араб шеърлигида пайдо бўлган, X асрда форс адабиётига, XIV аср бошларида туркий адабиётга кириб келган. Унинг туркий тилдаги дастлабки намуналари **Равғузид**да учрайди. Ҳазалда ишқий мавзу етакчилиқ қилади. Зеро унинг луғавий маъноси «**ошиқона сўз**» демакдир. Ҳазал ҳам жиҳатидан ўртача 3 байтдан 19 байтгача бўлади, биринчи байт **матлаъ** (**мабдаъ**) деб аталиб, ундаги мисралар ўзаро қофияланади, қолган байтлардаги жуфт мисралар матлаъга қофиядош бўлади. Ҳазалнинг охириги байти **мақтаъ** деб аталиб, унда шоирнинг адабий таҳаллуси келтирилади. Ўзбек адабиётини Ҳазалларни қофияланиш тартибига кўра қуйидагича тасниф қилинади:

1. **Оддий Ҳазал** - Ҳазалнинг бу тури жуда кенг тарқалган. **Қофияланиши:** а-а, б-а, в-а... 2. **Ҳазали ҳусни матлаъ** - бунда Ҳазалнинг биринчи байтидан ташқари иккинчи байти ҳам қофияланган бўлади. **Схемаси:** а-а, а-а, б-а, в-а. г-а... 3. **Ҳазал-қитъа** - бундай Ҳазалнинг қофияланиш тартиби қитъанинг қофияланиш тартиби билан бир хил бўлади: б-а, в-а, г-а, д-а... 4. **Ҳазали мусажаъ** - бу Ҳазалда одатдаги қофиялардан ташқари ички қофиялар ҳам бўлади. 5. **Ҳазал-мушашъ** - бу Ҳазалнинг тузилиши мувашшаҳнинг айни ўзини эслагани. 6. **Ҳазал - мушоира** - бу Ҳазал икки ёки ундан ортиқ шоирнинг диалогни мунозараси тарзида тузилади. 7. **Ҳазал-зулқофиятайн** - бу кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, унда ҳар бир байт ўзаро қофияланади: а-а, б-б, в-в, г-г... 8. **Ҳазали зеб қофия** - бунда Ҳазалнинг барча байтлари қофияланган бўлади. Бу ҳам кам учрайдиган ҳодисадир. **Схемаси:** а-а, а-а, а-а, а-а... 9. **Ҳазал-чистон** - бу топшимоқнинг ўзи. 10. **Ҳазал-пазира (тамабуъ, таъмин)** - шоирнинг бошқа бир шоир Ҳазалига ўхшатиб ёзилган Ҳазалидир.

Тузилиш жиҳатидан Ҳазаллар қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Мустақил байтлардан тузилган Ҳазал** - ҳар бир байтида алоҳида-алоҳида мазмун яхлит ҳолда бундай турдаги Ҳазалнинг гоёвий мундарижасини ташкил этади. Бу Ҳазал тури кўп мавзули бўлади. Мустақил байтлардан тузилган Ҳазалларга бир пайтлар «**пароканда**» сўзи адабий атама сифатида қўлланган. Бу сўзнинг луғавий мазмунига оид «**тўзғитилган**», «**тартибсиз**»

маънолари мустақил байтлардан тузилган ғазал хусусиятларига ётдир. Навоий ўзидан олдинги ғазалнавислар услубидаги айрим хусусиятларни танқид қилади. Ғазалларнинг композицион жиҳатдан парокчада («*бир байт мазмуни висол баҳориди, яна бири фироқ хазониди*») шаклда яратилиши улут санъаткорни қаноатлантирмайди. У якпора ғазал шаклини маъқул кўради.

Мисол: А. Навоий «Меҳр умиди тутмангиз», «Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз...».

2. *Мусалсал ғазал* - таркибида лирик воқеа, манзара, фикр ва кечинма сатрлар силсиласида даражама-даража ривожланиш хусусиятига эга бўлган ғазал. Бу ғазалларнинг энг олий навидир. *Мисол: А. Навоий «Ишқ ўти - азал қисмати» («Жонга чун дермен...»)*

3. *Якпора ғазал* - ҳар бир байтининг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байтларга изчил боғланган бўлади. Якпора ғазалнинг мазмуни матлабда кўтарилган бир мавзунинг изчил ёритиш жараёнида вужудга келади. *Мисол: А. Навоий «Қаро кўзум», «Кеча келгумдир дебон...», «Не наво саз айлағай булбул гулистондин жудо», «Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар», «Дўстлар, аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз».*

4. *Воқеабанд ғазал* - воқеликнинг бир бўлаи ифодаланади, ҳамма байтлари бир мавзунинг ёритишига, бир гоёвий мазмунини илғари суришига қаратилган бўлади. Сюжетли ғазалга нисбатан «воқеабанд» атамаси билан бирга «лирик ҳикоя», «лирик новелла» истилоҳлари ҳам қўлланилади. Воқеабанд ғазаллар икки хил: бирор воқеа муносабати билан ёзилган ёки аниқ тарихий воқеага асосланмай, оддий лирик сюжет заминига қурилган бўлиши мумкин. *Мисол: А. Навоий «Оразин ёпқач...».*

Ғазаллар гоёян бу мавзусига кўра *ошиқона, орфона, рилдона* (ҳаробатий, айш - ишратдан тийинмовчи киши ҳақидаги), *ҳажсий, юмористик, ахлоқий, таълимий, публицистик ва таъбат тасвирга бағишланган* бўлиши мумкин. Ғазалларда кўпинча 2 та марказ бўлган: *бири-лирик қахрамоннинг аҳволи, иккинчиси - машуқа таърифи*. Барча образ ва ифодалар шу икки марказга келиб туташган. Шарқ мумтоз адабиётининг бу шакли Европа адабиётида ҳам шундай шакллар пайдо бўлишига тўртки бўлди.

Мисол:

Ўн саккиз ёш ҳайратлари

Матлаб { *Ўн саккиз минг олам ошуби¹ агар бошиндадур,* - а
Не ажаб, чун сарвинозим² ўн саккиз ёшиндадур. - а

Деса бўлғайким, яна ўн саккиз йил ҳусни бор, - б
Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур. - а

Ўн саккиз йил, дема, юз саксон йил ўлса³, улдурур - в
Ҳусн шоҳи, ул балоларким, кўзу қошиндадур. - а

Ҳайрат этмон⁴ ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки, бор - г
Барчаси эзид⁵ таоло сунъи⁶ наққошиндадур. - а

Тан анга сийм-у⁷ ичинда тои музмар⁸ кўнглидин, - д
Ақлга юз ҳайрат, ул ойнинг ичу тошиндадур. - а

Май кетур, эй муғки⁹, юз ҳайрат аро қолмиш Масих¹⁰ - е
Бул ажабларким, бу эски дайр¹¹ хуффошиндадур¹². - а

Мақтаб { *То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк¹³,* - ё
Ҳар қачон боқсанг, кўёш акси анинг ёшиндадур. - а
(А. Навоий «Бадоеъ ул-васат»дан)

- | | | |
|--------------------|------------------------|-------------------------------|
| 1 - гаффо, туполон | 5 - худо | 9 - майхона |
| 2 - гузал | 6 - ясап, худрат | 10 - Исо пайгамбарнинг лақаби |
| 3 - бўлса | 7 - кумуш, мажозан: оқ | 11 - бутхона, бу ерда майхона |
| 4 - этмайман | 8 - яширин | 12 - қўршапалак |
| | | 13 - кўз ёши денгизи |

ТУЮҚ - бевосита туркий адабиётда шаклланган бўлиб, қатгий рамали мусаддаси мақсур (*фоолотун, фоолотун, фоолун*) вазида ёзиладиган, тўрт мисрадан иборат бўлган, мисра охирида радифлар омоним сўзлардан иборат бўлган шеър. Бу жанр сўз уйинига таянади, у тажнисни қофия қилиб келтириш асосида яратилади. «Туюқ» соф туркча сўз бўлиб, «*ечилмайдиған қилиб туймоқ*», «*нигаллаштирмоқ*» маъноларини аңглатади. А. Навоий туюқни «*турк шуаросининг хоссаси*» деб таъкидлаган ва ўзининг «*Мезон ул-авзон*» асарига қуйидагича таъриф берган: «*Бирси туюқдирким, икки байтқа муқаррардур ва саби қилурларким, тажнис айтмағай ва ул вази рамали мусаддаси мақсурдир...*». Туркий ёзма адабиётда дастлабки туюқ намуналарини Юсуф Хос Ҳожиб яратган. А. Навоий 13 та, Бобур 17 та, Лутфий 70 та, Отақий 8 та, Ҳабибий 9 та туюқ ёзган ва ҳок. *Қофияланиши*: а-а-а-а ёки а-а-б-а ёки б-а-в-а. *Мисоллар*:

Тиғи ишқинг ёрасидур¹ бутмаган² - а
Дардини ҳар кимга айтиб бутмаган³ - а
Ҳажр саҳросидур оҳим ўтидин - б
Анда гул ёхуд гиёҳе бутмаган⁴ - а (А. Навоий)

- 1 - яра 2 - битмаган 3 - тутатмаган 4 - унмаган, усмаган

Кўз ёшим тупроқ ила гар қотила¹,
Келмагайман жавридин, ҳаққо, тила².

Ғамзаси ўлтирдию, ул бехабар,
Мен агар ўласам, не ғам ул қотила³. (Лутфий)

- 1 - аралашса 2 - тил очолмайман 3 - қотилга
- Чархи кажрафтор элиндин ёза мен¹,*
Чиқмадим ҳижрон қишиндин ёза мен².
Бир мени ёрлик била ёд этмас ул,
Ҳар неча ул шаҳга қуллуқ ёзамен³. (Лутфий)

- 1 - ёзмаман 2 - ёзга мен 3 - илтижо қиламан, ялниманман

РУБОИЙ - ўзбек мумтоз адабиётида кснг қўланиб келинган, ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб шажараларида ёзиладиган, тўрт мисрадан иборат ишқий, ахлоқий, сиёсий-фалсафий мавзулардаги шеър. «Рубоий» атамаси арабча бўлиб, «*тўртлик*» маъносини билдиради. Форсийларда «*Дубайтий*» (икки байтли) деб ҳам аталган. Бу ҳақда Алишер Навоий «*Мезон ул-авзон*» асарига шундай дейди: «*Рубоий вазиким, уни «дубайтий» ва «тарона» ҳам дерлар, ҳазаж баҳрининг «ахрам» ва «ахраб»идин истихроҷе қилибтурлар ва ул вазнедур асру хушоянда ва вазнедур бағоят рабоянда...*». Рубоийлар 2 хил бўлади:

1. *Оддий рубоийлар* (рубоийни хоса ёки хосий рубоийлар): қофияланиши: а-а-б-а
 2. *Таронаи рубоийлар* (рубоийи тарона): қофияланиши: а-а-а-а

Мисоллар: Оддий рубоий:

Ғурбатда¹ ғариб² шодмон бўлмас эмиш, - а
Эл анга шафиқу³ меҳрибон бўлмас эмиш. - а
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса, - б
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш. - а (А. Навоий)

«Ғароиб ус-сиғар», 55-рубоий.

- 1 - мусофирлик 2 - бечора, мусофир 3 - шафқатли, марҳаматли

Таронаи рубоий:

Кўз била қошинг яхши, қабоғинг яхши, - а
Юз била сўзинг яхши, дудоғинг яхши. - а
Йилинг бирла менинг яхши, сақоғинг яхши, - а
Бир - бир не дейин боғдин аёғинг яхши. - а (А. Навоий)

МУСТАЗОД - «орттирилган» деган маънони ифодалайди, ғазалга монанди шеър мисраларидан ҳар бирига яна ярим мисра орттирилади, оқибатда ҳар қатори бир ярим мисралик шеър ҳосил бўлади. *А. Навоий* «Мезон ул-авзон» асарида мустазодни «*қўшим*» деб атаган ва қуйидагича таъриф берган: «*Ва яна халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани аҳраби мақфуфи маҳзүф вазида анга байт боғлаб битиб, анинг мисрасидин сўнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотиға келтурурлар эрмини ва ани мустазод дерлар эмиш...*». Мустазод ҳазажи аҳраби мақфуфи маҳзүф вазида ёзилган ғазалга қўшимча икки рукн (аҳраб ва маҳзүф) орттирилган шеър ҳисобланади. Қофияланиши: а-а, б-а, в-а... Ўзбек адабиётида Огаҳийга нисбатан «*муқиммат мустазод камфиётчиси*» деган таъриф қўллашади. Чунки у мустазоддаги яримта мисрани жуфтлаштирган.

Мисол:

*Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул
Бир ошиқи ҳайрон,
Дийдорингга шайдо.
Бир шефтадур коқули мушкинингга сунбул,
Ҳам ҳоли паршон,
Ҳам бошида савдо. (Огаҳий)*

3 - МАВЗУ. ШЕЪРИЙ ЖАНРЛАР (давоми)

МУСАММАТ - бандли шеърлар бўлиб, мусаммат деганда, *мураббаъ*, *мухаммас*, *мусаддас*, *мусаббаъ*, *мусамман*, *муашшар* шакллари англашилади. Бу атама арабча бўлиб, «*ялга терилган марварид*» маъносини англатади.

МУСАЛЛАС (ар. «*учлик*») - уч мисрали банд усулида ёзилган шеър. Ғарбда *терцина* деб аташади. Қофияланиши: а-б-б, в-г-г ёки а-б-а, в-г-в...ёки а-а-а, б-б-б... ёки а-а-б, в-а-б, г-а-б... Мисол:

Дардига дармон истамас

Бизни Туркистон эли дардига дармон истамас - а
Зулмат ичра кечса умри, моҳи тобон истамас, - а
Ухлама кўн, ўзбек эли, асри тараққий вақтида. - б

Кўнглидур ошуфтаи¹ лавҳи тараб², нафсу ҳаво³, - в
Тилга зиллат ҳанжари бағрини Луқмон истамас, - а
Ухлама кўн, ўзбек эли, асри тараққий вақтида. - б

Қўлидадир доми тамаъ⁴, кўзидадур кайфи хумор, - г
Соч оқоруб қадди ҳам бўлса пушаймон истамас, - а
Ухлама кўн, ўзбек эли, асри тараққий вақтида... - б (Ҳамза)

¹ Ошуфта - ошиқ, шайдо. ² Лавҳи тараб - шодлик ёзуви. ³ Нафсу ҳаво - нафс истаги, махшиятга майл. ⁴ Доми тамаъ - таъма туюғи.

МУРАББАЪ (ар. «*тўртлик*») - ўзаро қофияланган тўрт мисралик банд усулида ёзилган шеър. Қофияланиши: а-а-а-а, б-б-б-а, в-в-в-а...

Ёрга етар кун борму, ёронлар

Ҳамду санолар айтай худога, - а
Ёрга етар кун борму, ёронлар? - б
Етгайму додим нозук адога, - а
Ёрга етар кун борму, ёронлар? - б

Шум толашдан кўрдум жафони, - в
Золим рақиблар кўрди вафони, - в
Ҳолим сўр элди, бергил давони - в
Ёрга етар кун борму, ёронлар? - б

Бу булдайинким фарёд этарман, - 2
 Ишқ дафтарини бунёд этарман, - 2
 Кунгумни бир дам мен шод этарман, - 2
 Ёра тар кун борму, ёронлар? - 6 (Машраб)

МУХАММАС (ар. «бешлик») - бешлик банд усулида ёзилган шеър.
 Мухаммаслар икки хил бўлади: 1. Бир шoirнинг ўз мухаммаси (муस्ताқил мухаммаслар) 2. Тахмиш - бошқа шoirга эргашиб, издошлик, маслакдошлик, унинг газалидан таъсирланиш, илҳомланиш, унда ўз фикр-кечинмаларига ҳамоҳанглик кўриш асосида ўхшатма усулида ёзилган мухаммаслар.
 Қофияланиши: а-а-а-а-а, б-б-б-б-а...

Яхши вақтлар ёд этиб, уздин кетиб, элдин қолиб¹, - а
 Ҳарга тифли шикдек айни назарлардин² солиб, - а
 Носара дирҳам сифатлик рад қилиб, қўлга олиб³, - а
 Листи фарсуда, юзи катиб, аёғларда қолиб, - а
 Кўхна тиғи тах-батаҳ ғам занги тутган кундима⁴ - б (Турди Фароғий)

1. Мисра мазмуни: Утган яхши кунларни эслаб, ўзимдан кетар даражага етман. Эҳ, элдан қанчалик ажрашиб, орқага қолиб кетибман-а! 2. беҳуда 3. одамлар яхши бўлмаган пул қаби, мени ҳам ёл о олалиган бўлиб қолдилар. 4. ўтмас пичоқман.

МУСАДДАС (ар. «олтилик») - ҳар бир банди олти мисрадан иборат бўлган шеър. Мусаддаслар икки хил бўлади: 1. Муस्ताқил яратилган мусаддаслар. 2. Ўза шoir томонидан яратилган газалларнинг вази ва қофиясига мос яратилган мусаддаслар. Қофияланиши: а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а... ёки а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а-а...

Мисол:

Сайдинг қўя бер, сайёд...

Сайдинг қўя бер, сайёд, сайёра экан мендек, - а
 Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек. - а
 Уз ёрини топмасдан овора экан мендек, - а
 Иқболи ниғун, бахти ҳам қора экан мендек, - а
 Ҳижрон утидин жисми кўп ёра экан мендек, - а
 Куйган жигари-бағри садпора экан мендек. - а

Кес риштаниким, қилсун чапаклар отиб жаста¹, - б
 Жаҳрида алам тортиб, бўлди жигари хаста, - б
 Тоғларга чиқиб бўлсун ёри бини пайваста, - б
 Кел, куйма баю домини бирла они побаста², - б
 Ҳижрон уқидин жисми кўп ёра экан мендек, - а
 Куйган жигари-бағри садпора экан мендек. - а (Фурқат)

1. аста

2. оёғи боғли, тутқун

МУСАББАЪ (ар. «еттилик») - ҳар банди етти мисрадан ташкил топган шеър. Қофияланиши: а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-а... ёки а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-в-в-а-а...

МУСАММАН (ар. «саккизлик») - саккиз мисрали банд усулида ёзилган шеър. Қофияланиши: а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-в-а... ёки а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-в-в-в-а-а...

Мисол: Оҳким, айлаб сафар азминини жонон, эй кўнгул, - а
 Ноз яқронин сўруб бўлди шитобон, эй кўнгул, - а
 Қатҳ этиб тахжил ила кўху шибон, эй кўнгул, - а
 Етти узга кишвар ичра шоду хандон, эй кўнгул, - а
 Айлабон ағёр базминини гулистон, эй кўнгул, - а
 Қилди кулбамни манинг бир тийра шиндон, эй кўнгул - а
 Ийгласам эмди не тонг бу ҳолима қон, эй кўнгул, - а
 Ким, булубман мубатолой дўрд ҳижрон, эй кўнгул. - а (Оғаҳий)

МУТАССАЪ (Тасни) (ар. «тўққизлик») - ҳар банди тўққиз мисрадан иборат шеър. Қофияланиши: а-а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-в-в-а... ёки а-а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-в-в-в-в-а-а...

МУАШШАР (ар. «*мушшар*») - ҳар банди ўн мисрадан иборат шеър шакли. **Қофияланиши:** а-а-а-а-а-а-а-а-а-а. б-б-б-б-б-б-б-б-а... ёки а-а-а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-б-а-а... Баъзан муашшарларнинг бошдан оёқ барча бандларида аввалги саккиз мисра мустақил қофияланиб, бандлар охирида бир байт айнан такрорланиб келади. Масалан, **Нодирнинг «Фирқнома»** муашшари шу тарзда битилган:

	<i>Оҳим беҳад мени о жанру жафо айлар фалак,</i>	- а	
	<i>Фурқат ичра қисматим дурду бало айлар фалак,</i>	- а	
	<i>Ёрдин айру манго кун можаро айлар фалак,</i>	- а	
	<i>Ғам била гулдек юзумни қаҳрабо айлар фалак,</i>	- а	
	<i>Бевафодур, оқибат кимга вафо айлар фалак,</i>	- а	
	<i>Ҳасрату дарду аламга мубтало айлар фалак,</i>	- а	
	<i>Ёрни албатта ёридин жудо айлар фалак</i>	- а	
	<i>Гул била булбулни бебаргу ниво айлар фалак,</i>	- а	
	<i>Ҳеч ким ёраб жаҳонда ёридин айрилмасун,</i>	- б	
	<i>Жондин ортуқ меҳрибон дилдорилин айрилмасун.</i>	- б	
Банд	{	<i>Сабр қилсам ишқ дарди беқарор айлар мени,</i>	- в
		<i>Касби хуш этсам жунун беҳтмиёр айлар мени,</i>	- в
		<i>Дам-бадам фарёдим элдин шармсор айлар мени,</i>	- в
		<i>Ҳажр доғи дардманду дилфиғор айлар мени,</i>	- в
		<i>Уйлаким жаври фалак зору низор айлар мени,</i>	- в
		<i>Ёрсиз ҳижрон балосига дучор айлар мени,</i>	- в
		<i>Чархи дун тоқай фироқ илгида зор айлар мени,</i>	- в
		<i>Оқибат бу дарду ғам Мажнуншиор айлар мени,</i>	- в
	<i>Ҳеч ким ёраб жаҳонда ёридин айрилмасун,</i>	- б	
	<i>Жондин ортуқ меҳрибон дилдорилин айрилмасун</i>	- б	
		} такрорланган	

✓ **ТАРКИББАНД** (ар. «бандни бириктириш») - ҳар бири ҳажман ғазалга тенг бўлган ва ғазал сингарин (а- а- б- а- в - а...) қофияланувчи бандлардан тузилган шеър бўлиб, бунда ҳар қайси банд охиридаги икки мисра мустақил оҳангдошликка эга бўлади. **Мисол:**

	<i>Даҳр боғики жафо шиоридур ҳар чамани,</i>	- а
	<i>Жуз жафо аҳлига сончилмади онинг тикани.</i>	- а
	<i>Кимдаким доғи вафо кўрса, шаҳид айламаси,</i>	- б
	<i>Лоласининг не учун қонга бўялмиш кафани.</i>	- а
	<i>Поймол этмаса андинки келур меҳр иси,</i>	- в
	<i>Оёғ остинда недин қолди гийҳи дамани.</i>	- а
	<i>Сафҳаи хотири пок ўлмаса барбод андин,</i>	- г
	<i>Бас, не соғрулмоқ эрурким, кураб онинг самани.</i>	- а
	<i>Ростлар бўлса анинг арсаида бархурдор,</i>	- д
	<i>Жаврдин, бас, нега бебарлик эрур сарви фани.</i>	- а
	<i>Ғар яқин аҳлини Мансур кеби қатл этмас,</i>	- е
	<i>Бас, нединдур шажару сунбули-дору расани?</i>	- а
	<i>Вар камол аҳли жалойи ватан эрмас андин</i>	- ё
	<i>Нега туфроғдур ул амали даврон ватани?</i>	- а
	<i>Баҳри урфон дур Саййид Ҳасан улким афлоқ</i>	- ж
	<i>Етми дураи аро бир кўрмади андоқ дур пок.</i>	- ж
		} ўзaro қофияланади
		(А.Навоий)

✓ **ТАРЖЕЪБАНД** (ар. «банддаги такрор») - қофия тузилиши таркиббандликка ўхшаш шеър шакли. Фарқ шундаки, таркиббандда бандлар охиридаги бир байт мустақил қофияланса, таржеъбанддаги ҳамма бандлар охирида бир хил байт такрорланиб келади. Таржеъбандлар 16-24 мисрали 5-10 банддан ташкил топади.

<i>Мисол:</i>	<i>Воқиф ул, эй ошиқи бехонумон,</i>	- а	
	<i>Бехуда кун чекмағил оху фиғон.</i>	- а	
	<i>Ёр висолни тилаб барҳо,</i>	- б	
	<i>Қилма фироқида ўзинг нотавон,</i>	- а	
	<i>Лаблари бусани қилиб орзу,</i>	- в	
	<i>Ғусса чекиб айлама бағрингни қон.</i>	- а	
	<i>Ҳар нечаким гарчи вафо айласанг,</i>	- г	
	<i>Лек жафолар сенга айлар аён.</i>	- а	
	<i>Ботинида душмани жонинг сенинг,</i>	- д	
	<i>Барчаси зоҳирда бўлуб меҳрибон.</i>	- а	
	<i>Чашмаи хунхор эканин билмадинг,</i>	- е	
	<i>Фаҳм қилиб лаълини мўъжизбаён.</i>	- а	
	<i>Ўзни ғами ишқига айлаб асир,</i>	- ё	
	<i>Шаму саҳар бўлмағил озурдажон.</i>	- а	
	<i>Шўҳи жаҳонким, бор зрур бевафо,</i>	- ж	} (А. Ҷмар) тақдорланади
	<i>Золими бедодғару пуржафо.</i>	- ж	

МУАММО (ар. «беркитилган», «кўр қилинган», «яширилган») - бир байт, баъзан икки - уч байтдан иборат бўлган, араб ҳарфлари орқали бирон нарсани яширишга суянган таъкид ёки ишора асосида ёзилган топишмоқ-шеър. Қофияланиши: а-а ёки а-б ёки а-а, б-а. XV асрда кенг тарқалган, бунда яширилган сўз шоирнинг имо-ишоралари асосида топилади. *Муаммо эҳини тарбиялаш, иқтидорни синаб кўришда муҳим ўрин тутган.* А. Навоий 500 га яқин муаммо ёзган бўлиб, «Хазойин ул-маоний» куллиётида 52 та муаммо бор. Муаммо, кўпинча, икки маъно асосига қурилади: биринчиси - ташққи, чалғитувчи маъно, иккинчиси - ички, асосий маъно. Бобурнинг 600 га яқин муаммоси етиб келган. *Мисол:*

Фироқу рашқу ҳажру оҳ ила дард, *Борин устоди ишқ этган мураккаб,*
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард¹. *Тараққубдин² бу исм ўлди мураттаб.³*
 (А. Навоий «Фарҳод ва Ширин», *Фарҳод исми яширилган*.)

1 - яқка, ёлғиз 2 - бир нарсанинг бошқа бир нарса билан бирикмиши 3 - тизилган
ЧИСТОН (форс. «чист он?» (нима у?)) - бирор нарса ёки ҳодисанинг ўзига хос хусусиятлари, белгиларини таърифлаш орқали ўқувчиларни ўша нарса ёки ҳодисани топишга ундайдиган топишмоқ-шеър. Унинг ҳажми чекланмаган. Адабиётда «луғз» номи билан аталади. Луғз асли арабча бўлиб, яширин маъноли гапни англатган. Навоий лирик меросида 10 та луғз мавжуд. *Қалам, танга, игна, микроз, ўқ, анор, бел, юмуртқа, поки, парвона* каби жисм ва жониворларга бағишланган бу луғзлар дастлаб «Бадос ул-бидоя» девонига жойлаштирилган, кейинчалик эса жузъий исроҳлар билан «Хазойин ул-маоний»нинг «Бадосъ ул-васат» девонига кўчирилиб, «Чистоналар» сарлавҳаси билан берилган. Навоийнинг *аворга* бағишланган луғзи (назмий топишмоғи) куйидагича бошланади:

Не мижмардур, тўла ахгар, вале ул мижмар андоми,
Эрур сунъ илгидин гоҳе мусаддас, гаҳ мусамман ҳам...

Увайсий ҳам бу жанрда баракали ижод қилган. Унинг «*Авор*» чистони куйидагича:

Ул на гўмбаздур: эшиги, туйнуғидин йўқ нишон, - а
Неча гулзунпўш қизлар манзил айлабдур макон. - а
Синдуруб гўмбазни, қизлар ҳолидин олсам хабар, - б
Юзларида парда тортиғлиқ, турарлар бағри қон. - а

ҚАСИДА - шоҳлар, амирлар, машҳур кишилар, тарихий воқеаларга бағишланган мақтовли ва дабдабали характерга эга бўлган шеър. Унинг байтлар миқдори чекланмайди. Қасида арабча «қасд» сўзидан олинган бўлиб, «мақсад», «ният», «бирор ишга қасд қилиш» деган маъноларни билдиради. Қасиданинг умумий ҳажми 15-20 байтдан кам бўлмайди. Мумтоз

адабиётимиздаги қасидаларнинг асосий қисми аруз вазнида битилган. Қасида воқеликни акс эттириш усули, характери ва мазмунига кўра қуйидаги турларга бўлинади: *а) қасидаи баҳорля* - баҳор тасвирига бағишланган қасида, *б) қасидаи ҳолия* - ўз руҳий ҳолати ифодаланган, тақдирдан, ҳаётдан шикоят қилиш ғоялари асосий ўрин тутган қасида, *в) қасидаи ишқия* - ишқий мавзудаги қасида, *г) қасидаи хамрия* - май ҳақидаги қасида, *д) қасидаи фахрия* - шоирнинг ўз-ўзидан фахрланишига бағишланган қасида, *е) қасидаи ҳажвия* - бирор шахс ва воқеа ҳажвига бағишланган қасида, *ё) қасидаи ҳазония* - қуз фаслига бағишланган қасида, *ж) қасидаи маснув* - санъатли, яъни безакли қасида. *Қофиялланиши*: а-а, б-а, в-а,.... ёки а-а, б-б, в-в, г-г...

Мисол:

ОГОҲНОМА¹

Аё, хусрави² мадалатдастгоҳ³, - а
Нажобат⁴ сипехрида⁵ раҳшанда⁶ моҳ⁷. - а

Шаҳанишаҳлик ўлсун муборак санго, - б
Мададкор тангри таборак⁸ санго. - б

Бўлуб дутфи ҳақ дойимо носирин⁹, - в
Малул¹⁰ ўлмасун бир нафас хотиринг. - в

Замирингни¹¹ сабр айлабон шод тут, - г
Бори кулфату ғамдин озод тут. - г (Огоҳия)

1 - Бу қасида Мухаммад Раҳимхон соний Ферузнинг Хева хонлиги тахтига кўтарилишни табриклар билан ёзилган. 2 - Подшоҳ. 3 - Адолатпарвар. 4 - Гузаллик. 5 - Осмон. 6 - Порлоқ, ёруғ. 7 - Ой. 8 - Аллоҳнинг лақабларидан бири. 9 - Мадалкор. 10 - Малолланган; қайғули. 11 - Ич. юрак, қўнғил, дил.

МАРСИЯ - бирор кишининг вафоти муносабати билан ғам-алам, ҳасрат ва қайғуни ифодалаган лирик шеър ёки қўшиқ. Уларда инсон руҳий кечинмалари чуқур ва дардли акс эттирилади. «*Марсия*» арабча сўз бўлиб, «*ийғлам*», «*ийғи бериш*» деган маъноларни билдиради. Марсия одатда жамият тарихида муайян из қолдирган кишиларга бағишлаб ёзилади ёки тўқилади. Халқ оғзаки ижодидаги марсиялар *ийғи* деб ҳам аталади. Марсия турли шеърӣй шаклларда ифодаланиши мумкин. Адабиётимизнинг кейинги босқичларида *ғазал*, *қасида*, *мураббаъ*, *мухаммас*, *мусаддас*, *таржибанд*, *таркиббанд* шаклларида ёзилган марсиялар учрайди.

Мисол:

Ал Эр Тўнга ўлдими,
Ёмон дунё қолдими,
Замон ўчин олдими,
Энди юрак йиртилур.

(*М. Қошғарий «Ал Эр Тўнга»*)

МУФРАДОТ (*ар. «якка, ёлғиз»*) - айрим байтлардан тузилган мустақил асар, фардлар мажмуи.

СОҚИЙНОМА (*ар. «май қуювчига хат»*) - соқийга мурожаат билан бошланиб, лирик қаҳрамон кечинмаларини маснавий тарзида ёзилувчи, гоҳо қисқа лирик, гоҳо лиро - эпик поэмати эслатувчи шарқ мумтоз адабиётдаги шеър шаклларидан бири. Мустақил жанр сифатида ишлатиш форс - тожик шоири Умид Тохронийдан бошланган.

НАЗИРА (Татаббуъ) - лирикада эргаштиш йўли билан, жавоб ва ўшатиш тариқасида, адабий мусобақа тарзида ёзиладиган шеър.

ШИРУ ШАКАР - маълум бир тартибда икки тил иштирокида ёзилган шеър. Ўзбек мумтоз адабиётида ширу-шакар ўзбек-тожик тилларида яратилган.

Мисол:

Шамшоду сарв қадди ниҳолингни садқаси,
Райҳону ёсуман хату ҳолингни садқаси,
Хуру қусур барча жамолингни садқаси,
Мен бўлашин замони висолингни садқаси,

Гирам туро басына, дар оғуши хеш танг.
 Гар яктаме нигор, бигўйи ба ман сухан,
 Гардам гоҳ аз забону, гаҳе аз лабу даҳан,
 Ҳарфи маро ту гўш кун, э сарви сиймтан,
 Оташзабон чу шамъ машав андарин чаман;
 Нозик агар мухаммасини яхши ўқусанг.

(*Нозик Биби Хўқандий*)

НОМА (*хат, мактуб*) - бадиний адабиётда мактуб тарзида ёзилган шеърӣй асарнинг бир тури. Бу жанрга *Хоразмӣй* асос солган. Айрим бадиний асарларнинг номларидаги «нома» сўзи («*Бобурнома*», «*Хумоюннома*») мактуб маъносини ёки «нома» жанрини эмас, балки ўша шахс ҳақидаги тарихий асар маъносини билдиради. Ном жанрида *Хоразмӣйнинг* «*Муҳаббатнома*», *Хўқандийнинг* «*Латофатнома*», *Амирийнинг* «*Даҳнома*» асарлари ва бошқа шу каби асарлар битилган.

МАДҲИЯ (*ар. мадҳ этиши, макташ*) - бирор киши, ҳодиса ёки қадрли нарсга атаб, уни мадҳ этиб ёзилган шеър. Унинг ўзига хос томонлари *тик туриб, хор бўлиб айтилиши, расмий маросимлар ва тантаналарда гурур билан қуиланишидир*. Уни *гимн* (*гр. «тантанали қўшиқ»*) ҳам дейишади. Гимн қадимги Грецияда афсонавий халқ қаҳрамонлари ёки худоларни мактаб айтилидиган тантанали қўшиқ, шеърдир. Кейинчалик бирор ҳодиса, шахс ёки воқеани куйловчи тантанали қўшиқлар, миллат, давлат ва синфнинг бирлигини улуғлаб куйланган тантанали ашулалар ҳам *гимн* деб юритила бошлаган.

МУВАШШАҲ (*ар. «безатилган»*) - маънавий санъатлардан бири, аини вақтда шеърӣй жанр. Бунда шеър, асосан, ғазал шаклида ёзилади, шеър мисралари бошидаги ҳарфлар йиғиндисидан биронта киши исми ёки нарса номи келиб чиқади. Мувашшаҳ IX - X асрларда Испанияда, араб шоири Муқалдам ибн Муаф томонидан ижод этилган. *Мисол:*

Чиройли қизча кўрдим

Бахтиёрлар боғида.

Атиргуллар сочади,

Табассуми чоғида.

Раъно қиз шунча сўлим,

Бир кўрган унга шайдо.

Ой юзи порлаб турар,

Қора кўзлари шахло.

Сўрадим: Отинг надур?

Деди: Ҳар байтдадур.

Бунда ҳар бир байтдаги тоқ мисра (биринчи сўз) нинг бош ҳарфи («чиройли» дан «ч», «атиргуллар» дан «а», «раъно» дан «р», «ой» дан «о», «сўрадим» дан «с») териб олиниб, бир жойга йиғилса, «*Чарос*» исми келиб чиқади.

Замонавий шеърӣй жанрлар

СОНЕТ (*итал. «жарангламоқ»*) - жаҳон шеърӣятаида кенг тарқалган лирик жанр. Сонет 14 мисрадан ташкил топади, кўпинча а-б-б-а, а-б-б-а, в-в-г, д-г-д (бошқа вариантлари ҳам бор) шаклида қофияланади. У дастлаб XIII асрда италян адабиётида вужудга келган. Ўзбек адабиётига 20-30 йилларда кириб келган. Сонетнинг гўзал намунасини XX асрнинг 30 - йилларида Усмон Носир яратди. Ҳозирги замон шеърӣятаида Барот Бойқобилов бу жанрда баракали ижод қилмоқда. Сонет композицияси жиҳатидан икки қисмдан тузилади: 1. *Тўртлик банд* (катрен) 2. *Учлик банд* (терцет). Бу қисмлар ўзаро боғлиқ бўлади.

Мисол:

	Яна шеъримга	
4	{ <i>Шеърим ! Яна ўзинг яхшисан,</i>	- а
	{ <i>Боққа кирсанг, гуллар шарманда.</i>	- б
	{ <i>Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,</i>	- а
	{ <i>Жоним каби яшайсан манда.</i>	- б

- | | | | |
|---|---|---------------------------------------|-----|
| 4 | { | Юрагимнинг дарди — нақшисан, | - а |
| | | Қилолмайман сени ҳеч қанда! | - б |
| | | Ут бўлурми ишқи йўқ танда? | - б |
| | | Дардимсанки, шеърим, яхшисан | - а |
| 3 | { | Сен орада кўприк бўлдинг-да, | - в |
| | | Гейне билан ўртоқ тутиндим. | - з |
| | | Лермонтовдан кўмак ўтиндим. | - з |
| 3 | { | Бутун умрим сенинг бўйинигда, | - в |
| | | Саҳарда қон тупурсам, майли. | - д |
| | | Мен — Мажнунман, шеърим, сен — Лайли! | - д |

(У. Носир. 1935 й)

ОҚ ШЕЪР - вазни ва туроғи аниқ, лекин қофиясиз шеър. Вазни, мисралардаги ранг-баранг ритмик қурилиш оқ шеърнинг оҳангдорлигини, мушқийлигини таъминлайди. Урта асрлар ўзбек мумтоз адабиётида «*ҳарора*» деб ном олган қофиясиз шеър нави бўлган. Оқ шеър термини мисраларнинг қофияланмай қолишидан, яъни оқ қолишидан олинган. Оқ шеър шоирга ўз фикри ва ҳиссиётини тўлароқ ифодалаш имконини беради ва ундаги ритмик изчилик эса шеър ғоясига кучли таъсирчанлик бағишлайди. Ўзбек адабиётида Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, А. Орипов, Р. Парфи каби шоирлар ижодила оқ шеърнинг ажойиб намуналари учрайди. *Мақсуд Шайхзода «Мирзо Улугбек»* трагедиясини оқ шеърда яратган.

СОЧМА (НАСРИЙ) ШЕЪР - лирик кечинмалар сочма нутқ шаклида ифодаланиб, жўшқин ритми билан шеърга монанд бўлса, сочма (насрий) шеър бўлади. Нозим Ҳикмат таъсирида Миртемир ўзбек шеърлятига «*сочма*» шаклни олиб кирган. *Мисол: «Тингла, ҳаёт! Тингла, қирғоқсиз денгиздай чексиз коинот Саз куйлайди... Талвасаларга тўлиб куйлайди саз; тошиб куйлайди саз...»* (Миртемир)

БАЛЛАДА (итал. «ўйинга тушмоқ») - лиро - эпик поэзиянинг бир тури. Қаҳрамонлик характеридаги бирор ҳаётий эпизодни тасвирловчи кичик сюжетли шеър *баллада* дейилади. *Мисол: Ҳ. Олимжон «Жанчи Турсун», М. Шайхзода «Капитан Гастелло»* ва бошқ.

ОДА (гр. «кўшиқ») - лирик поэзия жанрларидан бири бўлиб, бирор киши шаънига ёки муҳим воқеа муносабати билан яратилган тантанали шеър, қасида.

САРБАСТ (форс-тож. «эркин») - бундай шеърнинг асосий хусусияти шундаки, унда вазн, қофия, банд қурилишида анча эркинлик, қадимий қоидалардан четга чиқиш юз беради. айрим мисралардаги бўгин (сўзларни (маъно ва интонацияни кучайтириш мақсадида) бир неча қаторга зинапоё тартибида жойлаштирилади. Ўзбек адабиётида сарбаст (эркин шеър) оммалашган давр ХХ асрнинг 20 - йилларига тўғри келади. Бу даврда В. В. Маяковский таъсири остида ўзбек шеърлятига сарбаст вазни кириб келди.

Мисол: Чўчиما жигарим.

Ўз уйингдасан.

Бу ерда

на гурбат,

на офат,

на ғам.

Бунда бор:

ҳарорат,

муҳаббат,

шафқат.

Ва меҳнат нонини кўрағиз баҳам.

(Ф. Ғулом)

ЎРАМА (*абба*) - «урама» сўзи қофиялаш тартиби (банд) га оиддир. Бу жанрнинг строфик шакли асосан рус ва Оврупо поэзиясидан ўтган. *Мисол*: С. Зуннуцова «Дарё бўйида», «Кўп осуда эди», Ф. Ғулом «Янги йил кўшиғи» ва бошқ.

ТҮРТЛИК - ўзбек лирикасининг рубоий ва туюқ вазида ёзилмаган, тўрт мисрадангина иборат бўлган жанр. Тўртлик *абаб, ааба, абба, аааа, абоб* тарзида қофияланади. Бу жанр ҳозирги адабий жараёнда асосан бармоқ вазида ёзилади, лекин у арузда ҳам ёзилиши мумкин. Қадимги тўртликлар М.Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асари орқали ҳам етиб келган.

4 - МАВЗУ. БАДИИЙ САНЪАТ ТУРЛАРИ

«Санъат» *«сун»*, яъни «*яратмоқ*» сўзидан олинган бўлиб, бадийлик яратиш демакдир. Бадийлик яратишнинг йўллари кўп. Бадий санъатлар асарда ифодаланган гоъларнинг ҳаётийроқ, таъсирчанроқ ифодаланишига, лирик ва эпик тимсолларнинг ёрқинроқ гавдалантирилишига, мисралар, байт ва бандларнинг лафзий назокати, муסיқийлиги, жозибadorлигини таъминловчи воситалардир. Улар қуйидаги икки турга бўлинади:

1. *Маънавий (маънога тегишли) санъатлар.*

2. *Лафзий (шаклга оид) санъатлар.*

Куйида бадий санъатларнинг асосийлари билан танишасиз.

АЛЛЕГОРИЯ (мажоз) - рамзнинг бир кўриниши бўлиб, воқеа-ҳодиса ёки нарса буюмнинг маъхум тушунчаси ўрнида аниқ тасвири ифодаловчи рамзий сўз (образ) ни қўллаш, яъни адабий асарда ўқувчига ноаниқ бўлган тушунчани кўпчиликка маълум бўлган нарсаларга хос белгилар билан ифодалаш усули. *Мисол*: тулки-айёр ва алдамчи киши, бўри - очкўз, чумоли-захматкаш киши ва ҳоқ.

АНТИТЕЗА (қаршилантириш) - бадий асарда воқеа ёки тушунчаларни бир-бирига қаршилантириш орқали бир-бирига зид тушунчаларни яққол ифодалаш ва уларга қиёсий ҳарактеристика бериш.

Мисол: Менга номехрибон ёр ўзгаларга меҳрибон эмиш,
Менинг жоним олиб, агарга оромжон эмиш. (А. Навоий)

АНАФОРА (такрос) - шеър ёки банддаги мисра, гапларнинг бошидаги сўз ёки сўз бирикмасининг бошқа мисралар бошида айнан такрорланиб келиши. *Мисол*:

*Энди одам қулдек сотилмас,
Энди одам ўтга отилмас.
Энди унга қафас бўлмас жон,
Энди дунё бўлмайди зиндон.*

(Х. Олимжон «Зайнаб ва Омон» даги Собир гапи)

АПОСТРОФА - жонлаштиришнинг бир кўриниши бўлиб, жонсиз нарса ёки ҳодисага жонли нарса ҳодисадек мурожаат қилиш ёхуд йўқ шахсга худди бордек қараш.

Мисол: Ғузал ой, сенга бир гап
Демакка кўп ҳайронман.
Бемаҳал тўлганингдан
Тоza ҳам пушаймонман. (Х. Олимжон)

АНТИФРАЗ - шахс ёки нарсага хос хусусиятни кулги оҳанги билан инкор қилиш. Бунда сўзларнинг асл эмас, тескари маъноси назарда тутилган.

Мисол: Эркалалиб ётади
У Ватан тупроғида.
Ёш бола ётганидай
Опанинг кучоғида. (Х. Олимжон)

Бу бирикмалар аслида ижобий маънони билдиради, бу ерда салбий маънода қўлланган.

АЛЛИТЕРАЦИЯ (Тавзе) - шеърда, жумлада, бандда ва қисман насрий асарларда ҳам бир хил ундош товушларнинг такрорланиши. Товушлар оҳангдорлиги, асосан бир хил товушларнинг такрорланишидан ҳосил бўлган оҳангдорлик *аллитерация* деб юритилади.

*Мисол: Қаро қошинг, қалам қошинг,
Қийиқ қайрилма қошинг, қиз.
Қилур қатлимга қасд, қайраб
Қилч қотил қарошинг, қиз...* (Эркин Воҳидов)

ЖОНЛАНТИРИШ - одамларга хос бўлган хислатларни жонсиз предметлар, табиат ҳодисалари, ҳайвон, парранда, қуш кабиларга кўчириш орқали ҳосил бўладиган тасвир усули.

*Мисол: Бунда қорнинг тағларида қиш,
Баҳор учун сўзлайди олқиш.* (Ҳ. Олимжон)

*Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб,
Енимдан утганда сўраб кўраман.
Айтадир: бир кўриб, йўлимдан озиб,
Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!* (Чўлпон «Гўзал»)

Жонлаштиришнинг 2 хил кўриниши бор:

1. **Ташхис** - жонсиз нарсаларни жонлаштириш.

2. **Интюқ** - нутқсиз нарсаларни нутқ эгаси сифатида тасвирлаш.

*Мисол: Шафтоли дер, кулиб: куз чоқлари
Шарбат билан лим - лим тўламан.
Емаган армонда, еган дармонда.
Минг дардингга шифо бўламан.*

*Япроғига беркиниб олиб,
- Суқинг кирар, кўп назар солма!
Қизил юзларимдан бир уганнинг
Армони йўқ, дер ёқут олма.* (Уйғун «Куз кўшиқлари»)

ЗУЛҚОФИЯТАЙИ (қўш қофия келтириш) - байт мисраларида икки сўзни қофиядош қилиб келтириш санъати.

*Мисол: Боққай деса доғи қуввати йўқ,
Боқмай деса доғи тоқати йўқ.* (А. Навоий «Сабаи сайёр»)

ИСТИОРА (Метафора) - асарларда сўзни ўз маъносидан бопқа бир маънода, яъни мажозий маънода қўллаш санъати. Бу санъат сўз маънолари кўчишининг бир тури бўлиб, у нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланади. Шу жиҳатдан истиора ташбиҳ санъатига яқин туради. У кўпинча ташбиҳ кинояга, яъни мушаббиҳи туширилган ташбиҳга тенг келади. Адабиётшуносликда истиора ташбиҳдан кучли саналади. «*Истиора*» арабча сўз бўлиб, «*бирон нарсани омонатга (вақтинча) олимоқ*» деган маънони ифоталайди. Тузилишига кўра бир сўздан ёки иборадан ташкил топган истиора *содда истиора*, бирикмали истиоралар *мураккиб истиора* саналади. Навоийнинг

*Фурқатингдин заъфарон узра тўқармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар - байтидаги «сарғ юз»*
маъносидаги «*заъфарон*» сўзи содда истиорага, «*қонли ёш туқаман*» маъносидаги «*тўқармен лолалар*» ибораси мураккаб истиорага мисол бўла олади. Яна бошқа мисоллар:

*Келди очилур чоғи ўзизинг намён қил,
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.* (Ҳамза)

*Шер юракли бу Лочин
Қоқиб қанот - қулочин,
Кузгумлардан асради
Элнинг хотин - халочин.* (М. Шайхзода «Капитан Гастелло»).

Бунда Лочин - капитан Гастелло кўзғунлар - фашистлар маъносида ишлатилган.

*Кўни сўз ириг ут ким аймиш, тэммиш,
Ангар тўпқу илтиш, тикан: қўз таммиш. (Ю. Х. Хожив «Қутадғу билеш»)*

(**Маъноси:** Ким айтса, деса ҳам тўғри сўз дағалдир, (яъни кескин)
Унга ишак газмол юбордим, у эса тикан тугиб юборибди)

Бу ердаги **ишак газмол** - таклиф, **тикан** - рад этишдир.

МЕТОНИМИЯ - икки гўшунча ўртасидаги яқинликка асосланган ўхшашси кўчим. Метонимияда бирор нарса ёки воқеа - ҳодисанинг номи бошқасига кўчирилади. Бироқ бу номлаш нарсалар ўртасидаги ўхшашликка эмас, балки улар ўртасидаги яқинликка алоқадорликка асосланади. Бу кўчим бир қанча қуршнинг тартибига:

1. Кинши ёки нарсани хос хусусият ўша киши ёки нарсанинг номига ўтказилади:

*Дўён-дўён гап тларди қуринсан,
Ўқигунча ёнишман жуда жазман. (Ф. Гулом)*

2. Муаллифнинг номи унинг асари ўрнида қўлланилади:

*Фузулийни оғдич қўшма,
Мажнун бўлиб ишгаб қичқирди... (Х. Олимжон)*

3. Бирор нарсанинг ҳаракати ёки эъниги нағижаси шу ҳаракатни бажарувчи кўролнинг номига кўчирилади:

Унинг пероси - дўш ути билан ёнарди.

4. Бирор нарсани у ясаган маърифат билан алмаштириб аталади:

*Пўлат қуш ҳазил, шаттин ростлаб,
Бу бутларни атар тўмтарақ. (Х. Олимжон)*

5. Маълум жойдаги кишилар маъноси шу жойга кўчирилади:

Мажнунга бутун қишлоқ келди. (А. Қаҳҳор)

ИРСОЛИ МАСАЛ - шеърда мақол, матал, ҳикматли сўзларни муайян мақсад билан ишлатиши усули.

*Мисоллар: Ҳубоб ичар вақтимида суи келдинг, кўнгулким, халқ аро,
Яхши масалдурким. «Келур яхши киши ош устипа». (Отаҳўй)*

*Сабр қилсанг гўрадин ҳилом битар,
Бесабрлар ўз оғдидан иштар (Гулханий)*

ИЙҲОМ (ар. «шўбҳага солиш», «адаштириш») - шеър мисраларида муайян бир сўзни икки ёхуд ундан ортиқ маъноларда қўллаш усули. Унинг моҳияти шундаки, шеърини мисраларда икки маъноли сўз қўлланади, аммо бу маънолардан бири аниқ сезилса ҳам иккинчи маъно пайқалмаслиги мумкин. Шоир аслида иккинчи маънони кўли гўтса ҳам дастлаб яқин, биринчи маъно эътиборни тортгани.

*Душ ачинда турур ўз бегим қиё кўзук,
Ҳаёли тўқтамими андин кўнгул саройида. (Лутфий)*

Бу байтда «ўз бегим» сўзи «ўлимнинг бегим» ва «ўзбегим» маъноларини ифодалайди. Бунда Лутфий «халқ» маъносини кўзда тутатганини пайқаш қийин эмас. «Тўқтамими» ва «сарой» сўзларида ҳам шу хусусият бор.

ИШТИҚОҚ (ар. «сўздан сўзни ажратмоқ») - шеър байтларида ўзакдош сўзларни қўллаш санъати.

*Мисоллар: Ганжа ватан, кўнги онинг ганжжез,
Хотири ганжуру тили ганжрез. (А. Навоий)*

*Жонимдек ўзга жони дилафкор кўрмадим,
Кўнгулүм киби кўнгулни гирифтёр төлмадим. (Бобур)*

КУЧИМ - энг кўп ишлатилган бадий воситалар жами бўлиб, адабиётшунослик фаниде **метафора** атамаси билан ҳам юритилади. Кучимнинг **мажоз, истиора, рамз, титмос** сингари қуринишлари бор.

КИНОЯ («бир фикрни яширин маънода ифода этмоқ») - баён илмида уни «ҳам ҳақиқат, ҳам мажоз маъноси англатиладиган сўз» - деб изоҳланади. У инкорнинг бир кўриниши бўлиб, тасвир объекти устидан кесатиш, қочирик йўли билан яширин қилиш, пичингдир.

Мисол: *Менга ёлғиз Омонимни кўй,
Менга ўта ёмонимни кўй.
Укам эмас ҳеч бир одамдан,
Мен ул билан узоқман ҳамдан. (Ҳ. Олтамжон)*

Бунда «Омоним» - «ёмоним» қофиядош сузлар орқали кучли - ўткир киноя усули қўлланган.

ЛИТОТА (тафрит, вфроқ) - тасвир объектини атайлаб кичрайтириб, заифлаштириб тасвирлаш усули, яъни беҳал кичрайтирилган муболагадир. Ижодкор уйғун нарса ёки ҳодисанин аҳамиятини таъкидлаб, бўрттириб кўрсатиш мақсадида бошқа нарса ёки ҳодисани унинг улугворлиги ҳамда қудратига нисбатан кичрайтириб тасвирлайди.

Мисол: *Бўйунг сарву санубардек, белинг қил,
Вафо қилгон кишиларга вафо қил. (Хоразмий)*

*Бу сўзнинг мазмуни шу қадар иссиқ,
Қуёш бир кичик шам унинг ёнида. (Уйғун)*

ЛАФФ ВА НАШР («йиғиш ва ёйиш») - шеър байида аввал бир неча нарса ёки тушунча номини кетма-кет келтириб, кейин улар ҳақидаги ҳукмларни кетма-кет баён қилиш.

Мисол: *Жамолинг раъзаи боғи жинондур,
Дабинг сарчасимин руҳи равондур.
Сочинг сунбул юзунг сарву санубар.
Кўшинг нарис, янотинг арғувондур.
Белинг оғзинг сўш ҳар қайда бела,
Ҳаёш нозуку рамзе ниҳондур.
Қайсари Рум ой юзунг мушкин сочинг ҳоқони Чин,
Шоҳи Ҳиндистон менгинг султони Туркистон кўзунг.
Тарш аҳуи Хўтандур бехато билмон недин,
Чингу Мочин долазоринда қилур сайрон кўзунг. (Аттоий)*

МУБОЛАҒА (тар. «юф уриш, бўрттириш») - тасвирланаётган нарса, шахс ва воқеа ҳодисанингу муайян жиҳатларини бўрттириб, кучайтириб тасвирлаш усули. Шариқ классик шеъриятида муболага санъатига шеър зийнати сифатида қараганлар. «*Дўғанаху акзабаху*» (Энг яхши шеър - энг ёлгон шеърдир) деган нақдга амал қилганлар Муболага қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Таблиғ** - тасаввур қилиш мумкин-у, амалда ошириш қийин бўлган бўрттирилган тасвир усули.

Мисол: *Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,
Йиғиларимнинг шиддатин гулбарги хандонимга айт. (А. Навоий)*

2. **Игроқ** - тасаввур қилиш қийин, амалда мутлақо бўлмайдиган бўрттирилган тасвир усули.

Мисол: *Отлар кишиар, қизлар куйлар, тинмай ишлар деҳқонлар,
Қуёш олтин булоқдир, қайнар, тошар... Кўк тиниқ. (Ойбек)*

3. **Фулуя** - тасаввур қилиш жуда қийин бўлган, амалда бўлиши сира мумкин бўлмаган бўрттирилган тасвир усули.

Мисол: *Оразин ёпқач, кўзимдин тўкилув ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким, пайдо бўлув юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш. (А. Навоий)*

Халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимизда баъзан орттирмали муболағалар ҳам учрайдики, улар адабиётшуносликда **булуғ** ёки **ифрай** деб юриштилади.

Мисол: *Тикилсам қурийдим дарёнинг гуми,
Наъра торпсам қулар кўргоннинг тими. («Алтомин»)*

*Оҳ урса, оламни бузар товуши,
Тўқсон молнинг терисидан ковуши.* (*«Алломини»*)

*Турфа қишлоқи газабкарда, ки паррандалари -
Товуқи игначи-ю, ўрдагу ғози капалак.* (*Махмур «Ҳапалак»*)

МУЛАММАЪ - турли тилларда шеър ёзини санъати.

Мисол: Қочиб кетди маччойилар аксари,
Бориб шулки юртига таъжидлари:
- «Сарокии, ў бошадаш, зинҳор,
Даронжо марав мемури, эй табор». (*Муқимий*)

МУКАРРАР - муайян сўзнинг муайян ўринда такрорланиши.

Мисол: Юзунг муҳафи шарҳи ўлғай неча -
Китобу китобу китобу китоб. (*К. Хоразмий*)

МАВЪИЗА - насихат бериш, ваъза ўқаш фикрни баён қилиш усули.

Мисол: Кимки бир экса, ўзи минг топар,
Барча майибни саховат ёпар.

*Бухл азиз одамни хор этар,
Эл кўзида ит каби мурдор этар.*

*Улки тилар хайр учун дастгоҳ,
Сен ани билгилким, эмас хайрхоҳ...* (*Ҳ. Хоразмий*)

ПОРТРЕТ - адабий асарда кишининг ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим-кечаги, ўзини тутishi ва ҳоказолар тасвири. *Мисол:* «Жоду кўзи кишига қаттиқ қараганда қоралиқдан бошқача яна бир турлик нур сочар эди. Киприклари остидан нафис бир сурма доираси бор эди. Қоши туташ каби кўринса ҳам, кундаланг ётган икки қилч орасини нафис бир қуюлиб кўтарилши ажратиб турар эди».

(*А. Қодирий «Меҳробдан чаён», Раёно портрети*)

ПЕРИФРАЗ - мажозларнинг бир тури, бунда нутқнинг ифодалилигини ошириш мақсадида нарса, одам, воқеа-ҳодисалар номи уларнинг маъноларини, хусусиятларини ифодаловчи бошқа сўз ва иборалар билан алмаштирилади. Перифраз нарса ва ҳодисаларнинг асл номи билан ёнма-ён ишлатилади.

Мисол: Қуёндай меҳрибон
Ватаянги - оланг.
Заминдай вазмину,
Меҳнаткаш, мушфиқ
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор - отанг бор.

(*Ғ. Ғулом*)

ПЕЙЗАЖ (фр. «мамлакат, жой») - бадний асарда акс эттирилган жой ва табиат тасвири бўлиб, у ёзувчининг методи ва услуби билан боғлиқ ҳолда турлича вазифаларни ўтайди. *Мисол:* «Чул бургутини излаб Олтиариқдан Езёвонга отда жўнадим. Ҳали қуёш ботмаган, унинг кечки қизғиш барглари сарғайган ўрикларни, терак учларини ловиллаб ёндираётгандек. Осмон кўм-кўк, уфқда худди атайин бўяб қўйгандек, қип-қизил булут парчаси судралиб юрибди...»

(*Саид Аҳмад «Чул бургутини»*)

РАМЗ (символ) - мажоз турларидан бири бўлиб, бирор ҳаётини воқеа ёки тушунчани ифодалаш учун сўз ва бирикмаларни шартли равишда кўчма маънода қўллаш. *Мисол:* Кабутар - тинчлик рамзи, сариқ гул - айрилиқ, тун - ҳасрат рамзи ва бошқ.

РАДД УЛ - МАТЛАЪ - ғазалдаги матлаъ биринчи мисрасининг мақтаъдаги иккинчи мисрада такрорланиши, яъни бу санъат ғазалнинг биринчи мисрасини унинг охирида такрорлашни назарда тутати. Масалан, Огаҳийнинг «*Бизки буюн жаҳон аро китовари фақр тоҳмиз...*» ёки «*Ашқима гар капора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай...*» деб бошланадиган ғазалларида

биринчи мисралар асарлар охирида такролланиб, шоирнинг гоёсини яна бир бор таъкидлашга хизмат қилган.

РУЖУЪ (ар. «қайтиш») - шеърятда шоирнинг олдинги мисра ёки байтда ифодаланган фикри, қўллаган бадиий тасвирий воситаларидан қайтгандек бўлиб, кейинги мисра ёки байтда унга қараганда кучтироқ ифода, шеърый санъатни келтириш ёки олдинги фикрни аниқлаштириш, тўлдириш усули. Ружуъ моҳияти ўз-ўзини инкор этиб, фикрни кучайтиришдадир.

Мисол: *Ун сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур
Ҳусн шоҳи, ул балаларким, кўзу қошиндадур. (А. Навоий)*

5 - МАВЗУ. БАДИИЙ САНЪАТ ТУРЛАРИ (давоми)

САЖЪ - гапдаги айрим бўлақларнинг вазн ёки қофияда мослашиши, насрий асарлардаги қофия. *Мисолаар:* 1. «Ҳар ким майдонга от солади, отини ўздирган одам олади. Ҳар кимнинг ўз кўнгли ўзидан қолади» («Алломин» дostonидан). 2. «Равшанхон бу боғ деворларига қараса, тик паҳасини итлагани, деворининг тагини ғимтлаган, жуда маҳкам қилиб ташлаган, деворларни ганжлаган». («Равшан» дostonидан)

Сажъ санъати ишлатилган наср - *насири мусажжаъ*, назм эса - *назми мусажжаъ* деб юритилган. Сажъ санъати ўз тузилишига кўра уч хил бўлади: 1) *Сажъи мутавозий (тўлақ сажъ)*. Бунда сажланувчи сўз ёки бирикма ҳам вазнда, ҳам равийда бир-бирига мос келади. *Масалан:* «Эса. жаллодлар сўйиб қўймасин, тезроқ бориб қўлидан олинлар, зиндонга солинлар» («Равшан» дostonидан). 2) *Сажъи мутарраф (қофияли сажъ)*. Бунда сажланувчи сўз ёки бирикма равийда бир-бирига мос бўлиб, вазнда тенг бўлмайди. *Масалан:* «Зоти бемадору. димоғи пўлод ва кўнгли хоро» (А. Навоий «Маҳбубул-қулуб» дан). 3) *Сажъи мутавезил (вазидом сажъ)*. Бунда сажланувчи сўз ёки бирикма вазнда бир-бирига тенг бўлиб, равийда бир-бирига мос келмайди. *Масалан:* «Авбош ва арсол мусулмонларидин аларга не маош ва не ҳисол» (А. Навоий «Маҳбубул-қулуб» дан).

САРКАЗМ - аччиқ заҳарханда, истехзоли таъна, пичингдан иборат тасвир усули. *Мисол:* *Дўппи қўлида, кайфи таралло такасалтанг,
Доим кучада сафсата, ялло такасалтанг. (Собир Абдулла)*

СИФАТЛАШ (эпитет) - нарса, воқеа-ҳодиса, тушунча ва кишиларнинг белги-хислатларини аниқловчи, изоҳловчи, тавсифловчи сўзни қўллаш.

Мисол: *Кумуш қишдан, зумрад баҳордан
Қолишмайди кузнинг зийнати. (Уйғун)*

*Сувсиз чўлда мард Ҳасан,
Якка кетиб боради. («Равшан» дostonидан)*

ТАДРИЖ - воқеа, маъно ёхуд вазият-аъста-секинлик билан даражама-даража ривожланиш жараёнида кўрсатиш санъати. *Мисол:* А. Навоий «Ёрси», «Кеча келгумор...» каби ғазаллари.

ТАЛМЕҲ (талмиҳ) (ар. «чақмоқ чақилиши», «бир назар ташлаш») - шеърда ўғминдаги машхур зотларга, машхур қисса, машхур байт ёки машхур мақолга ишора қилиш, машхур тарихий ёки адабий қаҳрамонлар номини келтириш усули.

Мисол: *Ҳоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод устина. (Осадий)*
*Бутун умрим сенинг бўйинида,
Саҳарда қон тупурсам, майли
Мен - Мажнунман, шеърим - сен Дайил! (Усмон Носир)*
*Сени деб жанг қилар Нажмиддин Кубро,
Ҳазрат Алштердек ўлимдан сўнг ҳам. (Х. Деврон «Падарқуш»)*

Ҳам яна Эрхубби бўлодур тағо,
Аммамининг эрларидур Нурато. (Муқддий «Танобчилар»)

Бир кўриб чоҳи зақан Ҳорут ила Марут иқос,
Чоҳи Бобил ичра қолмишлар бўлак тадбирда. (Фурқат)

Беҳишт-дўзах талашур, талашмоққа баён бор,
Дўзах айтур: «Мен ортуқ, менда фиръавн Ҳомон бор».

Беҳишт айтур: «Не дерсан, сўзни билмай айтурсан,
Сенда фиръавн бўлса, менда Юсуф Қашъон бор». (А. Яссавий)

Тамъя ватан, кўнгли онинг ганжхез,
Хотири ганжсуру тили ганжрез. (А. Навоий)

Бир оҳ ила кул бўлдум, эи чарх, тилаб топиб,
Фарҳод ила Маъжунга ошиқлик ишин ўргат. (А. Навоий)

ТАЪДИД (Таъзия, шумур, сўқат - ул аъдод, эъдод, теъдод) -
фикрий ривож, кетма-кетлик, тадрижийлик. У грамматик қурилмаларнинг бир
хил шаклидан кетма-кет фойдаланиш орқали ҳам юзага чиқиши мумкин.

Мисол: Оти Фаррух, ўзи фарҳунда ахтар,
Анинг ҳукминда ул иқлиму кишвар. («Гул ва Наврӯз»)

Тилингни кўдазгил, кўзингни кўдаз,
Бўғузни кўдазгил, ҳалол, егил аз. (Ю. Ҳ. Ҳожиб)

ТАЖНИС (жинос) - шеър байтида маъно жиҳатидан ҳар хил, аммо
шакли бир хил ёки шаклан бир-бирига яқин икки сўзни келтириб, улар
воситасида муайян фикр, лавҳа ёки тимсолни таъсирчан ифодалаш санъати.

Мисол: Уқлим кўнгул олди зулфи холи,
Кўнгулдин эмас хаёли холи. (Лутфий)

Биринчи қаторда «холи» сўзи «юздаги хол» маъносида, иккинчи қаторда
«алоҳида эмас» маъносида келган.

Қаю эрда бўлса уқуш била ўг, (ақл)
Ани эр атағил, неча ўгса ўг. (мақта)

Уқуш, ўг, билиг кимда бўлса тугал,
Явуз эрса қаз те, кичиг эрса - ўг. (улуғла) (Ю. Ҳ. Ҳожиб)

Мазмуни: Қайси бир кишида ақл ва заковат бўлса,
Уни (ҳақикий) киши деб атагин, қанча мақтасанг мақта.

Заковат, ақл, билим кимда етуқ бўлса,
Ёмон бўлса (ҳам) яхши де, кичик бўлса (ҳам) катта деб бил
(яъни улуғла)

Бўюнғ сарғу санувбартек, белинг қил,
Вафо қилғон кишиларга вафо қил. (Хоразмий)

ТАЖЗИЯ («бўлак-бўлак қилмоқ») - байт мисраларининг ҳар бирини икки
бўлакка ажратиб, мисралардаги биринчи бўлақларни ҳам, иккинчи бўлақларни
ҳам ўзаро қофиялаш санъати.

Мисол: Қаро зулфинг фироқинда паришон рўзгорим бор,
Юзунгдин иттиёқинда не сабру не қарорим бор. (Бобур)

ТАЗМИН («бир нарсаи иккинчи нарса орасига қўймоқ») - шеърга ўзга
шoir (қўпинча устозлар) шеърдан бир мисра ёки бир байт олиб, ўша вазн,
ўша қофия ва радифда мазмунга мувофиқ шеър битиш санъати.

Мисол: Машраб ўзининг

Сетсан севарим, ҳоҳ инон, ҳоҳ инонма,
Қондир жигарим ҳоҳ инон, ҳоҳ инонма,
Ғам шони фироқингда кабоб этди фалакни,
Оҳи сахарим, ҳоҳ инон, ҳоҳ инонма - тарзида бошланувчи

ғазалида Лутфийнинг машҳур ғазалидан байт келтиради.

ТАНОСИБ - шеър байтларида бир-бирига боғлиқ ва бир-бирига яқин
тушунчаларни англатувчи сўзларни қўллаш санъати.

Мисол: Зулфинг черикс жамол мулкис
Олди кўзунг иттифоқи бирла. (Атоий)

Узун сочингдин узмасмен кўнгули,
Аёқинг қанда бўлса бошим анда.

(Атоий)

ТАЖОХУЛИ ОРИФ («билиб туриб билмасликка олиш») - байтда акс эттирилаётган бирон образли иборани аниқ айтмасдан ўзини билиб билмасликка олгандек кўрсатиш.

Мисоллар: Жонбахи лавлинг устида ул холи ҳиндулармудур,
Ё машмаи ҳайвон уза зоғи сияҳмўлармудур. (К. Хоразмий)

Наҳот шунча маъсум, шунча пок

Севишмоқда алам бор шунча? (Зулфия «Не балога этдинг мубтало?»)

Қайси гулнинг мен киби бир андалиби зори бор,

Қайси булбулнинг сенигдек бир гули баҳори ёр. (Мушс)

ТАМСИЛ («мисол келтириш») - бунда фикрни исботлаш учун биронта мисол келтирилади. Баъзан мақол ҳам келтирилиши мумкин.

Мисол: Оразин ёпқач, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Улаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш. (А. Навоий)

Умри жовид истасанг, фард ўлки, бустон хўридур,

Сарғким, даб айлади озодалиғ бирла маош. (А. Навоий)

ТАКРИР («такрорлаш») - шеърда у ёки бу сўзни такрор қўллаш санъати.

Мисол: Кўнм бўл¹, кўнм қил, кўнм² кўнм,
Кўнм тею³ билсун ҳалойиқ сени. (Аҳмад Юғмакйй)

1-тўғри, рост, ҳаққоний 2- атан, ном ол. 3-деб

Қайси гулнинг мен киби бир андалиби зори бор,

Қайси булбулнинг сенигдек бир гули баҳори бор. (Мушс)

Ишққа тутдинг, ўтга тутдинг, куйиб ўддинг,

Парвонадек жондин кечиб ахгар бўлдинг. (А. Ясавий)

ТАСДИР - шеър байтидаги биринчи сўзни байт охирида такрорлаш санъати. **Мисол:** Мен бу юз муштоқидурмен, боғу бустонким бўлур,

Бўлмасин настрину лола, арғувон сизсиз мена. (Атоий)

ТАРСЕЪ («зийнатлаш», «безаш», «ипга маржон тизши») - шеърда биринчи мисра сўзлари билан иккинчи мисра сўзларининг бир-бирига оҳангдош, вазидош, қофиядош бўлиб келиши.

Мисол: Ед этмас эмин катини гурбатда киши,

Шод этмас эмин кўнгули меҳнатда киши. (Бобур)

Жисимни талашса эрди итлар,

Қамар юзингдин бўлур мунаввар,

Қонимни ялашса эрди итлар.

Шакар сўзингдин келур мукаррор.

(Навоий)

(С. Сарош)

Мурувват - барча бермакдур, емак йўқ,

Футувват - барча қилмакдур, демек йўқ.

(Навоий)

Эй бегим, ушбу юз дегул, шамс била қамармудур,

Эй бегим, ушбу сўз дегул, шаҳд ёрча шакармудур. (Атоий)

ТАШБЕҲ («ўхшатиш») - бирор образ ёки воқеани бошқа бирор нарса ёки воқеага қиёслаш орқали ўхшатиш. Бунда сўзларда ифодаланган икки ёки ундан ортиқ нарса ва ҳодисалар, хусусиятлар ўртасида мавжуд бўлган ўхшашлик, сифат, белгидаги умумийлик қиёсланади, ўзаро солиштирилади, тасвирланаётган нарса-ҳодисанинг айрим хусусияти ёрқин, чуқурроқ ва таъсирлироқ очиб берилди.

Ташбеҳнинг бир неча қисмлари мавжуддир. Булар ўхшатиш нарса (**мушаббаҳ**), ўхшаган нарса (**мушаббаҳун** - **бихи**), бир предметнинг иккинчисига ўхшатилиш сабаби (**важҳи шабоҳ**), ўхшатиш воситаси (**одати ташбеҳ**, -дек, -тек, -дай, -ваш, -осо, мисли, гўё, киби)дан иборат.

Масала: Кўзларинг чўлпона ўшар, қоралигда сочларинг

Оразинг ойдин мунаввар, осмондир қошларинг - байтидаги чўлпон, ой, осмон сўзлари мушаббаҳун бихилардир.

Яна мисоллар: Тил арслон турур, кўр, эшикда ямур,

Ая эълуг, арсик башингни еор. (Ю. Х. Ҳажив)

Кими ўзганинг ашборин меним дер,
Кими ҳайвон киби шалғам чулин ер.

Ташбеҳнинг турлари:

1. Ташбеҳи сарех (*ташбеҳи мутлақ, очиқ ўхшатиш*):
*Шаҳар чу дузах каби зиндон эди,
Ташқари бир раъзаи ризвон эди.* (*«Юсуф ва Зулайҳа»*)
2. Ташбеҳи машрут (шартли ўхшатиш):
*Кимнинг ҳиммати бўлмаса у улуг,
Экаун ажунда бу булмас улуг.* (*Ю. Х. Ҳажий*)
3. Ташбеҳи тафсил (чекиниш йули билан ўхшатиш):
*Садокатли хизматкор бағир (дил) кабидир.
Бағирдан ҳам яқинроқ юрак қонидекдир.* (*Ю. Х. Ҳажий*)
4. Ташбеҳи акс - бунда ўхшаган ва ўхшатилган нарса бир марта ўз ҳолича, иккинчи марта бир-бирларининг ўрни алмашган ҳолда келати.
5. Ташбеҳи музмар (яширин ўхшатиш):
*Жаҳон шоирлари эй гушани боғ,
Кими булбулдурур сўзда, кими зоғ.* (*С. Саройи*)
6. Ташбеҳи тавсия (баробар ўхшатиш) - бунда шоир икки предмет бир нарсага ўхшатилади.

ТАЗОД («зид қўйиш», «қаршилантириш») - баъда маъно жиҳатидан ўзаро зид, қарама-қарши бўлган сўзларни қўллаб, таъсирчан баъдий тўмсоллар. лавҳалар яратиш санъати. Бу санъат «контраст ҷрёмии» ҳам деб аталади.

Мисол: *Подшоҳ йўқлатсалар ногоҳ, гадо деб ахтаринг.
Тутманг ҳаргиз номими, бахти қаро деб ахтаринг.* (*Муқимий*)

*Ташда эди сабзу оби равон,
Шаҳр ичда эрди юз оху фиғон.* (*Дурбек*)

*Қовоқ солиб осмон кўзи ёш сочар,
Чечак-майса қувноқ қулиб юз очар.* (*Ю. Х. Ҳажий*)

*Бухл эрур борча саховатдин хасис,
Лек саҳо жавҳари асру нафис.* (*А. Навоий*)

*Оғла, оғла, Ниҳоний, кеча бўлди кундулар,
Фалакда кўринмаюр моҳтоб ила келдулар.* (*Ҳамий*)

*Беҳишат-дўзах талашур, талашмоққа баён бор,
Дўзах айтур: «Мен ортуқ, менда Фиръавн Ҳомон бор».*

*Беҳишат айтур: «Не дерсан, сўзни билмай аитурсан,
Сенда фиръавн бўлса, менда Юсуф Канъон бор».* (*А. Яссаний*)

Бугун, эй дўстлар, фарзанди жонимни соғиндим.

Гадо бўлсам, не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим. (*Увайсий*)

*Неча қаллош сам ҳам, ағниё оллида бош эгмон,
Ғаниллар ҳиммат ичра ушбу қаллошингдин айлансун.* (*Оғаҳий*)

Ошиқ ўлғон аждаҳо бўлса, забун ўлмоқ керак.

Жавр тортиб ишқ кўйи мўрининг ийзосидин. (*А. Навоий*)

ТАРДИ АКС («тесқари қилиб такрорлаш») - шеърнинг биринчи мисрасида келтирилган сўз ёки сўз бирикмаларини кейинги мисрада ўрнини алмаштириб қайтариш. Мисол:

Эрурсен шоҳ - агар огоҳсен, сен,

Агар огоҳсен, сен - шоҳсен сен. (*А. Навоий*)

ТАЪРИХ - бунда бирор тарихий шахснинг туғилган ёки вафот этган санаси, бирор муқташаб бинонинг қурилган йили. бирор машҳур кигоб ёзилган пайти ёки даври очиқ эмас, балки араб алифбосининг махсус ҳарфлари воситасида ифодаланади. Алишёр Навоий вафоти мусибати билан замондошлари томонидан ёзилган таърих қуйидагича:

Беш ҳарф дедию бўлди таслим,

«Алиф», «бе», «то», «со», «жим».

Бунда «Алиф» - 1, «бе» - 2, «то» - 400, «со» - 500, «жим» - 3 ни ифодалайди. Бу рақамларни бир-бирига қўшсак, 906 ҳижрий йил пайдо

булади. 906 ҳижрий йилни милодийга айлантирилса, 1501 йил келиб чиқади. Демак, Ашшер Павоний 1501 милодий йилда вафот этган.

Яна бошқа мисол: «Зод» энг тарих тақи «хе» ю «дол»,

Муддати ҳижрийдин ўтуб моху сол. («Юсуф ва Зулайҳо»)

Арабча ҳарфларнинг абжад ҳисобидаги микдорий кўрсаткичига кўра, «зод» 800, «хе» 8, «дол» 4 сонини ифодалайди. Бу ҳижрий 800+8+4=812 йил бўлади. У милодий 1409 йилдир. Бу сана асар ёзилган йилни билдиради.

ТАСБЕ - байтдаги биринчи мисра охиридаги сўзни иккинчи мисра бошида такрорлаш. *Мисол:* *Кучум етгунча кўп қилдим вафолар,*

Вафолар қулни асрар подшолар. (Хоразмий)

ҲАСБУ ҲОЛ - ёзувчи ёки шоирнинг ўз аҳволини баён қилиши, ўз турмушининг қандайлигидан ҳисоб бериш. Масалан, *Мужрим Обид «Арзи аҳвол...» асарида ўз ҳаётини баён этган.* Бобурнинг қуйидаги рубойида ҳам ўз аҳволини баён этиш яққол сезилиб турибди:

*Толғ йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Не ишники айлади, хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қуйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.*

ҲУСНИ ТАЪБИЛ (ар. «чиройли далиллаш») - адабий асарларда тасвирланаётган бирор ҳодисага шоирона бирор сабаб кўрсатиш, шеърда бирор воқеани унга дахли бўлмаган ҳодиса билан изоҳлаш.

Мисоллар: *Гарчи шунча мағрур турса ҳам*

Пиёлага эгилар чойнак

Шундай экан, манманлик нечун,

Кибру ҳаво нимага керак? (Э. Воҳидов)

Лабингдин чун сучуклик қанд ўғурлар,

Солурлар эл ани сувга яланғоч. (Дуфий)

Келгил, эй ўтлуғ кўнгул, эски чопонга қонғе ўл,

Ким, ҳалиша жисмига қулдин қилур аҳгар либос. (Огаҳий)

ҲАРФ САНЪАТИ (Китобат) - бадий тасвирда араб алифбосидаги ҳарфлардан фойдаланиш санъати. *Мисоллар:*

Нигоро, бори зам бирла фақири нотавон айлаб,

«Алиф»дек қоматимни «лом-алиф» янглиғ дуто қилдинг. (Хувайдо)

«Айн»у «шин»у «қоф»инга то бўлди кўнгулм мубтало,

«Дол»у «ро»у «дол»у ҳа.жрнингдин даме эрман жудо. (К. Хоразмий)

ҚАЙТАРИШ САНЪАТИ (радд - ул-ажуз ил-ас-садр ёки радд-ул-ажуз мин - ас - садр) - байтдаги мазкур ўринлардан биридаги сўзнинг яна бошқа бир ўринда такрорланиши. Унинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Радд-ус- садр илал-ибтидо (байт бошидаги сўзнинг иккинчи мисра бошида келиши):

Ҳусний то хувайдо қилди холик

Ҳусн бирла вафо бўлмас мувофиқ. (Хоразмий)

2. Радд-ул-аруз илал-ибтидо (биринчи мисра охиридаги сўзнинг кейинги мисра бошида келиши):

Не раво бўлғай буким, меҳроб ичинда ўлтуруб,

Ултурадур мен дуочини кўзунг боқиб туруб. (Хоразмий)

Атошйни агар оламга сотсанг,

Сот, эй эҳидки, ул хублар қулидир. (Атоий)

3. Радд-ул-аруз ил-ал-ажуз (биринчи мисра охиридаги сўзнинг байт охирида келиши):

Китобат бошладим анжома етгай,

«Мухаббатнома» Мисру Шома етгай. (Хоразмий)

4. Раддус - садр илал - ҳанв (байт бошидаги сўзнинг мисра ўртасида келиши):

*Гунаҳ қилдимки, ҳажрингда тириладим,
Вале мендин гунаҳ, сендин карамдур. (Атоий)*

5. Радд - ус - садр илал - ажуз (Садрнинг ажузда такрорланиши):

*Уқуш бўлса асги эди - ўқ ўқуш,
Қамуғ эдгулик улуғ - ул бу ўқуш. (Ю. Х. Ҳожиб)*

6. Раддул - ҳашв илал ибтидо (биринчи мисра ҳашвидаги сўзнинг ибтидо сифатида такрор келиши):

*Қали эдгука бўлса, эсиз эши,
Эсиз болди қилқи ул эсиз туши. (Ю. Х. Ҳожиб)*

7. Радд - ул - ҳашв илал - ҳашв (биринчи мисра ўртасидаги сўзнинг кейинги мисра ичида қайтарилиши):

*Ул санамжим суя яқосинда паридек ўлтирур,
Ғояти нозуклигиндин суя била ютса бўлу. (Атоий)*

8. Радд - ул - ҳашв илал - ажуз (мисра ичидаги сўзнинг кейинги мисра охирида келиши):

*Ула нанг кишика йетур ҳам ичур,
Сени нанг кечурсай, ани сен кечур.*

9. Радд - ул - аруз илал - ҳашв (биринчи мисра охиридаги сўзнинг кейинги мисра ичида ҳам келиши):

*Некту тер эшиткил кур эрдамлуғ эр,
Бу эрдан била эр тилак арзу ер. (Ю.Х.Ҳожиб)*

10. Радд - ус садр илал - аруз (байт бошидаги сўзнинг биринчи мисра охирида келиши):

*Ҳамоллигистек кишининг йўқ жамоли,
Дареғо, бўламаса эрди заволи. (Хоразмий)*

11. Радд - ул - ибтидо илал - ҳашв (иккинчи мисра бошидаги сўзнинг шу мисра ўртасида келиши):

*Бўёнг сароу санубартек, белинг қил,
Вафо қилгон кишиларга вафо қил. (Хоразмий)*

12. Радд - ул - ибтидо илал - ажуз (иккинчи мисра бошидаги сўзнинг байт охирида келиши):

*Бу дуниа иши кўр ўйун - ул ўйун,
Уйунқа қатилма нерак бу ўйун. (Ю. Х. Ҳожиб)*

Қайтариш санъатида куйидагиларни билиш лозим: *Садр* - биринчи мисранинг бошланиши, *аруз* - биринчи мисранинг охири, *ибтидо* - иккинчи мисранинг боши, *ажуз (зарб)* - иккинчи мисранинг охири, *ҳашв* - мисраларнинг ўрта қисми. Буни куйидагича кўрсатиш мумкин:

САДР

ҲАШВ

АРУЗ

ИБТИДО

ҲАШВ

АЖУЗ (ёки зарб)

6 - МАВЗУ. ШЕЪРИЙ ТИЗИМЛАР. АРУЗ ВАЗНИ

Шеърят (поэзия) - ўзига хос. мураккаб ва юксак санъат. У инсон қалбининг нозик ҳис-туйғуларини, фикр ва ҳиссиётларини, эҳтиросларини таъсирчан тусда акс эттиради. Улуғ мутафаккир Ғете «Шоир лирикада бениҳоя кўл раво ажро этувчи актёрлар» деган эди.

Қадимда «илми бадеъ» («бадийлик илми», у шоик образ яратиш воситаларини ўргатган), «илми қофия» (шеърдаги қофиядошлик билан шуғулланган), «илми аруз» (шеър вазнини текширган) кабилар махсус фан сифатида ўргатилган. Ўзбек шеър тизимлари ўзига хосдир. Шеърлунос олимларнинг тадқиқотларида ўзбек шеърляти 5 та шеър тизими асосида яратилганлиги таъкидланади. Булар - *бармоқ тизими*, *аруз тизими*, *бўғил-урғу тизими*, *миқдор-урғу тизими* ва *қоршиқ тизим*. Шулардан бармоқ ва аруз тизимлари ўзбек шеър тузилишининг асосини ташкил қилади.

АРУЗ ҲАҚИДА

Аруз (ар. «арз қилмоқ») деганда Шарқ халқлари адабиётида кенг қўлланилган мураккаб вазнлар тизимини тушунамиз. Бу вазн шеър мисраларида қисқа ва чўзиқ бўғинларнинг маълум тартибда гуруҳланиб такрорланишига, яъни мисрадаги ҳижолаар миқдори ва сифатига асосланади. Аруз вазни XI асрдан, яъни Юсуф Хос Ҳожиб ижодиидан бошлаб туркий адабиётда кенг қўлланила бошланди. Бу шеърый тизим асосчиси *Ҳалма ибн Аҳмад (719-791)* бўлиб, «аруз» атамаси ҳам у яшаган жой яқинидаги водий номидан олинган. Аруз шеърый тизимида вазн билан боғлиқ қатор атамалар мавжуд. Буларга қуйидагилар кирради:

1. *Ҳажо* (бўғин) 2. *Руки (сутун)*, байтда чўзиқ ва қисқа ҳижолаарнинг маълум бир тартибда такрорланиб келувчи бўлаги. У сабаб, ватад ва фосилаларнинг бирикувидан ҳосил бўлади) 3. *Матлаъ* (ар. «чиқит жойи» (ой ва кўём ҳақида)) - ғазалнинг биринчи байти 4. *Мақтаъ* (ғазалнинг охириги байти) 5. *Васл* (ар. «уланиш») - ҳижолаарнинг бир-бирига улашиб кетиш ҳодисаси 6. *Сабаб* - мустақил чўзиқ ҳижо (бир чўзиқ ёки икки қисқа) 7. *Ватад* (бир қисқа ва бир чўзиқ бўғиндан иборат бўлак) 8. *Фосила* (икки ёки ундан ортиқ қисқа ҳижонинг ўзидан кейин келаётган чўзиқ ҳижо билан бирикишидан пайдо бўлган бўлак) 9. *Зиҳоф* (ўзгариш) 10. *Садр* (биринчи мисранинг биринчи руки) 11. *Аруз* (биринчи мисранинг охириги руки) 12. *Ибтидоъ* (иккинчи мисранинг биринчи руки) 13. *Зарб* (иккинчи мисранинг охириги руки) 14. *Ҳашт* (қолган руқлар) 15. *Солим* (ар. «соғлом, ўзгармаган») - бунда асл руқлар ўзгаришига учрамаган бўлади 16. *Мақсур* («кемтик», «қусурли», «қисқа қилинган») - фаулун, мафойилтун ва фоилотун аслларининг «қаср» («қисқа қилиш») зиҳофига дуч келиши оқибатида юзага келган фаул (чизмаси V -), мафойил (чизмаси V -), фоилон (чизмаси - V -) тармоқ руқларининг номи 17. *Маҳзурф* («охир ташланган») - фаулун, мафойилтун ва фоилотун аслларининг «ҳазф» («ташлаш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган фаал (чизмаси V -), фаулун (чизмаси V - -), фоилун (чизмаси - V -) тармоқ руқларининг номи ва бошқ.

Бўғинларнинг қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқлиги сўзларнинг ёзилишига кўра эмас, балки вазнга мувофиқ ўқилишига қараб белгиланади. *Масалан:*

Бош-ни фи-до ай-ла а-то қо-ши-ға,
- V - V - - V V - - V -

Жисм-ни қил сад-қа а-но бо-ши-ға.

- V V - - V V - - V - (А. Навоий)

Иккинчи мисрадаги «жисм» сўзи ўта чўзиқ бўғиндир. Ҳар бир мисра оҳанг жиҳатидан бир неча бўлакка бўлиниб, улар руқ, яъни устун номи билан аталади. Мисрадаги руқлар бир-биридан қисқа сукут-пауза билан ажралади. Руқлар ҳижолаарнинг миқдори ва чўзиқ ёки қисқалигига қараб 8 аслга бўлинади ҳамда уларнинг ҳар бири арабча «фаала» («ҳаракат») сўзидан ясалган махсус ном (қолип) билан юритилади:

№	Номи	Парадигмаси(тақтеси)	Баҳри
1.	Фа - у - лун	V - -	мутақориб
2.	Фо - и - лун	- V -	мутадорик
3.	Фо - и - ло - тун	- V - -	рамал
4.	Ма - фо - ий - лун	V - - -	ҳазаж
5.	Мус - тафъ - и - лун	- - V -	ражаз
6.	Ма - фо - и - ла - тун	V - V V -	вафир
7.	Му - та - фо - и - лун	V V - V -	комил
8.	Мафъ - у - ло - ту	- - - V	-

Аруз вазида қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ бўғинлар мавжуд:

1. **Қисқа бўғин** - қисқа талаффуз қилинувчи унлидан иборат бўлган, урғу тушмаган ёки охири унли билан тугаган очиқ бўғинлар. Белгиланиши: * V »

2. **Чўзиқ бўғин** - чўзиқ талаффуз қилинувчи унлидан иборат бўлган. чўзиқ унли билан тугаган очиқ бўғинлар, таркибида қисқа унли бўлган ундош билан тугаган ёпиқ бўғинлар. Белгиланиши: * - »

3. **Ўта чўзиқ бўғин** - таркибида чўзиқ унли бўлган. қўш унлош билан тугалланувчи ёпиқ бўғинлар. Белгиланиши: мисра ичида * - V *. мисра охирида * - »

Айни пайтда, руқнларнинг ҳар бири ҳижолаарнинг қисқаришига қараб турли шакл олади. У шакллар **зиҳофлар** дейилади. Ҳар бир ўзгаришнинг ўз оти бўлиб, **фурув** дейилади. Шейрий мисрани ҳижолаарга қараб, унинг қайси вазнга алоқадорлигини аниқлашда ҳар бир вазнга хос стопа ёки руқнларни кўрсатувчи асосий қолип-чизмалар **парадигма (тақтиъ)** дейилади. Аруздаги руқнларда бўлган сўзларни бўғинларга ажратини ҳар доим ҳам тил қондасига мувофиқ келавермайди. Баъзан айрим товушлар вазнга сигмай тушиб қолиши. Ундан кейинги сўз товушларига сингиб кетиши ва бирга икки талаффуз этилиши мумкин. Шунингдек, айрим вақтларда руқнда унли товушси ҳам бўғин бўла олади. Масалан, айрим ҳошларда оҳанг - мусиқийлик талаби билан икки ҳижола **офтоб** сўзини турти ҳижола бўлиб **о-ф-то-б** тарвида ўқиш мумкин. Навоийнинг қуйидаги байти ва ҳам шу каби бўғин мавжуд:

Меҳ-р кўп кўр - суз-ди-мам-мо меҳ-ри-бо-не топ-ма-дим,
- V - - - - I - - - - V - - - - I - - - -
Жон ба-се қил - дим фи-до о- ро-ми-жо-не топ-ма-дим.
- V - - - - V - - - - V - - - - I - - - -

Аруз вазида **бахр** (ар. «денгиз», яъни «кўп вазн») деганда ўяқлари бир-бирига яқин вазнлар туркумини тушунади; Вазнларни баҳрларга бўлишда аслий руқнлар асос қилиб олинган. Руқнларнинг ўзаро муносабати ва тақрори асосидаги кўринишлари **бахр** дейилади. Аруз тизимида қуйилган 19 та баҳр машҳурдир: **ҳазаж, римал, рижаз, мутақориб, мутадорик, нофир, комил, тавил, мадид, басит, мунсарих, мушриъ, муктазиъ, мужтасс, сариъ, жадид, қариб, ҳафиф, мушокиа.**

Куйида **ҳазаж, римал, рижаз, мутақориб ва мутадорик** баҳрларининг вазнлари келтирилган.

1. ҲАЗАЖ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ:

1. Ҳазаж мураббаъи солим

Ма - фо - ий - лун	ма - фо - ий - лун
V - - - -	V - - - -
Ма - фо - ий - лун	ма - фо - ий - лун
V - - - -	V - - - -

2. Ҳазаж мусаддиси солим

Зи - хи - рух - со -	ри - нгол - ди - да	қу - ёш тий - ра
Ма - фо - ий - лун	ма - фо - ий - лун	ма - фо - ий - лун
V - - - -	V - - - -	V - - - -
Қу - ёш - дин йўқ -	ки, он - дин эл	кў - зи тий - ра
Ма - фо - ий - лун	ма - фо - ий - лун	ма - фо - ий - лун
V - - - -	V - - - -	V - - - -

3. Ҳазаж мусамманн солим.

А - зал - дик то	а - бад кўнг - лум	қу - тум - мас ишқ	ба - ло - си - дин
Ма - фо - ий - лун	ма - фо - ий - лун	ма - фо - ий - лун	ма - фо - ий - лун
V - - - -	V - - - -	V - - - -	V - - - -
Ю - ро - қим раҳ -	на - лар бўл - ди,	бу ишқ - нинг ло -	жа - ро - си - дин.

Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -

Бу вазнда Ҳамзанинг «Са юм айтинг», А. Навоийнинг «Мени мен устаган», Атоийнинг «Қаро кўзлар», Нодиранинг «Фигонким гардиши даврон...», Олғайнинг «Юзинг очкич .», Ҳ. Олимжоннинг «Ғага» каби шеърлари ёзилган.

4. Ҳазажт мусаддаси махзур.

Не ду - раҳ - во -	ли - не, эи зо - ри	фи - ри - бим
Ма - фо - ий - лун	Ма - фо - ий - лун	фа - у - лун
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -
Ви - со - лям дав -	ла - ти - дин бе -	на - си - бим
Ма - фо - ий - лун	Ма - фо - ий - лун	фа - у - лун
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -

5. Ҳазажт мусаддаси махзур.

Жа - хон - да қол -	ма - ди ул ет -	ми - ган нам
Ма - фо - ий - лун	Ма - фо - ий - лун	ма - фо - ийл
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -
Би - либ таҳ - қи -	қи - ни кас - б эт -	ма - ган нам.
Ма - фо - ий - лун	Ма - фо - ий - лун	ма - фо - ийл
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -

6. Ҳазажт мусаммани махзур.

Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	Фа-у-лун
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -
Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	Фа-у-лун
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -

7. Ҳазажт мусаммани махзур.

Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ийл
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -
Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ийл
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -

8. Ҳазажт мусаммани ахраб.

Сай - динг қў -	я - бер, сай - ёд,	сай - ё - ра	э - кан мен - дек
Мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лун	мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лун
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -
Ол - до - ми -	ни буй - ни - дин,	бе - чо - ра	э - кан мен - дек.
Мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лун	мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лун
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -

9. Ҳазажт мусаммани аштар.

Кел - ди о -	чи - лур чо - ги	ўз - ли - ганг	на - мо - ён қил
Фо-и-лун	ма-фо-ий-лун	фо-и-лун	Ма-фо-ий-лун
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -
Пар - ча - лаб	ки-шин-лар-ни	ҳар то - мон	на-ри-шон қил.
Фо-и-лун	ма-фо-ий-лун	фо-и-лун	ма-фо-ий-лун
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -

10. Ҳазажт мусаммани ахраби макбуфи махзур

Мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лу	ма-фо-ий-лу	фа-у-лун
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -
Мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лу	ма-фо-ий-лу	фа-у-лун
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -

11. Ҳазажт мусаммани ахраби макбузи солими ёзил.

Мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	фoъ
√ - - - -	√ - - - -	√ - - - -	-
Мафъ-у-лу	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	фoъ

-	-	∇	∇	-	-	-	∇	-	-	-	-
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

12. Ҳазжи мусаммани мусаббаъ.

Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лон
∇ - - -	∇ - - -	∇ - - -	∇ - - -
Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лон
∇ - - -	∇ - - -	∇ - - -	∇ - - -

ва бошқалар.

II. РАМАЛ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ:

1. Рамали мураббаи солим.

<i>Кел-гил, эй рух-</i> Фо - и - ло - тун	<i>со-ри зе - бо</i> Фо - и - ло - тун
- ∇ - - -	- ∇ - - -
<i>Ким, бў-лур-мен</i> Фо - и - ло - тун	<i>но - ши - ке - бо</i> Фо - и - ло - тун
- ∇ - - -	- ∇ - - -

2. Рамали мусаддаси солим.

Фо - и - ло - тун	Фо - и - ло - тун	Фо - и - ло - тун
- ∇ - - -	- ∇ - - -	- ∇ - - -
Фо - и - ло - тун	Фо - и - ло - тун	Фо - и - ло - тун
- ∇ - - -	- ∇ - - -	- ∇ - - -

3. Рамали мусаммани солим.

<i>Кел - ки, иш-қинг-</i> Фо - и - ло - тун	<i>дин кў-нгул-да</i> Фо - и - ло - тун	<i>йўқ-ту-рур саб-</i> Фо - и - ло - тун	<i>ру қа-ро-рим</i> Фо - и - ло - тун
- ∇ - - -	- ∇ - - -	- ∇ - - -	- ∇ - - -
<i>Бо-ши-ма ет-</i> Фо - и - ло - тун	<i>кур қа-дам-ким,</i> Фо - и - ло - тун	<i>ҳад-дин ош-ти</i> Фо - и - ло - тун	<i>ия-ти-зо-рим.</i> Фо - и - ло - тун
- ∇ - - -	- ∇ - - -	- ∇ - - -	- ∇ - - -

4. Рамали мусаддаси маҳзуф.

<i>Сўз - чи ҳо - лин</i> Фо - и - ло - тун	<i>боқ - ма боқ сўз</i> Фо - и - ло - тун	<i>ҳо - ли - ни</i> фо - и - лун
- ∇ - - -	- ∇ - - -	- ∇ - - -
<i>Кўр - ма ким дер</i> Фо - и - ло - тун	<i>о - ни, кўр - гил</i> Фо - и - ло - тун	<i>ким не дер</i> фо - и - лун
- ∇ - - -	- ∇ - - -	- ∇ - - -

5. Рамали мусаддаси мақсур

<i>Гул - ша - нинг - дин</i> Фо - и - ло - тун	<i>ел-дек эй раъ-</i> Фо - и - ло - тун	<i>но ни - ҳол</i> Фо - и - лон
- ∇ - - -	- ∇ - - -	- ∇ - - -
<i>Мен ё - мон бор-</i> Фо - и - ло - тун	<i>дим ва-ле сен</i> Фо - и - ло - тун	<i>ях - ши қол</i> Фо - и - лон
- ∇ - - -	- ∇ - - -	- ∇ - - -

6. Рамали мусаммани маҳбун

Фо-и-ло-тун	фа-и-ло-тун	фа-и-ло-тун	фа-и-ло-тун
- ∇ - - -	∇ ∇ - - -	∇ ∇ - - -	∇ ∇ - - -
Фо-и-ло-тун	фа-и-ло-тун	фа-и-ло-тун	фа-и-ло-тун
- ∇ - - -	∇ ∇ - - -	∇ ∇ - - -	∇ ∇ - - -

7. Рамали мусаммани маҳзуф

<i>Чар-х-нинг мен</i> Фо-и-ло-тун	<i>кўр-ма-ган жавб-</i> қў-и-ло-тун	<i>ру жа-фо-си</i> фо-и-ло-тун	<i>қол-ди-му?!</i> фо-и-лун
- ∇ - - -	- ∇ - - -	- ∇ - - -	- ∇ - - -

<i>Хас-та кўн-лум</i> Фо-и-ло-тун	<i>чек-ма-ган дар-</i> фо-и-ло-тун	<i>ду ба-ло-си</i> фо-и-ло-тун	<i>қол-ди-му?!</i> фо-и-лун
- V - -	- V - -	- V - -	- V - -

А. Навоийнинг «*Ун сакиз минг олам ошуби...*», «*Оразин ёпқач...*», «*Кўргали ҳуснингни...*», Машрабнинг «*Ҳеч кима маълум эмас...*», Муқимийнинг «*Подшоҳ иўқлатсалар ногоҳ...*», Фурқатнинг «*Сурмадин кўзлар қаро...*», Ҳамзанинг «*Дардига дармон истамас*», Э. Воҳидовнинг «*Барча шодлик сенга бўлсин...*» каби шеърлари ҳам шу вазнда ёзилган.

8. Рамали мусаммани мақсур.

<i>Сур-ма ҳо-лим-</i> Фо-и-ло-тун	<i>ни-ки, бўл-дим</i> фо-и-ло-тун	<i>бур-но-ғи-дин</i> фо-и-ло-тун	<i>зор-роқ,</i> фо-и-лон
- V - -	- V - -	- V - -	- V - -
<i>Ҳис-м жо-дин</i> фо-и-ло-тун	<i>зо-ру жо-ним</i> фо-и-ло-тун	<i>жис-м-дин аф-</i> фо-и-ло-тун	<i>гор-роқ.</i> фо-и-лон
- V - -	- V - -	- V - -	- V - -

Алмайнинг «*Ҳаёт*», Комил Хоразмийнинг «*Шамъ*», Муқимийнинг «*Лой*» радибли ғазаллари ҳам шу вазнда битилган.

9. Рамали мусаммани махбун мақтуб.

фо-и-ло-тун	фа-и-ло-тун	фа-и-ло-тун	фаъ-лун
- V - -	V V - -	V V - -	- - -
фо-и-ло-тун	фа-и-ло-тун	фа-и-ло-тун	фаъ-лун
- V - -	V V - -	V V - -	- - -

10. Рамали мусаммани махбун мақтуб мусаббаъ.

фо-и-ло-тун	фа-и-ло-тун	фа-и-ло-тун	фаъ-лон
- V - -	V V - -	V V - -	- - -
фо-и-ло-тун	фа-и-ло-тун	фа-и-ло-тун	фаъ-лон
- V - -	V V - -	V V - -	- - -

11. Рамали мусаммани мажкӯл.

фа-и-ло-ту	фо-и-ло-тун	фа-и-ло-ту	фо-и-ло-тун
V V - V	- V - -	V V - V	- V - -
фа-и-ло-ту	фо-и-ло-тун	фа-и-ло-ту	фо-и-ло-тун
V V - V	- V - -	V V - V	- V - -

12. Рамали мураббаъи махбун.

<i>Ма-нга ҳаж-ринг-</i> Фа-и-ло-тун	<i>ди-на-лам кўн,</i> фа-и-ло-тун
V V - -	V V - -
<i>Са-на-мо, қал-</i> Фа-и-ло-тун	<i>ма-си-тим кўн.</i> фа-и-ло-тун
V V - -	V V - -

ва бошқалар.

III. РАЖАЗ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ:

1. Ражази мураббаъи солим.

Мус-тафъ-и-лун	Мус-тафъ-и-лун
- - V -	- - V -
Мус-тафъ-и-лун	Мус-тафъ-и-лун
- - V -	- - V -

Муқимий «*Саёҳатнома*» асари мана шу вазнда ёзилган.

2. Ражази мураббаъи музола

Мус-тафъ-и-лун	Мус-тафъ-и-лон
----------------	----------------

- - V -	- - V -
Мус-тафъ-и-лун	Мус-тафъ-и-лун
- - V -	- - V -

3. Раҷазии мусаддаси солям.

Мус-тафъ-и-лун	Мус-тафъ-и-лун	Мус-тафъ-и-лун
- - V -	- - V -	- - V -
Мус-тафъ-и-лун	Мус-тафъ-и-лун	Мус-тафъ-и-лун
- - V -	- - V -	- - V -

4. Раҷазии мусаммани солям.

<i>Бул-бул ча-ман-</i> Мус-тафъ-и-лун	<i>да нағ-ма-гар</i> Мус-тафъ-и-лун	<i>гул-га қи-либ</i> Мус-тафъ-и-лун	<i>ҳар -дам на-зар,</i> Мус-тафъ-и-лун
- - V -	- - V -	- - V -	- - V -
<i>Уз ни-қи-дан</i> Мус-тафъ-и-лун	<i>суз-лар ма-гар</i> Мус-тафъ-и-лун	<i>минг тур-ам о-</i> Мус-тафъ-и-лун	<i>во -зай -ла- дн.</i> Мустафъилун
- - V -	- - V -	- - V -	- - V -

Оғаҳийнинг «Устина», «Жонларда фикру суратинг» каби шеърлари ҳам шу вазндадир.

5. Раҷазии мусаммани матвийи маҳбун.

Муф-та-и-лун	Ма-фо-и-лун	Муф-та-и-лун	Ма-фо-и-лун
- V V -	V - V -	- V V -	V - V -
Муф-та-и-лун	Ма-фо-и-лун	Муф-та-и-лун	Ма-фо-и-лун
- V V -	V - V -	- V V -	V - V -

ва бошқалар.

IV. МУТАҚОРИБ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ:

1. Мутақориби мусаммани маҳзуф

<i>О-лай де-</i> Фа-у-лун	<i>са кон-тор-</i> Фа-у-лун	<i>да йўқ бир</i> Фа-у-лун	<i>па - қир</i> Фа-ал
V - -	V - -	V - -	V - -
<i>Де-са ол-</i> Фа-у-лун	<i>ма-йи -нул</i> Фа-у-лун	<i>за-ко-лат</i> Фа-у-лун	<i>ку -тир.</i> Фа-ал
V - -	V - -	V - -	V - -

Мисол: Ю. Х. Ҳоҷиб «Қутадғу билиг», А. Навоӣ «Сади Искандарӣ»

2. Мутақориби мусаммани маҳсур

Фа-у-лун	Фа-у-лун	Фа-у-лун	Фа-ул
V - -	V - -	V - -	V - -
Фа-у-лун	Фа-у-лун	Фа-у-лун	Фа-ул
V - -	V - -	V - -	V - -

Мисол: Ю.Х.Ҳоҷиб «Қутадғу билиг», А.Навоӣ «Сади Искандарӣ»

3. Мутақориби мусаммани аслам

Фаъ-лун	Фа-у-лун	Фаъ-лун	Фа-у-лун
- -	V - -	- -	V - -
Фаъ-лун	Фа-у-лун	Фаъ-лун	Фа-у-лун
- -	V - -	- -	V - -

4. Мутақориби мусаммани маҳбузи аслам

Фа-у-лу	Фаъ-лун	Фа-у-лу	Фаъ-лун
V - V	- -	V - V	- -
Фа-у-лу	Фаъ-лун	Фа-у-лу	Фаъ-лун
V - V	- -	V - V	- -

5. Мутақориби мусаммани солям

Фа-у-лун	Фа-у-лун	Фа-у-лун	Фа-у-лун
V - -	V - -	V - -	V - -

Фа-у-лун	Фа-у-лун	Фа-у-лун	Фа-у-лун
V - -	V - -	V - -	V - -

ва ботқалар.

Мисол: Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг» асаридаги «Илгитлякка ачиляб, қариллик ҳақида айтади», «Замона бузуқлигини, дўстлар жафосини айтади» каби қасидалари.

V. МУТАДОРИК БАҲРИ ВАЗНЛАРИ:

1. Мутадорик мусаммаи солям

Фо-и-лун	Фо-и-лун	Фо-и-лун	Фо-и-лун
- V -	- V -	- V -	- V -
Фо-и-лун	Фо-и-лун	Фо-и-лун	Фо-и-лун
- V -	- V -	- V -	- V -

2. Мутадорик мусаммаи мақтуб

Фаъ-лун	Фаъ-лун	Фаъ-лун	Фаъ-лун
- -	- -	- -	- -
Фаъ-лун	Фаъ-лун	Фаъ-лун	Фаъ-лун
- -	- -	- -	- -

3. Мутадорик мусаммаи мақтуби мусаббаъ

Фаъ-лун	Фаъ-лун	Фаъ-лун	Фаъ-лон
- -	- -	- -	- -
Фаъ-лун	Фаъ-лун	Фаъ-лун	Фаъ-лон
- -	- -	- -	- -

ва ботқалар.

А. Навоийнинг «Қаро кўзум» ғазалидан келтирилган қуйидаги байтга этиборни қаратайлик:

Қаро кўзум, келу мардумлиг эмди фан* қилғил,

Мафоилун файлотун мафоилун фаълон

V - V - V V - - V - V - V -

Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил

Мафоилун файлотун мафоилун фаълон

V - V - V V - - V - V - V -

*фан - расм, одат.

Бу ғазал мужтасси мусаммаи махбуни мақтуб мусаббаъ вазнида ёзилган.

Арузиғунослик масалалари Алишер Навоийнинг «Мезон-ул авзон» ва 3. М. Бобурнинг «Мухтасар» асарида чуқур тадқиқ қилинган. Бобур ўз асарида баҳрлар сонини 21 тага етказди ва улардан ҳосил бўлган 537 вазни тасниф этган. Ҳар бир баҳр ҳақида тўхтаб, ундаги вазн миқдори, шулардан қанчаси қўлланилади («мустаъмал»), қанчаси ихтиро қилинган («мухтарез») лиги билан таништирган.

7 - МАВЗУ. БАРМОҚ ВАЗНИ. БАДИИЙ ИЖОД УСУЛЛАРИ ВА БАДИИЙ АСАР ТУЗИЛИШИ

Бармоқ вазни ҳақида

Бармоқ вазни шеър мисраларидаги ҳижоларнинг бир миқдорда, туроқларнинг бир текисда такрорланиб келишига ва шу тарзда ритм ҳосил қилишга асосланган шеър тузилиши тизимидир. У дастлаб «Девону луғотит - турж» асарида, ундан кейин Аҳмад Яссавий ҳикматларига тадбиқ этилган. Бармоқ вазнида ҳижо вазн ўлчови бўлиб хизмат қилади ва мисралардаги ҳижолар жами вази деб аталади. *Вазн* (ар. «ўлчов») шеърини нутқни насрий нутқдан ажратиб турувчи асосий унсурлардан ҳисобланади. Одатда, бир

туркумдаги шеър мисралари, байтлари ва бандларида туроқлар ва бош туроқларнинг муайян қонуният асосида ишлатилишидан келиб чиқадиган ритмик ҳодиса - оҳанг *вази* дейилади. Вазнлар ритми вужудга келтиради. *Ритм* (юн. «вазидош, оҳангдош») шеър мисраларидаги бир-бирига тенг нутқ бўлақларининг бир текисда изчил такрорланиб келишидан пайдо бўладиган оҳангдошлик (зарб) ҳисобланади. Вазнларнинг ўзи *бўгин* (*ҳижо*), *туроқ*, *туркум*, *пауза*, *урғу* каби унсурлардан пайдо бўлади.

Бўгин - бир нафас зарби билан айтиладиган товуш ёки товушлар бирикмаси, сўзнинг мустақил талаффуз қилиниши мумкин бўлган бўлаги.

Туроқ - ҳижоларнинг мисралар бўйича муайян тартибда такрорланиб келиши. Туроқлар ҳижолардан ташкил топади. Шеърий мисраларда икки ва ундан ортиқ туроқ бўлиши мумкин. Туроқларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. *Оддий туроқ* (*кичик ритмик пауза*). Бунда шеър мисраларида туроқлар бир хил миқдорда бўлади. Оддий туроқ бир чизиқча (/) билан белгиланади.

2. *Бош туроқ* (*катта ритмик пауза*). У икки чизиқча (//) билан белгиланади.

Мисол: 4 5
Водийларни / яёв кезганда, // 4+5=9

 4 5
Бир ажиб ҳис / бор эди менда. // 4+5=9 (Ҳ. Олимжон)

 6 5
Йигитлар мактубин / битганда қондан, // 6+5=11

 6 5
Келинлар фироқдан / чекканда ёҳу. // 6+5=11

 6 5
Унинг ҳам паноҳи / қайтмади жангдан, // 6+5=11

 6 5
Ўн тўққиз ёшида / бева қолди у. // 6+5=11 (А. Орипов «Аёл»)

3. *Мураккаб туроқ* - шеърый мисраларда туроқларнинг турли миқдорда бўлиши.

Мисол: 2 2 3
Олмос / каби / оппоқ қор// 2+2+3=7

 3
Ялтирар // = 3

 2 2 3
Нега / мунча / дил оқар, // 2+2+3=7

 3
Қалтирар. // = 3 (Усмон Носир)

Туроқ (*стоп*) аруз тизимидаги рункга яқин туради. Бармоқ тизими вазнларга ниҳоятда бойлиги билан ажралиб туради. Шеършунослигимизда бармоқ тизимининг қуйидаги вазнлари аниқланган: *содда вази*, *қўшма вази*, *мураккаб вази*, *эркин вази* ва *аралаш вази*.

Банд (*строфа*) - шеърнинг алоҳида қофияланиш тартибига эга бўлган йирик ритмик бўлаги. Ўзбек шеъриятида икки мисрадан тортиб йигирма тўрт мисрагача бандлар мавжуд. Масалан, А. Ориповнинг «Аёл» шеъри 4 мисрали банд усулида, Омон Матжоннинг «Баҳор нафаси» шеъри уч мисрали банд усулида, Фурқатнинг «Сайдинг кўябер, сайёд...» шеъри олти мисрали банд усулида ёзилган ва ҳок.

Хулоса қилиб айтганда, шеърятдаги шеър тизимлари жуда хилма-хилдир. Шеър тузилишининг мураккаблиги шундан иборатки, унда *бўгин*, *туроқ*, *бош туроқ*, *туркум*, *мисра*, *байт*, *банд*, *вази*, *қофия*, *ритм*, *мушқийлик*, *бадний тасвир воситалари* ва *ғоя* каби унсурлар ўзаро бирикиб, шеърнинг яхлит тўқимасини вужудга келтиради. Шеър тўқимаси бамисоли жонли организмга ўхшайди - унда ортиқча нарса ҳам, етишмовчилик ҳам бўлмаслиги керак.

Бадий ижод усуллари

Бадий образ яратиш усули, яъни санъаткорнинг ҳаёт далилларини: танлаш принципи бадий умумлаштириш ва бадий тасвир усули принциплари *бадий ижод усули* дейилади. Санъат ва адабиётда бир неча бадий ижод усули бор. Булардан энг асосийлари қуйидагилардир:

РОМАНТИЗМ - турмушнинг ўзидан кўра кўпроқ турмуш ҳақидаги орзуларни тасвирлаш. Бу усул 3 хил бўлади:

А) **Реакцион романтизм** - бунда санъаткор томонидан яратилган образ, санъаткор дунёқараши ва истаклари жамият тараққиётига хизмат қилмай, балки жамиятдаги ўз умрини тугатган воқеаликни гириштиришга ёки умри тутаб бораётган нарсаларни сақлаб қолишга қаратилган бўлади.

Б) **Прогрессив романтизм** - бу реакцион романтизмнинг тескараси бўлиб, бунда эскилик ва янгилик ўртасидаги кураш тарихий тараққиётта мувофиқ тасвир этилади.

В) **Инқилобий романтизм** - бунда санъаткор ўз ижодида эски жамият тузумини тубдан ўзгартириш гоясини илгари суради.

Реакцион романтизм *пессим*, прогрессив ва инқилобий романтизм *актив* романтизм деб ҳам аталади.

РЕАЛИЗМ - реал воқеаларни ҳаққонийлик билан тасвирлаш. Реалист санъаткорлар ҳаётнинг характерли томонларини топа олади ва уни типиклаштиради. Типик характерларни типик шароитларда ҳаққоният билан тасвирлаш реалистик санъатнинг негизидир. *Реализм* латинча «*моддий*», «*ҳаётий*» деган сўздан олинган. Реализм ижодий оқим сифатида бадий асарда характер ва воқеаларни ўз кўринишида кўрсатиш демакдир. Реалист адиблар қуйидагилар: *У. Шекспир, О. Бальзак, Л. Толстой, Ф. Достоевский, М. Шолохов, А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор* ва бошқ.

Реализм бетиним янгилашиб, ўзгариб, янги хусусиятлар билан бойиб борадиган ижодий оқимдир. Унинг *маърифатчилик реализми, танқидий реализм, маъик реализм* каби турлари бор.

КЛАССИЦИЗМ (лот. *намуна, образ*) - реализмнинг ўзига хос бир кўриниши. Унинг вакиллари ўтмиш антик адабиётининг энг нодир асарларини ўзлари учун классик намуналар ҳисоблаб, ўшаларга ўшаган асарлар ёзишга интиланлар. Улар адабиётда ҳамма нарсалар аниқ ва қатъий қонда асосида тасвирланиши шарт, «адабиёт сарой ва шаҳар учун яратилиши керак» деб ҳисоблаганлар ва жанрларни табақалаштирганлар. Уларнинг эстетик тушунчаларича драма энг юксак жанр, комедия қуйи, роман, қисса, ҳикоя иккинчи даражали унсурлар ҳисобланган. Классицизм вакиллари эстетик қарашларини «*уч бирлик*» ка мослаганлар: *асарда тасвирланаётган ҳодиса битта ахлит сюжетда гавдалантирилиши («ҳаракат бирлиги»), бир жойда бўлиб ўтиши («жой бирлиги») ва йиғирма тўрт соат ичида юз бериши («вақт бирлиги») лозим бўлган.*

СЕНТИМЕНТАЛИЗМ (франц. «*ҳиссиёт, ҳис қилиши*») - Бу оқим XVIII аср ўрталарида Англияда феодализм сарқитларига қарши курашни, оддий кишиларнинг олийжаноблигини, қалбини тасвир марказига олган. Сентиментализм оддий қахрамонлар қисматини ҳар қандай китобхонни ачинтирадиган тарзда тасвирлайди. Бу оқимга хос бўлган адабий асар тилининг оддий ва соддалиги, ҳис-туйғулар дунёси тасвирининг чуқурлиги, раҳм-шафқат ҳам инсонийлик ўлчови эканлиги хусусиятлари ҳамон адабий жараёнда тирикдир.

МОДЕРНИЗМ (франц. «*замонавий*») - У XIX асрнинг охирида Францияда пайдо бўлган. Модерн адабиётда ҳаёт ҳақиқатига рияоз қилиш муҳим ҳисобланмайди. Модерн ёзувчилар учун тасвирнинг ҳаётдаги, борлиқдагига ўхшаши эмас, балки одамнинг ички олами, руҳий кечинмаларини акс эттириши муҳим саналади. Бунда деярли ҳеч нарса ўз оти билан аталмайди.

Бадий асар тузилиши

Персонаж - бу атама бадий асарда иштирок этувчи ҳамма шахсларга нисбатан қўланилади. Кўпинча асардаги эпизодик образлар *персонажлар* деб юритилади.

Образ - кенг маънода иждокорнинг фикр-туйғулари сингдирилган ҳаёт манзарасини англатади, тор маънода бадий асарда акс эттирилган инсон сиймосини ифодалайди. *Бадий адабиётда инсоннинг аниқ шахс қиёфасида яратилган, айна пайтда бадий умумлашма хусусиятларига ва ҳиссий таъсир кучига эга бўлган сураги бадий образ дейилади. Образлар турли хил бўлади:*

1. *Реалистик образлар* - ҳаёт ҳақиқатига монанд образлар.

2. *Романтик образлар* - ҳаётда айнан бўлмаган, аммо бўлиши орзу қилинган образ.

3. *Ҳаёлий - фантастик образлар* - ҳаддан ташқари бўрттирилган, илоҳийлаштирилган, мўъжизавий характерга эга бўлган образлар.

4. *Афсонавий образлар* - бутунлай ҳаёлий бўлиб, улар битмас-туганмас куч-қудратга, юксак фазилатларга эга бўлади.

5. *Символик образлар* - нарсалар, ўсимликлар, жониворлар, ранглар орқали ижтимоий ҳодисаларни умумлаштирувчи образлар.

6. *Мифологик образлар* - афсоналар асосида яратилган асотирий образлар.

7. *Сатирик - комик - юмористик образлар* - кулгу билан тасвирланган образлар.

8. *Бош образлар* - асар воқеалари марказида туриб, асар зиддиятининг ҳал этилишида етакчи роль ўйнайдиган, сюжет воқеаларини ҳаракатга келтирувчи, ёзувчи ғоясини ифодалайдиган образлар.

9. *Иккинчи даражали образлар* - асар марказида турмаса ҳам, бирор жиҳати билан ёзувчи ғоясини ифодалайдиган, уни тўлдиришга хизмат қиладиган образлар.

10. *Эпизодик образлар* - воқеалар занжирида бир-икки ўриндагина қатнашиб, кейин тушиб қоладиган образлар.

Характер (юн. «хусусият, белги») - образнинг мукаммаллашган кўриниши, турли хусусиятлари аниқ кўришиб турган, яқна хусусиятлари кашф этилган шакли. Характер қаҳрамоннинг муҳим хусусиятларини аниқлайдиган асосий белгилар мажмуи ҳисобланади. Адабий қаҳрамонга мансуб ички феъл-атвор, фазилатлар, хусусиятлар бирлиги; қаҳрамоннинг фикрлаш тарзи, табиати, ҳис-туйғуларининг, маънавий-ахлоқий белгиларнинг намоён бўлишидаги ўзига хосликлар; бадий асарда ҳаракат қилувчи кишининг, персонажнинг индивидуаллигини ифода этувчи шахс ўзлиги эстетикада ва адабиёт илмида умумлаштирилган ҳолда *характер* деб юритилади.

Характеристика (лот. «хосса, хусусият») - воқеа, ҳодиса, бадий асар ва ҳоказоларга баҳо бериш. У асардаги маълум ҳодиса, киши ва нарсага хос хусусият ҳамда сифатларни аниқ кўрсатиб беради.

Тип (юн. «из, нусха, тамға; намуна, образ») - характернинг ғоят мукаммаллашган кўриниши, унга мос хусусиятларни бутун тўлалиги билан акс эттирувчи шахс образи. У муайян тарихий шароитдаги жамиятнинг бутун бир синфи ёхуд бутун бир тоифасига мансуб бўлган кишиларнинг типик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган мукаммал бадий образ ҳисобланади.

Типиклик - типик характерларни типик шароитларда яратиш, маълум давр ва ижтимоий гуруҳ учун характерли бўлган воқеаларни типик образлар орқали ёритиш.

Композиция (лот. «тузиб чиқиш, тартибга солиш») - бадий асардаги қисмлар, образлар ва бадий воситаларнинг муайян ғоявий мақсадга хизмат қиладиган тартибда жойлашиши, уларнинг тасвирдаги мезони ва мувофиқлиги.

Ғоя - асарларнинг тасвир объекти устидан чиқарилган «хужм», яъни ҳаёт ҳодисалари ҳақида кишиларнинг тасаввурлари ва ўша ҳодисаларга муносабатларини ифодалаган тафаккурлари.

Эпиграф (юн. «ёзу») - адабий асар сарлавҳасидан сўнг ёки унинг қисми ёхуд бобининг бошланишида ёзиб қўйиладиган цитата, ибора, мақол, матал, халқ қўшиғидан парча ва бошқ.

Сюжет (франц. «нарса, мазмун, мавзу») - бадий асарларнинг бевосита мазмунини ташкил этган, ўзаро боғланган ва ривожланиб борувчи ҳаётий воқеалар тизими. Сюжет характер билан воқеалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди. У қуйидагилардан ташкил топади:

1. **Пролог** (юн. «аввалги сўз, сўз олди») - бадий асардаги муқаддиманинг бир тури.

2. **Экспозиция** (лот. «тушунтириш») - сюжетнинг кириш, бошланиш қисми воқеалар юз берувчи ўрин - жой, асар қаҳрамонларининг характерини шакллантирувчи ижтимоий муҳит ва шарт - шароитлар тасвири.

3. **Конфликт** (лот. «ихтилоф, тўқнашув») - асар сюжети асосида ётган ҳаётий зиддият. У драматизмни кучайтиради, воқеалар ривожига туртки ва кескинлик беради.

4. **Туғун** - бадий асарда воқеа ва қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятнинг, асосий воқеаларнинг бошланиши, бадий асар сюжетида зиддиятларнинг пайдо бўлиши, бошланишига сабаб бўлувчи воқеа. Туғун экспозициядан ўсиб чиқади.

5. **Воқеа ривож** - туғундан сўнг асарда воқеаларнинг кучайиб, кескинлашиб бориши.

6. **Кульминация** (лот. «чўққи») - бадий асардаги воқеалар ривожининг энг олий нуқтаси, юксак чўққиси, ин-ҳаракат ва курашнинг ғоят кескинлашган ўрни.

7. **Ечим** - бадий асар асосида ётган зиддиятнинг ҳал этилиши, характерлар курашнинг яқунланиши.

8. **Эпилог** (юн. «сўнги сўз») - асар охирида қаҳрамонларнинг кейинги тақдири ҳақида маълумот берувчи хотима.

Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи хотимасида шундай дейилади:

«1277-нчи йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек ҳожи Қаноатиодан бир хат олди. Қаноатишо Авлиё отадан ёзар эди: «Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмаота устидаги ўрус билан тўқунишмамизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шахид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим...»

Юсуфбек ҳожи хатми Курьон қилиб юртка ош берди, Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очди».

8 - МАВЗУ. АДАБИЁТШУНОСЛИК АТАМАЛАРИ

Адабиётдаги рамзлар, тимсоллар - қадни, айрилиқдан эзилган ошиқ ҳолатини *долга* (ёйга), юзни *ойга*, кўёшга, бўзга, қизил юзни *арғувонга*, ошиқни *парвонга*, маъшўқанинг тик, чиройли, адил қаддини *самуварга*, *алифга*, *таммодага*, кўзларини *жоду*, *оҳуга*, қошларини *камол*, *меҳроб*, *ярм ойга*, лабларини *шаҳду-шаққар*, *аққ*, *лаълга*, тишларини *инжу*, *маржонга*, тириклик (ҳаёт), ўткннчи дунёни *работга*, йигитликни *арғумоққа*, билимни *камёга*, *машъалга*, сўзини *заҳарга*, *шакарга*, кўнгилни *дегизга*, *шишага*, золим амалдорларни *бўрига*, халқни *қўйга*, *юдага* ва бекни *қўйчивон* (чўпон) *га* ўхшатиш ёзма адабиётда анъанага айланган. Адабиётда Миррих (Марс) сайёраси *жангу жадал*, пайгамбарлардан Юсуф *ғўзаллик*, Исо *жон бахш этиш*, Айюб алайҳиссалом *сабр-тоқатнинг* тимсоли бўлса, Кашмир *сеҳр-жоду*нинг ватани сифатида қаралади.

Антиклерикал адабиёт - умуман ўрта аср диний таассубларига, хусусан зоҳидларга қарши бадиий адабиёт.

Асар (*ар.*) - адабиётшуносликда маълум гоёвий мазмунни тегингли бадиий шаклда тугал ифодалаган кичик лирик шеърдан бошлаб йирик эпик полотнога («Хамса»га) қадар бўлган бадиий ижод маҳсулоти.

Афоризм (*гр.* «қисқа, ҳикматли сўз») - аниқ ва ихчам ифодаланиб, тугал фикрни аниқлашчи ҳикматли сўзлар. Мисол:

*Билмаганини сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим. (А. Навоий)*

Антология (*гр.*) - қадимги замонда антик адабиёт намуналарини ўз ичига олган тўпламлар. Ҳозир ҳам шоирларнинг танланган асарлари ёки бирор халқ поэзиясининг танланган намуналари тўплами антология деб номланади.

Адабий эртақ - халқ эртақларини қайта ишлаш ёки мустақил сюжет асосида бирор адиб томонидан ёзилган эртақлар. Мисол: *Ҳ.Олимжон «Ойгул билан Бахтиёр», А.Мухтор «Адолат».*

Адабий йўналиш - муайян тарихий даврда ижодкор концепцияси, гоёвий-бадиий хусусиятлари ва ижодий принциплари билан бир-бирига яқин турган бир неча ёзувчилар ижодидаги гоёвий-бадиий хусусиятлар – гоё, мавзу, бадиий тасвир тамойиллари бирлиги. Мисол: *Реалистик йўналиш.*

Адабий оқим - адабий йўналишга нисбатан торроқ тушунча бўлиб, муайян гоёвий, ижодий ва эстетик тамойилларни ўзида мужассамлаштирган адабиёт.

Бадиий адабиёт тили - адабий тил ва сўзлашув, яъни умумхалқ тилига асосланган тил. Бу тил шоир ва адиблар томонидан пардозланган, жиловланган поэтик тилдир.

Бадиий адабиётда мистификация ҳодисаси - «*мистификация*» қадимги юнонча «*мистика*» сўзидан олинган бўлиб, «*сирли-сехрли*» деган маънони англатади. *Адабий мистификация* бадиий тасвир усулларидан бўлиб, асарда муайян мақсаддан келиб чиқиб, ҳодисага сирли тус бериш, йўқ нарсани бор деб ўқувчини ишонтиришга уринишидир.

Бадиий асарнинг миллийлиги - асарда халқ, миллат турмуши манзараларини, миллий урф-одатларни, миллат вакилларига хос хусусиятларни жонли, ҳаётий ифодалаш, асарнинг руҳида, ички мазмунида, сўзлаш тарзида миллийликнинг намоён бўлиши.

Бадиий асар поэтикаси - асарнинг тузилиши, сюжет ва композицияси, тил хусусиятлари, ҳикоя қилиш йўсини, ифода тарзи, тасвир усуллари ва воситалари, оҳанги ва умуман унинг бадиий олами. «*Поэтика*» сўзи юнонча бўлиб, «*санъат, бадиият*» маъноларини англатади.

Бадиийлик - воқеликни образлар орқали акс эттириш.

Бадиий мукамаллик - поэтик мазмуннинг асардаги барча бадиий шакл унсурлари билан юксак даражада мутаносиб ҳолда образли тарзда намоён бўлиши.

Бадиҳа - махсус тайёргарликсиз, бирдан айтилган сўз, шеър. халқ қўшиқлари, лапарлари кўпинча бадиҳа тарзида яратилади.

Баёз (*ар.* «оқ», «оқлик») - шеърлар тўплами. Бундай тўпламлар кўпинча бир неча шоирларнинг шеърларидан тузилади. Баёз одатда шеър ихлосмандларининг илтимоси ёки буюртмаси билан котиблар томонидан тузилади.

Бағишлов - шоирнинг ўз асари бошида уни кимга атаганини ёки қандай воқеа шарафига бағишлаганини ифодалаб ёзган шеъри, лирик кириш - дебюча.

Биография (*гр.* «*турмушни ёзаман*») - кишининг туғилган кунидан бошлаб ўтган ҳаётидаги воқеаларни изчилик билан баён этиш, таржимаи ҳол.

Варваризм (лот. «ажнабий») - асар ёзилган тилга хос бўлмаган ва бошқа тиллардан олинган чет тили сўзлари, иборалари.

Вульгаризм (лот. «дағал») - адабий тилда ишлатилмайдиган дағал сўзлар, нотўғри тузилган жумлалар.

Гуманизм (лот. «инсоний») - инсонга муҳаббат, одамгарчилик, кишига ғамхўрлик қилиш ва ёрдамга муҳтож одамларни қўллаб-қувватлаш.

Девон (ар. «тўплам») - бирор шоир шеърларининг қофия ёки радифларига кўра алифбе сираси билан тартиб этилган тўлиқ тўплами. Девонга кўпинча биринчи ўринда ғазаллар ва қасидалар, ҳуқиқда эса фарп ва муаммолар киритилган. Расмий мукаммал девон тузишда лирик турга мансуб асарлар муайян тартибда жойлаштирилади, ҳар бир жанрга мансуб асарлар радифи тугаган ҳарфга биноан қатъий алифбо тартибда тизилади, ҳар бир ҳарф туркуми Аллоҳ, унинг пайғамбари, чаҳорёру бошқа диний сиймо ҳамда илоҳий тушунчалар мадҳига бағишланган асарлар билан бошланади, бундай девонда махсус дебеча бўлиб, девон махсус номланади.

Дебеча (форс. «зар ва дурлар қадаб тикилган ипак кийим») - бадийй прозанинг ўзига хос тури, мумтоз адабиётда шоирнинг ўз девонига ёзган «сўз боши», «кириш сўзи».

Детектив адабиёт (лот. «очиш») - айёқ иларнинг мураккаб саргузаштларини ҳикоя қилувчи романлар, қиссалар ва ҳикоялардан иборат адабиёт.

Дунёвий адабиёт - диний-мистик адабиётга қарама-қарши ўлароқ, ҳаётга муҳаббат билан қараб, дунёнинг нозу неъматларидан баҳраманд бўлишга, яшашга чақирувчи, инсон ва ҳаёт ишқини куйловчи адабиёт.

Диалог - икки ёки ундан ортиқ кишининг ўзаро суҳбати.

Драматик асар - саҳнада намоён этиш учун монолог ва диалог шаклида битилган асар. Бундай асарлар пардаларга, пардалар кўринишларга бўлинади.

✓ **Драма** - кулиги вазият этакчилик қилмаган ва қаҳрамон ёки қаҳрамонларнинг ҳалокати билан тугамаган саҳна асари. Драманинг лирик драма, эртак - драма, фантастик драма сингари кўринишлари мавжуд.

Драматургия - мазкур турда яратилган барча жанрга хос асарлар мажмуи.

Дидактик адабиёт (юнон. «ибратли, сабоқ бўларли, насиҳатомуз») - ўз олдига ахлоқий-тарбиявий ҳамда маърифий муаммоларни бадийй тарзда тасвирлашни мақсад қилган адабиёт. Дидактик (панднома) асарларда ахлоқ-одоб, урф-одат ва бошқа инсоний хислатлар тарғиб қилинади, улар кўпинча ўтиг-насиҳат берувчи кичик-кичик ҳикоятлардан иборат бўлади. Мисол: «Қобуснома», «Қутадғу билег», «Хибатул-ҳақойиқ», «Гулистон», «Бўстон» ва ҳок.

Ёдномалар (мемуарлар) - муаллифнинг ўзи қатнашган ёки ўз кўзи билан кўрган ўтмиш воқеалари ҳақидаги ҳикояси. **Мемуар** (франц. «эсдаликлар, хотиралар») - ёзувчи ўзи иштирок этган ёки шохиди бўлган воқеаларни жонли тасвирлаган эсдаликлар тарзида ёзилган асардир. Баён қилиш шакли, изчиллиги жиҳатидан ёдномалар кундаликларга яқин турса, материали, унинг ишонччилиги, бадийй тўқиманинг йўқлиги жиҳатидан эса илмий асарларга яқин туради. Ўзбек адабиётида мемуарларни асосан икки - тарихий-ёднома ва бадийй-ёднома асарларга бўлиш мумкин. Лекин тарихий-ёднома асарларда бадиййлик, бадийй-ёднома асарларда эса тарихийлик бўлиши ҳам мумкин. Ёдномаларда муаллиф-ҳикоя қилувчи шахс иштирокчи ёки шохид сифатида воқеалар марказида туради. «Бобурнома» XVI аср бошларидаги ўзбек тарихий-бадийй ёднома насрининг ва эски ўзбек адабий тилининг нодир намунасидир. С. Айинининг «Эсдаликлар», А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар», Ойбекнинг «Болалик» асарлари ҳозирги замон ўзбек бадийй-ёднома адабиётига мисол бўла олади.

Жанр (франц. «тур») - бадий асар тури. Мисол: қисса, ҳикоя, масал ва бошқ.

Жангнома асар - тарихий ва афсонавий шахсларнинг саргузафтлари, ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган жангу жадалларини кўтаринки руҳда, муболағали ҳикоя қилиб берувчи эпик асар. Жангномалар, асосан, насрий, баъзан наср ва назм аралашган шаклда битилган. Жангномалар халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт ўртасида турувчи жанр ҳисобланади. Ўзбек, форс-тожик халқлари ўртасида «*Жангномаи Амир Ҳамза*», «*Жангномаи Жамшид*», «*Жангномаи Саййид Баттоли Ҳозий*», «*Аҳмад Замжий*», «*Рустами дoston*», «*Абу Муслим Жангномаси*», «*Ҳушан*», «*Мусайбнома*», «*Шоҳномаи Туркий*» каби маълум ва машҳур жангномалар кенг тарқалган.

Зарбулмасал («масал орттирмоқ, масални масалга қўймоқ») - мақол, матал ва рамзли ҳикоя маъносини аниқлашувчи сўз. Зарбулмасал мақол ва матал келтириш маъносига ишлатилган.

Идеал (гр. «ғоя, тасаввур, тушунча») - киши қўлга киритиши мумкин бўлган бирор соҳадаги ўсиш-ривожланишнинг энг юқори босқичи, орзу қилинган олижаноб нарс ва яхши ниятлар. Идеал қаҳрамон - кишиларга урнат бўладиган ва ҳаракатлари билан илгор адабиёт арбобларининг олижаноб инсоний идеалларини ифодалаш ва тарғиб этган ижобий образ.

Идеология (гр. «тушунча, тасаввур, таълимот») - сиёсат, фан, ахлоқ ва адабиётда ифодаланган муайян қарашлар, тушунчалар, ғоялар тизими.

Ир (ийр) - газал, мақом, куй ўрнида ишлатиладиган сўз.

Илмий шеърят - бирор нарс ва ҳодиса ҳақидаги қарашларни, назарий изланишларни назмда (шеърый шаклда) баён қилиш. Мисол: *Гораций "Шеърят илми"*, *Мунис "Саводи таълим"*.

Киритма воқеа - адабий асардаги асосий воқеалар тизимига бевосита алоқадор бўлмаган, лекин муайян ғоявий мақсадга бўйсундирилган эпизод.

Комедия - кулгили воқеалар тасвирланадиган драматик асар. Комедия сўзи юнонча «Комос ода», яъни «хушчақчақ тўда қўшиғи» сўзларидан олинган. Комедия учун асосий бўлган хусусият воқеликни, инсонлар ўртасидаги муносабатларни ҳажвий идрок этиш ва кулгили йўсинда тасвирлаш ҳисобланади. Комедия дастлаб Грецияда эрамиздан олдинги V-IV асрларда юзага келган бўлиб, унинг асосчиси Аристофандир. Ўзбек комедияси халқ ўртасида муқаллид, тақлид қаби жанрлар сифатида узоқ замонлардан мавжуд эди. Бироқ ҳақиқий комедия жанри XX аср бошларида юзага келган. Комедиянинг ўзи ҳам *фарс* (унга кенг оммавийлик, ҳажвий руҳнинг устунлиги, фикрни эркин баён этиш хос), *водевил* (унда воқеалар тез кечади, қутилмаган сечим бўлади, ватанпарварлик, инқилоб ғалабаси куйланган), *ҳазил* сингари қатор жанрларга бўлинади.

Классик адабиёт (лот. «биринчи даражали сўз») - ўтмишнинг ва ҳозирги замоннинг ғоявий - бадий жиҳатдан юксак, намуна бўла олувчи адабиёти. Бу адабиёт мумтоз адабиёт деб ҳам юритилади.

Куй - куй, шеър маъноларида ишлатиладиган сўз.

Либретто (италь. «китобча») - катта муסיқали сахна асари - опера, оперетта учун ёзилган бадий асар матни.

Лирик қаҳрамон - ўй-фикри, ҳис-хаяжонлари ва кечинмалари лирик шеърда ифодаланган шахс образи. Лирик қаҳрамон деганда даставвал шоирнинг ўз образини кўзда тутамиз.

Лирик парча - эпик асарларда воқеалар мазмунига ғоявий хулоса ясайдн, лирик асарларда шоирнинг ўз қаҳрамонларига бўлган муносабатини очиб берадиган парча. Лирик парчалар асарнинг бошида, ўртасида ва охирида келиши мумкин.

Лирик кириш - асар ёки эпизоднинг бошида келувчи лирик парча.

Лирик чекиниш - муаллиф нутқининг бир тури бўлиб, воқеалар давомида келадиган лирик парча. Муаллиф тили ёки нутқи баъзан асарда қаламга олинган воқеа баёни билан боғланмай қолади, муаллиф воқеа бёни ва кишилар характерини тасвирлашдан чекиниб, ўзида туғилган фикр, ҳис ва ҳаяжонни лирик ифодалашга берилади. Шу ўринлар *лирик чекиниш* дейилади. Масалан: Ф. Фуломнинг «Сен стим эмассан» шеърда лирик чекиниш «*Етимлик нимадир - Бизлардан сўра...*» мисралари билан бошланади.

Лирик хотима - асар ёки эпизоднинг охирида келадиган лирик парча.

9 - МАВЗУ. АДАБИЁТШУНОСЛИК АТАМАЛАРИ (давоми)

Маърифатчилик адабиёти - кишиларни ўқиб ва билим олишга даъват этувчи адабиёт. Ўзбек адабиётида маърифатчилик йўналиши дастлаб Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Утар, Дилшод Барно, Анбар Отин сингари адиблар ижодида кўринган.

Мотив - ижодкор ижоди ёки муайян асарнинг асосий гоёси, мавзусини тўлдиринишга хизмат қилувчи қўшимча маъно ёки гоё.

Монолог - бадиий асарда иштирок этган шахсларнинг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган нутқи. Монолог ички ва ташқи бўлади.

Мумтоз ҳикоя - қадим ўзбек насрининг бир шакли. Бундай ҳикояларнинг биринчи белгиси ибрат хусусиятларининг мавжудлигидир. Иккинчи белгиси тугал мазмунга эга бўлиши кераклиги, учинчи хусусияти ҳикояларнинг тили мураккаб бўлмаслиги, ифода халқ оғзаки ижодига яқин турмоғи лозимлиги, тўртинчи белгиси ҳикояларда шеъринг парча бўлиши шарт эмаслигидир.

Муношаот (ар. «*ёзилганлар*») - ёзувчи томонидан ёзилган мактублар, хатлар.

Мушоира (ар. «*шеър айтишуве*») - шоирлар айтишуви, мусобақаси.

Муножот (ар. «*ялиниш, ёлвориш*») - «гуноҳкор» банданинг нажот умиди билан қилган лирик муножаоти, тавба ва илтижолари.

Мунозара - асар қаҳрамонларининг ўзаро тортишуви, баҳси асосига қуриладиган адабий жанр. Мунозарадаги иштирокчилар асосан *рамзий* (*киноявий*) хусусиятга эга бўлади. У шеъринг ёки насрий тарзда яратилиши мумкин. Юсуф Амирийнинг «*Банг ва Чоғир*», Яқинийнинг «*Ўқ ва ёй*», Нишотийнинг «*Шоҳбоз ва Булбул*», «*Гул ва Даф*», «*Бинафша ва Чанг*» мунозаралари бу жанрнинг ўзбек адабиётидаги гўзал намуналаридандир. Аммо Маҳмуд Қосиғарийнинг «*Қиш билан Ёз*» мунозараси бу жанрнинг энг қадимги намунаси эканлиги алоҳида аҳамиятга эга. Мунозара жанридаги асарлар кўпроқ жонлангириниш санъати асосига қурилади.

Наът - феодализм даври адабиётида «ҳамд», «муножот» каби анъанавий шеъринг шакллардан бири. Одатда, катта шеъринг - эпик асарларда «ҳамд», «муножот»дан сўнг пайғамбарлар шаънига айтилган анъанавий шеър - наът берилади.

Новелла (италь. «*ҳикоя*») - ҳикоя ҳисобланади.

Нутқ (ар.) - кишиларнинг ижтимоий алоқа қуроли бўлган тилдан фойдаланиб, хусусий сўхбатда, умумий мажлис, учрашув ва йигилишлардаги гапи ёки ўқиб эшиттирадиган сўзлари. Нутқ маълум бир мақсад билан сўзланади.

Насихатнома - бирон тарихий шахс ёки муаллифнинг ўзига яқин кишиларига бағишлаб ёки ўз замондошларини кўзда тутиб насихат шаклида ёзган асари.

Образли ифода - нарса, ҳодиса ва инсоннинг муайян вазиятдаги ҳолати, ўзига хос хусусиятларини яққол тасаввур этишга имкон берадиган шоирона ибора. Мисол: *Қумуш қишдан, зумрад баҳордан*

Қолишмайди кузнинг зийнати, - ... (Ўйғун)

Очерк - эпик тур жанрларидан бири бўлиб, воқса-ҳодисаларни, турмуш далилларини ва аниқ кишилар фаолиятини айнан тасвирлайди. У маълум бир тарихий даврда юз берган реал тарихий воқеалар, реал қаҳрамонлар ҳаёти ва фаолиятини аниқ ҳужжатлар асосида ёритиб берувчи публицистик жанрдир. Шунинг учун очерк «*ҳужжат адабиёти*» деб ҳам юритилади. Очеркда бадий тўқимага кенг йўл қўйилмайди.

Пафос (гр. «*ҳиссиёт, эҳтирос*») - жұшқинлик ҳисобланади. Асар пафоси ёзувчини мафтун этган ва бутун асарга сингиб кетган гоё, ҳис ва ҳаяжондадир.

Памфлет (ингл. «*қўлдаги варақ*») - бирор ижтимоий тузум воқелик ва сиёсий партия фаолияти, дастури устидан ўткир ҳажв орқали қулувчи кичик сатирик асар.

✓ **Поэма** (гр.) - лиро-эпик тур жанрларидан бири бўлиб, шеърий ривоят, шеърий қисса ёки шеърий ҳикоя ҳисобланади. Поэмада шoir ўз қаҳрамонларининг иш-ҳаракатлари ва кечинмаларини ифодалайди.

Пародия (гр. «*зид қўшиқ*») - сатирик ижоднинг бир тури бўлиб, одатда, ёзувчи ижоди ёки алоҳида асарнинг қулғули ёки ярамас томонларини кўрсатувчи шеърий ёхуд насрий асар ҳисобланади.

Поэтика (гр.) - бадий адабиёт ҳақидаги илм, адабиёт назарияси, адабиёт қондалари. Поэтика шеърият, шеър тузилишининг хусусиятлари маъносида ҳам қўлланади. Поэзия эса назм, яъни шеърият демакдир.

Проза (лот. «*бевосита қаратилган нутқ*») - наср, яъни вазн ва қофиясиз, оддий нутқ билан ёзилган бадий асар.

Прототип (юн. «*илк, дастлабки нуқта, нишона*») - бадий умумлаштирилган образ, тип яратишга асос, манба бўлган, ҳаёти ва характери ёзувчи томонидан асар қаҳрамони қиёфасида мужассамлаштирилган аниқ ҳаётдаги киши, конкрет шахс.

Перипетия - юнон тилидаги «*кутилмаган бурилиш*» деган маънони англатувчи бу сўз антик давр драматурглари ва адабиёт назарийчлари томонидан трагедиялардаги воқеа йўналишининг қутилмаганда бирдан қарама-қарши томонга ҳаракатини англатувчи маънода ишлатилган. Перипетия - антик давр фожианависларининг асарларида мўл қўлланувчи адабий усул, санъатлардан бири.

Пьеса (франц. «*бутун ёки умум*») - хилма-хил саҳна асарлари (трагедия, комедия, драма ва бошқаларнинг) умумий номи.

Публицистика (лот. «*ижтимоий*») - кенг маънода ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларини ёритадиган барча турдаги асарлар. Тор маънода давлат ва жамият ҳаёти масалаларига бағишланган ижтимоий-сиёсий ва илмий адабиёт.

Ремарка (франц.) - драматик асарларда муаллиф томонидан бериладиган изоҳлар.

Реплика - драмада қаҳрамонлар нутқи.

Рисола (ар. «*тадқиқот, маъруза*») - фан, адабиёт ва санъатнинг бирор соҳаси ёки масаласига оид, илмий, илмий-методик характердаги қўлланма, китоб.

Риторик сўроқ - бадий асарда муаллифнинг ўз фикрини сўроқ шаклида тасдиқлаб ифодалаш. Бунда сўроқ жавоб талаб этмайди. Бадий асарларда риторик сўроқ фикрнинг кучли, таъсирчан ифода этилишини таъминлайди.

Роман («янги») - эпик наср усулида ёзилиб, ҳаёт кенг қамровда кўрсатилади, ҳажми жиҳатдан ҳикоя, қисса ва бошқа жанрлардан ажралиб туради. Лотин тилида ёзилган асарлардан фарқли ўлароқ роман тилларида (француз, немис ва бошқалар) ёзилган ҳар қандай асар дастлаб роман деб аталган. Кейинчалик марказида алоҳида бир шахс тақдирини турган, шу шахс характерининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни тасвирланган асарлар роман деб юритила бошлаган.

Романлар қамровига, тузилишига, ҳажмига кўра 3 хил кўринишда бўлади:

1. **Диллогия** - икки китобдан иборат бўлади. Мисол: П. Қодиров «Юлдузги тунлар» ва «Авлодлар довоғи». Ўзбек адабиётидаги биринчи диллогия Чулпоннинг «Кеча ва кундуз» романидир. 2. **Трилогия** - уч китобдан иборат бўлади. Мисол: С. Аҳмад «Уфқ» (а) «Қирқ беш кун» б) «Ҳижрон кунларида» в) «Уфқ бўсағасида»). 3. **Эпопея** - неча китобдан иборат бўлишига қарамайди, унинг асосий белгиси ҳаётни катта оқим сифатида кўрсатиши, бош қаҳрамон бутун халқ бўлишидир. *Садриддин Айнийнинг «Қуллар» романи* Ўзбек адабиётидаги **биринчи эпопея** ҳисобланади. Эпопеяларга мисоллар: *М. Ағезов «Абай», Толстой «Уруш ва тинчлик»* ва бошқ. Тўрт китобдан иборат романлар **тетралогия**, беш китобдан иборат бўлган романлар **пенталогия** деб ҳам юритилади.

Сатирик асарлар - айрим шахсларнинг иллатларини кулгули тарзда кескин фож этувчи бадий асарлар. Мисол: *С. Аҳмад «Қоплон» ҳикояси.*

Сатира - ҳаётнинг маълум томонидан ё айрим гуруҳ ва шахсларнинг ярамас салбий хислатларидан ачиққ кулиб ва уни танқидий тасвирлаб ёзилган ҳажвий асар. «**Сатира**» сўзи юнонча «*турли, аралаш*» деган маъноларни англатади, бадий асарда кенг маънода кишилардаги ёки маълум бир жамиятдаги нуқсон ва камчиликларни кескин танқид қилиш, маскаралаб баргараф этиш мақсадида қўлланилади. Сатирада ижодкорнинг мавзуга қарашли ўз сезги, ҳис-ҳаяжонларидан устун туради.

Саёҳатнома - саёҳат таассуротлари ва тафсилотларини тасвир этувчи бадий асар.

Тахаллус (гр. «ёлғон исм») - муаллиф ўзининг ҳақиқий исми ўрнида қўлайдиган имзо, исм.

Такшут - туркийларда шеър,байт,назм,манзума маъноларида қўлланувчи сўз.

Тазкира (ар. «зикр, эслатиб ўтиш, қайд этиш, ёзиб қўйиш») - шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот, асарларидан қисқача намуна ва таҳлиллар келтирилган мажмуа. *Биринчи тазкира ҳисобланадиган* Абу Мансур ас-Саолибийнинг «*Ятимат уд-даҳр фи маҳосини аҳли аср*» («*Замона аҳлининг фазилатлари ҳақида ягона дурдона*») асари (XI аср), Муҳаммад Авфийнинг «*Лубобул-албоб*» («*Мағизларнинг мағизи*», XIII аср), Давлатшоҳ Самарқандийнинг «*Тазкират уш-шуаро*» (XV аср), туркий адабиётдаги биринчи тазкира А.Навоийнинг «*Мажолисун-нафоис*» («*Нафис мажлислар*», XV аср), Ҳасанхожа Нисорийнинг «*Музакири аҳоб*» (1566 й), Малехо Самарқандийнинг «*Музакирул-асҳоб*» («*Сухбатдошларнинг зикри*», XVIII аср), Фазлий Намангонийнинг «*Мажмуатуш-шуаро*» (XIX аср) ва шу каби бошқа асарлар тазкирачиликнинг яхши намуналаридир.

✓ **Трагедия** (юн. «эчки қўшиғи») - қаҳрамонларнинг бошига тушадиган энг оғир ҳолатларни бўрттириб кўрсатиш йўли билан ҳаётда ҳамisha мавжуд бўлган фожавийликни ёрқин тасвирлайдиган асар. Юнонистонда милодгача бўлган антик-қадимги даврда ҳар йил февраль ойида ҳосил ва май худоси - Дионис шарафига халқ байрамлари ўтказилган. Уша тантаналарда Дионис кийимдаги киши тушган араванинг орқасидан бир тўп қизиқчилар эргшиб юришган. Улар уша давр одатига кўра эчки терисини ёпиниб олишган. Буларни «трагослар» деб аташ расм бўлган. Кейинчалик бу атама адабиётга кўчиб, ўзининг асл маъносидан узоқлашган. Биринчи трагедиянинг ватани ҳам Юнонистон бўлиб, «трагедия отаси» Эсхилдир (эр. ав. VI-V аср). Мисол: *Шекспир «Отелло», «Ҳамлет», Пушкин «Борис Годунов», Фитрат «Абулфайзхон», Мўқсур Шайхзода «Мирзо Улughбек».*

✓ **Тарихий романлар** - воқеа-ҳодисалари ва қаҳрамонлари узоқ ҳамда яқин ўтмишдан олиб ёзилган, қаламга олинган давр ва шахслар ҳақида ҳақиқий тасаввур берувчи романлар.

✓ **Тарихий - биографик роман** - биргина тарихий шахс ҳаёти тасвирланган роман. Мисол: *Ойбек «Навоий»*.

✓ **Тарихий - автобиографик роман** - ёзувчининг ўз ҳаёти асос қилиб олинган роман.

✓ **Тарихий-инқилобий роман** - инқилобий давр воқеалари асос қилиб олинган роман. Мисол: *Ойбек «Кутлуг қон»*.

Трагикомедия (жилий комедия) - трагедия хусусиятлари ва комедия элементлари биргаликда акс эттирилган асар. Мисол: *Ш. Бошбеков «Темир хотин»*.

Фаҳрия - шoirнинг ўз ижоди билан фахрланиб айтган сўзлари.

Фангастик асар - фараз, ҳаёл, тасаввур қилиш орқали илмнинг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда яратилган асарлар. *Герберт Уэллс, Жюль Верн, Алексей Толстой, Александр Беляев* каби ёзувчилар бу соҳада машҳурдирлар.

Фельетон - кундалик турмушда рўй берилган салбий ҳодисаларни ўткир тил билан танқид қилиб ёзилган муҳим мавзудаги газета ёки журнал мақоласи.

Фироқия (ар.) - шарқ мумтоз адабиётидаги айрилиқ, ҳижрон аламлирини ифодалаган, ёр ва диёрни кўмсаб айтилган лирик шеърлар.

Шарҳ - бирор асар ёки унинг маълум бўл қисмини, ифода ва ибораларини таҳлил ва талқин этиш, баъзи ўринларига изоҳ бериш, шарҳлаш.

Шеърый нутқ - муайян бир ўлчов (вазн) асосидаги ритмга, мусикий жарангга эга бўлган, ҳиссий жиҳатдан тўйинтирилган нутқ.

Шлоқ - «Манзума», «маҳзия» маъноларида ишлатиладиган сўз.

Шоҳбайт - шеърдаги мазмун ва гоёни умумлаштирган байт. Унда олдинги сатрлардаги фикрлар тадрижи олий нуқтага кўтарилади. Мисол:

*Ишқ аро шоҳу гадо тендур, гадо балким фўзун,
Гар гадолиғ айлар ўлса ишқнинг яғмосидин. (Навоий)*

Эпиграмма - кинояли шеърлар.

Эклога - қишлоқ ҳаёти ҳақидаги шеърлар.

Элегия - ғамгин шеърлар.

Эпиграфия - бирор шахснинг ўлими муносабати билан ёзилган шеърлар.

Эпизод (гр. «воқе бўлгандан шёд») - поэма, повест, роман, драмалар сюжетига ўзаро боғланиб келган ва маълум даражада мустақил аҳамиятга эга бўлган воқеа, асардаги маълум бир лаҳза, вазият.

Эссе (лот. «чамалайман») - эркин композицияга эга бўлган, шахсий мулоҳаза ва қарашларни ифодаловчи асар.

Юмор - бирмунча энгил танқидга асосланган кулгули асар. Бунда кулгу иллатнинг ўзидан кўзгоғилади. Мисол: *С. Аҳмад «Собиқ» ҳикояси*. «Юмор» инглиз тилидаги «намлик, ҳуқуқлик» сўздан олинган бўлиб, у кенг маънода бадий адабиётда энгил кулги кўзғаш, ҳазил - мутойиба сифатида қўлланилади. Бунда ижодкор айрим нуқсонлар устидан киноя - сатирикисиз дўстона, хайрихоҳлик билан кулади. Воқеа - ҳодисаларнинг, жамиятдаги инсонларнинг ҳеч бир нуқсонсиз бўлшини истаб, уларни инкор этмаган ҳолда зукколик топқирлик, ҳозиржавоблик, ҳазил - аския билан муносабат бўлиради.

Кисса - ҳаёт ва қаҳрамонларни акс эттиришдаги кенглик, чуқурлик, батафсиллик жиҳатидан ҳикоя билан романнинг ўртасида турадиган жанр. Мисоллари: «Юлдузлар мангу ёнади», «Гулливернинг саёҳатлари», «Оқ кема» ва бошқ.

Хикоя - кичик эпик жанр бўлиб, ҳаёт ҳодисалари ихчам ифода этилади ва биргина воқеа асосига қурилади. Ўзбек адабиётида хикоя қадимда «ҳикоят» номи билан ҳам юритилган. Бу жанрнинг замонавий намуналари бизда XX аср бошларида пайдо бўлди. Мисол: *А. Қодирий «Жиллар баъзи», Чўпон «Новвой қиз», «Ўйдин кечаларда», «Қор кўйида лол», «Оқ подшонинг инъоми», А. Қаҳҳор*

«Ўғри», «Бемор», «Даҳшат», *Ғ. Ғулом «Элатида бир ов»*, *Ҳийча шарбий», «Менинг ўғригина болам», У. Хошимов «Урушнинг сўнги кўрғини»* ва бошқ.

Ҳамд (ар. *الحمد, tash*) - ўтмишдаги адабиётда худо мақтовига ёзилган алоҳида лирик шър.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ

10 - МАВЗУ. ЭНГ ҚАДИМГИ АДАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАР

Дастлабки ёзма манбалар VI-VIII асрларга тегишлидир. Улар Ўрхун-Энасой обидалари номи билан машҳур бўлиб, сўзд, туркий рун, араб ва уйғур ёзувларидаги битиклардир. М. Қошғарий уйғур ёзуви ҳақида: «...барча ҳоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан шу қўлгача, Қашқирдан Чингача ҳамма турк шаҳарларида шу ёзу билан юритилган», - деб ёлган эди. Бу ёзув ҳатто араб ёзуви билан ёнма-ён ҳолда XV асргача, Хитойдаги уйғурлар орасида эса кейинги асрларда ҳам истемолда эди. У сўзд ёзуви асосида шаклланган бўлиб, унда 18 та ҳарф бор. Уйғур ёзуви унган чапга қараб ёзилган. Мақур ёзувда буддавий, моний, христиан динларига оид ахлоқий-таълимий асарлар, юридик-ҳуқуқий ва молиявий: ҳужжатлар сақланиб қолган. X асрда Бешбалық (Шарқий Туркистон) шаҳрида яшаган Сингқу Сели Тугунг «Олтин ёру» асарини хитой тилидан таржима қилган. Бу асар туркиман ҳам уйғур ёзувида битилган. Шунингдек, «Уғзнома», «Муҳоббатнома» (*Хорғий*), «Латофатнома» (*Хўжадий*), «Маҳзанул-асрор» (*Мир Ҳайдар*) ва бошқа кўпгина асарларнинг уйғур ёзувидаги нусхалари ҳам машҳурдир.

Ўрхун - Энасой ёдгорликларининг топилиши ва ўргаччилиши XVIII асрдан бошланади. Рус миссиясиси Ремезов, швед ээбити Иоанн Стралленберг, олим Мессершмидт ёдгорликларни Европа илм аҳлига тақдим қилган эдилар. Даниялик олим Вилһелм Томсон ва рус олими В.Радловлар ёдгорликлардаги барча ҳарфларни ўқидилар. Ёдгорликларни бутун дунё туркийшунослари илмий жиҳатдан ўрганмоқда. В.Томсон ва Радловлардан кейин С. Е. Малов, С. Г. Кляшторний, И. В. Стеблева, Х. Ўрхун, Т. Текин, Нажиб Осим, Г. Айдаров, ўзбек олимларидан А. Рустамов, Ғ. Абдураҳмонов, Н. Раҳмоновлар ўрганишган. Руний ёзувдаги ёдгорликлар фақат тошга битилган эмас. Бу ёдгорликлар ўзбек тилига бир неча мартаба ўтирилган. А. П. Каюмов «Қадимий обидалари» китобида, Ғ. Абдураҳмонов ва А. Рустамовлар «Қадимий туркий тил» китобларида ўша ёдгорликлардан намуналар келтиришган. Уларнинг қозоғга турли буюмларга ёзилган намуналари ҳам бор. Рун ёзувлари Талас водийсидан ҳам топишган. У ҳозирги Авлиё ота ва Тароз шаҳри яқинида бўлган қоялардаги ёзувлардир. Шунингдек, қумуш кўзаларга ёзилган руний ёзувлар Сибирь ўлкасидан ҳам топишган. Эрмитаж (Санкт-Петербургда) сақланаётган 2 та кўзача шу ҳақда маълумот беради. Минусинск музейида эса терига ёзилган руний битиклар мавжуд. Ойна, қайиш тўқаси, қозоғга ёзилган бошқа руний ёзувлар ҳам кўлдир. Турфон (Шарқий Туркистон) дан Ле Кок томонидан топишган руний ёзувлар орасида эски форс тилидаги битиклар ҳам мавжуд. Вена (Австрия) музейида сақланаётган олтин идиш-товоқларда ҳам руний ёзувидаги ёдгорликлар бўлиб, улар бажноқ(печенег) тилида ёзилган. Ёгочга ёзилган рун битиклари Эрмитажда сақланади.

Ўрхун-Энасой обидаларида наср усули етакчилик қилиб, улар сюжетнинг ўзига хос шаклига эга, тасвирдан кўра баёнчилик етакчилик қилади. Битиктошларнинг асосий мавзуси *ватанпарварлик ва қаҳрамонликдир*. Қаҳрамонлар ички олами уларнинг руҳий дунёси тасвири ҳали анча содда тарзда намён бўлади. Бу мавжуд анъаналар ҳамда ижодий тажрибаларнинг ўша даврлардаги ҳолати билан изоҳланади.

Қадимги туркий шеърят асосан бармоқ вазнида битилган. Шеърларда сўзлар такрори асосий ўрин тутиб, бандларнинг ранг-баранглиги кўзга ташланади. Қофияларда феъл сўз туркумига оид сўзлар кўпроқ учрайди, бу туркий тилнинг гап қурилишига боғлиқ. Кейинги асрларда қадимги анъаналарнинг янгича шакл ва усулларда намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Эрамыздан олдинги V аср охири IV аср бошларида яшаган *Ктесий* (430-354 й.) ҳам бир ривоятни ёзиб қолдирган. Унинг маълумотлари тарихчи *Аеллодор* (эр. олдинги I аср) нинг "*Тарихий кутубхона*" асари орқали етиб келган. Баёндан кўринишича, "*Зарна ва Страингия*" ривоятининг мазмуни "Тумарис" ривоятига яқин келади. Эрамыздан аввалги IV асрда яшаган тарихчи *Хорес Матиленский* орқали "*Зарнадр ва Одатид*" афсонаси етиб келган. Ўз таржималари билан туркий адабиётга ҳисса қўшган адиб *Сингу Сели Тутунг* бўлиб, у «Олтин ёруғ» асарини насрий усулда хитой тилидан таржима қилган. Бу асар X асрда Бешбалиқда яратилган. Бизгача Апринчур Тегин, Кул Тархон, Сингу Сели Тутунг, Пратая-Шир, Асиг Тутунг, Чусуя Тутунг, Калим Кейси, Чучу, Йулғу Тегин каби қадимги ижодкорларнинг номлари етиб келган. Булардан Апринчур Тегиннинг шеърлари Турфон матнлари орасида мавжуд бўлиб, у монийлик дини ғояларини ифодалайди. Унинг «*Бизнинг теңғармиз...*» деб бошланувчи шеъри 12 мисрадан иборат бўлиб, тўртликлар шаклидадир. Энг қадимги шеърий асарлар муайян урф - одатлар, маросим ва эътиқодларга боғлиқ ҳолда яратилган. Масалан, «*Тонг тағрисиға мадҳия*» деб номланувчи шеър қадимги шеърятнинг ўзига хос намунаси бўлиб, унда сўзлар такрори етакчи макъе тутади.

«ТҶМАРИС» АФСОНАСИ

«Тумарис» Ўрта Осиё аҳолисининг чет эл боққинчилари тажовузига қарши олиб борган мардона курашининг бадий ифодасидир. Эпоснинг бу жанри *тарихий афсона* деб аталади. «Тумарис» афсонасидаги воқеалар Ўқуз (ҳозирги Амударё) дарёси қирғоқларида рўй берган. Эрамыздан аввалги VI асрда бир неча мамлакатларни истило қилган аҳмонийлар (Эрон) шоҳи Кир (Кировуш) Ўрта Осиёга бостириб қиради. Ўрта Осиё аҳолиси, айниқса Тумарис бошчилигидаги массагет қабиалари Кирга қарши мардона кураш олиб борадилар. Кир кўшини енгиледи ва унинг ўзи 529 йилда жанг майдонида ўлдирилади. Шу воқеалар тарихий афсона «Тумарис» эпосининг мазмунини ташкил этади. Афсуски, бу асарнинг асли бизгача етиб келмаган; унинг мазмуни юнон тарихчиси Геродот (эр. ав. 484 - 425) нинг «*Тарих*» китоби орқали етиб келган. *Тумарис бизгача етиб келган афсоналар орасидаги энг қадимги аёллар тасвиридир*. Атоқли олима Фозила Сулаймонова юнонлар Тумарис деб атаган бу қаҳрамонни *Тумор* деб номлади. *Миркарим Осим* қадимги афсонани қайта ишлаш асосида шу номи ҳикоясини яратган.

Ўзбек халқ оғзаки ижодига мансуб «Ойсулув» достонида «Тумарис»нинг ўзига хос акс-садолари мавжуд.

Афсона қаҳрамонлари: *Тумарис, унинг ўғли Спарганис (Сипарангиз), Кир (Кайхисрав), Кирнинг маслаҳатчиси Крез, Кирнинг ўғли Камбиз* ва бошқ.

Миркарим Осимнинг «Тумарис» ҳикояси

Бу ҳикоя тўй тасвиридан бошланади. Афсонада Кирнинг Крез исмли маслаҳатчиси доно бўлиб, шоҳга: «*Хотин кишидан енгилсанг, чидаб бўлмас номусга қоласан*» деган гапларни айтади ва ҳийла ишлатишга қаҳиради. Бу ҳийла натижасида Тумарис фарзандидан айрилса ҳам, Кир кўшинини енгади. Ҳикояда Тумарис келган элчиларга қарата: «*Агар элчи бўлмаганингизда, шу гапни айтган оғзингизни кум билан тўладирингиз. Бошимиздан зар сочганларингизда ҳам биз эркинликни қулликка аширтмаймиз*» - дейди. Элчи маликани Эрон шоҳининг ҳаёти билан солиштиради: «*Шуям малика бўлди-ю, ўз фуқаролари билан ёнма-ён ўтириб овқат ейдн, сочлари ўсиб елкасига тушган,*

ийлақичилар кўл чўзиб, унинг олдида ёғалқ гўшти олиб ейдилар, на остида олтин тахти бор ва на бомида тоғи». Ҳикоядаги *«Ахурамаздали шафе келтириб қасамёд этимайки...»* деган гаплар эронлик асир чол томонидан айтилган.

«ШИРОҚ» АФСОНАСИ

«Широқ» ҳам тарихий воқелик таминида вужудга келган қадимги афсонадир. Широқ - Ватан учун жонини берган қаҳрамонларнинг энг дастлабкисидир. Эрон шоҳи Доро I (522 - 486) Урта Осиёга бостириб киради ва бу ердаги қабилаларни талашни давом эттиради. Урта Осиёда яшган қабилалар ўз мустақилликларини тиклаш учун Дорога қарши қаттиқ кураш олиб борадилар. Масалан, 513 йилда Сак (шак) қабилалари катта кўзғолон кўтарган. Шу кураш «Широқ» афсонасига асос бўлган. Бу асарнинг асли сақланиб қолмаган, унинг мазмуни юнон тарихчиси Полиэннинг (эр. ав. II аср) *«Ҳарбий ғўилалар»* китобида баён қилинган. Афсонада чўпон йигит Широқ ҳийла ишлатиб Доро (Дараявуш) кўшинини саҳрода ҳалок қилади ва ўзи ҳам курбон бўлади. Ҳикоя бош қаҳрамони Широқ тимсолида ўз ватанига садоқат, юксак ватанпарварлик тараннум этилган. Миркарим Осим Широқ образини бадиий таъсирчан қилиб тасвирлашга эришган, Широқ ҳақидаги яна *Явдот Илёсов «Халқол ўлим»* қиссасини, *Мирмуҳсин «Широқ»* достонини, Спаретри ҳақида *Маҳкам Маҳмуд «Шақлар маликаси»* ҳикоясини ёзган.

Афсона қаҳрамонлари: чўпон йигит *Широқ*, юрт оксоқоллари: *Рустак, Омар, Саксфар, Тумарис, Эрон шоҳи Доро*, унинг саркардаси *Ронсбат* ва бошқ.

Миркарим Осимнинг «Широқ» ҳикояси

Миркарим Осимнинг бу ҳикояси Яксар чўллари тасвиридан бошланади. Биланд бир ерга қурилган оқ ўтовда оксоқоллар кенгаши ҳақида гапирилган. Сунгра оксоқоллардан Рустак тасвирланади: *«соч-соқоли оқарган, бир оз мункайиб чўкиб қолган суякдор чол. Унинг номи Сугдиёда ҳам, Эронда ҳам машҳур»* эди. Бир қуролш йигит чўпоннинг келганлиги ҳақида айтгач, Широқни ичкарига таклиф қилишди. Широқ ўз режаларини Рустакка айтади, қулоқ-бурнини кесиб, ҳийла ишлатади, Доро кўшинини саҳрода элтади ва ҳалок этади. *«Ўз элимнинг душманларига ёрдам учун чўзадиган қўлимни кесиб ташлаганим маъқул»* - дейди Широқ ўлими олдида. Эронийлар аччиқларига чидай олмай, фидокор чўпонни чопиб, қайма-қайма қилиб ташлайдилар.

«АВЕСТО» ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

«Авесто» Ўрта Осиё халқларининг муштарак ёдгорлигидир. «Авесто»да ҳам туркий, ҳам эроний халқлар дунёқараши, урф-одатлари, яшаш тарзларига оид маълумотлар учрайди. У зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, ундаги маълумотларнинг қадимги қисмлари милотдан аввалги 2000 - 1000 йилларга тааллуқлидир. Улар *«Готлар» (Тоҳлар) ва «Яшт»*лар деб номланган. Беруний (973 - 1048 й) *«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»* асарида: *«Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида «Авесто»нинг 12 минг қорамол терусига тилла билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни ёндириб юборди. Шунинг учун уша вақтдан бери «Авесто»нинг бешдан уч қисми йўқолиб кетди. «Авесто» ўттиз «наск» эди. Мажусийлар қўлида ўн икки наск чамаси қолди. Биз Курьон бўлақларини ҳафтияклар деганимиздек, наск «Авесто» бўлақларидан ҳар бир бўлакнинг номидир»* деб маълумот берган. «Авесто» ўша даврлар тарихи, фани, маданияти ҳақида малумот берувчи қомусий асар бўлиб, паҳлавий тилига таржима қилинган ва унга шарҳлар ёзилган. Унинг қисқартирилган нусхаси «Занд Авесто» номи билан машҳур. «Авесто»да олам икки асос, яъни ёруғлик

ва зулмат, яхшилик ва ёмонликнинг курашидан иборат, деб изоҳланади. Яхшилик ва эзулик Худоси *Ахура Mazda (Хурмазд)* бўлиб, у ёмонлик худоси, ёвузлик рамзи *Ахриман* билан курашади. «Авесто» да ёзилишича, зардуштийликка қўриқ ер очиб, боғ - роғ қилган одам илоҳийёт раҳматига эришади. *Яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги кураш 3-4 минг йиллардан сўнг адолат, эзулик галабаси билан тугайди. Ерга осмондан уч сомиянга фаршта тушади ва инсониятни ёмонликлардан қутқаради.* Учинчи фаршта тушганида қиёматқойим бўлиб, барча ўлганлар тирилади. Хурмузд (*Ахурамазда*) ва унинг фариштаси ёвуз руҳ - *Ахриманни* қайнаб турган маъфанга ташлайдилар. «Авесто»да ифодаланган зардуштийлик динига кўра, одам вафот этгач, тўртинчи куни Тангри фариштаси *Суруш (фаршта Жаброилинг бошқача исми)* унинг руҳини *Чинвод (Чинвод)* қил кўпригига олиб келади. Яхшиликлари кўп бўлган одам қил кўприкдан ўтиб, жаннат боғларига киради. Гуноҳкорлар дўзахга бошловчи дев *Визрат* ихтиёрига топширилади. «Авесто» таълимотиغا кўра, яхшилик қилувчи одам покизалик уруғларини экади, бу яхшилик уруғлари *иймонни* озиклантиради. Яхшилик қилмай, жабр - зулм қилувчилар *иймонсиз, дўзахий* одамлардир. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш *Митра, Алахита, Қаюмарс, Йима (Жамшид), Германс, Дамбек* ва бошқа образларда мужассамлаштирилган. «Авесто» да кишиларга бахт-саодат келтирувчи енгилмас кучга эга бўлган паҳлавон *Митра*, Ахура Mazda томонидан яратилган биринчи одам *Гайа Марман (Қаюмарс)* ҳақида ва бошқа жуда кўп ривоятлар мавжуд. Қаюмарс икки вужуддан: ҳўкиз ва одамдан ташкил топган. Ахриман уни ўлдирган. Қаюмарснинг ҳўкиз қисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, ситир ва ҳўкиз, улардан эса 272 хил фойдали ҳайвонлар пайдо бўлади; одам қисмидан инсоннинг эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келади. *Йима (Жамшид)* ҳам наҳоткор қаҳрамон сифатида тасвирланган. «Авесто» ни ўзбек тилига биринчи бўлиб таржима қилган шоир *Асар Махмудов*нинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

ЎРХУН - ЭНАСОЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

ТУЮҚУҚ БИТИГТОШИ. Бу битигтош 2 та устунга ёзилган бўлиб, улардан бири 170, иккинчиси 160 см дан иборат. Бу ёдгорликни 1897 йили Елизавета ва Дмитрий Клеменишлар томонидан Шимолий Муғулистондан топилган. Битигтош Удан - Батордан 66 км жануби - шарқдаги Баян Цокто манзилида бўлган ва ҳозир ҳам шу ерда сақланади. Ушбу асар 712-716 йилларда тошга ўйиб ёзилган.

Туюқуқ шахс номи. У иккинчи турк ҳоконлигига асос солган Элтариш ҳоконнинг маслаҳатчиси ва саркардаси бўлган. Туюқуқ Ашнда уруғидан бўлиб, Бўғу Тархон ва Элтариш ҳокон билан бирга мамлякат мустақиллиги, Эл - юрт фаровонлиги, юрт осойишталиги ва чегаралар дахслилиги учун тинимсиз кураш олиб борган. Унинг ана шу курашлари махсус тошларга ўйиб ёзилган. Бу битигтошда воқеалар *Туюқуқнинг тилидан ҳикоя қилинган.* Туюқуқ «*Турк Билага ҳокон давлатида бу битигни ёздирдим*» дейди. Билага ҳокон Элтариш ҳоконнинг ўғли эди. Мустахлака азби, ўзга халқ тақдир ёдгорликда қисқа ва лўнда, аммо ниҳоятда таъсирчан тарзда ифодаланади: «*... Табгачга тослам бўлганлиги учун тангри, ул деган шекилли, турк халқи ўлди, йўқ бўлди, тугади. Турк Сир халқи ерида бирорта уруғ қолмади*». Ёдгорликда Туюқуқ халқ этакчиси, доно маслаҳатчи, кучли ва ботир саркарда сифатида намоён бўлади. У 700 кишини бирлаштириб, «*тад*» деган унвон олади. Туюқуқ шахсиятида таваккалчилик, доворакчилик, жасорат, журъат, баъзан ниҳоятда кескинлик, чўрткесарлик, айни вақтда босиқлик, вазминлик хислатлари аниқ кўриниб туради. У ватанпарвар шахс тямсолдир. Туюқуқнинг ўз ватани, ҳокони, кўшини, халқи билан фахрланиши, уларнинг борлигидан ўзини бахтиёр сезиши ёдгорлик матнига пухта янгирилган. Ҳатто душманнинг «*Ҳокони*

баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан» деган баҳосида ҳам шу руҳ мавжуд. Туңюкукнинг хотиржамлиги эса «Халқнинг томоғи туқ эди» жумласи орқали ифодаланган. Душманнинг туркийлар устига ҳужум уюштириш ҳақидаги ёвуз ниятини эпитетан Туңюкукнинг «Уша гапни эшитиб, тун ухлагим келмади, кундуз утиргим келмади» дейиши унинг тақдирини халқ ва юрт тақдирини билан нақадар яхлит ҳолда тасаввур қилишини кўрсатиб турибди. Туңюкук ифтхоридаги энг асосий нукта шундай ифодаланган: «Бу турк халқига қуралми душманни келтирмадим, яловли отни югуртирмадим». Бу обида ватан ҳақидаги маъқиядир. Унда мушожаат, ундов, чақириқ стақчилик қилиб, ўзига хос бошланма, воқеалар ривожини, хотима мавжуд. Асарда олтинга «сарик», кумушга «ок», туяга «эгри» сингари эпитетлар - сифатлашлар қўлланган. Ундаги энг кўп қўлланган бадийий тасвир воситаси *аллитерация*дир.

Кул Тигин битигтоши. Бу битигтош Элтариш ҳоқоннинг ўғли Билга ҳоқоннинг иниси Кул Тигин шарафига қўйилган. «Кул тигин» битигтоши мрамардан ишланган, баландлиги 3 м 15 см, қалинлиги 41 см, туб қисми 1 м 24 см бўлиб, юқорида томон торайиб борган. Ёзувлар ундан чапга ва юқоридан пастга қараб битилган. Бошқа барча битигтошлардан фарқли равишда уни ёзган муаллиф номи бизгача етиб келган. Бу *Йўлуғ* тигинадир. *Йўлуғ тигин туркий халқларнинг номи сақланиб қолган энг қадимий ёзувчиларидан бири бўлган.* Бу битигтош 732 йилда мрамардан ишланган бўлиб, 1889 йил Н. М. Ядринцев томонидан Мўғулистоннинг Кошо Цайдан водийсидан Кўкшин Урхун дарёси қирғоғидан топилган. У Улан - Батордан 400 км жанубда Қора Балғасун шаҳри харобаларидан 40 км шимолда жойлашган. Битигтош Кул Тигин қаҳрамонлиқларини, унинг ватан, она-юрт олдига буюк хизматларини шарафлашга қаратилган.

Битигтош парчалар: «... Тарбият қилган ҳоқоннинг сўзини олмайин ҳар ерга кетдинг. У ерларда бутунлай ғойиб бўлдинг, ном - нишонсиз кетдинг... ».

Билга ҳоқон битигтоши. Бу битигтошни ҳам Н. М. Ядринцев топган. У Кул тигин битигтошидан 1 км жануби - ғарбга ўрнатилган. Унинг бўйи 3 м 45 см, эни 1 м 72 см, қалинлиги 72 см. Бу битигтош 80 сатрдан иборат. Унда «Култегин» битигтошидаги 41 сатр такрорланган. «Билга ҳоқон» битиги ҳам *Йўлуғ* тигин қаламига мансуб бўлиб, унда ҳам қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ғоясини улуғлаш асосий ўрин тутади. Битигтошдаги воқеалар Билга ҳоқоннинг ёшига боғлиқ ҳолда даврий изчиликда ифодаланган. Қаҳрамон 17, 18, 22, 26, 27, 30, 31, 33, 34, 40 ёшидаги воқеаларни эслатади. Воқеалар Билга ҳоқоннинг 17 ёшида Танғут тарафларга лашкар туртиши билан бошланади. Мана ғалба ифодаси: «*Танғут халқини енгдим, ўғмин, бор нарсасини, йилқисини, мол-мулкни олдим*». Бу Билга ҳоқоннинг дастлабки ғалабаси эди. Матн мавзуси ҳарбий соҳага алоқадор. Ушбу обидада параллелизм, қисқашлар, сўзлар такрори асосий ўрин тутади. Битигтошдаги воқеалар тизимини шундай гуруҳлаш мумкин: а) қаҳрамоннинг муайян ёши; б) воқеа содир бўлган жой; в) воқеанинг маҳияти; г) натижа.

Ирк битиги («Табирнома»). Бу битиг шеърин усулда бўлиб, руний ёзувда қозоғга ёзилган. Уни венгр олими А. Стейн Шарқий Туркистондаги Дунхуа манзилдан 1907 йилда топган.

Битигтош парчалар:

Қағуни даратга боғлади.

Қаттиқ боғла, яхшироқ боғла», дейишди.

Билиб қўйинг: бу - ёмон.

Дигит лочин патини қўлга киритди,

Патли қалпоғини қўтлуг бўлсин, дейишди.

Билиб қўйинг: бу - яхши.

*«Мен - кийик ўғлиман,
Утсиз, сўзсиз қандай яшайман?*

Қандай юрарман?» дейди.

Билиб қўйинг: бу - ёмон.

Юқорида осмон эшитди,

Пастда инсон хабар топти.

Мен шундай кучлиман, дейди.

Билиб қўйинг: бу - яхши.

Олтин битиги. Мўғулистоннинг Кошо Цайдан водийсидан топилган. Кимга аталганлиги аниқ маълум эмас. Баъзи фикрларга қараганда, Элтариш

хоқон ва унинг хотини Элбийга хотун шарафига қўйилган (735 й); бошқа фюкрга кўра Қопагон хоқонга (691-716-йй), яна бошқа бир маълумотга (Ж. Клосон) қараганда Билга хоқоннинг ҳарбий бошлиқларидан Алпi Элетмиш (тахминан 731 йилда ўлган) шарафига қўйилган. Обида 1892 йилда В. В. Радлов ва 1957 Ж. Клосон томонидан (инглизча таржимаси ва тадқиқот билан) нашр қилинган.

11 - МАВЗУ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ

Достонлар тарихий воқеликни, халқ ҳаётини фантазия асосида умумлаштирилган идеал образларда объектив - баъний тарзда тасвирловчи, куй ва ижро билан мақкам боғланган йирик ҳажмли ва кенг қўламли асарлар, ўтмиш замонлар гўтрисидаги ҳикоялар ва ривоятлардир. Ўзбек достонларининг адабий - бадий матни назмий ва насрий парчалардан иборат бўлиб, ишқий-саргузашт, қаҳрамонлик каби мавзулар асосида яратилган. Мисол: «Алпомиш» қаҳрамонлик, «Равшан» ишқий-саргузашт достондир ва ҳок. «Ойсулу» аслида халқ қаҳрамонлик достони бўлган, кейинроқ унинг эртақ варианты вужудга келган. XIX асрда янаган бахши Тиллақамшир уни эртақ қилиб айтиб юрган. Бу эртақни *Эргаш Жуманбулбул* ўғлидан 1937 йил *Ходи Зариф* эзиб олган.

Достонлардаги шеърлар асосан 7 - 8 ва 11 ҳижоли бармоқ вазида бўлиб, 7 ҳижоли сатрлар воқеаларнинг жадал ривожланиш тасвирида, 11 ҳижоли шеърлар эса ҳаракатнинг тинч, оқисталигини билдиргани учун қаҳрамонларнинг монолог, диалоглари, таъриф - тавсифларида қўлланилади. Наср қисми *самъ* шаклида бериллади.

Халқ достонлари қаҳрамонлари: *Алпомиш, Рустамхон, Гўруғли, Авазхон, Ҳасанхон, Бозиргон, Ошиқ Ғариб, Равшан* ва бошқалар.

Ижро этувчилар: *Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир, Пулкан шоир, Аман бахши, Мурод бахши, Қурбонназар Абдулаев (Бола баҳиш)* ва бошқалар.

Эзиб олган олимлар: *Буюк Каримов, Ҳамид Олимжон, Ходи Зарифов, Маҳмуд Зарифов, Мақсуд Шайхзода, Муҳаммаднодир Саидов, Тўра Мирзаев, Малик Муродов, Қомил Йтомов, Баҳодир Саримсоқов* ва бошқ.

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ

Машҳур «Гўруғли» туркумидаги достонлардан бири «Алпомиш» достонидир. Бу достон 1922 йилдан бери ўзбек фольклоршунослари томонидан халқ бахшлари оғзидан эзиб олиб келинади. Достоннинг *Фозил Йўлдош ўғли* ижросидаги энг мукамал вариантыни 1927-28 йилларда Маҳмуд Зарифов Ходи Заринов раҳбарлигида эзиб олган. Мазкур достон тузилишига кўра йирик ҳажмли икки қисмдан иборат. Олимларнинг тасдиқлашича, «Алпомиш» достони X-XI асрларда яратилган.

Достон Қўнғирот уруғи бошлиқлари, Алпинбийнинг ўғиллари ака-ука Бойбўри ва Бойсариларнинг фарзандсизлиги тасвири билан бошланади. Унда ака-укаларнинг Шоҳимардон пир мақбарасида 40 кун чила сақлаши, пирнинг *"Бойбўри сенга худойим бир ўғил, бир қиз берди, ёлғиз эмас, эгиз берди; Бойсарни, сенга худойим бир қиз берди... Бундан борсанг, фарзандларни кўрсанг, хилойиқларни йиғсанг, тўй-томошалар берсанг, тўйда қаландар бўлиб бориб, болаларининг отини ўзим қўйиб келаман"* - дея хабар бериши, бўлажак қаҳрамонлар Алпомиш (Ҳакимбек) ва Барчинларнинг ажойиб-ғаройиб ҳолатларда туғилиши, Алпомишнинг баҳодирона ёшлиги (*7 ёшида бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган ёйини олиб отганда Асқар тоғнинг чуққиларини юлиб ўтиши*), Бойсарининг Бойбўридан аразлаб қалмоқ элита кўчиши (*закот талаб қилингани учун*), Қалмоқ шоҳи Тойчихон Бойсарини

деҳқончилик қилиналган ерларнинг пайҳон қилингани учун жазоламоқчи бўлгани, Алпомишнинг Барчинни олиб келиш учун қалмоқ элига бориши ва Муродтепада Қоражон билан танишиб, дўст тутиниши. Сурхайил кампирнинг етти алп ўғлонлари бўлган Кўкалдош (*каттаси, Алпомишнинг Бойчибор отини кўриб, ўздан ғолиб келишини билиб, ваҳм боғиб, емини емай кўйган Кўкдўнан тулпор уники эди. Кўкалдош «ўзбекининг отини муқаддас»* деб қалмоқ синчининг кўзини ўйиб олган), Кўкаман, Кўққашқа, Бойқашқа, Тойқашқа, Кўшқулоқ («Шомурти шоҳалоб, ҳар ёққа кетган, Ичида сичқонлар болалоб ётган, Издан туганан пинак алтойда ётган» полвон), Қоражонлар билан ёнма-ён туриб, Барчиннинг *пойга, ёй тортиш, мерганлик ва кураш* каби шартларини бажариши ва ёрини ўз элига олиб келиши, қайнотаси Бойсарини қутқариш учун иккинчи марта қалмоқ элига борганда, етти йил зиндонда қолиши. асирликдан оти *Бойчибор* ёрдамида қутулиб, зиндондан чиққанда «*Илгит тирк Шоҳимардон, Мадад берса шерк Яздон. Тиларман қодир худодан, Бу майдонда бергин омон...*» - дея ният қилиб ўз элига келиши ва душманларини енгизиши воқеалари тасвирланади. «Алпомиш» да бошқа дostonларга нисбатан муболағавий услуб устунилик қилади.

«Алпомиш» дostonининг 1000 йиллиги 1999 йил ноябрда Термизда нишонланди. Шоир ва драматург Собир Абдулла халқ оғзаки ижоди материаллари асосида «Алпомиш» пьесасини яратган.

Дoston қаҳрамонлари: *Барчин* (*У «душманларнинг қирқ мингини бир деб санаб қиршига» тайёр турган жасур сиймо. Сурхайил кампирнинг 7 алп ўғли Барчиннинг қўлини сўраб келганда Барчин уйлаб кўриш учун Кўкалдошдан 6 ой муҳлат сўрайди, курашда Кўкалдошни йиқитишида Алпомишга маънавий мадад беради*), Алпомишнинг синглиси - *Қалдирғоч* («*Бир қўлга кучинг етмадимиз?*» дея улатириб, Алпомишни Барчинни қутқаришга ундаган), *Қўлтой* (Алпомиш Бойсунга қайтганда, унинг танасидаги панжага изларига қараб таниб олган), *Қайқубод* (Барчинни излаб Қалмоқ юртида бораётган Алпомиш биринчи марта у билан учрашади. У Алпомишнинг оққўнғил, содда, шу билан бирга қўлидан ҳар ши кела оладиган ёрдамчисидир. Алпомиш Тойчихон юртини эғаллагач, шоҳликка Қайқубодни кўтаради), *Яртибой* (*Ертинбой*), «*Маслаҳат бермаймиз Бойсаринийга, Осилмаймиз Бойбўрининг дорига»* деб айтган), қалмоқ шоҳи *Тойчихон* (Бойчиборнинг оёғига темир нарчин уриб, бўйига чўядан гул солиб, етти йил азобда сақлаган), унинг қизи *Товжа оғил* (Алпомишга қарата «*Сизга қурбон бу менинг ширин жоним, Зиндон ичида ғариб бўлган меҳмоним, Чоҳ ичинда кўриб сўраб тураман, Зиндондан чиқарсам нима бўлган?*» - деган, Алпомиш берган асириқ- нишонни тутатиб, Бойчиборнинг озод бўлишига кўмаклашган), *Ултонтоз* (Алпомишнинг ўғай укаси, 7 йил бандликдан ўнги Алпомиш ўз юртига қайтганида отасининг ўрнига Ултонтоз шоҳ бўлиб олган эди), *Қорапор туя*, *ғоз* ва бошқ.

«РАВШАН» DOSTONI

«Равшан» гоёвий-бадий ишқик ишқий-саргузашт дostonдир. У 1928 йилда биринчи бўлиб Ходи Зариф томонидан Эргаш Жуманбулбул ўғлидан эзиб олинган ва 1941 йилда нашр эттирилган. Эргаш шоир «Равшан» ни отаси Жуманбулбулдан, у эса устозин Кичик Бўрондан ўрганган. Бу дoston ҳам «Гўрўғли» туркумига мансуб. «Равшан» пок ва самийий муҳаббатни куйловчи, мақсади эришиш йўлида мардлик ва ботириликни улдуловчи, зулм ва адолатсизликни қораловчи асардир. *Ушунг қиссада мазмуни куйидагича:*

«Гўрўғлибек Чамбил юртида Юсуе билан *Мисроқ нарди* Кўҳи Қофдан, Эрам боғдан келтириб, умр ўтказар эди. Унга худо фарзанд бермайди, шунинг учун *Ҳасанхонни* Ваянғандан, *Авазхонни* Хунхордан олиб келиб ўғил қилади. Ҳасанхон Арзрумдан *хон Дилални* олиб келиб уйланади ва ўғил кўради. Унга *Равшан* деб исм қўядилар. Авазхонга *Гулқиз* деган сулувни олиб беришади ва

қизли бўлади, исмини *Гуламор* қўяди. Икки асранди ўғлини тарбиялаб олган *Гуруғам* Авазхон билан Ҳасанхонни қуда қилмоқчи бўлади, лекин Авазхон рад этади. Бу сўзларни эшик ортида эшитиб турган Равшан қаттиқ хафа бўлиб, бувиси Юнус пари олдига борганда «овунсин» деб бувиси қўлидаги узукни беради. Равшан узукдаги гўзал бир қизнинг суратини ва «*Зулхумор*» деган ёзувни кўриб, бу қизга ошиқ бўлиб қолади. *Жийронкуш* деган тулпор отини миниб, Ширвон юртига йўл олади. Ширвон бозорини айланиб, «*теллак бозор қайдадир*» деб юради. *Бозордаги кўшкнинг устида юзини очиб ўтирадиган Зулхуморнинг* хусни жамолини кўриш учун йигитлар *бир лавла тилладан* кўрмана беришади. Равшаннинг гул тагида писиб ўтиганидан кўрқиб кетган қизлар қий-чув қилишиб, Зулхуморнинг ёнига боришади. Зулхумор *Оққиз* деган канизини йигит ким, қаерлик экани, нимага келганини сўраб, кўрманасини олиб келишга юборади. Равшан тилласи йўқлиги учун Юнус пари берган сеҳрли узукни беради. Зулхумор унда ўзининг исми ва суратини кўради. Бир неча кунни Равшанбек Зулхумор билан шод-хуррам ўказади. Равшанга кўп илғифот қилса-да, унинг эътиборини қозона олмаган *Оққиз* алампидан Зулхуморнинг боғида бўлаётган воқеаларни онасига айтиб беради. Онаси ҳамма гапни *Қорахонга* етказди. Ёш ва тажрибасизлиги, оққунгиллиги туфайли банд этилиб, зиндонга ташланган Равшандан Зулхумор яширинча хабар олиб туради. Равшанга 40 кун муҳлат берилади. Зулхумор *майна* қуши орқали мактуб йўллайди. Майна Чамбилга етади, аввал Ҳасанхоннинг томига тушади, нола-фигон қилиб юрган *Далани* кўриб, аёлини Равшанга она эканлигини фаҳмлаб, қаттиқ сайрайди-да, унинг қўлига келиб қўнади. Ҳамма воқеадан хабар топган *Гуруғам тарбиясини олган довгдор полвон, шердай хайбатли, гайратли Ҳасанхон* Гуруғамнинг *Гиржук (Гирот)* отида уч ойлик йўлни йигирма кунда босиб ўтади. Достонда Ҳасанхоннинг йўлда кетиш ҳолати қуйидагича акс эттирилган:

*Қулон¹ юрмас ерлардан,
Қувиб ўтиб боради.
Булон² юрмас ерлардан,
Бўғиб ўтиб боради.
Қарсоқ³ юрмас ерлардан
Қалқиб ўтиб боради.
Бўри юрмас ерлардан
Бўзлаб кетиб боради.*

1-кўйюкнинг бир тури 2-ёввойи от 3-тулкига ўхшаш, лекин ундан кичикроқ йиртқич ҳайвон. Шеваларда «шағол», «чябўри» деб аталади.

Ҳасанхон Равшан осиладиган кун Ширвонга етиб келади. Уни биринчи бўлиб *Жайноқ кал* танийди. Ҳасанхон золим Қорахон лашкарига қарши жанг қилиб, ширвонлик оғанини ботирлар - *Айноқ (полвон, «от, туя, арава кўтаролмас эди. Доим бир ёққа кўчирмоқчи бўлса, пиёда кетар эди...»)*, *Жайноқ (масхарабоз, «ҳар тусли бўла берар эди. Агар бировни алдамоқчи бўлса, ҳар тусли бўлганда ўзининг жўралари ҳам танимас эди»)*, *Эрсақ (мерган, «оқшомлари камонни қўлига олса, қушни кўзидан урар эди»)*, *Терсақ (синчи, «ийлқининг тулпорини суягидан танир эди, қилчнинг уткирини қинидан билар эди»)* лар қўмағида Қорахонни енгади, ўғлини ўлимдан қутқаради. Ҳасанхон Зулхуморни Равшанга никоҳ қилиб беради, Ширвон шаҳрига *Айноқ*ни пошпо, укаларини вазир, маҳрам қилиб қайтади.

Достондаги *Равшан, Зулхумор, Ҳасанхон*лар бош образлар бўлса, ширвонлик *камшир-эна, ака-ука каллар, Оққиз*, унинг *Мастон онаси* эпизодик образлардир.

«КУНТУҒМИШ» ДОСТОНИ

«Кунтуғмиш» достони ҳам ишқий - қаҳрамонлик достонларидан биридир. *Достоннинг қисқача мазмуни қуйидагича:*

«Дурман вилоятининг Кунтуғмиш деган полвони бўлиб, унинг Ошпоқой деган синглиси бор экан.

Зангар деган шаҳар подшоши Буврахоннинг иккита вазири бор эди: *Шоир* вазири ва *Товр* вазири. Кунлардан бир кун *Шоир* вазири қизли бўлади, исмини *Холбека* деб қўяди, *ТОИР* вазири ўғили бўлиб, исмини *Холмўмин* деб қўяди. Холмўминнинг онаси ўлиб, иккала фарзанди Холбеканинг онаси эмизиб катта қилади, улар эмикдош (қўкалдош) бўлиб қоладилар. Холбека ўн тўрт ёшдан ўтгандан сўнг унинг хусни зеболигини эшитган подшолар ва хонзодалар совчи қўядилар. Холбека шарт қўяди: «*Ҳар кимки мени оламан деб келса, нард ўйини қўймай, ютса тегаман*». Ҳеч ким уни енголмади. Подшо Буврахон ҳам совчи юборади, Холбека ўз гапида туриб олади. Буврахон аёнларининг маслаҳатига кўра, қизнинг бахтини боғлаб, «Холбека» деган исми айтишни таъқиқлаб қўяди.

Бир кун *Холбека* тушида Кунтуғмишни, Кунтуғмиш Холбекани кўриб, бир-бирларини севиб қоладилар. Холбека дардини *Баҳрагул деган камизга* айтади. Канизни сурагач олиб келгач, Холбека ўз суратини қоғозга солдириб, бир сандиқ тайёрлаб, ичини мумлаб, сиртини тилла билан қоплаб, соч толасини устига ўраб, арзи ёзилган қоғозни солиб, уни қулфлаб, калитини сандиққа боғлаб, дарёга оқизади. Кунтуғмиш қирқ йигити билан дарёнинг ёқасида ов қилиб юрганда, сандиқни кўриб қолади. Йигитлари сандиқнинг «тишини», Кунтуғмиш ичидагини олади. Кунтуғмиш сандиқ ичидагини кўриб, бир ишқига юз ишқ қўшилади. Холбеканинг ишқига Зангар сари отланади. Зангарда Кунтуғмиш Холбеканинг номини айтиб бақириб юрганда бир кампирга дуч келади. Бу кампир подшонинг ўғлига катта қизини берган эди. У қизи *Замонгул (Гузамон)* ни Кунтуғмишга рўпара қилади. Севгилиснинг суратини кўрган йигит сохта Холбекани қабул қилмайди. Замонгул Кунтуғмишни асл Холбеканинг ёнига олиб боришга мажбур бўлади. Кунтуғмиш савдогарбачча қиёфасида бориб, Холбекани нард ўйинида енгади. Холбека «менинг шартини бажо келтирдинг, мен сеники бўлдим» дея зиёфат қилаверади. Подшо Холбекага «*Ҳар кун тонг вақтидан кичик чошгака доғур кўшикка чиқсин, юзидан ниқобини олсин, оламини томоша қилсин*» - деб айтган эди. Холбека уч кун кўшикка чиқмагач, подшо 200 жаллод, 400 мирғазабига Холбекадан хабар олишни буюради. Қирқ кўшк ичкима - ички бўлиб, бир тарафи Холбеканинг кўшики эди. Подшонинг мирғазаблари келаётганидан хабар тошган Кунтуғмиш ва Холбека ўзларини кўшкдан ташлаб қочадилар ва дастлаб кампирни кита, кейин эса подшо сомонхонасига бекинадилар. Лекин *Замонкул*нинг ахлоқлиги, подшо мироҳурининг чақуви натижасида қўлга тушадилар. Подшо буюриб, бир туяни сўйиб, тулуп (сўйилган жонлиқнинг терисини бузмай шилиб олиш) қилиб, икковини зич қилиб, хом териг. тикиб, бир асов байтақнинг думига боғлаб, бир чул жазирамага ҳайдаб юборадилар. Олти ой деганда улар отдан узилиб, бир кузгун баҳона балодан қутулиб, Муғлоққа келишди ва бирга ҳаёт кечириб, эгиз ўғилли бўладилар. Зангарлик бир савдогар *Азбархўжа* ном берман деб, Кунтуғмишни аждарга қарши йўллайди. Кунтуғмиш аждарни ўлдиргач, улар дўст тутинадилар. *Азбархўжа* дўстининг хотини Холбека эканлигини билиб, дўстига хиёнат қилиб, уни маст қилади ва кигизга ўраб, устидан тош бостириб қўяди, Холбекани Буврахонга бериш учун олиб кетади. Унга келган Кунтуғмиш ўғилларини олиб, Тажандарёдан ўтишда бир ўғлини балиқ ютади, бирини бўри олиб қочади. Кунтуғмиш нима қиларини билмай юрганда, бир чўпонга дуч келиб, бор кечмишини айтиб беради. Чўпонлар бўридан қўтариб олган болага *Гуркибой*, Олим сайёд балиқ ичидан тошган болага *Моҳубой* деб ном берадилар. *Азбархўжа (Алдархўжа)* Холбекани Буврахонга олиб боргач, подшо уни зиндонга ташлаб, Холбекани Холмўминга беради. Болалар эса бир-бирини топадилар ва тақдир тақозоси билан Холмўминга ишлаш учун ёлланадилар. *Гуркибой* ўзининг Кунтуғмиш фарзанди эканлигини чўпонлар қўшхонасида билиб олган эди. Буврахон вафот этгач, давлаткуш уч марта

келиб Кунтуғмишнинг бошига қўнади, шунинг учун уни подшо қилиб кўтардилар. Она ва ўғиллар Холмўминнинг уйида топишадилар. Фарзандлар онасининг гапига кириб, шаҳардан чиқиб кетадилар. Йўлда Моҳибой Гуркибойнинг гапига кулоқ солмай, йилқиларни қувиб солади, амалдорларни калтаклагани учун дорга осигга буюрилади. Кунтуғмиш ҳам болаларини таниб, ота-она ва фарзандлар топишадилар. Холмўминни Зангарга подшо қилиб, Кунтуғмиш якки боласи, қошида Холбека ёри билан, қанча хизматкор, канизақлари билан Дўрман элига боради, тўй-томоша қилиб, мурод-мақсадига етади».

«**Кунтуғмиш**» достонининг бош қаҳрамонлари *Кунтуғмиш* ва *Холбека* орқали соф сеvgи ва адолат тантанасига бўлган ишонч кўрсатиб берилган.

«МАЛИКА АЙЁР» ДОСТОНИ

«Малика Айёр» ҳам «Гўрўғли» туркумга кирадиган кўплаб достонлардан биридир. Асар бахши Фозил Йўлдош томонидан қуйланган. Достон анъанавий равишда муҳаббат ҳангомалари, ишқий саргузаштлар билан бошланган ва бутун асар давомида сеvgига доир кечинмалар тасвирланган бўлса-да, аслида унда имон-эътиқод, ор-номус, инсоний ирода, тошқирлик, чидам сингари эзгу маънавий сифатлар ҳамда бундай фазилатларга эга бўлиш учун одам ўтиши зарур синовиалар тасвирланади. Бу достонда қийинчиликларни енгиб ўтишда Гўрўғли кўпроқ юкни зиммасига олган бўлса-да, энг таҳликали шароитларда ҳам Шозаргар ва Аваз билан биргаликда фаолият кўрсатганлиги тасвирланади. Достонда ўзбек йигитларига ҳос энг олийжаноб фазилатлар Аваз тимсолида ақс этган дейиш мумкин. Бу достонда халқ мақол, матал ва қўшиқларидан жуда ўринли фойдаланилган. «*Йўли бўлган йигитнинг янгаси олдидан чиқади*», «*Эр тиллаган-ерда азиз*», «*Чақирилмаса боруе йўқ, чақирган ердан қолае йўқ*», «*Йўла узоқ бўлса ҳам пойгаси совоқ*» сингари мақоллар персонажларнинг айна вазиятдаги руҳий ҳолати ва ижтимоий ўрнини ифодалаши жиҳатидан катта аҳамият касб этади. *Дарсликда келтирилган достон парчасининг қисқача мазмуни қуйидагича:*

«**Гўрўғли** Чамбил элида подшолик қилар, унинг *Соқдубулбу* деган отбоқари ҳам бор экан. Бир кун Гўрўғли қирқ йигити, Ҳасани, Авази ва амалдорлари билан суҳбатлашиб ўтириб отбоқарига Фирқўк отини эгарлаб олиб келишини ва Шакарқўлга бориб парранда овлашини айтади. Соқдубулбу: «Ҳозир сафар ойи, бу вақтда сафардан омон келиш мушкул», - деганда, Гўрўғлининг жаҳли чиқади, уни кўтариб ерга уради, бундан қўрққан отбоқар Фирқўкни олиб келади.

Гўрўғли отини миниб, Зебитқўлдаги Шакарқўлга бориб, паррандаларни овлаб қайтиб келаётганида бир қўрғон кўриб қолади. У қўрғоннинг ичига кириб қараса, гўзал манзара: олмадар, гуллар, булбуллар... Бир тўда қушлар йиғилиб, ўртада бир лайлакни созанда қилиб, айттириб туришган экан. Шу пайт осмондан бир қўқ қаптар учиб келади ва парига айланади. Гўрўғли унга ошмиқ бўлиб қолади, паридан қаерданлигини сўрайди. Пари Шаҳри Шабистондан бўлишини, онасининг оти Силар пари, отасининг оти Қосимхон, шаҳрининг оти Таркистон эканлигини айтади. Шундан сўнг, пари бир ағанайди-да, қаптарга айланиб учиб кетади. Гўрўғли юртига қайтиб келиб, қирқ эшикли чиллахонасига кириб ҳафа бўлиб ётиб олади. Орадан ҳафта - ўн кун ўтади.

Гўрўғлининг *Аҳмад Сардор* деган тоғаси унга хийнат қилмоқчилигини Авазжон эшитиб қолади ва отасини огоҳлантиради. Авазнинг ўзи эса

Гуруғлининг ҳасратларини эшитиб, Гиротга миниб, Торкистонга Малика парини излаш учун отланади. Гуруғли Малика Айёрнинг гапини, яъни маликанинг юртигача олтмиш йил йўл юришини айтиб, Авазнинг қайтиб келиш мuddатини айтиб кетишини сўраганда, Аваз ўн олти ойда қайтиб келишини айтади ва йўлга жўнаб кетади.

Аҳмад сардор Асад ва Шодмон деган мерганларни Авазни ўлдириш учун юборади. Асад ва Шодмон Ғажим ва Маждим деган отларини миниб, Палапон тоғига стадилар ва Авазни кутиб ётадилар. Аваз келганда улар ўқ узишади, икки ўқдан Аваз омон қолади. Мерганлар Авазни алдаб, уни синаб курганликларини айтиб, унга йўлдош бўладилар. Қирқ кеча-кундуз йўл юришиб, Бадбахт деган чўлга, Очгаза Дарбанд деган тоққа етиб келадилар. Шунда Аваз бир қора нарсанинг келаётганини кўриб қолади. Келаётган душман фил минган экан. Аваз ундан кимлигини сўрайди. У одам Арботин деган жойдан келаётганини, исми *Мақотил* эканлигини, Гуруғлини ўлдиришга, унинг Гирот отини, Аваз ўғлини олиб келишга кетаётганлигини айтади. Буни эшитган Аваз узини таништиради. Улар орасида жанг бўлиб, Аваз Мақотилни ўлдирди. Аваз йўлда давом этгандан олдин Мақотилнинг лашкари чиқади, Аваз улар билан тўқнашади ва ярадор бўлади. Асад ва Шодмон мерганлар «Гуруғли келди» деб душманларни алдайди, душманларнинг устига бостириб боради, душманларнинг ўлгани ўлади, қочганлари қочади. Мерганлар Авазга етиб олишади. Авазнинг ярасига айқининг ўтидан, кийикнинг киндигидан, тошбақанинг тухумидан дори тайёрлаб қўйишади. Учови яна қирқ кеча-ю, қирқ кундуз йўл юришади. Белдоз деган бир қирга етиб, ўша ерда тўхташади. Аваз телани айланиб юрганда бир горни кўради ва горга кириб қирқ девнинг маст бўлиб ётганлигини кўради. Бу девларнинг каттасини *Япроқдев* дейишар экан. Аваз Гуруғли деган сўзни айтгандан сўнг, девларнинг ақли шошиб, ҳол-аҳвол сўраб кетишади. Девлар Аваздан «ёлғиз келдингми?» деб сўраганларида, йўлдошлари борлигини айтади. Девлардан бири уларни чақирш учун бораётганида Асад ва Шодмон қўрққанларидан қоча бошлашади. Шунда дев қайтиб келиб, уларнинг қўрқиб қолаётганларини айтганда, Аваз ёлгондан улар қўрқмасликларини, ҳар бири 90 дев сийшини айтади, ёлгондан уларнинг оти ҳурқиб қолаётганини баҳона қилади ва ўзи бориб уларни олиб келади. Япроқдев Аваздан қаёққа ва нима учун кетаётганини билгач, уларга ёрдам беради. Аваз, Асад ва Шодмонни учта олмага, отларини уч тўрғайга айланттириб, 10 кеча-ю, 10 кундуз учишади. Девлар уларни йигирма йиллик йўлга олиб бориб қўядилар. Бир тилсимот билан Аваз, мерганлар ва отлари ўз аслига қайтарилади. Япроқдев ўз юртининг чегарасида улар билан хайрлашиб орқага қайтади. Аваз ва мерганлар йўл юришиб, Гулшан чорвоғига стадилар. Аваз ичкарига кирганда олма ва анжир емоқчи бўлганда улар осмонга чиқиб кетади. У хайрон бўлиб йўлда давом этади ва уч қўшққа етади. Бу жой Гулқиз деган парининг макони экан. Унинг Гулзамон деган ошпази бор экан. У Гулқиз билан танишганда Гулқиз «*Чамбел залдай бўласангиз Юнус Мисқолиниг жона - дил, Гуруғлининг ўғли бўласангиз менинг амманнинг ўғли бўласиз экан*» - деб, Авазнинг ҳурматини жойига қўяди. Бу макон билан қўшни учта дев бўлиб, каттасининг оти Қизилдев экан. Бу ердан девлар ҳам Авазга қариндош чиқади, роса зиёфат қилишади ва Аваздан мақсадини сўрайди. Қизилдев: «*Торкистон деган шаҳар бу ерда етмиш йиллик йўл келади, уни фақат Баймоқдев деган тоғлигиз билади*», - дейди. Қизилдев уларга ёрдам қилади, бир тилсимот билан учовини олма, отларини тўрғай қилиб, ўн тўрт кунлик йўлга учиб боради. Отда юрилса, у ергача ўн тўрт

йиллик йўл бўлади. Аваз, Шодмон ва Асад йўл юриб, Қизилқум деган жойга етиб келади. Улар бир қаландарга дуч келишади. У аслида Чин - Мочин хони бўлиб, уни Шоқаландар дейишар экан. У ҳам Малика Айёрни излаб юрган экан. Иккинчи қаландарини Шозаргар дейишар, у Рум элидан экан. Тиллақизни излаб юрган экан. Бу икки қаландар ҳам Асад ва мерган йарга қўшилиди. Улар йўл юришиб, Қўқламтоғ деган жойга етиб боришади. Яна йўл юришади. Аваз, Шоқаландар ва Шозаргар ер тагига тушишади. Малика Айёрнинг Горкистон шаҳрига етиб боришади. Маликанинг бир шери бўлади. Улар шерни ўлдириб қўйишади ва қирқ кун мудатда бир тилла шер ясаб беришади. Малика Халича деган қанизини дугонаси Тиллақизнинг олдига жўнатади ва унинг ҳам шер ясашиб олишини айтади. Лекин Тиллақиз рад этади. Шозаргар учққа айланали уни Оқдевшоҳ топиб олади. Отаси узукни Тиллақизга олиб келиб беради. Малика узукни таққанда дойиқ бўлади, узук гапирга бошлади. Тиллақиз узукни туқсонга ичкима - ички қўпига солиб қуяди. Шунда Шозаргар бир тилсимот билан сиққон бўлиб, туқсон кутини тешиб чиқади. Шозаргар бошқа балюлардан ҳам қутилиб чиқади. Тиллақиз таққирга тил бериб у билан бирга кетади. Аваз мерганларни топади ва Маликани олиб кетади. Шоқаландар эса Зебит шаҳрининг шахзодасини девлар кўлидан қутқаради, унга Гулқиз парини олиб беришади ва ҳаммалари ўз уйларига қайтиб кетишади. Гурўелининг розилиги билан Малика Айёрни Авазга турмушга беришади.

Достон қаҳрамонлари: *Гурўели, Аваз, Ҳасан, Малика Айёр, Қосимшоҳ, Тиллақиз, Гулқиз, Гулзамон, Шодмон ва Асад мерган, Яроқдов, Қизилдов, Баймоқдов, Оқмоқдов* ва бошқ.

12 - МАВЗУ. VIII - XV АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ АДАБИЁТИ

Ўзбекларнинг миллат сифатида шаклланиши узоқ тарихга эга. Ўзбеклар қадимги туркийларнинг авлодларидир. Херодот (мил. олдинги 490/480 - 430/424) Шарқ қабилалари орасида *тургитойлар* ёки Искит юртидаги *туркий (юркей)* лар ҳақида ёзиб қолдирган. «Таврот» да *тўлҳармалар* номи зикр этилган. Манбаларда *хунлар* деб ном олган халқлар ҳам туркийларнинг қадим авлодларидир. Қадимги Хитой манбаларида *тик, ди, тукю* қабилаларининг номи қайд этилган. Аслида буларнинг барчаси «турк» сўзининг турлича номларидир. «Турк» сўзи «қалмоқ», «дубулға», «тарк этилган», «етуклик чоғи», «денгиз қирғоғида ўтирган одам», «жазб этмоқ», «тарқалмоқ», «ёйилмоқ», «куч-қувват», «бури» маъноларини беради.

Биринчи Кўк турк ҳокимлиги VI-VII асрларда ҳукмронлик қилган. Ҳоқонлик 535 йилда пайдо бўлган. 630 - 680 йилларда Кўк турклар давлатни қўлдан бериб қўйган. Бунинг бир қатор сабаблари Урхун-Энасой обидаларида қайд этилган. Булар: 1. *Кейинги даврлардаги ҳукмдор ва бошлиқларнинг лаёқатсизлиги*. 2. *Туркий қавмларнинг ўзаро ноаҳдчилиги*. 3. *Табғач давлатининг сиёсати ва ичдан эмирувчи тарғибот-ташвиқоти*.

VI-VIII асрлар бўйича *умумтуркий адабиёт* деган атама мавжуд. Бу даврларда туркийлар ягона, муштарақ этник қатлам сифатида яшаيدилар. Савдо алоқаларининг кенгайиши турли тиллар ва ёзувларнинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлди. Оромий ва юнон ёзувлари истеъмолда бўлиб, кейинчалик оромий ёзуви асосида шаклланган сўғд ва хоразмий ёзувлари ҳам кенг қўлланила бошлади. Хоразмий ёзувининг энг қадимги намунаси Қуй қирилган қалъадан топилган бўлиб, эрамиздан олдинги III асрга омидир. Сўғд ёзувининг ёлғорлиги эса Тали Барзу (Сўғд)дан топилган сопол идиш синиғида ўйиб ёзилган бўлиб, эрамиздан олдинги I асрга тегишли. Бу ёзув намуналарининг

II-III асрларга оид обидлари Дунхуан (Шарқий Туркистон) дан топилган. Уларда Самарқандда яшаган она ва Дунхуанда турадиган қиз ўртасидаги оилавий турмуш ҳақи дағи ёзишмалар ифодаланган.

X аср ўрталарида Қорахонийлар давлати ташкил топди. Бу даврда маданият, илм-фан ва адабиёт ривожланди. Туркий адабий тил ҳам тараққий этди. Қорахонийлар даврида *Маҳмуд Қотғарийнинг «Девону луғотит-турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Аҳмад Юсуфийнинг «Хибтул-ҳақиқий»* асарлари яратилди. Араблар босқинидан сўнг Мовароуннаҳрда ҳам ислом қабул қилинди. Ислонинг асосий ақида ва ғоялари муқаддас *Қуръонда* ўз ифодасини тошган. Куръон 114 сурадан иборат. Ҳар сура оятларга бўлинган. Ҳар бир суранинг алоҳида номи бор. Масалан: 1-сура «Фотиҳа», 2-сура «Бақара», 3-сура «Оли Имрон», 4-сура «Нисо» дейилади. Суралардаги оятлар миқдори турлича. «Бақара» сураси 286. «Вал-аср» ва «Кавсар» суралари 3 оятдан иборат. VIII - XII асрларда маданият, илм-фан ўзинга хос ривожланиш йўлига ўтди. Ўрта Осиё олимлари араб тили орқали дунё илм-фанига йўл очдилар. *Абу Наср Утбий* араб тилида «*Тарихи Ямний*» асарини ёзди. Унда Сабук тагин ҳамда Маҳмуд Фазнавий ҳукмронлиги даврига оид кўплаб тарихий маълумотлар мавжуд. Фазнавийлар давридаги энг йирик тарихчилардан яна бири *Абу Саид Гардизий*дир. Унинг форс - тожик тилидаги «*Зайнул-ахбор*» («*Хабарлар чиройи*») китоби машҳур. Шу даврда яшаган *Абдул Фазл Байҳақий* (996-1077) 30 жилдан иборат «*Тарихи Маъсудий*» ёки «*Тарихи Байҳақий*» деб номланган асарни яратади. Бу асарда султон Маҳмуд ва унинг ўғли Маъсуд даври (1000-1050) да бўлган воқеалар, Бағдод халифалиги, Мисрдаги фотимийлар халифалиги билан бўлган муносабатлар, ижтимоий ва маданий ҳаёт, ҳокимият учун курашлар баён қилинган. Машҳур қомусий олимларимизнинг илмий ижодлари, асосан араб тилида ёзилган. Аммо баъдий ижод уч тилда: *туркий, форсий* ва *араб* тилларида давом этди. Араб тилида ижод қилган адиблар ҳақидаги тўлиқ маълумот *Абу Мансур Соалбийнинг «Ятимаат ад-даҳр фи маҳосия аҳл ал-аср» («Аср аҳлининг фозиллари ҳақида муносабатнинг дурдонаси»)* асари орқали етиб келган. *Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Соалбий* 350 (961) йили Нишопурда туғилган ва 429 (1038) йили шу ерда вафот этган. У йирик олим (50 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи), шоир ва тарихчи эди. Унинг юқорида қайл этилган асарининг 4 қисмида X-XI асрларда яшаган 415 та араб тилида ижод қилган адиб ва ёзувчилар ҳақида маълумотлар ва ижодларидан намуналар келтирилган. 4 - қисмга эса 124 та хуросонлик ва мовароуннаҳрлик шоир киритилган ва уларнинг насрий ҳамда назмий асарларидан намуналар берилган. Бу қисмга 4160 байтга яқин шеър киритилган. Улар қасида, васф, ҳажв, марсия, маснавий, ғазал, уржуза жанрларига мансубдир.

Абу Наср Асади Тусий (вафоти 1070) Фирдавсий «Шоҳнома» си изидан бориб, «Гершаспнома» дostonини яратган. У форс-тожик адабиётидаги ilk ёзма мунозаралар муаллифидир. Булар «Ер ва осмон», «Кеча ва кундуз», «Найза ва камон», «Муслмон ва кофир», «Араб ва аҳам» дир. Шунингдек, у форс тилининг энг қадимги изоҳли луғатини ҳам яратган. Луғатда 80 га яқин ўша давр шоирларининг шеърларидан намуналар берилган.

Адиб Собир Термизий (тахм. 1078 - 1148) йирик шоир бўлган. Унинг отаси Исмоил Термизий ҳам шоир бўлган. У Султон Санжар Салжуқий саройида хизмат қилган. Султон уни Хоразм шоҳи Отсиз ҳузурига юборди. Хоразмшоҳ шоирни жосусликда айблаб, 1148 йили Амударёга чўктириб юборди. Адиб Собир Термизийнинг «Девон» и қасида ва ғазаллардан иборат.

XI аср шароитида Юсуф Хос Ҳожиб шоирларни «*сўз тегурочилар*» деб таърифлайди. XIV асрда эса Сайфи Саройи шоирларни «*сўз булбул*» дейди. Навоий шоирларни «*руҳ чаманининг хуштон булбуллари*» дея таърифлайди. Зеро, сўз адибларнинг ўз назарларида ҳам мўътабар мавқега эга. XI асрда Юсуф Хос Ҳожиб бошлаб берган дostonчилик анъанаси кейинчалик *Аҳмад Юсуфий, Сайфи Саройи, Қутб, Ҳайдар Хоразмий* каби шоирлар ижодида

давом эттирилди. Шу даврдан бошлаб адабиётда панд-насихат, дидактик усули етказишлик қилади.

«*Ҳадис*» арабча сўз бўлиб, унинг бир қатор маънолари бор. Булар : 1) янги, янги нарса, воқеа; 2) сўз, ҳикоя, нақл, ривоят; 3) *Мухаммад пайгамбар* ёки унинг саробалари ҳақида ҳикоя қилувчи хабар ёки ривоят. Ҳадисларни тўплаб, уларнинг ҳақиқийларини аниқлаш билан шуғулланган олимлар *муҳаддис* дейилган. *Имом Бухорий, Муслим ибн Хажжож, Имом Термизий, Абу Довуд, Насовий, Ибн Можажа, Дорилми, Байҳақий, Табароний, Ибн Ҳиббон, Хатиб, Ҳоким, Абу Аъло, Дайлами, Дорикутний, Жамолддин Суютии* каби кўпгина муҳаддисларнинг номи машҳур. Туркий, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам ҳадислардан илҳомланиб яратилган бир қатор бадиий намуналар юзага келди. Бу силсиладаги дастлабки тажриба Юсуф Хос Ҳожиб номи билан боғлиқ. Унинг куйидаги тўртингида ҳадислар билан маънавий уйғунлиқни сезиш қийин эмас:

*Атанг пандини сен қатиғ тут, қатиғ,
Кутадга кунунг бўлга кундин татиғ.
Атангни, анангни севиңдур туши,
Янут берга тапғинг туман мизг асиғ.*

Аҳмад Югнакий ҳам «*Ҳибаatul-ҳақойиқ*» асарига ҳадислардан таъсирланиб, Юсуф Хос Ҳожиб изидан борган ва Пайгамбар шайнига алоҳида мақтовлар бағишлайди:

*Анинг мадҳи бирла татир бу тиллим,
Анинг яди бирла шакар шаҳд анга.*

(Унинг мадҳи билан тилим шириндир,

Унинг ёди тилимга шакар ва асал бағишлайди.)

Ҳатто асардаги бир бобга «*Тангрининг мўъжизалари, жоҳилликдан тийилиш, худонинг расулига содиқ бўлиш ҳақида пайгамбар алайҳиссаломнинг айтади сўзлари*» деб ном қўйилган. Ҳадислардан ижодий фойдаланиш кейинги асрларда ҳам давом этди. Бу йўналишда *Жомийнинг «Чма ҳадис»* ва *Алишер Навоийнинг «Арбаъин» («Қирқ ҳадис»)* асарини эслаш жоиз. Замондошлариздан *Абдулла Ориповнинг «Ҳаж дафтари»* китоби ҳам асосан ҳадиси шарифларга ижодий ёндашиш оқибатидир.

XIII - XIV асрлар адабиётида дунёвий мавзунинг асосий ўрин тута боришини, жанрлар хилма-хиллигини кўрамиз. Бу даврда ғазал, қасида, рубоий, туюқ, дoston, маснавий ва соқийнома каби жанрлар асосий ўрин эгаллайди. XIII - XIV асрларда *Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг «Жоме ут-таворих», Атомалик Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонгўша», Фахриддин Баноқатийнинг «Раъзатул-аҳбоб фи-тавориху акобир вал ансоби», Ҳамдуллоҳ Мустаофий Қазвинийнинг «Нузхат ал-кулуб» («Қалблар роҳати»), Хусам Котибнинг «Китоби Жумжума» (1369-1370), Аал ибн Маҳмуднинг «Наҳжул фародис» (1360), Қул Алийнинг «Қисса Юсуф» (1239) каби асарлари дунёга келди. Ҳайдар Хоразмийнинг «Гул ва Наврўз», Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» дostonлари XIV - XV асрларнинг оригинал дostonи бўлса, Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшанул-асрор», Кутб Хоразмийнинг «Хусрав ва Ширин» дostonлари Низомий дostonларининг ижодий қайта ишланганидир.*

Абулқа дуғата XVI асрда усмонли турк тилида тузилган бўлиб, унда Навоий ва бошқа ўзбек шоирлари асарларидан мисол тарикасида парчалар олинган. XV асрнинг ярми ёзма адабиёти жанрлар хилма-хиллиги билан ҳам ажралиб туради. Бу даврда ҳам эпик, ҳам лирик асарлар (қасида, нома, ғазал, дoston, қитъа, туюқ кабилар) кўплаб ижод этилди.

САЙЁҲЛИК АСАРЛАРИ

Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётига дунё халқлари жуда қадимдан қизиқиш келишган.

Абу Исҳоқ Истахрий (850-934) тарихчи ва географ бўлиб, Ҳиндистон, Араб ва Ғарб мамлакатлари ҳамда Ўрта Осиё халқлари ҳақида маълумотлар берган.

Херодот (мил.ав. 490-480 - 430-424 й. да яшаган юнон тарихчиси) нинг «Тарих» асари 9 китобдан иборат бўлиб, ҳар бир китоби юнонлар эъзолайдиган 9 музадан бирига бағишланган (Клио, Эвдерна, Галиа, Менпанена, Терпсихора, Эрато, Полигимния, Ургания, Қаллиопа). Бу китобларда форс (Эрон) подшоҳлари, искиф қабилалари, Мадия ва Юнонистон (Эллада) каби давлатлар уртасида келиб чиққан урушларнинг сабабларини аниқлашга интилади. Херодот фикрича, яхшиликка ёмонлик, ёвуз, ахлоқсиз, адолатсиз ишлар халқро урушларни келтириб чиқаради.

Страбон (мил.ав. 64/63 - мил. 23-24 йиллар) қадимги юнон тарихчиси ва сайёҳдир. У 17 жилдан иборат «География» китобида Қора денгиз мамлакатлари ва Кичик Осиё ҳақида ноёб маълумотларни жамлаган.

Арриан Флавий II асрда яшаган юнон тарихчиси ва ёзувчисидир. «Искандар юрти» ва бошқа асарларида македониялик Искандарнинг Сўғдиёнага қандай бостириб келгани, Спитамен каби миллий қаҳрамонларимизнинг жасоратлари тасвирланган.

Хитой сайёҳи *Сима-Цян* ўз юртидан чиқиб кетиб, кўп йиллар давомида 120 дан ортиқ мамлакат ва улкаларда бўлади, Қашқар ва Иссыккўл орқали Сайрам, Ташкент, Самарқандга боргани ҳақида маълумотлар берган.

Марко Поло (1254-1324) генуялик сайёҳ ва ёзувчи бўлиб, «Марко Поло китоби» асарида Олд Осиё, Марказий Осиё ва Хитойдаги халқларнинг урф-одатлари, маданияти, санъати, жумладан, бадийиётчилари ҳақида ҳам айрим маълумотларни берган.

Руи Гонзалес Клавиho (1412 й. вафот этган) кастилиялик сайёҳ бўлиб, 1403-1406 йиллар давомида Самарқандга бўлган. У теурийларнинг адабиёти ва санъати ҳақида кўпгина маълумотлар тўплаган.

Араб сайёҳи *Ибн Батута* Ўрта Осиё халқларининг географияси, тарихи, этнографиясига оид кўп қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Бу машҳур сайёҳ ўзининг 28 йиллик саёхатлари давомида Шимолий ва Ғарбий Африка, Арабистон дрим ороли, Ҳиндистон, Испания, Туркия, Эрон, Шарқий Европа, Хитой ва Ўрта Осиёда бўлган, Ўрта Осиёда мўғул истилоси асоратларини ўз кузи билан кўрган. Ибн Батутанинг тулиқ исми *Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ал Лавати ат-Тажий*дир. У Ўрта Осиёнинг кўплаб шаҳарлари, хусусан Хоразм, Урганч, Самарқанд, Бухоро ҳақида нодир маълумотларни ёзиб қолдирган. Жумладан, у «дунёда хоразмликлар сингари олижаноб, меҳмондўст халқни учратмадим» дейди. Ёки Саройдан Хоразмгача уни кузатиб борган савдогар Али ибн Мансур кийим-кечак учун 10 динардан сарфлаб боради. А.ъмо Ибн Батутага 8 динарға олдим дейди. Сайёҳ буни тасодифан бошқа бир ҳамсуҳбатидан билиб қолади ва ҳайратга тушади. Асарда бундай урф-одатлар ҳақида анчагина қайдлар бор.

ЎРТА ОСИЁНИНГ ҚОМУСИЙ ОЛИМЛАРИ

Ўрта Осиё ўзининг қомусий олимлари билан ифтихор қилади. *Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек* ва бошқалар ана шундай қомусий олимлар сирасига киради.

ФОРОБИЙ

(873-950)

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуг Тархон Форобий 873 йилда Форобда туғилган. Дунё аҳли Арастуни биринчи муаллим деб билишса, Форобийни «Муаллимус-соний», яъни «Иккинчи муаллим» деб аташган. Бошланғич маълумотни она юртида олган, кейин Ташкент, Бухоро, Самарқандда ўқиган, Бяждод, Исфажон, Ҳамдон, Рай шаҳарларида бўлган. Форобий 70 дан ортиқ тилни билган, фалсафа, арифметика, геометрия,

астрономия, музика, табиат, физика, кимё, оптика, тиббиёт, биология ва бошқа фанлар соҳасидаги кашфиётлари билан катта шухрат қозониб, 160 дан ортиқ асар ёзган. Бизгача 40 га яқин асари етиб келган. Форобий 950 йилда Дамашқда вафот этган.

Асарлари: «*Арасту қонунарининг моҳияти ҳақида*», «*Шеър санъати ҳақида*» (Арастунинг «Поэтика» асарига шарҳ сифатида ёзилган рисола), «*Фозиллар шахри аҳолисанинг фикрлари*», «*Илмларнинг келиб чиқиши ва тасвифи*», «*Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола*» ва бошқ.

АЛ - ХОРАЗМИЙ (780 - 850)

Абу Абдулла Муҳаммад ибн Мусо 780 йилда Хивада туғилган. Хоразмий дунёга машҳур математик ва астроном сифатида танилган. Унинг номини тарихда қолдирган буюк асар «Ал жабр вал-муқобала» рисоласидир. Олим 850 йилда Бағдод шаҳрида вафот этган. Ал-Хоразмий Маъмун академиясининг илк ташкилотчиларидан ва энг фаол аъзоларидан бири эди.

Асарлари: «*Ернинг сурати*», «*Астрономик жадваллар*», «*Тарих рисоласи*», «*Мушиқа рисоласи*», «*Мафотихул-улуъ*» («*Илмларнинг қалиплари*», 9 китобдан иборат), «*Кўёш соатлари тўғрисида*», «*Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб*», «*Синус зилжари*», «*Ер сатҳини ўлчам*» ва бошқ.

АҲМАД ФАРҒОНИЙ (тахм.797, Фарғона- 865, Миср)

Буюк аллома Аҳмад Фарғоний Фарғонада туғилган. IX асрда яшаб ижод этган. Унинг асл исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийдир. Алломанинг ижодий фаолияти Бағдод билан, Ал-Хоразмий раҳбарлигида фаолият кўрсатган «Байтул ҳикма» билан боғлиқ. Фарғоний Бағдод ва Дамашқдаги расадхоналар қурилишига қатнашган, Птоломей «Юлдузлар жадвали» даги маълумотларни текширган, 812 йилда қўёш тутилишини олдиндан башорат қилган, Ернинг думалоқ эканлигини очган. Мисрда Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбоб ясаган, фалакиёт илмига муносиб ҳисса қўшган. Европаниклар алломани «*Ал Фраганус*» деб аташган. Унинг 7 та асари сақланиб қолган. 1998 йилда Фарғонийнинг 1200 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Қува шаҳрида унга ҳайкал ўрнатилди ва истироҳат боғи барпо этилди.

Асарлари: «*Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби*» («*Астрономия асослари*»), «*Фалакиёт илмининг усуллари ҳақида китоб*», «*Устуруб яшаш ҳақида китоб*», «*Етти иқлим ҳисоби*» ва бошқ.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ (973 - 1048)

Беруний 973 йил 4 сентябрда Хоразмнинг Қиёт (Қат) шаҳрида дунёга келган. Дастлабки таълимни она шаҳрида олган, машҳур олим Абу Наср ибн Али Ироқдан илми нужум, риъзат каби фанлардан дарс олади. У 17 ёшида илк астрономик кузатишларни ўтказди. У 150 дан ортиқ илмий асарлар ёзди. Буюк бобокалонимиз 1048 йил 13 декабрда Ғазнада вафот этган. «Берун» ёки «Бирун» сўзи «ташқари» деган маънони англатади.

Асарлари: «*Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар*» (тақвим ва йил ҳисоби, шунингдек, сугдийлар, қадимги хоразмликлар, форслар, юнонлар, яҳудийлар, христианлар ва мусулмонларнинг байрамлари, урф-одатлари тўғрисида маълумот берувчи асар), «*Геодезия*», «*Кўёш ҳаракатини аниқлаш йўли*», «*Минералогия*», «*Сайдана*», «*Ҳиндистон*» ва бошқ.

АБУ АЛИ ИБН СИНО (980 - 1037)

Буюк даҳо Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино ҳижрий 370 (милодий 980) йилда Бухоронинг Афсона, ҳозирги Исфана қишлоғида туғилган. У ёшлигиданоқ ўткир зеҳни ва илмга қизиқиши билан ҳаммани лол қолдирарди. Ибн Сино Ан-Нотилий кўлида тарбия олади. У

астрономия, фалсафа, математика, физика, кимё, тиббиёт, мантиқ, адабиёт, минералогия ва бошқа фанлар билан шуғулланган. 10 ёшида «Куръон» ни ёл олган, 16 ёшдаёқ атоқли табиб бўлган. У Бухоро амири *Нух ибн Мансур*ни даволаб, саройнинг бой кутубхонасидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритган.

Ибн Сино 1002 йилда Бухородан чиқиб кетди, Урганч, Обивард, Насо, Нишопур, Журжон, Рай, Исфохон, Ҳамадон каби шаҳарларда бўлади. У 1037 йилда (ҳижрий 428) 57 ёшида Ҳамадон шаҳрида вафот этади. Мутафаккирнинг турли фанларга оид 450 дан ортиқ илмий асарлар яратганлиги маълум. Бироқ бизгача Ибн Синонинг 242 та асари етиб келган. Шулардан 4 таси адабиётга, 5 таси мусиқага, ундан ортиғи астрономияга оид асарлардир ва ҳок. Ибн Сино Шарқда «*Шайхур-Раис*», Фарбда эса «*Аллицелла*» номи билан машҳур. «*Юсуф қиссаси*» Куръон сюжети асосида ёзилган биринчи асар бўлиб, рамзий-мажозий усулдадир. «*Рисолат - ат тайр*» («*Қуш рисоласи*»), «*Уйғоқ ўғли Тирки*» («*Ҳайй ибн Яқзон*») каби асарлари ҳам рамзий - мажозий услубда, «*Саломон ва Ибсола*» эса ишқий-саргузашт асардир. Ибн Сино шоир сифатида дoston, қасида, ғазал, рубоий, фардлар яратган. Унинг шеърларида илм-маърифатга даъват, дунё сирларини билишга интилиш, яхши ахлоқий хислатларни эгаллашга чорлов асосий ўрин тутди. Шеърятнинг назарий масалалари унинг «*Мусиқа илмида катта тўлма*» асарида ҳам тадқиқ этилган. «*Шеър образли сўзлардан иборат бўлиб, ритмли, бир-бирига мувофиқ иборалардан таржиб топган ҳамда мисралари бир-бирига тенг, вазнлари такрорланган, охириги товушлар бир-бирига ўхшаш бўлиб келган сатрларга айтилади*», - дейди Ибн Сино. У тиббий йўл-йуриқларни, кўрсатмаларни шеърий йўл билан баён этган. Булар *уржузалар* деб аталган. Бунга сабаб уларнинг *рижоз вазни*да ёзилганидир.

Асарлари: «*Китоб ат-тифо*», «*Доптшома*», «*Китоб ал-қомун фи-т-тиб*» («*Тиб қонуллари китоби*»), 5 китоб, 14 жилдан иборат бўлган), «*Саломон ва Ибсола*», «*Юсуф қиссаси*», «*Рисолат ат-тайр*» («*Қуш рисоласи*»), «*Уйғоқ ўғли Тирки*», «*Тиббий уржуза*», «*Фанн ат-шеър*» («*Шеър санъати*», шеър илми, юнон шеърятининг тур ва шакллари ҳақида), «*Мусиқа илмида катта тўлма*» ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

Умринг кўпи билан бир-икки нафас,

Нафас эса кичик бир шамолу сас.

Шамолга таянмиш умринг биноси,

Мустақкам иморат елга таянмас. (Ш. Шомухамедов таржимаси)

* * *

Менинг куфрим айбларга дилимдан ўзга султон йўқ,

Бу оламда менинг покиза имонимдек имон йўқ.

Замон аҳли аро танҳо мусулмон меч эдим, э воҳ!

Агар кофир эсам мен ҳам, бу дунё ла мусулмон йўқ.

МИРЗО УЛУҒБЕК

(1394 - 1449)

Улуғбек 1394 йил 22 мартда Эроннинг ғарбидаги Султония шаҳрида А. Темурнинг ҳарбий юришлари пайтида туғилган. Тўрт ёшидан бошлаб унинг тарбияси билан бувиси Сароймулк ва бобоси Темур шуғулланадилар. Улуғбекка шоир Муҳаммад Солиҳнинг бобоси Амир Шох Малик вазийлик ва мураббийлик қиладди. Амир Темур сеvimли неварасини сафарларда, юришларда ҳам бирга олиб юрган. Темур вафотидан сўнг 15 яшар Улуғбек Самарқанд ҳокими бўлади. Пойтахти Ҳирот бўлган Хуросон давлатини ўзи бошқаради. Улуғбек ўз атрофига «*ўз даврининг Афлотун*» деб ном олган *Қозқода Румий* (Улуғбек уни *ўзига устоз деб билган*), «*ўз замонасининг Птоломей*» бўлган *Али Кумчи*, математик ва астрономлар *Мансур Кошй*, *Бирхандий*, *Мирал Чалабий*, *Ғўсийдин Жамид* каби олимларни жамлаган. Самарқанддаги Обираҳмад сойи ёқасида 3 қаватли, баландлиги 50 метр бўлган расадхона қурдириб, унда 1018 та юлдузнинг мувозанатини аниқлашган.

Улуғбек ўғли Абдулатиф розилиги билан 1449 йили ёлланган қотил Аббос томонидан ўлдирилган.

Асарлари: «*Элми жадиди Кўрағоний*», «*Бир даража сикусини аяқлаш ҳақида рисола*», «*Рисолаи Улуғбек*», «*Турт улус тарихи*».

13 - МАВЗУ. ТАСАВВУФ ВА АДАБИЁТ. ТАСАВВУФ АЛЛОМАЛАРИ

Тасаввуф - комил инсонликка интилиш, ҳам руҳан, ҳам jisман пок бўлиш, буларга махсус риёзат босқичлари орқали етиб бориш таълимотидир. У диний ва дунёвий таълимот бўлиб, ундаги асосий шиор булган «Мўминнинг мўминга зулми ҳаромдир» қабиллидаги шиорлар Қуръон оятларига асосланган. Абу Райҳон Беруний «Тасаввуф» сўзининг луғавий маъносини «файласуф» сўзидаги «суф» сўзи билан боғлайди. Суфий сўзи ҳам «суф» дан ясалган, «Тасаввуф», «мутасаввуф» сўзи билан ўзакдошдир. Илмда тасаввуф тарихидаги икки босқич, *зоҳидлик ва орифлик* ажратилади. Зоҳидлик даврига хос хусусият Оллоҳ йўлида тоат-ибодат қилиш ва фарздор. Иброҳим Алҳам, Ҳасан Басрий, Абдуллоҳ Муборақ шу оқим вакилларидир. *IX аср ўрталаридан* орифлик даври бошланади. Эндиликда хонақоҳлар вужудга келади, тасаввуф мактаблари шаклланади. XIII - XIV асрларга келиб, унда назарий-илмий жиҳатдан ҳам юксалиш даври кузатилади. Тасаввуф инсоннинг маънавий камолотга эришиш йўлидир. Бу йўл тўрт қисмга ажралади:

1. Шариаат (маънавий комилликнинг ilk босқичи)

2. Тарикат («йўл», тасаввуфнинг амалий қисми). У албатта устоз (пир, муршид) билан эгалланади.

3. Маърифат («билимок», бу босқичга эришган зоҳид дунёнинг ҳамма jisмида, ҳар бир воқеа-ҳодисада Оллоҳ иродасини, унинг сифатларини кўра олади. Аммо бу ҳали ўзлаштиришнинг ақл билан боғланган босқичи)

4. Ҳақиқат (тасаввуфнинг энг юқори - олий босқичи).

Тасаввуфда ҳақиқат йўли «Сулук», бу йўлга кирган инсон «Салик» (*Салиҳ*) деб, бирлик, Оллоҳ билан бирлашиш йўли эса *вахдат* деб аталади.

Тасаввуф оқими ўз адабиётини ҳам юзага келтирдики, Муҳаммад Ҳаззолий, Юсуф Ҳамадоний (ваф. 1141) сингари алломалар унинг назарий асосларини яратдилар. Туркий адабиётда тасаввуф таълимоти Юсуф Хос Ҳожибнинг «*Кутадгу билиг*» асаридан бошлаб ифодалана ва ривожлана бошлаган. Аҳмад Югнакий ва Аҳмад Яссавийлар ҳам тасаввуф адабиётининг зукко билимдонлари дир.

Бой, ранг-баранг мумтоз шеърятимизнинг асл таровату пурмаъноларни тўғри идрок этмок учун тасаввуф таълимотидан хабардорлик, тасаввуф истилоҳларини билиш зарур. Тасаввуфдаги энг кўп қўлланадиган истилоҳлар куйидагилар:

1. Маъшуқа - Оллоҳ пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом, комил инсон **2. Ишқ** - тасаввуф шеърятда ишқ икки хил: а) мажозий (инсоний муҳаббат) б) боқий ва ўлмас ишқ (инсоннинг Оллоҳга ишқи) **3. Май**, шароб - Оллоҳнинг ишқи **4. Бода** - аймон **5. Соқий**, пири майхона, пири ишқ - маънавий устоз, пир **6. Жом**, қадаҳ - камолга етган кишининг қалби **7. Лаб** - комил ва ориф кишининг пурмаъно сўзи **8. Бўса** - маърифатнинг сирру асрорларидан баҳрамандлик воситаси **9. Васл аҳли** - комилликка етишган, Ҳаққа яқинлашиб бораётган киши **10. Дарвини** - Ҳаққа ошиқ булган, унинг висолига эришмоқни ўзига вазифа қилиб қўйгани туфайли, асосий мақсадни Аллоҳни излашга бағишлаган киши **11. Бутхона**, **харобат**, майхона - оқил, донно, камолотга етган кишиларнинг илоҳиёт, Ишқ ҳақида мажлис қурадиган, мажлис қурадиган, Оллоҳ номи муттасил зикр этиладиган жой **12. Кофир** -

инсонни ёмонликларга ундайдиган нафс 13. Кунги - Оллоҳнинг инсон бағридаги уйи 14. Ломакон - жисми йўқ, фақат руҳларгина яшовчи олам 15. Тажадди - жилваланиш; тасаввуфда инсонда Аллоҳ жамолининг жилваланиши 16. Қаландар - дунёнинг барча ҳузур-ҳаловатию, айширатидан, орзу-ҳавасидан воз кечиб, Ҳақни излаб, кезиб юрвчи сўфий-сийрат дарвешлар ва бошқ.

Тасаввуф таълимотида Маломатия, Жунайдия, Қодирия, Мавлавия, Кубровия, Нақшбандия, Яссавия ва яна бир қатор шу қаби тариқатлар мавжуд. Қуйида баъзи тасаввуф алломаларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қисқача маълумотларни келтираемиз:

ИБРОҲИМ АДҲАМ

Иброҳим Адҳам зодагон оиласида туғилган. Ёшлигида яхши билим олади, илоҳията қизиқиб, ҳақ йўлига қиради. Бир оз вақт шаҳар ҳокими вазифасида ишлайди. Иброҳим бутун давлати, оиласидан воз кечиб, зоҳидона ҳаёт кечиришга аҳд қилади, дарвешлар либосини кийиб, мусофирлар хизматини қилиб, фаррошлик вазифасини бажарди; Фузайл Аёз, Суфён Сурий сингари суфийлар суҳбатига бўлади. Иброҳим Адҳам шоҳликдан воз кечиб, тасаввуф йўлини тутган ва 777 йилда вафот этган балхлик машхур зотдир.

МАНСУР ХАЛЛОЖ

Абумаъғиб Абдулло библи Аҳмад библи Абутоҳир Мансур Халлож IX асрнинг охири ва X асрнинг бошида яшаб ўтган машхур авлиё. Ота-онаси зардуштийлардан бўлган. У «Ат-Тавҳид» тўли «Мен-худоман» дегани учун халифа Ал-Маҳдий даврида (775-785) дорга осишган, бошини кесиб, бутун танасини куйдириб, кулини Дажла дарёсига ташлаганлар. Шоир Машраб ҳам онгли равишда Мансур Халлож изидан борган, ўшандай ўлишни орзу қилган.

АБУ МАНСУР АЛ - МОТУРИДИЙ

(870 - 946)

Ал-Мотуридий 870 йилда таваллуд топган. Унинг тўлиқ исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. У Самарқанд шаҳрида подшоҳ Наср саройида илоҳий билимлар билан шуғулланган. Самарқанднинг Исмоил Сомоний томонидан босиб олиниши алломанинг ижодига ҳалақат беради, у саройдан кетиб, Мотурид қишлоғида яшайди. Исмоил Сомоний ал-Мотуридийни саройга таклиф қилади, лекин аллома бу таклифни рад этади. У Самарқанддаги катта Жомеъ мажидида имом-хатиб бўлади, ўз боғида ишлайди. Мотуридий жуда кўп шогирдлар етиштирган, бир қанча асарлар яратган. У 946 йилда (ҳижрий 335 й) вафот этган. Унинг қабри Самарқанддаги Чокар иза қабристонидадир. Ўзбекистонда аллома таваллудининг 1130 йиллиги кенг нишонланди.

Асарлари: «*Китоб ал-усул*» («*Диний таълимот усули китоби*»), «*Китоб таъхид*», «*Шарҳат асослари сариси*», «*Дилалетмика ҳақида китоб*», «*Рисола жонвор дорий*» («*Жонворларга оид рисола*»), «*Пайдонома*» ва бошқ.

АБДУЛҲОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ

Ҳожа Абдулҳолиқ Фиждувоний XII асрнинг биринчи чорағида Фиждувонда туғилган. У дастлабки таълимни оталари Абдулжамилдан ҳамда хусусий муаллимлардан олган. Шундан сўнг Балхта бориб Ҳожа Фазлиддин қўлида ўн бир йил таҳсил олган. Марв, Сарахс, Тус сингари Хуросон шаҳарларига сафар қилади. Сарахсда машхур аллома Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, бир умрга устоз-шогирд бўлиб қолади. Абдулҳолиқ бир неча марта Ҳаж зиёратида бўлган: Шайх 117 йил умр кўриб, 1220 йили ўз ватанида вафот этган. Фиждувонийдан бизга қадар ахлоқий-таълимий ва соф илмий-назарий моҳиятдаги «*Рисола тариқат*», «*Рисолаи саҳобия*», «*Одоба тариқат*», «*Мақсадул солжик*», «*Васиятнома*», «*Маноқиб Хожа Юсуф Ҳамадоний*», «*Маслак - ул - орифил*» сингари бир қанча рисолалар мерос бўлиб қолган.

Алишер Навоий Ҳожа Абдулҳолиқ Фиждувоний ҳақида: «*Валийликлари шу даражага етган эдики, намозга Кавбага борарлар эдилар*» - деб ёзган.

ФАРИДИДИН АТТОР

(1145 - 1221)

Шоир ва мутафаккир Фаридидин Муҳаммад ибни Абубакр Иброҳим Нишопурий Нишопурда туғилган. Отаси табиб ва аттор бўлгани учун тахаллуси Аттордир. Аттор адабиёт, ҳикмат, дин илмлари (тафсир, ҳадис, фикҳ) ни, шунингдек, табиёт ва доришносликни пухта билган. Шоирнинг «Мантиқ утайр» («Куш нутқи») асари машҳур бўлиб, Навоий уни болалигида севиб ўқиган ва умрининг охирларида, 1499 йилда унга жавобан «*Лисон ут-тайр*» («Куш тили») асарини ёзган.

АҲМАД ЯССАВИЙ (1166 йилда вафот этган)

Аҳмад Яссавий атоқли мутасаввуф шоир, *шайху матоийх*, *султоқу* *орифи* лақабларида мушарраф бўлган буюк зот, Яссавия (Жаҳрия) номли тариқатнинг асосчиси. У Сайрам шаҳрида Шайх Иброҳим ота ва Ойша она (Қорасоч мома) оилаларида дунёга келади. Унинг Латиф ота ва Мустафоқули ота каби ақа-укаси бўлган. Аҳмад 7 ёшида отасидан егим қолади. Дастлаб Арслонбобдан, кейинчалик бухоролик йирик мутасаввуф Юсуф Ҳамадонийдан таҳсил олади. Сунгра Туркистонга қайтиб шайхлик қилади, овозаси ортади. Аҳмад Яссавий Муҳаммад пайгамбардан ортиқ умр кўришини истамаган ва 63 ёшида ертўлага тушиб, умрининг охиригача ана шу ертўлада яшаган. Амир Темур 1395-1397 йилларда Аҳмад Яссавий дафн этилган жойга макбара қурдирган. Аҳмад Яссавий шеърларини тўртлик шаклида яратиб, уларга «ҳикмат» деб ном берган. Ҳикматларга «*Қула Хожжа Аҳмад*», «*Хожжа Аҳмад Яссавий*», «*Аҳмад ибн Иброҳим*», «*Султон Хожжа Аҳмад Яссавий*», «*Яссавий Маскин Аҳмад*», «*Аҳмадий*», «*Қула Аҳмад*», «*Маскин Аҳмад*» каби тахаллуслар қўйилган. Яссавий ҳикматларида жаҳолят ва подонлик қораланган. Шоир ижоди учун Куръон, ҳадис ва умуман диний маърифат етакчи хусусият ҳисобланади. Яссавийнинг асарларида ҳаётнинг барча bosқичлари «шариат», «тариқат», «маърифат» ва «ҳақиқат» дан иборат деган тасаввуфона гоя ўз ифодасини топган. Яссавий ҳикматларининг тили халқнинг жонли сўзлашув ва халқ кўшиқлари тилига яқин туради.

Асарлари: «*Девона ҳикмат*» (*Дафтари соний* (Иккинчи дафтар)), «*Тариқат одоби тўғрисидаги рисола*», «*Меърож ҳикоят*», «*Муножотнома*», «*Факринома*» ва бошқ.

ҲИКМАТЛАРИДАН НАМУНАЛАР:

*Нарсиди кечиб, қаноатни пеша қилган,
Ҳар ким тезда, рози бўлиб бўйин сунган,
Ёшларга ҳикмат қилиб, дуо олган,
Андаз омиқ таъбир кун и армони йўқ.*

*Аҳли дунё халқимизда саҳоват йўқ,
Подшоҳларда, вазирларда адолат йўқ,
Дарёешларни дуросида ижобат йўқ,
Турлук бало халқ устига ёғди, дўстлар.*

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

(1318 - 1389)

Сайид Муҳаммад Баҳоуддин ибн Сайид Жалолиддин 1318 йилда Бухоро ёнидаги Қасри Ҳиндуён (Қасри Орифон) қишлоғида таваллуд топган. Нақшбанд ёшлигиданоқ тасаввуф йўлига кирган, унинг сирларини ўрганган, Куръони Карим, тавсир ва ҳадисларни пухта эзлаган. У деҳқончилик билан шуғулланиб, кейинчалик шойи газламаларга, темир ва мис буюмларга турли нақшлар битган. Шу сабабли у кишининг лақаби «Нақшбанд» бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд Абдулҳолиқ Гиждувонийни ўзига пир ва устод деб билиб, унинг таълимотини ривожлантирган. Нақшбандий тасаввуф назарияси ва амалиётига доир 13 та асар ёзган. Улар орасида «*Ҳаётнома*», «*Далели ошроқ*», «*Одоб ал-солал*» каби асарлар алоҳида аҳамиятга эга. Хожя Баҳоуддин «Нақшбандия» тариқатига асос солиб, Арабистон, Эрон ва

Марказий Осиёнинг кўп шаҳарларида тасаввуфни кенг тарғиб қилган. Нақшбандийликнинг асосий моҳияти «Даст ба қору, дил ба ёр!» («Қўл ишда, Оллоҳ дилда») деган широда ўз ифодасини топган. Баҳоуддин (диннинг фахри) қароматли инсон бўлганлиги учун унга «Балогардон» деб ном беришган. А. Темур, А. Навоий, А. Жомий, Махтумқули ва бошқа улуғ зотлар Нақшбандия йўлини танлаганлар. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд 1389 йилда ўз қишлоғида вафот этган. 1993 йили Ўзбекистонда Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги кенг нишонланди.

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий Нақшбандия тариқатини ўз даврида ривожлантирган шайхдир. У 1404 йилда Тошкентда туғилган, болалиги ва ёшлиги она шаҳрида кечган. Ёш Убайдуллоҳнинг тарбияланиши ва таълим олишида тоғаси Хожа Иброҳим катта роль ўйнаган. 1427 йилда Хожа Аҳрор Самарқандга келади. 1428-1433 йилларда Ҳиротда бўлади. Манбаларнинг далолат беришича, Хожа Аҳрор 1451-1452 йилларга қадар Тошкент атрофи ва унинг теварагидаги манзилларда яшаган. Абдурахмон Жомий Хожа Аҳрорни «*Ҳаёби мақсуд*» деб билган бўлса, Навоий уни «*Тариқат кутуби*» дея таърифлайди. Заҳрирдин Бобур эса шайхни «*Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ*» тарзида улуғлаган.

14 - МАВЗУ. IX - XIV АСР АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

ИМОМ ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ (810 - 871)

Бухорийнинг тўлиқ исми *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғира ибн Бардазбах ал-Жуафий ал-Бухорий*дир. У Бухорода катта олим оиласида 810 йил 20 июлда туғилган. У ёшлигиндаёқ ўзининг ўткир зеҳни ва кучли иқтидорини намоян қилади. Муҳаммад Бухорий гўдакчилигидек отаси дунёдан ўтади ва онасининг қўлида қолади. 16 ёшларида оналари ва акаси Аҳмад билан бирга ҳажга бориб, 4 йил Маккада яшаганлар. Йўл-йўлакай Балх, Басра, Куфа, Бағдод, Хумс, Дамашқ, Миср, Макка ва Мадина сингари кўплаб шаҳарлардаги ҳадисшунос олимлардан сабоқ олади. Бу пайтда у машҳур муҳаддислар Абдуллоҳ ибн Муборак ва бошқаларнинг ҳадис тўпламларини тўлиғича ёд олиб улгурган эди. Бухорий 18 ёшга кирганда бир қатор йирик илмий асарлар муаллифи эди. Унинг устозларидан Шайх Доҳидий шогирдининг қувваи ҳофизасига, баҳсланиш маҳоратига, далилларни келтиришдаги изчил мантига кўп марта . . . йил қолган, тан берган ва уни олқинлаган эди. Бухорий ислом мамлакатларини кезиб, жами 600 минг ҳадис ёзиб олган. Ал-Бухорий умрининг сўнгги кунларини Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида ўтказди ва ҳижрий 256 (милодий 871) йилда вафот этди.

Асарлари: «*Ал-Жомия ас-саҳиха*» («Ишонarli тўплам»), «*Ал-Адаб ал-муфрэд*» («Адаб дурдоналари»), «*Китоб асмаъ ис-саҳоба*», «*Китоб афҳол ал-аъво*», «*Китоб ул-фтовод*», «*Ат-тарих ал-кабир*», «*Тарихи ус-сиқот аззуннаҳмил руқотил-ҳадис*», «*Қазийя ис-саҳобат вайт-тобейна*», «*Тарихи кабир*», «*Тарихи Бухоро*» ва бошқ.

«Ал-адаб ал-муфрэд» китобидаги ҳадислардан намуналар:

32-ҳадис. Абу Ҳурайра айтдилар: Расулуллоҳ: «*Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ Таоло қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси*», - дедилар.

306-ҳадис. Убайдуллоҳ ибн Муҳсан ал-Ансорий (розиллоху анху) айтдилар: Расулуллоҳ (саллоллоху алайҳи ва саллам): «*Кимки ўз онасига ичда тинч, тани соғ бўлиб турса ва олида шу қизиға етарик тоғми бўлса, у онага зўр бутун дунё берилган ҳисобланади*», - дедилар.

МАҲМУД КОШҒАРИЙ

Маҳмуд Кошғарийнинг асл исми *Маҳмуд Ибнуаҳусайн ибн Муҳаммад Кошғарий* бўлиб, унинг бобоси Қашқарда туғилган бўлса ҳам, аммо у асосан Болосоғунда яшаган. Баъзи манбаларда Кошғарийнинг тўлиқ исми *Шамсиддин Маҳмуд Ибн Ҳусайн* тариқасида келтирилган. Маҳмуд Кошғарий тахминан 1028-1037 йиллар ўртасида Қошғар шаҳрининг жануби-ғарбидаги Упол қишлоғининг Озиг маҳалласида туғилади. У қорақоний ҳукмдорларидан Юсуф Қодирхоннинг звараси. Отаси Ҳусайн ибн Муҳаммад (Қодирхоннинг невараси) «Арслон элги» номи билан 1056-1057 йилларда Барқон амирини бўлган. Маҳмуднинг она томондан буваси Хужа Сайфиддин бузруквор ҳам ўқимишли киши бўлган. Маҳмуд Кошғарий араб, форс, румоний каби 8 - 9 тилни мукаммал эгаллаган. У қандайдир бир қирғин пайтида ота юртини ташлаб чиқиб кетади. кўп ўлкаларни кезади ва 1118 йилда Қашғарга қайтиб келиб мадрасада дарс беради. 97 ёшида (милюдий 1126 йилда) вафот этади ва Уполдаги аждодлари мақбарасига дафн этилади. Мақбара ҳозиргача «*Давратини Муаллам мазари*» номи билан машҳур. М. Кошғарий *илк географ, ботаник, зоолог, туркий тил грамматикасини ишлаб чиққан биринчи тилшунос олим, фольклоршунос, тилшунос (этнограф), адабиётшунос, шоир, тарихчи ва қомусий олимдир*. Унинг «*Жавоҳир-ун наҳ фи луғотит турк*» («Турк тили синтаксиси қондалари») асари топилмаган.

«Девону луғотит- турк» асари ҳақида

«Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») ҳижрий 469, милюдий 1076-1077 йилларда ёзилган бўлиб, *Абулқосим Абдуллоҳ бинни Муҳаммад ал-Муқтадога* бағишланган. Бу вақтда муаллиф 50 ёшда бўлган. Янги манбаларга кўра бу асар 1072 йилда ёзила бошланган ва 1074 йилда тугатилган (ҳижрий 464-466 й). Муаллиф бу ҳақда шундай деган: «*Китоб 464 йилда(ҳижрий) жумадул аввал бошларида бошланди ва тўрт қарра ёзилгандан(кўчирилгандан) ва тугатилгандан сўнг 466 йил жумадул охиригиз 12-куни битирилди*». Умуман олганда бу асар XI асрда ёзилган бўлиб, туркий сўзлар луғати ҳисобланади. Бу китобда Ўрта Осиёда яшаган туркий халқларнинг XI асргача бўлган бадний ижоди тўғрисида жуда қимматли маълумотлар жамланган бўлиб, унда қадимги қабилавий ҳаёт, овчилик, деҳқончилик, чорвачилик билан боғлиқ кетадиган лавҳалар кўп учрайди. Муаллиф унда сўзларнинг маъносини араб тилида изоҳлаб беради. Мисол сифатида кўплаб халқ мақоллари, ҳикматлари, қўшиқларидан келтиради. Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи ёзади: «*Мен бу китобни махсус алифбе тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, ражз ва наср деб аталган адабий парчалар билан беадиим... Бу ишда мисол тариқасида туркларнинг тилида қўлланиб келган шеърларидан шодлик ва мотам кунларида қўлланиладиган ҳикматли сўзларидан, мақолларидан келтирдим*». «Девону луғотит турк» асарининг асл қўлёзмаси бизгача етиб келган эмас. Унинг ёзилган санадан 200 йил ўтгач кўчирилган бирдан-бир нусхаси Истанбул кутубхонасида сақланмоқда. Уч жилддан иборат бу китоб 1939-1941 йилларда ҳозирги турк тилига таржима қилиниб нашр этилган. Ўзбекистонда «Девон» нинг биринчи тадқиқотчиси ва қисман ношири профессор Фитратдир. Бу асарни филология фанлари доктори, таниқли тилшунос олим С. Муталибов ҳозирги ўзбек тилига ағларган. «Кўшиқ», «шеър», «қасида», «марсия», «афсона», «мақол» каби атамалар илк бор шу асарда қўлланган ва уйғур ёзуви ҳақида ҳам илк маълумотлар келтирилган. Асарда *меҳнат ва маросим қўшиқлари, лирик қўшиқлар ва ўғитномалар, «Қиш ва ёз» мунозараси, «Алп Эр Туша» (Афросиёб) марсияси, савалар (афсоналар), Мақоллар, «Олтин қўн» афсонаси (унда қадимги туркий аждодларимизнинг Иккандар Зулқарнайинга қарши мардликлари ҳикоя қилинади), «Тавгулар билан жанг», «Ябоқулар билан*

жанг» каби парчалар ва шу кабилар келтирилган. «Девон» да туркий халқлар турмуш манзаралари билан боғлиқ бўлган шеърий парчалар катта ўрин тутди. Уларда халқнинг урф-одати, яшаш тарзи, машғулот, инсонч-эътиқодлари ифодаси очиқ кўринади. Йигитларни яшга сафарбар қилиш, мева терини, овчиликка даъват каби қадимги турмуш тарзидан олинган қўшиқлар махсус берилган.

Лирик қўшиқларда инсоннинг қалб кечинмалари, нозик ҳис-туйғулари ифодаси, табиат ва она юрт манзаралари тасвири етакчилик қилади. Кишиларни қуршаган олам ҳақидаги қўшиқларда туркий халқларнинг диний йўлдоши-отлар ҳам алоҳида мавқе тутди. Асардаги кўпгина қўшиқлар овчилик, чорвачилик билан - туркий халқларнинг яшаш тарзи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келган. Маҳмуд Кошгарий «*қўшиқ*» атамасига «*тевр, қасида*» деб изоҳ берган. «Девон»га кирган адабий шаклларнинг асосий қисмини *тўртликлар* ташкил қилади. Улар а-а-а-б ва а-а-а-а ёки а-б-в-б шаклидаги қофиядошликка эга. Тўртликларда Ватан ва юрт муҳаббати, халқ учун жанг қилган баҳодирлар билан фахрланиш, табиат манзаралари гўзаллиги, меҳнат шавқи, турли инсоний кечинмалар талқини мавзуси етакчилик қилади.

«Девону луотит турк» даги шеърӣ парчалар шаклига кўра иккилик, тўртлик ва мураббаълардан ташкил топган бўлиб, уларнинг кўп қисми панд - насиҳат, ўғитлардан иборат. Асардаги халқ қўшиқларининг тасвир усуллари ҳам ниҳоятда хилма-хил. «*Қақлар қамуг кўларди*» тўртлиги, «*Қиш билан Ёз*» мунозарасида жонлангирини, «*Булар мени улас кўз*» тўртлигида эса сифатлаш асосий ўрин тутди.

«Алп Эр Тўнга» марсиyasi ҳақида

Алп Эр Тўнга - туркларнинг қадимий қаҳрамони. Юсуф Хос Ҳожиб тожиқлар уни Афросиёб деб аташларини эзган. Маҳмуд Кошгарий Афросиёбни Қашқарда - Урдуқанг шаҳрида турар эди, деб кўрсатади. Тўнга Алп Эр - йўлбарс каби кучли баҳодир одам, демакдир. Шунингдек, унинг Барман, Барстан деган ўғиллари ҳамда Қаз исмли қизи ҳақида ҳам маълумотлар сақланиб қолган. Қаз ҳақида асарда қуйидаги маълумотлар келтирилган: «*Қаз - Афросиёб қизининг номидир. Қазини шахрини шу кургандир. Бу сўзининг асли қаз ўйини - ғоз ўйналадиган жой демакдир... Қазининг отаси Тўнга Алп Эр - Афросиёбдир. У Таҳмурасдан 300 йил кейин Марвни бино қилган. Баъзилар бутун Мовароуннахрни турклар ўлкаларидан деб билганлар. У Янқандан бошлади. Унинг бир оти Дизрўйиндир. У сарқилмига кўра мис шахри демакдир. Бухорога яқиндир. Бу ерда Афросиёбнинг қизи - Қазининг эри Сиевуст ўлдирилган. Мажусий - оташларастлар ҳар йил бир кун бу ерга келиб, Сиевуст ўлган жой атрофида йўғлайдилар. Моллар сўйиб, қурбонлик қиладилар...»*

Маҳмуд Кошгарий Афросиёбнинг болалари хоқон, хон деб аталганини эслатади. Марсияда Афросиёб - Алп Эр Тўнганинг ўлими аччиқ қисмат, даҳшатли фожа, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотиш сифатида баҳоланади. Бу марсия мураббаъ шаклида бўлиб, мисралар асосан а-а-а-б қофияланиш тартибига эга. Алп Эр Тўнга марсиyasi бармоқ вазидадир. Унинг ҳар бир мисраси етти бўғиндан тузилган. Туроқлар асосан 4+3 шаклида.

Мақоллардан намуналар:

1. «*Тулку ўз ишига урса, ужуз бўлур*» («Тулки ўз уясига қараб улеса кўтир бўлади»). Маҳмуд Кошгарий изоҳлашича, «бу мақол ўз элини, уруғини ва мамлакатини ёмонловчиларга қарата айтилади».
2. «*Эрик эрди яғлиқ, эрмагу баша қамлағ*» («Тиришқоқнинг лаби ёғлиқ, эринчўқнинг боши қонлиқ»). Бу мақол ялқовликни ташлашга, ғайрат билан ишлашга ундаб айтилади.
3. «*Сун ичармасга сун бер*». У сенга ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қил, деган маънода ишлатилади.

4. «Укуз азақи бўлгинча, бузағу боши бўлса йик» («Хўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхшироқ»). У «мустақиллик буйсунишдан яхши» деган маънода қўлланади.

5. «Талғач халиғи тўрқуси телим, тенгламазиб бичмас» («Қорахитой» хоқонининг ипақ газмоли кўп, лекин ўлчамай кесилмайди»). Бу мақол ишни бошида пухта ўйлаб қилишга ундаб, исрофгарчиликка қарши айтилган.

6. «Ума келса, кут келар» («Меҳмон келса кут келар»). Бунда «сенга меҳмон келса, у билан бирга барака, кут-бахт келади, қўноқни яхши қарши оладилар, малол олмайдилар» деган фикр илгари сурилган.

7. «Қиз кити саён йўрғал бўлмас» («Бахил одам обрў топмайди»). Бу мақол одамларни яхши ном чиқариш, сахий бўлиш учун ундаб айтилади.

8. «Эрдам боши тил» («Одобнинг боши тил»).

9. «Тилл туғмиши тилл йезмас» («Тил билан тутилгани, тиш билан счиб бўлмас»)

Шеърларидан намуналар:

Эшитиб ота-онангин,
Сўзларини қарла.
Могу мулқинг кўпайса,
Мағрурланиб қутурма.

Кеча туриб юрир эрдим
Қора-қизил бўри кўрдим,
Катиг ёни кўра кўрдим,
Қоя кўриб баку оғди.

ЙУСУФ ХОС ҲОЖИБ

Йусуф Хос Ҳожиб *туркий тилда мак ёриқ ҳажмли адабий - маърифий асар яратган* истеъдодли шоир, давлат арбоби, донишманд адибдир. У Куз Ўрду (Боласоғун) шаҳрида тахминан XI асрнинг 20 - йилларида туғилган. Куз Ўрду туркийлар истиқомат қиладиган қадимий шаҳарлардан биридир. У Боласоғун номи билан ҳам машҳур бўлган. Бу шаҳар XI асрда ёзилган яна бир муҳташам обида - Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит - турк» асарида бир неча марта тилга олинган. Жумладан, бу шаҳарнинг аргун лаҳжасида Куз улус, ўғуз лаҳжасида эса Куз Ўрду деб юритилишини Маҳмуд Кошғарий қайд этади. Юсуф Хос Ҳожиб замонасининг энг муҳим фанлари: тарих, бадиий адабиёт, астрономия, геометрия, математика, табиёт, география ва бошқаларни, форс-тожик ва араб тилларини чуқур ўрганган. Адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот берувчи манба унинг «Қутадғу билиг» асаридир.

«Қутадғу билиг» асари ҳақида

Йусуф Хос Ҳожиб ўз асарини ёзиш учун жуда катта тайёргарлик кўради: Чин (Хитой), Мочин (Шарқий Туркистон), Эрон ва Турон бўйлаб сафар қилади. У ердаги турли маданий-адабий, тарихий ёдгорликларни ўрганган. Шунинг учун ҳам асарга ўз даврининг ниҳоятда аҳамиятли бўлган ранг-баранг мавзуларини қамраб олади. «Қутадғу билиг» («Бахт-саодатга элтувчи билим») асари ҳижрий 462 йил, милодий 1069-1070 йилларда ёзилган. Асарни ёзиш учун муаллиф 18 ой (бир ярым йил) вақт сарфлайди. Китоб Қашғар ҳукмдори *Талғач улуғ Буғро Қорахон* аба *Али Ҳасан бини Арслонхонга* тортиқ қилинган ва бунинг эвазига муаллиф Хос Ҳожиб (муқаррам, эшик оғаси) лавозими билан тақдирланган. Шундан кейин у Юсуф Хос Ҳожиб номи билан шуҳрат қозонган.

Туркий адабиётда аруз вазидаги дастлабки йирик тажрибани Юсуф Хос Ҳожиб бошлаб берган. У ўз асарини мутақориб баҳрида ёзган, тажнисли қофияларни ишлатган. Адиб сўз қудратини, она тилининг ички имкониятларини назик даражада ҳис этади. Унинг ўзи «мен туркча сўзларни ёввойи тоғ кийиги сингари деб билдим, шунга қарамай уларни авайлаб-асраб қўлга ўргатдим», деб ёзади. Юсуф Хос Ҳожиб тилни «*билим ва ақл-идрок тарқашмоли*» деб атайди. «Қутадғу билиг» панднома асар бўлиб, унда *туртликлар, баҳор мадҳи, тилинг фазилати, фойда ва зарарлари, билим, ўқув - идрок фарқи, бир йигитга қирқ хунар озлиги* ҳақида фикрлар келтирилган.

Асарда келтирилган қуйидаги тўртликни туркий ёзма адабиётда яратилган дастлабки туюқлардан бири деб дадил айтиш мумкин:

Қан эрда бўлса уқуш била ўг, (ақл)

Ани эр атағил, неча ўеса ўг. (мақта)

Уқуш, ўг, билиг кимда бўлса туғал,

Явуз эрса қаз те, кичиг эрса - ўг. (улуғла)

Мазмуни: Қайси бир кишида ақл ва заковат бўлса, Уни (ҳақиқий) киши деб атагин, қанча мақтасанг мақта. Заковат, ақл, билим кимда етук бўлса, Емон бўлса (ҳам) яхши де, кичик бўлса (ҳам) қатта деб бил (яъни улуғла).

Адибининг бу асарини ватан, *эл-юрт мадҳияси* деб аташ мумкин. Юсуф Хос Ҳожиб ҳукмдор ва сарой аҳлини одил бўлишга, адолат билан иш юритиб, мамлакатни обод ва элни шод-хуррам қилишга даъват этади.

Асарда муаллиф ўқшатиш (ташбех) санъатини жуда ўринли қўллаган. Юсуф Хос Ҳожиб *ймақи (хайвон)* образини нодон, билимсиз, заковатсиз, очқўз ва умуман ёмон хулқли кишига нисбатан, *бўри* образини лашкарбоши, ёвдushman, мард, эр, ўлим қабиларга нисбатан қўллаган. Лашкарбошининг кучлилиги, ёвга даҳшат солиши *арслонга*, доимий хушёрлиги зағзгонга, бақувватлиги *қоллонга*, ҳужумкорлиги ва душманга ҳамласи *тўғизга*, мардонаворлиги *бўрига*, жангда моҳирлиги, ҳийлакор ва тадбиркорлиги *тулкига*, шиддати *айиққа*, қасоскорлиги *қўтос* ва *туя эрқағи*га ўқшатишган.

«Қуталғу билиг» истиоралари ҳам узига хос. *Тун* бир ўринда «*қора юз боғи*» истиораси билан ифодаланса, бошқа ўринларда «*заҳаб юзи*», «*севуғлар қоши*», «*қора соч бўдуги*», «*қора кўйлак*», «*зоғ ранг*», «*схаб қирғини*», «*туя тўни*», «*қундуз териси*» истиоралари билан ифодаланган. Шoir йигитликни *кезувчи булутга*, ёшликдаги юзни *арғувонга* сочни *илорга*, қоматни *қайи ва ўққа* ташбех қилади. Куешнинг истиоравий ифодаси «*румай қизи*» дир. Шунингдек, у «*сата*» (*маржон*), «*сата қалқани*» (*маржон шодаси*), «*ёруғ юз*», «*сара қиз юзи*» истиоралари билан ҳам ифодаланган. Юсуф Хос Ҳожиб йигитликни «*тириглик татғи*», «*қамуғ кўрк*», «*севуғ жон севуңчи*» деб атайди.

Асарда келтирилган «Баҳор мадҳи» ни туркий адабиётдаги илк қасида сифатида баҳолаш мумкин. Бу қасида 59 байтдан иборат бўлиб, маснавий тарзида (а-а, б-б, в-в,...) ёзилган.

«Қуталғу билиг» асари 6500 байт, 73 фасл (боб) дан иборат. Асосий бўлим Кунтуғедининг таърифи билан бошланади. «Қуталғу билиг» ни чинликлар «*Идабул-мулуқ*», мочинликлар «*Ойишул мамлакат*», Шарқда «*Зийнатул умаро*», эронликлар «*Шоҳномаи туркий*» ёки «*Илдиномаи мулуқ*», туронликлар «*Қутидғу билиг*» деб аташган. Юсуф Хос Ҳожиб эса ўз асарини «*Туркий шоҳнома*» деб атаган.

Бу асарнинг уч қўлёзма нусхаси маълум. Бу нусхалар «*Вена*» (ёки «*Ҳирот*»), «*Қоҳира*» ва «*Наманган*» (у наманганлик МуҳаммадҲожи Эшон Лолариш шахсий кутубхонасидан олинган) нусхалари деб юритилади. Унинг XV асрда Ҳиротда кўчирилган нусхаси *уйғур* ёзувида бўлиб, қолган икки нусхаси *араб* ёзувидадир. Абдурауф Фитрат «Қуталғу билиг» нинг Наманган нусхасини топиб (1925) илмга, маданиятга олиб кирган. «Қуталғу билиг» XII - XIV асрларда Европада «*зеркал*» деб номланган жанрнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Бу дostonда тўртта асосий масала қўйилган ва бу масалалар тўрт мажозий образ қиёфасида ифодаланган.

«Қуталғу билиг» сиймолари

Асарда тўртта етакчи қаҳрамон бор. Булар қуйидагилар: *Адолат* - подшо Кунтуғди (чинқан кун), *долат* - вазир Ойтуғди (тулган ой), *ақл* - вазирнинг ўғли Уғдулмиш (ақла тулган) ва *заковат (офият)* - Узғурмиш (уйғонган, хушёр қилувчи, серкалантирувчи). Муаллиф ўз фикр-мулоҳазасини

образларнинг ўзаро савол-жавоби ва мунозаралари йўли билан ифода этади. Асар қаҳрамонларнинг ўзаро суҳбати асосига қурилган. Унда *Кунтуғди* ва *Ойтуғди* дунё ҳодисалари ҳақида суҳбатлашади.

Юсуф Хос Ҳожиб тасвирида *Кунтуғди* «қилмишлари тўғри, феълу табиати рост, тили чин, етук, кўзи ва кўнгли бой, билимли, заковатли, хушёр, ёмонларга мисли бир олов эди». *Кунтуғди* бир кунни уч оёқли кумуш курси устида, қўлида пичоқ, сўл томонида уроғун (бир хил дори) ва ўнг томонида шакар қўйилган ҳолда туради. Ойтуғди бунинг сабабини сўрайди. *Кунтуғди* қуйидагича жавоб беради: «*Мен устида ўтирган курсимниг оёғи учтадир. Барча уч оёқли нарса силжимас, мустаҳкам бўлади. Агар поялардан бирортаси силжиса, у курси йиқилади. Қўлимдаги пичоқ эса қирғучи ва кесувчи нарсадир. Ким адолатимдан баҳри олма, шакардек чуқук бўлиб кетмади-севинади. Зўравон, золимлар эса уроғун ичгандек юзи буришади*».

Ойтуғди - вазир, аяни пайтда давлат рамзи. Бир кунни Элиг-ҳукмдор уни чақиртирганда Ойтуғди кўзини юмиб, юзини ўтириб, коптокнинг устига ўтириб олади. Бунинг сабабини Ойтуғди қуйидагича тушунтиради: «*Сен ўрин бердинг, мен эса аввалга ўтирмадим, чунки менинг ўрним йўқ, буни билиб ол, демоқчи бўлдим. Коптак менга ухмайди. У ўрimsиз думалаб юрсани каби Давлат ҳам беқарордир. Илтифот қилганимда кўзимни юмганлигим ва юзимни ўйраганлигим менинг қилмишларим мафо, менга ишонма, деганим эди*». Асарда Ойтуғдининг вафот этиши ҳам бежиз эмас.

Ўғдулмиш - асардаги энг фаол қаҳрамон. *Ўғдулмиш* «*ақл билан зийлатилган*» демакдир. Ундаги бош фазилат ҳар қандай ҳодисага ақл кўзи билан қарашдир. *Ўғдулмиш* билимдон, донишманд киши. У ҳаётнинг ҳамма соҳаларидан пухта хабардор. *Ўғдулмиш* ва *Ўзғурмиш*нинг савол-жавоблари бўлган кескин мунозара даражасига етади. Шунда ҳам *Ўғдулмиш* босиқлик қилади, ақл билан иш юритади, натижада *Ўзғурмиш*ни ўз гоёларига ишонтиради.

Ўзғурмиш «*хушёр қалғичи, серсақлақтирғичи*» демакдир. Бошқалардан ўзиб кетувчи маъносини ҳам бор. Унинг зоҳид қиёфасида кўринишида шу маънога уйғунлик бор. У беҳуда ишлар билан банд бўлиш, ҳар қил майда-чуйда орзу-ҳавасларга овуниб қолишдан огоҳлантиради. Мудраб бораётган гуйгуларини серсақлақтиради. *Ўзғурмиш* қатъий фикрли инсон. У Элигнинг шаҳарга саройга таклифини рад этади. Гарчи бу таклиф уч марта такрорланса - да, у фикрини ўзгартрмайди. Фақат *Ўғдулмиш*нинг оқилона тушунтиришларидан сўн, зиёрат мақсадидагина Элиг ҳузурига боради. *Ўзғурмиш* Элигга *сўмсиз тарқлам, қарлам кўрмас йиғитлам, доллий соғам, тугаммас бойлам* каби тўрт шарт қўяди («*Сақди Искандарий*» да шаҳзода Искандарга ҳам шундай шартлар қўйилган). Сўнгра ўш манзилига - тоғ этагидаги горга қайтади ва шу ерда вафот этади. *Ўзғурмиш* - тақводор инсон. У дин ва диёнатни ҳамма нарсадан устун қўяди. У *Ўғдулмиш*га қуйидаги фикрларни айтади: «*Сен тансиқ таомларни, мен эса оддий арпа ошини еймиз. Ўзлаб турсак, иккимиз ҳам оч қоламиз. Шундай экан, бундай овқатларга ружу қўйишнинг нафи йўқ. Сен кимхобларга ўраниб юрсан. Мен эса қондан тикилаган тўн билан кифояланаман. Эртага ўлим келса, иккимиз ҳам яланғоч кетамиз-ку!* Демак, танни эмас, руҳни бойитиш лозим».

Умуман, Юсуф Хос Ҳожиб бу образлар тирмолида Давлат Адолят ва Ақл билан бошқарилмоғи керак, деган фикрни илгари сурган.

Асардан нарчалар:

- 1) *Сенга ким қиларкан одамгарчилик, Жавоб бер унга сен қилиб яхшилик. Вафога вафодир кишилик ҳақи, Вафо қил, одил бўл, ном ол мангулик. (Маънос)*

2) *Уқувли тирикдир, уқувсиз - ўлик
Келу, эй уқувсиз, уқув ол улмиг!*

1-улуш, ҳисса

3) *Билиглиг уқушулуғ киши ул киши
Анингда нуру барча йилқи туши.*

Маъноси: Билимли, заковатли одам одамдир,
Ундан бошқа барча (киши) йилқи тенгидир.

4) *Билиглиг уқушулуғ билур билса иш,
Билиглиг уқушулуғ қилур қилса иш.*

(Бу байтда *тақрир, қофия, радий* каби шеърин санъатлар қўлланган)
Маъноси: Ишни билса, билимли, заковатли бўлади,
Иш қилса, билимли, заковатли қилади.

АБУЛҚОСИМ МАҲМУД АЗ- ЗАМАҲШАРИЙ (1075 - 1144)

Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад Жаруллоҳ Замаҳшарий 1075 йилнинг 19 мартида Хоразмнинг Замаҳшар қишлоғида қассоб оиласида туғилган. Отаси Умар ибн Аҳмад маҷитда имомлик қилган, онаси тақводор ва диндор аёллардан бўлган. Замаҳшарий дастлабки таълимни отасидан олган, сўнгра Хива ва Бухоро, Хуросон ва Исфаҳон, Боғдод ва Макка мадрасаларида таҳсил олган. Уқибни тутатгач, бир қанча вақт шоҳ хизматида котиблик билан шуғулланган. Олим тилшунослик, адабиётшунослик, география, тафсир, ҳадис, ҳуқуқ, луғатшунослик ва бошқа шу каби соҳаларга оид 56 та асар ёзган. Умрининг сўнгги йилларида Хоразмга қайтиб келган ва 1144 йилнинг 14 апрелида вафот этган. Замаҳшарийни «*Араблар ва ғайри араблар устози*», «*Жоруллоҳ»* (Оллоҳнинг кўниси), «*Хоразм фахри*», «*Адаблар невоси*» ва «*Бутун дунё устози*» каби номлар билан аташган.

Замаҳшарий араб тили грамматикасига оид «*Ал-Муфассал*» асарини Макка шаҳрида 1121 йилда ёзган. Бу китоб араб тили грамматикасини (сарфу наҳв) урганишда муҳим қўлланма сифатида азалдан Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам шухрат топган асарлардан ҳисобланади. Олимнинг хоразмшоҳ Алоуддава Абдулмузаффарга (1127-1156) бағишлаб 1137 йилда ёзган «*Муқаддамат-ул-адаб*» асари беш қисмдан иборат бўлиб, *отлар, феъллар, боғловчилар, отларнинг турланиши, феълларнинг тусланиши* ҳақида баҳс юритилган, унда адабиёт назариясига, айниқса, бадиий тасвир воситаларига алоҳида эътибор берилган. Ушбу асар форс, чигатой (ўзбек), мўғул, турк ва бошқа тилларга таржима қилинган. Манбаларда кўрсатилишича, «*Муқаддамат-ул-адаб*» нинг чигатой (ўзбек) тилига таржимаси Замаҳшарийнинг ўзи томонидан амалга оширилган.

Асарлари: «*Ал - Муфассал*» (1121), «*Муқаддамат - ул - адаб*» (1137, «*Адабиётга кириш*»), «*Ал - киттоф*», «*Асос ал - балоғат*» («*Нотиклик асослари*», луғатшуносликка оид), «*Тоғлар, манзиллар ва сувар*», «*Ҳадислардаги нотаниш сўзларни ўзлаштирувчи*», «*Қофия*» ва бошқ.

АДИБ АҲМАД ЮГНАКИЙ (XII аср охири - XIII асрнинг I ярми)

*Улуғлуққа етсанг, янглишма ўзинг,
Агар кийсанг атлас унутма бўзинг.
(«Хабат-ул ҳақоикатдан»)*

Адиб Аҳмад Югнакий турк машойихи ва истезодди шоирдир. Унинг «*Ҳибат-ул ҳақоикат*» («*Ҳақиқатлар тухфаси*») ёки «*Севимли ҳақиқатлар*») номи ягона таълимий-маърифий дostonи этиб келган. А. Навоий ўзининг «*Насойимул - муҳаббат*» («*Муҳаббат шабодалари*») асарида Аҳмад Югнакийнинг турк элидан чиққан «*зийрак ва закий*» киши эканлиги, Боғдод яқинида маскан тутиб, машҳур Имом Аъзам сабоқларига пиёда келиб кетиши, кўпчилик элнинг унга эътиқод қўйгани, ҳикматли ва нозик мазмунли мисралари турк улусида кенг ёйилгани хусусида хабар беради. Шоирнинг оти

Адиб Аҳмад, отасининг исми Маҳмуд Югнакийдир. Адиб туғилган жой Югнак деб аталган. Адиб Аҳмаднинг туғма кўрлиги ҳақида дostonдаги маълумотни А. Навоий янада аниқлаштириб, шоирнинг «кўзлари бутов (ёпиқ, битган) эрмишки, асло зоҳир эрмас эмиш. Басир (кўрмайдиган) бўлуб, ўзга басирлардек андоқ эмас эрмишки, кўз бўлагай. Аммо бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва муттақий (тақводор, парҳезкор) киши эрмиш... Ҳақ субҳонаху таоло агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратқондур, аммо кўнгли кўзин бағоят ёруқ қилқондур», - дейди. «Ҳибатул-ҳақойиқ» пандохна асар бўлиб, Дод Сипоҳсалорбекка бағишланган. У 14 боб, 256 байтдан иборат. Бу асар ҳам «Кутадғу билиг» га ўхшаб арузнинг мутақориб баҳрида ёзилган. Адиб унинг «қошғарча» тил билан ёзилганлигини алоҳида таъкидлайди. Шоир тўғрилиқ ва эғрилиқ, одоб билан одобсизлик каби мавзулар устида тўхталар экан, турли бадий тасвир воситалари - *ўхшатиш, тазод, жонлантириш, тақрир* кабилардан усталиқ билан фойдаланган.

Адиб «ўқ яраси, ақлдан озиш, тил жароҳати ва уни тийиш» ҳақида куйидаги фикрларни баён этади:

Неким келса эрга тилидин келур,

Бу тилин ким эдеу, ким ақар бўлур...

(Маъноси: Киши бошига нима ёмонлик келса, тили туфайли келади, Тили туфайли бировлар эдеу, бахти, бировлар ҳақир, хору зор бўлади).

Асарда «Кутадғу билиг» даги тасвир усулларига уйғун намуналар анчагина. Адиб Юсуф Хос Ҳожиб қўллаган «*кўтлаик (тўғрлик) тўни*», «*муруват ёлш*», «*ати (номи) ўлук*» сингари истиораларидан унумли фойдаланган. «Ҳибатул-ҳақойиқ» да барча уғитлар фақат муаллиф тилидан баён қилинган. Ушбу асар 1951 йилда Арат Раҳматий томонидан биринчи марта Истанбулда, 1971 йилда Ўзбекистонда Қозоқбой Маҳмудов томонидан нашр этилган.

НОСИРИДДИН БУРҲОНИДДИН УҒЛИ РАБҒУЗИЙ (XIII - XIV асрлар оралиғи)

Рабғузийнинг асли исми Носиридин бўлиб, Хоразмнинг Работи Ҳуз деган жойида яшаб ижод этган. У ўзбек насрий адабиётининг биринчи йирик намунаси «*Қисаси Рабғузий*» («*Қисас ар - Рабғузий*») номли асар муаллифи. атоқли шоир ва олимдир. Отаси Бурҳониддин Ҳуз Работининг қозиси бўлган. «Қисаси Рабғузий» асари ҳижрий 710, милодий 1310 йилда ёзиб тугалланган бўлиб, жами 72 қиссадан иборат. Рабғузий анбиёлар - пайгамбарлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи қадимий Шарқ қисса ва афсоналарини қайта ишлаб, манзарали лавҳалар, жонли тасвирлар, хийла пишқиқ, ҳис-ҳаяжон ва кечинмаларга бой образлар ҳосил қилган, керакли ўринларда шеърий парчалар қўллаган. Асарда эътиқод ва имонга содиқлик, пок инсоний ахлоқнинг баднафслиқ, хирсу ҳасад, қонхўрлик ва ноҳақликлар устидан галабаси тасвирланади. Рабғузий ўзининг «Қиссас ул анбиё» (ёки «Қисаси Рабғузий») асари билан XIII - XIV асрларда ўзбек насрини ўз даврида юқори чўққинга олиб чиқди. Ундаги қиссаларда Шиш, Мусо, Исо, Сулаймон, Нуҳ, Довуд, Мухаммад каби пайгамбарлар; Хорут ва Морут каби фаришталар, Қобил ва Хобил каби шахслар ҳақида турли-туман саргузашт воқеалар ҳикоя қилинган. Асарнинг энг қадимги қўлёзмаси XIV асрнинг 40 - йилларида - муаллиф ҳаёлигида кўчирилган бўлиб, у Лондондаги Британия музейида сақланади.

«*Намруд ҳикоятини*» да Намруд макру-ҳийла билан тўртта қаркас боласи ёрдамида осмонга чиқиб тушгани, «*Нуҳ пайгамбарнинг кема сафари ҳикоятини*» да эса қандай қилиб қалдирғоқ одамларни илонларга эм бўлишидан сақлаб қолганлиги ҳикоя қилинса, «*Узум ҳикоятини*» да Нуҳ алайҳиссалом ва Шайтон орасидаги воқеа тасвирланади (унда Шайтон узумни *тулки, шер ва тўнғиз* қони билан сугоради). «*Учар отлар ҳикоятини*» да Сулаймоннинг қандай қилиб учар отларни қўлга киритгани ҳақида («*Эй, Саманду, Сулаймон ўлиди, ден тар қутудини*» деган сўзлар ҳам шу ҳикоятдан олинган), «*Билқис ҳикоятини*» да Сулаймон ва Билқис орасидаги можаролар ҳақида гап боради (*Билқиснинг отаси Аҳмад подшо, онаси фаришта эди. Билқис Сабо шахрида ҳоким эди. Ҳудуд*)

унинг хусни жамоли, шону шафкатларини таъриф ва тавсиф қилади. Билқис Рафи деган вазирини, Табъ деган канизини Сулаймон хузурига юборади) ва ҳок.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД

(1247 - 1326)

Машҳур файласуф олим, инсонпарвар шоир, Хоразмда Нажмиддин Кубродан бошланган жавонмардлик тариқатининг давомчиси, Шарқда номи чиққан паҳлавон ва паҳлавонларга устозлик қилиб, «*Пурёи салт*» («*азиз ва муқаррам*») лақабини олган Маҳмуд 1247 йили Хива яқинида пўстиндўз оиласида туғилган. У ҳаётда мардлик ва жасурликни, муҳожирларга беминнат саховат кўрсатиш, ўзи учун эса ҳеч нарса тамаъ қилмасликни тарғиб этган. Кўҳна Урганч ва Хива мадрасаларида таълим олган, кураги ерга тегмаган баҳодир сифатида шухрат қозонган. Адиб форс-тожик тилида ижод қилиб, «*Қитмолий*» ва «*Пурёи салт*» таҳаллусларини қўллаган, пўстиндўзлик ва телпақдўзлик билан шуғулланган. У форс тилида «*Қанзул ҳақойиқ*» номли маснавий ва кўплаб рубойлар ёзиб, сўфёна гоёларни баён этган. Шоир 1326 йилда она шаҳрида вафот этган. Ҳамшаҳарлари унинг қабри устида муҳташам мақбара тикладилар (мақбара деворлари пешдоқларига унинг рубойлари бадиий нақш сифатида туширилган). XIX аср бошларида Муҳаммад Раҳимжон II (Феруз) бу жойни зиёратгоҳга айлантирган. Паҳлавон Маҳмуд рубойларини Имомиддин Қосимов (Улфат), Омонулла Валихонов (Бокир), Муинзода, Шоислом Шомухамедов, Тўхтасин Жалолов, Васфий, Матназар Абдулҳаким, Эргаш Очиловлар таржима қилишган.

Рубойлардан намуналар:

*Тутроқ тўшагида ётган кўп кўрдим,
Ер қаро бағрига ботган кўп кўрдим,
Йўқлик оламига кўз ташлаганда,
Келмаган кўп кўрдим, кетган кўп кўрдим.*

*Кўнглим оппоқ, на кек ва не кийнам бор,
Душманим кўп, валекин мен ҳаммага ёр,
Меъали дарахтман, ҳар бир ўткинчи,
Тош отиб ўтса ҳам менга бўлмас ор.*

*Подшохлик истасанг, бўл эл гадоси,
Ўзини унуту, бўл эл оиноси.
Эл тож каби бошга кўтарсин десанг,
Эл қўлин тутқину бўл ҳокиноси.*

*Оҳ тортаган чоғида йўлга кўз тутдил,
Йўлда кўдўк бордур, эҳтиётинг қил,
Дўст уйда маҳрам бўлган вақтингда,
Қўлингени, кўзингени, дилни тия бил.*

*Ул қодирки арзу афлук яратди,
Кўнгулда доғ, дилни ҳамнок яратди.
Мушқин тулғларнило ёқут лабларни
Ерга қориб, охирида жок яратди.*

*Неча йил илм-ҳунар пайида бўлдиқ,
Неча йил зар-зевар пайида бўлдиқ,
Олам сирларидан бўлганда огоҳ,
Бари ишни ташлаб, қаландар бўлдиқ.*

САЙФИ САРОЙИ

(1321 - 1396)

Сайфи Саройи ғазалнавис шоир, таржумондир. У 1321 йилда Хоразмнинг «Қамишлы» деган қишлоғида ҳунарманд - кулорлсоз оиласида туғилган. Дастлабки билиминини ўз юртида олган Сайфи (бу сўзнинг маъноси «*қамчи*» демакдир) ўқишини давом эттириш учун Олтин Ўрдининг маркази Саройга боради. Бу ерда у қўнт билан ўқиб, шоир сифатида танилади. Бу ҳақда унинг ўзи қуйидагиларни ёзади:

*Қамишлы юрт менинг туяғон элимди,
Билинг, гурбатга келтурган билимди.
Келиб бўлдум саройда шеър фидойи,
Саройнинг шоири, элнинг гадойи.*

Урушлар туфайли Сайфи Саройи дастлаб Эронга, кейин Туркияга боради. У умрининг охириларида Мисрга бориб, ўша жойда тахминан 1396 йилда вафот этган. Шоирнинг бизгача бир қанча ғазал, қасида, рубойи, маснавийлари, «Сухайл ва Гулдурсун» достони (*ҳижрий* 796 (1394), 82 байт (164 мисра), *ҳазжи* мусаддаси мақсур вазида ёзилган), «Гулистон бит-туркий» (1391), «Туркий гулистон», *Саддий асарининг эркин таржимаси*) асари етиб келган. Шоирнинг ўзбек адабиётига қўшган ҳиссаси бебаҳодир. Уздан олдинги яшаб

ижод этган шоирлар ижодини ўрганиб, Сайфи Саройи қуйидаги мисраларда ижод майдонини боғ гулшанига, шоирларни эса шу боғдаги қушларга қўйслаган:

*Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,
Кими булбулдурур сўзда, кими зоғ.*

У ижодкорларнинг турли гуруҳлари мавжуд эканлигини (булбул, зоғ), шунга мувофиқ уларнинг тақлидчи (тўти) ёки мустақил ижодкор бўлиши ва бошқа хусусиятлар ҳақида тўхтаб ўтади.

Шоирнинг *«Исо мўъжзаси»* ҳикоятда қўлидан келмайдиган иш билан шугуллимаслик гоёси илгари сурилади. Ҳикоя қаҳрамони Исо (Иисус Христос, лақаблари: Рухуллоҳ, Масиҳ (Масиҳо)) дир. Исо мўъжзаси: ўликни тирилтиришдир. *Масиҳ* - тирилтирувчи, жон бағишловчи деган маъноларни билдиради.

Унинг *«Гулистони бит - туркий»* асари (бу асарни муаллиф *Миср амири Батхас бекка бағишлаган*) 8 бобдан иборат: 1 - боб «Султонлар ҳақидаги ҳикоятлар», 2 - боб «Фақирлар ахлоқи ҳақидаги ҳикоятлар», 3 - боб «Қаноатнинг фойдаси ҳақидаги ҳикоятлар», 4 - боб «Сукутнинг фойдаси ҳақидаги ҳикоятлар», 5 - боб «Ишқдаги йигитлик сифати ҳақидаги ҳикоятлар», 6 - боб «Қариликдаги заифлик сифатлари ҳақида», 7 - боб «Тарбиянинг таъсири ҳақида», 8 - боб «Судбат одоблари ҳақида». Бу асардаги Саҳбони Воил ҳақидаги ҳикоя нутқ одоби мавзусига бағишланган.

Адабий мероси: *«Топилмас ҳусн мулкинда...», «Куринур», «Баҳор тасвири», «Мениздек нечала ҳайрон», «Ул юзи ой», «Қамар юзингдин» каби ғазаллари, «Васфул шуро» («Шоирлар васфи») маснавийси ва бошқ.*

15 - МАВЗУ. XIV - XV АСР АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

ХОРАЗМИЙ (XIV аср)

Шоир Хоразмий ҳаёти ва ижоди ҳақида жуда кам маълумотлар сақланган. «Муҳаббатнома» деган ягона асари етиб келган бу адибнинг тахаллуси ўз асарида қайд этилган. Асар 754 (1353) йилда ёзилган бўлиб, 10 бобдан иборат. У тўлиғича ҳазажи мусалласи маҳзүф вазнида ёзилган. Шоир бу асарда Муҳаммад Хўжабекни мадҳ этган, ғазал, нома, соқийнома, муножот, қитъа, маснавий, фард каби жанрларни жамлаган. Хоразмий «Муҳаббатнома» ни 10 нома қилдим деб айтган ҳолда асарни 11 нома шаклида ёзиб тугатади. Адиб асар яратилган жойини ҳам эслатади:

*«Муҳаббатнома» сўзин мунда айттим,
Қомуғин Сир яқосинда битидим.*

Хоразмий «зулнисонайн» (икки тилли) шоирдир. Адиб асарнинг икки бобини форсий тилда яратган. Бу ҳақда муаллиф шундай ёзади:

*Қилойин икки бобин порсий ҳам,
Ким атлас тўн ярашур бўлса мўлам.*

Мавжуд 946 мисранинг 634 мисраси ўзбек, 312 мисраси форс - тожик тилида яратилган. «Муҳаббатнома» асари нома жанри ривожига катта ютуқ бўлиб, Хоразмий ушбу асари билан *нома* жанрита асос солган. «Муҳаббатнома» таъсирида Юсуф Амирийнинг «Даҳнома», Хўжандийнинг «Латофатнома», Саид Аҳмад ибн Мироншоҳнинг «Таашшукнома», Саййид Қосимийнинг «Ҳақиқатнома» ва «Садоқатнома» асарлари юзага келган. «Шакардек тил билан оларни тутган» шоир муҳаббатни завқ-шавқ билан қуйлаган. «Муҳаббатнома» асарининг 2 та қўлёзма нусхаси маълум бўлиб, улар Британия музейида сақланади. Улардан бири 1432 йилда Яздда Мир Жалолидин деган киши тақлифи билан Боқи Мансур томонидан уйғур ёзувида кўчирилган. Нисбатан тўлароқ араб ёзувидаги иккинчи нусха эса, кейинроқ 1508-1509 йилларда кўчирилган бўлиб, 473 байтдан иборат.

Асардан парчалар:

Саодат маъдани, иқбол ганжи
Муҳаммад Хўжабек - олам гунжи!

Агар десам сени Рустам, ярасен,
Қиличнинг бирла сафларни ёрасен.

Бўйунг сарву санубартек, белинг қил,
Вафо қилгон кишиларга вафо қил.

ЛУТФИЙ (1366 - 1465)

Лутфий ўз замонасида бошқа шоирлар орасида юксак маҳорати ва зукко истеъдоди билан ажралиб турган. У тахминан 1366 йилда Ҳирот шаҳри яқинидаги Деҳқанор деган жойда оддий оиллада туғилган. Шоирнинг ўз асл исми Лутфулла бўлиб, «Лутфий» (*«латиф, гўзал лутфли, ширинсухан»*) унинг адабий тахаллусидир, бу ном билан у машҳур шоир, улкан сўз санъаткори сифатида Шарқда танилган. Аввал мактаб, сўнгра Ҳирот мадрасаларидан бирида таълим олган, адабий манбаларда айтилишича, Лутфий тасаввуф шайхларидан Шаҳобиддин Хибоний ҳузуринда таҳсилни давом эттирган. У Навоийнинг шоирлик истиқболига зўр умид ва ишонч билан қараган. Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида: *«Маълону Лутфий... ўз замонасининг маликул-каломи эрди, форсий ва туркийда назир (яъни тенги) йўқ эрди, аммо туркийда шухрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳурдир...»* деб шоирга юксак баҳо берган эди. Бундан ташқари бу таъкирада *«шоирнинг умри сунгида «офтоб» радифли шеър битгани, барча замондош шоирлар унга татаббуъ қилганликлари айтилган.* Оддий, камторона умр кечирган Лутфий 1465 йил 99 ёшида Ҳиротда вафот этган ва ўзи туғилган Деҳқанордаги боғига дафн этилган.

Лутфий форс ва ўзбек тилларида 10 - 12 минг байт ижод қилган. Ҳозирги кунда Лутфий девонининг 29 дан ортиқ қўлёзма нусхаси фанга маълум. Шоирнинг туркий девонидан ўрин олган лириканинг қасида, ғазал, рубойи, туюқ, қитъа, фард каби жанрлардаги шеърларидан 450 дан ортиғи, яъни 4560 мисрадан кўпроқ қисми бизгача етиб келган. Унинг шеърлари кўпроқ ишқий мавзуда ёзилган. *«Аёқимга тутар ҳар маъна гесу...»* ғазали беш байтдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир байтида биттадан халқ маҳали учрайди. Лутфий ғазалчилик анъанасига кўплаб янгиликлар киритган адибдир. Унинг *«Санга те»* ғазалида илк марта *«сўзбат - диалог»* усулини ғазалининг бошидан охиригача давом эттирган. Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида ёзишича, Лутфий Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини ўзбек тилига шеърый йул билан ижодий таржима қилиб, дoston яратган, лекин оққа кўчирилмагани учун у етиб келмаган. «Гул ва Наврўз» дostonи ҳам Лутфийга нисбат берилар эди, лекин маълум бўлдики, бу дostonни Ҳайдар Хоразмий ёзган экан.

ҚУТБ (XIV аср)

Қутб ҳақида жуда кам маълумот етиб келган. У Хоразмда яшаб ижод этган. Шунинг учун *Қутб Хоразмий* деб ҳам айтилади. Қутб *«Хусрав ва Ширин»* дostonини Сигноқ шаҳрида ёзган (1330 - 40 й). Бу дoston Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1312 - 42) нинг ўғли Тинибек ва унинг хотинига бағишланган бўлиб, Низомий Ганжавийнинг шу номли дostonи эркин таржимаси ҳисобланади. «Хусрав ва Ширин» дostonи 4740 байт, 91 обдан иборат бўлиб, арузнинг *«ҳажжи мусаддаси махбун»* баҳрида ёзилган. Бу дostonнинг ягона қўлёзмаси Париж Миллий кутубхонасида сақланади.

АТОИЙ (XIV аср охири - XV аср I ярми)

Атоий ширин калом лирик шоир, мажозий ишқ васфидан илоҳий ишқ лаззатини тополган киши, Хўжа Аҳмад Яссавийнинг жиғи. А. Навоий ўзининг «Мажолис ун - нафоис» асарида шундай ёзади: *«Маълону Атоий*

Бахда бўлур эрди, Исмоил ота фарзандларидандур, дарवेशаш ва хушхулқ, мунбасит (ок кунгил) киши эрди...».

Атоий Мирзо Улугбек саройида хизмат қилган. Ҳозирги Қозоғистоннинг Турбат қишлоғида унга нисбат берилган қабр бор. Чамаси, унинг ҳаёти Сайрам, Балх, Самарқанд, Ҳирот шаҳарларида кечган. Тахаллусларини машҳур шайх ота - боболарига ишора қилиб, «Ато» (ота) деб олган. Унинг бизгача бир девони етиб қолган бўлиб, 260 ғазални ўз ичига олган. Атоий ғазаллари 1958 йилда нашр этилган.

Ғазаллари: «*Жамоли оварфия*», «*Ҳосили умрум...*», «*Қон бўлди кўнгул...*», «*Манга*», «*Эй дўст*», «*Қеро кўзлар*», «*Эл семакима*» ва бошқ.

ҲАЙДАР ХОРАЗМИЙ

(XIV асрнинг II ярми—XV аср бошлари)

Ҳайдар Хоразмий Хоразмда яшаган, оғир вазиятда ҳаёт кечирган. Ҳиротда бирмунча вақт Умаршайхнинг ўғли Султон Искандар хузурида сарой шоири сифатида хизмат қилган. У форс, араб тилларини ва фалсафий билимларни яхши билган. 1409 - 1414 йилларида «*Маҳзин ул-асрор*» («*Гулишан ул-асрор*» деб ҳам аталади) деб номланган фалсафий - дидактик достонини ёзган ва шаҳзода Султон Искандарга бағишлаган. Достон 23 боб, 615 байт (бошқа манбада 639 байт) дан иборат. Дастлабки 7 боби худо, пайгамбарлар ва халифалар ҳақидаги анъанавий гаплардан, Султон Искандар маъҳидан иборат. Қолган 16 боби мақолат, мавғиза ва ҳикоятлардан ташкил топган. Унда «*Пулини йўқотган киши ҳикояти*», «*Бўз тўқуччи кампир ва баззоз ҳикояти*», «*Хотами Той ҳикояти*», «*Маҳмурд Ғазавий ҳақида ҳикоят*», «*Хорун била Баҳаул ҳикояти*», «*Темурбек ҳикояти*» қабилар келтирилган. Бу достонга асосий манба бўлган асар Низомий Ганжавийнинг «*Маҳзанул-асрор*» идир. Асарнинг яратилиши ҳақида шоир шундай ёзади:

*Менки пишурдим бу лазиз ошни,
Шайх Низомийдин олиб чошни.*

Ҳайдар Хоразмий туркий тилда ижод қилиш билан фахрланади:

*Турк зухридир очунда бу кун,
Бошла улук йир била туркона ун!*

Асардаги «*Бўз тўқуччи кампир ва баззоз ҳикояти*» да қаллобик ва таъмагирлик қораланади. Бу ҳикоятда Хожа ҳақпараст дарвинининг истеҳзоли, кинояли гапларидан кейин ҳақ йўлига киради ва таркидунё қилади. Янги маълумотларга кўра «*Гул ва Наврўз*» достони ҳам Ҳайдар Хоразмий қаламига мансуб экан.

«Гул ва Наврўз» достони

Навшоднинг кекса подшоиси Фаррух ўғил кўради. Бола Наврўзда туғилгани учун унга Наврўз деб ном берадилар. Наврўз ақлли, бақувват бўлиб етишади. У Фархор ўлкасининг шоҳи Мушқивнинг қизи Гулни тушида кўриб, севиб қолади. Гул ҳам Наврўзни тушида кўриб, унинг ишқига гирифтор бўлади. Наврўз кўп саргузаштларни бошидан кечириб, Фархорга етиб келади. Бироқ Мушқин Гулни Хитой ҳоконига тортиқ қилмоқчи бўлади. Ўзаро аҳдлашган Гул билан Наврўз Хитой чегарасига яқинлашганда қочиб кетадилар ва саргузаштларни кечириб, бир дарёга етиб келадилар. Дахшатли тўлқин севишганларни бир-бирдан ажратади: Гул Аданга, Наврўз Яманга тушиб қолади. Иккаласи ҳам аскар бошлиғи этиб тайинланадилар. Адам билан Яман ўртасида уруш бошланади. Яккама-якка жангда Гул Яманлик паҳлавон Баҳромни енгади. Жанг майдонига Наврўз чиқади. У голиб қаҳрамон - Гул билан олишиши керак эди. Бироқ Наврўз билан Гул бир-бирларини таниб қоладилар, уруш храшга айланади. Навшод, Фархор, Адан ва Яман шоҳлари кенгашадилар, гўрт давлатни бирлаштириб, ягона давлат қилишга ва Наврўзни шоҳ қилиб кўтаришга қарор қиладилар. Наврўз адолатли ва маърифатпарвар подшо бўлади.

(Образлари: *Ядо* (қиш мавсумидаги энг совуқ, узун ва қоронғу кеча), *Фаррух* (ғўзал, бахтли муборак, қутлуг юзли), *Нажд* (ернинг баланд қисми, тўсиқ), *Наврўз* (янги кун), *Навсўз* (халқи ғўзаллик ва чиройи билан машҳур бўлган шаҳар номи), *Фарвор* (ораста, чиройли ва шинам жой), *Бахман* (қишнинг энг аёзли кунлари).

ХУСАЙН БОЙҚАРО (1438-1506)

Хусайн Бойқаро ҳам шоҳ, ҳам шоирдир. У Алишер Навоий билан замондош бўлиб, Навоийга ҳомийлик қилган. Хусайн Бойқаро 1438 йилда Ҳиротда туғилган. Отаси Мансур ҳам, онаси Фирузабегим ҳам Темур авлодидан эдилар. Шу сабабли З. М. Бобур уни «*Карм ут - тарафайл*» («*икки томонлама улур*») деб атаган эди. У 1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо вафот этгач, тахт учун курашга киришиш ва 1469 йилда Ҳиротни эгаллайди ҳамда темурийлар салтанатини 1506 йилгача бошқаради. 1490 йилда Хусайн Бойқаро Москвага элчи юбориб, дўстлик ва иноқлик ҳақида шартнома тузишни таклиф этган. Хусайн Бойқаро шахс сифатида мард, шижовтли, адолатли бўлиб, қилчбозликда темурийлар орасида унга тенг келадигани бўлмаган, адабиётни, санъатни севган. Камчилиги эса машаққатпарастлик эди. У «Хусайний» тахаллуси билан шеърлар ёзган ва ундан бизга бир «Девон» ва «Рисола» мерос бўлиб қолган. Девондаги шеърларнинг кўпчилиги ишқ ва май мавзусида бўлиб, ғазалларнинг ҳаммаси бир вазнда - *рамава мусаммави мақсур* (фоилотун фоилотун фоилотун фоилон) да ёзилган.

*Мисол: Қилмагай эрдим юзин кўрмак таманно, кошки,
Солмагай эрдим кўнгил мулкига гафво кошки.*

Хусайнийнинг «*Рисола*» си 1485 йилда ёзилган бўлиб, Оллоҳ иноят этган подшоҳлик шукронаси билан бошланади, унда муаллиф А. Жомийни, А. Навоийни ҳурмат билан тилга олган, кўкларга кўтарган. Унинг «Рисоласи» да маълумот берилшигча, Ҳирот ва унинг атрофида мингга яқин киши шеър билан машғул бўлган. У туркий тилда асарлар ёзиш ҳақида махсус фармон чиқарган. Алишер Навоий Хусайн Бойқаро шеърятига юксак баҳо беради, «*Мажолис ун-нафоис*» тазкирасида унга махсус бир фасл (8) ажратди.

МУҲАММАД ШАЙБОНИЙ (1451-1510)

Асл исми Шоҳбахт бўлган Муҳаммад Шайбонийхон Шайбонийлар сулоласининг асосчиси дир. У туркий ва форсийда шеърлар ёзган, суратлар чизган, мусиқа билан шуғулланган, хушовоз қироатхон бўлган. Ёшлигида отаси Шоҳ Будоғ вафот этиб, укаси Маҳмуд Султон билан бирга бобоси Абулқархон қўлида тарбия топди. Бухорода икки йил мадрасада ўқиди. 1499 - 1504 йилларда Мовароуннаҳрни Абусаид авлодлари қўлидан тортиб олди. 1505 йилда Хоразмни, 1507 йилда Хуросонни эгаллаб, темурийлар ҳўкмиятига барҳам берди. 1510 йил 10 сентябрда Мурғоб дарёси бўйидаги Исмоил Сафавий қўшини билан бўлган жангда ҳалок бўлди.

Шайбонийхондан бизга бир «*Девон*» ва «*Баҳр ул-яддо*» («*Ҳидоят денгизи*») номли дoston этиб келган. Унинг девони Истамбулда Тўпқори саройи музейида, 1508 йилда ёзилган достони эса Британия музейида сақланади. Шайбонийхоннинг шеърларидан намуналар Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарига келтирилган. Шайбонийхон Нажмиддин Куброга бағишлаб «*Шаҳи муҳадо*» («*Шаҳидлар шоҳи*») деган тарих - шеър ҳам ёзган. Куйидаги туоқни ҳам Шайбонийхонга нисбат берадилар:

*Сўд ичида ултурубдур ёбулар,
Ёбуларнинг минган оти ёбулар.
Ёбуларнинг илгидин эл тинмади,
Ё булар бўлсин бу ерда, ё булар.*

Шайбонийхон шеърларида Самарқанд ва Бухоронинг баланд ҳўтаринки таърифи берилди:

*Хар киши кетса Самарқанд шаҳридин, ночор келар,
Жаннат ул-маъвода ҳам бўлса, Самарқандни тиллар.
Ман Хирининг шаҳриди турмоққа бир ер топмадим,
Ваҳ, Самарқанду Бухоро, қайда бўлмайму уллар.
Кормону, Шодмону Қаҳамку Дарғам суян
Но қилай, ман, кетмади, ҳаржиз кўнгулдин ушбулар.
Ким Самарқанддек жиҳонда бўлмаган хун марғзор,
Дўстлар, мен найлайин, кетмас кўнгулдин сабзалар.
Бу Хирининг домин аҳли ҳар неча айб эмсамиз,
Қайдаким бўлса Шафӣбоний, ул Самарқанд орзулар.*

Шоир айрим шеърларининг ёзилиш тарихини ҳам қайд этган. Масалан, Самарқандга бағишланган «Кўнгул қони билан батган ушул мола юзунгданду» деб бошланадиган ғазалига сажъ йўли билан шундай изоҳ берган: «Самарқандни гул оқатида қабодуқ. Тағларни гашит қладуқ, Болларни барча асбоблик, ҳар тарафи алқоблик, ҳар ёни латофатлик ва ичлари мутк - албар бўлуқ...».

МАЖЛИСИЙ

(XV аср охири - XVI аср I ярми)

Мажлисий асли Хоразмлик бўлиб, кейинроқ Бухорога кўчиб борган. Убайдуллаҳон ва унинг ўғли Абдулазизхонлар саройида хизмат қилган. «Маълоно Мажлисий - надим ва мажлисари киши эди,- дейди Ҳасанхўжа Нисорий,- аҳли амбори ва марғуб сўзлари бор. Қасидалари кўп, аҳли ва латиф ғазалари бор». Шоирнинг шеърлари Бобурга ҳам манзур бўлган. Унинг 4 минг мисралик «Қиссаи Сайфулмулк» номли ишқий - сарғузанг асарни бизгача стиб келган. Бу достоннинг этақчи мавзуси севги, вафо ва садоқат, дўстлик ва аҳлилик, мардлиқ ва қаҳрамонлик каби фазилатларни мадҳ этишидир. Асарни яратишда шоир халқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланган. Асар дастлаб 1883 йилда Қозонда, 1916 йилда эса Тошкентда босилган.

Достон қаҳрамонлари: Сайфулмулк, Миср шоҳи Осим, Яман шоҳи Бадеуласр, Сарондип шоҳи, Рабиалмулк, Бадеулжамал ва бошқалар.

ГАДОИЙ

«Хулоғухом замонидин, султони соҳибқирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди халлафи Шохруҳ Султон замонининг охиригача турк тили билан шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг аялод ва аҳфодидан ҳам хуштабъ салотине зуҳурга келди: шуаро Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амийр ва Гадоийдеклар».

Алишер Навоий

Гадоий XV асрда яшаб ижод этган. Шоир ҳақида маълумот Навоийнинг «Мажолис ун - нафоис» таскирасидагина мавжуддир. Бундаги маълумотларга асосланиб Гадоийни тахминан 806 (1403-1404) йилда туғилган дейиш мумкин. Гадоийнинг ягона девони Париж миллий кутубхонасида сақланади. Шоирнинг ғазаллари асосан Суруд вазни (Рамали мусаммани мақсур) да битилган бўлиб, уларда соф муҳаббат, вафо, висолдан гоят севиниш каби инсоний туйғулар ифодаланган.

САККОКИЙ

Атоқли лирик шоир Саккокийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда оз маълумот сақланиб қолган. Саккокийнинг ўз девонида, Навоийнинг «Мажолис ун - нафоис», «Муҳокамат ул - лугатайн», «Хутбаи - давовин» каби асарларида унинг XV асрда яшаб ижод қилганлиги маълум бўлади. Шоир Яқиний ўзининг «Уқ ва ёй» мунозарасида Саккокийни «Турк шоирларининг муштаҳиди (ғайратлиси)» деб таърифлайди. Саккокий шоирнинг тахаллуси бўлиб, «Саккок» (пичоқчи) сўзидан олинган. Шоир ижоди Улуғбек ҳукмронлиги даврида камол топган. Саккокий Улуғбекка бағишлаб бир қасидасида шундай ёзади:

*Салотин дунёда кўп келди-ю кечти, сенингтек бир,
Фалакнинг гар тили бўлса, айтсунким, қачон келди?.*

Саккокий Муҳаммад Порсога, Халил Султонга, Мирзо Улуғбекка, Арслонхўжа Тархонга бағишлаб қасидалар, ошиқ, ёр ва рақиб образлари яратилган гўзал ишқий ғазаллар ёзган. Саккокий девонининг бир неча қўлёзма нусхалари маълум бўлиб, улар Лондонда, Британия музейида, Тошкент Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

ДУРБЕК

Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» деган достони етиб келган. Бу асар шарқдаги энг машҳур ва қадимий қиссалардан бири бўлиб, ҳижрий 812, милодий 1409 йилда ёзилган. Бу дoston маснавий шаклида, арузнинг сарий баҳри (муфтайлун, муфтайлун, фойлун, чизмаси: -VV- -VV- -V-) да ёзилган.

Достон муқаддимасида таъкидланишича, асар Балх шаҳрида ёзилган. Бу асарда Балх шаҳрининг қамали тасвирланган. Достонда айтилишича, Мағриб (Ғарб) да номи дунёга кетган шоҳ бўлиб, унинг исми Таймус эди. Таймус шоҳнинг гўзал қизи бўлиб, у достонда қуйидагича тасвирланган:

*Бир қизи бор эрди моҳи ховарий,
Оразиға шамсу қамар мушарий,
Юзи қуёш эрди, вале безавол,
Барча фунун бобида соҳиб камол.
Ҳосили умри эди ул шоҳнинг,
Оти Зулайҳо эди ул моҳнинг.*

Зулайҳо тушида Юсуфни кўриб, ишқ ўрнида ўртана бошлайди. Ниҳоят, у тушидан онасини хабардор қилади. Онаси эса Таймус шоҳга айтиди. Таймус шоҳ Мисрга - Юсуфнинг юртига элчилар юборди. Бу орала Юсуфни ака-укалари қул ўрнида сотиб юборди. Ана шу қул Таймус шоҳ иштиёрига келиб қолади ва шоҳ уни Зулайҳо хизматига беради. Зулайҳо ўз севгисини энага орқали билдиради. Энага Юсуфнинг гапларини Зулайҳога отказди ва уни ишқ йўлида сабр - бардошли бўлишга чақиради. Икки дил узоқ йиллар давомида турли ихтилофлар туфайли бир - бирига егиша олмайдилар ва ниҳоят қариганларида орзу - умидларига етишадилар. Юсуф акаларининг мунофиқона хатти - ҳаракатлари уларнинг ўзларини шармандан шармисор қилади. Асардаги етакчи қаҳрамонлар *Зулайҳо билан Юсуф*дир. Муаллиф баъни қаторида қаҳрамонлар нутқи, монолог, диалог каби шакллардан усаллик билан фойдаланган.

16 - МАВЗУ. «ХАМСА»ЧИЛИК ТАРИХИДАН

«*Хамса*» - «бешлик» дегани. У беш мустақил достондан иборат бўлиб, ҳар бир достон маълум бир воқеани, мавзунини кенг ҳамда атрофлича маснавий йўли билан ёритиб беради. Ҳар бир асар «Хамса» аталмоғи учун:

- а) *беш достондан ташкил топмоғи;*
- б) *биринчи достон, албатта, панд-насиҳат руҳидаги тақлимий-ахлоқий, фалсафий бўлмоғи;*
- в) *иккинчи достон Хусрав ва Ширин можароларига бағишланмоғи;*
- г) *учинчи достон Лайли ва Мажнун муҳаббатини мавзу қилиб олмоғи;*
- д) *тўртинчи достон Баҳром ҳақида бўлмоғи;*
- е) *бешинчи достон Искандар ҳақида ёзмамоғи шарт эди.*

Шарқ адабиётида Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар «Хамса» яратган.

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ
(1141 - 1143 йиллар орасида
туғилган, вафоти - 1209 йил)

Абу Муҳаммад Илс бинни Юсуф Низомий ҳозирги Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида туғилган. Унинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумот қолган.

Низомий форс, араб, юнон, қадимги паҳлавий, санскрит ва бошқа кўп тилларни билиб, фалсафа, маънафик, илоҳият, адабиётшунослик, химия, астрономия, математика сингари фанларни пухта билган. Низомий Офок номли хотинидан туғилган ўғли Муҳаммаднинг илим - маърифатли қилиб тарбиялаган, дostonларига ўз ўзига насихатлар қилган.

Низомий Ганжавий Шарқ адабиётида биринчи бўлиб «Хамса» ёзган. У ёзма адабиётда биринчи бўлиб *Меҳнубону* образини яратган. Низомий асарлари бошқа шоирлар ижодига таъсир қилган. Масалан, шоир *Хайдар Хоразмий* «*Маҳзанул - асрор*» дан илҳомланиб, «*Гулишанул - асрор*» асарини ёзган. *Хусрав Деҳлавий*, *Абдурахмон Жомий*, *Алишер Навоий* ғаби шоирлар «*Хамса*» чилик анъанасини давом эттирганлар. «*Хусрав ва Ширин*» дostonини 1341 йилда Кутб, «*Хафт пайкар*» асарини Отаҳий таржима қилган. Навоийдан тортиб барча ўзбек шоирлари Низомийни устоз деб билишган.

Асарлари: «*Хамса*» («*Панж ғалъэ*» («*Беш хазина*»), 1173 - 1201 йиллар орасида ёзилган. Унда қуйидаги дostonлар бор: 1. «*Маҳзанул асрор*» («*Сирлар хазинаси*», 1173 - 1179 йилларда *Арзинжон ҳоқими Фаҳриддин Баҳромшоҳга бағишлаб ёзилган*), 2. «*Хусрав ва Ширин*» (1180-1181, бу дoston *Ироқ ҳукмдори Турғул II нинг илтимосига кўра ёзилган бўлиб, муҳаббат ва қаҳрамонликни ифодалайди*), 3. «*Лайли ва Мажнун*» (1188, унга 118 та назира битилган. Бу асар *Ширваншоҳлардан Аҳсанан I буйруғига кўра ёзилган*). 4. «*Хафт пайкар*» («*Етти гўза*», бу асар 1196 йилда *Алоқуддин Кўрна Арслоннинг топишириғи билан юзага келган*). «*Хафт пайкар*» *Баҳром ва Фитна саргузаштларига бағишланган асар бўлиб, дoston воқеаларига боғланмайдиган бет ҳикоя берилган. Низомийнинг бу дostonидаги дарахт шоҳига осиб қўйилган «Ўт» ҳикоясида Баҳромшоҳ хиёнаткорликдан, адолатсизлик кучаяётганидан огоҳлантирилади. Асар сўнгисида Баҳром ов узидан форга кириб кетиб қайтиб чиқмайди*), 5. «*Искандарнома*» (1196-1201, бу дoston 2 қисмдан иборат: а) *Шарафнома* б) *Иқболнома*).

ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ (1253 - 1325)

Ямуниддин Абулҳасан Амир Хусрав ибни Амир Сайфуддин Маҳмуд Деҳлавий 1253 йилда Ҳиндистоннинг Патёли деган шаҳарчасида дунёга келади. Унинг отаси асли Шаҳрисабзлик бўлиб, авлоди туркий элатларнинг лочин уруғидан бўлган. Аммо у мўғуллар ҳужумининг дастлабки йилларидаёқ тарки ватан этиб, Деҳли ҳукмрони Шамсиддин Элтуғмиш саройига хизматга киради ва 1261 йилда мўғулларга қарши жангга ҳалок бўлади. Хусрав Деҳлавий бобоси Имомулмулк қўлида тарбияланди, Қози Саъдуддин Муҳаммад таълимини олди. 20 ёшида Хусрав истеъдодли шоир, қомусий битим соҳиби - олим, созанда ва бастакор бўлиб етишди. У умри давомида 7 ҳукмдорнинг даргоҳида хизмат қилиб, умрнинг охириги 30 йилини Деҳлида ўтказди. Улуғ шоир 1325 йили Деҳлида вафот этган. Хусрав Деҳлавийнинг шеърлари 5 та девонга жамланган бўлиб, у 400000 дан ортқ байт ижод қилган. Абдурахмон Жомийнинг таъкидлашича, Хусрав Деҳлавий 99 та китоб муаллифидир. Деҳлавий Низомий «Хамса» сига ҳаммадан яхшироқ жавоб айтган шоирдир.

Асарлари: «*Хамса*» (1299 - 1301, унинг таркибида қуйидаги 5 дoston mavjud: 1. «*Матлаъ ул-авбар*» («*Нурларнинг бошланмаси*»), 2. «*Ширин ва Хусрав*», 3. «*Мажнун ва Лайли*», 4. «*Ҳашт беҳишт*» («*Саққиз жаннат*», *Отаҳий таржима қилган. Хусрав Деҳлавий "Ҳашт беҳишт" дostonининг Низомий "Хафт пайкар" идан фарқлари шундаки, унда канизакнинг номи Дилором деб ўзгартирилган, етти ҳикоя ҳинд эпосидан олинган*), 5. «*Ойнавий Искандарий*» («*Искандар ойнаси*»), «*Тухфат ус-сифар*» («*Ёшлик тухфаси*»), «*Васат ул-ҳайт*» («*Ҳайт ўртаси*»), «*Фуррат ул-камол*» («*Камолот ибтидоси*»), «*Бақия нақий*» («*Сараларнинг сараси*»), «*Нихоят ул-камол*» («*Камолот чўққиси*»), «*Қирон ус-савоийл*» (Икки саодатли сайёранинг қўшилши), «*Мифтоҳ ул-футуҳ*»

(«Ғалабалар калити»), «Ҳазойи ул-футуҳ» («Ғалабалар хазиналари»), «Дуваларийи ва Хизрхон», «Нуҳ силеҳи» («Тўққиз қават осмон»), «Туғлуқнома», «Тарихи Деҳля», «Эъжоза Хусравий» («Хусрав мубҳижаси») ва бошқ.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

(1414 - 1492)

Улуғ форс-тожик шоири ва мутафаккири Абдураҳмон Жомий 1414 йил 7 ноябрда Хуросоннинг Жом шаҳрида шайхулислом - Низомиддин Аҳмад оиласида туғилган. Жомий гўдаклигида унинг оиласи Ҳиротга кўчиб боради. Шоир дастлаб мактабда, кейин Ҳиротдаги Дилкаш ва Самарқанддаги Улуғбек мадрасаларида таълим олади. Мавлоно Жунайд қўлида, кейинроқ Шаҳобиддин Муҳаммад Жожармий ва Алоиддин Али Самарқандийлардан таълим олган.

Абдураҳмон Жомий Самарқандга келиб Қозизода Румий дарсларига қатнашган. У тил, адабиёт, фалсафа, математика, астрономия, ҳуқуқ ва бошқа фанлар билан шуғулланган. Дин ва тасаввуфни синчковлик билан урганган. Жомий Шайх Саъиддин Кошгарийдан тасаввуф бўйича таълим олган. Абдураҳмон Жомий 1492 йил 8 ноябрда Ҳиротда вафот эълан.

А. Жомий Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг муқаддимасида фильга қислаб мадҳ этилган.

Асарлари: «*Ҳафт аврағи*» («*Етти тахт*», дастлаб «*Ҳамса*»). Унга «*Силсилаи уз-заҳаб*» («*Олтин занжир*», 1472), «*Саломия ва Абсола*» (1480-81), «*Тухфат ул-аҳрор*» («*Хур кишиларнинг туҳфаси*», 1481-82), «*Сабҳат ул-авроҳ*» («*Яхши кишиларнинг тасбиҳи*», 1482-83), «*Юсуф ва Зулайҳа*» (1483), «*Лайли ва Мажнун*» (1483), «*Ҳиратномаи Искандарий*» (1483) каби достонлар кирган), «*Баҳористон*» (ўғли Зиёуддин Юсуф учун ёзган), «*Аруз ҳақида рисола*», «*Араб тил дарси*», «*Рубоий тарҳи*», «*Мунтаот*», «*Қофия ҳақида рисола*», «*Нақши фусу*» («*Жавоҳирлар нақши*»), «*Лужжат ул-асрор*» (қасида), «*Нафоҳатул-улс*» («*Ўстлик таровати*») ва бошқ.

XV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДАН XVII АСРГАЧА БЎЛГАН ДАВР АДАБИЁТИ ҲАҚИДА

Бу давр ўзбек адабиёти ва маданиятининг гуллаб яшнаган даври бўлиб, туркий тил юксак қадр ва эътибор топди. Хусайн Бойқаронинг 1485 йилда битган «*Рисола*» сида биргина Ҳирот ва унинг атрофида мингта яқин киши шеър билан машғул эканлигини ифтихор билан тилга олади. Алишер Навоийнинг «*Мажолис ун - нафоис*» ида (1491-1498) 459 шоир ҳақида маълумот келтирилган. Ҳасанхожа Нисорий 1566 йилда тузган «*Музаққир аҳбор*» ида 300 га яқин ижодкор ҳақида маълумот беради. Бу даврда теуакрифлар салтанатининг парчаланиши, тож - тахт учун ўзаро урушлар давом этди. Абулқосим Бобур Мирзо, хусусан, Хусайн Бойқаро даврида Ҳирот муҳим маданий - адабий марказга айланди. «*Аҳли фаза ва беазир элдин Хуросон, бешахис (хусусан) Ҳирн (Ҳирот) шахри мамла (тулаған) эди*», - деб ёзган эди Заҳириддин Бобур. Биргина Алишер Навоийнинг ўзи Ихлосия, Низомия, Хусравия каби мадрасалар, Халосия, Шифоия, Фаноия каби хонақоҳлар, ўнлаб масжидлар, шунингдек, 52 рабат, 20 ҳовуз, 16 кўприк ва 9 ҳаммом қурдиргани, Ҳиротдаги Масжиди Жомеъни қайта тиклагани маълум.

Улуғбек замонасида (1394-1449) Самарқандда илм-фан гоят тараққий қилган эди. Унинг ташаббуси билан 1424 йилда уч қаватли расадхонанинг қурилиши, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қупчи каби олимлар иштироккида йиллик тақвим (календарь) тузилиб, 1018 юлдуз жойлашиш ўрнининг аниқланиши жуда катта ютуқ эди. Бадиий ижод билан шуғулланган теурийларнинг кўпчилиги яшнгина кутубхоналар тузган эдилар. Масалан, шоир ва олим Мавлоно Соҳибдоро (1511 йили вафот этган) Хусайн Бойқаро кутубхонасининг бошлиғи эди.

Самарқандда, айниқса Ҳиротда китоб ва миниатюра санъати тараққий қилди. Султонлиги Машҳадий, Абдулжамил котиб, Дарвешмуҳаммад Самарқандий каби хаттотлар етишдилар. Хат ёзиш санъати дарижасига кўтарилди. Навоий даврида унинг 36 тури қайд этилган. Райҳоний, риқоб, сулс, насх, таълиқ, настаълиқ, мураққаъ, шикаста каби хат турлари нивҳраи қозонган.

Миниатюра соҳасида *Камолiddин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Қосим Али, Шоҳ Музаффарлар* доврўқ қозондилар.

Мусиқа ривож топди. *Абдураҳмон Жомий, Камолiddин Биноий, Заҳрирiddин Бобур* мусиқа илмига оид рисолалар ёздилар. Ҳиротда *Абдулқодир Нойи, Ҳусайн Удий, Шоҳули Фижжакий, Нажмиддин Кавкабий* каби машҳур санъаткорлар етишиб чиқдилар. Булар орасида, айниқса, *Нажмиддин Кавкабий (1473-1533)* серқирра истетъод эгаси бўлган. У Алишер Навоийнинг *“Мажолис ул-нафис”* ида *шоир ва мунажжам* сифатида тилга олинган, кейинчалик мусиқа билан шуғулланиб, мусиқа ҳақида шеърый йўлда илмий асар (куллиёт)лар тузган машҳур санъаткордир.

Тарих ва адабиётшуносликда *Мирхонд (1433 - 1498), Давлатшоҳ Самарқандий (1436 - 1495), Хондамир (1475/76 - 1534), Зайниддин Восифий (1486-1566), Ҳасанхожа Нисорий (1516 - 1597)* каби кўплаб олимлар етишди. Давлатшоҳ Самарқандий 1486 йилда асари *«Тазкират ул - шуаро»* (*«Шоирлар тўплами»*) ни тузиб, унда 150 дан ортиқ шоирлар ҳақида маълумот берган.

Мирхонд асли бухоролик эди. Ҳиротга бориб, Алишер Навоий соҳида паноҳ топди, унинг ҳомийлигида 7 жилдлик *«Раъзат ус - сафо»* (*«Поклик боғи»*) номли тарихий асар ёзди.

Навоий кутубхонасида хизмат қилган тарихчи Хондамир Мовароуннаҳр ва Ҳуросон тарихига доир ундан ортиқ асар яратди. Унинг *«Мақорим ул-ахлоқ»* (*«Яхши хулқлар»*) асари Алишер Навоийга бағишланган.

Ҳусайн Бойқаро туркий тилда асарлар ёзиш ҳақида фармон чиқарган. Бундай фармон бир вақтлар - 1277 йилда элхонийлар даврида ҳам чиққан эди.

Шоирларимиз шарқ шеъриятидаги барча жанрлардан фойдаландилар. Масалан, Алишер Навоийнинг шеърый меросида 16 хил жанр учрайди. Хон ва бекларнинг аксарияти шеърга, мусиқага, илм - фан ва меъмориликка ҳавасманд эди. Чунончи, *Ҳусайн Бойқаро, Заҳрирiddин Бобур, Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллоҳон, Абдуллаҳон II* девон тузган шоирлар эдилар. Умуман бу даврда назм билан биргаликда наср ҳам ривожланди, туркий адабиёт юксак чўққига кўтарилди.

17 - МАВЗУ. АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

«... Бу улўғ амир дину давлат ҳомийси, шарият ҳамда миллатнинг нусти паноҳидир».
Давлатшоҳ Самарқандий.

«Анинг назми васфида тил қосир ва баён ожизтурур». *Ҳусайн Бойқаро.*

«...туркий тилда ҳеч ким Навоийдек кўп ва хўп шеър айтмаган ҳамда назм гавҳарларини сочмаган эди».
А. Жомий «Баҳористон» дан.

«Ундан аввал ва ундан кейин ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан кўпроқ ва ундан юксакроқ ёзолган эмас. У форсий шеърни ҳам кўп ёзган...»
(Муҳаммад Ҳайдар Мирзо «Тарихи Рашидий» дан).

Буюк мутафаккир шоир, олим, мусиқачи, рассом ва давлат арбоби. Ўзбек адабий тилининг асосчиси, Бобур таъбирчи. *«тили Андижон шеваси билан рост»* бўлган Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳиротнинг Боғи Давлатхона

аталмиш жойида дунёга келган. Отаси **Ғиёсиддин Муҳаммад** (*Ғиёсиддин Кичкина*) теурийлар саройидаги амалдорлардан, онаси **Шайх Абу Саид Чангнинг** қизи, тоғалари **Мир Саид Қобулий** ва **Муҳаммад Али Ғарибийлар** эса шоир бўлганлар. Алишер 4-5 ёшлариданоқ Қосим Анварнинг ғазалларини, Шайх Саъдийнинг «**Гулистон**» ва «**Бустон**» асарларини, Фариддин Атторнинг «**Мантиқ ут-тайр**» («**Қуш нутқи**») асарини берилиб ўқийди. 1447 йилда Алишерлар оиласи **Ироққа** кўчиб кетади ва 1451 йилда **Хиروتга** қайтади. Булажак шоир 12 ёшида (1453 йилда) отасидан етим қолади ва Хуросон подшоҳи **Абулқосим Бобур** саройига хизматга киради. 1456 йилда **Абулқосим Бобур** ўз пойтахтини Хуросондан **Машҳадга** кўчиргандан сўнг Алишер ҳам ўз дўсти **Хусайн Бойқаро** билан **Машҳадга** боради. У ерда Алишер **Қамол Турбатий**, **Мавлоно Абдуссалом Шерозий**, **Паҳлавон Муҳаммад** каби йирик олиму фузалолар билан танишади. 1464 йилда **Навоий Хиروتга** қайтади. **Навоий** 60 - йилларнинг иккинчи ярмида Самарқанд мадрасаларида таълим олган. Самарқандда олиму фозиллардан **Улугбек** мадрасаси мударрисси **Ҳожа Хурд**, шоирлар - **Улоий Шоший**, **Юсуфшоҳ Бадиий**, **Сафой Андижоний**, **Риёзий**, **Жайҳарий**, **Ҳавофий** кабилар Алишернинг ҳаётида ўқмас ... қолдириллар. Улар кейинчалик шоирнинг «**Мажолис ун-нафос**» асаридан ўзларининг муносиб ўринларини олдилар. 1469 йилда **Хиروت** тахтини **Хусайн Бойқаро** эгаллайди ва махсус нома билан Алишерна **Хиروتга** чақириб олади. Шоир **Хусайн Бойқарога** бағишлаб «**Ҳилолият**» қасидасини ёзди. **Навоий** 7-8 ёшларидан бошлаб шеърлар ёза бошлаган ва 15 ёшида шоир сифатида танилган. **Ўзбекча** шеърларига «**Навоий**» («**наво**» - *куй, оҳанг; баҳра; дард, ғам*), форсча шеърларига «**Фоний**» («**ўткинчи**») тахаллусларини қўйлаган. **Навоий** давлат арбоби сифатида 1469-1472 йилларда *муҳрдор*, 1472-1476 йилларда *вазир*, 1487-88 йилларда *Астрободда* ҳокимлик қилади. **Хусайн Бойқаро** ва унинг ўғиллари ўртасига тушиди, Бадиуззамонга маслаҳатлар бериб, уни йўлга солади. 1499 йилда **Марвда** **Хусайн Бойқаронинг** яна бир ўғли **Абулмуҳсин** отасига бош қўтарганда, отаси билан сулҳ тузиш учун Алишернинг подшоҳ номидан вакил бўлиб келишини шарт қилиб қўйган. Ҳажга отланган Алишерна **Машҳаддан** қайтаришади. У ота-ўғилни яраштириб, **Хиروتга** қайтади. **Навоий** ўз илтимосига кўра **Хиروتдаги** машҳур **Ҳожа Абдулла Ансорий** хонақоҳига *жорублаш* (*сунурувчи, хизматкор*) қилиб тайин этилган.

У кўпгина халқпарварлик сийёсатини амалга оширишга уринди: шаҳарларни обод қилдирди, ариқлар қаздирди, шифохоналар, кутубхоналар қурдирди. У *Ихлосия*, *Низомия*, *Хусравия* каби мадрасалар, *Халосия*, *Шифоия*, *Фаноия* каби хонақоҳлар, ўнлаб масжидлар, *52 рабат*, *20 ҳовуз*, *16 кўприк* ва *9 ҳаммом* қурдирган. *Давлатшоҳ Самарқандий* ўзининг «**Тазкират уш-шуаро**» **Навоий** бошчилигида Хуросоннинг машҳур булоқларидан - **Тус** вилоятининг жоҳори қисмида бўлган *Чашман* *ғил* суви 80 км ариқ қазилиб, муқаддас **Машҳад** шаҳрига олиб келингани сабабли халқнинг сувсизлик азобидан халос бўлгани ҳақида ёзган. **Хондамирнинг** ёзишича, оирнинг саъй-ҳаракати билан 90-йилларнинг охирида zilzila бўлиб, буткул вайрон бўлган **Хиروتдаги** **Жомеъ** масжиди қайта гикланган, 1500 йил 16 мартда барча ишлар тугаган, **Амир Алишер** элни тўплаб, ош берган ва иморатни битиришда иштирок этган 100 га яқин устага инъомлар улашган. **Шоирнинг** бу борадаги ишларининг батафсил рўйхатини **Хондамир ўзининг** «**Мақорим ул-ахлоқ**» асарига келтирган. «**Вақфия**» асарига ҳам бу ҳақда қизиқарли маълумотлар учрайди. **Навоий** ўз шеърларидан бирига «**Исфохон**» деган куй ижод қилган. У «**Амири кабир**» (*улуг амир*), «**Амирул муқарраб**» (*подшоҳга энг яқин амир*) унвонларига мушарраф бўлган. Буюк мутафаккир 1501 йил 3 январда сакта (тананинг ҳаракатдан қолиши) касаллигидан вафот этган.

Навоий Султон Хусайн тарихани, **Юсуф ва Зулайҳо** ҳақида туркий тилда бир асар ёзаганини маълум қилган эди. **Хондамир** ўзининг «**Мақоримул - ахлоқ**» («**Яхши хулқлар**») асарини **Навоийга** бағишлаб ёзган. **Шоирнинг** 500 йиллик юбилейи 1948 йил май ойида кенг нишонланган.

Навоний тарихчи *Мирхонд*, шеър илмининг билимдони *Атоуллоҳ Хусайний*. Кўп фанларни эгаллаб шухрат қозонган *Хусайн Воиз Комифий* кабиларни тарбиялаган.

Асарлари: «*Вақфия*» (1481 - 82), «*Хамса*» (1483-85 й), «*Тарихи мулуки Ажам*» (1488, «*Муҳокамат ул - луғатайн*» да «*Зубдат ул - таворих*» («*Тарихлар қаймоғи*») деб атаган), «*Савъату абхур*» («*Етти денгиз*», луғатшуносликка оид), «*Муҳокамат ул-луғатайн*» (1498-1499, турк ва форс тиллари қиёслаб ёзилган, икки тил муҳокамасига бағишланган асар. Унда Навоний «*Мундин сўнгра уч навъ тилдурким, асл ва мўътабардур... Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг манишадурки, Нуҳ пайғамбар...нинг уч ўлиғаким, Ефас (Абу-турк) ва Сом ва Ҳомдур, етишур»* деб ёзган), «*Мезон ул-авзон*» (1492), «*Муштаом*» (1492, 88 та хат жамланган), «*Мажолис ул-нафос*» (1491 - 93), «*Лисон ул-тайр*» (1498-99), «*Тарихи анбиё ва ҳукамо*» («*Анбиё ва ҳокимлар тарихи*», 1488), «*Сирож ул-муслимин*» («*Мукулмонлик нури*», 1488), «*Ҳолоти Сайдд Ҳасан Ардашер*» (1490, у ҳақда Навоний «*Бу фақир турк ва сарт орасида ондин тамохроқ (мукамалроқ) кишини кўрмайдурмен,- дея эътироф этган*), «*Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*» (1496, Навоний уни «*шамсул миллат*» деб атаган), «*Хамсатул мутаҳдийири*» (1492-1494, Жомийга бағишланган. Навоний Жомийни «*Нуран маҳдум»* деб эъзозлаган), «*Назм-ул- жавоҳир*» (1485, 266 рубоидан ташкил топган), «*Чихля ҳадис*» («*Арбафин*», машҳур ҳазрат Алшининг «*Наср ул-лаолий*» асарининг шеърӣ таржимаси, ҳадислар асосидаги 40 рубоийни ўз ичига олган), «*Насойим ул-муҳаббат*» («*Муҳаббат шабадалари*», 1496. У Жомийнинг «*Нафоҳат ул-унс*» номли китобининг эркин таржимаси бўлиб, унда 750 та мутасаввуф шайх ҳақида маълумот берилган), «*Муфрадот*» (1491, форс-тожик тилида ёзилган), «*Ҳилолия*» (1469), «*Тухфат ул-афкор*», «*Айн ул-ҳаёт*». «*Фусули арбаъ*», «*Ситтай зарурия*», «*Маҳбуб ул-қулуб*» (1500, дунёнинг аччиқ-чучугини кўрган, гоҳро «*комронлиғ*», гоҳро «*нотавонлиғ*» топган буюк шоир Навонийнинг 60 йиллик ҳаётига яқун бўлган асар. У уч қисмдан таркиб топган: ижтимоий табақалар; ахлоқ-одатлар; нанд-ҳикматлар) ва бошқ.

Навоний шеърияти ҳақида

Навоний ўз ижодида Шарқ шеърятининг 16 хил жанридан (Навоний уларни «*синфлар*» деб атаган) фойдаланган. У шоирларни уч гуруҳга ажратган: 1. «*Ҳақиқат асрори шавқидо*» қалам тутганлар, яъни ҳақиқий - шлоҳий ишқни куйловчи шоирлар 2. «*Мажоз сувратиға шайдолар*», яъни дунёвий ишқнинг куйчилари 3. Ҳар икки олам муҳаббатини куйловчи шоирлар.

Алшшер Навоний ғазалнависликда Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомийларни устоз деб билган.

Навонийнинг барча девонлари жанр жиҳатдан ранг-барангдир. Шоирнинг саккизта девони мавжуд. Шулардан 7 тасини ўзи тузган, биттасини замондошлари тузишган. Улар қуйидагилар:

1. *Илк девон* (замондошлари томонидан тузилган бу девон шоирнинг 24 - 25 ёшлиқ даврида хаттолар султони Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган, илмда унга шартли равишда шундай деб ном беришган)

2. «*Бадоеъ ул-бидоя*» (1472-76 йил, ўзи тартиб қилган биринчи девони. Унда *«ети-сақизимдин шеър тартиб бериш шавқи рағбати ҳаёлимни банд этди»*, - деб ёзган эди).

3. «*Наводир ул-ниҳоя*» (1476-83, ўзи тартиб қилган иккинчи девони)

4. «*Ҳазойил ул-маолий*» («*Чор девон*», 1492-98 йилларда тартиб берилган туркий тилдаги 4 девондан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига баравар - 650 тадан ғазал киритилган. Бу девонлар қуйидагилар:

- а) «*Ғаройиб ус- сифар*» («*Ёшлик ғаройиботлари*», 7-8 ёшдан 20 ёшгача, баҳор)
 б) «*Наводир ум-табоб*» («*Йигитлик нодирликлари*», 20 ёшдан 35 ёшгача, ёз)
 в) «*Бадоеъ ул-васат*» («*Урта ёш гўзалликлари*», 35 ёшдан 45 ёшгача, куз)
 г) «*Фавоид ул-кибар*» («*Кексалик фойдалари*», 45-60 ёшлар, қиш, унда 86 та фард мавжуд)

5. «*Девони Фониӣ*» (1491-1498, унга форс-тожик тилидаги 600 та ғазал киритилган).

Навойнинг «Хамса» си ҳақида

Навой «Хамса» си XV асрдаги халқимиз маънавий тараққиётининг кўзгуси бўлиб, унда ўша давр ижтимоий турмуши, халқ ҳаёти, урф-одатлари, дин-диёнат, ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашлар ўз аксини топган. Бўлажак шоирнинг севиб ўқиган шоирлари *Низомий Ганжавий* ва *Хусрау Деҳлавий* эди:

Кичик эрқонимдин бўлиб қошима,

Улуғ муддао солдингиз бошима, -

деб ёзади шоир ўзининг «Хамса» сида.

Жами 54 минг мисрадан иборат Навойнинг «Хамса» си 1483-1485 йилларда ёзилган бўлиб, беш дostonдан иборат. Улар қуйидагилар:

1. «*Хайрат ул - аброр*» («*Яхши кишиларнинг хайратланиши*»). Асар 7976 мисра (3988 байт) бўлиб, 64 боб, 20 мақолатдан иборат. Булардан 21 боби муқаддима, 40 боби – 20 мақолат ва 20 ҳикоя ҳамда масал, сўнгги уч боби эса асар хотимасидир. «Хайрат ул - аброр» 1483 йилда арузнинг сариъ баҳрида ёзилган бўлиб, анъанавий муқаддима – «ҳамд ва наът» билан бошланади. Дастлабки *икки боб* устозлар таърифига бағишланган, *икки боб* сўз ва унинг манолари ҳақида. Сўнг *Хусайн Бойқарога, улуғ пираари Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрорга бағишловлар* келади. Ниҳоят, 22 - бобдан мақолатлар бошланади. Ҳар бир мақолат маълум бир мавзуга бағишланган бўлиб, уларга мутаносиб бирорта ҳикоят ҳам келтирилган:

1 - мақолат иймон ҳақида, 2 - мақолат ислом ҳақида, 3 - мақолат султонлар ҳақида (унда «*Шоҳ Ғозий*» ҳикояти келтирилган), 4- мақолат риёкор шайхлар хусусида, 5 - мақолат хайру эҳсон (карам) ҳақида (унда «*Хотами Тоӣ*» ҳикояти келтирилган. *Бир анга суварки, ул оч эмас, Берур анга тўкки, ялонғоч эмас* - мисралари ҳам мана шу карам ҳақидаги 5 - мақолатдан олинган), 6 - мақолат адаблилик (одоб ва камтарлик) ҳақида (унда «*Нутравон ҳаё боғида*» ҳикояти келтирилган), 7 - мақолат қаноат ҳақида (унда «Қаноат қилувчи жувонмард билан тамагир» ҳикояти бор), 8- мақолат вафо ҳақида (унда «*Икки вафоли ёр*» ҳикояти келтирилган бўлиб, *воқеалар Ҳиндистонда бўлади*), 9- мақолат ишқ ўти ҳақида, 10 - мақолат ростгўйлик ва тўғрилик ҳақида (унда «*Шер билан Дурроғ*» масали келтирилган бўлиб, *ёлғончилик илати қораланган. Унда Навоӣ «Сўзда, Навоӣ, не десанг, чин дегил, Рост наво нармага таҳсин дегил» дейди*), 11 - мақолат илм осмонининг юлдузлардек баланд мартабалигини ҳақида, 12 - мақолат қалам ва қалам аҳллари ҳақида, 13 - мақолат булутдек фойда келтирувчи одамлар ҳақида, 14 - мақолат осмон тузилишидан шикоят, 15 - мақолат жаҳон майи ҳақида, 16 - мақолат хунасаифат олифталар ҳақида, 17 - мақолат баҳор йигитлигининг софлиги ҳақида, 18 - мақолат фалак ғамхонаси ҳақида, 19 - мақолат Хуросоннинг мисли йўқ вилояти баёни ҳақида (*Хуросон ва Ҳирот васф этилган*), 20 - мақолат мақсаднинг ўталгани ҳақида.

Низомий Ганжавийнинг «Маҳзан ул-асрор» ига 40 дан ортиқ назира битилган. Шундан 3 таситгина чигатой тилида. Шулардан бири «*Хайрат ул-аброр*» бўлди.

2. «*Фарҳод ва Ширин*». Асар 1484 йилда ёзилган бўлиб, 59 боб, 5782 байтдан иборат. Бу мавзу аслида эски бўлиб, муайян тарихий шахсларга бориб

тақалади. 590 йилда тахтга чиқиб, 628 йилда ўлдирилган Эрон шоҳи Хусрав Парвезнинг гўзал Ширинга бўлган муҳаббати кўпгина тарихий асарларда қайд этилган. Тарихчи *Табарий* (923 йилда вафот этган) уни «*Хусравнинг энг севакли хотини бўлган*» деб хабар беради. *Балъамий* (996 йили вафот этган) фикрича, ундан гўзал аёл бўлмаган. Бу гўзал малика ҳақида ривоят ва афсоналар тўқилган. Ҳатто, *араб сайёҳи Якут* (1179-1229) Ширин муҳаббати ҳақида Бисутун тоғида Доро ёздирган ёзувларни ўз кўзи билан кўрганини маълум қилади. У ҳақда биринчи бўлиб ёзма адабиётда *Фирдавсий* дoston ёзиб, «*Шоҳнома*» сига киритган. Низомий эса уни ишқий - саргузашт дoston ҳолига келтирди.

Ёзган асарларини дурга ўхшатган шоир уни синдирганларнинг қўлини синдир, яхши қабул қилганларга яхшилик қил, деб тангридан сўраб: «*Ани синдурган эми қил шикаста, Хужаста кўрган элга тут хужаста*» - дея биринчи бонини тутаган. Dostonнинг икки бобида пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг икки машҳур каромати - кўрсаткич бармоқ ишорати билан ойини иккига бўлганлари ҳамда меърож, яъни Буроқ отида Қуддус шаҳрига қилган тунги саёҳатларидан сўнг Жабрийил кўмагида еттинчи осмонга - Аллоҳ ҳузурига парвозлари талқин қилинган. Навоий устози ва пири - «*ҳазрати шайх ул-исломий мавлоно Нуриддин Абубораҳмон Жомий*» мадҳида уни шундай таърифлайди:

*Ики пил ўлса Хусрав ё Низомий,
Эрур юз пил чоғлиғ пил Жомий.*

«Фарҳод ва Ширин» дostonидаги воқеалар Чин ва Арманистонда кечади. Асарда Фарҳод Хусравга қарата: «...*Беғуноҳларнинг қони сенинг гарданияда, сипоҳингни ўз қўлинг билан қирмоқчисан... бу тош бошингдаги дубулганнинг учини учиражак, бу тошга нишон байроғингнинг учидоғи ойдир...*» - дейди. Хусрав макр билан Фарҳодни қўлга олади. Бир маккор эркак беҳуш қилувчи дори сепилган гулни ҳидлатиб, Фарҳодни асир қилади. Хусрав ва Фарҳод ўртасида сўхбат - диалог бўлади. Фарҳоднинг жавобларидан жаҳли чиққан Хусрав унга нисбатан «*бир неча кун дарда осваляқ турсин, халояйқ уни тошбўрон қилиб ўтсин, кейин ўлкини гулганга ташлаб куйдирсинлар-у, куллини кўкка сояурсинлар!*» - дея ҳукм чиқарган ва Фарҳодни қатл қилиш учун кўрғон алдида дор ҳозирлашни буюрган. Фарҳодни Салосил деган ғорга қамаб, оғзига беш юз қоровул қўядилар. Ғорда Фарҳод Сукрот ўргатган бир сеҳрли исмини айтиб, бари бандларни ечиб, темир дарвозаларни ҳам очиб, бемалол чиқиб кетаверган.

Doston қаҳрамонлари: Фарҳод, Ширин ва Меҳинбону жон берадилар. Фарҳоднинг отаси билан онаси ҳам ўғиллари фироқида вафот этиб кетади. Чин мамлакатига Фарҳоднинг амакиси подшо, Баҳром эса лашкарбоши бўлади. Баҳром лашкар тортиб, Арман диеғрига келади ва Шопур билан бирга Фарҳоднинг қабрида мужовир (яъни турғун яшаб қолувчи) бўлиб қолади.

Doston сўнггида берилган шаҳзода Шоҳарибга насихат ва якуний боб Фарҳод образининг шоир замонасидаги барча шаҳзодаларга ўрнак қилиб олинганини равшан кўрсатади.

Навоий Фарҳод ва Ширин образлари орқали халқлар дўстлиги ғоясини ҳам илгари сурган. Бу дostonда *вафодорлик ва садоқат* каби инсоний фазилатлар улуғланган. Навоий бу дostonни иккинчи ном билан «*Меҳнатнома*» деб атаган. Бу асар *ҳазажси мусаддаси маҳзүф* (*мафоиилун, мафоиилун, фаулун*) вазида ёзилган.

Алишер Навоийнинг олимлик мартабасини улуғлаш руҳидаги
*Бировким, қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим -*

мисралари ҳам "Фарҳод ва Ширин" асаридан олинган.

Асарнинг асосий қаҳрамонлари қуйидагилар: *Фарҳод (Демонким, кўнгли пок-у, ҳам кўзи пок, Тили пок-у, сўзи пок-у, ўзи пок)* мисралари Фарҳод мадҳига бағишлаган). Унинг Ширинга мактуби «...*Низоро, маҳвамо, иффатланоҳо,...*» мисралари билан бошланади. Фарҳод ўз васиятини бодъ сабо (тонг шамоли) га айтади, унинг ўлимидан сўнг ваҳший ҳайвонлар уввос кўтарадилар, аламдан ўзларини тирнайдилар), *Ширин* (у 400 канизи ва Меҳинбону билан Гулгул лақабли отида Фарҳод тамошасига боран, унинг Фарҳодга мактуби «...*Недур аҳволим, эй зор! Ғарбим...*» мисралари билан бошланади. Достондаги «*Менинг жисмимда то жондм рамакдур, Ишим кўрғонда ўзи асрамакдур*» деган мисраларни Фарҳодга ёзган), *Меҳинбону, Баҳром, Суҳайло ҳаким* (Оинаи Искандарий тилсимини билиш учун отланган Фарҳодга Самандарнинг ёғини ҳаё қилган), *Сукрот* (ҳаким), *Хусрав, Шеруш* (Хусравнинг ўғли), *Шокур* (Фарҳод тириклиги ҳақидаги янги маълумотни халқ тўқиган кўшиқлардан билиб олади ва уни Меҳинбону ва Ширинга етказди), *Бузур Умид* (Хусравнинг вазири) ва бошқ.

3. «**Лайли ва Мажнун**». Бу асар ҳам 1484 йилда ёзилган бўлиб, у 36 боб, 3622 байтдан иборат. Бу дoston севги ҳақидаги дostonлар орасида энг ғамгин ва дардли асардир. Дoston қуйидаги мисралар билан бошланади:

*Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят...
Ёзмоққа бу ишқи жовидона,
Мақсудим эмас эди фасона.
Мазмунига бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туфайли.*

Низомий Ганжавий биринчи бўлиб, ушбу қиссани яхлит дostonга айлантирди. Унинг дostonида Марв шоҳи ва унинг девдек-девдек одамхўр итлари ҳақидаги ҳикоя келтирилган. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» ида руҳият гасвирига алоҳида эътибор берилган. Асар воқеаси ҳайбатли тун тасвири билан бошланади. Унда икки ёшнинг дардга тўла ишқ-муҳаббати ҳақида сўз боради. Улар баҳор фаслида севишиб қоладилар ва табиат сўлгин гус олган куз фаслида ҳалок бўладилар.

Навоийнинг бу асарида Искандарнинг пўлатдан бир ойна ясаганлиги, Румда баланд минора қуриб, ойнани Фарангистонга қаратиб ўрнатганлиги, ойнада бутун Фарангистон акс этиб турганлиги акс этирилган. Асар хотинасида қуйидаги байтлар келтирилган.

*Яъни бу сифат фиروقнома,
Бўлди манга қатрарез хома.
Сўгин нечаким узоттим охир,
Илғай-илғай туготтим охир.*

Бу асар ҳазаж мусаддаси аҳраби мақбузи мақфуф (*мафъулу, мафъулу, мафъулу* (- - V V - V - V -)) вазнида ёзилган.

Асарнинг асосий қаҳрамонлари қуйидагилар: *Лайли* («Лайли» сўзи арабча «тунги» демакдир, у ҳай қабиласидан эди. *Лайли* *Мажнунга* «*К-эй йиғит, не ҳолатинг бор? Не наъв ғаму маломитинг бор. Қям тодлагинг йўқ ўзгалардек, Ободлагинг йўқ ўзгалардек*» деб мурожаат қилган), *Қайс* (*Мажнун*, у Бани Омир қабиласидан эди), *Зайд* (*Лайли ва Мажнун орасида воситачилик қилган*), *Навфал*, *Ибн Салом* (*сохта ошиқ*) ва бошқ.

4. «**Сабъан Сайёр**» («**Етти сайёра**»). Асар 1484 йилда ёзилган бўлиб, 38 боб, 5000 байтдан иборат. «Сабъан сайёр» асари «*ҳикоя ичида ҳикоя*» усулида ёзилган.

Асарнинг бош қахрамони - *Баҳром*. Баҳром Шарқда Марс юлдузининг номи. Арабчаси - Миррих. Асар воқеалари 12 - бобдан бошланади. Бунда Баҳром *Моний* айтган ва суратини кўрсатган Дилоромга телбаларча ошиқ бўлиб, давлат ва мамлакат ишларини унутади. Овдаги кийик ҳодисасидан сўнг Дилоромни сочларига оёқ - қўлини чирмаб биёбонга ташлаб келишни бузоради. Эртаси ғазаб ва мастлик тарқаб, уни излайди ва топа олмайди. Шоҳ узоққа берилади. 400 табиб ҳам уни даволай олмайди. Маслаҳат билан етти иқлим шоҳи етти қаср қурадилар. Бу қасрлар шоҳнинг мамлакатига олиб борадиган йўл устига қурилади. Моний унинг ҳар бирини ўзга бир ранг билан безайди. Етти иқлим шоҳи биттадан ўз қизларини берадилар. Шоҳона гўйлар ўтказилади. Баҳром шанба кунини мушқфом қора либослар кийиб, қора ранг гумбазга кириб, ҳинд маликаси ҳузурда ўтказилади. Шоҳнинг буйруғига кўра хизматчилар бир мусофирни бошлаб келадилар. Ҳиндистонлик бу мусофир саҳийликнинг бетимсол намунасини кўрсатган *Ахий ҳақидаги ҳикоятни* (1 - ҳикоят) айтиб беради. Шу тариқа Баҳром яқшанба кuni зарнигор қасрда зарбоф кийимлар кийиб, румлик мусофирдан *Зийд Заҳроб ҳақидаги ҳикоятни* (2 - ҳикоят), душанба кuni яшил қасрда шахрисабзлик мусофирдан *Саъд ҳақидаги ҳикоятни* (3 - ҳикоят), сешанба кuni гулранг либосда гулнорий қасрда тарозлик (ҳиндистонлик) мусофирдан *Жўна ва Масъуд ҳақидаги ҳикоятни* (4 - ҳикоят), чоршанба кuni ҳаво ранг кийимларда мовий қасрда бешинчи иқлим йўлидан келган мусофирдан *Меҳр ва Сухайл ҳақидаги ҳикоятни* (5 - ҳикоят), пайшанба кuni сандал рангли кийимда сандал қасрда олтинчи иқлим йўлидан келган мусофирдан *Муқбл ва Мудбир ҳақидаги ҳикоятни* (6 - ҳикоят), жума (еттинчи) кuni оқ либосда оқ қасрда хоразмлик (еттинчи иқлимдан келган) мусофирдан *Дилором ҳақидаги ҳикоятни* (7 - ҳикоят) тинглайди. Баҳром ёри билан қайта топишади, лекин яна овга. айши-ишратта берилади. Бир кuni ов пайтида Баҳром ва унинг одамлари ботқоққа ботиб кетади.

Навий Баҳром тимсолида *«Ишқ ила шоҳлиғ мувофиқ эмас, Ишқ лофида шоҳ содиқ эмас»* лигини кўрсатган.

Ки жаҳол кимсага вафо қилмас,

Шоҳлиғ таркига киро қилмас

Шаҳли, минг йил онинг ҳаётидур,

Ғарз - ўғанда ахши отидур - мисралари ҳам шу асардаги

Баҳром номидан айтилган.

Навий «Сабъаи сайёр» ининг Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳаёти билан боғлиқ жиҳати шуки, унда Шаҳрисабз ва Хоразм ҳақида махсус ҳикоялар киритилган.

Алоҳида бир бобда Навий тушида Баҳром билан учрашганини, унинг Хусайн Бойқардон ташвишда эканини ёзган. Баҳром қиссаси Навоийдан кейин ўзбек адабиётида кенг тарқалди. XVIII асрдан ёзма ва оғзаки адабиётимизда Баҳром ва Гуландом туркуми пайдо бўлди. Кошгарлик Ғарибий XIX асрда *«Шоҳ Баҳром ва Дилором»* асарини ёзди. Умар Боқийнинг *«Қиссаи ҳафт манзар Баҳром»* асари, Фозил Йўлдош ўғлининг *«Баҳром ва Гуландом»* достони майдонга келди. «Сабъаи сайёр» асари ҳақиқ баҳри: *фошлотун, мафшолун, фабувлун (- V - V - V - V - V - -)* да ёзилган.

5. **«Садди Искандарий» («Искандар девори»)**. Бу асар 1485 йилда ёзилган бўлиб, 89 боб, 7215 байтдан иборат. У «Хамса» дostonлари ичидаги ҳажм жиҳатидан энг каттасидир. Навоий ўзининг бу асарида Искандар Зулқарнайнинг (*«Зулқарнай»*) сўзининг икки маъноси бор: 1. *Шоҳли*. 2. *Кун чикши ва ботиш хукмдори*) одамсўр яъжужлардан сақланиш учун Қирвон ўлкасида Қоф тоғининг этагида улкан девор қуриши ҳақида сўзлайди. Муаллиф Искандарнинг инсонпарварлигига диққатни кўпроқ қаратади. Асарда тасвирланишича, Файлакус (Филипп) онаси ўлган гўдакни (Искандарни) топиб олиб, ўз тарбиясига олган. Искандар тахтга чиққач, кўп жойларни босиб

олади. Унинг Доро билан тўқнашувига бағишланган тасвирлар ҳам қизиқарли. «Рум мулки Эронга ҳар йили туҳум шаклидаги минг олтин хирож тўлар эди. Искандар уни тухтатади. Элчига: «Туҳум берадиган қуш аллақачон учиб кетган» - дейди. Доро ғазабга келиб, бир чавгон ва тўп, бир халта кунжут билан бошқа бир элчини юборади. Бунинг маъноси шу эдики, сен ҳали димоғингдан сут ҳиди кетмаган бир ғудаксан, чавгонни олиб, тўп уйна, аскарларимиз саноғини мана шу кунжутлар қадар билгин! Искандар эса бундан бошқа маъно кўради. Думалоқ копток унингча ер юзи бўлиб, унинг Искандарга тақдим этилиши унинг дунёни олажазига ишорадир. Кунжутни эса у ўзининг қушлари (аскарлари) учун ҳиммат қилинган озиқ деб ҳисоблайди...». Икки орада уруш бошланади. Доро ноибларининг хиёнати туфайли ярадор ҳолда Искандар қўлига асир тушади. Навоий буни ўз давридаги Абусаид Мирзонинг асир тушганига қиёслайди. Асарда Искандар Эронни, Хуросон ва Мовароуннаҳрни эгаллайди. Ҳинд шоҳи урушсиз таслим бўлади. Чин ҳокони этли кийимида Искандар ҳузурига келиб, унинг шаъну шухратига тан беради. Умрининг сўнгига онаси (тарбиячиси) Бонуга васиятнома ёзиб, уэр сўрайди. Вафот этар экан, Искандар бир қўлини тобутдан чиқариб қўйишни илтимос қилади. Бу бир ибрат, панд эди.

Асарда *Самарқанд* ва *Ҳирот*нинг бино қилиниши тилга олинган.

Абусаид Мирзонинг ўз қўшинига яхши қарамаганлиги учун урушда мағлуб бўлиб асир тушгани воқеалари Навоий «Хамса» сининг «Сади Искандарий» дostonида келтирилган. Бу дoston арузнинг мутақориб баҳрида (*фауълун, фауълун, фауълун, фауъл*) (V - - V - - V - - V -) ёзилган.

«Лисон ут - тайр» асарини ҳақида

Бу асар 1499 йили ёзиб тугатилган бўлиб, у 176 кичик бобдан иборат. Бу асар туркий тилда бўлса-да, Навоий ўзининг «Фоний» тахаллусини қўлаган. Асар қўшларнинг суҳбатга тўланишидан ва адолатли подшоҳни излаш қарори билан бошланади. Худҳуд Семурғни излашга ундайди, уни таърифлаб: «Семурғ бир кеча дунёни айланиб, учиб юрар экан, ногоҳ йўли Чин шаҳридан ўтиб қолди. У бир силкинганда мамлакат нурга фарқ бўлди. Патидан биттаси тушиб қолган экан, огоҳ бўлганлар ақлу шуурини йўқотдилар» - деб ҳикоя қилади. Қўшлар йўлга отланишиб, «таъавб», «шиқ», «маърифат», «истиғно», «таваққил», «хайрат», «фаво» номли 7 водийни кезадилар ва ўзларининг Семурғ эканлигини англаб етадилар. Асарда жуда кўп ҳикоятлар келтирилган. Шулардан бири *Қақтус* деган қуш ҳикоятидир. Унда шундай ҳикоя қилинади: «Қақтуснинг ҳар бир пати бир рангда бўлиб, ўзи якка яшар экан. Бир кун *Файсоғурс* (*Пифагор*) унинг ёмдан ўтиб овозини эшитиб қолиб, муסיқани кашф этибди. Бу қуш умр бўйи ўтин ийғаркан. Умри поёнида ийққан ўтини устига чиқиб, шундай бир ғамгин, лекин дилқам сайраб эканки, барча қушлар ва ваҳший ҳайвонлар жам бўлар ва кўпи ҳалок бўларкан. Сўзида бу қуш ғоят дарди бир нола тортаркан ва ундан хиромга ўт кетаркан, қушнинг ўзи ҳам ўтинга қўшилиб ётаркан. Унинг қулдан эса янги «Қақтусбача» бош кўтариб, ўтин ийғишга тушар экан». Буюк шоир Фариддиннинг Атторнинг ота Қақтусга, ўзини эса у ёққан ва ёнган олов қулидан чиққан «Қақтусбача» га қиёс қилган эди.

Асарда «*Қўлар ва фил ҳикояти*» ҳам берилган бўлиб, унда қўлар сиймосида чаламоллар ва асли ҳиндистонлик донишманд сиймосида маънавий баркамол одам гавдалантирилган. Ёшлиғида шоир Фариддиннинг Атторнинг «*Маллик ут-тайр*» («*Қуш лутқис*») асарини севиб ўқиган эди. Қўшлар хаёли Алишерга бир умр ҳамроҳ бўлиб, умрининг сўнгига ушбу «*Лисон ут-тайр*» («*Қуш тили*») асарини ёзди.

Навоий ҳикоятлардан:

*Тенгри чун одамни махлуқ айлади,
Ўзни - ошиқ, они - маъшуқ айлади.*

*Ўз ағзудунига тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен - ўзунгдин истагил.*

*Шогирд азар шайх ул-ислом, азар қозидур, Вовиз улдурки, мажлисига холи кирган
Агар устод андин розидур - тенгри розидур. тўлғай ва тўла кирган-холи бўлғай.*

Тилинг билан кўнглингни бир тут,
Кўнгли ва тили айтқон сўзга бут.

Бейфойда сўзни кўп айтма,
сўзни кўп эшитурдан қайтма.

Асарларидан нарчалар:

«... ғам ва ташвишлари ошиб, юзига тутган пардаси юзидан учиб кетса, ғам билан парварши тоған ўғлини эслаб, тўққиз қааат пардасининг ичидан юзуриб чиқса, жоним ишга боғланганим деб юзларини тилиш-тилим қилса...».

«Фарҳад ва Ширин» достонидан, Фарҳоднинг отаси ҳақидаги сўз.

Сўз гуҳарига эрур онча шараф
Ким, бўла олмас анга гавҳар садаф.

Турт садаф гавҳарининг дуружи ул,
Етти фалак ахтарининг буржи ул. («Хайрат ул - аброр» дан, «Сўз таърифида»)
Солиқ ани «арши муалло» деди,
Суфий ани «салами кубро» деди...

Ким бу ҳалойиққа эрур саждагоҳ,
Ул бири холиққа эрур жилвагоҳ. («Хайрат ул - аброр» дан, «Кўнгли таърифида»)

18 - МАВЗУ. XV - XVIII АСР АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

XVII - XVIII АСРЛАР ВА XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ АДАБИЁТИ ҲАҚИДА

Бу даврда ижтимоий - тарихий тузум мураккаб тус олди, Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари шаклланди. Узаро урушлар, қирғинлар даврида ҳам халқ санъати ва ижодиёти ўлмади. Бу давр маданий ҳаётининг асосий йўналишларидан бири тазкирачилик бўлди. Куйидаги тазкиралар ана шу даврда яратилган: 1. *Мутрибий «Тазкират уш - шуаро» (1604-1605, 320 дан ортиқ ижодкор ҳақида маълумот берилган).* 2. *Муҳаммад Бадеъ Малехо Самарқандий «Музаққир ул- асхоб» (1692, Марказий Осиё шаҳарлари ва Эронда XVII асрда яшаб ижод этган 160 дан ортиқ ижодкорлар ҳақида, жумладан, Субҳонқулихон салтанати ва унинг сулоласи тарихи ҳақида маълумот берилган).*

Бу даврда ўзбек халқ оғзаки ва ёзма меросининг ўзига хос намуналари - кўплаб халқ китоблари яратилди. «Гўрўғам» туркумидаги жанномалар, тарихий мазмундаги қаҳрамонлик достонлари, «Тоҳир ва Зухра», «Ошиқ Ғариб ва Шохсаван», «Сайёд ва Ҳамро», «Асли ва Карам», «Юсуфбек ва Аҳмадбек», «Алибек билан Болибек», «Хуршид ва Маликян Дилором», «Санобар» (бу китоб наср ва назмда ёзилган бўлиб, унда чин мамлакати подшоҳи Хуршидшоҳнинг ягона ўғли Санобар тушинда Шабистон шаҳри шоҳи Фаррухнинг қизи Гулга ошиқ бўлади) каби достонларнинг фольклор ва халқ китоблари нусхалари яратилди ва кенг тарқалди. Бу даврда яратилган халқ китоблари орасида Сайёдийнинг «Тоҳир ва Зухра» достони алоҳида ўрин тутди. Бу дoston ёшларнинг оташин севгиси, фожиали қисматидан сўзловчи машҳур ривоят, эртақ, қиссалар мундарижаси асосига қурилган. Сайёдий анъанавий мундарижани қайта ишлаган ва бирмунча ўзгартиришлар киритган.

МУҲАММАД СОЛИҲ (1455 - 1535)

«Нур Саидбекнинг ўғлидурким, кўп вақтлар Чаҳорқўй навоҳисидин Адоқ навоҳисига дегинча аморат қилди ва Султон Абу Саид Мирзо эшигида, Улуғбек ва Жўги Мирзо эшигида соҳиб ихтиёр ва жумлат ул-мулк эрди».

А. Навоий («Мажolis ун-нафoис» дан)

Муҳаммад Солиҳ Нур Саидбек ўғли 1455 йилда Хоразмда туғилган. Отаси Хоразм ҳокими бўлиб, Улуғбек, Жўги Мирзо, Абусайд Мирзо саройларида хизмат қилган эди. Муҳаммад дастлабки маълумотни олгач, Ҳиротда

Абдурахмон Жомий ҳузурда тақсил кўради. У бу ерда араб, форс-тожик тилларини, хаттотлик санъатини ўрганadi, тарих, фалсафа билан шуғулланади. Отаси вафотидан сўнг бир қанча вақт теурийлар саройида хизмат қилади ва 1499 йили саройдан кетади. Ўз тақдирини шоир «Шайбонийнома» асарида қуйидагича тасвирлайди:

*Лақабу Солиҳ-у, ўзи толиҳ,
Нур Саид ўғли Муҳаммад Солиҳ,
...Мани гардун ситами қилди етим,
Айлади кишвари ғам ичра муқим.
Хорлиқлар билан ўстум бисёр,
Зорлиғлар билла кўрдум озор...*

Муҳаммад Солиҳ Шайбонийхон томонига ўтади ва унинг фаол ҳамроҳига айланади. Шайбонийхон уни яхши кутиб олади ва ўз саройида Муҳаммад Солиҳни *амир ул-умаро*, яъни *амирлар амири*, *малик ум-шуро*, яъни *шоирлар шоҳи* мақомига кўтаради. У 1505 йилнинг охири 1506 йилнинг бошларида Ашгабод яқинидаги Нисо шаҳри ҳокимлигига тайинланган ва 1510 - 1511 йилларгача шу шаҳарда яшаган. Шайбонийхон вафотидан сўнг шоир Бухорога қайтади ва 1535 йилда ўша ерда вафот этади. Муҳаммад Солиҳ шеърлар ёзган, уларни тўплаб бир девон тузган бўлса ҳам, бироқ бу девон топилган эмас.

«Шайбонийнома» достони ҳақида

Шоирнинг тулиқ етиб келган асари «Шайбонийнома» бўлиб, у тахминан 1506 - 1507 йилларда ёзиб тугалланган. М. Солиҳ «Шайбонийнома» асарини *маснавий усулида* ёзган. Бу достон жами 76 боб, 8902 мисрадан ташкил топган (бундан 3 боби «Ҳамд», «Муножот», «Наът», 4 - бобдан 14 - бобгача (102 байт) Шайбоний мадҳи, 15 - бобдан китоб назмининг сабаби ҳамда воқеалар тасвирланган) бўлиб, унда Шайбонийхоннинг 1500 - 1506 йиллардаги юришлари ҳақида гап боради. Шоир теурийлар ҳақида шундай ёзади:

*Ичадурлар кеча-кундуз бода,
Дину иймон соридин озода.
Бир-бири билла мухалиф барча,
Бир-биридин тақи хойиф борча.*

Асарда муалиф Шайбонийхонни мадҳ этади, унинг шеърларидан намуналар келтиради, уни Навоийлар орзулаган «*сурати шоҳу, сийрати дарвеш*» ҳукмдор даражасига кўтаради.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР (1483 - 1530)

«Бобур феъли-сажиясига кўра Цезарга араганда севшига арзуғуликдир».

Эдуард Халден.

Бобур (*арабча*, «*шер*») 1483 йил 14 февралда Фарғона вилоятининг пойтахти Андижонда туғилган. Отаси Умаршайх 1494 йил 9 июнда Аҳси кўрғонида жардан кабутархонаси билан кулаб, ҳалок бўлади (39 ёшида). Бобурнинг шажараси қуйидагича: *Умаршайх Мирзо - Абдуқадир Мирзо - Султон Муҳаммад Мирзо - Миронишоҳ - Амир Теуур*. Онаси Қутлғ Нигорхонимнинг отаси Тошкент ҳокими Юнусхон эса ўзбеклашган мўғул уруғидан бўлиб, 12 авлод билан Чингизхонга туташган. Бобур уни «*Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойхон наслидандур*» деб таништиради. Умаршайх Мирзонинг уч ўғли (З.М.Бобур, Жаҳонгир Мирзо, Носир Мирзо), беш қизи (Хонзодабегим, Меҳрбонубегим, Шаҳрбонубегим, Едгор Султонбегим, Руқия Султонбегим) бўлиб, Бобур ўғилларининг энг каттаси эди. Опаси - ўзидан беш ёш катта Хонзодабегим билан бир онадан эдилар.

Отаси вафотидан сўнг Андижон тахтига Бобур ўтиради. 12 ёшли Бобур дастлаб *Шайх Маъдбек*, сўнг *Бобоқул Бобоабтек*, *Қосим Қаччи* каби беқлар ёрдамида ҳокимиятни идора қилишга киришади. У тахт учун тинимсиз курашиб, 1497, 1500 йилларда Самарқандни, 1502 - 1503 йилларда Ўш ва унинг атрофларини эгаллаб олади, аммо Аҳмад Таибалдан снгилади.

Бобур Самарқандда эканлигида Алишер Навоийдан хат олади. Дарҳол унга жавоб ёзиб, орқасига шеър ҳам битиб юборади. Шайбонийхон сикуви натижасида Бобур Ҳиндистон томонга чекиниб, Ҳиндистонга 1519 - 1525 йиллар орасида 5 марта юриш қилади, 1526 йил 21 апрелда Ҳинд Султони Иброҳим Лудийнинг кўшнинини енгади ва шу тариха Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласининг ҳукмронлигига асос солади. Бобур 1530 йил 26 декабрда Аграда вафот этади. Унинг жасади Жамна дарёсининг чап соҳилидаги Нурафшон боғининг марказий қисмига дафн этилади. 1533 йилда эса ҳоки васиятига мувофиқ Қобулга, «Боғи Бобур» га кўчирилади. Бобурийлар сулоласи 1483 - 1858 йиллар мобайнида ҳукм сурган.

Бобур 16 - 17 ёшидан бошлаб бадий ижод билан шуғулланади, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзади. У ўзбекча шеърларини тўплаб 1519 йилда Қобулда («Қобул девони»), 1528 - 29 йилда Ҳиндистонда («Ҳинд девони») девонлар тузган. Бизгача етиб келган шеърларининг умумий сонни 400 дан ошадди. Шулардан 119 таси ғазал, 231 таси рубоийдир. Бобур лирикасининг асосий жанрлари ғазал, рубоий ва туюқ бўлиб, шоир қитъа, фард каби жанрларда ҳам ижод қилган. Бобурнинг 4 та ўғли, 3 қизи бўлиб, шулардан Комрон исми ўғли шеърый девон тузган. Шоир шеърларида Ватан ишқи мавзуси етакчилик қилади. 3. М. Бобур 20 ёшида «Хатти Бобурий» ёзувини кашф этган, Хужа Аҳрорнинг «Волидия» асарини шеърый йул билан таржима қилган.

Асарлари: «Бобурнома», «Мубаййи ая-закоат» («Закоат баёни», ўғли Ҳумоюнга бағишлаган, 1521), «Мухтасар» (1523-1525 й, аруз вазни ҳақида), «Ҳарб шиъ» ва «Мусиқа илми» (бу икки асар топилмаган), «Қолдиму?!» радиопли ғазали (1507 йилда Ҳирот-Қобул йўлида ёзилган), «Топмадм» («Самарқандни икки мартаба қўлдан бериш изтироби» ёритилган ғазал) ва бошқ.

«Бобурнома» ҳақида

Бу асар дастлаб «Вақоеъ» («Воқеалар») деб аталган. Сўнграқ «Воқеоти Бобурий», «Воқеанома», «Тузуки Бобурий», «Бобурия» номларини олган. Охирида «Бобурнома» бўлиб шухрат қозонган. Асарда 1494 - 1529 йилларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда рўй берган воқеалар акс этган. Лекин 910 (1504-1505), 915 (1509-1510) - 924 (1518-1519), 927 (1520-1521), 928 (1521-1522), 930 (1523-1524), 931 (1524-1525) йилларнинг воқеалари берилмаган. «Бобурнома» нинг ўндан ортиқ қўлёзма нусхалари бўлиб, жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланади. Асарни 1857 йилда Қозонда Н. И. Ильминский, 1905 йилда Лондонда Беверидж хоним нашр этдилар. Ўзбекистонда дастлаб профессор Фитрат 1928 йилда «Бобурнома» дан парчалар эълон қилган эди. Асар 1948 - 1949 йилларда 2 жилдада нашр этилиб, 1960 ва 1989 йилларда унинг тузатилган нашри амалга оширилди. «Бобурнома» XVI асрдаёқ турли шарқ тилларига таржима қилинган. Жумладан, 1586 йилда форс тилига ўтирилган. Еднома Оврупога XVIII асрнинг бошида кириб борди. 1705 йилда Витсел китоби голланд тилига таржима қилиб, Амстердамда чоп этди. 1526 йилда Ж. Лейден ва В. Эркстн унинг инглизча таржимасини, 1871 йилда Пассе де Куртейл французча таржимасини нашр қилдилар. XX асрда бу асарни Рашид Раҳмати Орат туркчага, Михаил Салее русчага таржима қилдилар. 1826-1985 йиллар давомида «Бобурнома» 4 марта инглиз (1826, 1905, 1921, 1922), 3 марта француз (1871, 1980, 1985), 1 марта немис (1878) тилига ўтирилиб, нашр этилди.

Бобурнинг ҳаёти ва фаолиятига доир ўнлаб бадий асарлар ҳам яратилди. Булар орасида франциялик Флора Анна Станнинг «Бобурхон» (Париж, 1940), Феррард Гренарднинг «Бобур» (Париж, 1930), АКШлик Гаррод Лембинг «Бобур - йўлбарс» (Нью-Йорк, 1961) романлари, Вамбер Тасковнинг «Бобур ва унинг аълолари ёки Буюк мўғуллар» (Нью-Йорк, 1980) эссе - романи бор. Ҳиндистонлик Муни Лавл Бобур ва бобурийлар ҳақида 6 та роман ёзган. Ўзбек

адабиётда *П. Қодиров*, *Б. Бойқобилов*, *Х. Султонов* Бобурга бағишлаб роман, қисса ва дoston яратганлар.

«Бобурнома» да илм - фан, санъат, адабиёт аҳли хусусида кенг фикр юритилган. Китоб муаллифи *Алишер Навоий*, *Жомий*, *Биноий*, *Муҳаммад Солиҳ*, *Ҳилолий*, *Сайфи Бухорий*, *Мир Ҳусайн Муаммоий*, *Шайхимбек Суҳайлий*, *Аҳмад Ҳожибек*, *Беззо*, *Шоҳ Музаффар*, *Ғулом Шодий*, *Ҳусайн Удий* каби шоир ва санъаткорлар ҳақида маълумотлар берган, асарларидан намуналар келтирган.

Бу асарда 1502 йилга Аҳсига яқин Карнон деган жойда Бобур ёлғизланиб, улум билан юзлашганда намоз ўқиш чоғи уйку элитган Бобурнинг тушига тежуирийларнинг пири, ислом оламиниинг муътабар сиймоларидан *Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор* кириб, ёрдам беражагини айтиши эпизоди ҳам келтирилган.

Асардан парчалар:

«Тенгри таолонинг инояти билан... ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум...»

(*Ҳусайн Бойқаро тасвири*)

«Валодат ва насаби валодати секкиз юз қирқ иккид. Ҷрида Шохруҳмирзо замонида эди. Султон Ҳусайнмирзо бинни Мансур бинни Бойқаро бинни Умаршайх бинни Амир Темур... Онаси Фирузабегим эди. Темурбекнинг набираси. Султон Ҳусайнмирзо Мироншоҳ миризонинг ҳам набираси бўлур эди. Султон Ҳусайнмирзо каримутарафайн эди...»

...мафосил (ревматизм) захмати жиҳатидан наюз қила олмас эди. Ҳарроф (улфат) ва хушхулқ киши эрди...

Табъи назми (шеърый истеводди) бор эди. Девон ҳам тартиб қилур эди. Туркий айтур эди. Таҳаллуси «Ҳусайний» эди. Баъзи байтлари ёмон эмасдур, вале Миризонинг девони тамои бир вазнадур...

... Шужоғ (шижоатли) ва мардона киши эди. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн Миризоча қилч чопмиш бўлғай».

(*Алишер Навоий тасвири*)

«Алишербек назирн йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтувтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас...»

Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Кулмуҳаммад ва Шайх Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар...

Уғул ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, оламини таъре фард (ёлғизлик) ва жариди (танҳоликда) ўткарди...

...Яна мусиқада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақиллари ва яхши пешравлари бордур».

(*Алдижон тасвири*)

«... Эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқдур. Элининг лафзи қалам била ростдур...»

«... бу тарихқача уч киши Ҳиндустон вилоятиға мусаллат (эга) бўлур, салтанат қиливтурлар. Бир Султон Маҳмуд Ғозий (Ғазнавий). Иккинчи Султон Шаҳобиддин Ғурийн... Учинчи мендурмен, вале менинг ишим ул подшоҳларнинг ишига ўхшамас...»

Шеърларидан намуналар:

Ҳазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб, раҳм айлагил, эй лоларуҳ, бу чехрай зардим...

Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз,
Жалғиятингиз борини давлат тутунгиз.
Ҷун гардиши чарх будурур, тенгри учун
Бир-бирни неча кунн ганимат тутунгиз. (Рубоий)

Ҳар вақтқи кўрасен менинг сўзимни,
Сўзумни ўқуб соғингайсен ўзимни...

ХОЖА

(1480 - 1547)

Хожа ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли намояндасидир. Унинг тўлиқ исми Ибодулло Сайид Пошпохожа бинни Абдуваҳобхожа бўлиб, Хожа унинг адабий тахаллусидир. Адиб 1480 йилда Балх шаҳрида туғилган. Хожа бир қанча вақт вақф ерларининг ҳисоби устидан назорат олиб борувчи садрлик лавозимида ишлайди. Балх ҳокимлиги Кистан Қаро султон қўлига ўтгач, у Хожани дин аҳллари ва уламолар бошлиғи - шайхулисломлик мансабига тайинлайди. Хожа Шайбонийлар салтанатида вилоят ҳокими, жумлат ул-мулк каби лавозимларда ҳам ишлаган. Адиб ниҳоятда чиройли хат ёзганлиги ва шеърий ижод билан шуғулланганлиги учун хонлар ўртасидаги ёзишмаларни ҳам олиб боради. У моҳир ҳикоянавис, қасиданавис бўлиш билан бирга рубоий, ғазал, қўтба каби жанрларда ҳам баракали ижод этган. Хусусан унинг «Мифтоҳул адл» («Одмалик калити»), «Гузур» ва «Мақсад ул-атвор» каби асарлари машҳурдир. Бу асарлар ҳикоят, қўтба, рубоий, маснавий, фард каби жанрлардан ташкил топган. «Мифтоҳул - адл» асарида «ҳар ким эжжанини ўради» мақоли бадий ҳижатдан талқин этилган. Унинг «Мифтоҳул - адл» (1508-1510) асари Шайбонийхоннинг ўғли Темур султонга, «Гузур» (1508) асари Кистан Қаро султонга, «Мақсад ул-атвор» (1514 - 1520) асари эса Кистан Қаронинг тоғаси Жонибек Султонга бағишланган.

АБУЛҒОЗИ БАҲОДИРХОН

(1603 - 1664)

Абулғози Баҳодирхон давлат арбоби, шоир, хон, тарихнавис олим, нафис санъат билимдонидир. Хива хони Араб Муҳаммаднинг етти ўғлидан бири бўлган. У саркарда сифатида тобланиш йилларида Туркистон, Самарқанд ва Бухорода бўлди, Эрон Исфаҳонда ўн йил ҳаёт кечирди, форс - тожик, араб, мўғул тилларини ўзлаштирди. Абулғози ўз отасининг номи билан аталувчи Арабмуҳаммад мадрасасида таҳсил олди. У акаси Асфандиёрхон ўлгандан сўнг 1643 йилда тахтни эгаллай бошлаган ва 1645 - 1663 йиллар мобайнида ҳукмронлик қилган. Хоразмнинг ўтмиш маданияти Абулғозида катта иштиёқ ва қизиқиш уйғотган эди. Абулғози «Шажараи тароқима» (1661), «Шажараи турк» (1664) ва табобатта оид «Мавофез-ул-нисон» (1664) каби ноидир асарлар ёзди ва Хоразм тарихчилиқ мактабига асос солди. «Шажараи тароқима» асарида туркларнинг афсонавий шоҳи Уғузхон, унинг авлодлари ҳақида маълумотлар, ўша замонда содир бўлган воқеалар баён этилади.

«Шажараи турк» асарида асосан, Чингизхон ва унинг авлодлари, хусусан шайбонийхонлар хусусида гап боради. Абулғози бу асарини 1663 йилда ёза бошлаган ва уни охирига етказолмай, 1664 йил 61 ёшида вафот этди. Унинг ўғли Анушахон замонасининг тарихчиларидан Маҳмуд бинни Мулла Муҳаммад Замон Урганжиёга буюриб, «Шажараи турк» асарини ёздириб тамомлайди. Абулғози З. М. Бобур аъёналарини давом эттириб, «Бобурнома»га ҳамоҳанг асарлар яратишга интилган. Унинг асарлари бунинг ёрқин мисолидир. Бу асарларда А. Баҳодирхоннинг элшунослик ва тилшунослик борасидаги фикрлари уйғун ифодаланган. Абулғози яратган жами шеърлари 6 та бўлиб, 80 мисрани ташкил этади.

«Шажараи турк» асарида

«Бу тарихнинг яҳши ва ёмон барчалари билсун, теб туркий тил билан айтдош. Туркийни ҳам андақ айтубманки, беш яшар ўғлон тушунур. Бир калима чигатой туркисиндин ва форсийдин ва арабийдин қўшмайман, равшан бўлсун теб»

«Аса лафз мўғул - «мунгул» турур. Авомнинг тили келмасликидан бора-бора мўғул тешилар. «Мунг»нинг маъносин барча турк билурлар, қайғу маъносина турур. «Ул»нинг маъноси содадил, яъни «қайғули сода» темак бўлурур.

«Оқсоқ Темур ушбу уруқдин эрди. Бармоғнинг маъноси сипоҳсолар темак бўлурур. Туркийси черик бошлаб юрийтурган киши».

«Бухоро темакнинг маъноси муғ тилинда илм ва аҳли илмнинг жамъ бўлатурган ери темак бўлурур».

СУФИ ОЛЛОЁР

Суфи Оллоёр 1620 йилда Самарқанднинг Минглар қишлоғида Оллоқули исми тақводор киши оиласида туғилди. У бошланғич маълумотни уйда ва масжид хузуридаги мактабда олди. Суфи Оллоёр 10 ёшларида Бухорога борди, 15 йил мобайнида Жўбор шайхларидан илм ўрганади, 25 ёшида Бухоро божхонасида ишлайди, шайх Ҳабибулло хузурида 12 йил тақсил олади. Бухорода оила қуриб, Муҳаммадсодиқ, Амина, Ҳалима исми фарзандлар кўрган. Суфи Оллоёрнинг қабри Сурхондарё вилоятининг Денов тумани яқинидаги қишлоқлардан бирида жойлашган. Суфи Оллоёр диний адабиётнинг йирик намоянаси. Суфи Оллоёр адабиёт тарихида божғирликдан кечиб, кароматтуй авлиё даражасига кўтарилган шоирдир.

Алишер Навоий «Хайратул-аброр» да халқни боққа, шоҳни боғбонга ўхшатган эди. Вужуднинг барча аъзоларини халққа, кўнглини халқни бошқарувчи шоҳга ўхшатган куйидаги мисралар ҳам Суфи Оллоёр қаламига мансуб:

*Ҳама аъзо раиятдур, кўнгул шоҳ,
Амонлиғ бўлғуси шоҳ адлидин роҳ.
Агар султон ўзи қилса ёмонлиғ,
Қачон бўлғай раиятда амонлиғ!*

Асарлари: «Маслак ул-муттақия», «Сирож ул-ожизия», «Сабот ул-ажзия», «Мурад ул-орфия», «Мазҳаб ул-мушғабия», «Нажот ул-толибия» ва бошқ.

ЗЕБУНИСО БЕГИМ (1639 - 1702)

*Лайм зотидан эсамда дилда мажнунлиғ ҳаво,
Тоғу тош кезгим келур, леким йўлим тўсгай ҳаё ..*

Зебунисо Беғим

Зебунисо Беғим ўзбек шоири Бобур Мирзонинг чевараси Абу Зафар Муҳиддин Аврангзеб Оламғирнинг қизи бўлиб, онаси Дилрасбону Гулбадан беғимнинг авлодларидан бўлган. Зебунисо ўша даврда таниқли отин Ҳафиза Марям қўлида савод чиқаради, араб тили, мантик, ҳикмат, тарих фанларини ўрганади, шоир ва олим Мулло Муҳаммад Исфаҳонийдан 13 йил таълим олади (1659 - 1672), олима, созанда ва хаттот бўлиб етишади. Шоира Бедил билан мушоира қилади, Бедилнинг ёлғиз қизини тарбиялаб вояга етказди. У араб ва форс тилларида ижод қилган. Зебунисодан 8000 минг мисрадан иборат девон, 7 қасида, 5 таржмабанд ва 1 мухаммас қолган. Шоира 1702 йили вафот этган бўлиб, Деҳлидаги «Зарзари» қабристонига Низомидин Авлиё, Амир Хусрав Деҳлавий ёнида дафн этилган. Унинг қабр тошига гоёат камтарлик билан айтган куйидаги байти ёзилган:

*Боғайри сабза напушиад кесе мазори маро,
Ки кабрлуши ғарибон ҳамин гиёҳ бас аст.*

(Таржимаси: Меннинг қабримни сабзадан ўзга ҳеч ким ёлмасин, ғариблар қабрини ёлмоқ учун шу гиёҳнинг ўзим басдир).

Асарлари: «Мунис ул - арвоҳ» («Арвоҳларнинг содиқ дўсти»), «Зеб уш - тавосир» («Гўзал тавосирлар»), «Илжост» радифли ғазал ва бошқ.

БОБОРАҲИМ МАШРАБ (1640 - 1711)

Машраб ҳижрий 1050 (милодий 1640) йили Наманганда камбағал қосиб Валибобо бӯзчи оиласида туғилган (янги маълумотларга кўра у 1653 йили туғилган экан). У отасидан эрта етим қолди. Бобораҳим маҳалла мактабида савод чиқарди, мадрасада ўқиди, мулла Бозор Охунда мурид бўлди. Машраб ёшлиғиданоқ мажнунтабиат, қаландарваш, сўфисифат қиёфа касб этиб борди. 23 ёшларида Қашқарга - машҳур эшон Офоққўжа ҳузурига борди. Шеърларининг гувоҳлик беришича, у етти йил Офоққўжа ҳузурини бўлган. «Машраб» таҳаллусини ҳам унга Офоққўжа берган. Машраб пирининг бир қанизагини севиб қолади ва буни сезган Офоққўжа Машрабни мажруҳ қилиб, даргоҳидан қувиб юборди. Шундан сўнг шоирнинг қаландарона ҳаёти бошланади. У *Наманган - Ҳўжанд - Тошкент - Самарқанд - Бухоро - Мака - Мадина - Истанбул* каби шаҳарларни кезади. Оллоҳ ошиғи бўлган Машраб тасаввуфнинг нақибандия тариқатига кириб, қаландарлик йулини тутди. Мансур Ҳаллож изидан борли ва ўшандай ўлишни орзу қилди, ғазаларида тариқат одоби, мақсади ва мазмунини баён қилди, риёкор ва таъмағир шайхларга «Худо берсин паноҳ» каби ғазалар битди, Ҳақ ишқи билан ёнди. «*Халқ китоби*» сирасига кирадиган «*Девони Машраб*» («*Шоҳ Машраб*») қиссасида Машраб ҳаётига оид маълумотлар келтирилган. «*Шоҳ Машрабининг одатлари шул эрдик, ҳар ерда гўристон бўлса, одамларни устухонларин кўруб, йиғлаб айтур эрдиларки, эй одамизод, охир ўлуб, бошингга туюшдурган иш будур*». Бу қиссада *Ҳожа Абдуҳолиқ Фиждувоний* ва *Офоқ хожа «қутбул - олам»* деган улўф ном билан аталган. Машраб Қабалиёнда Суфи Оллоёр билан учрашади. 18 йил айрилиқдан сўнг онаси ва синглиси билан дийдор кўришган. У Бухорода *Мавлавий Шарифдан* «*Мушкоти Шариф*» таҳсилни олган ва Абдуллаҳоннинг ҳузурини бўлиб, уни ўзининг қароматлари билан лол қолдирган. Машраб шеърларидаги лирик қаҳрамон Имодидин Насимийнинг «*Манга сигар шкки жаҳон, ман бу жаҳона сигмасам*», дегувчи лирик қаҳрамонига маънавий маслақдошдир.

Шариқат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мевдадур мавжуд,

Чу султони азалдурманки, арши аълога сифмамдур -

мисраларида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Бобораҳим Машраб 1711 йили Балхда ҳоким *Маҳмуд Қатағон* ҳукми билан дорга осиб ўлдирилган, қабри Ишқонмиш деган ердадир.

Машрабнинг тарқоқ шеърини мероси 1958 - 1980 йилларда *Абдуқодир Ҳайитметов*, *Абдурашид Абдуғафуров*, *Ваҳоб Раҳмонов*, *Қомилжон Исроиловлар* томонидан умумлаштирилиб, асарлар тўплами тарзида бир неча бор нашр этилган.

Машраб тасаввуф илмида *Мансур Ҳаллож*, *Имомиддин Насимий*, *Алишер Навоий* издоши бўлган. Ҳақ ва ҳақиқатни таниш ва унга фидо бўлиш Машраб орзуси эди. У ана шу ҳоким муддао йулида ҳақни талаб қилди, уни таниди, оллоҳ маърифати унга маълум бўлди, оллоҳни севи, унинг ишқи билан ёниб яшади ва шу эътиқоди туйфайли қурбон бўлди.

Адабий мероси: «*Машрабман*», «*Келди*», «*Сифмамдур*», «*Уртар*», «*Уттум*», «*Чиндаёлмас*», «*Ҳоҳ инон, ҳоҳ инонма*» (*Лутфий ғазалига тазмин*), «*Қаландар бўл, қаландар бўл*» каби шеърлари, «*Мабдан нур*», «*Кимё*» асарлари ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

Сенсан севарим, хоҳи инон, хоҳи инонма,

Қондур жигарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

*Жамолине кўрсали келдим, аё эй меҳрибон онам,
Менинг учун адо бўлган юрагу бағри қон онам.*

*Ишқ утига ўртаниб девона бўлган ўзгинам,
Куя-куя кул бўлуб бирёна бўлган ўзгинам.*

*Муҳаббат дардида оёвора бўлган халқни кўрдим,
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдим,
Тани дарду аламдан ёра бўлган халқни кўрдим,
Дили туги ситамдан пора бўлган халқни кўрдим,
Зулм тугён этибдур - ҳар бириси беҳабар танҳо.*

*Ҳақиқат кўчасида раҳимом интизорингман,
Тамоми аҳли гафлатларга найгамбар бўлай дерман.*

*Ризо мулкидаман, ҳалқумни туттим туги Акбарга,
Бу йўлда сийнаи поки забехулло'га сиғмамдур.*

1. ...оқ йўлдаги қурбонлик

ТУРДИ ФАРОҒИЙ

(XVII аср ўрталари - тахм. 1699 - 1700)

Гурли Фароғий Бухоро ва Хужандда яшаб ижод этган. Унинг умри Нодир Муҳаммадхон, Абдулазизхон ва Субҳонқулихон салтанати даврида кечган. У ўзбекларнинг Юз уруғидан бўлган. Шоирнинг ижодиётидан 434 мисрадан иборат (434 мисрадан 397 мисраси ўзбекча, 37 мисраси тожикча битилган) жами 18 га шеър етиб келган. Ушбу мероснинг таркиби 5 мухаммас, 12 ғазал, 1 га фарздан иборатдир. Турди ўз шеърларида «Фароғий» («эркин табиатли киши») гахалласини қўллаган. Гурли Фароғий сатиралари билан машҳур бўлган шоирдир.

Асарлари: «Субҳонқулихон ва унинг амир - амалдорлари тўғрисида ҳажсия», «Тар кунуллаик беклар», «Бу мулк», «Турдишман», «Муҳаммаси туркийи Турди» ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

*Ушш замонлар юз қилгани бошида сархуш эдим,
Бу замон юнган қанин яттида қолган юндиман*

*Шоҳ ҳамбалим ўлуб хижасарлар била ёр,
Хукм барҳақс суруб, бўлди хотунлар сардор.*

*Ҳар қанда гами дўст дили порани истар,
То субҳ яқо йиртмади - меҳр ўлмади пайдо.*

САЙИДО НАСАФИЙ

(XVII аср)

Сайидо Насаф (Қаршида) туғилган. У дастлабки маълумотни Қаршида олади, кейин Бухорода ўқийди. У ҳунарман - тўқувчи эди. Моддий қийинчиликда яшаганига қарамасдан бадий ижод билан шуғуллиди. Шоир ўз ижодида маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилди, урушларни қоралди, тожик адабиёти ва тожик адабий тилининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Адабий мероси: «Баҳоркўёт» («Ҳайвонотнома») масалли, «Шаҳрошуб» асар, «Уштар», «Қалмабди», «Уш зуру» ва бошқ.

ХУЖАНАЗАР ҲУВАЙДО

Хужаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдо сулоласи Ушлик бўлиб, унинг ўзи Фарғонанинг Чимён деган қишлоғида туғилган ва умрининг охиригача шу ерда яшаб, ижод этган. Унинг туғилган йили номаълум. Ҳувайдо бошланғич таълимни Чимёндаги мактабда олади, Қўқон мадрасаларида ўқийди,

муаллимлик билан шуғулланади, тўқувчилик санъати билан машғул бўлади. Шоир *Носеҳ* Хувайдони бундай тавсиф этади:

*Тутуб суҳбат давом умрин борича,
Баёрон таълим эрди фикру ёди.
Дабистонда саъй айлаб туну кун,
Ёзилгон неча толибнинг саводи.
Мунингдек олиҳиммат эр анодин,
Ду бора туғмагай дар ҳеч билоди.*

Хувайдо тахминан 1780 - 1781 йилларда вафот этган. Унинг сулоласидан *Сирожий*, *Салоҳиддин Соқиб*, *Самар Бону* каби шоирлар етишиб чиққан. Хувайдонинг адабий мероси «*Девоний*»да тўпланган. Бу девондан шоирнинг 100 дан ортиқ газали, 28 рубойиси, 41 тўртлиги, 3 мухаммаси, 1 мусаддаси, 1 мусаммани, 1 мустаҳзоли ва 3 маснавийси ўрин олган. Шоирнинг «*Роҳатидил*» (дидактик (*ўғит*) ҳикоятлардан тузилган маснавий асар) дostonига кирган «*Баёни гаддорийи дунё*» ҳикояти панднома характерида бўлиб, унда *ака* - укаларнинг фожiali қисмати, меҳнатсиз топилган бойлик ҳеч кимга насиб қилмаслиги баён қилинган.

Адабий мероси: «*На қилдим санга ман...*», «*Ҳоқи пойи яхшилар бўл...*» (бу газал мазмун ва ғоявий йўналиши ҳамда шаклий - бадий хусусиятлари, ҳатто айнан бир сўзнинг раиф қилиб олиншига кўра ҳам Турди Фароғийнинг «*Жисми қонундин нафас тори узулмасдан бурун*» мисраси билан бошланувчи туркий мухаммасига ҳамоҳандир), «*Нафсинг сени қаттиғ бағ...*», «*Қотинга сажда қилдим...*», «*Тополмасман*» каби шеърлари, «*Иброҳим Адҳам*» қиссаси ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

*Бир ғарибнинг кўнглини шод айласанг,
Йўл босиб Каъба сари бормоқ абас.*

*Ғарибни кўнглини бузмак гуноҳи беадад эрмиш,
Кафолат бўлмагай юз Каъбани қайтиб бино қилсанг.*

*Агар ҳар кимни кўрсанг, Ҳизр бўлгай деб тавоф айлаб
Ки ҳафтоду ду миллат халқи бирла ошно бўлгил.*

*Кўрдум туно кун кўчада бир маҳлиқони
ҳайрон бўла қолдим,
Ҳуснидин ани кўнглум уйи топти зиёни
раҳшон бўла қолдим. (Мустаъод)*

19 - МАВЗУ. XVIII - XIX АСР АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

МУҲАММАДШАРИФ ГУЛХАНИЙ

*Етмади Мажнунга мен кўрган балолардин бири,
Ҳажр водийси аро чеккан жафолардин бири.*

Гулханий

Гулханий XVIII асрнинг охири, XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган ўзбек мумтоз шоири ва ёзувчиси. У XVIII асрнинг 70 - йилларида тоғлик Дарвозда (Тожикистонда) камбағал оилада туғилган ва бадийий ижод билан шуғулланиб, Қўқон адабий муҳитида эътиборли ўрин эгаллаган. Шоир икки тилда (форсий ва туркий), назмда ва насрда ижод қилиб, «*Гулханий*» ва «*Журнат*» таҳаллусларини қўлаган. Гулханийдан бизгача ўзбек ва тожик тилларидаги 12 газали, Қўқон хони Амир Умархонга бағишланган 1 қасидаси ва «*Зарбулмасал*» асари етиб келган.

«*Зарбулмасал*» асарида муаллиф халқ оғзаки ижодидан фойдаланиб, асосий персонажлар - қушларнинг мажозий образларини яратган. Бунда Япалоққуш

ва Бойўғлининг бир - бирига куда бўлиши, Кўрқушнинг совчиликка бориши ва шу каби воқеалар тасвирланади. Ёзувчи асардаги *Яталоққуш*, *Бойўғли*, *Кўрқуш*, *Худуд*, *Кулонқирсултон*, *Шўранул*, *Малик Шоҳин*, *Кордон*, *Гунашбону* каби образлар ва улар айтган масал, мақол ҳамда ҳикоялар орқали асарнинг гоёвий мазмунини оча олган. Бу асарда Бойўғли қизи Гунашбону учун минг чордвор маҳр (қалин) сўрайди.

«Зарбулмасал» асари «*Масал ичида масал*» усулида яратилган бўлиб, унда 400 дан ортиқ мақол, матал, нақл ва 15 дан ортиқ катта - кичик масал ҳамда ҳикоят мавжуд.

«*Маймун ва Наҳжор*» масалида шоир ҳар бир касбни яхши эгалламай туриб, унга тутиниши кишига шараф эмас, балки дашном, зарар келтиришини алоҳида уқтиради ва калтабинлик, нодонлик, шонша-шошарлик устидан кулади.

«Зарбулмасал» асаридан парчалар:

*Оразидин шамсу қамардур ҳижил,
Сўзларидин шахду шакар мунфил
Ҳосили умри эди ул бойни,
Оти Гунашбону ўшал ойни.*

* * *

*Шаҳрни зиндонидин азод ўлуб,
Тоғни Ширинига Фарҳод ўлуб,
Сонур эди ўзини тоғ хисрави,
Тоғни уқуб Дехлавийи Маънави.*

ШЕРМУҲАММАД МУНИС (1778 - 1829)

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили Шермуҳаммад Мунис (Мунис Хоразмий) шоир, тарихчи, таржимон, хаттот, мироб ва маърифатпарвар сиймо эди. У 1778 йилда Хива яқинида Қиёт қишлоғида Авазбий Мироб оиласида туғилган. Ўз саводини қишлоқда чиқарган Шермуҳаммад Хива мадрасаларида таҳсилни давом эттирган. 1800 йили отаси Авазбий вафот этиб хон Аваз иноқ уни саройнинг фармоннафис котиби қилиб тайинлайди. 1804 йилда Мунис ўзининг илк девони «*Девони Мунис*» ни тузади («*Мунис*» - *дўст*, *ўртоқ*, *улфат* демакдир). 1812 йилда Мироб Эрнийезбек вафот этиб, хон унинг ўрнига Мунисни Хоразм мироблигига тайинлайди. 1814-1815 йилларда «*ҳазрати Султони Соҳибқироннинг акоси, давлат хилъатининг яқоси, амири кабир Кутлуғмурод*» алоқининг маслаҳат ва қистови билан шоир ўзининг мукамал девони «*Мунисул-ушшоқ*» («*Ошиқлар дўсти*») ни тузади. Бу тўпلامга 80 минг мисрадан зиёд (*бошқа манбада келтирилишича, 10000 байтга яқин*) шеърлари жойлашган. Мунис 1829 йилда хоннинг Хуросон ҳарбий сафаридан қайтаётганида, йўлда вабо касалидан вафот этади ва Қиётда отаси қабри ёнига дафн этилади. Мунис илоҳий ва инсоний кечинмалар, санъаткорлар ҳақида шеърлар ёзди, шеърни жаҳонни лашкар тортмай эгаллаш мумкин бўлган икки тигли (дудама) қилич деб атади, Огаҳий билан бирга Хоразм тарихини ёзди, Навоийни «*маоний йўлида тир*» деб билди. Мунис Мирхонднинг «*Равзат усафо*» асарини ҳам ўзбек тилига ўғирди.

Асарлари: «*Девони Мунис*», «*Мунисул - ушшоқ*», «*Саводи таълим*», «*Фирдавс ул - ақбол*» («*Бахтлар боғи*», 1806), «*Арицалар*», «*Шуаро*», «*Устозлар эътирофи*» (*талмех санъатига асосланган*), «*Суъ*», «*Шеър ул тиги дудадурқим*» ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

*Қилса ҳосид дахли бежо, сўз аро йўқдур ғалим,
Ким, бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манго.*

*Мунисо, тўқмай йигирма етти ёш,
Ваҳ, йигирма етти узра етти ёш.
Ёш киби машғуллик қилмоқ недур,
Ҳар қачонким суҳбатингга етти ёш.*

(Бу туюқ Муниснинг илк девонининг 27 яшарлигида тузилганидан далolat беради).

МАХМУР

Асли исми Махмур бўлган шоир Махмур XVIII асрнинг охириларида Қўқон шаҳрида туғилган. Унинг отаси Мулла Шермухаммад Қўқон шаҳри агрофидаги Бойтуман қишлоғидан бўлиб, мадраса мударрисиси бўлган, «Акма» тахаллуси билан шеърлар ёзган, иккита шеърини девонини бўлган (Ўзбекча ва тожикча). Шоир Қўқондаги Мир мадрасасида таҳсил кўради, ҳаминша муҳтожликда яшайди. У ўз ҳаёти ҳақида шундай ёзган:

*Кечалар ётгани на ҳўшим бор,
Кундузи ичгани на нўшим бор.
Бир ҳовуч на уйимда галлам бор,
Икки газ на бошимда саллам бор.*

Махмур жафокаш халқнинг ижтимоий адолатсизликка қарши норозилигини ифодаловчи сатирик шеърлар ёзди. Шоир яратган «Ҳапалак» газалида ҳароб қишлоқлар, уларда қашшоқ ҳаёт кечираётган деҳқонлар турмуши ҳаққоний ва таъсирчан ифодаланган эди. Махмур ўз сатираларини ўзбек ва тожик тилларида ёзган. У 1844 йилда вафот этган.

Шеърлари: «Амаким», «Қози Муҳаммад Авж ҳақида ҳажсевя», «Ҳаким Туробий ҳақида», «Ҳаким Туробий тилидан», «Дар ҳажсев Махмур Қурама», «Муножот», «Хожн Ниёз», «Табакбур» ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

*Эй жаҳондори¹ зафар, кавкабаи² даври фалак³,
Гўш қил⁴ қиссан қишлоқи ҳароби Ҳапалак.*

*Бору йўқ уйларини банда⁵ баён гар қилсам,
Бир катак, икки қапа, уч олачуқ⁶, тўрт каталак⁷.*

1 - улуг полшоҳ. 2 - дабдаба, ҳашамат. 3 - олам. 4 - қулоқ сол. 5 - мен. камина. 6 - йиртиқ, ямоқ чодир (чайла, қапа). 7 - каттача.

МУЖРИМ ОБИД

(1747/48 - XIX асрнинг 30-йиллари)

Мужрим Обид Бухорода яшаб ижод этган ўзбек шоирларидандир. У тахминан 1747 - 48 йилларда Вобкент туманидаги Қумушкент қишлоғида туғилган. 11 ёшгача ўз қишлоғида, кейин Бухородаги Мири Араб мадрасасида таҳсил олади. Шоирнинг асл исми Мирак Хужа Бухорининг ўғли Обидхўжа бўлиб, у XIX асрнинг бошларигача «Мужрим» тахаллусини, кейинчалик Бухоро хони Амир Ҳайдарнинг таклифи билан «Обид» тахаллусини қўллайди. Айрим шеърларида ҳар иккала тахаллусини ҳам қўяди.

Мужрим Обид мумтоз адабиётнинг ғазал, рубоий, мухаммас, қитъа ва маснавий каби жанрларида ижод қилиб, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. У Алишер Навоий, Бедил, Машраб ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Шоирнинг икки девонини бизгача етиб келган («Ҳасби ҳол» («Арзи аҳвол») маснавийси, «Шайх» радифли ғазали кабилар ҳам бор).

Шоирнинг ҳаёти оғир иқтисодий - сиёсий вазиятда камол топгани. «Бу арз этувчи эътиборсиз бечора, - деб ёзади Мужрим - Обид ўз таржimai ҳоли ҳақида, - турмуши паршон, хор-зор, ёшлик даврида, яъни тўққиз ёшга кирганида устод хизматиде турғун бўлиб, ўн бир ёшгача ўқидим. Кейин отамнинг ёрдами билан илм олиш учун Бухородаги «Мири Араб» мадрасасига келдим». У ўз аҳволи ҳақида бир шеърда шундай ёзган:

*Рўзғор аҳли ичра хор ўлдим,
Адави аҳли рўзғор ўлдим.
Дар дедим манга учради девор,
Гул бошимга тақилди бўлди хор.*

*Бир куруқ чўли бед бўлмишман,
Ҳаммадин ноумид бўлмишман.
Энди манда на орзу, на ҳавас,
Ғайру тупроқ уза кўшилмак бас.*

Мужрим Обиднинг йигитлик чоғлари анча завқли ўтган: икки ўғил ва беш қизни вояга етказган. Бироқ ёши эликларга яқинлашганда ҳар бири бир хонадонга эга бўлган ва отага бемехр бўлиб ўсган фарзандлар отанинг аҳволидан хабар олмай қўйишади, хотини ҳам уни ташлаб кетади. Шоир ана шу меҳрсизликдан шикоят қилиб, ўзининг «*Ҳасби ҳол*» («*Арзи аҳвол*») маснавийсида қанча молу-давлатнинг бўлса, ўзинга сарфлагин, умрининг хуш ўтказ, ҳокимиятни ўйлама, озод бўл, аёлларга кўнгил кўйма, умр ўтаверади, ҳеч қачон кибр-ҳаво билан бўлиб, ердан узилма, дея насиҳатлар қилади.

АМИРИЙ (1787 - 1822)

Амирий тахаллуси билан машҳур бўлган шоирнинг исми Умархондир. У 1787 йилда Қўқонда хон Норбута оиласида дунёга келди. Хон Андижон ҳокими Раҳмонқулбийни Умархонга отабек қилиб тайинлайди. Марғилон ҳокими Олимхон отаси вафотидан сўнг Қўқонга кўчгач, Марғилон икhtiёри Умарбекка топширилади. Ёш ҳоким Раҳмонқулбийнинг гўзал қизи Моҳлар Ойимга уйланади. 1809 йилда акаси Олимхон фитна қурбони бўлгач, тахтга Умархон чиқади ва Қўқонга кўчиб келади. Унинг салтанат ва динни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатлари юксак баҳоланиб, «*Амирул муслимин*» унвони берилади. Умархон Султон Хусайн Бойқарога ҳавас қилиб Қўқонда Ҳиротдагидек адабий муҳит яратишга уринди. Ҳатто бу адабий муҳит вакили Султонхон тўра Адо бир шеърда фахрия усулида ўзини Алишер Навоийдан, Амир Умархонни Султон Хусайндан юқори қўйишга уринди:

*Ғар Навоийдин Адо сўзини утқарса не тонг?
Шоҳ Умар афзалму ё Султон Хусайн Бойқаро?*

Амирий шаҳар қалам аҳллари ижодидан махсус таъзира тугишни шоир Фазлий Намангонийга топширди. «*Мажмуат уш - шуаро*» тазкираси, Амирийнинг «*Оталар сўзи*» деган номда китоб яратиш тақлифига асосан яратилган Гулханийнинг «*Зарбулмасал*» асари шу тариха вужудга келган. Шоир *ўбек* ва *тоғсиз* тилларида қалам тебратиб, «*Амир*» ва «*Амирий*» тахаллусларини қўллаган. У 1822 йилда вафот этган. Умархоннинг «*Қотилга текузмағил қаламни...*», «*Кўрди поэтикалардин*», «*То кўзунг отиқларе нозу итوب устийдадур*», «*Лаб уюр такаллумға*» каби шеърлари ўзининг бадий тасвирларга бойлиги билан барчани мафтун этади.

Шеърларидан намуналар:

*Лаб уюр¹ такаллумға², зулфин³ паршон қил,
Қанд қимматин сундур, нархи анбар⁴ арзон қил.*

1 - ўғир 2 - сўзламоқ 3 - ғажақ 4 - хушбўй модда

*Ҳусн шахисен, жоно, бу ҳазин гадаларға
Кўз учи биле боқиб хайр айла, эҳсон қил.*

МОҲЛАРОЙИМ НОДИРА (1792 - 1842)

Нодира юксак бадий истеъод соҳибаси, *Увайсий*, *Маҳзуна*, *Дилшод*, *Анбар отин* каби муштоз шоиралар сафининг сардори бўлган. У 1792 йилда Андижон ҳокими Раҳмонқулбий оиласида туғилди. Шоира отин ойи қўлида таълим олди, хусусий мутолаа билан шуғулланди, шеърлар машқ қилиб, шоира сифатида танилди. 1808 йилда Қўқон хони Норбутабийнинг ўғли Умархон билан оғла кўрди. 1810 йилгача Марғилонда, ундан кейин умрининг охиригача Қўқонда яшади. Нодира Муҳаммадалихон ва Султон Маҳмудхон исмли ўғилларини тарбиялади, «*Нодира*», «*Мақжун*», «*Комила*» тахаллуслари билан шеърлар ёзди ва асвон тўпти. турмуш ўрпоғи вафотидан сўнг дават ишларига

бош - қош бўлди. «*Нодираи даврон*» номи билан шуҳрат қозонган шоира 1842 йилда Қўқон босиб олинган пайтда Амир Насрулло томонидан ўғли Муҳаммад Алихон, Султон Маҳмудхон, Муҳаммад Алихоннинг ўғли Муҳаммад Аминхон ва маҳрамлари Хушқолбиби, Норбиби, Ойшабибилар билан бирга қатл этилади.

Шоиралар шеърларида бадий рамзу тимсоллар тизимида аёлларгагина хосликни кўриш мумкин. Масалан, Нодира ғазалларида «*машшота*» ва «*шона*» тимсоллари кўп учрайди. Улар аёл турмуш маданиятига хос бўлиб, «*машшота*» - қиз ва келинларни тараб, оро берувчи, безантирувчи, *пардозчи*; «*шона*» - *тароқ* демакдир.

Шеърлари: «*Вася уйиш обод қилдим...*», «*Марҳобо*», «*Муҳаббатсиз кити одам эмасдур*», «*Додим эшит*», «*Даҳрият имтиҳон этиб кет*», «*Нодира аҳволдан огоҳ бўлинг*», «*Эҳтиёж*», «*Фироқнома*», «*Кўзларим муштоқдур дийдор учун*» ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

*Белининг борлигин қилди қамарбанди аён,
Оғзи йўқ эрди, ани қилди падибор ҳадис.*

(Шоиранинг бу шеъри А. Навоий ва Бобур тасвир услубини эслатади)

*Ҳарифи соғару саҳбо қаландар,
Муҳаббат куйида шайдо қаландар.
Худодин ўзга йўқдур тақвоғоҳи,
Жунун иқлимида якто қаландар...*

*Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.*

*Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж,
Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж.*

ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ (1780 йиллар охири - 1850)

Йирик мумтоз шоира Увайсий 1780 йиллар охирида Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласида туғилди. Отаси Сиддиқ бобо шеърлар ёзган, онаси Чиннибиби ҳам зиёли аёллардан бўлган. Шоиранинг акаси Охунжон ҳофиз сифатида машҳур бўлиб, отаси ва акаси Жаҳон отинга дутор. танбур чалишни ўргатганлар. Форс - тожик ва араб тилларини, бадий адабиёт қоидаларини Жаҳон отин отаси Сиддиқ бободан ўрганган. Отаси эрта вафот этгандан сўнг, 17 ёшли шоирани марғилонлик зиёли Ҳожихонга узатадилар. Увайсий ёшлигидан форс-тожик ва ўзбек шоирлари асарларини ўрганади, Қўқон хони саройида Моҳларойим Нодира билан ижодий ҳамкорликда бўлади, «Увайсий» (Вайсий) тахаллуси билан шеърлар ёзади. Унинг *Муҳаммадхон* ва *Кўёмхон* исми фарандлари, *Ожиза*, *Жаҳон биби*, *Ҳаёт*, *Баҳо*, *Дилором* исми шоира шогирдлари бўлган. Ўғли Муҳаммадхон «*Мажнун*» тахаллуси билан, қизи Қуёшхон «*Локий*» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Увайсий чистон жанрида катта шуҳрат қозонган. Жаҳон отин Увайсий 1850 йилда вафот этган.

Увайсий адабий меросининг ҳажми ва кўлами, гоёвий моҳияти, мазмун салмоқдорлиги, бадий тасвир таровати жиҳатларидан XIX аср биринчи ярми ўзбек адабиётининг йирик намояндалари қаторида туради. Увайсий меросидан ёдгор қолган бир қанча қўлёзма китоблар фанимизга унинг авлодлари, хусусан, чевараси Холжон отин-шоира Мағзий томонидан тортиқ этилган. Ушбу қўлёзмаларнинг ҳажми, таркиби, шакл жиҳатларидан турли нусхалар бўлиб, уларнинг энг мукаммалида 5628 байт ёки 11256 мисра шеър мавжуд. Шоиранинг шеърлари «*Девон*» да жамланган бўлиб, унда ғазал асосий ўрнини тутади.

Асарлари: «*Шаҳода Ҳасан*» достони, «*Воқеаи Муҳаммадалмхом*» шеърӣ ҳикмати, «*Қарбаломома*» достони, «*Увайсийман*» (бу ғазалда «бенаво» сўзи қофиядаги сўз сифатида учрамайди), «*Қўнгул доғ ўлади...*», «*Соғиндим*», «*Методи ўрғанди*», «*Отиқ бўлмишам*», «*Ўрғулай*», «*Яхши*» каби шеърлари, «*Амор*», «*Қайчи*» каби чистолари ва бошқ.

ДИЛШОДИ БАРНО

Ўзбек ва тожик халқининг истеъодли шоираси Дилшоди Барно 1215 (1800 милодий) йилда Истравшан (Ўратепа) шаҳрининг Мир Мушон маҳалласида туғилган. Отаси Раҳимкул шоиртабиат киши бўлиб, Ўратепа учун олиб боришган жанглардан бирида вафот этади, онаси 1813 йилда вабо касалидан кўз юмади. Етим қолган Дилшод 90 ёшдаги энаси билан ип йигириб кун кечиринишди.

1816-1817 йилларда Амир Умархон Ўратепага юриш қилади ва бир қанча аҳолини асир сифатида Қўқонга яёв ҳайдайди. Булар орасида Дилшод ҳам бор эди. Нозиктаб, ғўзал бу қизни Умархон хузурига киритадилар. Хон уни синаш мақсадида анорни кўрсатиб «Ушбу анорга не деюрсан?» - дейди. - Қизлар хунини гўлдирибсан? - деб жавоб беради Дилшод. Хон уни саройдан қувиб юборади.

Шундан сўнг шоирани ўз розилиги билан 50 ёшли Тош Маҳдумга никоҳийдилар. У 57 ёшида эканлигида Маҳдум 90 ёшида вафот этади. Улар сакки: фаранд кўрадилар, лекин икки ўғил ва бир қизи омон қолади. Дилшоди Барно юз йилдан ортиқ умр кўриб, тахминан 1905 - 1906 йилларда вафот этган. Шоирлардан бизга қадар икки тилда ёзилган 142 шеъри, «*Тарихи муҳожирон*» (*Муҳожирлар тарихи*) асари ва «*Тароқсиман ҳол*» маснавийси етиб келган. Бу маснавийсида шоира 1816 йилдаги Ўратепани босиб олиш, асирлар олинishi, қўнгина асирларнинг Ўттиз адир деган жойга сургун қилиниши, 7 йилдан сўнг улар озод этилиши ва Тўқайзорда Шаҳрихон шаҳрининг барпо этилиши каби воқеалар тасвирланган. Хусусан, шоира «*Умархон ном золим, нами шоир*» деб хонга таъриф берган эди.

МУҲАММАДРИЗО ОҒАҲИЙ

(1809 - 1874)

Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий баракали ижод қилган санъаткор сифатида Навоийга қиёсланади. У 1809 йил 17 декабрда Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида Эрнийезбек мироб оиласида туғилган. Ёшлигида отаси вафот этган. Шоир бошланғич маълумотни Қиётда олган, кейин Хива мадрасаларида ўқиган. 1829 йилда Огаҳий амакиси Мунисдан ажралди, Оллоқулихон уни Мунис ўрнига мироб этиб тайинлади. Шоир 1845 йилда отдан йиқилиб, оксайдиган бўлиб қолади ва 1857 йилда мироблик вазифасидан истеъфо беради. Мукаммал мустазод кашфиётчиси бўлган Огаҳий 1874 йилда 65 ёшида вафот этган.

Огаҳий таржимон сифатида форсийдан ўзбек тилига ўтирган - Мирхондиннинг «*Раъзат ус-сафо*», Муҳаммад Маҳдий Астрободийнинг «*Тарихи жаҳонкушони Нодирий*», Зайниддин Восифийнинг «*Бадоев ул-вақоев*», Маҳмуд бини Шайх Али Ғиждувонийнинг «*Мифтоҳ ул-толибий*», Муҳаммад Муқим Ҳиротийнинг «*Табақоти Акбартоҳий*», Муҳаммад Юсуф Мунишининг «*Тазкираи Муқимхоний*», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «*Раъзат ус-сафойи Носирий*», Хусайн Воиз Кошифийнинг «*Ахлоқи Муҳимий*», Қайковуснинг «*Қобуснома*», Муҳаммад Вориснинг «*Зубдат ул-ҳикоят*», «*Шарҳи далоили аш-шайрат*», Саъдий Шерозийнинг «*Гулистон*» (бу таржимада қуйидагича ҳикоят бор: «*Ҳазрати имом Муҳаммад Ғаззалиддин сўрадиларким, улумда мунодоқ олий мартабага нечук етушдинг? Анда имом деди: «Билмакким, ҳар нимарсанким билмадум, онч китобди сўрмоқда мангу номсу қлмамадум»*), Абдурахмон Жомийнинг «*Юсуф ва Зулайҳо*», Бадриддин Ҳилолийнинг «*Шоҳ ва ғодо*», Низомий Ганжавийнинг «*Ҳафт найкар*» каби тарихий, бадиий асарлари ўзбек таржима адабиётининг улкан бойлиги ҳисобланади.

Асарлари: «Фирдавс ул-иқбол», «Зубдат-ут таворих», «Гулшани давлат», «Риёз уд-давлат», «Жоме ул воқеоти султоний», «Шоҳиди иқбол» каби тарихий асарлари, «Тавъизул-ошиқин» («Ошиқлар тумори», 19 жанрдаги асарлар мавжуд) девони, «Устима» (ражас баҳрида ёзилган), «Бизки букун...», «Арзимас», «Наврӯз», «Чой», «Бўлмас бўлмасун, нетай» (Навоий ғазалига назира, радд ул-матлаб, радиф шаклий ва мазмуний мукаммаллики таъминлаган), «Довоий олийжоҳлар» (давлатчилик, давлатни оқилоно бошқаришдан, амалдорлар қандай бўлиши кераклигидан баҳс этувчи ғазали) каби шеърлари, «Огоҳнома» қасидаси (М. Раҳимхон II (Феруз) га бағишланган) ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

Қолмағай амният осори агар топса ривож,
Шаҳр аро авбошлар, бекоблар, бериҳлар. (панднома руҳида, таъдид қўлланган)

Қилиб ойини меҳр оғоз наврӯз,
Келиб қиш фасли этти ёз наврӯз.

Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қимматбаҳо,
Они хор этма, дебон ҳар хуши йўқ ҳайвонга сўз...
Билмаган ўз қадрини, не билмаси сўз қадрини,
Ҳайфдур доно демак нодону беирфонга сўз.

Қошки, егай ришва¹ билла беш² хиёр³,
Собит сенинг учун қилур ўн харбузага⁴ зор.

(Саъдий «Гулистон»нинг Оғаҳий таржимасидан)

i - пора 2 - қул, ортиқ, зяёд 3 - бодриғ 4 - қовун
КОМИЛ ХОРАЗМИЙ
(1825 - 1899)

Комил Хоразмий шоир, хаттот, мусиқашунос, таржимон ва давлат арбобидир. Унинг асл исми - Муҳаммаднийёз. Бъён замондошлари «Ниёзмухаммад», «Полвоннийёз», «Матнийёз» деб ҳам аташган. «Комил» (етук, мукаммал) унинг адабий тахаллусидир. Шоир 1825 йилда Хивада энли оиласида туғилган, отаси Абдулла Охунд мадрасада мударрислик қилган. У бобоси Хўжаши маҳрам қўлида тарбия топади, араб, форс тилини ўрганadi. Хива хони Саид Муҳаммад Раҳимжон қўлида хаттот бўлиб ишлайди. мирзабоши, девонбеги вазифаларига кўтарилadi, Топкентга, Афғонистонга. Бухорога, Москва ва Петербуртга боради, шеърлар ёзиб, шоир сифатида шухрат қозонади. Комил Хоразмий ўзбек мусиқасига Оврўпа нотасини олиб кириб, «Хоразм нотаси» ни яратди. Умрининг охирида Комил Хоразмийнинг кўзи ожизланиб, уйда ўтириб қолади. У 1899 йилда Хивада 74 ёшида вафот этади.

Комил Хоразмий XVIII аср форс адабиёти намунаси бўлган Бархурдор бин Маҳмуд туркман Фароҳий (Мултоз) нинг «Маҳбубул - қулуб» («Қўнсилларнинг севгани») ва Фахриддин Али Сафийнинг «Латойиф ат - тавойиф» («Турли тоифаларнинг латифалари») асарларини ўзбекчага ўтирган.

Асарлари: «Танбур нотаси», «Мурабба Комил», «Петрави Комил» каби куйлар, «Девон» и (1830 - 81, 1895, 1909 йилларда нашр этилган), «Тамга», «Шамъ», «Фузало», «Шуаро», «Жудало», «Нарис», «Кўнгул» каби шеърлари. «Дар баён таърифи ва таъсифи Тошкент» қасидаси (100 мисра. «Туркистон вилоятининг газетаси» да босилган. Муаррих З. Восифий «Бир шаҳар кўрдишми, атрофида Кайковус биноларидан чорбоғлар бўлиб, ундан Эрам боғининг дилида доғи бор... суви эса оби ҳаётдур. Йўқ - йўқ, оби ҳаёт эмас, ундан ҳам муътабарроқ. Оби ҳаёт унинг қиёсида хижолатдан зулматга чекинади. Узга юртлардаги подшоҳикдан бундази гадолик улуғроқ. Негаки, унинг тупроғи тупроқ эмас, тўтиё...» дея Тошкент ҳақидаги таассуротларини ёзиб қолдирган эди) ва бошқ.

20 - МАВЗУ. XIX АСР АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

XIX асрнинг иккинчи ярми адабиёти ҳақида

Бу даврда Туркистон ва унинг ижтимоий-маданий ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй берган. Бу ўзгаришлар ватанимизнинг Россия томонидан босиб олингани билан боғлиқ. Бу даврда жалдчилик ҳаракати бошланган. Адабий ҳаракатчилик анъанага кўра кўпроқ Қўқон, Хива, Самарқанд, Тошкент, Бухорода ривож топган. Қўқонда *Муҳимий* (1850-1903), *Фурқат* (1859-1909), *Завқий* (1853-1921), *Муҳаййир* (1845-1918), *Усмолхўжа Зорий* (1839-1916) кабилар адабий давра ташкил этганлар. Намангандан *Подий* (1844-1909), *Ибрат* (1862-1937), *Сўфизода* (1880-1937), Англижондан *Абдураҳмоқ Билмий* (1847-1918), Хўжайидан *Тошхўжа Асрий* (1864-1916), Сайрамдан *Юсуф Сарёмий* (1840-1912, *Диний-масоавуфий шеърлар ёган*), Тошкентдан *Қарамбек Камий* (1865-1922) кабилар Қўқондаги адабий суҳбатларда тез-тез иштирок этиб турганлар. Хива шоҳи Феруз ўз саройида адабий муҳитни майдонга келтирган. Бу адабий муҳитда *Аҳмад Табибий* (1869-1911), *Камил Хоразмий* (1825-1899), *Муҳаммад Расул Мирзо* (1840-1922), *Аваз Умар* (1884-1919) каби шоирлар ижод қилганлар. Бухоро амирларидан *Абдулаҳаддон* (1822-1911), Ҳисор ҳокими *Алайқўлибек* (тахаллуси «Хусайний») зар ҳам шеър ёган. Самарқандда *Абдулазим Салидий* (1829-1909), *Сатдиқий - Аҳий* (1864-1927), *Саидаҳмад Васлий* (1870-1925) каби шоирлар ҳам ижод этганлар.

МИРИЙ (1830 - 1899)

Тулиқ исми *Очқандмурод Негматулла ўғли Мирий* бўлган шоир Каттақўрғоннинг Эшонқўшлоқ мавзесида дунёда оиласида туғилган. У мадрасада ўқиган. баъзий ижод билан шуғулланиб, янги жанрлар гираққийётига, хусусан, юстичиликка катта ҳисса қўшган. Унинг «*Раъно ва Зебо*», «*Қисси Салим Жаҳарий*», «*Рустам ва Сухроб*», «*Миждоддин ва Фахруннос*» каби достонлари, «*Гулнома*», «*Чойнома*» сингари маснавийлари машҳур.

МУҲЙИ (1836 - 1911)

Шоирнинг гулиқ исми - *Ҳожи Муҳиддин Муҳаммад Раёо охунд ўғли*. Муҳйи баъзи манбаларда Афғонистонда туғилган дейшган, «*Тарихи Муҳйи Хўқандий*» асарида унинг Ғазна шаҳрида туғилганиги таъкидланган. Отаси муларрис бўлган. Муҳйи форс ва ўбек тилларида ижод қилиб, лирик ва ҳажвий шеърлар битган.

МУҲАММАД ЮСУФ БАЁНИЙ (1840 - 1923)

Муҳаммад Юсуф Баёний хоразмлик шоир ва тарихчидир. У Хоразм воҳасидан Эрон сарҳадларигача, туркман ҳудудларини яёв кезиб чиқди. Ўлканинг мустамлакачилар томонидан ябт этилишига доир манбалар далиллар йиғди. Баёний тарихий ҳодисалар фож тўғри ва ишончли ёмилиши кераклигига амал қилиб, икки тарихий асар: «*Хоразм тарихи*» ва «*Шажарои Хоразмшоҳий*» («*Хоразмшоҳлар шажараси*») ни яратган. Тарихчи Хива хонлигининг чор Россияси томонидан шафқатсизларча босиб олинishi ва талон-тароҳ этилишини атрофлича хатқ тилида ёзиб бера олган.

«Шажарои Хоразмшоҳий» китобидан

«Баъзи захмдорлар ўлукларнинг оғригида ўзларини ўлукдек этиб ётмиш эрдилар, русия аскарлари найза билан уруб утурур эрдилар. Ва улар ерда бир кичик кўла бор эрди, йиғирмадан кўпроқ хотунлар ўғлонларин кучоқларига олиб, ул кўлага кириб, сув ичида экинларнинг оғригида тинҳон бўлиб туруб эрдилар. Русия аскарлари аларни кўруб, милтиқ ўқи биле аларни уруб, қатл этдилар».

ФЕРУЗ (1844 - 1910)

Сайд Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхон сониёи - Феруз давлат арбоби, шоир, мусиқашунос, олим ва бастакордир. У 1844 йилда Хивада туғилган. 1863 йил Хоразм тахтига ўтиради. Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) Хоразм алабиёти, санъати, маданияти ва маърифатини ривожлантирди ҳамда ижод аҳлига ҳомийлик қилди. У Урта Осиё хонликларида биринчилардан бўлиб тахминан 1874 йилда тош босмахона ташкил қилади ва фотография ишларини йўлга қўйишда бош-қош бўлади. Феруз Оғаҳийни ва шайхул ислом Салимоҳун Матпона ўзлини устоз ва пир тутган. У Янгиариқлик шоир Муҳаммад Яъқубхўжа Холисга Алишер Навоийнинг «Хамса» сини қайта кўчиртириб, унинг «Ҳайрат ул-аброр» достонини нашр қилдириди. Шоир шеърларининг лирик қаҳрамони дунё ташвишларини елкасига ортган, жамият ва халқ фаровонлигини муттасил ўйлайдиган, юксак маданиятли ва маърифатпарвар инсондир.

АЛМАЙ (1852 - 1891)

Фазлуллоҳ Миржалол ўғли Алмай 1852 йилда Тошкентнинг Қўштут маҳалласида бўзчи оиласида туғилган. У дастлаб эски мактабда, кейин эса Хаст Имом ёнидаги «Муъин Муборак» мадрасасида ва Бухоро мадрасасида ўқиган, араб, форс тилларида фазалар ёзган, хаттоплик санъатини ўрганган. «Алмай» (арабча) унинг тахаллуси бўлиб, «синчков», «зийрак» деган маъноларни билдиради. У эл орасида «Қори Фазлуллоҳ» номи билан машҳур бўлган. «Қори» қироят қилувчи, Куръон ўқувчи демакдир. Халқда кўзи ожизни ҳам «Қори» деганлар. Фазлуллоҳ чақалоқлигида сандалдаги оловга тушиб кетиб, кўзлари атрофи куйган ва чандиқ битган. Шунга кўра уни шу ном билан аташган. Бухоро мадрасасини тугатиб келгач, Алмай Собира исмли қизга уylanган ва Жория, Ҳалима, Бўлатхон, Назрулло, Саъдулло каби фарзандлар кўрган. Шоир Эски Жувадаги мадрасада ўқиган, Қўқон мадрасаларидан бирида мударрислик қилган, бедилхонлик йиғинларида қатнашган. XIX асрнинг сўнгида Тошкентда тан олинган етти бедилхондан бири ҳам Алмай эди.

Алмай уч тилда барабар ижод қилиб, 39 ёшида вафот этган. *Хотмиф* деган шоир унга атаб марсия ёзиб, уни «мадани фазл» («фазилат кони», «илму дониш манбаи») деб атаган.

Асарлари: «*Аззон ал жумуъ*» («Кўплик вазилири»), «*Калила ва Димнай туркий*», *шеърлари* ва бошқ.

«Калила ва Димна» асари ҳақида

«Калила ва Димна» бундан 1700 йил илгари Кашмирда яратилган. Унинг қадимий номи «Панчатантра» («*Беш китоб*») дир. Абу Райҳон Беруний бу ҳақда маълумот берган. Асарнинг биринчи таржимаси VI асрга тўтри келади. Эрон шоҳи Анушервоннинг Барзуя деган табиби бу китобни паҳлавий (қадимги эрон) тилига таржима қилган. VIII аср бошларида Абдулла Ибн ал-Муқаффаъ Барзуя нусхасидан арабчага таржима қилади. Бу асарни 1494 йилда Хусайн Воиз Кошифий арабча нусхасидан форсчага таржима қилиб, «Анвори Суҳайлий» номи билан амир Шайхим Суҳайлийга тақдим этади. «Калила ва Димна» асарини чигагой (Ўзбек, туркий) тилига дастлаб Муҳаммад Бакрий (XVIII асрда Шарқий Туркистонда), кейин Мулла Темур (1718-1719 йилларда Қашқарда), 1837-1838 йилларда Хоразмда Муҳаммаднингиз ва тўртинчи бўлиб Алмай ўтирган. Алмай таржимани тошкентлик китоб муҳлиси Муҳаммад Мусо Исоқози ўзлининг илгириси билан амалга оширган. Китоб аслида 14 бобдан иборат бўлиб, таржималар давомида 19 бобга етган. «*Калила ва Димна*» асарининг яратилиш тарихи асли куйидагича: Бу асарни золим шоҳ Довалимми

туғри йўлга бошлаш учун ҳинд бараҳмани Бейдабо ёзган. Асарнинг бош қаҳрамонлари Калила ва Димна отлиғ икки шақалшир.

«Калила ва Димнайн туркий» дан

«Сувори ва илон» ҳикоясидан

Говмуш айтди: - *Одамизод мазҳабда ёмонликдур. Зероки, неча мuddат алар хизматида эрдим. Ҳар йили бола туғдим ва уларин сут ва қаймоққа тўлатдим ва машатларин биносин тuzатдим. Ҳолоким, баччадин қолдим ва қаридим, мани уйдин далага қуwладилар...*

«Сичқон ва қурбақа» ҳикоясидан

...Ногоҳ бир қарга балойи ногаҳондек ҳаводин тушуб, Сичқонни кўтариб учди. Ва ул икким аёғида эди ва Қурбақа ҳам бойланғон эрди, ҳамроҳ кетди...

МУҚИМИЙ (1850 - 1903)

Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимий 1850 йилда Қўқондаги Бегвачча маҳалласида новвой оиласида туғилди. Отаси Мирзахўжа асли тошкентлик, онаси Бибиойша Хўжданлик эди. Муқимийнинг шеърга ҳавас қўйишида онасининг хизматлари катта. Булажак шоир дастлаб ўз маҳалласидаги Мулла Абдухалил домла мактабида, сўнгра Қўқон мадрасасида, 1872-73 йилларда эса Бухородаги «Меҳтар оғим» мадрасасида ўқийди. 1876 йилда Муқимий ўқишни гамомлаб, Қўқонга қайтади ва Санамбиби деган қизга уйланади. Бошига оила ташвишлари тушгач, у аввал Қўқон ер маҳкамасида мирзолик. Оқжар қишлоғида паромда паттачи, хаттот бўлиб ишлайди. 80 - йилларда **«Муқимий»** («бир ерда доимий турувчи») тахаллуси билан танилган шоир моддий муҳтожликда яшаган, *Наманган, Андижон, Марғилон, Шаҳрихон ва Тошкент* шаҳарларида саёхатда бўлади. Унинг оилавий ҳаёти ҳам яқин бўлмайди, Санамбиби билан ажрашади ва малраса хужрасига кўчиб ўтади. Муқимий 1903 йил 25 майда сариқ касали билан оғриб, ўз хужрасига вафот этади. Унинг «Девон»и биринчи марта 1907 йил Тошкентга чоп этилган бўлиб. Н.Остроумов сўнгсўз муаллифи бўлган. Муқимий 1902 йил 16 декабрдаги Андижон илтиласи ҳақида таърих - марсия ёзган. Шоирнинг шеърин асарларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1. *Лирика* 2. *Ҳажвийёт* 3. *Саёхатнома*лар 4. *Мактубот*.

Муқимий XIX аср охири - XX аср бошларидаги янгилана бошлаган ўзбек адабиётининг гоя ва мазмунигагина эмас, шакли ифодаларига ҳам маълум янгиликлар киритди. Ҳажва алоҳида эътибор берил Ижтимоий фикрга, жамият танқидига диққатни қаратди. саёхатномани мустақил жанр даражасига кўтарди. Ишқий лирикага ижтимоий мазмун бахш этилди.

Асарлари: *«Навбахор», «Ароба», «Толем», «Ким десун», «Зулм ила қаҳру ғазаб», «Подшоҳ йўқлатсалар ногоҳ, гадо деб ахтаринг»* (Муқимийнинг замон, турмуш адолатсизликларидан, тақдирдан шикоят мазмунидagi ҳасби ҳол ғазали), *«Тўй», «Дар шикоятини Ляхтин»* (юлғич, учар ҳажв қилинган), *«Воқеани кўр Ашурбой ҳожи»* каби шеърлари. *«Танобчилар», «Московчи бой таърифиди»* каби сатиралари, *«Саёхатнома»* (ражази мураббаъи солим вазида ёзилган, жами 244 мисра) асари, *«Тўйи Иқоибачча»* ҳажвийяси, *«Ҳажви Виктор бой», «Ҳажви Виктор»* каби мухаммаслари, ўз даври учун янги бўлган *«Таърифи пич», «Сайлов»* шеърлари, маълум бир муносабат билан ёзган *«Безгик», «Таърифи Фавти Нони Тошкандий»* каби асарлари ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

*Подшоҳ йўқлатсалар ногоҳ гадо деб ахтаринг,
Тутминг ҳаргиз номими, бахти қаро деб ахтаринг.*

*Учоқ устида гар йўталса биров,
Ер эди елкасига катта қосов.*

*Бири қаттиқ чиқарса овозин,
Билмасин қўшини, деб тугтиб оғзин. («Тўғи Ўқоғачча» дан)*

* * *

*Айру сандин сўдин айрилган каби болиғ ҳаёт
Бўлди дардидин жудалиғ чехраги сориг ҳаёт.
Бўлмади гамдин ўйлингда бир нафас фориғ ҳаёт.
Эй, хаёли жоним ичра, танда жон янглиғ ҳаёт
Келки, сансиз, талх бўлди жонима тотлиғ ҳаёт.*

ФУРҚАТ (1859 - 1909)

Ўзбек демократик адабиётининг йирик намояндаси Зокиржон Холимуҳаммад ўғли Фурқат 1859 йилда Қўқонда майда хунарманд - савдогар оиласида туғилган. Етти ёшидан бошлаб маҳалласидаги Муҳаммад Олим мактабида ўқиди. Фаридидин Аттўр, Ҳофиз Шерозий, Бедил, Фузулий ва Навоий асарларини мутлоқ қилди.

Шоир Пошшоҳўжа деган кишидан араб тилини ўрганди, 14 ёшидан мадрасага ўқишга кирди. Қўқон хонлиги тугатилгач, мадрасалар ёшилгандан сўнг у Янги Марғилонга бориб (1876) дўкондор тоғасига ёрдам беради. Хусусий дарслар беради. ҳаттолик ва мнралик қилади, савдо ишлари билан шугулланиб, «*Фурқани*» («*айрилиқ*») тахаллуси билан шеърлар ёзади. 1880 йилда Қўқонга қайтали ва уйланади. Фурқат шоирлардан Муқимий, Муҳйи, Завқий, Нодим, Муҳаййор, Нисбятлар даврасида адабий йиғинларда иштирок этади. Фурқатнинг иккинчи тахаллуси «*Фарҳанг*» («*шодлик, хурсандлик*») бўлиб, уни Шарифўжа таклиф этган. Тахаллуси тақдирига айланган (Фурқат) шоир савҳатларни орзу қилиб, 1889 йилнинг бошларида Қўқондан чиқиб, Хўжанд орқали Ташкентга келади. 1891 йилнинг майида Самарқандга боради, ундан Ашхобод, Красноводск, Каспий денгизи орқали Бокуга, сўнгра Истанбулга. Арабистонга, Миср, Юнонистон, Болгария, Бомбей, Кашмир ва Сарандиш улқасига боради. 1893 йилда Фурқат Еркснтга ўтиб, шу ерда гурғун бўлиб қолади. Чет элларда юрганда ҳам «Туркистон вилоятининг газети» билан алоқада бўлади. Рус миссионери Н. Остроумов ва унинг «*Туркистон вилоятининг газети*» Фурқат ҳаётида катта роль ўйнаган.

Биринчи ўзбек газетачиси бўлган Фурқатнинг 1891 йилда ёзилган «*Сарғузаштнома*» си унинг автобиографиясидир. Бу асар «*Фурқатнома*» («*Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволати, ўзи ёзгани*») деб ҳам аталади.

Шоирнинг мажозий образлар асосига қурилган «*Сайдинг қўл бер, сайёд*» деб аталадиган мусаддаснинг моҳияти зулмини, тутқинликни, зуравонликни қоралашдан иборат. Шеърдаги «*экан метдек*» ралифи овчинини шум тақдир, охунинг ёт ўлкаларда ноҷорлик билан тутқунликда юрган лирик қаҳрамон - шоир шахсиятининг мажозий образидан иборат эканлигини тасдиқлайди. Ёмғир суви учун тоғ доласини жом қилган адиб лирик қаҳрамоннинг рухий ҳолатини табиат ва ҳодисалар билан уйғунликда ифодалаган.

Асарлари: «*Гимназия*», «*Илм хосияти*» (маснавийда ёзилган), «*Виставак хусусида*», «*Акт мажлиси хусусида*», «*Нағма базми хусусида*», «*Адашганман*», «*Фасл наобҳор ўди...*», «*Сайдинг қўл бер, сайёд...*», «*Келинчақ*» («*Сурмадин кўзлар қаро...*», Фузулий ғазалига тазмин), «*Сабоға хитоб*» (Истамбулдан ёзиб юборган, маснавийда ёзилган), «*Бормасмиз*» каби шеърлари, бизгача етиб келмаган асарлари «*Девон*», «*Ҳаммоми хаёл*», «*Чор дароғиш*», «*Нўҳ манзар*» ва бошқ.

Шеър ва асарларидан парчалар:

*Марғилонда мўтабар соҳибқироним,
Қори ака,
Алғараз, қилсам ажойиб бу баёним,
Қори ака,
Ёрқанд шаҳрида сокин мубталомен охири...*

* * *

*Худо бермиш икки фарзанд: Нозимжон, Ҳокимжон,
Қачон бўлгй кўнгул узмоққа бу кўзи қаролардин.*

*Клиш ҳолимни билмас, мэхрибонидин адашганман,
Ватан онорадурман, Ҷўстонидан адашганман.
Ватансиз бенаводурман, маконидан адашганман.*

*«Кетгил ул ён!» , деб ишорат қилса ҳар гал қошларинг,
«Кел бери!» - деб айлашур оҳиста иймо кўзларинг.*

*Лақаб ҳар кимжага мардум ба қадри одатий дерлар,
Ўшалким, анжуманда ўтса умри Сухбатий дерлар.*

*Кездим жаҳонни қалмай, Шому Ироқ, Завқий,
Бир топмадим сенингдек аҳли вифоқ, Завқий,
Шавқий висолинг ила ҳаргиз қарор йўқтур,
Жонимни ёқти ҳажру кўнглим - фироқ, Завқий!*

*«1889 йилгача мен Марғинов шаҳрида оёйиш нури бирла мушаввар бўлган
эрдим... Марғинов вилоятким, Фирдавснишонлиғ сифати бир-и мансуфдир, офтаб
жадъ буржидин тулув қилиб... бир кеча-кундуз таваққуф кўрувдим...»*

(«Туркистон вилоятининг газети», 1891 й.)

*«Зехним тайри «Мантиқут тайр» китобиға нотих бўлади. Олти ой болутар
уруб, қушлар ҳикоятини хотима оиднасиға кўндурдим ва Шамсиддин
Муҳаммадим, Шероз гулшанининг андалиби хушил-ҳанидур. Ҳофиз тахаллус
деволлари мутолласидан кўб ҳазлар топдим...»*

*Ва неча мартаба театр ном русия халқининг тамошоҳонасиға бориб, андаги
ўйун тақлид тартибларини кўрдум. Аларнинг кўрсатган тамошоши - ҳунарлари
бизнинг мисҳарабозидек маҳз кулагу учун эмас экан. балки ибрат учун экандур».*

(«Саргузаштнома» дан)

ЗАВҚИЙ (1853 - 1921)

Шоир Убайдулла Уста Солиҳ ўғли Завқий Муқимий, Фурқатларнинг ганиқли замондоши ва ҳалқоридир. *Завқий* («завқ» сўзидан) 1853 йилда Қўқон шаҳрининг Шайхон даҳасида майда ҳунарманч оиласида тутилган. У бошланғич мактабни тугатгач, тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида Қўқондаги «Мадрасаи олий», «Мадрасаи Чолпак» мадрасаларида таҳсил олади. Моддий аҳволи оғирлигидан ўқишини ташлаб, қосиблик- махсидўзлик қилишга мажбур бўлади. Шоир мирзолик вазифасида ишлаб, Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Андижон, Ўш, Наманган, Хўжанд ва Тошкент шаҳарларида бўлади. XIX асрнинг 90-йилларида оилавий ҳаётда бахтсизликлар бўлади: отаси ва икки укаси вафот этади, хотини Тожиббининг кўзлари ожиз бўлиб қолади. Завқий Муқимий билан бирга Шаҳрихон, Асака орқали Ўшга, Андижонга сафар қилади. 1900 йилда ҳаж сафарига отланган тоғаси шоирни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади. Уч йил мобайнида у Кавказ, Кичик Осиё, Миср ва Арабистон мамлакатларида бўлади. 1903 йилда Завқий Қўқонга қайтиб келади. 1904-1905 йилларнинг ёзида Қўқондаги қирқ олти раста бойларини ҳажв қилиб, бойваччалар ҳужумига дучор бўлган шоирни ҳунарманчлар 100 сўм жарима эвазига қамолдан қутқариб қоладилар. У 1921 йил май ойида 68 ёшида вафот этади. Завқий ўз ижодини лирик шеърлар ёзишдан бошлаб, ҳажвнётта катта эътибор берган. Унинг элликка яқин шеърларини ўз ичига олган мероси «Завқий. Танланган асарлар» номи билан Тошкентда 1958 йилда нашр этилган.

Шеърлари: «Қаҳатчилик», «Замона», «Ажаб эрмас», «Аҳл раста ҳажв», «Жаҳонда камсухия ким бўлади...», «Юзигини кўрсатиб аввал ўзингга бандлар қладинг» (мустақил муҳаммас), «Сув жанжали», «Шоҳимардон хотираси»,

«Афандилар», «Вексель», «Юзизги кўрсатиб», «Демин хон», «Замона камилки?», «Бўла», «Таладинг барил», «Мунча кўн» ва бошқ.

ИСҲОҚҲОН ИБРАТ

(1862 - 1937)

Исҳоқхон Жунайдуллоҳўжа ўгли 1862 (ҳижрий 1279) йилда Наманган яқинидаги Турақўрғон қишлоғида туғилган. Унинг отаси соҳибқор боғбонлардан бўлиб, *«Ходим»* тахаллуси билан шеърлар ёзган. Онаси Ҳурибиби қишлоқ қизларини ўқитган. Ибрат дастлаб қишлоқ мактабида, сўнгра онаси кўлида таҳсил олди. 1878-1886 йилларда Қўқондаги Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасида ўқиди. Ибрат мадрасани битирган йили ўз қишлоғига қайтди ва мактаб очади, У ўз мактабида савтия (товуш) методини татбиқ қилган. Шоир ўзига *«Ибрат»* тахаллусини танлаган. 1887-92 йилларда Ибрат Истанбул, София, Афина, Рим, Қобул, Жидда шаҳарларида, 1892-95 йилларда эса Бомбей ва Калкутта шаҳарларида бўлиб, араб, форс, инглиз, Ҳинд, урду тилларини ўрганган. У 1896 йилда Ҳиндистондан Бирма орқали Хитойга, сўнгра Кашқарга ўтди, Қапқардан ўз ватани Наманганга қайтиб келди. 1907-1918 йилларда янги усулдаги мактаблар ташкил этган, ўз қишлоғида унинг *«Мактабани исҳоқия»* номли босмаҳонаси ҳам бўлган. Сермаҳсул шоир, ёзувчи, мусиқашунос, педагог Исҳоқхон Ибрат қатогон қурбони бўлди. У 1937 йил Андижон турмасида 2 ой ётгандан сўнг вафот этди. Унинг қабри қаердалиги номаълум. Адиб ўз асарларида халқ озодлиги, Ватан мустақиллиги учун курашганларни ва тарихий воқеаларни акс эттирди. Масалан: *«Тарихи Фарғона»* асарида шундай ёзади: *«Ҳўжанд ва Уратена ва Диззах кўлдан кетди. Русия забт этди. Минг икки юз саксон бешинчи ҳижрийда (1866) Самарқанд олинди. Андан Каттақўрғон олинди. Сўнгра ўртада амир ила мусолаҳа бўлуб, ислоҳат жорий бўлди...»*.

Асарлари: *«Тарихи чопхона», «Маданият» ҳақида маснавий, «Газета хусусида», «Қалам», «Луғат ситта асвия» («Олти тилли луғат», 1907), «Жомеъ ул-хутут» («Хатлар мажмуи», 1912), «Тарихи Фарғона» (1916), «Мезон уз-замон» (1926), «Савъати Ибрат», «Илми Ибрат»* ва бошқ.

АҲМАД ТАБИБИЙ

(1869 - 1910)

Шоир, достоннавис, таржимон, тазкиранавис бўлган Табибий Хивада машҳур табиб Али Муҳаммад оиласида туғилган. Отаси асли афғонистонлик бўлиб, Хоразмга келиб қолган. Табибийнинг *«Луғат ус - султон», «Муносила - ушшоқ», «Ҳайрат ул - ошқия»* девонлари ўзбек тилидаги шеърларидан, *«Миротул - ишқ», «Мазҳарул - иштиёқ»* девонлари эса форс - тожик тилидаги шеърларидан ташкил топган. Тазкиранавис сифатида *«Мажмуат уш - шуаройи Ферузоҳий»* (*«Ферузоҳ шoirлари антологияси»*) ни яратган, таржимон сифатида Фузулийнинг *«Ҳафт жом»* асарини форс тилидан таржима қилган.

АНБАР ОТИН

(1870 - 1915)

Анбар Отин Фармонқул қизи Қўқонда камбағал касиб оиласида туғилган. Отаси Фармонқул асли марғилонлик бўлиб, шоира Увайсийнинг жияни бўлган. Онаси Ашурбиби Қўқонлик бир касибнинг қизи бўлган. Анбар 7 ёшдан бошлаб ўз маҳалласидаги Дилшод отиннинг мактабида таълим олади. Навоий ва Увайсийларни устоз деб ҳисоблаган. 1905 йилда Анбар Отин девон тузиб, унга 41 ғазал, 4 мухаммас, бир қитъа, бир мустаҳзод ва шеърӣ таржимаи ҳолини киритган.

Асарлари: *«Мушоира»* номли рисола, *«Қоралар фалсафаси»* (*«Фалсафаи сиёҳон»*), *«Алифбо»* ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

*Қаю султон адолатга қўяр синч,
Қўл остида эли доим бўлур тинч.*

* * *

Танга озукдир ҳаминча тўғри лафз,
Миллату тилга хиёнат ўғри лафз.

* * *

*Мажом - Вайсий ўзини қайди бандда кўрди ҳар хангом,
Қилиб Ҳуқандга рихлат, рўзгорин айлади барбод.
Ажойиб Мирғилонда аммасин кўрмади отам,
Бобом низ хоҳарини ёд этиб, айларди юз фарёд.*

АВАЗ УТАР (1884 - 1919)

Аваз Утар ўғли ўзининг демократик ва маърифатпарварлик руҳидаги асарлари билан ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ажралиб туради. У 1884 йил 15 августда Хивада уста сартарош Полвон Ниёз Утар Гадоийниёз ўғли оиласида туғилган. Отаси билимдон киши бўлиб, Авазни 8 ёшида мактабга беради. Сўнгра шоир ўқишни мадрасада давом эттиради, Ҳофиз, Жомий, Лутғий, Навоий, Фузулий, Мунис, Отаҳий, Комил каби шоирлар ижодини ўрганади, 18 ёшларида шоир сифатида танилади, Муҳаммад Раҳимхон саройида Аҳмад Табибий каби шоирлар билан биргаликда ижод қилади. Аваз Утар саройни ташлаб, отасининг касби билан шуғулланади. Лекин сарой амалдорлари, шоир ва уламолари уни динсизликда айблайдилар. Хон уни боғлатиб, 200 дарра уриради. Қаттиқ қийноқлар туфайли ҳолсизланган Авазни «жинни» деб эълон қиладилар ва Хивадаги Бобошон мазоридида қаттиқ назорат остида тутадилар. Муҳаммад Раҳимхондан сунг тахтга чиққан Асфандиёрхон ҳам уни таъқиб қилади. Шоир оғир касаллик натижасида 1919 йилда 35 ёшида вафот этади. Унинг шеърлари «*Савдат ул-иқбол*» («*Бахтли истиқбол*») деб аталган, 20 минг мисралдан ортиқ шеърларни ўз ичига олган девонда тўплаган.

Шеърлари: «*Халқ*», «*Тил*», «*Силоҳийларга*», «*Уламоларга*», «*Ҳиммат*», «*Шайх*», «*Хуррият*», «*Йўқ бўлиш*», «*Фидойи халқим*», «*Мактаб*» ва бошқа шеърлари, «*Фалоний*» туркумига кирган шеърлари ва бошқ.

XX АСР АДАБИЁТИ

21 - МАВЗУ. ЖАДИД АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

Ўзбек жадид адабиёти ҳақида

XX аср бошларидаги адабиёт ҳақида фикр юритганда, бу давр ижтимоий - сиёсий ва маданий ҳаётида жадидчилик («*жадид*» - янги деган маънони билдиради) ҳаракати алоҳида ўрин тутганини кўраимиз. 1884 йилда Қримдаги Боқчасарой шаҳрида қрим - татар халқининг буюк фарзанди, алома ва жадид Исмоилбек Гаспралӣ «усули жадид» деган янги ўқув усулига асос солиди. Ўзи мактаб очиб, 12 ўқувчининг 40 кунда саводини чиқаради. Сўнг улар учун «*Хўжаи сибён*» («*Болалар муаллими*») номли биринчи дарсликни тузади. 1893 йилда Исмоилбек Гаспралӣнинг ўзи Бухорога келиб, амир билан учрашади ва янги мактаб очишга муваффақ бўлади. Кўп ўтмай Туркистонда жадидчилик ҳаракати кенг ёйилди, кўплаб «усули жадид» мактаблари пайдо бўлди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонова, Абдурауф Фитрат, Ҳосни Муин, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, Исмоил Обидий, Суфизода, Абдулвоҳид Мунзим ва бошқалар жадидчилик ғояларини ёйишда наشريёт ишларига, маъбуот соҳасига катта эътибор бердилар. «*Вақт*», «*Осиё*», «*Шухрат*», «*Хуррият*», «*Улуғ Туркистон*», «*Бухорои шариф*», «*Садои Туркистон*» каби газеталарни. «*Ал-ислоҳ*», «*Ойил*» каби журналларни нашр этдилар. Жадидларнинг биринчи газетаси «*Тараққий*» (1906 йил бошларидан 1907 йил ўрталаригача нашр қилинган. муҳаррири Исмоил Обидий бўлган) миллат манфаатлари йўлида ватандошларини бирлаштишга даъват эди. «*Хурият*» номли газетаси 1906 йилнинг сентябридан ноябригача чиққан бўлиб, унга

Мунавварқори Абдурашидхонов муҳаррирлик қилган. Бу газета ҳеч қайси гуруҳ ёхуд партияга мансуб эмаслигини эълон қилса-да, ерли бўлмаган сармоядорларни танқид остига олгани, миллиятни уйғотиш йўлида ҳаракат қилгани учун ёпилди. Жадидлар миллиятни маърифат орқали озодликка чиқарса бўлади деб билишарди. «Турон» газетасида Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг «Тарихий илми «оқса» (1917) мақоласи эълон қилиниб, муаллиф унда маърифат душманларини қаттиқ танқид қилди, ҳатто Бухородаги бундай кишиларни «Бухоро микроблари» деб атади. Бу мақолани эълон қилган «Турон» газетаси ёпиб қўйилди, муаллифи эса динсизликда айбланиб, сазойи қилинди. Умуман олганда, жадидчилик ҳаракати Туркистоннинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Жадидчилик ҳаракатининг натижаси ўлароқ Туркистон ҳаётида жиддий илғор маданий жараёнлар кечди. Уллада театр вужудга келди, фан - техникага қизиқиш кучайди, миллий тил қадрига аҳамият ортиди, т.р. биқикликдан чиқиб, фарзандларни жаҳон маънавиятига, таълимига ошно этиш тамойили мустаҳкамланди, уй - жой тутуш, муомала-муносабат, кийим - кечак, табобат, меъморчилик, матбаа, алоқа масалаларида жаҳоннинг илғор тажрибаларини ўзлаштириш бошланди, оммавий кутубхоналар очилди ва ҳок.

XX аср адабиёти ҳақида

XX асрда ўзбек халқи ҳаётида рўй берган бир қатор воқеалар оламшумул аҳамиятга мўлж бўлиб, улар шу аср адабиёти тарихини турли даврларга ажратиб ўрганишни тақозо этади. Бу даврлар қуйидагилардир:

1. Миллий уйғониш даври адабиёти (1905 - 1916 й.).
2. Инқилобий ўзгаришлар даври адабиёти (1917 - 1929 й.).
3. 30 - 40 - йиллар адабиёти.
4. 50 - 80 - йиллар адабиёти.
5. Ҳозирги адабий жараён (90 - йиллар)

Ўзбек адабиётининг XX аср боसқичида ёзувчилар ўз ижтимоий келиб чиқишлари ва ижодларнинг гоявий йўналишига қараб сунғий равишда қуйидагиларга ажратилди:

1. Пролетар ёзувчилар: Ғайратий, Ғ. Фулом, Умаржон Исмоилов ва бошқ.
2. Инқилобий ёзувчилар: Ҳ. Олимжон, Ойдин, С. Абдулла ва бошқ.
3. «Йўловчи» ёзувчилар:

А) Унг қанот : А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон

Б) Сўл қанот: Ш. Сулаймон, Элбек, Ойбек, Н. Раҳимий.

М. Иброҳимовнинг «Лотмон» (1916), Ҳамзанинг «Сафсару» каби тўпламлари ва Пўлканнинг «Мардикор» достони ҳам мардикорчилик воқеаларига бағишланди. Нозимахоним ҳам ўзининг «Баён эт» (1907) шеърида

«Қилиб хуррият у эрлик талошин,

Кўринг, юрт эрлари сўнг бўлди бадном» - дея ёзган эди Русиядаги ҳодисалар ҳақида.

20 - йиллар ўзбек адабиётида «Назарий» романтик оқим, септимаентал оқим, ҳажвий оқим (намоёндалари: Сўфизода, А. Қодирий, Ғ. Фулом, А. Қаҳҳор, А. Маъжидий) ва реалистик оқимлар кўзга ташланди. Ғ. Зафарийнинг «Ҳаляма» драмаси ўзбек аёлининг эрки ва бахти масаласини ёритишга бағишланди. Бу давр адабий жараёнида узоқ асрлик анъанага эга фольклор йўлида асарлар яратган Эргаш Жумабўлу ва Фозил Йўлдош ўғал, минг йиллик мумтоз шеърятимиз йўналишида ғазаллар битаётган Хислат ва Камий, адабиётга шўро тўнтаршидан сўнг кириб келган Ойбек ва Миртемир сингари ўнлаб турфа санъаткорлар ижод қилдилар.

30 - 40 - йиллар адабиётида эскилик ва янгиликни таққослаб, собиқ тузум кўкларга кўтарилган «Кўкан», «Жонтемир», «Турксиб йўлларида» каби асарлар яратилди. Бу даврда ўзбек лирикаси ўз тараққотининг янги босқичига кўтарилди. 30-йиллар шеърятига Ойбек ўз қалбининг Чўлпон бадийи олами билан нурланган мавжларини олиб кирган бўлса, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва А.Умарий унга мусиқий назокат, Усмон Носир фалсафийлик, Миртемир ўзбекона руҳ

бағишладилар. 30-йилларда А. Қодирийнинг «Обид кетмон», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», А. Қаҳҳорнинг «Сароб», Ойбекнинг «Кутлуғ қон», С. Айнининг «Кулаар» каби романлари ўзбек насрининг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Зулфиянинг «Уни Фарҳод дер эдилар», Ғ. Ғуломнинг «Соғиниш», Уйғуннинг «Ватан ҳақида қўшиқ», М. Шайхзоданинг «Кураш нечун?» каби шеърлари яратилди. Собир Абдулланинг «Тоҳир ва Зукра» драмаси халқ эртақлари сюжетига асосида ўзбек ёзувчилари томонидан ёзилган энг яхши асарлардан бири сифатида адабиётимиз хазинасидан бир умрга ўрин олди. Комил Яшин қаламига мансуб «Улам бошқичиларга», К. Яшин ва С. Абдулла ҳамкорлигида ёзилган «Даврон ота» пьесалари шу давр драматургиясининг сафарбарлик ғояси билан йўғрилган намуналаридандир. Миллий озодлик учун кураш мавзусида Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий», Ҳ. Олимжоннинг «Муқанна», М. Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» ва бошқа шу каби асарлар ҳам вужудга келди. 30-40-йиллар адабиётини Ойбек, Ғафур Ғулом, Зулфия, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Шухрат, Уйғун, Комил Яшин, Усмон Носир, Миртемир, Собир Абдулла каби истеъодли ёзувчиларни етиштириб берди.

50 - 80 - йиллар адабиётига турғунлик йиллари сиёсати ва мафкураси салбий таъсир қилди. Бу давр туғдирган кўплаб жиддий муаммолар - иқтисодий танглик, бошқарувнинг маъмурий - буйруқбозлик усули, маънавий ҳаётимиздаги иллатлар - ўша давр адабиётини «ёки бу кўринишда ўз аксини топди. Фуқаро сифатида оқланган Чўлпон, Фитрат сингари улкан адиллар асарларини чиқариш ман этилди; ўтмиш адабий мероси - Яссавий, Бобур, Ҳусайний, Амрий каби сўз усталари ижоди инкор этилди; «Тобутдан товуш», «Сўқмоқлар» сингари ҳаққоний асарлар кескин танқидга учради.

Бу давр адабиётини турғунлик даври туғдирган кўплаб жиддий муаммолар-иқтисодий танглик, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усули, маънавий ҳаётимиздаги иллатлар у ёки бу кўринишда ўз аксини топди. Расимий доираларда шахсга сиғиниш масаласига муносабат кескин ўзгарган, бу тўғрида индамай ўтиш одат тусини олган бир пайтда Шухратнинг «Олтин зангалмас», А. Муҳторнинг «Давр менинг тақдиримда», О. Ёкубовнинг «Измайман», С. Азимованинг «Юлдузлар жамоли», Э. Воҳидовнинг «Оқсоқол» асарларида ана шу муҳим ҳодиса оқибатлари рўй - рост кўрсатилди.

ШАВКАТ

Асл исми Сирожиддин Сидқий бўлган шоир 1884-1934 йилларда яшаб, ижод этган. Тошкентнинг шимоли-шарқидagi қишлоқлардан бири Ҳандақлик (ёки Хондайлик) да туғилган. Отаси Мирзохил охунд ўқимшли бўлган. Сирожиддин турли жойларга бориб таълим олган, дастлаб «Шавкат», «Шеван» тахаллуслари, кейин эса «Сидқий» тахаллуси билан ижод қилган. Шавкат «Тоза хуррият», «Русия инқилоби» (биринчи ўзбек тарихий дostonи) каби дostonлар, «Қаҳрамон фидокорлар ҳақида», «Тошкентлик ёшлар ҳақида», «Муҳраба», «Рабочийлар», «Сизларга Муждам» каби шеърлар ёзиб, ўзбек адабиётини инқилоб мавзусини биринчилардан бўлиб кенг ва чуқур ёритган, мардикорчилик воқеаларини тасвирлаган, Мочалов ва Иванов каби тўраларни кескин фoш этган.

БЕҲБУДИЙ (1875 - 1919)

«Ҳақ олинур, берилмас».

Беҳбудий («Баёни ҳақиқат»дан)

XX аср ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида Беҳбудий («Беҳбуд» сўзи фойда, нажот; бахтли, тинч, осойишта каби маъноларни англатади) алоҳида ўрин тутади. У 1875 йилда Самарқандда муфтий оиласида туғилган. Ешлигиданоқ араб, форс, турк тилиларини мукаммал ўрганган Маҳмудхўжа аср бошида Арабистон, Туркия, Оренбург, Қозон, Москва, Петербург сафарларида бўлган. У жадидчилик ҳаракати намояндаларидан бўлиб, Самарқандда янги

усулдаги мактаблар очди, 1913 йилда «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журналинини нашр этишда бош-қош бўлди, 1911 йилда «Падарқуш» драмасини ёзиб, ўзбек драматургиясига асос солди. Бехбудий 1918 йил урталарида «Мусулмон ипчи ва деҳқон шўроси» га маориф халқ комиссари бўлди, Туркистоннинг давлат тили тўғрисидаги декрет лойиҳасини тайёрлашда жонбозлик кўрсатди, «*Нашриёти Бехбудий*» номида нашриёт очди. У 1919 йилнинг баҳорида Бухоро амирининг Шаҳрисабздаги кишилари томонидан ҳибсга олинади ва «шўронинг айбқўчиси, жалид, шўрога сотилган» деган айблар билан Қарши шаҳрида қатл этилади. Бехбудий қабрининг қардалиги номгаълум.

«*Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқ бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз*», - деган эди Бехбудий васыятномасида. Бехбудий ҳақли равишда ўзбек мятбуоти ҳамда педагогикасининг асосчиси саналади. «Зарафшон» газетаси 1922 йилда Бехбудийни «*нашри маориф тўғрисида ватанимизнинг биринчи қаҳрамони*» дейиши бежиз эмас. Ўз даврининг Хожи Муин, Фитрат, Садриддин Айний, Ҷуллон каби санъаткорлари Бехбудий ўлимига марсиялар бағишладилар. Ҳожимурод бу аллюма қатл этилиши воқеасини марказга қўйган ҳолда «*Маориф қурбоналари*» номида пьеса ёзди.

Асарлари: «*Падарқуш*», «*Туркистон шораси*», «*Туркистонда мактаб жарида*», «*Эҳтиёжга милаат*», «*Етлағар мувожаат*», «*Икки эмас, тўрт тил керак*», «*Аҳоли жўғрофиясига кириш*», «*Болалар учун китоб*», «*Русиянинг қисқача жўғрофияси*», «*Ислаом қисқача тарихи*» («*Тарихи ислом*», 1904), «*Бухоро ҳолатига савҳат*» (1912, мақола. Унда Бехбудий Каттақўрғон, Жиззах, Самарқанд атрофидаги ерларни ўзлаштириш ҳамда сув муаммосини ҳал этиш кераклигини айтган), «*Фелетон*» (унда муаллифнинг «агар биз ўз манфаатларимизни қаттиқроқ ҳимоя қилмасак, ақин йиғирма йил ичида кўп оёқости бўлишимиз эҳтимол», деган мулоҳазалари бор) ва бошқ.

«*Падарқуш*» драмаси ҳақида

Бехбудий ўзбек адабиётида драма жанрига асос солган адибдир. Унинг «Падарқуш» номида драмаси 1911 йилда ёзилган бўлиб, илк бор 1912 йилда «*Турон*» рўзномасида босилган. Драма 1913 йилда китоб ҳолида ўзбек тилида нашр этилди. Бироқ унинг муқовасида рус тилидаги: «*Русиянинг француз ибтидоидан қутулиши ва машҳур Бородино муҳорабаси хотиралари юбилейига бағишлайман*» деган ёзув бор эди. Чор цензурасидан ўтиш учун муаллиф шундай қилди. Пьеса Самарқанд, Тошкент, Бухоро каби ўнга ақин шаҳарда саҳнага қўйилди. Асар 1914 йили Самарқандда қўйилганда «*Ойна*» газетаси бундай деб ёзган эди: «*Халқ ниҳоят кўп келиб, билет етмагани ва жой йўқлиги учун уч-тўрт юз киши қайтиб кетди... Уч сўм бериб тикка турмоққа ҳам розилар бўлди*». Пьесадаги Лиза ва бойнинг хотини тимсолларини эркак актёр Абдулла Бадрий ўйнади. Асарни саҳнага қўйган Самарқанд труппасига Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ўзи раҳбарлик қилган эди. Драма Тошкент труппаси томонидан қўйилганда бой ролинини Абдулла Авлоний ўйнаган. «*Туркистон вилоятининг газети*» (1914) «*Пьеса Европа театрлари даражасида қўйилди*», деб баҳолаган эди. Асарда илмсизлик қораланади. Унда Бехбудий Туркистон халқи учун икки йўналишдаги олимлар зарур, деган фикрни илғари сурган. Бири диний йўналишдаги уламолар бўлиб, улар хатиб, имом, мударрис, муфти ва бошқалардир. Иккинчиси эса замонавий йўналишдаги олимлардир. Уларни Бехбудий «*олими замоний*» деб атайдди. «Падарқуш» драмаси айрим камчиликлардан ҳам холи эмас эди. Айниқса, айрим қаҳрамонлар ҳаракати, характеридаги далиллаш санъати баъзи ўринларда кучсиз. Хусусан, қотиллик эпизоди сунъийроқ, Асарда гоё доим ҳам қаҳрамонлар характери, ҳаракатидан эмас, кўпроқ муаллиф мақсадларини тезроқ очишга интилишдан келиб

чиқади. Бу, чамаси, образ ҳаракатини гоёга бўйсундиришга берилиб кетишдан ва драма жанридаги тажриба озлиги туфайлидир. *Бехудий бу асарда адабиётимизда биринчилардан бўлиб, ватанда яшаб туриб беватан қолиш муаммосини ҳам кутариб чиқади ва бу муаммога жавоб топишга ҳаракат қилади.*

Асарнинг асосий қаҳрамонлари қуйидагилар: *Бой, Тошмурод (бойнинг ўғли), Домулло (янги фикрлик бир мулла. Халқимизни саводли қилиш йўлида жонкуярлик билан айтилган қуйидаги гаплар унинг тилидан айтилган: «Хулоса чиқарсак бўлмайдими ахир, йилгирма-ўттиз йилдан бери барча йилрик савдо ишлари ериг халқ эмас, четдан келганлар қўлда. Ахир ўзимиз, болаларимиз ўқиган, саводли, ялмай бўлмас экан, шу куйга тушмасдик»), Хайрулло (бойнинг мирзаю маҳрами), Тавғарқул (Тошмуроднинг ишишоши, бойнинг қотили), Лиза (рус хотини), Артуя (армени майхончи), Зейла (Миллатчи мусулмон. Бу қаҳрамон куюнчаклик билан миллат тақдир ҳақида қуйидаги гапларни айтаётганида бой бир тарафга оғанча хуррак ота бошлайди: «Болаларимизни Фарангистон, Америк, Истанбул дорилфунунларига тавалли-тарбия учун юборишимиз зарур. Бу борада Кофқас, Оренбург, Қозон бойлардан ибрат олиш керак, уларнинг камбағал болалар ўқитишга алоҳида эътибор беришларидан ўртак олса арзийди»), Бойбучча (хотин), Давлат (сандиқдан пул ўғирлаш тақлифи ундан чиқади), Нур ва бошқ.*

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ (1878 - 1931)

Мунавварқори ватан ва миллат фидойиси, сиёсат ва маърифат арбоби, Туркистондаги жалидчилик ҳаракатининг йилрик намояндаларидан бири, педагогдир. У 1878 йилда Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасидки Дархон маҳалласида диндор зиёли оиласида таваллуд топган. Отаси Абдурашидхон мадрасада мудarris, онаси Хосиятхон маҳалланинг отин ойиси бўлган. Мунавварқори ilk сабоқни ота - онасидан, маҳалла мактабидан олиб саводини чиқарди. Сўнгра Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида ва Бухоро мадрасасида таълим олди. 1904 йилдан бошлаб фаол ижтимоий ҳаётга кириб борди. «Шўрои Ислом» ташкилотининг (1917 - 18) идеолога ва раҳбари сифатида фаолият кўрсатди. 1929 йилда ноҳақ миллатчиликда айбланиб қамоққа олинди ва 1931 йилда отиб ташланди. Унинг ҳоки Москвадаги Ваганково қабристонидалир. Мунавварқори 1903 йилдан жалид мактаблари очиб, дарс берган. Шундай мактаблар учун товуш усулида ёзган «*Адиби аввал*» («*Биринчи адиб*», 1907) алифбе китоби, «*Адиби соний*» («*Иккинчи адиб*», 1907. Унда «*Ҳамма тав фақир шеъри келтирилган*») ўқиш китоблари бир неча бор нашр қилинган. 1908 йл унинг «*Сабздор*» (тўплам), «*Ер юзи*» (географиядан), «*Тамсандад Куръон*» (Куръонни ўқиш усулини ўргатган) китоблари ҳам босилиб, янги усулдаги мактабларда дарслик сифатида қўлланган. 1906 - 1917 йилларда жалид газеталарида муҳаррирлик қилган, «*Хурийд*», «*Нажот*», «*Кенгаш*» каби газета ва бир қанча журналларга асос солган, жалидлар театри тарғиботчиси бўлган. Мунавварқори миллатимизнинг маърифий келгуси ва мустақиллик йўлини мунаввар қилиб кетган зотдир. «*Чор ҳукуматини йўқотиш жадидларнинг тиллагида бор эди*» деб ёзган эди 20 - йилдаги мақолаларидан бирида у.

АБДУРАУФ ФИТРАТ (1886 - 1938)

Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат 1886 йил Бухорода зиёли оиласида туғилди. У ўзбек ва форс тилининг назокатларини ilk бор онаси Бибижон отиндан ўрганди, дастлаб эски мактабда, сўнгра Мир Араб мадрасасида ўқиди. 1909-1913 йилларда эса адиб Туркияда, Истанбул доилфунунинда таҳсил олади. У ерда замондошлари билан биргаликда «*Бухоро тавалли (умумий) маориф жамияти*» ни тузди. Машҳур ёзувчи Садриддин Айний «*Фитрат Истанбулга бориб ўқиган талабалар орасида энг истеододлиси ва фозили эди*» деган фикрни айтган эди. Фитрат 1919-20 йилларда Афғонистон ҳукуматининг Тошкентдаги ваколатхонасида таржмон, «*Турул*», «*Бухоро тариф*», «*Ошна*» каби кўпгина газета ва журналларни ташкил этишда бош - кош бўлди, Туркистонда тил,

адабиёт, санъат масалалари билан илк бор ташкилий равишда шуғулланган «Чигатой гуруҳи» ташкилотига раҳбарлик қилиши, Бухоро халқ Республикасининг бир қатор раҳбар лавозимларида ишлади. Бухоро амрига берилган ультиматум ҳам унинг қалами билан ёзилди. 1923 - 1924 йилларда Фитрат маълум муддат Ленинградда, сўнгра Москвада яшайди. Унга ўзбек зиёлилари ичида биринчилардан бўлиб профессор илмий унвони берилди. Адиб илк аспирантларга раҳбарлик қилди, Бухорода мусиқа мактаби очди. Усмирлик йиллари у *«Мижмар («чўрдо») тахаллуси билан, сўнгра Фитрат («туғма истеъдод») тахаллуси билан ижод қилди. Фитрат ўзи фаолият кўрсатган ташкилотнинг миллий раънақи йўлида жонбозлигини назарда тутган ҳолда, ташкилотга асоссиз қўйилган айбларни «нон орасида кир изламак» дея атаган эди. У «не-не юртларни кездим, кўрдим, бироқ Туркистоннизи каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир», деб нола чекди.*

Фитратнинг «*Мухтасар ислом тарихи*» (1915), «*Рўзалар*», «*Шайтоннинг таърифи ва сўёли*» (1924), *мустабидлик авж олган замонда бодийлик ва шартлиликнинг мураккаб, яширин шаклларига мурожаат этиб яратилган, юзаки қараганда даҳрийнамо бўлиб кўринса-да, аслида тубида, замирида озодликка интилиш, мустақиллик учун кураш ғоялари бодий тарғиб этилган асар), «Қиёмат»* каби асарлари диний мавзуда ёзилган. Қомусий билим ва бадий истеъдод эгаси бўлган Фитрат 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган.

Фитратнинг ҳаёти ва ижодини адолатли ўрганиш ХХ асрнинг 80 - йилларнинг охирида бошланди. Уч жишдан иборат «Танланган асарлар» и босилиб чиқди. Юксак савиядаги асарлари 1991 йилда Алишер Навоий номидаги Республика Давлат мукофотига муносиб деб топилди.

Асарлари: «*Сайҳа*» («*Фарёд*» 1912, *илк шеърӣ тўплами*), «*Учкум*», «*Шеърлар*, *Достон*», «*Менинг туғилим*», «*Шарҳ*», «*Йиғини*», «*Бир өз кул*», «*Миррих юлдузига*» (1922), «*Ўзая юлдуз*, *еримизнинг энг қадри тугенми*» *нисриси билан бошланган. Бу шеър истиқлол руҳи билан суғорилган, сакам 70 йил давомида миллатчилик руҳидаги асар сифатида баҳоланган бўлиб, унда сотқин, иккиозламачи, залим одамлар қораланган*), «*Мутозарар*» (С. Айний «*бу асар давр тараққиётига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатди*», деб баҳоланган асар), «*Юрт қайғуси*», «*Қиёмат*» (*Дикоя қаҳрамони Почамир «Нима қилган бўлсан яратганининг иродаси билан қилганман. Яратган менинг барча қилмишларимдан воқиф - ку. бу ерда ҳисоб - китоб қилиб ўтиришнинг нима кераги бор» - деган*), «*Бегижон*» (1916), «*Або Муслим*» (1916) «*Темур сағинаси*» (1918), «*Уғуҳон*» (1919), «*Чин севаит*», «*Арслон*» (1925), «*Абулфайзол*», «*Ҳинд ихтилолчилари*» (1923, Берлин, *Русия истибодидига қарши курашга чорловчи асар*) каби драматик асарлари, «*Адабиёт қондалари*» (1926, *Адабиёт муаллимури ва адабиёт ҳаваслилари учун қўлланма*), «*XVI асрда сўзгн ўзбек адабиётига бир қараш*», «*Фирдавсий замон ва муҳити*», «*Аҳмад Яссавий*», «*Навоийнинг форсий тоғрали ва унинг форсий девони тўғрисида*», «*Бедла*» (*илк таъқиқот*), «*Матраб*», «*Форс шоири Умар Ҳайём*», «*Ўзбек шоири Турди*», «*Ҳабатула ҳақойиқ*» каби талқиқот ва мақолалари, «*Ўзбек адабиёти намуналари*» (1928), «*Друз ҳақида*» (1935), «*Ҳинд сайёҳи қиссаси*» (1912), «*Тилимиз*» (1919) каби асарлари, «*Елтизмаган гажаклари*» (1929, *Бойбўлатова очик хат*. Унда Фитрат *Бойбўлатовага қарата «Азимм, Урта Освнинг оламга маълум бир маданияти бўлган, бу маданиятнинг туркий асарлари қолган. Бу асарларнинг ҳаммасига бирдан «сахлат» лар дейиш сўзining муҳокамалашнинг қирағидан чиққан ялғи бир истилоҳ бўлса керак» деган фикрларни баён этган. У Фитратнинг ўзига нисбатан панисломист, пантуркист, улмишни кўмсовчи ва унинг меросини тарғиб қилувчи комфирқа ва социализмнинг душмани, миллатчи деган тухматни ёпиштирувчиларга қарши раддия, очик хат сифатида эълон қилинган мақоласидир*), «*Иттифоқ этайлик*» (1917, *унда Фитрат «...Қўли - қўлга берайлик, ҳақ йўлида, дин йўлида, миллат йўлида жадидимиз, қадимимиз, мулламик, бойимиз ва авомимиз бир ерга тўпланайлик, бир-биримизга кўмакиш ва мададор бўлайлик» деган эди*), «*Сўсий ҳоламр*», «*Мухторият*», «*Туркистонда*

руслар, «*Англиз ва Туркистон*», «*Шарқ сийсати*» каби публицистик мақолалари, «*Мевроҳ*» (*ҳикоя*), «*Оқ мазор*», «*Қийматқ эмон*», «*Ҳид сәйёҳи бейоти*» (*форс-тожикча*, 1912), «*Раҳбари нажот*» (1915), «*Олла*» (1916), «*Вайрон бўлган қабрлар*», «*Амир Оламхон*» рисоласи ва бошқ.

«Абулфайзхон» фоживаси ҳақида

«Абулфайзхон» биринчи ўзбек фоживаси бўлиб, дастлаб 1924 йилда Москвада нашр этилган. Бу асарни ёзишда Фитрат Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «*Убайдуллоҳнома*». Абдурахмон Толетнинг «*Абулфайзхон тарихи*» Мир Вафо Кармонағийнинг «*Тухфаи җилӣ*» асарларидан манба сифатида фойдаланган. Асарда XVIII аср Бухоро ҳаёти - аштархонийлар сулоласининг охириги намояндalarидан бири Абулфайзхон ҳокимиятининг таназзули ва манғитлар сулоласининг дастлабки босқичи тарихий ҳақиқат асосида бадний жиҳатдан акс эттирилган.

Асар Қози Низом ва Мирвафонинг шахмат ўйини гасвиридан ва Мирвафонинг таъбири муҳокамасидан бошланади. Фожива ниҳосида Сивуш руҳи тимсолидаги Ҳаёл рамзий образига дуч келамиз (*уни яратмишда Фитрат Шекспирнинг «Гамлет» идан таъсирланган бўлса, 60 - йилларнинг аввалида Шайхзода «Мирзо Улугбек» трагедиясида шу тарздаги образми яратмишда Фитратнинг мазкур асаридан ихломланган*). Асар ғояси ва пафосини очишда Ҳаёл образининг роли катта. У Раҳимбий билан баҳсга киришар жан, тахтга қарата шундай дейди: «*Сен «инжу тизғучи адибларнинг, қаламларини ўчоқ сунгурсияга айлантирдинг»*, «*Эй қоп - қора саодат сенан»*. Асар охиридаги «*Эй қоп-қора саодат сенан»* деган фикр асарнинг фоживий пафосини белгилайди, «*қоп-қора саодат»* деганда янги тузумнинг ваъда қилган «саодат»ни Туркистон халқи бошига қора кунларни келтирганлиги рамзий ишора тарзида ифодаланади.

Фожива қаҳрамонлари: *Абулфайзхон (Бухоро хони), Абдумўминхон (Абулфайзхоннинг ўғли), Улафат (ҳарам бошлиғи), Девлат (тўққаб), Қози Низом (Бухоронинг қози қалони), Ҳакимбий (хоннинг иноғи, сўзга отағлиғи), Мир Вафо («Тухфаи хоний» нинг муаллифи, Ҳакимбийнинг одами), Довтёбий (Ҳакимбийнинг укаси), Оқун (Бухоронинг катта муллasi), Нодиршоҳ (Эрон шоҳи), Разоқулхон (Нодиршоҳнинг ўғли), Қурбонгул (хизматкор аёл), Раҳим қурчи (тўққаб), Тоғойқул бек (манғит бекларидан), Иброҳимбий (исёнкор, ҳақиқатпарвар инсон), Фарҳод оталиқ (хонни «ота каби асрагон» киши, хонга қизини бермагани учун қатл этилади), Эрон кўшунини бошиқлари: Аlikuлхон, Хусейнхон, Аҳмадхон ва бошқ.*

Асардаги аксар воқеалар ва шахслар тарихийдир. Хусусан, *Абулфайзхон, Нодиршоҳ*, хоннинг оталиғи *Ҳакимбий, Раҳимбий*, тарихчи *Мирвафо, Иброҳимбий* тарихий шахслардир. *Девлат, Улафат, Қози Низом* сингари образлар бадний тўқима асосида яратилган образлардир.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ (1878 - 1934)

*Ҳар ғамнинг поёни бордир, ҳар аламнинг охири,
Ҳар зимистоннинг баҳори, ҳар ҳаётнинг охири,
Авлоний («Саодат Туркистон» эътифоси, 1914).*

«Алҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур». (*А. Авлоний*)

Машҳур ўзбек маърифатпарвар, шоири ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилган. Эски мактабда савод чиқарди, мадрасада таҳсил олди. Овладаги моддий қийинчиликлар туфайли болалигидан одамлар энигида меҳнат қилди, гишт қуйиш, сувоқчилик, печкачилик, дурадгорлик, бинокорлик каби касблар билан шуғулланди, «*Иморатчи уста»* деган ном олади. Абдулла Авлоний шеърлари 15 ёшдан бошлаб матбуотда кўрина бошлади. Жадидчилик ҳаракати

раҳбарларидан бири бўлган Авлоний 1904 йилда Тошкентнинг Миробод маҳалласида жадид мактабинин, 1909 йилда «*Жамияти хайрия*» уюшмасинини ташкил этди. 1905 - 1917 йилларда матбуотдаги қизгин фаоллигини, кўплаб публицистик мақолалари билан «*бир ёқдан миллий ислохот учун мафкура ҳозирлагон, иккинчи ёқдан эл орасига ўзгариш тухмини сочгон*» ҳам Абдулла Авлоний бўлди. Авлоний ўзи нашр этган «*Шухрат*» (1907) номли газетаси фаоллигини шундай баҳолаган эди. У *Туркистонда биринчилардан бўлиб мактабга география, кимё, хандаса, физика фанлари киритилишига таъсир кўрсатди, таълимни реал турмуш билан боғлашга интилди, бир дарс билан бошқаси ўртасида муайян танаффусни, бир синфдан иккинчисига ўтишдаги имтиҳонни жорий этди, таълим тизимининг дунёвий йўналишини кучайтиришга алоҳида эътибор берди*. Унинг «*Биринчи муаллим*» («*Муаллими аввал*», 1909), «*Иккинчи муаллим*» («*Муаллими соний*», 1912) номли дарсликлари, «*Туркий гулистон ёхуд ахлоқ*» (1913), «*Гулистони мактаб*» (1917), «*Адабиёт ёхуд миллий шеъраар*» (1909-1916, 6 қисм) каби қўлланмалари мактабларда ўқитилган. Авлоний «*Турон*» (1917) газетасига «*Ямания халқ жумҳурияти*» деган шиорни танлади, «*Турон*» номли театр тўрагини ташкил этиб, иқтидорли ёшларни тўплади, айрим ролларни ижро этишда ўзи ҳам қатнашди. Шоир Афғонистонда элчи бўлди, турли ўқув юртида дарс берди. Абдулла Авлонийнинг *Ҳижрон, Нобил, Индамас, Шухрат, Сурайё, Шапалоқ, Чола, Аб, Чегийоб* деган тахаллуслари бўлган. У 1934 йил 24 августда Тошкентда вафот этди. Авлоний ижоди бўйича Беғали Қосимов илмий изланишлар олиб борган.

Асарлари: «*Адвокатлик осомни*» (1914, **қаҳрамонлари:** *Давронбек, Худойберди, уйини гаровга қўйиб, қарз ҳисобига уйланган Эгалберди ва бошқалар*), «*Шинак*» (1916), «*Биз ва сиз*» (1917), «*Португалия шўқлабди*», «*Икки муҳаббат*», «*Бўрон*» каби пьесалари, «*Тулки ила қарғи*» масали, «*Мардикорлар ашуласи*», «*Ватан*» (1916), «*Мактаб*», «*Богча*», «*Яқов шогирд тилдан*», «*Тоғлардан бир манзара*», «*Миллатга хитоб*», «*Ишчиларга тортуқ*», «*Кўклам келди*», «*Товуш*» каби шеърлари, «*Мақсад ва масъала*» (1908 йил 9 апрель), «*Ҳолимизга боғир*» (1908 йил 14 февраль) каби мақолалари, «*Ҳасад балоси*» мажозий ҳикояси ва бошқ.

«*Туркий гулистон ёхуд ахлоқ*» асари ҳақида

«*Туркий гулистон ёхуд ахлоқ*» 1913 йилда ёзилган бўлиб, у ахлоқий - таълимий асардир. Муаллиф бу китоб бошланишига «*Мен хастаяму миллатим ўлмай нега бемор?*» деган риторик сўроқ қўйган ва асар давомида ушбу саволга жавоб беришга ҳаракат қилган. «*Туркий гулистон ёхуд ахлоқ*» асари «*Ахлоқ*», «*Тарбия*», «*Яхши хулқлар*», «*Ёмон хулқлар*» деб номланган қисмларга бўлинади. Асарда дённат, сазй ва гайрат, риёзат, шижоат, қаноат, сабр, нафс, виждон, ифқат, олийҳимматлик ва шу каби юксак ахлоқий тушунчалар, зулм, нинфок, таъма, хасад, лоқайдлик, гийбат, ҳақорат, уятсизлик, наминат(қадимчилик), адоват каби ёмон хулқлар мишлат ва ватан саодатига эътиборсизлик ва беписандлик билан боғланган ҳолда муҳим ижтимоий муаммо сифатида талқин этилган. «*Америкаликлар бир донда буғдой экуб, йиғирма қадоқ буғдой олулар. Овруполилар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтаминни келтуриб, ўзимизга йиғирма беш тийинга сотулар! Аммо биз осийллар, хусусан, туркистонликлар думба сотуб, чандир чайнаймиз. Қаймоқ бериб, сут ошимиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз!*» деган фикрлар улуг адиб Абдулла Авлоний аср бошидаёқ ватан равнақи, халқ саодати ва миллатга содиқ фарзандлар тайёрлаш зарурлиги хусусида нечоғлик чуқур ва теран мушоҳада юритганини кўрсатиб турибди. Бу - ўзликни англаш, ўз қадримизга етиш, истиқлолни қўлга киритиш утуни айtilган дадил ва жасур фикрлар эди. Абдулла Авлоний шу асарида: «*Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғи кўрсатадургон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилин йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур*», - деб ҳам қайғуради. Кези келганда муаллиф ҳадисларга мўл - мўл мурожаат этган.

«Қуръони карим»даги улугъ фалсафий каломлардан унумли фойдаланган. Ашиқса *Искандар, Суқрот, Арасту, Афлотун, Ибн Сино, Мавлоно Румий, Ших Савдий* каби тарихий шахслар билан боғлиқ нақллар, ихчам ривоятлар, ҳикоялар асар жозибасига жозиба қўшган.

Шеърларидан намуналар:

*Ҳар бир миллатнинг тараққийси илм ила,
Подон халқнинг кўз ёши маржон эмиш...
Кеча-кундуз бизлар дарду меҳнатда,
Илм ила европолик хандон эмиш.
Нонимизни тева қилиб берурлар,
Биллар хўп бепаросат, подон эмиш. (*Тоқлардан бир максара* шеърдан)*

*Кунинги оч, эй миллат, кўп замон гофил ётдинг,
Умринг ўтди ётмоқда, қайғуга тоза ботдинг. (*Миллатга хитоб* шеърдан)*

МУҲАММАДШАРИФ СУФИЗОДА

(1869 - 1937)

Суфизода ўзининг халқчилик, тараққийпарварлик руҳидаги шеърлари билан халқимизнинг миллий уйғонишига ҳисса қўшган илғор зиндиларидан биридир. Муҳаммадшариф Эгамберди ўғли 1869 йилнинг 29 январида Наманган вилояти, Чуст туманида хунарманд - косиб оиласида туғилган. Отаси Эгамберди Суфи пичоқчилик, чархчилик ишлари билан машғул бўлган. Онаси Зайнаб хола ҳожишига кўра Манзура отиндан хат-савод чиқаради, эски мактабларда таълим олади. «Ваҳший» тахаллуси билан ҳажвий шеърлар ва ғазаллар ёзган, «Туркистон вилоятининг газети», «Садои Туркистон» газеталарида шеърлари билан қатнашиб турган. Қўқон адабий муҳитининг машҳур шоирлари Муқимий, Муҳий, Завқий, Нодим Намангоний билан яқин муносабатда бўлди. Суфизода 1893 йилда она шаҳри Чустда боёнларни, чор амалдорларини, мутаассибларни ҳажв қилувчи шеърлари учун «*Бадасл*», «*Беадаб*», «*Даҳрий*» деб айбланган ва ўлимга ҳукм қилинади. Шоир ноҳақ айбловлардан қочиб 14 йил ҳар мамлакатда умр кечирди. Тифлис, Боку шаҳарларида бўлиб, Арабистон, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистонда яшаган ва ўқитувчилик қилган. 1913 йилда Чустда янги усулдаги бошланғич мактаб очган. 1918 йилда Афғонистон маориф вазирининг ўринбосари сифатида Туркистонга афғон ақолатхонасининг тилмочи бўлиб тайинланади. Шу йили у Ўзбекистонга қайтиб келади ва умрининг охиригача хизмат қилади. 1926 йил 27 февралда «*Ўзбекистон халқ шоири*» фахрий унвонига биринчи бўлиб сазовор бўлган. У 1937 йилда оғир бетобликдан вафот этади, қабрининг қасрдалиги номаълум.

Асарлари: «*Ўзбек хонимига*», «*Хонимлар исмида*», «*Ватан*», «*Муслималар*», «*Хушчақчақ қаламлар*», «*Байрам натидалари*» (1934), «*Беш ёрлар тиллодан*», «*Алеидо*», «*Озодлик байрам*», «*Дақанинг*», «*Бедананг*», «*Сайловга*», «*Қувди мени жоҳиллар ўшандоғ ватанимдин...*» ва бошқ.

22 - МАВЗУ. XX АСР БОШИДАГИ АДАБИЁТ НАМОЯНДАЛАРИ

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ (1889 - 1929)

*Миллатим насли башардур, ватаним кураи арз,
Иккисин хизмати фарздур, иккисиндан жон қарз.*

Ҳ. Ҳ. Ниёзий.

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий 1889 йил 6 мартда Қўқонда Ҳақимча исми билан машҳур бўлган табиб оиласида туғилди. Отаси Ибн Ямин Ниёз ўғли ўзбекча ва форсчадан саводли эди. Ҳамза 1899 - 1906 йилларда мадрасада, 1908 йилда Наманганда ўқийди. Уша пайтда у маҳаллий маориф ходимларидан бири

Абдулла Тўқмуллин билан учрашиб, «шеърый ёзишмаларини» кўрсатади «Ул... юз саҳифадан ортиғроқ эски усулдаги шеърый ёзишмаларимни кўриб, тарбиялашга киришди», - деб ёзган эди Ҳамза таржиман ҳолида.

Ҳамза Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Муқимий. Фурқат ва Заъкий асарларини кунг билан урганаси. 1899 - 1900 йиллардан бошлаб ўзи ҳам шеърлар ёза бошлайди. 1910 йилда Тошкентдаги Қашқар маҳалласида биринчи марта усули савтия (жадид) мактабини очади, 1911 йили даҗга йул олиб, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия ва Арабистоннинг бир қанча шаҳарларида зўратда бўлади. Шоир, драматург, тарбиячи, мураббий, жамоат арбоби бўлган Ҳамза 1914 - 1917 йилларда Марғилон ва Қўқонда йўқил боаларни ўқитиш учун мактаб очади, «*Енгил адабиёт*», «*Уқим китоби*», «*Қайрат китоби*» номли дарсликлар ёзади, «*Ғайрат*» китобхонасини ташкил этиб, халқ уртасида турк - татар жадидларининг маърифатпарварлик ғояларини тарқатишга уринади, сайёр гуруҳга тузиб, Қизил Арвот frontiда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради, 1921 - 1924 йилларда эса Бухоро, Хоразм, Хўжайлида маориф муассасаларида хизмат қилгач, Фарғонага қайтиб келади. 1926 йилда Ҳамзага адабиёт ва театр соҳасидан катта хизматлари учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони берилди. У 1929 йил 18 мартда Шохимардонда фожияли равишда ҳалок бўлди. Шўролар даврида Ҳамза «*инқилоб куйчиси*» номини олди. Ҳамзанинг адабий ижоди шеъринг ва драматургиядан иборат. Шоир дастлаб аруз вазидаги шеърый шаклларда ижод қилган, 1905 - 1914 йилларга оид шеърларини тўплаб девон тузган, бу асарларида *Ниҳоний таҳаллуслусини* ишлатган. Ҳамза 1915 - 1917 йилларда халқ куйларига басталаган шеърларини жамлаб, уларни «*Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси*» деган умумий ном остида 8 та «гул» тўпламларида нашр этди. Ҳамза бир умр ижодий изланишда бўлди, миллат учун қайғурди, «*дарғ тутманг илм учун кетса молу жон*» дея илм олишга ундади.

Ҳамзанинг «*Миллий ашулалар учун миллий шеърлар*» мажмуасига кирган «*Ёр - ёрларим*», «*Соғиниб*», «*Салом айтиш*» каби шеърлари «*Савти чоргоҳ*» оҳангида ёзилган.

Асарлари: «*Соғиниб*» («*Қаттиқ тегма менга мунча, юзбошим*») мисралари билан бошланади), «*Салом айтиш*», «*Уқи*», «*Йиғла, Туркистон*», «*Туркистон*», «*Дардига дармон истамас*», (1916), «*Ўзбек хотин - қизларига*» (1927, газал), «*Заҳри ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари*», «*Уч*», «*Бой пла хизматчи*» (у совет драматургиясининг шоҳ асари деб тан олинган), «*Ким тўғри?*», «*Тухматчилар жазоси*» (1918), «*Лошмон фожияси*», «*Фарғона фожияси*», «*Бурунги сайловлар*» (1926), «*Бурунги қозилар*» (1928), «*Жаҳон сармоясининг энг охири кунлари*» (1927), «*Майсаранинг иши*» (**Асосий қаҳрамонлари:** Ойхон, Чўпон, Мулла Рузи, Ҳидоятхон, Қози калон, Мулла Лўст, Майсара), «*Яллачлар иши*» («*Паранжи сирлари*», **қаҳрамонлари:** Холисхон (асл исми Тўлахон), Норбойвачча, Мастура, Рустамбек ва бошқ.), «*Янги саодат*» (1914), «*Қиморнинг боши*», «*Тўғрисуз бола*», «*Ватандошларима хитоба*», «*Туркистон мухториятига*», «*Олам бўлайлик*», етиб келмаган саҳна асарлари: «*Мулла Нормухаммад Домлаанинг куфр татоси*», «*Лошмон фожияси*», «*Фарғона фожияси*», «*Очлик қурбонлари*», «*Этноликда хёнат*» ва бошқ.

«Янги саодат» асари ҳақида

Ҳамзанинг «*Оқ гул*» тўпламига илова қилинган эълонда унинг иккита «*миллий роман*» ёзганиги тўғрисида маълумот бор. Булардан бири - «*Янги саодат*» 1914 йилда ёзилган бўлиб, 1915 йилда босилиб чиққан. Иккинчиси - «*Турмуш аччиғи*» асари эса 1916 йилда, «*Оқ гул*» чоп этилган вақтда нашрда бўлган. Унинг кейинги тақдири номаълум.

«*Янги саодат*» асарининг асосий ғояси илм-маърифат бахт - саодат калити эканлигини асослайди. *Оламжон* - асарнинг бош қаҳрамони - У *Абдуқаҳҳор* исмли «*саодат ва чин турмушлари учун энг биринчи даражада фарзу айн ўлган илм, маърифат*» дан маҳрум, «*кеча ва кундуз сафаҳат (нодонлик)*» ва

қабоҳатларга қадам қўя бошлаган», «охур ётадуюган жойи гўлоҳ, овқат учун топадурган ақчаси эса қилорбозлардан тушадиган чумал» бўлиб қолган бойнинг фарзанди. 6 ёшли Олимжон ва унинг 3 ёшли синглиси Хадича тақдир оқила онанинг - Марямнинг қўлига ўтади. Олимжон жалил мактабида ўқийди, дастлаб муаллимга ёрдамчи бўлиб, мактабда сабоқ беради. «Миллат гулшанига янги кўнган бу андалиб» (Олимжон) Абдурахмон исмли савдогарга мирза бўлиб, унинг ёлғиз қизи Назоқатхонимга уйланади ва Абдурахмонбой вафотидан сўнг қолган бойликка эга бўлади. Олимжон туфайли ўқимagan инсон Абдуқаҳорбой тубанликдан кўтарилиб, «дўст - душманни ажратув, инсоф ва дийнатли, шафқат ва марҳаматли» кишига айланади. Ёзувчи Олимжон, унинг онаси Марям, бувиси Рузвон ва бошқа образларни, улар ўртасидаги алоқани тасвирлашда китобхоннинг ҳис - туйғусига ортиқ даражада таъсир ўтказишга интилади. Умуман, жалил адабиётида сентиментализм «Янги саодат» лағидек балқиб турган асар бўлмаса керак. Ҳамза Олимжон туфайли Абдуқаҳорнинг кўзи очилганидек, бошқа замондошларининг ҳам Олимжон миздан боришларини истайдн.

«Янги саодат» асари ҳақида **«Ал - ислоҳ»** журнали сўз юритиб, «халқни ўқув ва ёзув тарафига тарғиб қилмоқ учун ҳозиргача Туркистон шевагинда бунингдек тасвирли рўмон нашр ўлинмамиш»,- деб ёлган эди.

Ҳамза бир шеърда:

*Уйлама, ўлеунча ҳар ким бу разолатда кетар,
Шоҳлар бир кун гадо, бир кун гадо шахзоддир,* - дейди.

Айни шу фикр унинг **«Янги саодат»** асарида ҳам илгари сурилади. Унга Марям: **«Шоҳлар бир кун гадо бўлур, бизларга ўхшаб. Гадолар яна бир кун шоҳ бўлуб қолур, болажонларим»**,- дейди онласи пароканда бўлган келарда.

«Захарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асари ҳақида

Бу асар 1915 йилда ёзилган бўлиб, Ҳамза асар жанрини **«Туркистон маишатидан олинган қиз - кўё фожиа»** деб атайдн. Муаллиф бу асарида Маҳмудхон ва Марямхонини **«ишқ қурбонлари»** сифатида тасвирлаган. «Захарли ҳаёт» фожиасида маърифатли инсоннинг «жаҳолат ва ғафлат индонн» даги фожиаги тақдирн кўрсатиб берилган. Пьеса 4 пардалан иборат бўлиб, унинг 1 - ва 4 - пардаларида асосан Маҳмудхон, 2 - ва 3 - пардаларида эса асосан Марямхон ҳаракат қилади.

Асарнинг асосий қаҳрамонлари: **Марямхон** (энг фаол қаҳрамон), **Маҳмудхон** («хушмуялаб, соқолсиз, сочлик, кўзида ойнак бор, бутун оярунча кишинган, Мирзо Ҳамдамбойнинг 18 ёшли ёлғиз ўғли». У севилгиси ўлимидан сўнг ишқ йўлида ўзини ўзи ўлдирган), **Абдуқодирбой**, **Мавсум** (Маҳмудхоннинг онаси), **Мирзо Ҳамдамбой**, **Эшон**, **Сора**, **Зайнаб** ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

Келди очилур чоғи, ўзлгинг намоён қил,

Парчалаб кишанларни ҳар томон наришон қил.

(«Ўзбек хотин-қизларига» газалидан, 1927)

Яхши ҳолин йўқотган, оқибатсиз Туркистон,

Истиқболин ушотган, офиятсиз Туркистон,

Ўз жисмига ўқ отган, ҳамиятсиз Туркистон,

Зиллат лойига ботган, эй ғайратсиз Туркистон! (*«Туркистон» шеърдан*)

Дариг тутманг илм учун кетса малу жон,

Ўқув фарзлиги минг йўл Қурбонда фармон.

Маърифатсиз тонулмас аҳкоми имон,

Илмсизга айтулмас комил мусулмон. (*«Янги, Туркистон» шеърдан*)

Бизни Туркистон эли дардига дармон истамас

Зулмат ичра кечса умри, моҳи тобон истамас,

Ухлама кўп, ўзбек эли, асри тараққий вақтида.

(«Дардига дармон истамас» шеърдан)

Эсиз, эсим Туркистон, қани аввалги ҳоли?

Оламга зиё берган ул хуришиди иқболи?

Абри гафлат қуршади, тун бўлди истиқболи,

Хўр бўлса миллатимиз, тутмасмужин уволи?

(«Туркистон» шеърдан)

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

(1894 - 1938)

«... Ўзмоққа ниятланганим янги замон романчилиги билан танишиш йўлида қачқина бир тажриба, яна тўғриси, бир ҳавасдир».

Абдулла Қодирий («Утқал кунлар»)

Ўзбек тарихий романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий 1894 йил 10 апрелда Тошкент шаҳрида боғбон оиласида туғилган. У моддий муҳтожликлар сабабли 9 - 10 ёшларида мактабга боради, бир бойга хизматкор бўлади, тоқчилик ҳунарини ўрганади, боғдорчилик билан шуғулланади. 1912 йилда Абдулла рус-тузем мактабини тугатиб, икки йил ўтгач, Тошкентдаги Абулқосим мадрасасига ўқишга қиради. У 1912 йилда Расулмуҳаммадбой исми савдогарга прискэзчик бўлиб ишга қиради, 1914 йилда бойнинг қатта қизи Раҳбаройга уйланади ва Нафиса, Ҳабибулла, Адиба, Аниса, Масъуд номи фарзандларни тарбиялайди. Абдулла Қодирий ижодий фаолиятининг бошланishi ҳам ўша даврга тўғри келади. *«Шу мейналарда, - деб эслайди А.Қодирий, - бозор воситаси билан татарларда чиқадиргон газеталарни ўқиб, дунёда газета деган гап борлиғига имон келтирдим. 1913 йилда ўзбекча «Сабойи Туркистон», «Самарқанд», «Ойна» газеталари чиқа бошлагач, менда шуларга гап ёзиб юриш фикри уйғонди».* Абдулла Қодирий 1919 йилда «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррир бўлади, сўнгра «Рўста» газетасига мухбир, «Иштирокиюн» ва «Қизил байроқ» газеталарида ходим, «Инқилоб», «Коммунист йўлодиши» мажмуаларида саркоотиб ва ходим бўлиб ишлайди. Адиб ўз асарларини «Қодирий», «Жулқунбой», «Калвак Махзум», «Тошмўлат», «Овсар», «Думбул», «Шайх» деган имзо-таҳаллуслар билан эълон қилган. Абдулла Қодирий 1926 йилда *«мўро раҳбарларини матбуот орқали обрўсизлаштирди»* деган тўхмат билан судланади, 1927 йилда қатағонга учрайди ва 1938 йил 4 октябрда отиб ташланади. 1958 йилдан бошлаб Қодирийнинг қутлуғ номи, асарлари халққа қайтарила бошланди.

Қодирийнинг қатта ўғли Ҳабибулла Қодирий (1919 - 1987) шифокор, ёзувчи бўлиб етишди, «Отам ҳақида», «Абдулла Қодирийнинг сўнги кунлари» каби асарлар муаллифи сифатида танилган.

Абдулла Қодирий «Амир Умархоннинг қапизи», «Намоз ўғри», «Даҳмат» каби романлар яратиш орзусида ҳам бўлган.

Асарлари: *«Жиллар базми»* (мавхум ҳикоя), *«Бахтсиз кўё»* («Падаркуш» пьесасидан таъсирланиб ёзилган. Қодирий ўз таржимаи ҳолида бу ҳақда қуйидагича ёзган: «1913 йилларда чиққан «Падаркуш» пьесаси таъсирда «Бахтсиз кўё» деган театр китобини ёзиб юборганимни билмай қолдим (1915 йилда)». Бу драмада амакисининг маслаҳати билан Солиҳ исмли етим ишит катта қарз кўтариб дабдабали тўй қилиб, бой хонадон қизига уйланади. Вақтида қарзини узолмай, гаровга қўйилган ҳовли-жойидан ажралгани олдида шармандаликдан ўзини-ўзи ўлдирди, садоқатли умр йўлодиши ҳам ўзига пичоқ уради), *«Жуғтойбоз»* («Падаркуш» пьесасига тақлидан ёзилган, бу ҳикояда ўқишни ташлаб бузуқ, шалтоқ йўлларга кириб кетган войвачча отасининг мол-мулкини соғуради, синдиради; охири жимоятга қўй уради, қатлави), *«Обид кетмон»* (1934, ~~таъриқовларга~~: *Обид кетмон, Берди таштар, Яшиб донлар, Мулла Мужси* ва бошқ. Асарда мулла Обид қайнатаси инъом этган беш таноб ерда тадбиркорлик билан ҳалол ишлаб, катта бойлик, шухрат топади. Ўзбек ёзувчининг маҳоратига таян бериб шундай ёзди: *«Домчаларнинг образини чизишда ёзувчи санъаткор. Домчаларнинг юриш - туриши, сўзлари, фикр юритиши, халқни*

алдаши ва ҳиказо бутун сифатлари ўқувчининг кўз олдига жонланади. Асарда домллارни ёзувчи етакламайди, улар ўзлари домлларча юрадилар. Уларнинг оғзига ёзувчи ўз сўзларини тикмайди, улар ўзларича сўзлайдилар... », «*Уткан кунлар*» романи (1926), «*Меҳробдан чайё*» (1928), «*Уткан кунлар*» ҳам «*Уткан кунлар*» таякқиде остида баъзи мулоҳазалар» (Сотти Хусайнга жавоб), «*Илғидаги эвлар*», «*Калвак Махзумнинг хотира дафтаридаки*» (1923-27), «*Тошпўлат ташвиш нима дейди?*», «*Улоқда*» (1915, бош қаҳрамони Турғун. Муаллиф бу асар ҳақида «*Балалик даврининг ёдгори бўлганмигиз учун ортиқча ўзгартиришлар киритмадим*» деб ёзган. Бу ҳикоя октябр инқилобигача бўлган ўзбек адабиётидаги реализмнинг чўққиси, реалистик ҳикоянинг энг яхши, етук намунаси бўлиб, унда улоқ воқеаси тасвирланган. Ойбек бу асарга юксак баҳо бериб: «*«Улоқда» ҳикоясида ташвиқотчининг, воқизнинг ўғлини санъаткор олади. Ёзувчи бу асарда воқеадан устидан муҳокама қилмайди, тунунтирмайди, исбот қилмайди, балки образлар билан кўрсатади*» - деган), «*Аҳволнамиз*», «*Тўй*» ва «*Миллатимизга*» шеърлари, «*Ривоят қашқарлар*», «*1918 йил ёдгори*», «*Янги масжид ва мактаб*» («*Содиқ Туркистон*» газетасининг 1914 йил 1 апрель сониде босилган) ва бошқ.

Қодирнинг ҳажвий асарлари ҳақида

«Калвак Махзумнинг хотира дафтаридаки» асар. Бу асар 1923 - 27 йиллар орасида ёзилган. Унда «*қубдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хуруфоти билан милос болағони*» маҳалли пимони Калвакнинг қулғили саргузаштларини ҳикоя қилиб беришқин бўлган. Асарда улуглардан бири вафот этганда Махзум кечаси махфий равишда марҳумга жон-за ўқишга боради. Эртаси эса партиячилар келиб янгичасига ароқхўрлик билан марҳумни кўмишга ҳоирлик кўрадилар... Асардаги «*Қавондул-умаро*» бобида адиб салтанатни бошқаришда подшоҳ ва амирлар, султон ва салотинлар, Худоберхоннинг бек ва бекзодалари, Николай оқ подшоҳ мансабдорларининг амал қилган «*аҳма ва леким нухта қоидалар*» ушбу «хуррият, мардикор, саралехқон замона ҳукуматдорлари орасида ҳам» давом этаётганидан қулади. «*Калвак Махзум*» асарининг «*Одамзодани вақли етмайди*», «*Қитлоққа юзига янги янги*», «*Башилати*», «*Қитлоққа қовили янги*», болари олиб боришдан сибсатининг кўнгилсиз оқибатларини дангал кўрсатади, халқнинг диндан узиб қўйилгани тасвирланади.

«Тошпўлат тажам нима дейди?» асари. Муаллиф бу асар бош қаҳрамони саргузаштлари орқали бизни 20 - йиллар ҳаётининг индиёғли драматик ҳодисаларига, даврнинг ўткир муаммоларига рўпара қилади. Асар қаҳрамони Тошпўлат - бошлиғида яхши тарбия кўрмаган, мактабда олғичтиб билим олмаган, саводсиз-оми, маърифатдан йироқ, ҳаётда йўлини топа олмаган, омадсиз, ишсиз, бири икки, бити сиржа бўлмаган ва шу фақирлик орқасида ёмон йўлларга кириб қолиб тажанланган чапани. *У дехқончилик қилиб, «тон ўрнига кесак тишлаб, ёз бўйи сув ичиб ишлаб, оғида битта чилим қовоққа эга»* бўлади. Хуллас у, ўзи айтганидай, «*одамзод фарзандининг фариси*». Тошпўлатнинг ўзинга ўхшаш фақир дўсти, солдақчи, беш норасида гўрқининг отаси *Салом сўмақдир*.

Ёзувчининг ҳажвий-юмористик маҳорати, «*характер кулгиси*» яратип санъати йирик асарларида, «*Уткан кунлар*» романидаги *Ўзбек ойим, Хушрўй*, «*Меҳробдан чайё*» даги *Салиҳ маҳдум*, «*Обид кетмак*» даги *Хатиб домла ва мулла Муҳсин* образларида ёрқин намоён бўлган.

«Уткан кунлар» романи ҳақида

Бу асарни муаллиф 1919 йилда ёза бошлаган. Романдан парчалар 1922 йилда «*Илқилоб*» журналича босилган. 1925 йили асарнинг бўлимлари алоҳида-алоҳида, сўнг 1926 йилда яхлит ҳолда китоб бўлиб чىқади. Абдулва Қодирий бу асарда «*Мозийга қайтиб*» иш кўрган, «*тарихимизнинг энг кир қора кунлари*» бўлган «*хон замонлари*» ни мавзу қилиб олган. Бу роман «*1264 ҳижрий давл*

ойининг ўн еттинчиси, қимчи кўлақнинг бири, кўёи ботган, теваракдан том азони эшитилмади» деган жумла билан бошланади.

Асар қахрамонлари: *Отабек (Аллаҳ ота устидаги чор аскарлари билан тўқнашувда қахрамонона урушиб шаҳид бўлган), Кумуш («Сўзимни ўзимнинг охири ҳам чин бахт ислари ҳидлаган тарихимдан бошлайман» деган хатини Отабекнинг жасоратидан сўнг Тошкентга ёзган), Юсуфбек ҳажж, Азизбек (халқнинг ўзи жазолаб, от тўёқлари остига ташлаган), Раҳмат, Звё шохвичи, Мирзакарим Кутдўв (бу уч киши Отабек Марғилон ҳокими томонидан биринчи марта қамалганда, у билан бирга қамалган эди), Ражаббек (қипчоқларни қирғин қилиш маслаҳати унинг уйида бўлган эди), Худобёрхон, Ҳомид, Ўзбек ойим («Худобёрхон ҳам бир кун кечаси келиб, бизга меҳмон бўлганлар» деб мақтанган), Утаббой кушбег, Қаюм топсад (асосий ёрлик унинг номига ёзилган эди), Мусулмонқул («чўлтоқ супурги»), Жаннат, Хутруй («Мен шу чоққача бандасига бош эгишни ва бандаси олдида тавба қилишни ор билдим ва шу орлишим орқасида ҳар кимнинг устида юрдим...» деган), Зайлаб, Офтоб ойим, Тўйбека, Ҳасанал («Ота ўрнида ота», «маънавий ота»), Уста Фарфи, Уста Олим ва бошқ.*

«Бехирад (беақл, идроксиз) лардан жаноби тождорларга ҳар рўз, балки ҳар соат хавф бордир» - деган гап ҳам шу асардан олинган.

«Меҳробдан чаён» романи ҳақида

Муаллиф бу асарни 1928 йил 15 февралда тугатган, 1929 йилда у Самарқандда босилган. Романда икки ёш-Анвар ва Раънонинг муҳаббати, висорати йўлидаги хилма-хил можаролар қаламга олинади, шу можаролар жараёнида асар персонажларининг бор бисоти-қисмати, характери, руҳий олами намоён бўлади.

«Меҳробдан чаён» романидаги «Кўрқилч бир жасорат» Анварнинг Султоналини қутқариш учун Худобёрхон ҳузурига келиши эди. Бу ҳолат асарда куйидагича тасвирланган: «Шунда ўрда арбоби буқун пешиндан бир оз илгарироқ мужассам бир виждон, тоғорак бир йиғит ва ўлим сари кулиб келувчи бир арслонни ўз тарихида биринчи мартаба кўрди ва тонг ажабда қолди. Бу улғу жасорат бир неча дақиқаларгача зулм итларини сукутга солди, уларни ишдан тўхтатди».

Куйидаги парча ҳам «Меҳробдан чаён» романидан олинган: «Розия ойим мендан нйманган қўёфада: - Хон курсия, унпг олаган хотинларинпг ҳисоб-китоби йўқ, болам,- деди ва манямча жуда тўғри сўзни айтди».

Асардаги Анвар ва Раънонинг шеър айтишувида Раънонинг куйидаги байтидан сўнг Анвар «Енгдинг Раъно» деб снгилганлигини тан олади:

«Муҳаббат жомидин нўш айлаган аҳли зако бўлмиш,
Фунуни тибда мажнундир кишининг куйса сафроси».

«Меҳробдан чаён» романи асосида «Зулматини тарк этиб» кинофильми яратилган.

Асар қахрамонлари: *Анвар (У Султоналини қутқариш учун хон саройига келганда, Худобёрхон уни «Сен бизга хўмет қилдинг, ит улам!» деган гап билан кутиб олади. Шу мулоқат довомида Анвар Худобёрхоннинг адолатсизлиги, хотинбозлигини юзига солади ва «Мусулмончиликда юзлаб хотин устига, бир камбағал уйлақмоқчи бўлган қизга ҳам зўрлик қилган борми, қаблаш олам!» дейди), Раъно («...табиат хасис эмас; тикандан гул, аридан бол ярата беради. ... уни фазл ва заковатда ҳам ўткан хон замонлари асрининг нодир учрайтурган якто фозила қизларидан санаймиз ва санашга ҳам ўзимизда мажбурият ҳис этамиз. Жоду кўзи кишига қаттиқ қараганда қоралиқдан бошқача яна бир турлик нур сочар эди. Киприклари остидан нафис бир сурма доираси бор эди. Қоши туташ каби кўринса ҳам, кўндаланг ётган икки қилч орасини нафис бир куюлиб кўтарилиш ажратиб турар эди. Сочлари жуда куюқ, саноқсиз кокиллари орқа, ўнгини тугиб ётар, қадди узунлик била қисқалиқнинг ўртаси, бу қиз ёлғиз Кўқоннинггина эмас, қудман Фарғонанинг куйларига қўнчиб мақталадурган*

гўзалларидан эди» деб таърифланган), Соляҳ маҳдум («Хайрул - умури авсатухо» («Хар шийиге ўртаси яхши») ҳадисини ўзига шior қилиб олган эди), Ҳингор ойим, Гулшан, Султонали, Абдурахмон домла, Худоёрхон, Сафар бўзчи, Розия ойим (Худоёрхон рафиқаси) ва бошқ.

АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН (1898 - 1938)

Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилғуси...

Чўлон

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон 1898 йил Андижон шаҳрининг Қаторгерак маҳалласида туғилган. Унинг отаси Сулаймон ака деҳқончилик, ҳунармандчилик, базозлик билан шуғулланиб, «*Расво*» тахаллуси билан ҳажвий шеърлар ёзган, ўғлининг мударрис бўлишини хоҳлаган. Онаси Ойша ая эса ўғлининг ижодига катта таъсир кўрсатган. Абдулҳамид дастлаб эски мактабда, кейин Андижон ва Тошкент мадрасаларида, рус-тузем мактабида ўқиди. У ўзбек, турк, форс, араб, рус тилларини яхши биладиган, Шарқ ва Оврўпо маданиятини чуқур ўзлаштирган зиёли бўлиб етишди, Туркистонда чиқадиган газеталардан жаҳидчилик ғоялари билан яқиндан танишди ва шу ғояларга хизмат қилувчи асарлар ёза бошлади. Чўлпон 16 ёшдан бошлаб ижод қила бошлади, ilk асари «*Курбон жаҳолат*» 1914 йилда ёзилган. Унинг ilk шеъри «*Туркистонлик қардошларимга*» (1914) дир. Дастлабки асарлари «Садон Фарғона», «Садон Туркистон» газеталарида эълон қилинди. У 1918 йилда Оренбургда борди ва Бошқирдистон ҳукуматининг раисига котиб бўлди, 1919 йил «Янги Шарқ» газетасида, 1923 йил Андижондаги «*Дархон*» газетасида ишлади. 1921 - 22 йилларда шоир Фитратнинг таклифи билан «Ахбори Бухоро» газетасида муҳаррирлик қилади, асарлари билан «*Инқилоб*», «*Ҳақиқат*» журналларида ҳам қатнашиб туради. 30 - йилларда матбуотда Чўлпонга қарши мақолалар тинимсиз чиқа бошлагач, 1932 йилда Москвага кўчиб кетиб, жон сақлайди. Ҳатто Чўлпоннинг қанд касалига мубтало бўлгани сабабли шотут еб юриши ҳам унинг эскиликка муқкасидан берилганини исботловчи далил сифатида унга қарши курашда муҳолифларга дастак бўлган. Бу ҳақда Чўлпоннинг ўзи: «*Қанд касалимга ҳеч қайда яхши даво топа олмагандан кейин Шарқ табобатига ишониб кетиб, шотут ейишим яна бир хатоим эди,*» - деб ёзган.

Чўлпон 1924-1926 йилларда Москвада ташкил этилган ўзбек драмстудиясида таржимон, адабий эмакдош ва драматург сифатида фаолият кўрсатади, 1935 йилнинг бошларида эса Тошкентга қайтиб, Ҳамза номи театрда (шу театрнинг ташкилотчиларидан бири Чўлпон эди) адабий эмакдош бўлиб хизмат қилади. 1937 йилда Чўлпон қамоққа олинади, 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отиб ташланади. Даҳшатлиси шундаки, Чўлпонни ўлимга ҳукм қилинган суд қарори 1938 йилнинг 5 октябрида чиқарилган эди.

Чўлпон лирикасининг асосий мавзуй мавжуд ижтимоий тузумга нисбатан исёндр. Унинг ишқий шеърларида эса *сех* образи муҳим маъно ташийди. Октябр инқилоби билан муросада бўлган, қатогон қурбон Чўлпон ўзининг бетакрор асарлари билан XX аср адабиётига улкан ҳисса қўшди. У адабиётни «*Утқир юрак киларини ювдурган маврифат суви*» деб атаган эди. Шоирнинг энг сара асарларини ўзида жамлаган «Яна олдим созимни» китоби 1991 йилда нашр этилди. Шу йил янги таъсис этилган Алишер Навоий номидаги мукофотнинг дастлабки соҳибларидан бири ҳам Чўлпон эди. У «*Қаландар*», «*Мирзақаландар*», «*Андижонлик*» ва ниҳоят Чўлон («*Тонг юдузи*»). Бу тахаллуси унга *Мунаввар қори берган*) тахаллуслари билан ижод қилган, кўпгина асарлари ўзбек тилига таржима қилган. Бу асарлар қуйидагилардир: Шекспир «*Ҳамлет*», К. Гоцда «*Малikai Турондо*», Мольер «*Ҳасис*», Голдони «*Икки бойга бир қарол*», Шиллер «*Босмачилар*», Пушкин «*Борис Годунов*», «*Дубровский*», Гоголь «*Терзочки*», Франко «*Феруза*», Горький «*Она*», Авдеев «*Ослаган етти кишининг ҳилолиси*», И. С. Тургенев «*Чўри қиз*» ва бошқ.

Асарлари: «Уйғониш» (1923), «Булоқлар (1922), «Тоя» сирлари (1926), «Соз» (1923), «Жур» (сўнги тўплами, нашр этилмаي қолган) каби шеърий тўпламлари, «Қурбон жихолат», «Дўхтур Муҳаммадёр», «Ойдин кечаларда» (**ХИҚОЯ ҚАҲРАМОНЛАРИ:** Зайнаб кампир, Қодиржон ва бошқ.), «Қор қўнида лол», «Ноятов қиз», «Оқ подшоҳнинг икболи», «Гавҳарой» каби ҳикоялар, «Муштумзур», «Уртоқ Қаримбоев», «Хужум» (В. Ян билан ҳамкорликда), «Ёрқиной» (1920 йида ёзилган эртақ - пьеса, унда ўзбек фольклори (эртақлари) мотивлари асосида ўзбек халқининг эрк ва озодлик учун олиб борган курашлари гавдалантирилган **Асар қаҳрамонлари:** Пулат, Улас ботир ҳамда унинг қизи Ёрқиной ва бошқ.), «Кеча ва кундуз», «Халқ» (1921), «Бишафша», «Бузмалин улкага», «Қулга», «Қитан», «Ўзал», «Сезги», «Дўғрам», «Важдон эрки», «Кўзгалиш», «Хазон» (1923), «Ўзбегим», «Қаландар ашқ», «Гавдир», «Йўл эдалиги», «Шарқ учун», «Амирнинг ўлими», «Эрқиялик истаги», «Мен шорим?» (1928), «Хазон», «Сомон нарча», «Чўрлик исён», «Чўлов севиниш», «Халил фаранг», «Куз», «Қор», «Адабиёт надур?» (Унда Чўпон «Адабиёт ҳар бир миллатнинг ҳисли кўнгул тарихининг энг қоронғу хоналарида машаит (тирикчилик) нинг кетишига қараб ҳар хил тусда ва рангда эшишган, файзли тил бир-ла тақдир этула олмайдурган бир гўлдур». ...Адабиёт яшаса миллат яшар... Ҳозирда бىга бирдан лозим бўлган нарса - адабиёт, адабиёт, адабиёт...» деб ёзган), «Ҳижрат» (сахналаштирилмаган), «Сафарнома», «Қайтти йўқ» (мақола) ва бошқ.

«Кеча ва кундуз» романи ҳақида

Бу асарга «Уткан кунлар асари даражасида» деб баҳо берилган. У ўзбек адабиётидаги илк роман - диалогия бўлиб, икки китобдан иборат. Биринчи қисми «Кеча» 1933 - 34 йилларда Москвада ёзилган. Дастлабки боблари 1935 йилда Тошкентдаги адабий журналнинг 1 - сонида босилган, асар 1936 йида тўлиқ ҳолда нашр этилган. Асардаги воқеалар илк баҳорда бошланиб, қиш чилласида тугайди. Чўпон романига «*Халла келди - амал келди*» мақолини эпиграф қилиб олган.

Романнинг «Бутун» деб аталган иккинчи қисмининг тақдирни тўғрисида маълумот йўқ. Холбуки «Кеча» да тасвирланган воқеаларнинг мангитиқа кўра романнинг «Кундуз» қисмида Зебининг Сибирь сургунидан, Мирёкубнинг эса Крим сафаридан кейинги ҳаётлари тасвирланиши лозим эди. Биринчи китобдаги тасвир этилган воқеа биринчи жаҳон уруши эндиғина бошланган кезларида Ўзбекистон вилоятларининг бирида бўлиб ўтади. Асардаги асосий ғоя мавжуд тузумни таг - томири билан ўзгартиришдир.

Асар қаҳрамонлари: Зеби (15 ёшида бева қолади, эрининг қотили сифатида тухматга қолиб 7 йилга Сибирга сурғун қилинади), Қуронбиби (аҳволи ўзгарган образ, Зебининг онаси), Раззоқ Сўфи (кулиши касал одамнинг кулишидай оғир, зикра одам, Зебининг отаси, ишламай тишловчи, таъмағирлик ва текинхўрлик орқасида кун кўрувчи инсон. У бошлиқ уй - қизи ва хотини учун зиндон, унинг ўзи эса шу зиндоннинг кўзи кўр, қулоғи қар қоровули), Мирёкуб (дунёқарашни ўзгарган образ, шамолнинг қағиш томонга эсишига қараб уни тутади, эзулик билан тубанлик ўртасида ҳаракат қилади. Нойиб тўра ани америкалик тадбиркорларга ўхшатади), Шарифдин Хўжаев (жадид), Акбарали мингбоши (одам шаклидаги ит), Нойиб тўра, Зулул (Акбарали мингбоши ўрнига осонгина ўтиради), Ҳоким тўра, Поштоҳон (унинг ҳийласидан Акбарали мингбоши ўлади, бир кишининг ўлимига, бир кишининг сурғунига бевосита ҳамда бир оиланинг барбод бўлишига бевосита айбдор бўлади), Марья Острова (Мирёкуб «базооз дўконидан ўзига тоза кўйлақлик танлагандай» танлаб олган образ), Султонхон («Сиз қанча севинсангиз, мен сиздан ортиқроқ севинаман! Сиз - қуруқ ваҳимани кучоқлаб севинасангиз, мен-тирик ва жони бор одамни кучоқлаб яйрайман. Ким ахмоқ?!» дедан), Салтанат, Улмасжон (аравақаш), Хайичақон, Эшон, Обрезқор (шаҳарда бўлсин, уездда бўлсин, уни танимаган одам йўқ, ўзи

ерлилардан... Обречқора - ерли халқлардан чиққан «адвокат» деб таърифланган) ва бошқ.

Бу асардаги *Сулмонпошта*, *Ақбарали*, *Этон*, *Ноиб тўра* қабила тубанилик ва разиллик, фақир ва адолатсизлик оламининг вакилларидир. Асарда «*Мастнинг кўзига мушук - фил, фил - мушук бўлиб кўринади. Мастликда хотин танлаб бўладими? Кампирни нари қиз қилиб кўрсатадиган тилсимли ойна - ичкиликдан бошқи нарса эмас!*» дея ичкилик иллати ҳам қораланган.

23 - МАВЗУ. XX АСР АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

ҒАФУР ҒУЛОМ (1903 - 1966)

*Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла,
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.
Ғафур Ғулом («Вақт» шеърдан)*

Машҳур шоир ва ёзувчи Ғафур Ғулом 1903 йил 10 майда Тошкентдаги Кургонтеги маҳалласида камбағал деҳқон оиласида туғилган. Отаси «*Мирза*», «*Ғулом*» тахаллуслари билан ғазаллар машқ қилган. Отадан (1912), онадан (1918) эрта ажраган Ғафур болалигиданоқ етим қолади. У этикдўз касибга қарашди, кундуз кунлари сингилларини боқиб, кечкурун тегирмонда қоровуллик қилди, Сарибой деган бойнинг боғини кўриқлади. 1916 йилда рус - тузем мактабига кириб ўқиди, Октябрь инқилобидан кейин босмақонада ҳарф терувчи бўлиб ишлади, 8 ойлик муаллимлик курсини тугатди. Ғафур Ғулом янги чактабларда ўқитувчи, директор бўлиб ишлади, интэрнатга мудирлик қилди, кўпгина газета ва журналларда фаолият кўрсатди ва бадийий ижод билан шуғулланди. У 1966 йил 10 июлда вафот этди.

Адиб ўзбек адабиётини «*Нетай*» (1930), «*Ёдгор*» (1936), «*Шум бола*» (1936-1963) сингари қиссалар билан бойитди. ўзбек адабиётида қисса жанрининг қарор топишига ва ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Асарлари: «*Турксиб йўлларида*» (1930), «*Кўсан*» (1933), «*Ёз боши*», «*Гулхона*», «*Она*», «*Ҳамза хотираси*», «*Ҳайлаи шароий*» (ҳикоя, унда Мулла дилкаш образи орқали адиб бир неча хотини бўлишига қарамай, яна янгисини олишини кунгли тусаб қолган, бироқ бунга шариат йўл қўймагани туфайли «йўлини» қидиришига мажбур бўлиб, ахлоқий ва маънавий тубанликларгача бориб етган олчоқ ва беор киши қиёфаси гавдалантирилган), «*Менинг ўргинга болам*», «*Билиб қўйки сени Ватан кутади*», «*Бари сенники*», «*Шум бола*», «*Нетай*» (1930, нарсий асар), «*Ёдгор*» (1936, бу қиссадаги воқеалар қаҳрамон билан бирга Тошкентдан Ашхабодга, у ердан Ленинградга ва яна Тошкентга кўчиб-юради. Бош қаҳрамон Жўра яшашнинг мазмунини уяфатлар билан кўнгулхушлик қилиб, бедана сайратиб юришдан иборат деб билади. **Асар қаҳрамонлари:** Жўра, Меҳрихон, Ёдгор, Саодат ва бошқ. Ғафур Ғулом бутун асар давомида Абдулла Қодирийдан ўрганган «*сир тутиш*» ҳамда сюжет ҳаракатининг муайян бир тугунига ўқувчи диққатини жалб этиб турши маҳоратидан усталик билан фойдаланган), «*Тирмаган мурда*», «*Кузатиш*», «*Соғиниш*» (шеър қаҳрамони отага меҳрпарварлик, болажонлик, келажакка ишонч билан қараш ва инсонийлик хос. Шеърда инсоннинг инсонга, ота-онанинг фарзандга, севишганларнинг бир-бирига, фарзанднинг ватанга ва умуман она заминга чексиз муҳаббати, ҳаётга чексиз садоқати бадийий ифода қилинган), «*Чин арафа*», «*Диннамо*» (1931, биринчи шеърлар тўплами), «*Тирки кўшиқлар*» (тўплам), «*Гўзаллик нимада?*», «*Алишер*», «*Турксиб йўлларида*», «*Ҳасан Қайфий*», «*Сурнай*», «*Сен етми эмассан*», «*Аваал ўқ*», «*Чорбозорчи*» (ҳикоя), «*Ким айбдор?*» (ҳикоя), «*Энг расво намози аср*» (ҳикоя), «*Элатияда бир ов*» (ҳикоя) ва бошқ.

«Менинг ўғригина болам» ҳикояси ҳақида

Бу воқеий ҳикоя 1965 йилда ёзилган. Унда 1917 йиллар воқеалари акс этган, ўғрини инсофга келтирган Роқия биби образи берилган. Ҳикоя «Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил ўн еттинчи йилнинг кўнламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик...» деган гаплар билан бошланади. Асарда Роқиябиби ўғрига қарата: «Тириклик тошдан қаттиқ, шумнинг кўздай дон аккорга таянғ (тирикчилик оғир бўлиб қолган). Рўзғорда бўлса, кўз кўриб, қўл тутғудай арзиғулик буюм қолгани йўқ. Бир чеккадан сотиб еб турибмиз. «Туриб еганга турумтоғ чидамас», деганлар. Замон қаттиқ, ўғригина болам, замон қаттиқ!» деганда, унга жавобан ўғри: «Менинг ҳам икки болам, хотиним, битта кампир онам бор, бир товўққа ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидек, шуларни боқишим керак, тўртта чавати нон топиш учун ўзимни ўтга, чўққа, Алининг тиғига ураман. Замон чаптасига кетди. Керинска пошшо бўлгандан кейин уруш тўхтайдми деган эдилар. Ҳали - бери тўхтайдиган кўринмайдми» - дейди.

Ҳикоя икки ночор одамнинг бир-бирига арз-ҳолитгина бўлиб қолган эмас, балки мулоқот асносида аён бўладиги, улар ўз тақдирларида халқнинг аҳвол-руҳиясини жамулжам этганлар. Бу ҳол ҳикоянинг маъно салмоғини, жозибасини оширган.

«Шум бола» қиссаси ҳақида

Бу қиссанинг дастлабки «Шум боланинг саргузашти» деб номланган биринчи бўлимини адиб 1936 йилда ёзган ва уша йиллик «Муштум» журналида босилиб чиққан. Асар дастлаб 1936 йилда қитоб ҳолида чоп этилганда «Довдират» деб номланган. Ёзувчи қиссани ёзишда давом этди ва уни иккинчи бўлим билан тўлдирди. Ҳар иккала бўлим яқин кўринишда 1938 йилда «Шум бола» номи билан босилиб чиқди. Асарнинг учинчи қисми «Муштум» журналининг 1941 йилдаги олти сониде кетма - кет эълон қилинган. Бироқ, «Шум бола» шундан кейин бир неча марта такрор - такрор нашр этилса - да, ёзувчи «Муштум» даги қисми кейинроқ қайта ишлаш мақсади бўлгани туфайли китобга киритмади. Ҳ. Ғулом бу қиссани жиғий қайта ишлади. Асарнинг ҳозирги ҳолатдаги мукамал варианты китоб ҳолида 1963 йилда адибнинг 60 йиллик тўйига нашр этилди. «Тугалланган» эмас, «мукамал» дейилиши боиси шундаки, қисса ниҳоясида «Биринчи китоб тамом» деган маълумот бор. Шунга қараганда, ёзувчининг қиссани давом эттириш нияти бўлган. Аввалги вариантларда Шум бола 17 ёшда деб кўрсатилган эди, сўнгисиде унинг ёши 14 да деб ўзгартирилган. Қиссада автобиографик жанр унсурлари мавжуд.

Бу қиссада суўқоёқ аёл ва хотинбоз эркакнинг хуфия учрашувига гувоҳ бўлиб қолган Қоровой уларнинг қўлидан қутулиш учун додлаш хунарини ишта солмақчи бўлади.

Асарнинг асосий қаҳрамонлари: *Шум бола (Қоровой), Омон ва Йўлдош (Шум боланинг дўстлари), Сарбой, Ҳожж бобо (асарда Шум бола уни «қўли очик, меҳрибон» деб таърифлаган), Сулатон (Кўктерак бозориде «пулини ўғирлатган жабрдийда») ва бошқ.*

ОЙБЕК (1905 - 1968)

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек 1905 йил 10 январда Тошкентнинг Гавкуш маҳалласиде дунёга келган. Ёзувчининг отаси Тошмуҳаммад ака дастлаб бўзчи бўлган, лекин бу хунар турмуш тебратилиш кучига эга бўлмай қолганда, у баққолчилик қилган. Ойбекнинг тарбияси билан онаси Шаҳодат Назар қизи ва бобоси шуғуланганлар. Шоир дастлаб эски мактабда, сўнгра «Намуна» мактабиде, таълим ва тарбия техникумиде ўқиди. У 1925 - 1930 йилларда ТошДунинг ижтимоий фанлар факультетининг иқтисод бўлимида ўқиди (1927 - 29 йилларда Санкт - Петербурдаги Халқ Тўжалиги институтиде ўқиб келган). Ойбек 1935 йилгаче ўзи тугатган дор: лф: нунда сиёсий иқтисоддан дарс берди.

1935 йилда дарс беришни ташлаб, тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. Қаторонлик йиллари ёзувчи институтдан ҳам, Ёзувчилар уюшмасидан ҳам ҳайдалди. Бутун умри ўзбек адабиёти ва унинг чуққиси - Алишер Навоий ижодини севиб ўрганган Ойбек дастлаб Навоий ҳақида илмий мақолалар, кейин «*Навоий лирик достонини (1936 - 1937)*» ва ниҳоят 1942 йилда «*Навоий*» романини ёзди. Ойбек Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида (1945 - 49), республика Фанлар академиясида (1951 йилгача) фаолият юритди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Фанлар академиясининг академиги бўлган шоир 1968 йил 1 июлда вафот этди. Унинг қабри Форобий қабристонидadır.

1974 - 1985 йилларда Ойбекнинг 20 жилдин «*Мукаммал асарлар тўплами*» нашр этилди. Ойбек *Гёте*нинг «*Фауст*», *Дантес*нинг «*Ноблий комедия*», *Байрон*нинг «*Кайн*» асарларидан парчалар таржима қилди. Лекин таржимонлик ишнинг энг асосий қисми деб *Пушкин*нинг «*Евгений Онегин*» асари таржимасини ҳисоблаган. «*Хазрат куларда бир достон устида ишлалман*, - деб ёзган эди Ойбек 1965 йилнинг 9 январида ёзган таржиман ҳолида, - *Достон тарихий мавзуда, Ашар Темиур ҳақида. Асариниғ номи ҳам ҳазратча «Темиур».* Лекин адиб узининг «*Студентлар*» ва «*Темиур*» асарларини ниҳоятсига етказолмаган.

Асарлари: «*Чолгу товуши*» (1922, биринчи шеъри, «*Тонг юлдузи*» газетасида чиққан), «*Туйғулар*» (1926, биринчи тўплами), «*Кўнгла найлари*» (1929), «*Машғала*» (1932), «*Бахтигул ва Соғиндиқ*» (1933, шеърӣ тўплам), «*Бахтигул ва Соғиндиқ*» (1934, достон. У тошкентлик савдогар томонидан сотиб олинган гўзал қозоқ қизи ва Тошкентда хунармандлар ва батрақларни бойга қарши қўзғолонга кўтарган, ниҳоят ўз севағлисини озод қилган халқ оқини тўғрисидаги поэма-эпикадир), «*Кўён қораймас*» (1943 - 1958, ҳарбий мавзудаги роман, унга «*Оловли йўллар*» тўплами эскиз (қоралама, бадиий асос) бўлиб хизмат қилган), «*Қизлар*» (1947, достон), «*Уч*» (1932, достон), «*Ҳамза*» (1948, достон), «*Бобо*» (достон, автобиографик характерда), «*Темиурчи Жўра*» (1933), «*Кутлуғ қон*» (1940, бу асарга «*Бахтигул ва Соғиндиқ*», «*Уч*» каби асарлар «*хамиртуруш*» бўлиб хизмат қилган), «*Болалик*» (1963, автобиографик асари), «*Нур қадриб*» (1958), «*Улуғ йўл*» (1967, бу романда 1917-1922 йиллар ҳаёт воқеалари тасвирланган), «*Гулор опа*», «*Фалорчи ота*», «*Наъмантак*», «*Ер*», «*Турмуш йўлида*», «*Тог сайри*», «*Абадият ва умр*», «*Телага чиқамел, сойга туманел*», «*Кўён қушиғи*», «*Машраб*» (1937, *Ана шоир келар... Бир тўда бола - Унинг орқасидан ажралмас соя. Кулар акс этади мухаббат, марок. Уни билми қийин: гўё жўғти ток. Асрлар кўрмаган ажиб девона*» каби сатрлар шу шеърдан олинган), «*Олтин водийдан шабадалар*» (1949, бу асарга «*Қизлар*» достони эскиз бўлган, **қахрамонлари:** *Уктам*, *Сайрамоғ*, *Камила ва бошқ.*), «*Гул ва Навоий*» (1968, достон), «*Алишернинг болалиғи*» (бу қисса 1974 йилда эълон қилинган), «*Ўзбекистон*» (1934), «*Йилг келмади сира...*» ва бошқ.

«*Кутлуғ қон*» романи ҳақида

Бу асар 1938 йилда ёзиб тугатилган, 1940 йилда ўзбек тилида, 1943 йилда рус тилида, 1949 йилда уйғур ва чех, 1950 йилда словак, 1959 йилда қирғиз ва озарбайжон тилларида китоб ҳолида чоп этилди. Романда 1916 йил қўзғолони арафасидаги ҳаётнинг фожiali манзаралари ҳаққоний акс эттирилган. Ойбек Гулнорнинг йўқлиб қолгани хабарини эшитган ва уни қиш чилласида қидирган Йулчиннинг руҳий ҳолатини қуйидаги манзара орқали акс эттирган:

«*Кечаниғ совуғи. изғирин кучайди... Чарми тошдай, эски этик ичиди оёқлари жонсизланди... Бир бурда сариқ, совуқ ой хира нур тумани сепди...*».

Асариниғ асосий қахрамонлари: *Йўлчи* («*Мен қамалишдан кўрқмайман, дордан ҳам, ўқдан ҳам кўрқмайман. Турма! Бу дунё турмадан яшимми? Олам зиндондан қоронғироқ, ифлосроқ эмасми?*» деган), *Гулор*, *Мирзакаримбой*, *Хутруйбаби* (Йулчиниғ ораси), *Нура*, *Тайтйбойвачча*, *Ермат*, *Шокир ота*, *Шоқосиям*, *Уроз*, *Қоратой*, *Улсин*, *Гулсум*, *Салымбойвачча*, *Қамбар чўлоқ*, *Партахўжа* (Шоқосиямнинг хужрасига яширган Гулнорнинг Мирзакаримбой ва

Олимхон эликбоши чангалига тушишига сабабчи бўлган). **Олимхон эликбоши** ва бошқ.

Ойбек кейинчалик «Кутлуг қон» да тасвирланган воқеаларни давом эттириб, «Улуғ йўл» романини ёзди. Бу романда ўзбек халқининг 1916 йил Қўзғолондан кейин миллий озодлик учун олиб борган курашини ақс эттиришга интилган.

«Навоий» романи ҳақида

Л. Батъ, Миркарим Осил ва **Ойбек** XV асрнинг буюк мутафаккири Алишер Навоий ҳақида насрий асарлар битганлар. Ойбекнинг ушбу романида Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли, ўша даврдаги социал ҳаёт ва мураккаб сиёсий воқеалар ақс эттирилган. Ойбек бу асарнинг яратилиши ҳақида ўз таржимаи ҳолида қуйидагича ёзган эди: **«Навоий образи меннинг кўнглига лирик шеърларимда пайдо бўлди ва ниҳоят, 1942 йилда «Навоий» романини تامомладим»**. Бу асар турли муҳокамалардан сўнг 1944 йилда нашр этилган.

Асарнинг асосий қаҳрамонлари: **Навоий, Низомулмулк, Мажидиддин, Мўмин Марзо, Хусайн Бойқаро, Бадруззамон** (Навоийнинг **«Сизларда Искандарнинг сояси ҳам йўқ. Сизлар унинг навкарларига ҳам арзимайсизлар»** деган надомати унга қарата айтилган), **Жомий** каби тарихий шахслар, **Арслонқул, Султонмурод, Дилдор, Тўғонбек, Шайх Баҳдул, Валибек, Соҳиб Доро, Хўжа Афзал, Дарешали** (Навоийнинг **«Сиз ғоят соддасиз. Ёлғиз зоҳирга қараб ҳукм қиласиз. Золимлар борки, банг ҳаёлотини элга қаромат деб сотадилар, жоҳиллар борки, китоб кўптиқлаб, олимлик давоо қиладилар. Мамлакат бошида тили билан дили бир бўлган, ёлғиз халқ манфаатини ўйлаган, олий руҳли, пок виждонли инсонлар турмас экан, ҳаёт сабзаси тобора сўлур»** деган гаплари унга айтилган), **Зайниддин, Аловуддин Машҳадий** ва бошқ.

УЙҒУН

(1905 - 1990)

Раҳматулла Отақўзиев - Уйғун 1905 йил 11 февралда Қозоғистоннинг Марки қишлоғида туғилган. Урта мактабни тугатгач, у Топшкентдаги Педагогика билим юртида, Самарқанддаги Педакадемиянинг тил - адабиёт факультетида ўқийди (1925-30 й). Уйғуннинг биринчи шеъри **«Кўнглим»** (1925) бўлиб, биринчи шеърий тўплами 1929 йилда нашр қилинган **«Баҳор севинчлари»** эди. Шоир педагогика техникумида ўқитувчи, журналларда адабий ходим, тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади. Драматург ва шоир 1990 йил февраль ойида 85 ёшида оламдан ўтди.

Уйғуннинг ижодида фасллар ва табиат тасвири мукамал рамзий образ даражасига кўтарилган. Унинг **«Оқ қирлар», «Баҳор кўшиғи», «Куз қўшиқлари», «Тонг», «Ариқ»** каби шеърлари шундай мазмундаги ижод маҳсулидир.

Адибнинг **«Ҳаёт кўшиғи»** драмасида Иккинчи жаҳон уруши воқеалари тасвирланган.

Асарлари: **«Кўёш ўлкасига»** (1936), **«Иккинчи китоб»** (1933), **«Шеърлар»** (1936), **«Муҳаббат»** (1939), **«Жоптемир»** (1931), **«Бригадир Қарим», «Назир отанинг ғазали»** (1942), **«Қасос»** (1942), **«Келади»** (1944), **«Ватан ҳақда қўшиқ», «Ўзбекистон»** (1943), **«Ҳади»** (1946) **каби тўплам ва шеърлари, «Алишер Навоий»** (1944), **«Ҳаёт кўшиғи»** (1947), **«Олтин кўл»** (1948), **«Навбахор»** (1949), **«Хуррият»** (1959), **«Парвона»** (1966), **«Берулий»** (1973), **«Зевинисо»** (1982) **каби драмалари** ва бошқ.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

(1907 - 1968)

« **Куйдириш учун куйиш, ардоқлаш учун ардоқланиш шарт** »
Абдулла Қаҳҳор

Модерн диктографияс. ёзувчи ва ўзбек адабиётининг атоқли намоёнласи Абдулла Қаҳҳор 1907 йил 17 сентябрда Қўқоннинг Қўмир бозори маҳалласида

темирчи онласида туғилди. Ёзувчи бу ҳақда ўз таржимаи ҳолида шундай ёзган: *«Мен 1907 йил кузда, чоршаба кун - 17 сентябрда Қўқоннинг Кўмир бозори маҳалласида туғилганман. Отам темирчи эди»*. Унинг болалиги Қўқон атрофидаги Яйпан, Кулаш, Бувайда, Олқор, Оққўрғон сингари қишлоқларда ўтди. Абдулла дастлаб Бувайладаги эски мактабда ўқийди, кейин Оққўрғондаги жаңид мактабда, Қўқондаги интернатда, 1922-24 йиллар мобайнида эса Қўқонда очилган ўқитувчилар тайёрлайдиган техникумда таҳсил олди. У 1926 йилда СамДУ нинг тайёрлов факультетини битиради ва 1930 йилга қадар Урта Осиё Давлат университетининг педагогика факультетинида ўқийди. Умри давомида баракали ижод қилди, *«Қизил Ўзбекистон»*, *«Муштум»*, хотин-қизлар газетаси *«Янги йул»* да *«Нит»*, *«Норин Шиллик»*, *«Миллато Қуфур»*, *«Гулёр»*, *«Эржабой»*, *«Э - бой»* имзолари билан қатнашиб турган. *Чеховни ўзига устоз деб билган*. Абдулла Қаҳҳор 1968 йил 25 майда Москвада вафот этди.

Абдулла Қаҳҳор *Пушкилнинг «Кавитан қизи»* қиссасини, *Гоголнинг «Уйлағини»* ва *«Ревизор»* комедияларини, рафикаси *Кибрий Қаҳҳорова* билан бирга *Толстойнинг «Уруш ва Тинчлик»* асарини ўзбек тилига ўтирган.

Ёзувчи ўз таржимаи ҳолида: *«...Баъзан буларнинг оёғи остида ўралашиб, кунгилмишни хира қилган кимсаларга ҳам кўз ташлаб «Халал берма, четга чиқ» - деганман»* - деб ёзган.

Асарлари: *«Қитмоқ ҳукм остида»* (1932, илк китоби), *«Сироб»* романи, *«Ҳикоялар»* тўплами, *«Кампиралар сим қоқди»*, *«Хотинлар»*, *«Ўғри»*, *«Бемир»*, *«Алор»*, *«Симчалак»*, *«Кўмчинор чироқлари»* (1951, дастлаб *«Кўмчинор»* деб номланган. Бу асарда Ўзбекистонда жамоа хўжалигини ташкил этиш (коллективлаштириш) жараёни, бу жараёндаги мураккаблиklar, кураш ва қийинчиликлар акс этган. Асар ҳақида А. Қаҳҳор шундай ёзади: *«Мен ўз тўпидан айрилиб, кейинда қолган батрак-сўнги батракнинг ўша янги йўлга чиқиб олгунча бошдан кечирганларини тасавир қилмоқчи бўлдим. Бирқўз ўзимга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан мақсадимга етолмадим... романини танқид хуш қабул қабул қилган бўлса ҳам, таъбиҳдаги китоб эмас»*), *«Шоҳ сўзати»* (1950, қаҳрамонлари: *Дехқонбой*, *Ҳафиза*, *Холбуви*, *Салтанат* ва бошқ. Бу асарни ёзишда адиб драматургия жанрида ўзини синаб кўрмоқчи бўлиб, Мирзачўлдаги бир жамоа хўжалигига кўчиб борган), *«Оғриқ тинчлар»* (1954), *«Тобутдаги товуш»* (1962, кейинги номи *«Сўнги нусхалар»*, порохўрлик иллати фош қилинган), *«Алжонларим»* (1966), *«Утмишдан эрталар»* (1964), *«Муҳаббат»* (1966), *«Маҳалла»*, *«Томошабоғ»*, *«Миллатчилар»*, *«Адабиёт муаллими»*, *«Зиқмат»* (туғалланмай қолиб, унинг вафотидан сўнг нашр этилган) ва бошқ.

Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари ҳақида

Адиб ҳикояларини шартли равишда уч йўналишга ажратиш мумкин: *тарихий ҳикоялар*, *ҳажвий ҳикоялар*, *замонавий ҳикоялар*. Абдулла Қаҳҳор *«Хотинлар»*, *«Асрор бобо»*, *«Минг бир жон»*, *«Маҳалла»* ҳикояларида замондошларининг маънавий дунёсини, инсоний хислатларини, ахлоқий поклигини, руҳий гўзаллигини кўрсатишга алоҳида эътибор берган. У ҳикояларида халқ мақоллари ва маталаридан ўринли фойдаланган.

«Ўғри» ҳикоясида ўзгалар бахтсизлигини тирикчилик манбаига айлантириб олган амалдорлар образи берилган. Унга *«Отнинг ўлими тининг байрами»* мақоли эпиграф қилиб олинган. *«Дехқоннинг уйи куйса куйсин, хўкиси йўқолмасин. Бир қоп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава қамиш уй, хўкиз топиш учун неча замонлар қозонни сувага ташлаб кўйиш керак бўлади»* - каби мисралар шу ҳикоядан олинган. *«Ўғри»* ҳикоясида *«Бегим дегунча белим синади»*, *«Текинга мушук офтобга чиқмайди»*, *«Беранга битта ҳам кўп, олганга унта ҳам оз»*, *«Куруқ қошиқ оғиз йиртади»*, *«Уйнашмагил арбоб билан - сени урар ҳар боб билан»* каби мақоллар қўлланган.

«Бемор» ҳикоясида қаттиқ оғриб, вафот этган аёл тақдир ва унга бирор ёрдам беришдан батамом ожиз, қўли қалта Сотиболдиннинг аҳволи, уйкута тўймаган, ҳали аниқ шакл олмаган жужук тилда оназорига туғи билан худодан шифо талаб чикувчи «беғуноҳ гўдак» - қизча ҳолати баён этилган. Она эса ҳар қандай вазиятда ҳам ўз боласини ўйлайди. Бу ҳикояга «Осмон ийроқ, ер қаттиқ» мақоли эпиграф қилиб олинган.

«Дадхат» ҳикоясида Унсиннинг «Уғри» даги Қобил бобо, «Амор» даги Туробжон, «Бемор» даги Сотиболдиндан фарқи шуки, у ўз салафларига ўхшаб мутеълик асириси ва жаҳолат қурбони бўлиб яшашни истамайди. Олимбек додхонинг саккиз хотини ичида энг кичиги - бу даргоҳга тушганига беш ойгина бўлган келинчақ - Умеш агар эри бутунлай жавобини берса, Ганжиравонга - ўз уйига кетмоқчи бўлади. Доdхонинг қатта хотини Нодирмоҳбегим бир воқеани айтиб бераётганда «- Бола эдим. Раҳматим дедимган ер эдилар. Бир мусулмонна чигим... - Мама шунчақ шайва кечаси экан. «Хазир ким гўйсингга бориб, Аскардонсининге айтади шикок санчиб келади?» - деган гап бўлибди» - дейди. Унсин Доdхо берган топшириқини бажарман деб борганда ўтинни унутади ва ҳикоя сўнгида қўқинчдан жон берали.

«Минг бир жом» ҳикояси 1956 йилда ёзилган. Асар қаҳрамонларни қўлидагилар: жикаккина киши, ўзига жуда ҳам қатта кук халатга бурқаниб олган, «бу хотиннинг жони битта эмас, минг битта» деган Мурадхўжа, саккиз ойдан бери палатадан чиқмай ётган, ун ишдан бери хаста аёл Мастура Алиева, Мастуранинг эри Акрўмжон, Ҳожи аял.

«Асрор бобо» ҳикоясида Уста Мўмин китоб кўриб, Асроркулнинг ўғлига қочоқ бўлиб юрган кунлардан ёдгор бўлсин деб, «Ёдгор» исминия қўяди. Ҳикояда «Сохта табассум» бирикмаси салбий эмас, балки қаҳрамоннинг матонати, иродаси, бардонни белгиси бўлиб юзага чиққан. Ҳикоя қаҳрамони Асрор бобо Николай даврида тегирмончи бўлган.

«Майиз емаган хотин» ҳикоясида ёзувчи янги замондаги ўзгартишларни кўпролмайдиган, паранжини ташлаган қизалоқдан тортиб ҳар бир кекса аёлгача - барчага гумонсираб қарайдиган, улар ҳақида куракла турмайдиган гўйбат гапларни тарқатилдан ор қилмайдиган мулла Наркўзининг ҳажвий қиёфасини яратган.

«Синчалак» қиссаси ҳақида

Бу қисса 1958 йилда ёзилган, 1959 йилда алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. Асарнинг асосий қаҳрамонини қўлидагилар: «Хотин киши раҳбарлик қилса калаваси учини йўқотиб қўлидиган», «тоқтиб сув: темиртонин бузиши ҳам, юрезиши ҳам мумкин» бўлган Арслўмбек Қаландаров, «Ишлаб чиқаришда, жамоат ишида эркаклардан қолтирмаган ҳолда яна бола туғиб устирадиган аёлларга жамият ва давлат алоҳида гамхўрлик қилиши керак, деган гапни ҳам кўп одамлар яхши тушуниб ётган эмас» деб ҳисобловчи Саид Алиева, «еанега келганда бурганинг йўталидан бўрон кўторинга қодир» бўлган Эшоя ва бошқ.

«Сароб» романи ҳақида

Бу асар 1934 йилда ёзилган бўлиб, адиб унда 20 - йиллик охири, 30 - йилларнинг бошларидаги «миялэтчилар» деб аталган ижтимоий кучнинг маҳв этилиши, ўз роя ва орзуларини амалга оширўлмай, инқирўзга юз туткин жараёнини бадий гавдалантирган. Асарда бош қаҳрамон - Раҳимжон Саидий, унинг ҳаммасиятлари Саломжон, Аббосжон, Мурадхўжа сингари образлар орқали шўроларга қарши олиб борилган махфий курашларни бадий гавдалантирган. Саидийлар йўли ҳалоқатли йўлдир, бу орзулар ҳеч қачон амалга ошмайдиган рўё ва саробдир, деган бадий хулоса чиқарилган.

Асар қаҳрамонларни қўлидагилар: Саидий, Мушкетер (ўзини-ўзи ақиб ўлдирган), Мурадхўжа дўшман, Соғдижон ва бошқ.

МИРКАРИМ ОСИМ (1907 - 1984)

Ўзбек адабиётида афсоналар асосида бадиний асарлар яратган адиб Миркарим Осим 1907 йилда Тошкентда, зўёли оиласида дунёга келган. 1918 йилдан «Шамсул Урфон» номили бошланғич мактабда, 1921 йилдан А. Навоий номидаги республика билим юртида таҳсил кўрди. 1926 йилда эса Москва Давлат педагогика институтининг тарих-иқтисод факультетида ўқиб, 1930 йилда тугатди. Самарқандда ўқитувчилар тайёрлаш курсида, 1932 йилда Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги, Педагогика илмий - тадқиқот илмгоҳида ишлади. Дастлаб шеърлар ёзди. Тарих фанидан қўлланма, тавсия, дарсликлар яратди. Айни пайтда Миркарим Осим асарларини уч катта мавзу йўналиши бўйича таҳсил қилиш, баҳолаш мумкин: 1. *Тарихий - қаҳрамонлик мавзусидаги асарлар*: «*Утпор*», «*Тумарис*», «*Темур Малш*», «*Широқ*» «*Александр ва Спитамен*» ва бошқ. 2. *Тарихий - маънавий мавзусидаги асарлар*: «*Моҳлар Ойим ва хонпошиш*», «*Карвон кўнгируги*», «*Элчилар*» ва бошқ. 3. *Тарихий тарқалмак ҳақидаги асарлар*: «*Зулмат ичра нур*» (Навоий), «*Жайхун устида булутлар*» (Беруний), «*Иби Сино қиссаси*», «*Ал-жабрнинг тугилиши*» (Ал-Хоразмий), «*Синган сетор*» (Машираб) каби қиссалар ва бошқ.

Миркарим Осим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонини олган. У 1984 йилда вафот этган.

Бошқа асарлари: «*Астаробод*», «*Алишер Навоий ва Дарғамали*», «*Бадарғи*», «*Навоийнинг хислатлари*», «*Улғубек ва Навоий*» каби ҳикоя ва қиссалари.

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ (1907 - 1997)

Қуддус Муҳаммадий - болалар шоири. У Тошкентда деҳқон оиласида туғилган. Шоирнинг машҳур «*Сенди ва печка*», «*Ўз - ўзини таққид*» каби достонлари 1936 - 1937 йилларда яратилган. Қуддус Муҳаммадий болалар руҳиятини яхши билгани, уларнинг ҳаёти билан яхши таниш бўлгани туфайли болалар севиб ўқуши ва ёд олиши мумкин бўлган кўплаб шеърлар ва эртаклар ёзган. Шоир «*Қаломал дўстлар*» (1970) номли китоби учун Ҳамза номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Китоблари ва эртаклари: «*Ситов*» (1947, биринчи шеърини тўплами), «*Шеър ва эртаклар*» (1947), «*Ўқучиго эдалик*» (1947), «*Тугмача*» (1956), «*Топланган асарлар*» (1957), «*Очил дастурхон*» (1970), «*Барқаш пов*» ва бошқ.

24 - МАВЗУ. XX АСР АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

МАҚСУД ШАЙХЗОДА (1908 - 1967)

*Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!
«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг!
Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан
Уни тиригида бир соат йўқланг!*

Мақсуд Шайхзода.

Шоир, драматург, олим, таржимон ва ажойиб педагог Мақсуд Шайхзода 1908 йилда Озарбайжоннинг Ганжа вилоятидаги Оқтош (Агдаш) шаҳрида шифокор оиласида туғилган. У бошланғич мактабни битириб, Бокудаги Олий педагогика институтида сиртдан ўқиган. Шайхзода Озарбайжонни Шўролар давлатидан ажратиб олишга уринишда айбланиб, 1928 йилда Тошкентга сургун қилинган. У Тошкентда шеърин, публицистик, илмий ва драматик асарлар яратди. «*Мен бизнинг ўзбек поэзиямизда «ёши катталар» деб аталган шоирлар авлодида мансубман*» - деб ёзган эди Шайхзода. Унинг фикрича «... инсон руҳини тарбиялаш, одамда яхшилик унсурларини кўпайтириш, халқда гўзаллик ва нафосат туйғусини янада баланд даражага кўтариш... санъатнинг муқаддас вазифасидир». Шоир 1938 йилдан қарийб умрининг охиригача Низомий номи

ТДПИ да ўзбек адабиёти тарихидан дарс берди, адабиётшунос ва адабий танқидчи сифатида фаоллият олиб борди. 50-йилларнинг бошларида «халқ душмани» сифатида 25 йилга кесилган шоир Сталиннинг ўлими туфайлигина тирик қолган. Мақсуд Шайхзода 1967 йил 19 февралда оғир хасталик натижасида оламдан ўтди. Унинг қабри Форобий қабристонига жойлашган.

Асарлари: «*Ул шеър*» (1932, *биринчи шеърлар тўплами*), «*Ул бираар*», «*Ундошларим*» (1933), «*Учинчи китоб*» (1934), «*Жумхурият*» (1935), «*Иўқ мен ўлган эмасман*», «*Курат печун*» (1941), «*Жанг ва кўтиқ*» (1942), «*Қапитан Гастелло*» (1941), «*Жалолддин Мангуберди*» (1944), «*Замон тюрлари*», «*Айрилик*», «*Шўбла*», «*Тошкентнома*» (1958), «*Мирзо Улуғбек*» (1964), «*Йилларнинг саломин йилларга элиб...*» (1961), «*Хўбон*», «*Искандар Зулқарнайн*» (*шеърин эртак*), «*Сулҳ дарахти*» (1950), «*Уртоқ Навоий*» (*баллада*), «*Юртим*», «*Ватан*» ва бошқ.

Таржималари: Пушкиннинг «*Моцарт ва Сальери*» шеърин драмасини, Шота Руставелиянинг «*Иўларс терсини ёппиан паҳлавон*» асарини (Миртемир билан ҳамкорликда), Шекспирнинг «*Гамлет*», «*Ромео ва Жульетта*» трагедияларини ва ҳок.

«Мирзо Улуғбек» фожияси ҳақида

Бу фожия 5 пардадан иборат бўлиб, ундаги қатнашувчилар қуйидагилар: *Мирзо Улуғбек* (*шоҳ, 56 ёшда*), *Абдулатиф* (*Улуғбекнинг ўғли, 30 ёшда*), *Али Қумчи* (*астроном, 35 ёшда*), *Гаҳаршодбегим* (*Улуғбекнинг онаси, 75 ёшда*), *Саккокий* (*шоир, 45 ёшда*), *Шайхулислом Бурҳониддин* (*уламо, 65 ёшда*), *Фирюза* (*Улуғбекнинг севикли хотини, 22 ёшда*), *Сайид Обид* (*диний арбоб, 65 ёшда*), *Аббос* (*Абдулатифнинг маҳрами, 28 ёшда*), *Бердйёр* (*Улуғбек наваҳари, 35 ёшда*), *Пир Зиндоний* (*Ҳасан Оҳангар, маҳбус, 80 ёшда*). У «*Абу Наср Форобийнинг китобида ёзилганки*, «*донишмандлар кенгашиб туриб, мамлакатни бошқарсалар, эл бўлур обод!»* - дейди), *Жомий* (*ёш олим, 26 ёшда*), *Амир Темурнинг арвоғи* ва бошқ.

«Мирзо Улуғбек» фожияси бошдан - охири фалсафий руҳ билан йўғрилган бўлиб, оқ шеърда ёзилган. Асар тили Улуғбек даври руҳини ёрқин акс эттиради. Ундаги асосий воқеалар Самарқандда, теңурийлар қароргоҳи Куксаройда бўлиб ўтади. Трагедиядаги *Улуғбек*, *Абдулатиф*, *Гаҳаршодбегим*, *Али Қумчи*, *Жомий*, *Саккокий*, *Сайд Обид*, *Аббос*, *Абдуллоҳ Самарқандий*, *Қозимискилар* тарихий шахслар бўлса, *Фирюза*, *Пир Зиндоний*, *Бобо Қайғий*, *Ота Мурод*, *Бердйёр*, *Кўр Қаландар* кабилар тўқима образлар ҳисобланади.

ҲАМИД ОЛИМЖОН

(1909 - 1944)

«*Ҳамид Олимжон нодир истеъдод эгаси. Қонига, кўз қорачиғига, тўқсон икки томирида туғма зукколик, шоирона сажия, билгилик аён...*» *Миртемир*.

Бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида туғилган. Отаси вафотидан сўнг у бобоси Азим бобо ва онаси Комила ая қўлида тарбияланади. Шоир 1923 йилда ўрта мактабни тугатиб, Самарқандда педагогика билим юртида, сўнгра Педагогика академиясида ўқийди. У ўқишни тамомлаб, Тошкентга келади ва кўпгина рўзномаларда, ёзувчилар уюшмасида, Тил ва адабиёт институтида фаоллият юритади, *иккинчи жаҳон уруши арафасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига котиб бўлади*, 1935 йилда Зулфияга уйланади. Ҳамид Олимжон 1944 йил 3 июлда автомобиль ҳалокати туфайли вафот этади. Унинг қабри Биродарлар қабристонидadır.

Ҳамид Олимжоннинг «*Куйчининг хаёли*» шеърда Фозил Йўлдош ўлимининг бадиий олами, бахшининг жамиятдаги, халқ маънавий ҳаётидаги ўрни кўрсатиб берилган, бахши айтган дostonларда халқ ҳаёти, тарихи, маданияти, удумлари акс этгани тасвирланган. «*Севги*» шеърда маҳубаниннинг жанг майдонларида курашаётган ёр ортидан бориш сюжетидан фойдаланилган.

Асарлари: «*Камдир*» (1926, *илк шеъри*), «*Кўксалм*» (1929, *илк шеърин тўплами*), «*Тонг шабадаси*» (1931, *ҳикоялар тўплами*), «*Олов сочлар*» (1932,

шеърли китоб), «Даре кечаси» (1936), «Шеърлар» (1937), «Улака», «Ойгул билан Бахтнёр» (1937 йил 16-26 ноябрь кунлари ёзилган), «Бахт» (1940), «Нима бизга Америка!», «Темир қонун», «Зайтаб ва Омон» (икки қизни тарбиялаб ояга етказган Анор хола образи берилган), «Холбуки тун» (тун кўйида борлиқ ҳақида ўйлар ифодаланган), «Ўзбекистон», «Роксанининг кўз ёшлари» (воҳеалар Шаҳрихонда бўлади, қахрамонлари: Вова, Роксана, Сора), «Семурғ, Парзод ёки Бунёд», «Урғи гуллаганда» (Ҳасан Қайғи деган қозоқ оқинининг фожиали қисмати асосида ёзилган), «Ғазал», «Чимён эсдаликлари», «Бахтлар водийси» (1930-йиллар байроқдор бўлган шеър), «Бахт тўғрисида», «Кўлингга қуроқ ол!», «Жанчи Турсун» (баллада), «Ишонч», «Хат», «Муқанна» (1942), «Офелиянинг ўлими», «Куйгай», «Жиноят» драмаси ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

Кувонч шуқим толе ёр бўлиб
Бахтни топган элни кўролдим.
Асрларнинг қайғусин қаргаб,
Шодлик ва бахт куйини чалдим.
(«Бахт тўғрисида»)

Бахтим борки, ҳар нирса сўзла
Кўринади менинг кўзимга
(«Дарё тиниш, омон беғубор»)

КОМИЛ ЯШИН (1909 - 1997)

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Фаиллар академиясининг академиги, халқаро «Нилуфар» мукофоти лауреати Комил Яшин (Нуъмонов) 1909 йилнинг декабрида Андижон шаҳрида туғилган. Дастлаб эски ва янги мактабда, сўнгра Ленинградда ўқийди, Андижонда ўқитувчилик қилади, театрга адабий эмалдош, Ўзбекистон Санъат ишлари бошқармасига ва Ўзувчилар уюшмасига раҳбар бўлади. Комил Яшин 1925 йилдан бошлаб шеърлар ёзади, Ҳамзадан маслаҳат ва ёрдам олиб туради. Унинг биринчи драматик асари «*Икки коммунист*» («*Тор-мор*») 1929 йилда сахнага қўйилган. Комил Яшин таржммон ҳамдир.

Драматургнинг «*Нурхон*» драмасининг асосий қахрамонлари *Нурхон* (артист қиз), *Ҳожив* (*Нурхоннинг отаси*), *Келиб* (*Нурхоннинг онаси*), *Мамат* (*Нурхоннинг акаси*), *Ҳайдар*, *Қулри*, *Зеба*, *Халча*, *Сардор*, *Муллакамова*, *Шакер* ва бошқ. бўлиб, унда зилдият асосан *Нурхон* ва *Ҳожив* ўртасида кечали. «*Бухоро*» («*Инқилоб тонги*») пьесасидаги бош қахрамоннинг прототипи «*Файзулла Хўжаевдир*».

Асарлари: «*Уртоқлар*» (1930), «*Ендирамиз*» (1931), «*Налмас ва муҳаббат*» (1935), «*Ҳамза*» (1940), «*Улам босқинчиларга*» (1942), «*Октябрь*» (1944), «*Генерал Раҳимов*» (1949), «*Гулсара*» (1950), «*Йўлчи юлдуз*» (1957), «*Инқилоб тонги*» (1974), «*Дилором*», «*Ҳамзанинг таърифи*», «*Улуғ санъаткор*», «*Тенгтеги билан*» (1927), «*Бўрон*» (1937), «*Ҳамза*» (1960, опера), «*Полатчи*», «*Нурхон*» (1940), «*Енома*» ва бошқ.

МИРТЕМИР (1910 - 1978)

Туркистон шаҳри яқинидаги Иқон қишлоғида 1910 йилда туғилган. Миртемир ота юрти тароватини умрининг охиригача унутмаган шоир эди. Отаси деҳқон ва чорвадор, она томондан бобоси мулла эди. Миртемир дастлаб қишлоғидаги Асфандиёр исмли Нуғой домланинг қўлида, 1921 - 1923 йилларда Тошкентдаги «*Алмай*» номи мактабда, 1925 - 1929 йилларда Ўзбек Эрлар билим юртида ўқиди. 1929 йилда эса шоир Самарқанддаги Педагогика академиясига ўқишга кирди, бир вақтнинг ўзида Йўлдош Охунбоевнинг шахсий котиби бўлиб ишлади. Пойтахт Тошкентга кўчиши билан Миртемир ҳам Тошкентга келиб, Ўзувчилар уюшмасида, нашриётларда хизмат қилди, институтларда адабиётдан дарс берди, лекин бадиий ижоддан, ёзишдан, таржимадан тинмади. «Шеърятимизнинг бобо деҳқони» бўлган Миртемир 1978 йил 24 январь кuni 68 ёшида вафот этган.

Асарлари: «Ташбурум овози» (1926, 1 - шеър), «Шувилар кўйида» (1928, ик. тўғлами), «Дилкушо», «Сун қиз», «Уч», «Она шаҳир», «Балқ ови», «Тургий», «Тонг кўшлари», «Жала», «Дўси ҳаж», «Булу», «Ҳатдалак», «Она тили» (1974), «Розиман, ретропан ўла-ўлуғча» (1977, асосий тўяси: халқсеварлик, халқни улуг'лаш), «Лолазордан ўтганда» (1938), «Шудрат» (1965), «Сурат» (**қаҳрамонлари:** Тошкент ва Соғ'улу (бевафа бўлиб)), «Ташбу» (уруш йилларида фронт ортидаги ўзбек оёқларининг машаққатли ҳаёти ифодаланган), «Онагилла», «Бу мен туг'ланган тупроқ» (Она-юртга самимий муҳаббат изҳор қилинган), «Ўзим билганим», «Мен сени», «Бетовлагимда», «Қорақалмоқ дафтари» шеърлар туркуми ва бошқ.

Шеърларидан парчалар:

Қанча йўллар босдим, соҳида шовдим,
 Лекин халқ номига юқтирмадим гард.
 Фарёд солар чоқда жим бўла олдим,
 Халқим дарди эди дил ўртаган дард.

Эрк дея шаҳид кетсан ўғонларнинг ҳоки бу
 Ким ноҳос ўқрайса ҳам кўтирени уяман.
 Миртемир.

УСМОН НОСИР (1912 - 1944)

Оловдек ловиллаб дил ёнур,
 Бахт шман жанеларга ярасам!

«*Усмон Носир деганда биз кимни тушунамиз? У шундай истеддў масики, бамисоли теккан жойини кўйдиреучи оловдир. Усмон Носир улуг' ва абадий шеърятнинг дийдасидан оқиб улгурмаган шабнамдир, у ҳали қаҳқиҳга айланмай, лабларимизда мангуза қотиб қолган ним табассумдир. Унинг шеърлари кўз каби тирик, жонли, тунқчи бермас ҳаёт порчаларидир. Биз Усмон Носирни қадрлаймиз. Чунки у шеърятнинг табаррук, муқддас даргоҳида анвоий бир чамандир, сира ҳазон бўлмайдиган мўъжиза бун яратий кетди.*»

Абдулла Орипов, 1983.

Усмон Носир 1912 йил 13 ноябрда Наманган шаҳрининг Танҳоғур маҳалласида Мамағўжа ва Холабмизи оиласида туғилган. 1921 йил Усмон Носир ўтай отаси ва онаси билан бирга Қўқонга кўчиб боради, «Янги ҳаёт» мактабида, 1925 - 29 йилларда Қўқондаги иккинчи босқич ўзбек мактабида, 1929 - 1930 йилларда Москвадаги Кинематография давлат илмгоҳининг 1 - курсида, 1933 йил сентябрдан 1934 йилнинг пойтахти Самарқанд Педагогика академиясида таҳсил олади. бадиий ижод билан шугулланади. Шоир Чулпонни ўзининг энг бууюк устози деб ҳисоблади.

30 - йилларнинг ўрталарида Усмон Носир бошқа қаламкаш дўстлари қатори Тошкентга кўчиб келади, Ўтифок миқёсидаги кўшига курултойларда қатнашади. Унинг «*Ҳақиқат қалами*» деган илк шеъри 1927 йилда «Янги йўл» журналинда босилган. Усмон Носир 1937 йил 23 июлда қамоққа олинаяи, 1938 йил 5 октябрда ўн йилга озодликдан маҳрум этилиб, ластинб Тошкент, сўнгра Магадан, Кемерово турмаларида қўйноқларга бардош берди. У 1944 йил 9 мартда Кемерово вилоятидаги Маргинск шахри лагерларидан Бириди оғир касалликдан вафот этди. Усмон Носирнинг қабри Сулозо қабристонидалир.

У. Носир 1936 йилда Пушкиннинг «Богчасарой фончани» ва Лермонтовнинг «*Ивлас*» («*Демон*») асарларини ўзбекчага ўтрган. Унинг «Норбўта» дostonи фуқаролар урушига, «Нахшон» дostonи арден халқи ҳаётига бағишланган. «Атлас» драмаси эса талабалар ҳаётидан олинган бўлиб, унда сени, муҳаббат, вафо ва хийнат мавзулари ёритилган. Усмон Носир театр сахнасида шоир ва таржмон сифатидагина эмас, моҳир драматург сифатида ҳам кўтарилшини ору қилар эди. Унинг «*Зафар*» (1929), «*Назария Халитов*» (1930), «*Душман*» (1931), «*Сўтеги кун*» (1932) каби пьесалар ёзгани маълум. Шоирнинг «*Атлас*» пьесаси сахна юзини кўрмади. «*Гурўган*» пьесаси эса йўқлиди. Усмон Носир Пушкиннинг «*Боголий Овсегия*» ипан гўзал парчалар таржуми қилган.

Асарлари. «*Кўёш билан суҳбат*» (1932), «*Сафарбар сатрлар*» (1932), «*Тракторобод*» (1934), «*Юрик*» (1935), «*Меҳрим*» (1936) каби тўпламлари. «*Норбўти*» (1931), «*Нахшон*» (1934), «*Ойимжон*», «*Исроил*» каби дostonлари, «*Атлас*» шеърлий драмаси, «*Юр, тоғларга чиқайлик*», «*Бегона*», «*Кечмиш кунларим*», «*Қора сатрлар*», «*Бобомнинг фалсафаси*», «*Юрганмисиз, бирга ой билан*», «*Йулки*», «*Кушча каби...*», «*Яна шеъримга*», «*Боғимга*» (сонет, 4+4+3+3+14 мисра), «*Насимага деганим*» (оғир хасталигига қарамай ҳаётга талпинган шрик қаҳрамон тасвири берилган), «*Нил ва Рим*» («*Эрк ҳақида мадҳи*»), Рамес, Клеопатра, Цезарь, Спартак қабиляр номи тилга олинган, «*Рим - уйиндан ўлим кутган жинни театри*» дея таъкидланган), «*Монолог*» (талмех санъатига энг кўп мурожаат қилинган, Шекспир фожиаларининг қаҳрамонлари тилга олинган), «*Қора сатрлар*», «*Илҳомнинг вақти йўқ...*», «*Денгиз ойна каби...*», «*Ҳаёт ҳали...*» ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

...Чанак чалди «Эй, аҳмоқ Рим, севинма қонга!

Бундан ортиқ хурлик борми, ахир инсонга?

Деди нарча-нарча бўлган гладиатор,

Рим - уйиндан ўлим кутган жинни театри!

(Усмон Носирнинг «*Нил ва Рим*» шеърининг 5-қисми)

Севги!

Сенинг ширин тишигдан

Ким ўлмаган, ким тишиламаган? («*Монолог*» шеъри шу мисралардан бошланади)

25 - МАВЗУ. XX АСР АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

ЗУЛФИЯ (1915 - 1997)

Таниқли ўзбек шоираси Зулфия Неронидова 1915 йил 1 мартда Тошкентда Неронидемирчи (дегря) оиласида туғилди. 1922 - 1931 йилларда мактабда. 1931 - 1934 йилларда Қизлар билим юртида. 1935 - 1938 йилларда Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиди. деярли бир умр журналистика ва нашриёт соҳасида ишлади. Шоира 1938 - 1948 йиллар мобайнида Болалар нашриёт муҳаррири. Ўзбекистон давлат нашриёти бўлим мудир, 1953 йилдан «Саодат» журналы бўлим мудир, 1953 - 1980 йилларда шу журналнинг Бон муҳаррири лавозимида ишлаб келди. Машҳур шоир Ҳамид Олимжоннинг турмуш ўртоғи. халқаро «Нидуфур» мукофоти совриндори ва Миртемир таъбири билан айтганда «Бонг куйчиси» бўлган шоира 1997 йил 1 августда вафот этди.

Китоблари ва шеърлари: «*Ҳаёт варақлари*» (1932, биринчи шеърлар тўплами), «*Қизлар кўшиғи*» (1938), «*Шеърлар*» (1939), «*Уни Фарҳод дер эдилар*» (1943), «*Ҳижрон куйларида*» (1944), «*Далада бир кун*» (1948), «*Тонг кўшиғи*» (1953), «*Юрагимга яқин кишилар*» (1958) «*Куйларим сизга*» (1965), «*Ойлар*», «*Шалала*» каби тўпламлари. «*Кўёшли ҳаёт*» (1967, Ошбек ижодиига бағишланган), «*Ойдинда*» (1953), «*Мушоира*» (Ўндинстон мамлакати билан алоқадор), «*Хотира синиқлари*» поэмалари. «*Ўғлим, сира бўлмайди уруш*» (1954), «*Тун*» (1944), «*Ҳижрон*», «*Менинг Ватаним*», «*Баҳор келди сени сўроқтаб*» (1945, Ҳамид Олимжон хотирасига бағишланган), «*Кўрганмидинг кўзларимда ёш?*» (1945), «*Зоотехник қиз*» (1952), «*Чупон*», «*Лобар қизларга*» каби шеърлари ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

Мен кўёшли эл фарландиман,

Бахтлиманки ёниқ нафас ёр.

Ишқ ва ҳижрон оловларидан

Омон чиққан қайноқ дилим бор. («*Рашик*» шеърдан)

*Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.
Сен туйғайли кўп хонадонда
Ота номли буюк шодлик кам. («Уқам, сари бўламдаи уруш» шеърдан)*

*Эҳ, умр ярмин ютиб,
Утган тунлардами айб?
Энди бу кўржин тугиб,
Кундузга бермасам ҳайф? («Ойдинда» шеърдан)*
*Салом менинг азиз дугоналарим,
Азизим, лобарим, чеварим қизлар! («Лобар қизлар» шеърдан)*

ШАРОФ РАШИДОВ (1917 - 1983)

Ёзувчи, таниқли давлат арбоби Шароф Рашидов 1917 йил 6 ноябрда Жиззахда деҳқон оиласида туғилган. У 1934 йилда Жиззахдаги педагогика техникумини, 1941 йилда Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тугатади. 1941 - 1942 йилларда Ватан урушида қатнашди. Шундан сўнг Самарқанд вилоят партия кўмитасида котиб, «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида муҳаррир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси раиси, 1950 - 1959 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати раиси, 1959 - 1983 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий кўмитасининг Биринчи котиби лавозимларида ишлади. Шароф Рашидовнинг биринчи шеърий тўплами «Самарқанд қуйлари» номи билан босилган, уруш даврида эса «Даҳшат» (1945) номли тўплами нашр этилган. Унинг «Кашмир кўшиги» (1956) қиссаси романтик-мажозий усулда ёзилган бўлиб, *Бамбур*, *Нарғиз*, *Лола*, *Атиреул*, *Сариқгул* сиймолари эрк сари интилувчи ҳалол ва жасоратли инсонлар ҳақида тасаввур берса, *Бўрон*, *Хоруд* каби сиймолар қора кучларнинг бадний раъзилар. Адибнинг қуйидаги мисралар билан бошланувчи шеъри кўшиққа айланиб кетган:

*Оламда гуллар яшар,
Боғларга жамол бўлиб,
Гулзорларга ярашар
Улар ҳусни хол бўлиб ... («Кашмир кўшиги» дан)*

Асарлари: «Ғолиблар» (1951), «Бўрондан кучли» (1958), «Қудратли тўққин» (1964, образлар: Пўлат, Анвар, Хайри, Турахонов ва бошқ.), «Дил амри» (1982), «Икки дил достони», «Қоме ва Мудан», «Лочилар», «Жанг қил», «Ота насаҳати», «Тарих ҳукми» (1956, мақолалар тўплами) ва бошқ.

РАҲМАТ ФАЙЗИЙ (1918 - 1986)

Таниқли адиб Раҳмат Файзий 1918 йилда Тошкентнинг Бешбўғоч даҳасида қосиб оиласида туғилган. У кўпгина газета ва журналларда ишлади, дастлабки шеърий машқлари, лаҳза ва очерклари 1937 йилда рўзнома саҳифаларида пайдо бўлди. Раҳмат Файзий 1962 - 1965 йилларда «Ўзбекфильм» киностудиясида ишлади. У бир қатор орден ва медаллар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Польша халқ Республикасида хизмат кўрсатган маданият арбоби фахрий унвонлари билан тақдирланган. Ёзувчининг «Ҳазрати исом» романида тёмарчи Маҳкам ака ва унинг рафиқаси Мехриниса аяларнинг юксак маънавий қиёфаси, инсоний фазилятлари алоҳида ҳурмат ва эътибор билан тасвирланган.

Асарлари: «Тўй тўёниси» (1951), «Чўлга баҳор келди» (1951), «Повесть ва ҳикоялар» (1954), «Шоҳи дарғарда» (1958), «Текин муқаймоқ», «Нафиса», «Сен етми эмессан» ва «Ёр - ёр» киноновеллар, «Ҳазрати исом» романи (1969) ва бошқ.

ШУХРАТ (1918 - 1993)

*Мен ўтиб кетаман, сен кейин қолиб
Ҳақимда рост сўзни айтиб юр, шеърим!*

Шухрат (Ғулом Аминжон ўғли Алимов) шеърӣй, насрий, драматик асарлари билан ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган санъаткорлардир. У 1918 йилда Тошкентда туғилди. 1936 - 40 йилларда урушда қатнашди. Шухрат урушдан кейинги йилларда асоссиз қаторгон қилиниб, қамоққа олинган. 1955 йилдагина бетамом оқлақди ва республикамиз газета ва журналларида, Ўзувчилар уюшмасида турли лавозимларда ишлади. Шухрат бадийий ижод майдонида 30 - йилларнинг ўрталарида кириб келди. Адиб ҳаётининг сўнгги ўн йили оғир хасталиқда ўтди.

Асарлари: «Мехрол», «Оруу ва қасос» (1940), «Сенинг севгинг» (1961), «Ишқинида ётиб» (1964), «Калкис дафтари», «Шивалли йиллар дафтари», «Дуний сарҳадлари», «Шивалли йиллар» (1958), «Олтин зангламас» (1965), «Жашин қадирлар» (1968), «Беш кутлик куб» (1970), «Кўта қиринлар» (1971), «Она қизил» ва бошқ.

«Олтин зангламас» романи ҳақида

«Олтин зангламас» романида 30 - йиллар ва урушдан кейинги даврда мудраш қатгронларга дучор этилган ҳалол, имон - эътиқодли кишиларнинг фожиади ҳисматиғни жасорат билан бадийий тасвир этилган. Асарнинг бош қаҳрамони *Содиқ* исмли ҳалол, аиждонли, тўғривсуз ўқитувчи. У мактаб директори сифатида жуда фаол, аммо ўз атрофдашларига нисбатан талабчан, қаттиққўл. Унинг ана шу хусусиятлари мактабдаги айрим дингаса, ҳулқи бузуқ, санъис паст ходимларга ёқмайди. Атрофда ҳеч сабабсиз «қам-қам»лар анж олган вазият бундайларга жуда қўл келади ва улар софиди Содиқни ҳам «чакув» билан қаматишга муваффақ бўлишади. Асардаги салбий қаҳрамонлар *Миралам*, *Шукур* («кавалергони *Махсум* муқаррамдан келган деган; талоқ ҳақида одобсиз латиға айтган; очилган хотин-қизларни таҳрирлаган; йиғирмага хотиннинг ақли бир товўқниқича йўқ деган; бир аёлниг гийбати қирота эмалла юк бўлади» деган қаҳрамон), *Ҳусанов* («сохта, муттаҳам, разил, ишсофсиз терговчи») лардир.

САИД АҲМАД (1920 йилда туғилган)

Ўзбекистоннинг машҳур ҳажвчи ёзувчиси Саид Аҳмад 1920 йил 10 июнда Тошкент шаҳрининг «Самарқанд дарвоза» маҳалласида зиёли оиласида туғилган. Отаси Ҳусанхўжа Дадахўжа ўғли рус-тузем мактабини тугатган, Шарқнинг машҳур маърифатчиси Исмоилбек Гаспирали билан жўрачилик қиларди. Саид Аҳмаднинг бобоси Дадахўжа шаҳар думасининг депутати, онасининг отаси бўлиш Ғуломжон тошбосма матбаа эгаси, ёзувчининг акиси Имомжон эса ўзбек стенографиясининг асосчиси бўлган. Зухурдон акиси ирригация бўйича Ўзбекистоннинг илк профессори эди. Саид Аҳмад артеграфик қилади, докторлик, рассомлик, қурилиш бўйича ўқишларга қатнашди, фотоҳодлик қилади. «Бир марта дор ўйнаб йиқилганман. Оёғим синган. Раис кўнадоси Мухом табиб тахтакачаиб қўйган, бир ойгача кўликтаёқда юрганман» - деб ёзди ёзувчи ўз тавқиман ҳолида.

Ёзувчи ўз ижодини ҳажвий асарлар ёзишдан бошлаган. Унинг «Ишқивоз» деган ҳажвийси «Муштум» журналинда чоп этилган. Саид Аҳмад Низомий номи ТДПУда бир муддат ўқигач, «Муштум» журналинда, 1942 - 1943 йилларда республика радиосида ва бир қанча газета ҳамда журналларда ишлади. Унинг биринчи китоби «Тортиқ» номи хикоялар тўпшам бўлиб, 1940 йилда нашр этилган. Саид Аҳмад «Ўзбекистон Қаҳрамони» дир.

Асарлари: «Эр юрак» (1942), «Фарғона ҳикоялари» (1948), «Мурдубоз» (1949), «Халдон нисни» (1994), «Бар ўлчининг баҳри» (1995) тўпшамлари,

«Қадрдон далалар» (1949), «Хукм» (1958) қиссалари, «Уфқ», «Жимжитлик» (1988) романилари, «Келинар кўзғоломи», «Куй» пьесалари, «Қомлон» (қаҳрамони хушомадгуй, лаганбардор Қурбонбой), «Собитқ» ҳикоялари, «Пойқадам», «Алла», «Иқбол чироқлари», «Чул бурғутини», «Зумрад», «Киярида кулаган тоғ», «Қорақўз Мажмуи» (2001) ва бошқ.

«Уфқ» романи ҳақида

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи трилогия бўлиб, у «Қияр бет куй», «Ҳажжрон кулларида» ва «Уфқ бўсағасида» деб номланган уч китобдан иборат. Абдулла Қаҳҳор «Уфқ» романи ҳақида (1965) шундай деган эди: «Бу китобни китобхон бошдан - оёқ шавқ билан, ҳеч қаерда туртинмасдан, диққати сусаймасдан, иштаҳаси бўғилмасдан ўқиб чиқади. Китобда қимирлаган ҳар бир жоннинг қайғуси, қувончи, қилиши - қилмиши, муҳаббати, ғазаби, оғзидан чиқадиган ҳар бир сўзи рост: биров уруш касофатидан тор - мор бўлган бўлган муҳаббати харобаси устида кўз - ёш тўқади; уруш бўрони кўз очирмаётган вақтда бировнинг қалбида муҳаббат ғунчаси япроқ ўзади; ота аскарликдан қочган фарзандини отади ва шу билан бира «хайрият, ўз тегмади» дейди; қишлоқдан қаҳрамон чиққанда бутун қишлоқнинг кўкраги кўтарилади, ҳар бир хонадонга файз киради, уруш касофати онанинг ўлимига сабаб бўлади; оддий одам меҳнат фронтида катта ташкилотчи бўлиб кетади; одамлар қўлидаги бир бурда ноннинг юмшоқ жойини жангчиларга олинади. Найман чўлларида душманга қарши яна бир меҳнат фронти очади. «Уфқ»да тасвир этилган қишлоқ ҳаётини, одамларни кўриб ҳар бир ўзбек катта ифтихор билан: «Биз - ўзбеклар!» дейди, қардош халқлар ўзбекини меҳр билан: «Ўзбек оғайним», деб атайдн. «Ҳижрон кулларида» асарининг асосий қаҳрамонлари қуйидагилар: Икромжон («Игирма бир йил ардоқлаб боққан, шамолни раво кўрмай жонига ураб устирган» боласининг ўлимини кўрган жафокаш ота), Турсунбой (қочоқ, ота дийдоридан, она меҳридан, ёр-биродарлар даврасидан олисда, чақирса овоз етмайидан жойда қувғин бўлиб, оламдан ўтган. У асарда қуйидагича тасвирланган: «...қамши қапа олдида тиззасини кучоқлаб дарвиш қиёфасида ўтирарди... Совун тегмаган бетлари кир, ҳам кўрпа, ҳам тўшак ўрнини босган тўнининг босган титилиб, этаклари балчиққа беланганидан доғ босиб кетганди. Унинг бир вақтлар қизларни шайдо қилган қоп-қора кўзлари энди маънос, атрофга маъносиз боқарди. ...Елғизлик эса унга йўлдош. Күнчилик орасида ҳам, онаси билан ёнма-ён ўтирганда ҳам у елғиз. Хаёлида ўша ўйлардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ўша воқеаларни хаёлидан кун-бакун ўтказиб, ўзига нажот излайди. Тополмайди...»), Низомжон, Азизхон, Зебхон (Турсунбой севган қиз), Жаннат хола ва бошқ.

АСҚАД МУХТОР (1920 - 1996)

«... Шейр одамнинг яшаши учун, кураши, улғайиши учун зарур».

Асқад Мухтор.

Атоқли шoir, носир ва драматург Асқад Мухтор 1920 йили Фарғона шаҳрида темир йўл ишчиси oilасида туғилди. У 11 ёшида отасидан етим қолиб, болалар уйида тарбияланган. Мактабни тугатиб, Ўзбекистон Давлат университетиде ўқийди, Андижон педагогика институтиде ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири бўлиб ишлайди, Тошкентдаги фаолият давомида эса кўпгина рўзнама ва ойномаларда фаолият юритади. Дастлабки шеърлари: «Тилас», «Тонг эди», «Тотли даялар» 1935 - 1938 йилларда вужудга келди. У жуда кўп асарлар яратиш билан бирга таржимонлик фаолияти билан шугулланди, Софоклнинг «Шоҳ Эдип» феолиятини, Пушкин, Лермонтов, Блок, Симонов каби санъаткорларнинг бир қатор асарларини таржима қилди.

Асарлари: «Поэзия», «Наҳол», «Сөгана», «Ҳалба шончи» ва бошқа шеърлари, «Пўлат қувоч» (1947), «Давлатхонари» (1949), «Раҳмат меҳрибонларим» (1954), «Чил юракдам» (1956), «99 миниятура» (1962), «Қаргон қўнғироғи» (1964), «Шейрлар» (1966), «Куй беланчиги» (1971), «Сизга айтор сўзим» (1978) каби шеърин китоблари, «Дарилар нутанган жойда» (1950),

«Қорақалпоқ» қиссаси» (1958), «Бухорониёг жия кўчалари» (1980, прототипи - Файзулла Хўжаев), «Жар ёқасидаги чақмоқ» (1982), «Кумуш тола» (1987) каби қиссалари, «Опа - ситгиллари» (1955), «Туғилиш» (1960), «Давр мейлиг тақдиримда» (1964), «Чилор» (1969), «Аму» (1984) каби романлари, «Мардик чўққиси» (1948), «Яхшиликка яхшилик» (1949), «Самандар» (1978) каби пьесалари, «Дунё болалари» (1962), «Анаахак», «Чодирхакёл» ва бошқ.

ШУКУРУЛЛО

(1921 йилда туғилган)

Шукрулло Юсупов 1921 йили Тошкентда туғилган. У мактабни битиргач, педагогика билим юртида (1935), Тошкент Давлат Педагогика институтида (1944) ҳамда ТошДУ аспирантура бўлимида тақсил олди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи, Гафур Фулом нашриётида муҳаррир бўлиб ишлади. Шукрулло «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлган. Унинг бир қанча шеърлари хорижий тилларга таржима қилинган.

Асарлари: «Биринчи дафтар» (1949, биринчи шеърий тўплами), «Жавоҳирлар саяди» (насрий асар), «Кафасиз кўмилаганлар» ва «Тарих рўҳлар» роман - хроникалари, «Умис фарёд», «Чоллар» дostonи (1947), «Бахт қонили» (1939, биринчи шеъри), «Қалб кўшиқлари», «Икки қоя», «26 тоғотари», «Баҳор совғиси» (1962), «Юлдузлар» (1964), «Сўялчиқ», «Оналар ташеши», «Умр ҳақида эртақ» (Бу асарда сайёҳ ҳақида гап боради, муаллиф умринг узун ва қисқалигини беташвиш ва эркин кунлар билан белгилайди. Асарда сайёҳ шайхга «Бу ерда эркинлик ва бахт излаб, унга етолмай туғлибоқ ўлган бир сайёҳ ётибди» деб ёзиб кўйишларини илтимос қилган. Шукруллонинг бу асари бобосидан эшитилган асосида яратилган), «Аҳлимак ҳақида» шеърлий эртаги, «Тўкмаган дарағарим», «Оғир кумалар соғинчи» (2003) ва бошқ.

Шоирнинг «Қабр тоши» шеърида онаси ўлганда етиб келмаган, тиригида йўқламаган, эъзозламаган такаббир ўғил қораланган.

МИРМУҲСИН

(1921 йилда туғилган)

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика мукофоти лауреати Мирмуҳсин Мирсаидов 1921 йил 3 майда Тошкентнинг Қуронтеги маҳалласида хунарманд - кулол Мирҳожии оиласида туғилган. Урта мактабни тутатиб, Низомий номли ТДПИда шоир Шухрат, Шукруллолар билан бирга ўқиди, урта мактабда дарс берди, қурувчи, муҳбир бўлиб ишлади, кўпгина рўзнома ва ойномаларда фаолият юритди. 1945 йилда Мирмуҳсиннинг «Вафо номи билан биринчи шеърлий тўплами» нашр этилди. Ўзбек адабиётида шеърлий романнинг биринчи намунаси - «Зте ва Адиба» ҳам Мирмуҳсин қаламига мансубдир.

Асарлари: «Тунги чақмоқлар», «Оқ мрамор» (1958), «Чўри», «Жамил» қиссалари, «Чийиқши», «Умид», «Илон ўчи», «Дегрез ўғли», «Чотқоқ йўлбарси», «Илдилар ва лроқлар», «Хўжайид қалъаси» («Темури Малик») романлари, «Уста Гўёс», «Яшил қимлоқ», «Невара», «Широқ» поэмалари, «Дўман» (1947), «Қидронлар» (1954), «Дарболлар» (1956), «Ирмоқлар» (1961), «Қалб ва фалсафа» (1963), «Меъмор» (1974, бу романда муаллиф «Фуқарони кўй подаси деб бўлмади, ситам ошиб вақти соати етгач: «қўйлар» йўлбарсу шерларга айланиб кетади» - дея таъкидлаган. Роман тежурийлар салтанатининг бош ҳукмдори Шохруҳ Мирзога суиқасд қилиниши тасвиридан бошланади. Асосий қаҳрамонлар қуйилгилар Нажмиддин Бухорий (бош қаҳрамон), Низомиддин (Бухорийнинг ўғли), Қоралион (Жосус) ва бошқ.

САИДА ЗУННУНОВА

(1926 - 1977)

«Саиданинг биринчи китобини ўқиб, «Қизингиз ёзди» деб ном кўйиб берганман. Халқимизнинг Саидага қилган яхши нияти бекор кетмади. У хотин-қизларга хос назокат, ифорли, татимли лирикаси билан дилларимизни эркалаб,

хордиқларимизни ёзиб, меҳнатга рағбатимизни тоблаштириб, гидроқимизни гузаллиқлар томон етаклайдиган фахли шоиримиз бўлиб етишди». *Ғафур Ғулом.*

Сайда Зуннуова 1926 йил 15 февралда Андижон шаҳрида туғилган. У шаҳардаги 30 - мактабни тугатгач, Андижон Давлат ўқитувчилар институтида ўқиди, 1947 - 1952 йилларда ТошДУ нинг филология факультетида таълим олди. Шоира Андижон мактабларида муаллима, «Гулахан», «Ўзбекистон маданияти» ойнама ва рўзномаларида, газета муҳарририятларида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлади. Сайда Зуннуова Саид Аҳмаднинг рафиқаси эди. У 1977 йил 51 ёшида оғир хасталиқдан бевақт вафот этди.

Асарлари: «Қизилгиз ёди» (1948), «Янги тевлар» (1950), «Гулаар водийси» (1954), «Қизларжон», «Бир йил ўйлари» (1967) каби тўпламлари, «Гулбахор» (1956) ҳикоялар тўплами, «Гулахан» (1958) қиссаси, «Олов» (1962), «Одамлар орасида», «Кўчалар чарғон» (1965), «Директор», «Бўйларингдан ўрнайиб» (1972), «Рух билан суҳбат» достони ва бошқ.

26 - МАВЗУ. XX АСР АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

ОДИЛ ЁҚУБОВ (1927 йилда туғилган)

Одил Ёқубов 1927 йилда қадимий Туркистон шаҳри яқинидаги Қарноқ (ҳозирги Отабой) қишлоғида туғилган. Отаси Эгамберди қатагон қурбони бўлган. Одил Ёқубовнинг болалиги уруш даврига тўғри келганлиги учун анча оғир кечган. У 1945-50 йилларда армия сафида хизмат қилади, Япония билан бўлган урушда қатнашади (Гоби саҳроси ва Хинган тоғларида бўлган). Ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкент Давлат университетининг филология факультетида тахсил олади, «Ўзбекфильм» киностудиясида, бир қанча газеталарда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, Ғафур Ғулом нашриётида ва Атамалар кўмитасида ишлайди. Одил Ёқубов замондошлари ҳақида «*Бир фельетон қиссаси*», «*Қанот жуфт бўлади*», «*Матлуба*» каби қиссалар, «*Диёнат*», «*Эр бошига иш турса*» каби романлар ёзган. Отасининг қатагон қўлиниги, ойисининг тўрт фарзанд билан ёлғиз қолганда, турмуш қийинчилигидан оддий меҳнаткаш амакиси Зайниддиннинг қишлоққа кўчириб келтирганини кейинчалик адиб ўзининг «*Эр бошига иш турса*» ва «*Оқ қушлар оппоқ қушлар*» деган романларида акс эттирди.

«*Диёнат*» романидан кейин ўтган ун йил давомида мен «*Кўҳна дунё*» ва «*Оқ қушлар, оппоқ қушлар*» деган иккита роман ёздим. Бир тарихий мавзуда, бири замонавий» - деб ёзади ёзувчи ўз таржимаи ҳолида.

Асарлари: «Тенгдошлар» (1951), «Муқаддас» (1960, унда Шарифжоннинг қинғир йўллар билан севгилиси Муқаддас ўрнига ўқшига кириб қолиши ва севгисидан, севгилисидан жудо бўлиши ҳикоя қилинган), «Бир фельетон қиссаси», «Қанот жуфт бўлади», «Йзмаймак», «Биллаур қатдошлар», «Адолат манзил» қиссалари, «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим, айтмасам дилим кунди», «Юрак ёнмоғи керек», «Олма гуллаганда» каби пьесалари. «Эр бошига иш турса» (Асар қаҳрамонлари: Комил, Машраб, Акмал, Кўчқор, Қурбон ота, Барно ва бошқ.), «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё» (бу романда Ибн Сино ва Беруний тақдир ҳақида гап кетади), «Диёнат», «Оқ қушлар оппоқ қушлар» романлари, «Муздаймоқ» ҳикояси, «Видо», «Ларза», «Тилга узук», «Бир котапа сирлари» ва бошқ.

«Диёнат» романи ҳақида

Бу романда муаллиф 70 - йилларда ҳаётда кенг илшиз отган турғунлик мафкурасининг зарарли оқибатларини зўр ижодий жасорат ва ростгўйлик билан курсатган. *Асар қаҳрамонлари қуйдагилар:* Отақўзи, Нормурод Шамуродов, Аброн Шукuroв, Воҳид Миробидов, Жамол Бўрибоев, Олимхон (Отақўзининг хотини), Тоҳира (Отақўзининг қизи), Ҳайдар (Отақўзининг ўғли), Меҳриниса ва бошқ.

«Улугбек хазинаси» романи ҳақида

Одил Ёкубовга энг катта шухрат келтирган асар «Улугбек хазинаси» романи бўлди. Давримизнинг улкан адаби Чингиз Айтматов бу асар муаллифига йўллаган мақолига роман тўғрисида шундай ёзади: «*Яхши китоб ҳақида гапирган мароқли. Бу - юксак ва олижаноб наср намунаси. Бадий қуввати жиҳатидан салмоқдор бу тарихий роман мени ларзага солди...*».

60 - йилларнинг охириларида матбуотда Улугбекнинг машҳур кутубхонаси тақдирини ҳусусида баҳс бошланди. Бу баҳсда илгари сурилган, ҳусусан таниқли рус адабиётшуноси И. Андроников мақоласида ўртага қўйилган фикр ва мулоҳазалар астойдил қидирилса, бу нодир хазина албатта топилажаги ҳусусидаги башоратлар кўплар қатори Одил Ёкубовда ҳам катта қизиқиш уйғолди. Адиб Улугбек ҳаёти ва фаолиятига оид манбаларни, фактларни қидирди, дастлаб қисса битди. лекин ёзувчининг бундан кўнгли тўлмади. Шу тариқа буюк бир роман вужудга келди. Роман Улугбек салтанатининг сўнгги таҳлиқлиги давлари тасвиридан бошланади. Унда тарихий ҳодисалар ифодасига изчил риоя этилмайди, яъни тарихий ҳодисаларни мунтазам равишда айнан ўзидек тавдалантирилмайди. Мушкул давларда Улугбек шоғирди Али Қушчига қуйидаги фикрларини уқтиради: «*Тагин бир нарсдан - келгуси авлодлар бандои ожиздан ҳазар қилмагму, деб кўржамен. Мирю Улугбекдай коинот сирларини очмоқни тиллаган, фозиликни даъво этган мавлоно, ҳайҳот, охир-оқибат барча шох, барча тахт соҳибларидай салтанатни деб, ўз пушти камаридан бўлган фарзанди билан тожу тахт талашибдур-да, деган ном қолдирмоқдин кўржамен...*». Тож-тахт бебаҳо, тафаккур маҳсули - маънавий хазина эса безавол деган нақл бор. Бу ҳикмат романда чиroyли, бетакрор бадий ифодасини топган Ушбу романда бир томонда Абдуллатиф бошлққ қора кучлар: *Салоҳиддин заргар, амир Жондор, айғоқчи Қашқар*, иккинчи томонда *Али Қушчи* бошлиқ маърифат филофилари: *Миром Чалабий, Қалаандар Қарноқий, Уста Темур Самарқандий, Хуришоа бонувар* фаолияти тасвирланган. *Маълони Муҳиддин* қаби мураққаб шахс эса мулқий воқеалар гирдобидида довлдираб. ўз устозидан юз ўгиради. Хуллас, «Улугбек хазинаси» ўзбек романичилигининг обрў-эътиборини бир поғона юқори кўтарган асардир.

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ (1928 йилда туғилган)

Пиримқул Қодиров 1928 йил 25 октябрда Тожикистоннинг Шахристон туманига қарашли Кенгқўл қишлоғида туғилган. Унинг болалик йиллари уруш йилларида тўғри келди, отаси ва оила бошига тушган қулфатларга шерик бўлди. жамоа ҳўжаллигида, йўл қурилишида, Бекободдаги металлургия заводида ишлади. Ёзувчи 1946 - 1951 йилларда ТошДУ да. сўнгра Москвадаги Жаҳон адабиёти институтини аспирантурасида таълим олиб, 1954 йилда Абдулла Қаҳҳор ижоди бўйича диссертация ёқлади. У 1954 - 1963 йилларда Ёзувчилар уюшмасида. кейин эса тил ва адабиёт институтида ва жуда кўпгина жамоат ишларида фаолият юритди. Пиримқул Қодиров Ҳамза номи Давлат муқофотига (1968) сазобор бўлган. У рус адиблари Толстойнинг «*Қазаклар*», К.Фединнинг «*Ник севилялар*», туркман ёзувчиси Х.Деряевнинг «*Қисмати*» романиларини ўзбек тилига таржима қилган.

Пиримқул Қодиров асарларидаги пок севги, инсоний муҳаббат *Маҳкам от Ганҳар, Мадаминжон ва Маъсуда, Моҳам билан Бобур* муносабатида гўзал тасвирланган.

Асарлари: «*Студентлар*» (1950, биринчи ҳикояси, бу китоб чиққанда Пиримқул Қодиров ҳали ТошДУ да шарқшунослик факультетининг студенти эди), «*Жон ширин*» (1968-73, унда халқимизни кимёвий дорилар билан заҳарлаган толимларга қарши аччиқ ҳақиқат айтилган), «*Кайф*», «*Олов*», «*Мерос*» (қаҳрамонлари: *Ёлқин Стажонов, Турсун ва бошқ.*), «*Қадрим*», «*Эрт*» (қаҳрамонлари: *Саттор, Ҳўша, Розия ва бошқ.*), «*Уч илди*», «*Нажот*» (1980,

дастлаб «*Ботирлар ва бахиллар*» деб номланган), «*Акрамнинг саргузаштлари*» (1974), «*Янра институтга кярмоқчи*» (1977), «*Олмос камар*», «*Она лочил вюдоси*», «*Қора кўзлар*» (1963-1966), «*Юлдузли туллар*» («*Бобур*»), «*Аллолар доволи*» (**Асар қахрамонлари:** Хумоюн, Ҳамидабону, Низом, Шерхон, Таҳмаса (қийин аҳволга тушиб қолган Хумоюнга ёрдам берган шох) ва бошқ.), «*Отаамиз*» (илк очерки, 1953), «*Дил ва тил*» (1974), «*Халқ тили ва реалистик проза*» (1973) каби адабиётшунос сифатида яратган рисоалари ва бошқ.

«Уч илдиэ» романи ҳақида

Пириькул Қодировни ёзувчи сифатида элга танитган асари - 1955 - 1958 йилларда яратилган «Уч илдиэ» романи бўлди. Бу асарни «*ҳаётимиздаги бурлиқ даврили акс эттирган роман*» дея таърифлашган. А. Қаҳҳор бу роман билан танишиб: «*Анча вақтдан бери мен ўзбек адабиётида момақалдиқроқ гулдуросини эшитмай юрган эдим. Назаримда, мана шу асар адабиётимизга момақалдиққдай гулдурос солиб, қақмоққдай ялтираб кириб келяпти*», - деган эди.

«Уч илдиэ» 50 - йиллар ўрталаридаги тарихий жараёнларни акс эттирган, ўзбек адабиётинда шахса сифинишнинг ноҳуш оқибатларини биринчилардан бўлиб фош этган йирик асардир. Роман воқеалари бир олий ўқув юртида бўлиб ўтади. Асар икки талаба ёшнинг бир-бири билан танишуви, муҳаббати тасвири билан бошланади, унда ёшларнинг ишқ-муҳаббати, севгидаги адашишлари, янгича ва эскича қарашлар, янгилликнинг тантанаси, таълим-тарбия билан боғлиқ можаролар ҳам қаламга олинади. Бу можаролар ҳам ҳар хил йўллар билан бош масалага-мафкуравий курашларга бориб уланади, қахрамонларнинг бисоти, асосан, ўша бош масалага муносабатда очилади.

Асар қахрамонлари: зиёлилар - профессор - ўқитувчилар, аспирант ва талабалар, *Маҳжам* ва *Гавҳар*, Гавҳарнинг отаси - «урилган, номига доғ тушган» тарихчи олим *Томеш*, *Акбаров*, **салбий образлар:** декан *Ҳакимов* билан *Эшонбоев* ва бошқ.

«Қора кўзлар» романи ҳақида

60 - йилларнинг бошларида ёзилган бу роман қишлоқ, аниқроғи чорвадорлар ҳаётиндан олинган, унда нобоп ижтимоий муҳит, сиёсат таъсирида етишган *Ортиқ*, *Давлатбеков* ва *Исмаи бобо* каби шахсларнинг хилма-хил образлари яратилган. *Давлатбеков* Ойкўлга раис бўлганда қилган энг катта гуноҳлардан бири шуки, у «*чорвадорликда Американи кўзиб етиб, ўзиб кетамиз!*» деб радиоларда жар солган, газеталарда чиққан. У гўшт топшириш режасини икки юз фоиз бажаради ва орден олади. Уша йили Ойкўлнинг чорваси аввалгидан беш баравар камайиб кетади. Худбинлик, мансабпарастликда *Ортиқ* Давлатбековни ҳам ортда қолдириб кетади. Унинг ақидаси - нима қилиб бўлмасин катталарга ёқиш. *Исмаи бобо* - Давлатбеков ва Ортиқдан ҳам ханфлироқ шахс. Кўзи ожиз бу қария иғво, чакимчилик билан кўп одамларнинг ёстигини қуришган. У ўғли *Холбекни*, кўёви *Ортиқни* гуноҳ ишларга йўллайди, иғво - чакув билан келини *Жаннатой* дилини хуфтон, рўзғорини хонавайрон қилади. Романда келтирилган *Мадамийжон ва Маъсуда* қисмати «Ўтган кунлар»даги Уста Олимнинг мунгли севги саргузаштларини ёдга туширади. Хуллас, асарда 60 - йиллар ўзбек қишлоқларидаги реал ҳаёт акс эттирилган. **Бошқа қахрамонлари:** *Аваз*, *Хукав*, *Чўлтоной* ва бошқ.

«Юлдузли туллар» романи ҳақида

Пириькул Қодиров бу роман устда ўн йил (1969-1978) давомида иш олиб борган. «*Юлдузли туллар*» романига «*Бобуртома*», «*Хумоюнтома*» асарлари асос бўлган.

Асарда шоир ва шох *Бобур* ҳаётини тасвирлаш муҳим ўрин тутаети. «Юлдузли туллар» кенг қамровли асардир. Унда Бобурнинг шахсий

хислатлари, оилавий ҳаёти - онаси *Қутлуғ Нигор хоним*га чин фарзандлик туйғуси, онаси *Хонзодабегим*га иниллик, фарзандларидан *Хумоюн* ва *Гуладанга* оталиқ меҳри, биринчи умр йўлдоши *Ойтабегим* билан ўтказган кўнгилсиз дамлар драмаси, *Моҳим* билан ғаройиб танишув дақиқалари, *Моҳим*нинг *Бобурга* чексиз садоқати, Панипат жангида ҳалок бўлган *Иброҳим Лодж*нинг онаси *Малика Байда* (*у Бобурни захарлашга эришгандан сўнг, икки рақиб рўпара келади. Шунда Малика Байда шоҳдан ўлим кутади, бу билан шоҳ устидан маънавий тантанага эришмоқ, онани ўлимга ҳукм этган шоҳни эл олдидан шарминга қилмоқ истайди, лекин буни сезган Бобур уни жазоламай, ўзининг танти шоҳ эканлигини кўрсатади*) билан *Бобур* орасидаги муносабат ҳаяжонли, гўёл ифтихорланган. Адиб бутун асар давомида *Бобур*нинг шоҳ, фотиҳ сифатида қилган шайқатсиликлари унинг энг катта туноҳи эканлигини доимо таъкидлаб боради. *Бобур тарихчи олим Хондамир* билан суҳбатда дейди: «...авлодлар ҳақиқатни билсинлар, бизни фаришта деб ўйламасинлар. Қилган гуноҳларимиз ўлимизга нечоғлиқ оғир тушганидан огоҳ бўлсинлар... Тожу-тахт бевафолигини кўндан бери сезиб юрбман. Менга вафо қилса, фақат ёзган асарларим вафо қилмоғи мумкин. Ватанимга ўзим қайтолмасам ҳам асарларим қайтмоғи мумкин. Эндиси орузим - мен туғилган юртимга қилолмаган фарзандлик хизматимни асарларим қилса...».

Асарда *Бобур* билан ёнма - ён *Шайбонийхон* («имони замон», «халифай раҳмон» дея улуғланган шахс), *Ойтабегим*, *Зухрабегим*, *Хадичабегим*, *Хонзодабегим*, *Гуладанбегим*, *Малика Байда*, *Моҳим*, *Хумоюн*, *Қутлуғ Нигорхоним* каби кўплаб тарихий шахслар образи ҳам яратилган. *Зухрабегим* ва *Хадичабегим*га муносабатдаёқ *Шайбонийхон*нинг ўта ёвуз, шайқатсиз, уятсиз, мунофиқ бир кимса экани аён бўлади. *Зухрабегим*нинг бошқинчи хон «илтифоти» га умид боғлаб, унинг мактубидаги сохта «севги» изҳорига ишониб хузурга келишининг ўзиёқ бу аёл маънавий савияси қай даражада эканини ошкор қилади.

Тарихий манбаларда учрайдиган айрим ном ва фактлардан ёзувчи бутун бошли тирик инсон образи, сюжет йўналишларини яратади. Масалан, романда *Тоҳир* деган образ мавжуд. Унинг ҳам тарихий асоси бор. *Бобур Мирзо умрининг охирида тожу тахтдан өзг кечиб, бир гўшада Тоҳир офтобчи билан бирга турмоқчи бўлганини айтади*. Демак, *Тоҳир* унга кўп яшйликлар қилган, қадрдон бўлиб қолган...

Асарнинг бошқа қаҳрамонлари: *Нўён кўкалдош*, *Қосимбек*, *Хўжа Абдулла*, *Мазидбек*, *Эсон Давлатбегим*, *Шеримбек*, *Ёқуббек*, *Маҳмуд*, *Мулла Фазлиддин*, *Жаҳарий*, *Робия* (*самарқандлик бой савдогар - Фозил тархон бир ҳамён олтинга сотиб олган андижонлик гўзал*) ва бошқ.

П. Қодиров 80 - йилларда «Юлдузли тунлар» нинг мантиқий давомини саналмиш *Бобур*нинг садоқатли, жасур фарзанди *Хумоюн* ва набираси-тарихда «чинакам лаҳо шахс» деб ном олган *Акбар* ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «*Авлодлар довоми*» («*Акбар*») романини яратган.

НОСИР ФОЗИЛОВ (1929 йилда туғилган)

Носир Фозилوف Қозоғистоннинг Чимкент вилоятига қарашли Туркистон туманининг Қорачиқ қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган. У 1949 - 1954 йилларда Ўрта Осиё дорилфунунини тугатгач, 1955 йилдан бошлаб «Гулхан» ойномасида, «Ёш гвардия» нашриётида катта муҳаррир бўлди. Носир Фозиловнинг биринчи ҳикояси 1953 йилда газетادا босилган. 1985 йилда унга «Шум боланинг набиралари» китоби учун Фафур Фулом номидаги мукофот, 1986 йилда қозоқ ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржимаси борасидаги фаоллиги учун Қозоғистон ёзувчилар уюшмасининг Бейимбет Майлин номидаги мукофоти, 1990 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган давлат арбоби унвони, 1991 йилда эса «*Устозлар даврасида*» асари учун Ҳамза

номидаги Республика Давлат мукофоти берилган. Адибнинг бир қатор асарлари қозоқ, туркман, рус ва бошқа тилларга ўтирилган.

Асарлари: «*Оқим*», «*Саратон*» қиссалари, «*Ирмоқ*», «*Том*», «*Кўкёла*», «*Қорхат*», «*Кўклам қиссалари*» ва бошқ.

ХУДОЙБЕРДИ ТҲУТАБОВ

(1933 йилда туғилган)

Ўзбек болалар адабиётининг кўзга қўринган вакили Худойберди Тўхтабоев 1933 йилда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида туғилди. Унинг болалик ва ўсмирлик йиллари уруш даврига тўғри келди, ота-онадан эрта етим қолди. Ўзувчи ўрта мактабни тугатиб, ТошДУ филология факультетининг логика - психология бўлимига ўқишга кириди. Талабалик йиллариданоқ бадиий ижодга қизиқади. Худойберди Тўхтабоев олий ўқув юртини тугатгач, «Тошкент ҳақиқати», «Қизил Ўзбекистон» рўзномаларида, «Гулистон», «Гулжан», «Шарқ юлдузи», «Еш куч» ойнамаларида, «Камалак» нашриётида ишлади, «*Олтин мерос*» республика жамғармасига раҳбарлик қилди. Адиб ижодининг дастлабки давриданоқ ҳажвга, кулгига мойил ҳикоя тўпламларини, қисса ва романларини яратди. Унинг биринчи ҳикоялар тўплами «*Шотқалоқ*» 1961 йилда эълон қилинди. Худойберди Тўхтабоев Ҳамза номидаги Давлат мукофоти, «*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими*» (1982) унвони совриндори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991).

Асарлари: «*Сеҳрли қалпоқча*» (Бу асарда воқеалар қаҳрамон тилидан баён этилган), «*Сариқ девни миниб*» (1968, жами 24 тилга таржима қилинган), «*Сариқ девнинг ўлими*» (1973), «*Беш болали йигитча*» (1976), «*Қасоскорнинг олтин боши*» (1981), «*Йиллар ва йўللари*» (1983), «*Сеҳрарлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатиде*» (1986), «*Мунгли кузлар*», «*Сир очилди*» (1964), «*Омонбой ва Давронбой саргузашти*», «*Жаннати одамлар*» (1996), «*Шотқалоқ*», «*Сўжмоқлар*» ва бошқ.

ЎЛМАС УМАРБЕКОВ

(1934 - 1994)

Ўлмас Умарбеков 1934 йили Тошкентда туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, ТошДУга ўқишга кириди ва 1956 йилда уни тамомлади. Адиб ва драматург Ўлмас Умарбеков 1971 йилдан бошлаб юқори лавозимларда ишлади, *униёғ турли маззу, турли голевий йўналишдаги «Чўли проқ», «Уруш фарзанди», «Ёз ёмғири» асарлари қиссачилигимиз ютуғи. «Қиёмат қир», «Шошма қўё», «Курорт», «Аризасига кўра» драмалари театрларда қўйилган, 20 дан ортиқ китоби турли тилларда нашр этилган. 1991 йилда ёзувчига «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган юксак унвон берилди.*

Асарлари: «*Одам бўлиш қийин*» (илк романи), «*Севгим, севгим...*», «*Жўра сарқор*», «*Комиссия*», «*Оқар сув*», «*Суд*», «*Ҳаёт кўшиғи*» (*ҳикоя қаҳрамонлари: Мирсидиқ Жалилов, Абдуқодир, Дўсимбой ота, Ҳатамжон, профессор Власов ва бошқ.* Бу ҳикояда отдан йиқилиб икки оғидан ажраган шифокор йигит образи берилган. Ўзувчи шоҳи синган, аммо узилмаган наъматак орқали Ҳатамжон Дўсимбоевга ишора қилган), «*Фотима ва Зухра*» ва бошқ.

ТУРА СУЛАЙМОН

(1934 - 2005)

Шоир Тура Сулаймон 1934 йил 15 февралда Жиззах вилоятининг Бахмал туманига қарашли Алдашмон қишлоғида туғилган. Отаси Сулаймонқул кулоқ сифатида қамоққа олинади ва у қамоқ муддатини ўтаб қайтгач, 1939 йилда Сирдарёнинг «Малик» деб аталмиш гўшасига кўчиб боради. Шу ерда ўрта мактабни тугатган Тура бир неча йил чўл мактабларида физика, математика, география каби фанлардан дарс берди. У ТошДУ нинг ўзбек филологияси факультетига сирдан ўқишга кириб, уни 1964 йилда тугатди, Гулистон тумани мактабларида она тили ва адабиётдан дарс бера бошлади. Тура Сулаймон «*Гулистон*», «*Сирдарё ҳақиқати*» газеталарида, 1972 - 1977 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлимининг масъул котиби,

1977 - 1981 йилларда адабий маслаҳатчи лавозимларида ишлади. Шоирнинг дастлабки шеърлари 1958 йилда нашр қилинган. У «Ўзбекистон халқ шоири» (1999) унвонига сазовор бўлган.

Китоблари: «Истар кўнгли» (1962, биринчи китоби), «Қорасоч» (1965, достон), «Мен қайга борар бўсам», «Жаҳонғамта» (1970, достон), «Ҳамқишлоқларим» (1973, тўплам), «Интизор» (1973, тўплам), «Сирдарё қўшқлари» (1974), «Илтижо» (1976), «Аҳазар» (1976), «Тўйбоши» (1977), «Сизни эслайман» (1980), «Қоракўзгинам» (1981), «Гушман» (1988), «Сарвиноз» (1989), «Харсан» (1994), «Жаҳоннома» (1996), «Гул бир ён, чаман бир ён» (1996), «Екқонди» (1998) ва бошқ.

ЭРКИН ВОҲИДОВ (1936 йилда туғилган)

«Ҳеч иккиланмай, қомил ишонч билан айтиши мумкинки, Эркин Воҳидов ўзбек шеърятининг кўрки ва фахри. Бу фикрда заррача муболаға йўқ». *Озод Шарафидинов, Ўзбекистон қаҳрамони.*

Истеъдодли шоир Эркин Воҳидов 1936 йил 28 декабрда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида туғилган. Отаси Чўянбой, онаси Розияхон даврнинг обрў-эътиборли, маърифатли кишилари эди. Ота - онадан етим қолган Эркин тошкентлик тоғасининг қўлида қолади. 1955 йил урта мактабни, 1960 йил ТошДУнинг филология факультетини тугатади. 7 - синфда ўқиб юрганида «Муштум» журналича биринчи шеъри босилади. Шоир «Еш гвардия» нашриётида (1960-1963, 1975-1982), Ғафур Ғулом нашриётида (1963-1970) ишлайди. «Ешлик» ойномасига бошчилик қилади. Ошкоралик кўмитаси раҳбари, Республика адиблар иттифоқи бошлиғи бўлади. Унинг биринчи шеърлар тўплами 1961 йилда «Тоғ нафаси» номи билан талабалик йилларидаёқ боситиб чиққан. Эркин Воҳидов болалик хотираларини эслаб: «Уйлаб қарасам, болалик хотираларимнинг кўпчилиги шеърларга, достонларга кўнган экан. «Нидо», «Кўёш маскани» поэмалари, «Болалик», «Оқсоқол», «Болалик экан-да...» шеърлари ўша мурғак тасаввур, илк хотираларнинг меваси бўлган» - деб ёзган эди ўз таржима ҳолида. Унинг асарларида шеър ва шоир ҳақидаги қарашлар баён этилган. Шоир Гётенинг «Фауст» асарини таржима қилган (1974).

Эркин Воҳидов «Истадид сайр айламоқни мен ғазал бўстониди, Қулмангиз не бор сенга деб, Мир Алишер ёнида» деб ёзди. Унинг доимий ҳажвий қаҳрамони Матмусадир. Эркин Воҳидов И. Гёте, С. Есенин, А. Блок, М. Светлов, А. Твардовский, Р. Ҳамзатов асарларини таржима қилган.

«Одамларга фақат шеъринг эмас, ўзинг ҳам кераклигингни сезиш - бу катта бахт» - деб ёзган эди шоир ўз таржима ҳолида. Эркин Воҳидов «Буюк хизматлари учун» ордени ва «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони билан тақдирланган.

Китоблари ва шеърлари: «Юрак ва ақл» (1963), «Менинг юлдузим» (1964), «Ешилик девони» (1969), «Ҳозирги ёшлар» (1975), «Муҳаббат» (1976), «Тирик сайёралар» (1980), «Бедорлик» (1985) каби шеърий тўпламлари, «Олтин девор» комедияси, «Рўҳлар исёни», «Нидо» (1965, туннинг қоралиғи кузгуннинг қанотига ўхшатишган), «Истамбул фожиаси» каби достонлари, «Ҳозирги ёшлар», «Сирдарё ўлани» (она - замин қисмати ҳақида аламли ўйлар ўз ифодасини топган), «Шоирлик», «Ифтихор туйғуси», «Манфаат фалсафаси», «Мажлис қилин» каби шеърлари, «Инсон», «Ўзбегим» қасидалари, «Палаткада ёзилган достон» (1967), «Чароғдон» (1970), «Доним қимлоқ латиқалари» туркуми, «Кўёш маскани», «Иштироб», «Арслон ўйнатувчи», «Юрагинда макон тутган кул», «Ватан истағи», «Шоир шегру шуур», «Ватандин яхши ёр бўлмас», «Сайланма» (1986, тўрт жилд: «Ишқ савдоси», «Шеър дунёси», «Умр дарёси», «Кунгил нидоси») ва бошқ.

«Рухлар исёни» достони ҳақида

«*Рухлар исёни*» достонига исёнкор бенгал шоири *Назула Ислои* ҳаёти асос қилиб олинган. Достонга унинг куйидаги мисралари эпиграф қилиб олинган:

*Туғилгансан озод, мудом
Озод бўлиб ҳол!*

Бу асарнинг яратилиши ҳақида шоирнинг ўзи шундай дейди: «*Ёзувчи - шоирнинг вазифаси бирор шахс ҳаёти, саргузаштини шунчалик ҳикоя қилиб беришдан иборат бўлса, дунёда ёзувчиликдан осон ҳунар бўлмасди. Ижодкор ўз қаҳрамони ҳаёти, тақдирини бадиий таҳлил этиши, шу баҳонада ўзининг ҳаёт ҳақидаги кузатишлари, уй-мушоҳадаларини ўртага ташлаш керак-ку, ахир! Менинг қаҳрамоним - Назула Ислои тақдирини бу жиҳатдан ғоят бой материал берарди. Мушкул ижодий изланишлар палласи бошланди, достоннинг тайёр илк вариантдан воз кечишга тўғри келди, кўп уринишлардан кейин достоннинг ўқувчиларга тақдим этилган ҳозирги варианты пайдо бўлди». Адиб достоннинг «*Шоир қалби*» бўлимида «*истеъдоднинг табиати исёндир*» деб таъкиллайдди, «*Жаҳолат тўғрисидаги револю*» да эса донишманд улуғ ҳакимнинг жаҳолат ҳукм сурган замонда оломон томонидан сазойи этилиши ва гунаҳанда куйдирилишини тасвирлайди.*

НЕЪМАТ АМИНОВ (1937 йилда туғилган)

Неъмат Аминов 1937 йил 17 июлда Бухоро вилояти Ромитан туманининг Питмон қишлоғида темирчи оиласида туғилган. Урта мактабни тугатгач, Бухоро педагогика институтининг тарих-филология факультетини (1954-59) битирди, Бухоро вилояти радио эшиттириш комитетида, «Наштар» санрик киножурналида, «Муштум» журналида ишлади. 1989 йилда «Шарқ юлдузи» журналида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. Ҳозир у «Муштум» журналининг Бош муҳарриридир. Ёзувчининг дастлабки ҳажвийси «Устоз, Аълам» (1965), биринчи ҳикоялар тўплами «*Икки нуллик обрў*» (1966) дир. Неъмат Аминов Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992). У *Мольернинг «Сохта оқсуяк», Нушчи*нинг «*Вазирнинг жаноб олиялари*», *Михалковнинг «Думалоқ хат»* ва бошқа кўпгина асарларни таржима қилган. Ёзувчи «*Шакар Деҳқон*» таҳаллуси билан ижод этган. Унинг «*Чолболанинг эртакалари*» асари қаҳрамони Умиджоннинг «Бола эмас, дунё кўрган чол», эртакчи бўлишига Улуғбек мадрасасида бир кун ухлаб кўрган туши сабаб бўлса, «*Бевафо, вафодор*» эртагида итнинг кутуришига подшо сабабчи бўлган.

Асарлари ва китоблари: «*Қирқ учинчи почта*» (1970), «*Лаби ҳовуз хандалари*» (1973), «*Жигари тўқилди*» (1974), «*Тилло табассумлар*» (1977), «*Чинорлар кўшиғи*» (1984), «*Елкансиз полвон*» (1986), «*Уғри мушукча*» (1987), «*Қаҳқаҳа*» (1987), «*Ялама ёрми*» (1988), «*Чолболанинг эртакалари*» (1991), «*Тарбиявий соат*», «*Туғилган куним қани?*», «*Одм ҳукм*» (Эртак, унда адолат, муруват ва эзгушк улуғланган), «*Елғончи фаршталар*» (1976-1984) ва бошқ.

БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ (1937 йилда туғилган)

Барот Бойқобилов 1937 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган. У меҳнат фаолиятини 1955 йилда ўқитувчиликдан бошлаган. 1962 йил СамДУ ни тугатгач, 1973 йилгача Тошкентда турли нашриёт ва газеталарда муҳаррир, бўлим бошлиғи, бош муҳаррир муовини бўлиб ишлаган. 1974 - 1990 йиллар давомида турли масъул лавозимларда ишлаган. 1990 йил сентябрь ойидан буён «*Милоқат*» журналининг бош муҳаррири бўлиб ишламоқда. Унинг 40 дан ортиқ шеърини китоби, 10 дан зиёд достони чоп этилган. Барот Бойқобилов филология фанлари номзоди (1972), Алишер Навоий номи Дафтл мукофоти совриндори (1994) ва «Ўзбекистон халқ шоири» (1997) дир.

Китоблари: «*Самарқанд сатрлари*» (1962, биринчи шеърини китоби), «*Висол*» (1965), «*Сени излайман*» (1968), «*Самарқанд ушмоғи*» (1970), «*Афросиёб*» (1970),

«Советлар» (1971), «Шарқ камалаги» (1974), «Мени кутмиг, юлдузлар» (1976), «Висол ва ҳижрон» (1987), «Ватан тунроғи» (1982), «Шарора» (1983), «Замон зайли» (1987), «Ким соқил ятайди Ўзбекистонда» (1990), «Мен кашф этган Ўзбекистон» (100 сонетдан иборат), «Қул ва тун» (1968, Бобур ҳақида шеърӣ қисса), «Афросиёб ёхуд Самарқанд тажариси» (1966), «Навойнома» (5 китобдан иборат) ва бошқ.

27 - МАВЗУ. XX АСР АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

(1940 йилда туғилган)

Замонавий ўзбек наsrининг забардаст вакилларидан бири Шукур Файзулло ўғли Холмирзаев 1940 йил 24 мартда Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Шаҳидлар гузарига дунёга келди. Отаси asli Булунғурлик бўлиб, 1937-38 йилларда Бойсунга кетишга мажбур бўлган. Шукур Бойсундаги ўрта мактабни тугатиб, 1957 йилда Тошкунинг филология факультетига ўқишга кирди. 1962 йилда уни битирди. Шундан сўнг Тошкентдаги бир қатор нашриёт, газета ва журналларда меҳнат қилди. Адибнинг биринчи қиссаси «Оқ оти» (1962) деб, биринчи ҳикояси «Хатарлар сўқмоқда» деб номланган. Шукур Холмирзаев ёзувчилар уюшмасининг «Ойбек» мукофоти, Ўзбекистон Давлат мукофоти соvrиндори. «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» дир (1991).

Асарлари: «Тўққинлар» («Буқри тол», 1963. Бу асарни Ш. Холмирзаев талабалик иллари ёзган ва у А. Қаҳорнинг табригига сазовор бўлган), «Ун саккизга кирмаган ким бор?» (1964, «ёшлар ҳақида қисса» деб таърифланган), «Тақдир баторати» (1968), «Йуллар, йўлдошлар» (1973), «Юр, тоғларга кетамиз» (1976), «Чўлоқ турни» (1978), «Тунроқ кўчалар» (1978), «Қул тили» (1982), «Қаҳрамоннинг сўнги кунлари» (1984), «Тоғларга қор тушди» (1986), «Абдулла Наби ўғлининг сўнги кунлари» (1983), «Эсим, Эшнине» (1988), «Булу тўсган ой» (1997) каби ҳикоя ва қиссалари, «Сўнги бекат» (1976), «Қил кўприк» (1984), «Йўловчи» (1987), «Олабўжи» (1993), «Динозавр» (1996, қаҳрамонлари: Маҳкам, Жамолiddин, Шахло, Абзал, Тоиров ва бошқ.) каби романлари, «Еввойи гул», «Баҳор ўтди», «Битиктош», «Яшил Нива», «Озодлик», «Ўзбеклар», «Ҳаёт абадий», «Оғир тош кўча», «Устоз», «Кўк кўл», «Табассум», «Шудринг тушган бедазор», «Хумор» каби ҳикоялари, «Олис юлдузлар остида», «Қора камар» (1989. **Драма қаҳрамонлари:** Хуррамбек, Абдулла Набиев, Хўжа Эшон ва бошқ.), «Зов остида адашуе» («Ҳайвонларни, жониворларни ўз номлари билан аташмайди, масалан, полвон - айиқ, арғамчи - илон, жондор - бўри» дейилган), «Дарвеш», «Табассум» (1984), «Бодом қишда гуллади» (1985), «Тоғлар орасида» ва бошқ.

«Ўзбек характери» («Ўзбеклар») ҳикояси ҳақида

Ҳикоя 1988 йилда босилиб чиққан. Асарда пахта териш машаққатлари тасвирланган. Ёзувчи ҳикояга қишлоқ ҳаётини пахта теримда ҳашарга борган гапга мўқдан наъри орқали ёрилади. Адибнинг асосий мақсади оддий чўпон оиласига муносабат орқали одамларни синовдан ўтказиш, сода, камсукум одамларга хос мардлик, бағрикенглик, беғуборликни улуғлашдир. Ҳикоянинг бош қаҳрамони Эргашбой билан Урмонжон ва Азимжон, Ботир чўпон оиласи билан Эргашбой, Урмонжон ва Азимжон муносабатлари ҳикоянинг сюжетини ташкил қилади.

Ёзувчи асар қаҳрамони тилидан «Сиз ёзувчилар, инжиқ одамсизлар. Яхши одам деганда, албатта сутдек оқ, мусичадек беозор одамни тушунасизлар. Ҳолбуки, унақалар ҳаётда йўқ: ундайлар, менимча ғоя... холюс» - дейди. Ботир чўпон ва унинг аёли воқеалар охирида Эргашдан хафа бўлишади. **Ҳикоя қаҳрамонлари куйидагилар:** Урмонжон, Азимжон, Сапарбой, Мирағолиб, Эргашбой, Ботир чўпон, унинг хотини, Абдуқодир.

АБДУЛЛА ОРИПОВ (1941 йилда туғилган)

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов 1941 йил 21 март куни Қашқадарё вилояти Косон тумани Некуз қишлоғида туғилган. Отаси Ориф бобо оддий деҳқон бўлиб, тўрт қиз ва тўрт ўғилнинг таълим-тарбиясига қатта эътибор берган. Абдулланинг болалиги Қўнғиртов этакларида ўтди. 17 ёшида ўрта мактабин олтин медал билан тугатиб, 1958 йилда ТошДУ филология факультетининг журналистика бўлимига ўқишга кириди. Абдулла Ориповнинг «*Митти юлдуз*» деб аталган биринчи шеърий тўплами 1965 йилда нашр этилган. Шоир нашриётларда, театрда, Тошкент Маданият институтида, Республика ёзувчилар уюшмасида фаолият кўрсатади. Таржимонлик билан шуғулланади. Абдулла Орипов итальян шоири *Данте Алигьерининг «Илоҳий комедия» («Дўзах қисмини) ўзбек тилига моҳирлик билан ўғирган*, бу асар таъсирида «*Жаннатга йўл*» (1978) драматик достонини яратган (*Фитратнинг «Қиёмат» (1923 йил) номли асари ҳам шу драмага яқин туради*). Шоир асарлари эл ва юрт томонидан муносиб тақдирланмоқда. У Ҳамза номидаги Давлат мукофоти ва «Муножат» тўплами учун Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган.

Шоир ўз таржмаи ҳолида шундай ёзади: «*Мен учун энг қатта сийлов камтарин ижодимга халқимнинг муҳаббатидир. Бироқ шунинг ҳам айтиб ўтишим жоизки, 1981 йилда «Ҳаким ва Ажиа» достоним учун Ўзбекистон Давлат мукофоти ҳамда 1990 йили Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлдим. Режаларим, албатта кўп.*»

Абдулла Орипов ҳозирги пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилмоқда. *Абдулла Қаҳҳор «ёзувчиликка чўғдай ёниб кирган»* дея, балқар шоири *Қайси Қулеш «унинг пайдо бўлиши шеприятимизда байрамдир»* - дея Абдулла Ориповга юксак баҳо беришган.

Китоблари ва шеърлари: «*Ўзбекистон*», «*Мен нечун севаман Ўзбекистонини*», «*Болалик йилларим*», «*Умр дуч қиларкан*», «*Сендан ыроқда*», «*Ҳали олдидадир гўзал кунларим*», «*Шоулади тун бўйи шамол*», «*Онажон*», «*Рухим*», «*Ҳайрат*», «*Юзма - юз*» (1964), «*Ҳаким ва ажиа*» (1980, достон Юсуф Али Ибн Синога бағишланган), «*Рағжом*» (1988, достонда шўро тузуми «*Бу тузумнинг ярим умри лоф билан ўтган, Фуқаро ҳам усулига кўникмиш ғоят...*» деб кескин фош этилган), «*Ишонч кўприклари*» (тўплам), «*Муножат*», «*Темир одам*», «*Саратон*» (1969), «*Жавоб*», «*Соҳибқирон*», «*Ҳажз дифтари*» (1992, тўплам), «*Хусумат*», «*Тилла балиқча*», «*Дорбоз*» (Унда дорбоз рағбий образ бўлиб, у киприкдаги ёшга, арқон қилич дамига ўхшатишган), «*Биринчи муҳаббатим*» (Бунда ҳар бир банд мустақил, ўзига хос қофияланган), «*Она сийёра*», «*Куз хайёлари*» («*Унинг кўшиғида, унинг оҳида Сезаман одамзод қалбни гоҳида*» ёки «*Бир ҳикмат ўқийман хазонлардан мен: «Яшигин-у бироқ яроқ бўлма сен»*) мисралари шу шеърдан олинган), «*Авлодларга мактуб*», «*Ҳикмат садолари*» (40 ҳадис асосида ёзилган тўплам), «*Аёл*», «*Баҳор*», «*Уйларим*», «*Илгўр ишчи ва ҳаққон муҳбир қиссаси*» (1968, унда шўро жамиятида хўжақўрсин учун қилинган шов-шувлар ва кўзбўямачилик танқид қилинган, асар салкам 20 йил ўтгандан сўнг босилиб чиққан), «*Генетика*» («*Ташна яшадик биз меҳрга мутлоқ, Ишққа, муҳаббатга ташна ўтдик биз, Гоҳ эса куёндек порлоқ ва ыроқ, Ҳаққа, ҳаққатга ташна ўтдик биз»*) мисраларида лирик қаҳрамон ташна бўлган бу ҳаққат истиқлолга эришиш, ўз ватанининг эгаси бўлиш орузи ва бу орзунин ҳайқмай, кўркмай, очик айта олиш истаги эди), «*Кўриқхона*», «*Йиллар армони*» (1984), «*Нажот қалбаси*», «*Юртим шамоли*» (1969), «*Маломат тошлари*» (1976), «*Сароб*», «*Бедорлик*» (1999), «*Шоир юраги*» (2003), «*Ўзбекистон байроғи*», «*Танланган асарлар*» (2000-2001) ва бошқ.

Абдулла Орипов шеърлари ҳақида

60 - йилларда Абдулла Орипов «*Мен нечун севаман Ўзбекистонини*», «*Ўзбекистон*» каби шеърларида она - Ватан ва фидоий ватанпарвар образининг

ажойиб намуналарини яратди. 60 - йилларнинг ўрталарида ёзилган «*Тилак балиқча*» шеъри адолатга, инсоний баркамолликка чорловчи асардир. Шоир бу шеърга алегорик кўп маънолик ва кўча маъноликни сингиритишга муваффақ бўлади. Шеърнинг «*лайла ҳрауэ*», шеър ёзилган даврдаги жамият, туҳумдан чиққан «*тилла балиқча*» эса бу жамиятда вояга етатган янги инсон, янги авлод, унга емиш сифатида берилатган «ташландиқ ушоқ» лар эса фуқароларнинг гоёвий озиғи бўлмиш фирқавий ва шўравий мафкура эди. Тилимизга давлат тили мақоми берилмасдан 15 йил аввал «*Милл йилдириким...*» шеърини «*Сен йўқогай куллаг шубҳасиз, Мен ҳам тўти бўлиб қолман*», деб она тилимиз тақдирини муаммосини кўтариб чиқди. Шоир «*Онажон*» шеъри билан ўзбек адабиётида муқаддас она шарафига абадий ҳайкал қўйди. Абдулла Ориповнинг «*Хайр эди*», «*Муҳаббат*», «*Биринчи муҳаббатим*» сингарини шеърлари XX аср ўзбек шеърятининг муҳаббат лирикиси тарихидаги сара асарлар қаторида туради. 80 - йилларнинг иккинчи ярмида ўзбек халқига марказдан туриб содиқ СССР миқёсида «*нахча масаласи*», «*ўзбеклар иши*» қабиллидаги жиддий иғволар, туҳматлар уюштирилди. Хатто, бир майизни қирққа бўлиб ейишдек бағри кенгликни, ўзи емай дўстига тутишдек меҳмонпарварликни уялмай - нетмай порахўрлик деб атаган кимсалар бўлди. Абдулла Орипов ўзининг «*Жавоб*» номли шеърини: «*Муруват нелиги билмас меҳмоним, Кўзи оч, еб тўйма, беқўним гади, Пора бўлибдими бир бурда номим, Пора бўлибдими бир ниёла чой?*» деб юқоридаги каби қалби қаттол кимсаларни қаттиқ фош этди. Мустақилликка эришилгандан сўнг шоир «*Ғожи*» шеърини «*Оламда ғожи кўп эрур бироқ, Бунисин алами ҳаддан зиёда. Оҳ, нечоғ даҳшатдир тирик турган чоқ, Умринг оёқ ости бўлса дунёда*» деб ёзди. Унинг «*Юзма - юз*» шеърини «*ўз ишириб, таомидан бенисиб бўлаган, бирозларни кийгазиб, ўзи киймаган, калдуларни катф этганига қарамай, ўзгалар томонидан авом деган ном олган халқнинг мураккаб ва зиддиятлар тарихи, тақдирини акс эттирмагай*. Қуйидаги мисраларда А. Орипов ўзбек адабиётининг даҳоси Навоийни назарда тутган:

«Беш асрким, назмий саройни,

Титратиди занжирбанд бир шеър.

«Жаннатга йўл» драматик достони ҳақида

Абдулла Ориповнинг «*Жаннатга йўл*» драматик достони фантастик ва афсонавий - мифологик мавзу асосида яратилган. Достонда акс эттирилган воқеа-ҳодисалар «*нариги дунё*»да содир бўлади («*Данте Алигьерининг «Илоҳий комедия*» си ва *Фитратнинг «Қиёмат*» (1923) ҳикояси қаҳрамонлари ҳам «*у дунё*» да ҳаракат қиладилар). Асарда ота - она хурмати ниҳоятда улуғланади. Масалан, бу дунёда отасини бир мартагина сансиргани учун етти марта ҳажга борган мўйсафиднинг жаннатга тушмагани айтилади. Шоир Йигит бир қизалоқни сойдаги тошқиндан қутқариб бевақт вафот этган. У тарозибон ҳузурда гуноҳини тан олади. Тарозибон унга қарата:

Савоб деган нарса ахир тасодиғ эмас,

Етмиш икки томрдан у оқиб келгуси,

Яхши одам яхшилигини англамай қолмас,

У виждонни бир вазифа дея билгуси - дейди.

Йигит аросат даштини айланади, жаннат дарвозаси қопиға боради, ота - опасн билан учрашади. Йигит ҳаёт тажрибаси оз бўлгани билан оқ-қорани яхши танувчи, айниқса, ҳаёт машаққатларини обдон бошдан ўтказган одам. У дўзахдан даҳшатлироқ ҳодисаларни, кунларни, шайтондан ваҳшатлироқ одамларни кўрган ва чидашга мажбур бўлган. «*Жаннатга йўл*» достонини САО образини лирик қаҳрамон тарзида берилган бўлиб, илоҳий қудрат деб баҳоланувчи ҳақ ва адолат кучи тимсолидир. Достондаги Йигит образини очишда Дуст, Дуст образини очишда Йигит образи муҳим аҳамиятга эга. Дуст «*у дунё*»да ҳам одамлар ҳақидаги ўз фикрида қатъий туради. Шу Йигитнинг олижаноб ва инсоний қиёфасидаги янги - янги қирралар намоён бўлади:

*Ўйлаб қара, тарихда бор ибрат доимо:
Не - не зотлар гар ўзлари топса ҳам тўзим.
Одамзотга кўрмаганлар ёмонлик раво.
Эзгуликнинг иўли оғир, серғалва гарчанд.
Юксакларга кўтаради соҳибин бироқ.
Майли, менинг руҳим синиқ, хаёлим парканд,
Ҳис қилурман, эзгуликнинг офтоби порлоқ.*

Йигит Дўстга етишмайдиган икки пайса савобни ўз савоблари ҳисобидан беришга қарор қилади. Дўст ҳам шу фикрда эди. Йигит ва Дўст эса ўзи жаннатга кириб, қадрлонини унинг ташқарисида қолдириб кетишни номардлик деб билади. Асарда кимса, ўспирин, қария, хур қиз образларида худди бу дунёдагидек, у дунёда ҳам изғиб юрган ифвогар, ўз манфаати йўлида бир-бири билан ит - мушукдан бешбаттар, беор жанжалкашлар, ўйламай гапирувчилар кескин танқид қилинган. Достон низоҳисада Садо жаннат эшиклари очилганидан хабар бериб, Дўстга ҳам, Йигитга ҳам жаннат ато этажagini маълум қилади.

Шоир ушбу асариди эзгуликни имкон борида ёхуд имкон борича рўёбга чиқариладиган хоҳиш эмас, амалга оширилиши зарур эҳтиёж сифатида талқин этган.

ЎТКИР ҲОШИМОВ (1941 йилда туғилган)

Ўткир Ҳошимов 1941 йил 5 августда Тошкентнинг Дўмбиробод қишлоғида ишчи оиласида туғилган. У ўрта мактабни битиргач, 1959 - 1964 йиллар мобайнида ТошДУ филология факультети журналистика бўлимида ўқиди. Ёзувчи «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқиоми» каби рўномаalarda, Гафур Ғулом нашриётида ишлаган. 1985 йилдан бери «Шарқ юлдузи» журналида Бош муҳаррир бўлиб ишлаб келмоқда. У ижодини шеър ва очерклар ёзишдан бошлаган. Ўткир Ҳошимов «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» (1991), Ойбек ва Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибидир.

50 - 80 йиллар адабиётида мактаб болаларининг умри пахтазорда ўтаётгани, заҳарли дори сепилган ғўза баргидек эрта хазон бўлаётгани, янги тушган келинчакнинг ҳаётдаги энг ширин дақиқалари оғир меҳнат гирдобида кечаётгани, қишлоқдаги, касалхонадаги, савдо соҳасидаги, олий ўқув юртиларидаги, таҳририятдаги адолатсизликлар Ўткир Ҳошимов асарларида зўр ҳаяжон ва изтироб билан қаламга олинган.

Ёзувчининг «Дунёнинг ишлари» қиссасида (**қаҳрамонлари:** ўрс боланинг ойиси - Зеби хола, сепкилла хола, она ва бошқ.) ҳикояларни она образи бириштириб туради.

«Урушнинг сўлғи қурбони» ҳикоясида эса бир оилادا содир бўлган воқеа, яъни Шоикром онасининг қотилига айланиб қолиши тасвирланган. Асарда бу оқшом кетиб, тун оққанда ишдан қайтадиган, оиласидаги иқтисодий ночорликдан кутулолмаётган, бунинг устига вақтинчалик оғирликка чидолмай, имон - эътиқодини йўқотган кимсалардан зарар кўрган, қасос туйғуси ақлидан устун келган йигит беихтиёр онасининг ҳалокатиға сабабчи бўлади.

Асар қаҳрамонлари куйидагилар: Шоикром, Хадича, Шонегмат, она.

Асарлари: «Пўлат чавандоз» (1962, биринчи китоби), «Одамлар нима деркил...», «Шамол эсаверади», «Икки карра икки беш», «Баҳор қайтмайди» (1970), «Дунёнинг ишлари» (1981) каби қиссалари, «Нур борки, соя бор» (1979, асар қаҳрамони Шерзод Тешабоевнинг касби журналисти эди), «Икки эшик ораси» (1986), «Тунда кечган умрлар» (афғон уруши мусибатлари ҳикоя қилинган) романилари, «Қатағон», «Нисон садоқати», «Тўйлар муборак» драмалари, «Урушнинг сўлғи қурбони», «Муҳаббат» ҳикоялари, «Қалбиягга қулоқ соя» (1973), «Узун кечалар» (1975), «Кўш тарозиси», «Дафтар ҳошиясидаги биткилар», «Тераклар ялроқ ёди», «Дехқоннинг бир кули», «Қовзарлар»,

«Бирояннинг ташвиши», «Сиздан уғил, биздан бугина», «Чўл ҳавоси» (1963) ва бошқ.

МУҲАММАД АЛИ (1942 йилда туғилган)

*Яна келдим, эй Тарих бобо,
Сендан яна талаб қилурман.
Ўз ҳаққимни қилмоқни даъво -
Ҳақиқатнинг йўли билурман.*

Муҳаммад Али.

Тарихий мавзудаги асарлари билан ўзбек адабиёти тараққиётига ўзига хос ҳисса қўшиб келаётган шоир Муҳаммадали Аҳмедов 1942 йилнинг 1 мартида Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманига қарашли Бепғул қишлоғида туғилди. У илк шеърини 3 - синфда ўқиб юрганида ёзган. Урта мактабни тугатгач, Муҳаммад Бекобод заводида ишчи бўлиб ишлади, тинимсиз ижод қилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан Москвадаги Жаҳон Адабиёти институтида ўқийди, ўқиниши тамомлаб Тошкентдаги Фафур Фулом нашриётида ишлайди. Шоир шеърини тарихий мавзу ётақчилик қилади, у китобхонларни тарих ёрдамида тарбиялашга, қалбларга ажодларимиздан мерос бўлиб қолган инсоний туйғуларни сингдиришга интилади. Муҳаммад Али шу кунгача жуда кўп шеърини китобини нашр эттирди. Унинг насрдаги биринчи асари эса «*Сарбадораар*» романидир.

Муҳаммад Али филология фанлари номзоди (1992), Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992) ҳамда моҳир таржимондир (Буюк ҳинд эпоси «*Рамаяна*» ни ўзбек тилига ўтирган) ва ҳок.

Асарлари: «*Машраб*» (1966, достон), «*Фазодаги ҳислар*», «*Шафақ*», «*Оталар юрти*», «*Алгон чечаклар*», «*Достонлар*», «*Ҳаёт садоси*» (1975), «*Оқ нур*» (1977), «*Ниначи ҳақида эртақ*» (1976), «*Ияхом париси*» (1980), «*Боқий дунё*» (1981, шеърини роман), «*Севсам, севилсам*» (1983), «*Соз*», «*Ўз - ўзингни англаб ет*» (1988), «*Дўстлик йўли*», «*Ошиқ бўлмай Ҳақ дийдорин кўрса бўлмас*» (1992), «*Гумбаздаги нур*» (1967, достон), «*Улуғ салтанат*» (2003), «*Абадий соғинчлар*» (2004, роман-хроника) ва бошқ.

ЗОҲИР АЪЛАМ (1943 йилда туғилган)

Зоҳир Аълам 1943 йил 23 июнда Тошкент шаҳрининг Баландрмачиг маҳалласида зиёли оиласида туғилган. Урта мактабни тугатгач, Тошкент трактор заводида ишлаб, ТошДУ нинг журналистика бўлимида кечки таҳсил олди. Адиб ўз таҳаллусини бобосининг мартабасидан олган. «Аълам» - энг билимли, шариат қонунари тўғри бажарилшини назорат этувчи олим деган маънони билдиради. Зоҳир Аълам кўпгина нашриётларда ва бошқа жойларда фаолият юритди, ижод билан шуғулланди. У таржимон сифатида болгар адиби Павель Васильевнинг «*Тўсиқ*», «*Уламлар*» каби киссаларини, рус шоири Сергей Залгинининг «*Комиссия*» романини ўзбек тилига ўтирган.

Китоблари: «*Бахтли билет*» (1972, илк ҳикоялар китоби), «*Муҳаддима*» (1978), «*БАМ манзаралари*» (1978), «*Кийик кўзи*» (1981) ҳикоялар тўплами, «*Ота ўятлари*» (1985, ҳужжатли қисса), «*Зарб*» (1987), «*Сой*» (1967), «*Афандининг қирқ бир пайшаси*» (1988, пьеса) ва бошқ.

ОМОН МАТЖОН (1943 йилда туғилган)

*Мен шеър ёзсам,
Энди уни қоғозга эмас,
Анов ял-ял ёнаётган ўтга ёзаман.*
Омон Матжон.

Шеърининг турли жанрлари ва услубий йўналишларида муваффақият билан ижод қилаётган, туйғуларининг самимийлиги, тилининг ширадорлиги, ифодасининг таъсирчанлиги билан ажралиб турадиган шоир Омон Матжон

1943 йили Хоразмнинг Кўҳна Гурлан туманида туғилган. Ўрта мактабни битириб, монтерлик қилади, армия сафида бўлади, Самарқанд Дорилфунунида тахсил олади. 1969 йилда ўқишни тамомлаб, Ғафур Ғулом нашриётида бўлим бошлиғи, «Ешлик» ойномасида бош муҳаррир ва бошқа лавозимларда ишлаб келмоқда. Омон Матжон 1993 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлган.

Китоблари ва шеърлари: «Очиқ деразалар» (1970), «Карвон кўнгириғи» (1973), «Кўём совати» (1974), «Енаётган дарахт» (1977), «Драдор чақмоқ» (1979), «Халқим қичқирғи» (1979), «Сени яхши кўраман» (1981), «Дарахтлар ва гўёлар» (1984), «Галламадиган вақтлар» (1986), «Минг бир ёғду» (1989), «Ўртамизда биренга олма» (1990), «Кўш йўли» (1993), «Йўлмоғ ёғдуси» (1994), «Сайланма» (1997), «Ардиҳива» (2001) каби китоблари, «Паҳлавон Маҳмуд», «Беруний» драмалари, «Чўладагилар» дoston - хроникаси, «Аму», «Она деган сўз», «Сирларим», «Турналар», «Уя учинчи эшик» (Беруний фаолияти таърифланган), «Кўрдим: Шукур Бурҳон...», «Кўшик», «Қайси йил кўкламда - Жайхун бўйида», «Энг сўзгги хазина» каби шеърлари ва бошқ.

РАУФ ПАРФИ

(1943 - 2005)

Майлига ҳайқирай иймоним ҳаққи,
Кўкларга ёлбориб солаин уввос,
Мен фақат Туркистон аталган ёрқин
Бир бутун юртимни иштаман, холос.

Рауф Парфи.

Рауф Парфи (тахаллуси - Ўзтурк) 1943 йил 27 сентябрда Тошкент вилоятининг Янгийўл туманига қарашли Шуралисой қишлоғида туғилган. Отаси Парфи Муҳаммадамин саводли бўлиб, Фарғонанинг Водил қишлоғидан шуўролар кўвғини тўғайли Шуралисойга келиб қолган. Онаси - Сақинахоним Исабек қизи ҳам асли Фарғонадан эди. Рауф 1958 йилда 8 - синфни тугатгач, ўқишни Янги йўл шаҳридаги кечки мактабда давом эттиради, меҳнат фаолиятини бошлайди. Шоир 1960 - 1965 йилларда ТошДУ нинг филология факультетини тамомлаган (диплом ололмаган). Рауф Парфи газеталарда, Кинематография давлат кўмитасида, Ғафур Ғулом нашриётида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, шу уюшмадаги Тарғибот марказида, «Жаҳон адабиёти» журналида (1997 - 1999) ишлади. Рауф Парфи «Ўзбекистон халқ шоири» дир (1999). У 1992 йилда халқаро Маҳмуд Қошғарий совринига сазовор бўлган.

Рауф Парфи Байроннинг «Манфред», Нозим Ҳикматнинг «Инсон манзаралари», Маҳмуд Ҳодийнинг «Озодлик лавҳалари» («Алвоҳи интибоҳ»), Карло Каладзенинг «Денгиз ҳаёли», А. Дюманнинг «Уч сарбоз» ва бошқа асарларни ўзбек тилига ўтирган.

Асарлари: «Карвон йўли» (1969, биринчи шеърли китоби), «Акс - садо» (1970), «Тасвир» (1973), «Хотирот» (1974), «Кўзлар» (1976), «Қайтиш» (1981), «Сабр дарахти» (1986), «Сукунат» (1989), «Тавба» (2000) каби тўпламлари, «Сукунат» (1991), «Адашган руҳ» дostonи, «Ҳижрат», «Мен ёлғизман», «Пағалага оппоқ қор ёғар», «Она Туркистон» (1992), «Туркистон руҳи» (1993), «Сайланма» (1993), «Тонг отмоқда», «Шоир», «Хато қлдим», «Чўлом», «Ёмғир ёғар» (бунда ёмғир илҳомнинг рамзи) каби шеърлари, «Абдуллажон» марсияси ва бошқ.

ТОҲИР МАЛИК

(1946 йилда туғилган)

Ўзбек фантастик адабиёти тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатаётган ижодкорлардан бири Тоҳир Малик 1946 йил 27 декабрда Тошкентда зиёли оиласида туғилган. Таниқли ўзбек адаби ва таржимони Мирзақалон Исмоилий Тоҳир Маликнинг тоғасидир. Ўрта мактабни тугатгач, кундузлари қурилишда ишлайди, кечқурунлари ТошДУ нинг журналистика факультетида ўқийди. У мактабларда ўқитувчилик қилди, нашриётларда, рўзнома ва ойномаларда, радио -

телевидение кўмитасида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлади. Ёзувчи кўпгина фантастик, илмий - фантастик ва саргузап йўналишида ёзди.

Асарлари: «*Ҳикмат афандининг ўлми*» (1971, *биринчи асари*), «*Заҳрият губор*» (1978), «*Сомон йўли элчилари*» (1979), «*Чоррахда қолган одамлар*» (1985), «*Қалдиғоч*» (1987), «*Бир кўча, бир кеча*» (1988), «*Авлодо, болалик*» (1989), «*Сўнги ўқ*» (1990), «*Чархалак*», «*Шайтанат*», «*Мурдалар гайримайдилар*», «*Фалак*» (*Али Қушчи* «*Батлимуси Даврон*» деб таърифланган) ва бошқ.

АЗИМ СУЮН (1948 йилда туғилган)

Азим Суюн 1948 йил 22 февралда Самарқанд вилоятидаги Накурт қишлоғида туғилган. Болалиги Нурота тизма тоғларининг қўнида ўтди. Отаси чўпон бўлган. Унинг биринчи шеъри 15 ёшида чоп этилган. Азим Суюн ТошДУнинг журналистика факультетини тугатгач, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида меҳнат фаолиятини бошлаб, Ўзбекистон Матбуот Давлат Кўмитасида, Республика Ёзувчилар уюшмасида, «*Халқ сўзи*», «*Ўзбекистон овози*» ва «*Голос Узбекистана*» газеталарида фаолият юритди. Азим Суюннинг биринчи шеърий тўплами «*Менинг осмоним*» (1978) номи билан нашр этилган. У 1992 йилда Туркияда ўтган «Туркий улуслар адабиётида туркий тил» анжуманида Туркия Ёзувчилар бирлигининг мукофоти билан тақдирланган, бутунжаҳон шоирлар Конгресси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Маданият ходимидир.

Китоблари ва шеърлари: «*Зарб*» (1979), «*Замин тақдир*» (1981), «*Хаёлот*» (1984), «*Зиё йўли*» (1986), «*Жавзо*» (1987), «*Олис тоғлар*» (1989), «*Куйганим - суйганим*» (1992), «*Қаро кўнж сепки*» (1994), «*Сайланма*» (1997) каби китоблари, «*Сарбадорлар*» фожiasi (1994), «*Узлик*» (1999), «*Шарқ ҳикмати*» (2000), «*Ўзбекиюрт*» (2005), «*Эй дўст*» (2005), «*Ўзбекистон*», «*Бир томчи сув денгизга айланган кеча ёки илорат*» каби дostonлари, «*Баҳодирнинг қилчи*», «*Оқ ва қора*», «*Тутқун*», «*Баҳодирсиз келар аргумок*», «*Дашт тўрғайи*», «*Дарада*» каби шеърлари ва бошқ.

28 - МАВЗУ. XX АСР АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА (1947 йилда туғилган)

Эҳтиросли шоира Ҳалима Худойбердиева 1947 йил 17 майда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида туғилган. Отаси - Умнатқул Худойберди ўгли боғбон эди. Онаси - Шарофат Хонназар қизи бўлажак шоира 2 ёшлигида вафот этади, шундан сўнг унга ҳоласи Қаршигул Хонназар қизи оналик қилади. Ўрта мактабни тугатиб, 1968 - 1972 йилларда ТошДУнинг журналистика факультетида, 1975 - 1977 йилларда Москвадаги Горкий номидаги Жаҳон адабиёти институтининг Олий курсларида ўқиган, 1985 йилдан бошлаб салкам 10 йил мобайнида «Саодат» ойномасининг бош муҳаррири лавозимида ишлади, «Ёш гвардия» нашриётида ва бошқа кўпгина жойларда фаолият юритди. Ақром Каримназаров ва Зулфияни ўз устозлари деб билиди. 1990 йилда шоирага «Муқаддас аёл» тўплами учун Ҳамза номидаги Давлат мукофоти, 1991 йилда эса «Ўзбекистон халқ шоираси» унвони берилди.

Шоиранинг шеърлари қатор хорижий тилларга таржима қилинган. Унинг русчага таржима этилган шеърлари «*Гордость*» (1976), «*Белое яблоко*» (1979), «*Решимость*» (1985) номи тўпламлари Москва ва Тошкентда босилди. Ҳалима Худойбердиева қирғиз, тожик, рус, япон, татар шоирлари ва драматургларининг бир қанча асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Атоқли шоира Зулфия сўзлари билан айтганда, Ҳалима Худойбердиева «*Туйғун уйлар, тоққил ҳислар куйчиси*» дир. Ҳозирги вақтда шоира «Санам» журналинда бош муҳаррир ўринбосари лавозимида фаолият юритмоқда.

Китоблари ва шеърлари: *«Илк муҳаббат»* (1969, биринчи тўплами), *«Оқ олма»*, *«Чаман»*, *«Суняч тоғларим»* (1991), *«Бобо кўш»*, *«Иссиқ қор»*, *«Сабоқат»*, *«Хураж ўт»*, *«Бу кўларга етганлар бор»*, *«Тумариснинг айтгани»*, *«Туркстон ораси»*, *«Юрагимнинг оғриқ кўкчалари»*, *«Сайрам бахши айтимлари»*, *«Ҳиндикушдан нола келди»*, *«Бегим, сизни табиат...»*, *«Дорломон кўлар келди...»*, *«Шунчаки»*, *«Илмис»* (достон) ва бошқ.

ТОҒАЙ МУРОД

(1948 - 2003)

Тоғай Мурод (Менгноров) ўзбек миллий адабиётининг ноёб вакилидир. У 1948 йили Сурхондарё вилоятининг Денов тумани, Хужасоат қишлоғида туғилган. 1966 йилда 13-ўрта мактабни тугатиб, шу йили ТошДунинг журналистика факультетига ўқишга кирган. 1972 йилда Тоғай Мурод ўқишни тамомлаб, республика радиосида ишлай бошлаган. У 1973 - 1974 йилларда армия сафида хизмат қилди, 1976 йилдан бошлаб «Ўзбекистон физкультурчиси» газетасида, 1982 йилдан «Фан ва турмуш» журналыда хизмат қилди. 1985 - 1987 йилларда Москвадаги Жаҳон адабиёти институтида ўқиб келди. Тоғай Мурод ўз ижодини «Юлдузлар ману ёнади» (1976) қиссаси билан бошлаган бўлиб, унинг биринчи романи «Оталдан қолган далалар» (1993) асаридир. Бу асар ҳақида муаллиф *«Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!»* деган. Бу асар рамзий бўлиб, унда бутун умр кетмон чопиб, мустамлака юртда қосаси оқармай келган ўзбек халқи сиймоси Деҳқонқул образи тимсолида тасвир этилади. Ижодкор истеъдодли таржимон ҳамдир. У 1974 - 1975 йилларда Жек Лондоннинг *«Бойнинг қизи»* драмасини ва кўпгина ҳикояларини, 1989 йили Э.Сетон - Томпсоннинг *«Ёввойи йўрға»* китобини ўзбек тилига таржима қилган.

Асарлари: *«Ойдинда юрган одамлар»* (1980), *«Момо ер кўшиги»* (1985), *«От кишнаган оқтом»* қиссалари, *«Бу дунёда ўлиб бўлмайди»* ва бошқ.

МУРОД МУҲАММАД ДУСТ

(1948 йилда туғилган)

М. М. Дўст 1948 йилда Самарқанднинг Жом қишлоғида туғилган. У ТошДУ ни тугатгач, Москвада Адабиёт институтида таҳсил олади. Сўнгра «Ўзбекфильм» киностудиясида, «Шарқ юлдузи» ойномасида фаолият кўрсатади. Унинг ижоди 70 - йилларда ҳикоялар ёзишдан бошланган.

Асарлари: *«Қайдасан, қувонч садоси»* (1976, илк ҳикоялар тўплами), *«Мустафо»*, *«Истеъфо»*, *«Дашту далаларда»*, *«Галатепа қиссалари»*, *«Чоллардан бири»*, *«Бир тойчоқнинг кун»*, *«Галатепага қайтим»* (1983), *«Лолазор»* (1988) ва бошқ.

«Лолазор» асаридаги (қаҳрамонлари: Яхшибой чўпоннинг ўғли Назар, Калонқул буюқчининг ўғли Хорун, Ошно, Мухсина хоним, Қурбоной, Аввалбек, «оламини булдуруқча бостириши» ни хомхаёл қилиб юрган саводсиз Хотам Шуро) воқеликни табиатга қараб гоҳ Назар Яхшибоев ўйлари тарзида, гоҳ ҳалол ёзувчи Саидқул Мардон кундаликлари шаклида ўқиймиз.

ШАВКАТ РАҲМОН

(1950 - 1996)

XX аср ўзбек шеърятининг ўзига хос вакили, миллатпарвар шоир Шавкат Раҳмон 1950 йил 12 сентябрда Ўш шаҳрида туғилган. Отаси Раҳмонберди ва онаси Офтобхон асли Шахрихонлик эдилар. 1966 йил ўрта мактабни битиргач, икки йил кетма - кет ТошДУ нинг филология факультетига ўқишга ҳужжат топширади, лекин танловдан ўта олмади. Матбуотда Москвадаги Адабиёт институтига танлов эълон қилинган, ўз шеърларини юборди ва танловдан ўтди. У ерда тенгдошлари Ҳалима Худойбердиева, Мурод Муҳаммад Дўст, Собит Мадалиев қаби адиблар билан ёнма - ён сабоқ олади. 1975 йилда ўқишни тугатиб, Топшкентга келади ва бир қатор нашриётларда муҳаррирлик қилади. Шавкат Раҳмон 1996 йил 2 октябрда узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этди.

1996 йилда шоирга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилди, вафотидан сўнг «Сайланма» си (1997) нашр қилинди.

Асарлари: «*Рангил лажалар*» (1978), «*Юрак қирралари*» (1981), «*Очкўз қулар*» (1984), «*Гулаётган Фотима*» (1985), «*Уйғоқ тоғлар*» (1986), «*Хулоо*» (1987) каби шеърлий китоблари, *Теодорико Герста Лорка шеърлари таржумалари* ва бошқ.

УСМОН АЗИМ

(1950 йилда туғилган)

Усмон Азим - ҳозирги ўзбек шеърлигининг энг ёрқин намоёндаларидан бири. У Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида туғилган. Усмон Азимов нафақат шоир, балки «*Жоду*» ҳикоялар тўплами, «*Кундузсиз кечалар*», «*Бир қадам йўл*», «*Алломишнинг қайтиши*» сингари пьесалар, «*Сева*», «*Алломиш*» каби кинофильмлар сценарийларининг ҳам муаллифи сифатида машҳурдир.

Асарлари: «*Иисонки тумани*» (1978, биринчи тўплами), «*Давлат*» (1979), «*Оқибат*» (1980), «*Отражение*» (1983), «*Дарс*» (1987), «*2 апрель*» (1988), «*Бахтиёла*» (1988), «*Уйғоғиш азоби*» (1991) каби шеърлий тўпламлари ва бошқ.

ШАРОФ БОШБЕКОВ

(1951 йилда туғилган)

«*Ҳар бир ёшучининг қандайдир ўзигагина хос жиҳати бўлади. Кимдир сюжет топишга уста, кимдир ноёб характерлар яратишга моҳир, бошқалари асар воқеаларини зарарона теринда тенги йўқ. Менинг энг яхши кўрган қуролим - юмор*».

Шароф Бошбеков, 1991 й.

Шароф Бошбеков 1951 йилда Самарқандда туғилган. У адабиётга 70 - йилларнинг ўрталарида кириб келди. Алиб адабиётнинг мураккаб жанрларидан бўлган драматургияда ижод қилади. Шароф Бошбековга 1990 йилда Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилди. Шароф Бошбеков «*Қасосли дунё*» қисқа метражли фильм ва «*Чархпалак*» телесериалининг сценарийсини ҳам ёзган.

Асарлари: «*Г*» варианты» ҳикояси (1981), «*Жумбоқ*» ҳажвияси (1986), «*Фурур*» ҳажвий ҳикояси (1982), «*Тушов узган тулдорлар*» (1983), «*Эшик қоққан ким бўлди?*» (1987) каби комедиялар, «*Эски шахар гавроллари*» (1988), «*Темир хотин*» (1989) каби жиддий комедиялар, «*Тақдир эшиги*», «*Тақасиз типратиканлар*», «*Чароғбонлар*» каби пьесалар ва бошқ.

ХУРШИД ДАВРОН

(1952 йилда туғилган)

Шоир 1952 йил 20 январ куни Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги Чордара қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. 1977 йилда Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетини тугатган бўлиб, ҳозирги кунгача «*Камалак*» нашриётида хизмат қилади. Унинг илк шеърлари 1976 - 77 йиллардан бошлаб чоп этила бошлаган. Катта адабиётга кириб келиши устоз шоир Эркин Воҳидов оқ йўли билан бошланади. 1979 йили биринчи ва иккинчи китоблари: «*Қадрдон қўш*», «*Шаҳардаги олма дарахти*» босилиб чиқади.

Китоблари ва шеърлари: «*Тунги боғлар*» (1981), «*Учиб бораман қулар билан*» (1983), «*Тумариснинг кўзлари*» (1984), «*Болалиқнинг овози*» (1986), «*Қақкус*» (1987), «*Поёт одимоккой птицы*» (1989) каби шеърлий тўпламлари, «*Самарқанд халли*» (1991), «*Соҳибқирон набариси*», «*Шаҳидлар шаҳи*» каби тарихий қиссалари, «*Мирзо Улугбек*», «*Бобуршоҳ*», «*Аврамхоб*» сингари пьесалари, «*Ватан ҳақида етти равоят*» туркуми, «*Бир нарча ер*», «*Подаркуш*» шеър ва бошқ.

Шоирнинг «*Подаркуш*» шеъри қуйидаги мисралар билан бошланади:

*Самарқанд шахрининг бир чеккасида
Қабр бор - одамлар юз буриб ўтар.
Унда Абдулатиф ётар, дейдилар,
Дейдилар: «Бу ерда падаркуш ётар».*

МУҲАММАД ЮСУФ (1954 - 2001)

Муҳаммад Юсуф 1954 йил 26 апрелда Андижон вилоятининг Марҳамат гуманидаги Қовунчи қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугатган. Республика Рус тили ва адабиёти институтида ўқиб, уни 1978 йилда битирган. Шоир 1978 - 1980 йилларда Китобсеварлар республика жамиятида, 1980 - 1986 йилларда «Тошкент оқшоми» газетасида, 1986 - 1992 йилларда Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, 1992 - 1995 йилларда «Ўзбекистон овози» газетасида, Ўзбекистон Ахборот агентлигида ишлади, 1995 - 1996 йилларда Давлат ва жамият қурилиш академиясида ўқиди. 1997 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси раиси ўринбосари лавозимида ишлади. М. Юсуф Ўзбекистондаги энг ёш халқ шоири (1998) ҳисобланади. Унинг дастлабки шеърлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўномасида 1976 йилда чоп этилган эди. Бевақт ўлим шоирни орамыздан олиб кетди.

Китоблари ва шеърлари: «Таниш тераклар» (1985, биринчи тўплами), «Булбулга бир гапим бор» (1987), «Илтижо» (1988), «Ўйкудаг қиз» (1989), «Халқим энам аалларим» (1989), «Ишқ кemasи» (1990), «Кўнглимда бир ёр» (1990), «Бевафо кўп экан» (1991), «Эрка кийик» (1992), «Осмонимга олаб кетаман», «Кумуш», «Коклигини ким кесди», «Алдо», «Туркман қизи», «Юр, Муҳаммад, кетди бу ердан», «Ёлғончи ёр», «Қора кўёш» (достон) ва бошқ.

Муҳаммад Юсуф «Мен ўз билганимдан қолмадим» шеърисида шеър ва шоирликни шундай аниқлайди:

*Кувроқ бўл дейишди. Ёлғон ҳам керак,
Жиндак хушомад ҳам, қулоқ солмадим.
Оқни оппоқ кўрдим, қорани - қора -
Мен ўз билганимдан қолмадим*

МИРЗО КЕНЖАБЕК (1956 йилда туғилган)

*На ижод, на доврўк - истак-нажотим,
Дилларни поклайин ноҳақ шубҳадан:
Буткул сабил қолсин менинг ижодим,
Фақат озод бўлсин шу халқ, шу Ватан!..*

М. Кенжабек.

Мирзо Кенжабек 1956 йил 20 февралда Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманидаги «Меҳнат» қишлоғида оддий меҳнаткаш оиласида туғилган. У 1963 - 1973 йилларда ўрта мактабда, 1974 - 1979 йилларда ТошДУнинг журналистика факультетида ўқиган. Шоир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, Президент девонида маъсул лавозимларда ишлаган.

Мирзо Кенжабек таржимон сифатида Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърини романини, Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул - авлиё» китобини (1997) ва яна бир қатор исломий асарларни ўзбек тилига ўтирган.

Китоблари: «Адамган мактублар» (1982, биринчи шеърлар тўплами), «Кўёшга қараган уй» (1983), «Муншаот» (1986), «Шарқ тили» (1988), «Баҳорам еллари» (1991), «Муҳаббатнинг бўлак хатарли», «Ҳасрат китоби», «Хайрламу», «Қурултой потиқларига», «Ҳақиқат» ва бошқ.

ХАЙРИДДИН СУЛТОНОВ (1956 йилда туғилган)

Адиб 1956 йил 18 январда Тошкент вилояти Қибрай тумани, Тузил қишлоғида оддий меҳнаткаш оилада дунёга келган. 1963 - 1973 йилларда Паркент қишлоғидаги 42 - ўрта мактабда, 1973 - 1978 йилларда ТошДУнинг журналистика факультетида ўқиган. Хайридин Султонов аввал «Гулистон», «Ёшлик» каби ойномаларда ишлаган, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида хизмат қилган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида хизмат қилмоқда.

Алиб «*Чангак*», «*Мозийдан бир саҳифа*» каби видеофильмлар ҳамда «*Тушларимда кўриб йиғлайман*» каби бадиий фильмнинг сценарий муаллифи ҳамдир. Хайриддин Султонов моҳир таржимон бўлиб, А. Сент-Экзюпери, Ю. Нагибин, С. Алексеев, В. Шукшин кабиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Асарлари: «*Саодат соҳили*», «*Ўзинг ёлғиз ёдори*», «*Ажойиб кунларнинг бириси*» каби қиссалари, «*Кўём барчага баробар*» (1980), «*Бир оқимом эртаги*» (1983), «*Опаланинг юрти*» (1987), «*Умр эса ўтмоқда*» (1988), «*Бобурнинг тушлари*» (1992), «*Бобурайнома*», «*Кўнгал озодадир*», «*Ғуломгардиш*» ва бошқ.

«*Саодат соҳили*» қиссаси ҳақида

Бу қиссада тасвирланган воқеалар 1530 йилда - Бобур ўлимидан бир неча ой олдин Агра шаҳрида бобурийлар саройида бўлиб ўтади. Тонкенилик олим Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий (тахаллуси - Ҳофиз Кўйкий) бир қатор Шарқ мамлакатларини айланиб, Бобур саройидаги бой кутубхона ва мўътаза қилиш мақсадида януб-уқубатлар билан Агра шаҳрига етиб келган Шогирди Биноқул йўлда ҳалок бўлади. Бобур Ҳофиз Кўйкийни очик кўнгли билан кутиб олади ва Боғи Нурафшон деб атамиш боғнинг кунчиқар томонидаги хос хужралардан бирини жойлаштиради. «*Эҳ, саатанат Не бўлди Оллоҳдан! Шу саатанат миннати умр бўни оётигма киман бўлди, муродимга юл*» - дейди Бобур. У «*Англадимки, бу улкан дарнинг ёлғиз жисмларини бўйсундир олур жанман, руҳларини шогирд титирчакка ҳариз қудратим етмас экан*» - деган ҳулосага келади. Ҳофиз Кўйкий саодат соҳили ҳақидаги фикри билан Бобурнинг ватандан ироқ, шик дарсини янгилайди. Бобур «*шоҳлик миннатидан ҳолос бўш*», ватанга қаламлар бўлиб қайтишни орзу қилади. Лекин бу орзу ушаймайди.

СИРОЖИДДИН САЙИД (1958 йилда туғилган)

Сирожиддин Сайид 1958 йилда Сурхондарё вилоятинини Сароисиё туманида жойлашган Қундажуво қишлоғида туғилган. «*Орзу*» деб номланган биринчи шеърлар китоби 1975 йилда нашр этилган. Шоир бармоқ вазида ҳам, аруда ҳам баравар маҳорат билан қалам тегаради. Унинг ўзига хос истеъодига лириканинг халқона йўллари ҳам, фалсафий тўқинлари ҳам, ҳажвий ирмоқлари ҳам гоят яқиндир.

«*Ватанни ўрганиш*» шеърдан парча:

*Мен кўксимда қумдай ёнган
Ёдларни видео айтаман.
Ёмғирларингда кетаман,
Ватан, Ватан, Ватан, Ватан.*

*Қанча ғамга мақбар дилим,
Мақбар кўрсам қаққар дилим
Ёнғин бўлур жон ила тан
Ватан, Ватан, Ватан, Ватан*

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ АДАБИЁТИ

ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН

80 - йилларнинг ўрталарида Шўро давлатида кескин сиёсий ўзгаришлар юзига келди. Ўзбек адабиётида ўнлаб ижодкорлар мероси қайта нашр этилди. Илмий-эстетик таҳлилга тортилди. 80 - 90 - йиллар оралиғида А. Ориповнинг «*Рапсодом*», Омон Матжоннинг «*Кун айди*», «*Нега мен?*», У. Азимнинг «*Оқпадар*», М. Юсуфнинг «*Қора кўём*», И. Отамуродовнинг «*Узоқлашаётган оғриқ*», М. Муродовнинг «*Чақмоқ изидан*», Э. Шукрунинг «*Ибтидо хатоси*» каби ўнлаб достонлар, Абдуқоҳҳор Иброҳимовнинг «*Пуч*», Шукруллонинг «*Унсиз фарёд*», Ҳамид Ғулومнинг «*Бир миллион фожиаси*», Ҳайдар Муҳаммаднинг «*Хотинлар «апи» дан чиққан ҳангома*» каби драма ва комедиялари чоп этилди.

Тарихий мавзуда ҳам бир қатор янги асарлар ёзилди. Туроб Тўланнинг «*Нодирабегим*», Салоҳиддин Сирожиддиновнинг «*Тумарис*», Шукур Холмировнинг «*Қора камар*», Шўхрат Ризаевнинг Навойининг «*Садди*

Искандарий» дostonи асосида яратган **«Искандар»** нъсгалари шулар жумласидандир.

Ҳозирги давр адабий жараёнида куйидаги ижодкорлар муҳим ўрин тутали:

ШЕЪРИЯТДА: *А. Орипов, Э. Воҳидов, Р. Парфи, О. Матжон, У. Азимов, М. Кенжабек, И. Отамуродов, Э. Шукур, А. Қутбиддин* ва бошқ.

Аввал Кутбиддиннинг «Изоҳсиз луғат» номли дostonи ўзбек адабиётида жиддий ҳодиса бўлган асардир. **«Изоҳсиз луғат»** дostonи ўзида ижтимоий ва шахсий руҳий кайфиятни яхлит, табиий синтез шаклида акс эттира олгани билан айниқса қўнматлидир. Бунга шоир қандай эриша олган? Бу саволга энг тўғри жавоб ҳам асарнинг ўзида бор:

Эртадан кечгача тоатим-ибодатим сўзга,

Итоат кўнилга, муҳаббатим гулга.

Ҳаёлим фариштадай Кибриё авжлари сари бошлайди

А. Қутбиддиннинг ушбу асари 80 - 90 - йиллар адабиётида анъанавий дostonчилик намуналаридан барча жиҳатлари билан фарқ қиладиган, зоҳирий воқеалар тизими сюжет чизигини ташкил қилмай, балки шоир тафаккури ва ҳис - туйғулари алмашувидан пайдо бўладиган руҳоний яхлитлик кузатиладиган асардир.

Наврда: *А. Мухтор («Чодирхаёл»*, унда миллий ва маънавий манқуртлик ҳолати тупроқ ва кум остида қолиб кетган ўрадаги одамлар руҳияти орқали ифодаланган), *Ш. Холмирзаев («Кук денгиз»*), *Х. Султонов («Ғуломгардин»*, *«Кўнма озодадир»*), *Э. Аззамов («Богболалик Кўкалдош»*, *«Жавоб»*), *Х. Дўстмуҳаммад («Жажма»*, унда эрксизлик ва иқтисодий-маънавий талов тарихи бозорда пайдо бўлган еб-ташиб тўймас номтавлум маҳлуқ - *Жажманга оломнинг муносабати шаклида қайта яратилган, «Оромкурси»* (бу асардаги образлар рамзийликка эга. Асар қахрамони сирли ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан «келажаги порлоқлар» руҳиятига киритилган, агар қўйилган талабларга сўзсиз бўйсунса, давлат бошқарув поғоналари бўйлаб жуда тез ўсуви режалаштирилган аспирант йиғити Қўкдам Тонғотаровдир. Қиссда оромкурси рамзи фақат амал-этибор тимсоли бўлибгина қолмай, балки наслга аралаша бошлаган инсон эрксизлиги, маънавий - руҳий куллиги, қиёфасизлигининг яхлит тимсоли этиб гавдалантирилган)), *Н. Отахонов («Оқ бити оқтомлар»*), *О. Отахонов («Учинчи қаватдаги сарғк дераза»*, бу ҳикояга Рембонинг «У сарсон изларди ўзини ўзи» деган мисраси эпиграф қилиб олинган), *Н. Эшонқулов («Маймун етаклаган одам»*, *«Куюн»*, *«Тобут»*, *«Хароба шаҳар суварати»* сингари ҳикоялари), *Ш. Хамрое («Суратдаги аёл»*), *Т. Мурод («От китмиган оқтом»*, *«Отамдан қолган далалар»*), *М. М. Дўст («Истеғфоз»*, *«Лолазор»*, унда «оламни булдуруққа бостириш»ни хомхаёл қилиб юрган саводсиз Хотам Шўро, Ошино, Мўхсина хоним, Қурбоний, Аввалбек каби образлар берилган. Асардаги Ошинода юз берадиган қиёфа эволюцияси, Мўхсина хонимдаги турмушда ҳам худди сахнадагидек қиёмига етган ижрочилик маҳорати, «мен бир оддий ўзбек қизи» деб бошланувчи оммавий хўрликни тутидай тақдорлашга ўргатилган Қурбонийнинг аввал пистафурушликдан мамлакатга донғи кетган машвалга айлантирилиши-ю. сўйб шираси тамом қилингач бевақт, жимгина (бирок ниҳоятда фожияли тарзда!) ҳаёт шамининг сундирилиши, дурагай пушт, дурагай руҳ ва кайфият кишиси бўлган Аввалбек характерларининг тақдим этилиши катта янгиликдир) ва бошқ.

Замонавий романчилигимизнинг энг жиддий ютуқлари, шубҳасиз, Мурод Мухаммад Дўстининг **«Лолазор»** ва Тоғай Муроднинг **«Отамдан қолган далалар»** асарларидир.

Драматургияда: *А. Иброҳимов, Шукуралло, Ҳ. Ғулом, С. Сирожиддинов, Ш. Холмирзаев, Шуҳрат Ризаев* ва бошқ.

Умуман, ўзбек адабиёти ҳозирги кунда услуб жиҳатдан ранг- баранг бўлиб, катта ютуқларга эришмоқда.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

29 - МАВЗУ. ЖАҲОН АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

АЛИ БОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ ҲАМДА КАНИЗ МАРЖОНА ҲАҚИДА МУФАССАЛ ҲИКОЯТ («Минг бир кеча» туркумидаги эртаклардан)

Шарқ халқларининг истиснодиди, ақл - заковати билан яратилган «Минг бир кеча» туркумига кирувчи «Али бобо ва қирқ қароқчи...» эртакни катталар ҳам, кичиклар ҳам севиб ўқийди. «Минг бир кеча» туркумидаги эртакларнинг асосини VIII асрда эроний халқлар орасида кенг тарқалган «Минг афсона», «Хазор афсона» туркумидаги эртаклар ташкил этган. Кейинчалик бу асарлар форс-тожик тилидан араб тилига таржима қилинган ва Шарку Фарбда кенг тарқала бошлаган. Бағдодлик адиб *ал - Йсфериъ* (942 йилда вафот этган) «Минг афсона» намуналарини асосида ўзининг «Минг кеча» номли туркум эртакларини яратишга киришган. У эртаклар сонини мингтага етказишга интилган, бироқ бор - йўғи 480 та эртакни жамлай олган. «Минг бир кеча» туркуми фақат XVII асрга келиб ҳозирги кўринишда шаклланган ва тугалланган асар сифатида кенг тарқала бошлаган.

«Минг бир кеча» да Шахриёда томонидан айтилган эртаклар ўз мазмуни, қахрамон ва персонажлари силсиласи, тасвир услуби нуқтаи назаридан фарқ этса-да, қолипловчи ҳикоя тарзида битилган, ягона мақсадга буйсундирилган. Жумладан, унда *ҳинд Силдбод*, *туркий Али бобо*, *эроний Шахриёда*, *Шоҳрамон*, *Баҳром*, *Рустам*, *Ардушер*, *Шоҳур*, *араб халифа Хорун ар-Рашид*, *вазир Жаъфар*, «*бир соатлик халифа*» *Абуҳасан* ва ҳоказо халқларга мансуб эртак қахрамонларининг саргузаштлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. «Али бобо ва қирқ қароқчи...» эртакда Али бобо холадон аъзоларининг тақдирини, уларнинг қароқчилар кирдикорларига қарши олиб борган курашига тегишли воқеа-ҳодисалар гоёғат қизиқарли йўсинда тасвир этилади. Ўз фазилатларига кўра Маржона эртакдаги энг жозибали ва ибратли образларини таъмирлар.

«Али бобо ва қирқ қароқчи...» эртакини ўзбек тилига Абдулла Қаҳҳор меҳр-муҳаббат билан ўғирган. Эртакдаги тилсиз номин «Сезам»дир. Қуйидаги сўзлар ҳам шу эртакдан олинган: «*Пул нишонга тегадиган ўқ ва сўзи ўтқир далол*» - деган экан машойихлар». ...«*Сирни сақламоқ авлиёлар хислатидир*».

Эртак қахрамонлари: *Али бобо* («*Бирон дирҳами, бирон диторини, уй-жой ва мулки бўлмаган фақир бир аёлга уйланган, отасидан қолган меросини қисқа муддат ичунда сарф қилиб булган, шундан кейин муҳтожлик ва қаштоқлик митмаҳкамини тортган, тирикчилик қилгани чора тоналмай гаранг бўлиб қолган*» қахрамон), *Қосим* (очкўзликдан ҳалок бўлади, у хазинани ўмарини учун 10 та этак ни ҳар бир шаққа икитадан бўли сандиқ осиб борган. Қосимнинг жасади ғассаларга кўрсатишмай дафн қилинган), *Қосимнинг хотини* (Али бобонинг топиб олган бойлигига дастлаб унинг жасади келади), *Чўри қиз Маржона* (Қосимнинг чўриси, қароқчилар сардорини рақс пайтида пичоқ уриб ўлдирган. У эртакдаги энг фаол қахрамон. Эртакда тасвирланишича, у «*Шоҳрона хамхобдан нимча кийиб олган ва ўзига оро берган, турли қимматбахо тошлар билан зийнат берилган олтин қимар бемини қисиб турар эди. Унинг бошида имжу билан зийнатланган дурра, бўйиндаги зумрад, ёқут, забаржад ва маржон аюрдек кўҳрақларига тушиб турар, бу зийнатлар ўзига ниҳоятда ярашган, чехраси баҳорнинг илк табассумига ўхшар эди*», «*Бу жония бемазир, унинг ухшашини йўқ, ҳар штага моҳир, хизматга қомил, барча санъатдан хабардор, латофат, зарофат ва фаросат мислисиздир...*»), *қароқчилар сардори*, *Фидойи қароқчи* (шаҳарга савдога қиёфасида келган биринчи қароқчи), *Аҳмадулғабдон* (шаҳарга келган иккинчи қароқчи), *Шийх*

Мустафо (тўрт пора қилиб ташланган Қосимнинг жасадини бутлаб берган, «анча ёшга борган, урта бўйли, хумкалла, соқал-мўйлови узун қаушидўз»), Нилчи (табиб), Муҳаммад (Али бобонинг ўғли, эртақ охирида Маржонани никоҳига олган. Қароқчилар маҳб этилгач, Алибобо хазинага ўғли Муҳаммад билан билан боради) ва бошқ.

СОФОКЛ

(милоддан аввалги 496 - 406)

Софокл қадимги Юнистон (Греция) нинг Эсхилдан кейинги иккинчи буюк фожианависи саналган. Шоир эрамиздан олдинги 496 - йилда Афина жукнидаги Колон шаҳрида бадавлат оилада туғилган, ёшлигида яхши таҳсил кўрган. У Афинанинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Софокл умри давомида 120 дан ортиқ асарлар яратган. Шулардан 7 тасигина бизгача тўлиқ стиб келган: *«Шоҳ Эдип», «Антигона», «Электра», «Филоклет», «Трахинлик аёллар», «Аякс», «Эдип Колонда»*. Софокл Эсхил анъаналарини давом эттирган, трагедияни гантанали кўшиқ шаклидан драмага айлантириш ишига катта ҳисса қўшган. «Шоҳ Эдип» ва «Антигона» фожияларини ўзбек тилига *Ақсад Мухтор* таржима қилган.

«Шоҳ Эдип» трагедияси ҳақида

Бу трагедияда тақдир азал ҳукмининг қудрати кўрсатилган. Эдип (*«товони ишиган» деган маънони англатади*) ўз отасини ўлдириб, ўз онасига уйланган бўлиб чиқади. Кунлардан бир кун шаҳарга ўлат ёғилади. Бунинг сабаби, қоҳинлар сўзича, шаҳарда Лайнинг қотили борлиги, то уни топиб жазоламагунларича, ўлат давом этаверар эмиш. Эдип бу қотилни излатиб, ҳар томонга чопар юборади. Ниҳоят, Тиресий исмли фолбин жаҳл устида Эдипга *«Уша қотил - ўзингсан!»* деган гапни айтади. Эдип бу воқеадан даҳшатга тушади, икки кўзини ўйиб ташлайди. Норасида қизларининг тақдирини ҳам тоғаси, ҳам қайниси Креонта топширади. Бундан 25 аср олдин ёзилган бу асар ҳозир ҳам ўз қимматига эга.

Асарнинг асосий қаҳрамонлари: *Лай (Фива вилоятининг шаҳи), Эдип (Лайнинг ўғли, подшо), Иокаста (Эдипнинг онаси), Креонт (Иокастанинг укаси), Полиб (Коринф вилоятининг шаҳи, Эдипни асраб олган одам), Тиресий (фолбин), Чунюв, Хор (юнон трагедияларида сахнадаги воқеаларни муаллиф тилидан изоҳлаб турувчи).*

КОНФУЦИЙ (Кун-цзи)

(милоддан аввалги 551 - 479 йиллар)

Конфуций - қадимги хитой мутафаккири, сиёсий арбоб, конфуцийликнинг асосчиси. У милоддан аввалги 551 - 479 йилларда яшаб ўтган. Лиц князликда амалдор бўлиб хизмат қилган, Хитойда биринчи марта хусусий мактаб очган. Конфуций 30 йилдан зиёд турли лавозимларда ишлаган. Унинг асосий қарашлари *«Сухбатлар ва муҳокамалар (мулоҳазалар)»* (хитойча Дунь юй ёки Лунь юй) китобида баён этилган. Ривоятларга кўра у милоддан илгари 722 - 481 йиллар бўйича *«Чунсуй» - «Баҳорлар ва кузлар»* деган йилнома тузган, кўшиқ ва ривоятларни тўплаб нашр этган. Конфуций таълимоти асосида *желе* (*инсонпарварлик*) тушунчаси ётади. Унинг китоби фақат Чин эмас, бутун Шарқ халқлари донишмандлигининг ажойиб намунасидир. Милоддан аввалги II асрга келиб Конфуций таълимоти Хитойдаги расмий дин - Конфуцийликка айлантирилган. Конфуций «фалсафа ўқитувчиси» деган сўзларнинг фамилия мақомини олган шаклидир. Конфуций *«Ҳикматлар»* и машҳурдир.

Конфуций ҳикматларидан:

Устоз айтарди:

- *Ўқиш ва ўқиганларингни доим такрорлаб туриш, - ахир бундан ҳам гўзалроқ нарса борми!*

Ҳикмат: *Кўрқоқлик - нима қилиш лозимлигини била туриб, уни қилмаслик.*

РҶДАКИЙ (IX - X асрлар оралиги)

Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад Рӯдакий айрим манбаларга кўра 100 минг, бошқаларига кўра 1 млн. 300 минг мисра шеър ёзган адиб сифатида машҳурдир. Аммо бизгача уларнинг 2000 мисрасигина етиб келган. Рӯдакий «*Одамш-муаро*» («Шоирларнинг *Одам Атоси*») деган ном билан шухрат қозонган. У форс - тожик шеъриятидаги рубойилар тараққиётида улкан ҳисса қўшган. Рӯдакий IX асрнинг 50 - 60 йилларида Панжруд қишлоғида (ҳозирги Панжакент яқинида) туғилган. X асрнинг 40 - йилларида вафот этган. У ёшлигидан бошлаб чанг чалиш, қўшиқ айтиш ва бадий ижод билан шуғулланган Рӯдакий Самарқанд мадрасасида таҳсил олган, кейинчалик Сомониylар саройига хизматга олинган. Аммо қариган чоғида у саройдан қувилди. Ривоятлар унинг хур фикрлиги учун кўзларига мил тортилганидан хабар беради. Яна ривоятларга кўра сомониylар амири Наср II (914 - 942) Ҳиротда зиёфатлар ичтига юрaverали Кўртни соғинган аъёнлар амирга таъсир кўрсатишни Рӯдакийдан илгимос қилишади. Шунда Рӯдакий бир зиёфат чоғида унинг машҳур «*Буйи жўйи Муайен ояд ҳаме*» («*Димоғида Муайен ариғининг ҳидлари урлади*») деган қўшиғини чангда ижро этди. Қўшиқдан амир шунчалик таъсирлэналики, ялангоёқ ҳолда отга сакраб миниб, Амударё кечивига қараб йўналади.

Ҳурлик ва рубойиларнинг дастлабки ижодкори ҳам Рӯдакий бўлган деган фикрлар бор. Форс - тожик поэзиясидаги рубойилар тараққиётида Рӯдакийнинг улкан хизматлари борлиги аён.

Асарлари: «*Қарлик ҳақидаги қасида*» си, бир қанча рубойилари, «*Қалла ва Димна*» дostonининг 1000 мисраси, «*Модари май*» («*Май онаси*») қасидаси, «*Синбаднома*», «*Аронс - ум - нафос*» дostonлари ва бошқ.

АБУЉҚОСИМ ФИРДАВСИЙ (941 - 1025)

АбуЉқосим Фирдавсий она - Ваган учун фикцион юзлаб баҳодирлар образини яратган форс - тожик адабиётининг улкан шоиридир. У 941 йилда Эроннинг Љс шаҳри яқинидаги Бож қишлоғида ўрлоҳ деҳқон oilасида туғилган. Бўлажак шоирнинг отаси Љс ҳокимининг «*Фирдавс*», яъни «*Жаннат*» номли боғда боғбон бўлган. Фирдавсий дастлаб қишлоғидаги диний мактабда, сўнг Љс шаҳри мадрасаларида таҳсил олади. Отаси вафотидан сўнг боғбонлик қилади. Шарқ халқлари тарихини зўр завқ билан ўрганган. кўҳна ривоятларни ёзиб олади. Айтишларича, Хуросон ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий шоирга «*Шоҳнома*» («*Шоҳлар ҳақидаги китоб*») ёзишни топширди ва асардаги ҳар бир мисра учун бир динор олтин танга беришни ваъда қилди. Ҳукмтор ваъдасидан тониб, шоирга 120 дона қумуш танга беради. Фирдавсий бундан ғазабланиб, бу тангаларнинг бир бўлагини ҳаммом ходимига, бир қисмини шарбат сотувчига ва яна бир бўлагини пулни олиб келган мулозимларга тақсимлаб беради, Маҳмуд Ғазнавийни хасислик ва пасткашликда айбловчи ҳажия ёзди. Шоир қувғинда юради. Ироққа кўчиб бориб, Бағдодда «*Юсуф ва Зулайҳа*» дostonини ёзди. У 1025 йилда ўз она қишлоғида вафот этди. Рухонийлар унинг жасадини мусулмонлар мазорига қўйдирмаганларидан сўнг, уни ўзининг боғига дафн этидилар.

«Шоҳнома» асарн ҳақида

Бу асар 30 - 35 йил меҳнат самараси бўлиб, 60 минг байтдан иборат. Асар дастлаб Абу Мансур Дақижий томонидан «*Худойнома*» («*Гушtasб*») деган ном билан ёзила бошлаган. Бироқ у асарнинг минг байтчасини ёзган пайтда кули томонидан ўлдирилади. Бу ишни Фирдавсий давом эттиради. Асарда қарийб 4000 йил ичида Эрон заминида ҳукмронлик қилган 4 та сулолага мансуб 50 подшоҳ ҳаётига тегишли воқеа-ҳодисалар ўз аксини топган. «*Шоҳнома*» дан зoлим ва қонхўр Заҳроқ («*синошоҳ*», *елқасидан илон ўсиб чиққан*) ҳақида, «*Рустам ва Сухроб*» ҳақида ва шу каби кўпгина дostonлар ўрин олган. Асар қаҳрамони *Рустам* Шағоднинг макр - ҳийласидан ўлади. Асардаги *Золи Зар*,

Рудоба, Сухроб, Гударз, Гев, Тус, Ҳожир, Гурдофарид, Ҳумой, Манижа сингари қаҳрамонлар ҳам ер юзид адолат тантанаси учун курашадилар. «*Зол ва Рудоба*» ҳамда «*Бижон ва Маннжа*» дostonларида чинакам байналмилаллик гоёлари илгари сўрилади. Фирдавсий «*Исфандийр*», «*Ум икки муҳороба*» дostonларида, айни са, мамлакатнинг бутунлигига таҳдид солувчи, ўзаро уруш чиқариш учун баҳона изловчи шoҳлар, шаҳзода ва лашкарбошиларни қаттиқ қоралайди. Шарқ адабиётида биринчи бўлиб, Искандар мавзусини ҳам Фирдавсий қатамига олган.

«Шoҳнома» да *пешбодийлар, кайнийлар, амхонийлар ва сомонийлар* каби сулолар тарихи ҳақида сўз юритилган. Ундаги паҳлавонлар, шoҳлар, амалдорлар, лашкарбошилар, олимлар, санъаткорлар, хунармаңдлар, деҳқонлардан иборат бир неча юз персонажларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) *афсоналик образлар*: Каюмарс, Хушанг, Тахмурас, Жамшид ва бошқ.

б) *афсонавий қаҳрамонлар*: Сом, Наримон, Зол, Рустам, Гев, Бижон ва бошқ.

в) *тарихий персонажлар*: Искандар, Баҳром Гур, Маздак, Ануширвон, Хусрав Парвиз ва бошқ.

Фирдавсийнинг «Шoҳнома» дostonлари сюжети асосида *нинг «Заҳроқи мори» (Ғози Юнус), «Сайош»* сингари сахна асарлари яратилди. Шоирнинг бу асари илк бор 1682 йилда *Мулла Хомуш охун - Хомуший* томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Орадан бир қанча вақт ўтгач, *Мулла Нодир Муҳаммад Бухорий* «Шoҳнома» нинг ўзбекча насрий вариантини яратган. XX асрнинг 70 - йилларида *Ш. Шомухамедов, Ж. Жабборов, Назармат* каби ўзбек шоирлари томонидан шеърый йўл билан таржима қилинган.

«Рустам ва Сухроб» дostonи ҳақида

Бу асар «Шoҳнома» даги энг қайғули дostonлардан биридир. Унда Рустам ўзининг машҳур оти Рахш билан овга чиқиб Турон ўлкасига бориб қолади. У чарчаб дам олади, овланган қулонни пишириб ейди, сўнг ухлаб қолади. У ердан ўтаётган туронлик сипоҳийлар Рахшни ўғирлаб кеттишади. Кўзини очган Рустам отини тополмай пиёда йўлга тушади ва Саманган шаҳрига бориб қолади. Саманган шoҳи уни иззат-икром билан кулиб олади ва зиёфат бошлайди. Бу орада шoҳнинг қизи Тахмина Рустамни яхши кўриб қолади. Рустам ҳам унга кўнгил қўяди ва уйламади. Орадан бир оз ўтиб Рустам ўз юрти - Сейистонга отланади. Бу пайтда унинг оти Рахш қайтариб берилган эди. Кетар чоғида у Тахминага бир гавҳар бериб, уни туғилажак фарзандига, агар қиз бўлса сочига, ўғил бўлса қўлига тақиб қўйишни айтади. Рустам юртига қайтади. Тўққиз ойдан сўнг Тахминанинг кўзи ёриб, ўғил туғилади. Унга Сухроб деб ном беришади:

*Бир ой ўтиб бир ёш улғайди ўғил,
Мисоли Рустаму Сом ё Золи эил.
Уч ёшда майдонни этди у талаб,
Бешида паланга чиқар тик қараб.
Ким билан ун ёшда агар қилса жанг,
Бўлди ҳар паҳлавон ҳоли голят танг.*

Кунлардан бирида Сухроб онасидан аждоқлари ким, отаси кимлигини сўраганда онаси унинг билагига Рустам бериб кетган гавҳарни тақиб қўяди ва устами Достон фарзанди эканлигини айтади. Сухроб отасини кўриш иштиёқида сафарга отланиб, Рахш зотидан бўлган Кулунни тағлайди. Сухробнинг довуғи Афросиёбгача бориб етади. У маккорлик билан уруш оловини кўзгайди. Сухроб Эронга қарши жангга отланади. Жанг майдонида ота - бола бир - бирини танимасдан тўқнаш келади. Отаси жангга устун келиб ўғлининг кўксига ханжар уради. Улғими олдида Сухроб ўзини танитади. Рустам дарду ҳасратлар ичда қолади:

*Улғимни ўлдирдим қариган чоғим,
Илдизин қуритдим, шу юрак доғим.
Тигимдан ўз ўғлим таслим этди жанг,
То қиёмат унга йиғлағай осмон!..*

...Мендекни кўрганми дийдаи жаҳон,
Гудак тепасида бўлсам зўравон.
Кесилса буларди ҳар икки қўлим,
Қаро ер сари йўналиш йўлим.

Фирдавсий ҳикоятларидан:

Нодонликдан ёмонлик келади фақат,
Нодонга ёндашма, босмасин гафлат.

Икки дўст тураркан елкама-елка,
Тоғларни ҳам осон айлайди тилка.

Ёмонга қўшилма, бўлурсан ёмон,
Қаросин юқтирар бошмо қозон.

Тўғриликдан келмиш ҳамма яхши от,
Эгрликдан фойда кўрмади бир зот.

КАЙКОВУС

(XI аср)

Унсурулмаолий Кайковус ибн Искандар ҳижрий 412 йил (милодий 1021 - 1022) да бой - бадавлат оилада туғилган. У Каспий денгизининг жанубий қирғоқларида яшаган «гилон» қабиласидан бўлган. Бобоси Шамсулмаолий Қобус қаҳри қаттиқ, бироқ ўқимишли амалдорлардан бўлган. Кайковус зиёли кишилардан бўлиб, муסיқа ва тиббиёт илмида анча муваффақиятлар қозонди, панл-насихат тарзида битилган «Қобуснома» асари билан мангуликка дахлдор сиймолар қаторидан ўрин олди.

Муаллиф бу асарни ўз ўғли Гилоншоҳга бағишлаб, дастлаб «Насихатнома» деб атаган, кейинчалик бобоси парафига «Қобуснома» номини берган. Бу асар ҳижрий 475 йилда, милодий 1082 - 1083 йилларда ёзилган бўлиб, 44 бобдан иборат. «Қобуснома» асари мазмунан жуда кўп ва инсон учун зарур масалаларни қамраб олган. Бу асар 1702 - 1705 йилларда турк тилига, 1786 - 1787 йилларда Рашидий томонидан уйғур тилига, 1881 йили Носирий томонидан татар тилига ҳамда XIX асрдаёқ инглиз, фаранг, олмон, рус тилларига таржима қилинган. 1860 йилда «Қобуснома» ўзбек тилига биринчи марта Огаҳий томонидан таржима қилинди. Адабиётшунос олим Собутоий Долимовнинг катта сазъ - ҳаракатлари билан бу асар 1965, 1973 ва 1986 йилларда нашр этилган.

Асардан парча: «Эй фарзанд, билгилки, ақл юзасидан фарзандага ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким унинг асли ота ва онадур...»

Бас, азар ақлинг булса, ҳунар ўргангил, нединким, ҳунарсиз ақл - бошсиз тан, суратсиз бадандекдур. Ундоққим дебдурлар: ал-адаб - суратил ақл (одоб - ақлинг инъикосидур).

НОСИР ХУСРАВ

(1004 - 1088)

Носир Хусрав Қабодиён (ҳозирги Тожикистон) да туғилиб, Туркистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хисоз, Кичик Осиё, Сурия, Арабистонда бўлди. Унинг «Сафарнома» асари ана шу сафарлар натижасида бунёд бўлган. Шунингдек, адибнинг «Зод ал-мусофирин», «Важҳи дин» («Диннинг қиёфаси»), «Жоми ал-ҳикматайя» («Икки ҳикмат уйғунлиги»), «Саводатнома» китоблари ҳамда «Девон»и машҳурдир. Бу асарларда у фақат диний - фалсафий муаммоларнигина эмас, илгор ахлоқий - тарбиявий фикрларни ҳам олға суради. Шейрларида юксак инсоний фазилатларни улуғлаш асосий ўрин тутади.

УМАР ҲАЙЁМ

(1040 - 1123)

Файласуф, математик ва астроном, моҳир косиб ҳамда рубоий жанри тараққийтини янги босқичга кўтарган шоир Умар Ҳайём 1040 йилда Эроннинг Нишопур шаҳрида туғилади. Унинг асл исми *Абулфатҳ Умар бини Иброҳим* бўлиб, Ҳайём унинг лақабиدير. Ҳайём - «Ҳайём» («чодир») сўзидан олинган бўлиб, «чодирдўз» маъносини беради. Умар Ҳайём қадим Туркистоннинг Балх, Бухоро, Самарқанд каби илму фан марказларида таълим олган, 1079 йилда календарь ишлаб чиққан. бутун сонларнинг илдизини топгани жорий этган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида инглиз шоири Хералд Фитсжералд шоирнинг рубойларини таржима қилиб нашр эттирган. Олимлар Хайём рубойлари сонини 172 тадан 252 тагача деб белгилайдилар. Шоир шеърларида *«май»* Аллоҳга, ҳаётга, инсонга муҳаббатнинг тимсолидир. Қуйидаги рубойида *ҳаёт абадийлиги, инсонлар ўтқинчилиги* асосий ғоя сифатида ифодаланган:

*Кекса, ёш - ҳаётга ҳар кимки етар -
Ҳаммаси изма - из бирма - бир ўтар.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Кетдилар, кетамиз, келишар кетар.*

ШОТА РУСТАВЕЛИ

(XII аср)

Шота Руставели грузин шоири бўлиб, ҳаёти ва ижоди ҳақида етарли маълумот йўқ. Унинг *«Йулбарс терислиги ёпишган паҳлавон»* дostonи XII асрнинг 80 - йиллари билан XIII асрнинг биринчи ўн йилиги ўртасида яратилган. Грузин маликаси Тамара (1184-1213) ва унинг эри Давид Сосланига бағишланган. Бу асар Жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бири. Асарда қаҳрамонлик, дўстлик, чин инсоний муҳаббат улуғланган, ватанни чет эл босқинчилари ҳужумидан ҳимоя қилиш зарур деган ғоя илгари сурилган. Турли халқ вакиллари - *Астандиз* (араб), *Тарзэл* (Ҳинд) образлари талқини орқали халқлар ўртасидаги дўстлик мадҳ этилган. Бу асарни ўзбек тилига Мақсул Шайхзода ва Миртемир таржима қилган.

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ

(XIII аср)

Саъдий Шерозийнинг туғилган йили аниқ эмас. Айрим манбаларда унинг туғилган йили 1184, 1193, 1189 ёки 1203 - 1210 йиллар ораси деб тахмин қилинади. Унинг тўлиқ исми *Абу Абдуллоҳ Мушаррифиддин ибн Муслиҳиддин Саъдий Шерозий* бўлиб, шерозлик давлат хизматчиси оиласида туғилган. Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида ўқиган, Урта ва Яқин Шарқ мамлакатларига кўп марта саёҳат қилган. Саъдий ўз ижодини тирик шеърлар ёзишдан бошлаган. Унинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари III аср адабиётини дидактик йўналишни бошлаб берди. Бу асарлар Туркистон мадрасаларида ўқув қўланмаси сифатида хизмат қилган. Саъдий куллиёти 19 бўлимдан иборат. Шоир 1292 йилда вафот этган.

«Бўстон» асари (1257) шеърий усулда бўлиб, 10 бобдан иборат. таълимий - тарбиявий руҳдаги ибратли ҳикоялардан иборат. *«Гулистон»* асари (1258) 8 бобдан иборат бўлиб, унда ҳам таълим - тарбиявий мазмундаги ҳикоялар ва шеърий услубла ёзилган ҳикоятлар мавжуд. Шайх Саъдий «Гулистон» асарининг «Сухбат қоидалари баёни» бобида мол - мулк йўғиб фойдаланмайдиганлар ва илмига амал қилмайдиган одамларни устига китоб ортилган эшакка қиёслайди:

*Ҳарчанд ўқибсан, билимдонсан,
Агар амал қилмадинг, нодонсан.
Устига китоб ортилган эшак,
На олим ва на донодир бешак.
Бу миясиз қайдан топади хабар,
Устида ўтинми, ё китоб-дафтар?*

Асарларидан парчалар:

*Дарвеш агар юз номатқул иш қилса,
Бирига ҳам дўстлар қилмас эътибор.
Аммо подшоҳ бирор ҳазил сўз деса,
Иқлимдан-иқлимга ўтади тақрор.*

* * *

Сўйилган ҳайвоннинг почасидан пуфласа шишганидай, аҳмоққа ҳам мақтов хуш ёқиб, семиради.

30 - МАВЗУ. ЖАҲОН АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ (1320 - 1389)

Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий 1320 - 1321 йиллар орасида Эроннинг жанубидаги Шероз шаҳрида, қосиб оиласида дунёга келади. У отадан эрга сийм қолган. Онаси уни нонвойга шогирдликка берган. Булажак шоир ҳам ўқийди. ҳам нонвойга дастёрлик қилади, маърака ва йиғинларда Куруён ва бошқа китобларни хушовоз билан ўқиб беради. Хушовозлиги, беҳато ўқиш ва ёзиши Шерозийга шуҳрат келтиради: уни Ҳофиз деб чақира бошлайдилар. Шоир шеърларида «қирқ йил ўқигани» ни алоҳида таъкидлаган. У 1389 йилда Шерозда вафот этган. Қабри машҳур Мусалло боғида жойлашган. Ҳофиздан бизга катта ҳажмдаги ғазаллар китоби етиб келган. Шоир ўз шеърларида инсонни улуглайди, чин муҳаббат, дўстлик каби ғояларни тарғиб этди. Ёлғончилик, мунофиқликни қоралади. *Мисолаи:*

Ёмондан узоқ бўл, яхшига ёндаш,

Умринг зое кетгач, дилинг бўлур ғаш.

Ёлғон бевиқор қилур одамни,

Ёлғон шармисор қилур одамни.

МУҲАММАД СУЛАЙМОН УҒЛИ ФУЗУЛИЙ (1498 - 1556)

Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий Шарқнинг машҳур шоири, озарбайжон халқининг буюк мутафаккиридир. Фузулийнинг отаси Сулаймоннинг бир вақтлар Озарбайжоннинг Араш деган жойидан Карбалого кўчиб бориб қолганини нақл қиладилар. Фузулий 1498 йилда Ироқнинг Карбало шаҳрида туғилган. Фузулий дастлаб мактабда, кейин эса мадрасада (Бағдодда) таълим олди, тарих, медицина, астрономия, геометрия, логика ва бошқа фанлар билан шуғуланган. Мактаб ёшидаёқ шеър ёзишни машқ қила бошлаган Фузулий моҳир ва жўшқин лирик шоир бўлиб етишди. Шоирнинг номи буюк Навоий номи билан ҳаминша ёнма - ён келган, девони асрлар оша Навоийники билан бир қаторда мактаб-мадрасаларда ўқитиб келинган.

Дарвоқе, унинг ўз устози Ҳабибийнинг қизини яхши кўриб қолганини, унга атаб шеърлар ёзганини нақл қиладилар. Шоир 1556 йилда вабо касалидан вафот этган. Унинг ўғли Фазлий таҳаллуси билан шеърлар ёзганлиги ҳам маълум. Шоир бир шеърида уч тил - *турк, араб, форс* тилларининг шуҳратини ўз асарлари билан оламга ёйган уч буюк даҳони: *Абу Нувос, Низомий* ва *Навоийни* илгга олган. Фузулий ғазалга алоҳида ихлос ва муҳаббат билан қарайди, уни истъодга мезон деб билди.

Ғазалдур сафобахши аҳли назар,

Ғазалдур гули бўстони ҳунар.

Ғазал билдирур шоирнинг қудратин,

Ғазал орттирур назминг шуҳратин, - деб ёзган эди шоир.

Фузулийнинг жуда кўп ғазаллари, шу жумладан

Шифоши васл қадрин, ҳажр ила бемор ўландин сўр,

Зулоли завқ-шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр - мисралари билан бошланувчи ғазали машҳур. Фузулий XVI аср туркий шеърятига ўзинга хос уринга эга бўлган забардаст лирик шоирдир.

Шоир вафотининг 400 йиллиги муносабати билан 1958 йилли девони, 1968 йилда Холлид Расул ташаббуси билан икки жилдлик асарлари нашр этилган.

Асарлари: «*Лайлово Мажнун*» (1537, туркий тилдаги достон), «*Ҳафт жом*», «*Аясул қалб*» («*Қалб дўсти*»), «*Матлаъ дол-эътиқод*» («*Эътиқоднинг бошланмағи*»), «*Риндо зоҳид*» каби фалсафий достонлар, «*Сиххат ва мараз*», «*Бангу Бода*» («*Наша ва май*»), «*Сўхбат ул - асмар*» («*Мевалар сўхбати*») каби мажозий асарлар, «*Шикоятнома*» (*насрий асар*) ва бошқ.

ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР (1564 - 1616)

Жаҳон адабиётидаги энг улкан трагедиянавис шоир Шекспир 1564 йилнинг 23 апрелида Марказий Англияда, Эйвон дарёси бўйидаги Стратфорд шаҳарчасида ҳунарманд - савдогар оиласида дунёга келган. Отаси Жон Шекспир илгари фермер бўлиб, кейинчалик савдогарлик, кўнчилик ва тикувчилик ҳунаrlари билан шуғулланган. Вильям дастлаб «Грамматика мактаби» да ўқиб, латин тили, қадимги дунё тарихи ва адабиётини ўрганган. У табиатиан севган, гастролга келган сайёр театр гуруҳларининг спектаклларини томоша қилган. Отасининг иши юришмай қолгач, Шекспир 16 ёшдан бошлаб оила боқишга ёрдамлашади: қушхонада ишлайди, қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилади, 1586 йилда иш излаб Лондонга келади. Тахминан 1590 йилда театрга ишга киради. Шу даврдан бошлаб, Шекспир замонасининг энг машҳур театрларида актёр, режиссёр ва гуруҳа хўжайинига шерик бўлиб ишлайди. 1599 - 1613 йилларда «Глобус» театрида хизмат қилади. Унинг ижоди 1590 йиллардан бошланган. Театр актёридан улуг фожиянавис даражасигача кўтаришган Вильям Шекспир 1616 йил 23 апрелда Стратфордда вафот этди.

Шекспир асарлари Ўзбекистонда ҳам машҳурдир. Ҳамза театри артисти Аброр Ҳидоятлов (1900 - 1957) 1935 йилда *Гамлет* образини, 1941 йилда *Отелло* образини яратди. Шекспир асарларининг қаҳрамонлари образи Сора Эшонтўрасва (*Дездемона*, *Офелия*), Шукур Бурҷонов (*Гамлет*, *Брут*), Олим Хўжаев (*Гамлет*, *Цезарь*) каби атоқли артистлар томонидан ҳам яратилган.

Асарлари: «*Венера ва Адонис*» (1593), «*Лукреция*» (1594) каби поэмалари, «*Хатолар комедияси*» (1592), «*Қийиқ қизнинг қулоғини*» (1593), «*Икки вероналик*» (1594), «*Севагининг беҳуда зўрайиши*» (1594), «*Ёз кечасидаги туш*» (1595), «*Бу сизга ёқадими*» (1599), «*Ун иккинчи туш*» (1600) каби комедиялари, «*Ромео ва Жульетта*» (1595), «*Юлий Цезарь*» (1598), «*Ҳамлет*» (1601-1602 йилларда ёзилган, образлари: *Гамлет*, *Клавдий*, *Гертруда*, *Офелия*, *Полоний* ва бошқ.), «*Отелло*» (1604), «*Қирол Лир*» (1605), «*Макбет*» (1605), «*Антоний ва Клеопатра*» (1606), «*Бўрон*» (1612) каби трагедия (фожи)лари ва бошқ.

ЖОНАТАН СВИФТ

(30.11.1667 й - Дублинда туғилган, 19.10.1745 й вафот этган)

Жонатан Свифт инглиз ёзувчисидир. У камбағал оилادا туғилган. 1682 - 1688 йилларда Дублин университетининг Тринити - колледжида таҳсил курган. Свифт ўз ижодида жамият иллатларини ҳажв остига олган, ҳукмрон табақалар кирдиқорларини ҳажв қилувчи асарлар яратган.

Жонатан Свифт ўзининг «*Гулливернинг саёҳатлари*» (1726, асарнинг тўлиқ номи: «*Лемюэль Гулливернинг жаҳондаги бир неча олис мамлакатларга аввало жараҳ, кейинчалик эса бир неча кемадлар капитани сифатида қилган саёҳатлари*») романида асар қаҳрамони Гулливернинг хаёлий ўлкалар - лилипуллар (митти одамлар), бромдингнеллар (улжандлар), гуигинимлар (ақлли отлар) мамлакатларига қилган саёҳатлари билан боғлиқ ҳолда реал воқеликдаги босқинчилик урушларини, давлат идораларидаги сотқинликни, судьяларнинг адолатсизлигини ва бошқа қабоҳатларни моҳирлик билан акс эттирди.

Асарлари: «*Вильям Сэнкрафтга қасида*» (1690), «*Конгрессга қасида*» (1693), «*Китоблар жанги*» (1697), «*Бочка ҳақида эртак*» (1704), «*Гулливернинг саёҳатлари*» романи (1726), «*Мобутчииинг хати*» (1724), «*Камтария тақлиф*» (1729) ва бошқ.

ДАНИЕЛЬ ДЕФО (1660 - 1731)

Даниель Дефо машҳур инглиз ёзувчисидир. У савдогар оиласида туғилган, Диний академияни тугатиб, савдо - сотиқ ва сиёсий ишлар билан шуғулланган, журналистлик қилган. «*Ҳафталик шарҳ*» газетасини нашр этган (1704 - 13).

Асарлари: «*Ҳақиқий инглиз*» (1701), «*Робинзон Крузо*» (1719), «*Камитан Синглтон*» (1720), «*Полакотиик Жек*», «*Молла Флендерс*» (1722), «*Роксана*» (1724) каби романлар ва бошқ.

БЕДИЛ (1644 - 1721)

Мирзо Абдулқодир Бедил улуг шоир ва файласуфдир. Унинг ота - bobолари асли барлос уруғи (Ўзбек уруғларидан бири) дан бўлиб, Шахрисабдан Ҳиндистонга кўчиб бориб, ўша ерда турғун бўлиб қолган. Бедил 1644 йилда Бенгалиянинг Азимобол шаҳрида туғилди. Бир ёшида отаси ўлди. Онаси Бедилнинг тарбияси ва ўқинишга катта эътибор берди. Бедил 7 ёшликда саводли бўлиб, турли китобларни, араб, Ҳинд ва урлу тилларини, Шарқ ва юнон мутафаккирлари асарларини ўқийди. Урганада Бедил 10 ёшларида шەърият билан шуғулланади. 20 ёшларида шەърларини йиғиб, тулмам тулади. У савдо ишлари билан шуғулланувчи амакис билан бирга Ҳиндистон буйлаб саёҳат қилди, кишиларнинг етук бўлиши, эл-юртнинг яшнаб обод бўлиши ва илм-фаннинг ривожини истади. Бедил узоқ вақтлар давомида Дехли шаҳрида яшайди, кўплаб асарлар яратди ва хаттолик қилди. У Дехлида 1721 йил 7 ёшида вафот этди. Бедил ўз асарларини форс-тожик тилида яратган. У кўп асарларини танлаб куллиёт (асарлар туплами) тузган, асарларини жанрига қараб «*Ғазаллар*», «*Рубойлар*», «*Қасидалар*» ва бошқа номлар билан куллиётга киритган. Бедил асарлари чуқур фалсафий фикр ва мушоҳадаларга бой. Шунинг учун у «*Абулмоллий*» - «*Мағнолар отаси*» деб аталган.

Асарлари: «*Чор усур*» (автобиографик асар), «*Ирфон*» (достон ва ҳикоятлардан иборат), «*Комде ва Мудан*» (раққоса қиз Комде ва чолғучи Муданнинг севгиси ҳақида), «*Шукот*» (яхши кишилар эъзозланган, ярамас кишилар танқид қилинган) ва бошқ.

МАХТУМҚУЛИ (1733 - 1793)

Туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули 1733 йилда Туркманистоннинг жануби - ғарб томонида, Атрек дарёсига яқин Ҳожиговшон деган жойда Давлагмамад оиласида туғилган. Унинг отаси «*Овдод*» тахаллуси билан кўшиқ ва ғазаллар ёзган. Махтумқули дастлаб овул мактабида, сўнг Хива, Бухоро ва Андижон мадрасаларида ўқиган. Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонга саёҳат қилган. Бизгача «мардлик куйчиси» деб ном олган Махтумқулининг лирик, фалсафий ва насиҳат характеридаги 20 минг мисрага яқин шёърлари етиб келган. Масалан, «*Бўлмас*», «*Келгай*», «*Ёмғир ёғди*, «*султоним*», «*Найлайил*», «*Кўринг*», «*Етмас*» ва бошқ.

Шоирнинг тахаллусларидан бири «*Фирогий*» бўлган.

Шёърларидан намуналар:

Ғафлатда у душман олди элимни,
Тарқатди ҳар ёнга дўсту тенгимни,
Беш йил буйи ёзган китоб-шеъримни
Кичилбошлар олиб, вайрон айлади.

Кел, кўнелим, мен сенга насиҳат қилай,
Ватани тарк этиб кетувчи бўлма,
Ўзиндан нагет бўлган ғайир, номарднинг
Хизматида қуллуқ этувчи бўлма.

Оқмасдан қолмайди бир оққан ариқ,
Бир тачдаодам гоҳсемиз гоҳ ориқ,
Бир юзи қорадир, бир юзи ёруғ,
Қора деб қаттиқ сўз айтувчи бўлма.

Топсанг-да дунёда мулки Искандар,
Қоруннинг моли ҳам бўлса муяссар,
Охири бўларсан ерга баробар,
Кўнглингда манманлик сотувчи бўлма.

Саволу жавоб

Махтумқули - Унимадир, дарвозасиз қалъадир?
Унимадир, деразасиз бинодир?
Унимадир, одамларга кўринмас?
Унимадир, емадилар - тундилар?
Унимадир, улуг кунга кўйдилар?

Дурди шоир -

Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер.

Укўнгилдир - дарвозасиз қалъадир,

Уқабрдир - деразасиз бинодир,

Убалодир - келса кўзга кўринмас,

Удийдордир - емадилар, тўйдилар,

Унамоздир - қиёматга қўйдилар,

Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу.

МИРЗО ҒОЛИБ

(1797 - 1869)

Ҳиндистон ва Покистоннинг фахри, урду тили тасвир имкониятларини дунёга дoston қилган шоир Мирзо Ғолиб-асли туркистонлик. Унинг асл исми Мирзо Асадуллахон бўлиб, Ғолиб унинг тахаллусидир. Асадуллахон 1797 йилнинг 27 декабрида Агра шаҳрида дунёга келган. Болалигида яхши таълим олади, отаси уни 17 яшарлигида уйлантиради. У балоғат ёшида аввал отасидан, сўнг оиланинг пушти паноҳи бўлиши амакисидан ажралиб қолганлигидан деярли умрининг охирига қадар қашпоқликда яшайди. У 19 ёшга етганида жангда ҳалок бўлган отасининг қаердадир йўқолиб кетган нафақа пулини ундириш учун оиласи билан Дехлига боради ва умрининг охиригача шу шаҳарда қолиб кетади. Мирзо Ғолиб умри туташига бир неча йил қолгандагина сўнги бобурий Баҳодиршоҳ ҳукуматидан отаси учун йилига 600 рупялик нафақа ундиришга эришди. Баҳодиршоҳ Зафар унга темурийлар хонадони тарихини ёзишни топширди. «*Меҳри нимрӯз*» тарихий асари шу тарихга юзга келди. Мирзо Ғолиб 1869 йилнинг 15 февралда оламдан ўтди. Шоирнинг оилавий ҳаёти ҳам фожиали бўлди. У умр йўлдоши Умровбегим билан етти уғил кўрдилар, лекин улардан биттаси ҳам икки ёшга етолмади.

Асарлари: «*Десам, Ғолиб, ерим - пок хоки Турон...*», «*Қоши ёси қатлима тadbирдир...*», «*Эгам, исмиңгни айтмоқ журагин берга забониңга...*», «*Муҳаббат тухми экдим жонима, анди самар бўди...*», «*Қатра сувниңг бахтидир кўла фано бўлмоғи...*» деб бошланадиган ғазаллари ва бошқ.

АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПУШКИН

(1799 - 1837)

Пушкин улуғ рус адаби, янги рус адабиётининг асосчиси. Отаси Сергей Львович қадимий дворянлар авлодидан, гвардия офицери бўлиб, французча шеърлар ёзиб турарди. Онаси Надежда Осиповна Пётрнинг тарбиясида бўлган ҳабаш А. П. Ганнибал (асли исми Иброҳим) нинг невараси эди. Ота - онаси ёш Пушкинни буvisи Марья Алексеевна ва энагаси Арина Родионовна тарбиясига топширган. Унинг амакиси Василий Львович ўша даврнинг кўзга кўринган шоирлардан бўлиб, Пушкинларникига таниқли шоирлар тез-тез меҳмон бўлиб келарди. Бу муҳит Пушкинда шеърятга ҳавас уйғотди. 1811 - 1817 йилларда у Царское селодаги лицейда таълим олган. Пушкиннинг дастлабки шеъри матбуотда 1814 йилдаёқ босилган эди. 1833 йил декабрида Николай I Пушкинни камер - юнкер қилиб тайинлаган. 1837 йилда ёш француз офицери Жорж Дантес билан дуэлда Пушкин оғир яраланиб, вафот этади.

Пушкиннинг кўпиаб асарлари ўзбек тилига таржима қилинган («*Борис Годунов*», «*Дубровский*», «*Кавказ асири*» Чўлпон томонидан (1936-37), «*Евгений Онегин*» Ойбек томонидан (1937), «*Боқчасарой фонгани*» Усмон Носир томонидан (1937), «*Капитан қизи*» Абдулла Қаҳҳор томонидан (1929), «*Руслан ва Людмила*» Миртемир томонидан (1948) таржима қилинган).

Асарлари: «*Эркинлик*» (1817, ода), «*Чаадаевга*» (1818), «*Қишлоқ*» (1819), «*Ҳажар*» (1821), «*Курвоиз тақлид*», «*Андрей Шенье*», «*19 октябрь*», «*Стенька Разин ҳақида кўшиқ*», «*Сибирга мактуб*», «*Армон*» каби шеърлари, «*Руслан ва Людмила*», «*Кавказ асири*» (1820-21), «*Ака-ука қароқчилар*» (1821-22), «*Боқчасарой фонгани*» (1823), «*Граф Нуали*», «*Полтава*», «*Мис чавадоз*» (1833), «*Тавриллида*» каби поэмалари, «*Евгений Онегин*» (шеърӣй роман), «*Буюк*

Пётрнинг ҳабаша» каби романлари, *«Борис Годунов»* (трагедия), *«Арарумга саёхат»*, *«Дубровский»* (повесть, 1832-33), *«Кавказ қизи»* (1836, повесть), *«Уқ»*, *«Бурал»* каби насрий асарлари, *«Пон ва унинг хизматкори Бада ҳақида эртак»* (1830-34), *«Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак»* (1830), *«Шоҳ Салтан ҳақида эртак»* (1831), *«Олтин Хўроз ҳақида эртак»* (1834) каби эртаклари ва бошқ.

ХАНС КРИСТИАН АНДЕРСЕН (1805 - 1875)

Жаҳон болалар адабиётининг *Шарль Перро*, *Теодор Гофман*, *ака-ука Гриммлар*, *Жанни Родари* каби ажойиб намояндалари каби Андерсен ҳам эртакнавис ёзувчи сифатида донг таратган. У Даниянинг Оденс деган шаҳрида камбағал оилада туғилган. Еплитида оч - яланғоч ҳаёт кечирган ёзувчи тинмай ўқиди, хонандликни, лотин тилини, артистликни ўрганди. Бастакор Вейзе билан, адмирал Вулф билан, Копенгагендаги Қироллик театрининг директори Коллин билан танишган. Коллин ёрдами билан Андерсен гимназияга ўқишга қиради, стипендия олади. Коллин унга хусусий дарс бериб, университетга кириши учун ҳам шароит яратади. Университетни тугатгач, Андерсен Германия, Швеция, Англия, Франция ва Африка мамлакатлари буйлаб саёхат қилади. Андерсеннинг Шуман, Вагнер, Лист, Россини сингари бастакорлар, Дюма, Бальзак, Хюго. Ҳейне, Диккенс сингари атоқли ёзувчилар билан алоқада бўлиши унинг ижодига катта таъсир ўтказган. Унинг ўнлаб эртаклари асосида театр спектакллари ва мультфильмлар яратилган.

Асарлари: *«Болалар учун айтилган эртаклар»* (1835-1842), *«Инировизатор»* (1835, роман), *«Она»* (1848), *«Суратсиз сурат»* (1840), *«Мулат»* (1840, пьеса), *«Шоҳ бозори»* (1842), *«Икки бронесса»* (1849), *«Янги эртаклар»* (1843 - 1848), *«Тарих»* (1852 - 1855), *«Янги эртаклар ва тарих»* (1858 - 1872) каби китоблари, *«Кумуш тана»*, *«Ирқит ўрдакча»* (1843), *«Булбул»* (1843), *«Қўрғошин солдатча»* (1838), *«Қиролча»* (1844), *«Ҳаётим эртаклари»*, *«Қиролнинг янги кийими»*, *«Қор маликаси»*, *«Чақмоқтош»* каби эртаклари ва бошқ.

МИРЗО ФАТАЛИ ОХУНДОВ (1812 - 1878)

Мирзо Фатали Охундов озарбайжон ёзувчиси, маърифатпарвар ва файласуфдир. У озарбайжон драматургиясига асос солган, рус, араб ва форс тилларини яхши билган. Адиб 1812 йил 30 июнда Шеки (ҳозирги Нуха) да таваллуд топган. Унинг ижоди 30 - йиллардан бошланган. Унинг таҳаллуси *«Сабўҳий»* бўлган. Мирзо Фатали Охундов 1878 йил 26 февралда Тифлис шаҳрида вафот этган.

Асарлари: *«Пушкиннинг ўлимига шарҳ поэмаси»* (1837), *«Ҳикоятни мулла Иброҳим кимёгар»* (1851), *«Ҳожис қора»* (1852), *«Адалимчи кавоккиб»* қиссаси (1857), *«Араб, форс ва турк тилларининг ёзувлари учун янги алфавит»* (1857) ва бошқ.

ТАРАС ГРИГОРЬЕВИЧ ШЕВЧЕНКО (1814 - 1861)

Т. Г. Шевченко украин шоири, рассом ва мутафаккир бўлиб, 1814 йил ҳозирги Черкасск вилоятидаги Моринци қишлоғида туғилган. У саводини қишлоқ руҳонийси қўлида чиқариб, кейинчалик Петербург Бадиий академиясида ўқиган. Рассом сифатида *«Богдан Хмельницкийнинг ўлими»*, *«Гребенко»* каби асарлар яратган. Шевченко умрининг ўн йилдан олдин Қозогистон ва Ўрта Осиё қўлирида қаттиқ таъқиб остида ўтказган. У 1861 йилда Петербургда вафот этган.

Асарлари: *«Кубизчи»* (1840), *«Катерина»* поэмаси (1838), *«Никита Гайдай»* (1842), *«Туш»* поэмаси (1844), *«Кавказ»* поэмаси (1845), *«Васият»* шеъри ва бошқ.

ТОМАС МАЙН РИД

(1818 й 4 апрель, Баллирони, Ирландияда туғилган -
1883 й, 22 октябрда Лондонда вафот этган)

Майн Рид - инглиз адаби. 1838 - 43 йилларда АҚШ да бўлиб, журналистика билан шугулланган. Америка мазлум халқларининг эрк учун кураш, қул савдоси даҳшатлари, индеецларнинг оқ танлиларга қарши кураши, овчиларнинг саргузаштлари, Осие, Африка ва Америкадаги ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар дунёси ҳақида, Англияда рўй берган инқилобий воқеалар ҳақида кўплаб асарлар яратган. Унинг «*Ботсиз чавандоз*» детектив жанрдаги романи 1957 йилда ўзбек тилида нашр этилган.

Асарлари: «*Эркин отинув*» (1850), «*Оқ танли йўлбошчи*» (1855), «*Квартирка*» (1856), «*Мароллар*» (1862), «*Оқола. Семимоллар йўлбошчиси*» (1858), «*Олтин билгузук*» (1875), «*Ўсимлик ишқибозлари*» (1857), «*Урмон болалари*» (1864), «*Ет овчилар*» (1857), «*Жирафа оловчилар*» (1867), «*Ботсиз чавандоз*» (1866), «*«Канизак» ёхуд узоқ магрибдаги саргузаштлари*», «*Оқ қўлқон*» (1867) ва бошқ.

31 - МАВЗУ. ЖАҲОН АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

БЕРДАҚ

(1827 - 1900)

Бердақнинг асл исми Бердимурод Қаргабой ўғли бўлиб, Бердақ унинг тахаллусидир. Бердақ қорақалпоқ адабиёти асосчиси бўлиб, тарих ва халқ оғзаки ижодини яхши билган. Бошланғич маълумотни овул мактабда олган, сўнг мадрасада таҳсил қўрган. Бердақ асарларида қорақалпоқларнинг 19 - асрдаги ижтимоий ҳаёти акс этган, инсонпарварлик, адолат ва ватанпарварлик гоёлари илгари сурилган. «*Аволлар*» асари тарихий воқеалар солномасидан иборат. Бердақ ижоди кўп қиррали. У халқнинг бахтиёр янашини, одил подшоҳни орзу қилган. Бердақнинг «*Халқ учун*», «*Бўлган эмас*», «*Курянди*», «*Булбул*» каби ижтимоий-фалсафий шеърларида меҳнаткаш халқ дарди, орзу - армонлари бетакрор ифода этилса, «*Нодон бўлма*», «*Қарамас*», «*Хасис экан*», «*Биласанми?*» шеърларида маънавий - ахлоқий масалалар ёритилган. «*Солмақ*», «*Терс қайтган*», «*Хўжам*», «*Дод дема*» сингари асарларида жамиятдаги ҳар хил иллатли кишилар, одатлар қораланади, фош этилади.

Бердақ «*Бўлган эмас*» номли шеърда шундай дейди:

*Дунё яралгандан бери
Подшоҳ одил бўлган эмас,
Шоирлар қалам олганда
Хатга тўғри солган эмас.*

*Бу дунё дунё бўлмади,
Эркимизга ҳеч қўймади,
Душманнинг гули сўнмади,
Тилагим ҳеч бўлган эмас.*

АҲМАД ДОНИШ

(1827 - 1897)

Аҳмад Дониш Бухорода яшаган тожик ёзувчиси. Унинг отаси Носир Бухородаги кичик мадрасалардан бирида дарс берган. Аҳмад мадрасала ўқиган, Бухоро амирининг буйруғига асосан қўлэмалар кўчирган. У 1857, 1869, 1873 йилларда Бухоро амирининг элчиларига мирзолик қилиб Петербурга борган.

Садриддин Айний Аҳмад Донишни «*Бухоронинг қора осмонидан ёруғ юлдуз*» деб атаган эди.

Асарлари: «*Наводирул - вақое*» («*Нодир воқеалар*»), «*Таржимаи аҳволи амирони Бухоро*» («*Бухоро амирлари таржимаи ҳолилари*»), «*Мезёри Тадайню*», «*Манозир ал - кавокиб*», «*Рисола фи амол ал - курра*» («*Глобусдан фойдаланиш йўллари*»), «*Манғит амирлари таржи*» (1883) ва бошқ.

Аҳмад Дониш «*Наводирул - вақое*» асарида шундай байт келтиради:

*Тиниқ сувдан беҳабар бўлган қуш
Тушишгин йил буйи шўр сувдан олмас.*

МАРК ТВЕН (1835 - 1910)

Жаҳон адабиёти тарихида саргузашт - детектив асарлар яратган улкан адиб *Марк Твен (Самюэль Клеменс)* 1835 йилда АҚШ нинг Миссури штатига қарашли Флорид қишлоғида хизматчи оиласида туғилди. Отаси дастлаб судда, кейин тижорат ишларида фаолият кўрсатган, лекин «бири икки бўлмаган» одамлардан эди. Оғир турмуш шароити туфайли Самюэль 12 ёшида мактабни тарк этиб, тирикчилик қилишга киришди, қураф терувчи, Миссисиппи дарёсида дарғалик (лоцманлик) қилди. олгин ва кўмуш конларида ишлади, мухбир бўлиб Ғарбий Европада бўлди. «*Марк Твен*» тахаллусининг маъноси «Бехавотир сув» демакдир. Адиб жаҳондаги миллион-миллион кишиларнинг севишти ёзувчиларидан бирини айланди, оғир мураккаб шароитларда ҳам ўзини тута биладиган, уддабурон болаларнинг образларини ярата олди.

Асарлари: «*Миссисиппидagi ҳаёт*», «*Чет эллардаги содда одамлар*», «*Том Сойер*», «*Гекльберри Финн*», «*Тиблицгалар*», «*Том Сойер ва Гекльберри Финннинг бошдан кечираклар*», «*Том Сойернинг янги саргузаштлари*», «*Овсар Вальсон*» қиссаси, «*Янги ва қирол Артур*» романи (1889) ва бошқ.

ЖЮЛЬ ВЕРН (1828 - 1905)

Жюль Верн машҳур француз ёзувчиси бўлиб, кўпгина илмий-фантастик романлар муаллифи. У ашокаг оиласида туғилган. Дастлаб юрист бўлишни орзу қилган. Жюль Верн буюк географик кашфиётлардан бадиий фантазия учун кенг фойдаланган. Унинг биринчи романи 1863 йилда «*Ҳаво шарда беш ҳафта*» номи билан босилган. Шундан сўнг 1863 - 1905 йиллар мобайнида ёзувчи 57 роман ёзиб, уларга «*Ажойиб ва ғаройиб саёҳатлар*» деб ном берди. Жюль Верн 1905 йил 24 мартда вафот этган.

Асарлари: «*Капитан Грант болалари*», «*Ун беш ёшли капитан*», «*Ер юзи бўйлаб 80 кунлик саёҳат*», «*Капитан Гаттерас саргузаштлари*», «*Ерни кашф этиш*», «*Сирли орол*», «*Робинзонлар мактаби*», «*Иккинчи ватан*», «*Икки йил таътил*», «*Сув остида 80 000 километр*» ва бошқ.

АБАЙ ҚУНАНБОВ (1845 - 1904)

Қозоқ адаби, йирик сўз санъаткори Абай 1845 йилда Қозогистоннинг Семей вилоятига қарашли Аяқўз туманининг Чингизтоғ ёнбағрида жойлашган Қорауй овулида бой хонадонда туғилган. Отаси Қўнонбой Семейнинг эътиборли бойларидан бўлган. Шоирнинг асл исми Иброҳим бўлиб, онаси Улжон ва отасининг онаси Зийрак момо томонидан эрқаланиб, Абай деб қақрилар эди. Кейинчалик бу ном шоирнинг тахаллусига айланиб кетди. Абай дастлабки маълумотни овулидаги мулла қўлида олди, 12 ёшида Оренбургдаги мадрасада ўқиди. Шу даврдан бошлаб у шеърлар ёза бошлаган, лекин отасидан чўчиб, шеърларини ҳеч кимга кўрсатмайди. Абай 35 ёшларида адабиётга қайтадан кирди, лекин бу даврда ҳам шеърларини дўстларининг номидан чоп эттириб юрди. 1886 йилда «*Ез*» шеърини биринчи марта ўз имзоси билан эълон қилган. Буюк шоир ўз ижодида Яссавий, Навоий, Фузүлий анъаналарини давом эттирган, Пушкин, Лермонтов асарларини қозоқ тилига таржима қилган. У 1904 йил 6 июлда вафот этди. Абай инсонни қомил кўришни истарди, туркий халқлар тарихини яқши биладиган мутафаккир эди. У Навоийни ўзининг буюк устози деб билган.

Асарлари: «*Искандар*», «*Масъуд*» дostonлари, «*Қоракўз*» фалсафий дидактик асари, «*Қиш*», «*Бургутчи*», «*Куз*» каби шеърлари, «*Азим қиссаси*» дostonи, «*Нақаял сўзлар*» (44 ҳикоятдан иборат) мажмуаси ва бошқ.

Шеърларидан намуналар:

Оқ кийимли, паҳлавон, оқ соқолли,
Сўқир, гунг, ҳеч танимас тирик жонни. («*Қиш*» шеърдан, 1888)

* * *

*Оламга безак берган қодир мавлон,
Ер - она, қуёш - ота, нури жаҳон.
Онадай эмиздирар кўксидан ер,
Отадай меҳр тўкар ёруғ осмон.* (*«Кўклям» шеърдан, 1890*)

ЭРНЕСТ СЕТОН - ТОМПСОН

(1860 - 1946)

Таниқли адиб ва rassom Эрнест Сетон - Томпсон 1860 йил 14 августда Англияда таваллуд топган. Унинг авлодлари тоғлиқлардан бўлиб, Эрнест 6 ёшда эжанлигида уларнинг oilиси Канадага кўчиб келади. Бўлғуси адиб шу ерда мактабга боради, жуда кўп илмий-бадиий асарларни мутолаа қилиб табиат, ҳайвонлар, инсон ва табиат муносабатларини тасвирловчи анималист rassom ҳамда инстeьдодли ёзувчи бўлиб етишди. Унинг асарлари жаҳон адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Асарлари: *«Мен билган жониворлар», «Кўзгидилар тақдир», «Ҳайвонлар - қаҳрамонлар», «Митти ёвойилар», «Рольф ўрмонда», «Жониворлар ҳақида ҳикоялар», «Шимолий ҳайвонлар ҳаёти» (2 жилддин иборат), «Ёвойи ҳайвонлар ҳаёти» (4 жилддан иборат), «Ёвойи йўрға» ва бошқ.*

«Ёвойи йўрға» ҳикояси Тоғай Мурод томонидан 1989 йилда ўзбек тилига ўтирилган бўлиб, унинг асосий ғояси эркинлик ва озодликдир.

РОБИНДРАНАТ ТҲОКУР (ТАҒОР)

(1861 - 1941)

*О, Ҳиндистон, онажон, кўшиқларим
сен учун...*

*Юрагимиз сеники - ўзга бизда
нима бор?*

* * *

Менинг истагим - фақат озодлик.

Р. Тҳокур.

Ҳиндистоннинг буюк ёзувчиси, адиб, мутафаккир, шоир, композитор, педагог ва Нобель мукофоти совриндори Р. Тҳокур 1861 йил 7 майда Калькутта шаҳрида бадавлат, ўқимишли oilида туғилган. Тҳокурлар хонадонида ҳур фикрли ижодкорлар тез - тез тўпланиб гураб эдилар. Шу сабабли Робиндранатда ижодга ҳавас эрта уйғонди. Инглиз тилини пухта ўрганиб олган адиб 1878 йилда Англияга ўқишга келди ва бир ярим йилдан сўнг адвокат бўлишдан воз кечиб, ватанига қайтади ва ижод билан шугулланади. 1901 йилда ўз маблағи ҳисобидан *«Шинтияикетон»* (*«Тинчлик ўчоғи»*) деб ном олган мактаб очади, 1921 йилда эса шу ерда университет ташкил этади.

Шоирнинг *«Оқтом кўшиқлари»* деб номланган биринчи шеърлар тўплами 1881 йилда нашр этилган. *«Ҳиндистоннинг вилдони»* деб ном олган Р. Тҳокурнинг *«Жанганамана»* кўшиғи озод Ҳиндистоннинг давлат мадҳияси сифатида жарангламоқда. *«Гитанжалш»* номли шеърлар тўпламини 1912 йилда адибнинг ўзи инглиз тилига таржима қилган. Буюк мутафаккир оғир хасталиққа чалиниб, 1941 йил 7 августда вафот этган. Абдулҳамид Чўлпон у ҳақда мақолалар битган.

Асарлари: *«Нур ва соялар» (1894), «Моҳамайя», «Тоник», «Дафтарча», «Мерос», «Ҳисоб - китоб», «Аёл мактуби»* каби ҳикоялари, *«Ҳалоқат»* романи (1902), *«Кўзга тўшган қум», «Гора», «Допшманд рожя» (1887), «Гаурмахон» (1910), «Хонадон ва жаҳон» (1916), «Уч авлод» (1928)* каби романлари ва бошқ.

«Нур ва соялар» (1894) ҳикояси ҳақида

Бу ҳикояда инглиз мустамлакачиларининг маҳаллий халқларга ўтказган зулми ҳаққоний тасвирланади. Ҳикоянинг қаҳрамони ёш адвокат Шошибушон инглиз мустамлакачиларининг ёвузликлари билан чиқиша олмайдди. Инглизлар ўз истаган номаъқулчиликларини қила берадилар. Вилоят судьяси ҳатто итига ҳурмат кўрсатмаганликлари учун ҳам ҳиндларни

тақдирлайди. Бошқа бир инглиз - пароход компаниясининг бошқарувчиси ўз пароходидан ўзиб кетмоқчи бўлган баркасининг елкасига ўқ узади. Кема ағдарилиб, ундаги одамлардан бири ўлади. Яна бир инглиз полиция чиновниги айланиб ўтишни ўзига раво кўрмай, ўз қайиқчиларига балиқ овловчи деҳқонларнинг дарёга ташлаган гурларини кесиб ташлашни буюради. Шуларнинг ҳаммаси Шошибушоннинг кўз олдига рўй беради. Айбдорларни судга бериб, уларни жазолашни талаб қилади. Лекин суд айбдорларни эмас, ҳақиқатни талаб қилиб чиққан Шошибушонни турмага йўллайди. Отаси Олий судга мурожаат қилмоқчи бўлганда, Шошибушон қатъий қаршилик кўрсатиб, бундай дейди: *«Турмага борганим тузук. Темир занжирлар ёлгон сўзламайди, турма деворидан ташқаридаги «озодлик» эса мени алдаб, мусибатларга гирифтор қилади...»*. У 5 йил турмада ётиб чиқади. Бу ҳикоя мустамлакачилар устидан чиқарилган айбнома эди.

Ҳикоянинг қаҳрамонлари: *Хоржумар, унинг қизи Гурибала, Шошибушон, ноиблар ва бошқ.*

ЖЕК ЛОНДОН (1876 - 1916)

Жек Лондон машҳур америка ёзувчиси. У 1876 йил Калифорния штатининг Сан - Франциско шаҳрида камбағал фермер бўлган Жон Лондон оиласида туғилган. Ёшлиги қашшоқлик ва оғир меҳнатга ўтган, ишсизликдан АҚШ ва Канадани дарбадар кезган. 16 йиллик адабий фаолияти давомида 19 роман, 18 тўплам, 152 ҳикоя, 3 пьеса, 8 автобиографик ҳамда публицистик характердаги китоб яратди.

Асарлари: *«Қор қизи» (1902), «Денгиз бўриси» (1904), «Темир тово» (1907), «Мартин Иден» (1909), «Аёл мардали» (1900), «Оқсоқоллар кенгаши» (1902), «Қиз ҳақида қисса» (1904), «Соқраментто соҳаларида» (1904), «Ҳаётга мухаббат» (1906), «Иш ташлаш» (1906), «Йўл» (1907), «Бир нарча гўшти» (1900), «Уйин» (1905), «Катта уйнинг кичик бекаси», «Уч қалб», «Олтин водий», «Саргузашт», «Ўғрилик», «Оқ тиш», «Шимол ҳикоялари», «Совуқ болалари», «Оталар худоси», «Бўривачча», «Оқ сукунат», «Йўлдагилар тарафи учун», «Қирқ мил нарида», «Тубанлик кимилари» (1903) ва бошқ.*

САДРИДДИН АЙНИЙ (1878 - 1954)

Садриддин Айний (*Садриддин Саидмуродов*) 1878 йил 15 апрелда Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги Соқтаре қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган. 1884 - 87 йилларда қишлоқдаги бошланғич мактабда, 1890 - 1900 йилларда Мир Араб, Олимжон, Бадалбек, Ҳожи Зоҳил, Кўкалош мадрасаларида таҳсил олган. Унга Аҳмад Донишнинг «Наводир ул-вақос», Хожа Мароғийнинг «Иброҳимбекнинг саёҳати» асарлари жиддий таъсир кўрсатади. Садриддиннинг биринчи газали «*Гули сурх*» («*Қизил гул*») 1895 йилда ёзилгандир. Садриддин Айний Тожикистон Фанлар академиясининг биринчи президенти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, тожик ва ўзбек адабиётининг буюк намоёниси, зуллисоний ижодкордир. Айбнинг асарлари ўзбек тилида 8 жилда босилиб чиққан. Садриддин Айнийнинг хасислик рамзи бўлган қаҳрамони «*Судхўрнинг ўлими*» асаридаги Қори Ишқамбадир. Адиб 1954 йил 15 июлда Душанбе шаҳрида вафот этган.

Садриддин Айний Бехбудий ўлимига бағишлаган марсиясида «*Санинг тарихи давронинг, санинг осори урфонинг, Санинг номинг, санинг шонинг жаҳон қолдиқча қолмасму? Ватан авлоди ёд этди, сани хўрматда шод этди, Ва лекин интиқомингни ололурми, ололмасму?*» - деб ёзган.

Асарлари: *«Эсдалыклар» (таржимаи ҳол асари), «Таҳсибус - сибён» («Пок бола»), «Ёшлар тарбияси» (1909) дарслиги, «Бухоро жаллодлари» (1922), «Одлик» (1924), «Қулбобо ёки икки озод» (1928), «Етим» (1940), «Судхўрнинг ўлими» (1939), «Эски мактаб» (1935) каби қиссалар, «Дохунда» (1930), «Қулар» (1934) каби романлар, «Тожик адабиётидан намуналар» (1926), «Қиз*

Бола ёки Халдид» (1924), «Алишер Навоий», «Устод Рӯдакӣ» каби илмий тадқиқотлари ва бошқ.

МУҲАММАД ҲОДИЙ (1879 - 1920)

XX аср Озарбайжон адабиётининг классикларидан бири бўлмиш Муҳаммад Ҳодий 1879 йилда Шамахи шаҳрида туғилган. У мулла Алиаббос Қулида таҳсил олади. Унинг отаси вафот этиб, онаси қайта турмуш қургач, бир қанча муддат отасининг дўсти Мустафо Лутфий Исмоилзода Қулида қолади. Бу йилларда Ҳодий шарқ мумтоз адабиёти ва фалсафаси билан шугулланади. Мустафо Лутфийдан араб тилини ўрганган Муҳаммад у билан бирга Хаштархон (Астрахан) га бориб, олти йил адабиёт, ислом тарихи ва фикрдан таълим олади, мударрислар тайинқи сабабли у мадрасани ташлайди ҳамда отасидан қолган мулкни бошқаришга урғиб кўради, лекин тез орада мулксиз, ишсиз ва пулсиз қолади. 1902 йилда Шамахидаги зилзиладан сўнг Ҳодий ҳам Курдамирга паноҳ тортиб келади. У ўз устида қаттиқ ишлаб, ижод қила бошлайди ва буюк шоир бўлиб етишади. Муҳаммад Ҳодий 1920 йилда вафот этган.

Асарлари: *«Нағмайи аҳбобона», «Ишқи мухтама», «Тоza ҳаёт», «Садо», «Ҳақиқат», «Иштифоқ», «Тараққий», «Саодати зоила», «Олами мусоовотдан мактублар», «Ишқи мухтамам ёки Афлотун севгиси», «Шукуфайи ҳикмат», «Авоҳи иштибоҳ»* ва бошқ.

32 - МАВЗУ. ЖАҲОН АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

ФРАНЦ КАФКА (1883 - 1924)

XX аср адабиёти тараққиётини янги йўналишга солиб юборган, инсон ва унинг умрига ўзгача муносабатни қарор топтирган Франц Кафка дунёдаги энг ғаройиб ва тушунарсиз тақдир эгаси бўлган ижодкордир, дейиш мумкин. У 1883 йилнинг 3 июлида Прага шаҳрида туғилган. Отаси ўз меҳнати туфайли шаҳарда кичикроқ бир фабриканинг эгаси бўлган. У уч қизи ва ўғли Францнинг келажагини таъмин этмоқчи бўлди, лекин ўғли билан бир умр келишолмай ўтди. Францнинг онаси руҳонийлар оиласидан эди.

Кафка Прагадаги немис гимназиясини тутатиб, 1901 - 1905 йилларда Прага университетда ҳуқуқшуносликни ўрганди, санъат тарихи ва олмоншунослик бўйича маърузалар тинглади. 1906 - 1907 йилларда Прага шаҳар судининг адвокатлар идорасида амалиёт ўтади. 1907 йилнинг октябридан бошлаб хусусий суғурта жамиятига хизматга кирди. 1908 йилда Прага тижорат академиясида шу ихтисослик бўйича малакасини оширди. Шундан сўнг у турли кам иш туланидиган ташкилотларда ишлаган. 1917 йилда кафка сил касалига дучор бўлади, 1922 йилда нафақага чиқади. 1923 йили Берлинга кетади, лекин соғлигининг ёмонлашуви сабабли Прагага қайтишга мажбур бўлади. Франц Кафка 1924 йилнинг 3 июнида Вена шаҳри атрофидаги Кирлинг санаториясида вафот этади.

Кафка ўзи учун кўпроқ ёзган, дейишади. У ўз асарларини яхши кўрмас, уларни чоп этиришга қизиқмас, ҳатто ўлими олдида дўсти Макс Бродга ўзининг чоп этилмаган барча қўлёзмаларини тезда ёқиб ташлашни васият қилган эди. *«Менда адабий қизиқишлар йўқ, мен ўзим адабиётдан иборатман»*, - деганди Ф. Кафка дўстларидан бирига. У ўз асарлари ҳақида: *«Мен уларни яратган оларнигина ҳурмат қиламан, холос»*, - дерди. Кафканинг ёзганлари тамомилла қутилмаган ва ўзига хосдир.

Асарлари: *«Бир кураш тарихи» (1902-1903, биринчи асари), «Куралит» (1923, охириги асари), «Америка» (1911-1916, биринчи романи), «Жарай» (1915-1918, иккинчи романи), «Кўрғон» (1921-1922, охириги романи), «Эрмалит», «Хукм», «Жазо колониясида», «Очлик устаси», «Отамга хат»* ва бошқ.

СЕРГЕЙ ЕСЕНИН (1883 - 1929)

Жушқин лирик ва чинакам халқона шоир Сергей Есенин ижоди рус адабиётининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. У совет даври талабалари қуюшқонига гушмаган ва тушишни истамаган, эркатой ва ганти, аммо мислсиз иқтидорли шоир эди. Рязань шаҳри атрофидаги Константиново қишлоғида таваллуд топган шоир умрининг охиригача леҳдон - шоир, рус қишлоғи ҳаёти ва табиат куйчиси бўлиб қолди. 1924 - 25 йилларда шоир Урта Осиё ва Кавказорти минтақаларида саёҳатда бўлган, қисқа бўлса - да, Тошкентда ҳам яшаган. Есениннинг «*Фурс тароналари*» деб номланган шеърлар туркуми ана шу ўлкаларга саёҳат чоғида яратилган. Бу шеърлар туркумини ўзбек тилига Эркин Воҳидов ўтирган. Есениннинг «*Анна Снегина*» номли машҳур поэмаси Ботуми шаҳрида ёзилган. Унинг «*Гудакликдан маъаум ҳар одам*» шеъри асосида курашчанлик ғояси этади.

АБДУЛЛА ТУҚАЙ (1886 - 1913)

Абдулла Туқай татар классик шоири бўлиб, у 1886 йил Қозон губернясининг Қишлоғуч овулида туғилган. Болалиги бировларнинг эшигида ўтган. Шоир қисқа ҳаётида мазмунга бой ва гўзал адабий мерос қолдирган. Абдулла Туқай 27 ёшида сил касалидан вафот этган.

Асарлари: «*Текинхўрларга*», «*Дунё бу*», «*Олтинга қарши*», «*Куз еллари*», «*Турмуш*», «*Давлат думасига*», «*Ойнабош*», «*Фарғ*» ва бошқа шеърлари.

МУХТОР АВЕЗОВ (1897 - 1961)

Мухтор Аvezов - машҳур қозоқ ёзувчиси, қозоқ адабиётининг забардаст вакилларида. Ёзувчи Семей (Семипалитинск) да Чингиз овулида 1897 йилда туғилган. Ёш Мухтор кичкиналигидан Абай шеърлари билан тарбия топди, дастлаб рус мактабида, кейинчалик ўқитувчилар семинариясида, 1923 - 1928 йилларда Ленинград Давлат Университетининг тил ва маънавий маданият факультетинда. 1930 йилда ТошДУ аспирантурасида ўқийди. Мухтор Аvezовнинг ижоди 1917 йилдан сўнг бошланган. Дастлаб ҳикоя ва очерклар, драмалар ёзган. 20 - йиллардан Абай ижодий меросини тўплай бошлади, Абайшуносликка асос солади. У 1961 йил 65 ёшида вафот этди.

Асарлари: «*Абай*» трагедияси, «*Абай*», «*Абай ўли*» романлари, «*Қўбланди*», «*Айман ва Ҳуллон*», «*Тунги сарин*» каби асарлар ва бошқ.

АНТУАН ДЕ СЕНТ-ЭКЗЮПЕРИ (1900 - 1944)

Антуан 1900 йилда Франциянинг Лион шаҳрида, қадимий аристократ оиласида дунёга келган. У ёшлик чоғларида жуда шўх, ўта қизикувчан бўлиб, ўчоқдаги ёниб турган оловга қараб соғинаб хаёл суришни севган. Тонио (*ота - онаси уни шундай аташган*) 10 ёшида Ман шаҳрида коллежда, кейин Швейцарияда ва Парижда ўқиган. 12 ёшида машҳур француз узувчисининг самолётида осмонга чиқиб, учувчи бўлишни орзу қилади. 1919 йилда Антуан Париждаги Санъат мактабининг архитектура бўлимига ўқишга кириб, икки йилдан сўнг, 1921 йилда армия сафига чақирилади (бу вақтда биринчи жаҳон уруши бормоқда эди). 1926 йилда Антуан де Сент - Экзюпери «*Латеказр*» авиакомпаниясида ишга қабул қилинади. У иккинчи жаҳон уруши йилларида 1944 йил 31 июнда базага қайтиб келмайди. Унинг қачон ва қаерда ҳалок бўлганлиги сўнги қунырагача сир бўлиб келди. 2004 йилнинг баҳорида Атлантика океанининг Испания қирғоқларига яқин жойда «Лайтинг - 38» нинг айрим парчалари топилди. Демак, самолёт Сардиниядаги ҳарбий ҳаво базасига қайтишига унинг туширилган ёки ҳалокатга учраган экан.

Учувчи - ёзувчидан «*Жанубий почтачи*» (1928), «*Кичкина таҳрода*» (1942), «*Тунги учиб*» (1931), «*Батар сайёраси*» (1939), «*Ҳарбий учувчи*» (1942) ва тугалланмай қолган «*Қалъа*» каби асарлар қолган.

ЮЛИУС ФУЧИК (1903 - 1943)

Чехословакия халқининг миллий қаҳрамони, ёзувчи ва танқидчи, журналист ва жамоат арбоби Юлиус Фучик 1903 йил 23 февралда Чехословакиянинг Смихов районида металлургия оиласида туғилди. Кўшиқ айтиш Фучиклар оиласининг энг сеvimли машғулоти эди. «*Кўёмсиз ҳаёт бўлмаганидек, кўшиқсиз ҳаёт ҳам йўқ*», - деб ёзган эди Фучик. У 13 ёшлигидаёқ иккита мактаб журналига раҳбарлик қилди, 1921 йил Прага университетининг фалсафа факультетида ўқишга кирди. Фучик ўқиш билан бирга уй ўқитувчиси, қурилишда ишчи, спорт тренери бўлиб ишлади. 1925 йилдан бошлаб унинг журналистик фаолияти бошланади, ўз асарлари билан «*Авангард*», «*Теорба*», «*Кмен*», «*Вар*», «*Диск*» каби журналларда фаол қатнашади. Юлиус Фучик 1928 йилда «*Руде право*» газетасига ишга ўтади ва умрининг охиригача шу газетادا хизмат қилади. У Собик Йттифоққа бир неча бор келади, Ўзбекистон ҳаётини чуқурроқ ўрганишга интилади. Уруш йилларида Фучик яширин фаолият юритди, 1942 йил 24 апрелда қамоққа олинди, Панкрац турмасида 411 кун қаттиқ азобланди. У 1943 йил 8 сентябрда Берлинда қатл этилди.

Асарлари: «*Эртаги кўнмиз кечаги кун бўлиб қолган мамлакатда*» (мақола, очерк ва ҳикоялар тўплами), «*Чигиртка ва дил*», «*Озод ўзбек аёли ҳақида*», «*Дор остидаги сўз*» ва бошқ.

ПАБЛО НЕРУДА (1904 - 1973)

Пабло Неруда - «*Латин Америкасининг виждони*» тинчлик курашчиси, Чили шоири Нефталли Рикардо Рейеснинг адабий тахаллусидир. У 1904 йилда Чилининг жанубидаги кичик Темукс шаҳрида темир йўл хизматчиси оиласида туғилади, 10 ёшларидаёқ шеърлар ёза бошлайди. 1921 йилда нашр қилинган «*Байрам қўшиғи*» шеъри ижодкор студентлар конкурсида биринчи мукофотга сазовор бўлди. Неруда олий маълумотни Сант-Ягода олади. 1927 йилдан бошлаб Чили давлатининг дипломатик вакили, 1934 йилдан Чилининг Мадриддаги дипломатик консули бўлади, тинчлик ва демократия учун курашади. Қаттиқ бетоб ётган Пабло Неруданинг уйига фашистлар сув бостириб юбордилар ва «*чи ҳам ҳалок этидилар* (1973 йил 23 сентябрь)». Пабло Неруда Халқаро тинчлик ва Нобель мукофоти совриндоридир.

Асарлари: «*Янаш жой - ер*», «*Испания юрагимда*» тўплами (1938), «*Сталинградга янги муҳаббат қўшиғи*» гимни (1943), «*Умумий кўшиқ*» эпосеяси (1950, 15 бобдан иборат), «*Чили тошлари*» (1951), «*Токзорлар ва тамоллар*» (1954), «*Оддий нарсалар қасидаси*» (1957), «*Муҳаббат ҳақида юз сонет*» (1960), «*Маросим қўшиқлари*» (1961) каби шеърлар тўплами, «*Қора орол дафтари*» (1964) автобиографик поэмаси ва бошқ.

МИРЗО ТУРСУНЗОДА (1911 - 1978)

Тожикистон халқ шоири (1961), Меҳнат қаҳрамони (1967), академик Мирзо Турсунзода 1911 йил 2 майда Тожикистоннинг Регар туманига қарашли Қоратог қишлоғида дурадгор оиласида туғилди. У болалар уйи ва интернатларда тарбияланди, аввал педтехникуми, 1930 йилда эса Тошкентдаги тожик маориф институтини битирган. Илк шеърлар ва ҳикоялар тўплами - «*Ғалаба байроғи*» номи билан 1932 йилда нашр этилган.

Асарлари: «*Ҳазон ва Баҳор*» (1937), «*Ҳасан арванкам*» каби дostonлари, «*Хукм*» пьесаси (1934), «*Ҳеч қачон*», «*Хайр, азиз онажон*», «*Урушга*», «*Осиё овози*», «*Озод Шарқдан мен*» (1950), «*Дўстлик қолумлари*» каби шеърлари, «*Тоҳир ва Зухра*» мусиқали драмаси (1943), «*Ҳиндистон қассаси*» (1947), «*Тинчлик уруғини елдири*», «*Меҳлинг қимматлигали*» каби мақола ва шеърый тўпламлари ҳамда бошқ.

АЛЪБЕР КАМЮ

(1913 - 1960)

Альбер Камю 1913 йил 7 ноябрда Жазоир шаҳрининг қашшоқ канаросида дунёга келган. У бир ёшда эканлигида отаси госпиталда вафот этган. Oilани боқиб учун онаси бой хонадонларда уй хизматчиси бўлиб ишлайди. Альбер Жазоир университетида ўқийди, 1935 йилда театр ташкил этади, 1937 ва 1939 йилларда унинг дастлабки иккита лирик эссеси насиб чиқаришган. 1940 йил баҳорда Камю Парижга келади ва йирик газеталардан бирида ишлай бошлайди, фашистларга қарши ҳаракатларда ҳам фаол қатнашди. 1957 йил ёзувчига Нобель мукофоти берилган. Альбер Камю 1960 йил 4 январда рожество кунларидан кейин Парижга келаётиб йўлда автомобиль ҳалокатидан вафот этади.

Асарлари: «Бегона», «Вобо», «Бахтин ўлими», «Илқироз», «Калигула», «Қамал ҳаёти», «Англашмовчилик», «Сизиф ҳақида эсселар», «Астар ва қисфа», «Немис дўстига мактуб», «Исён қилмаган одам», «Никаҳ», «Ёз», «Ижод ва эркинлик», «Қуёғонлик ва салтанат» ва бошқ.

АЗИЗ НЕСИН

(1915 - 1995)

Азиз Несин ХХ аср тараққийпарвар турк адабиётининг пешқадам вакилларидан биридир. У 1915 йил 20 декабрда Истамбул яқинида ер - сувсиз деҳқон oilасида туғилди. Унинг асл исми - Маҳмуд Нурали бўлиб, оддий меҳнаткаш одамлар орасида ўсди. Санъатта қизиқди, 10 ёшлигиданоқ ёзувчи бўлишни орзу қилган. Моддий муҳтожлик туфайли у офицер (зобит) бўлиб етишадди.

Азиз Несин Ўзбекистонда ҳам бўлган (1965 й). «Болалик чоғларимдан бери Тошкент ва Самарқанд мен учун ажойиб эртаклар, тенгсиз, рўёлар ўлкаси эди, - деб ёзганди у 1968 йилда. Адиб бадиий ижодни шерьлар ёзишдан бошлаган (1939-1943 й). 1943 йилда «Миллат» журналинда унинг ҳикоялари эълон қилинади. Уларга муаллиф аввалги *Ведия Несин* тахаллуси ўрнига *Азиз Несин* деган имзо қўяди. 1944 йилда Азиз Несин армия сафидан бўшаб, журналистика соҳасида ишлайди. У табиатан болажон одам, болалар ҳаётидан уларга атаб қўлиб асарлар ёзган. Азиз Несинга ижодда энг катта шўҳрат келтирган соҳа-ҳажвий ҳикоятчилик бўлди. «Менинг ҳажвдан мақсадим - ўзим яшаётган жамият ва даврни аниқ кўрсатиб беришдан, инсон боласининг беўшнов ва ҳиссиз рақсий ҳужжатларга қиролмайдиган юрак тепишини баён этишдан иборат...» - деб ёзган эди адиб. Таниқли турк адиби Яшар Камол Азиз Несиннинг 60 ёшта тўлишига бағишланган тантанادا сўзлаган нутқида уни «замонавийнинг буюк ҳажвчиси» деб атаган эди. Таниқли рус ҳажвчиси Л. Ленч эса: «Сиз бошдан то тирноғингизнинг учиги қадар турксиз, худди шу миллий халқчил ўзига хослик сизнинг ёрқин истеъдодингизнинг энг кучли жиҳатидир», - деган эди Азиз Несинга.

Асарлари: «Футбол қироли» «Талдаги жилпи», «Фарғандо», «Мушт кетиди», «Пулимга яратилган ер берилди», «Алифбенинг баринчи ҳарфи», «Халоскор иш», «Оли тарбияси», «Айиқнинг татакхори», «Хотин кити бўлакнида-и...», «Оржестр одам», «Ғаройиб болалар» романи, «Демократия шунқори» (Унда бир савдогар илгирининг ома мерос масбети қўйиб адабиёт, журналистика соҳасига кирган-ю, қандай қилиб бу сарфда донг қозоничи ва мағлубиятга учраши ҳикоя қилишди. Асарда газета таҳририятининг «ноёб хабарлар» юбориб туришни маслаҳат бериб: «...Етмиш яшар чол тўқсандин хотин кишига айланиб, бем бола туғибди, деганга ўхшаш ноёб, теша тешмаган ҳодисаларга жуда муҳтожсиз...» деган тавсияларидан кейин ёлғон-ялғон хабарлар ёзиб шўҳрат қозонган, бир бор ҳақ гапни ёзганида эса талқибга учраб, қамалган ҳаваскор қаламкаш хангомлари тасвирланган), «Дарҳақлик туги» (Унда якка шахснинг мунофиқлиги, журбасизлиги устидеги сўз борди, унинг «дахшанли туги кўришидан» мақсад ҳикоя ёзиш истаси эди), «Минг тарти шўҳур» (Унда оломонга хос ожизлик,

мунофиқлик кулгу остига олинади. Ҳикоя қаҳрамони Чарм камзулнинг касби шофёр эди. «Ҳозир ҳаммаси мени сўкишяпти. «Минг марта шукур» деб турганларидаёқ буни сезган эдим. Буларни қаяққа судрасанг, уша ёққа кетаверишадди. Фақат судрашни билсанг бўлди», - дейди Чарм камзули) ва бошқ.

ЖАННИ РОДАРИ

(1920 - 1980)

Жанни Родари 1920 йил 23 октябрда Италия шимолида, Алп тоғлари этагига жойлашган Омеия шаҳарчасида дунёга келди. Унинг отаси Жузеппи Родари ширин кучларчи пиширувчи новвой бўлиб, новвойхона ва дўкон соҳиби эди. Жаннининг бугун ёшлиги олов жизилаб турадиган тандир, ун ва кўмир солинган қоплар орасида ўтди. Отаси вафот этгандан кейин оила бошига оғир кунлар тушади. Онаси бир бойнинг уйида оқсочлик қила бошлайди. Жаннининг болалик кечинмалари шеърлари ва қиссалари бағридан ўрин олган. Жанни Родари «*Чинполионинг саргузаштлари*» (1960), «*Умумжаҳон хорооди*» (1962), «*Кувтоқ шеърлар поезде*» (1963) тўплами, «*Касбларнинг ранги ва ҳиди ҳақида шеър*» (1967), «*Мовий найза саргузаштлари*» (1972), «*Ҳаёлот қондалари*» (1978), «*Желсомино ёлғончилар мамлакатида*» (1986) каби қатор асарлар муаллифидир. Ёзувчи 1980 йил 14 апрелда вафот этган.

Жанни Родарининг эртаклари жаҳондаги деярли барча тилларга таржима қилинган ва дунё болалари томонидан севиб ўқилади. Шундай эртақларидан бири «*Хуришни билмайдиган кучукча*» эртаги бўлиб, унинг асосий ғояси ўзликни англашдир. Унда дуч келган махлуққа ўқ отаверадиган сайёб образи мавжуд.

РАСУЛ ҲАМЗАТОВ

(1923 - 2003)

*Шеърят, маълумга ҳомийлик қилдинг,
Қароли бўлмадинг зўравонларнинг.
Олдинг паноҳингга нотагонларни,
Золимларни эса душман деб билдинг.*

Расул Ҳамзатов.

Доғистондаги кичкинагина авар элининг фарзанди, XX аср жаҳон шеърятининг йирик вакили Расул Ҳамзатов 1923 йилда туғилиб, 13 - 14 ёшларидан бошлаб шеър ёза бошлаган. 16 ёшида шоир сифатида танилган. Отаси - Доғистоннинг машҳур шоири Ҳамзат Цадаса унга ижод ишида ҳаминша ҳақиқатни қуйлашга ўргатди. 18 ёшдан бошлаб Расул ўқитувчи, артист ва муҳбир сифатида меҳнат қилди, унинг буюк истеъдоди оламга машҳур қилди. Шоирнинг биринчи китоби 1943 йилда чоп этилган. 1945 йилда Москвадаги Жаҳон адабиёти институтида таҳсил олишга киришди.

Расул Ҳамзатовга оғир хаста аёл мактуб йўллаб: «*Мени шифокорлардан, уларнинг муолажаларидан кўра Сиз ёзган асарлар кўпроқ даволади*», - деган эди.

Асарлари: «*Тоғ кўшиғи*», «*Тоғ қизи*», «*Менинг қалбим тоғларда*», «*Доғистоним*», «*Юксак юлдузлар*», «*Туғилган куним*», «*Тоғликнинг ватани*», «*Овулдан хат*» сингари шеърый китоблар, «*Она тилим*», «*Шу ҳам эркакми?*», «*Дўстлик ҳақида қисса*» каби шеърлари ва бошқ.

Шеърларидан парчалар:

*Менинг юртим тик қоя, улкан тошлар аро жо,
Довруғи анча катта, ери кичикдир, аммо
Эртақдаги боғ эмас, кам ҳосилли ери бор,
Дўстликдан қудрат топмиш, севгиси ҳур ва бисёр...*

(«Дўстлик ҳақида қисса» шеърдан)

Майли, қашшоқ бўлсин, майли, беҳашам,

Лекин менинг учун азиз ва суюқ.

Жаҳон минбаридан янграмаса ҳам

Она тилим менга муқаддас, буюк...

(«Она тилим» шеърдан)

НОДАР ДУМБАДЗЕ (1923 - 1984)

Нодар Думбадзе - XX аср грузин адабиётининг ўзирк вакили. У ижодини кичик ҳикоялар ёзиш билан бошлаган. 1958 йилда босилиб чиққан «*Қишлоқ болалари*» ҳикоялар тўплами уни элга танитди. Нодар Думбадзенинг грузин халқи ҳаётини, миллий характерини, руҳиятини ёрқин ва бетакрор тарзда гавдалантирган. умуминсоний муаммоларни кўтариб чиққан роман ва ҳикоялари ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинган.

Асарлари: «*Мен, бузим Иллко ва Иллартон*», «*Кўённи кўраламан*», «*Қурқманг, олағнам!*», «*Оқ байроқлар*» каби романлар, «*Хелладос*» ҳикояси (унда Янгуш исми боланинг қисмати кўрсатилган) ва бошқ.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ (1928 йилда туғилган)

Чингиз Ғуракулович Айтматов XX аср қирғиз адабиётининг энг истеъдодли ва жаҳонга танилган йирик намояндаларидан бири бўлиб, у 1928 йил 12 декабрда Қирғизистоннинг Талас водийсидаги Шакар овулида туғилган. Бобоси Айтмат оға ажойиб қўбۇзчи, отаси Ғуракул Айтматов давлат ва жамоат арбоби, онаси Наима опа ўқимишли, оқила аёл эди. Чингиз дастлаб рус мактабида, кейин қирғиз мактабида ўқиди, қишлоқ шўросида котиб, солиқ йиғувчи, бригада ҳисобчиси бўлиб ишлади. У 1948 йилда Жамбул зооветеринария техникумини, 1953 йили Қирғизистон қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. 1956 - 1958 йилларда Москвада Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Олий адабиётчилар курсида таҳсил олди. Чингиз Айтматов болалигиданоқ бадиий адабиётга улкан меҳр қўйган бўлиб, насрий асарлар яратиш билан астойдил шуғулланади. Адиб номини илк бор халқро мнқёсда машҳур қилган. 1958 йилда ёзилиб, жаҳон халқларининг 40 дан ортиқ тилларига таржима қилинган асар «*Жамила*» қиссаси бўлди. «*Жамила*» қиссасини Луи Арагон «*Муҳаббат ҳақида ёзилган жаҳондаги энг ажойиб қисса*» деб атаган. Чингиз Айтматов давлат ва жамоат арбоби сифатида улкан ишларни амалга оширмоқда. У Қ. Муҳаммаджонов билан ҳамкорликда «*Фудзиямадаги учрашув*» номли драма ёзган. Чингиз Айтматов Қирғизистон халқ ёзувчиси (1968), 1995 йилдан Марказий Осиё халқлари маланияти ассамблеяси Президентидир. У Мустақил Ўзбекистоннинг «*Дустлик*» (1995), «*Буюк хизматлари учун*» (1998) орденлари билан мукофотланган. Қирғизистон Республикасида Чингиз Айтматов номидаги Халқро «*Олтин медал*» мукофоти таъсис этилган (1999). Чингиз Айтматовнинг асарлари 80 дан ортиқ хорижий тилларга таржима қилинган.

Чингиз Айтматов «*Момо ер*», «*Қизил дуррачали сарвқоматим*» каби асарларини аввал қирғиз тилида ёзиб, сўнг ўзи рус тилига таржима қилган. Баъзи асарлари эса, аввал рус тилида ёзилиб (масалан, «*Оқ кема*», «*Алидо, Гулсари*») сўнг қирғиз тилига ўтирилди.

Асарлари: «*Юзма - юз*», «*Сарвқомат дилбарим*», «*Сомон йўл*» (1963), «*Момо ер*», «*Алидо Гулсари*» (1966), «*Оқ кема*», «*Соҳил ёқалаб чопайтган олапар*» (1977), «*Домим*», «*Газетачи Дзюйд*», «*Оқ ёмғир*», «*Сепоячи*», «*Қиёмат*» (1986, **қаҳрамонлари:** Обер-Кандалов, Исо, Авдий, Понтий Пилат, Пуда, Гришан, Бозорбой, Қўчқорбоев, Гурам Жухадзе, Бўстон, Сандро ва бошқ.), «*Биринчи муаллим*» (1962), «*Асреа татигулик кун*», «*Касандра тамғаси*» (1990), «*Эрта қайтган турналар*» ва бошқ.

«*Оқ кема*» қиссаси ҳақида

Бу қисса 1970 йилда ёзилган бўлиб, 7 қисмдан иборат.

Асар қаҳрамонлари куйидагилар: *Мўмин чол* (у асарда «*жуда қартайиб қолган, яқсаю ёлғиз ўли уруида ҳалок бўлган, умр буйи бир ёстиққа бош қўйиб ётган хотинидан ажралган, энг катта бахтсизлиги - унинг қизларига бахт*

кулиб боқмаган» дея таърифланган), *Ўракқул, Бекей, бола* (балиқ бола учун эрк ва қудрат рамзи эди) ва бошқ.

«Э, бўтам, ҳофизлар ҳамду сано ўқишда баҳслашса - қандай ярамаслик, улар қўшиқчидан қўшиқ кушандасига айланишиди. ... Э, бўтам, қадимги одамлардан қолган гап бор: «Бойлик - такаббуриликни, такаббурилик эса - тебаликни тугдиради». ... Э, бўтам, пул ҳукмрон бўлган жойда эзгу сўзга урин йўқ, гўзалликка ўрин йўқ» деган гаплар ҳам шу асарда келтирилган.

Бу қиссадаги ривоятда душман қабилалан қолган қизча ва болани ўлдириб қирғиз зотини йўқ қилиш Чўтир Баймоқ кампирга топширилган эди.

«Асрга татигулик кун» романи ҳақида

Бу роман 1980 йилда ёзилган. Унда ўтмишни эслай олмаслик учун инсонни хотирасидан умрбод маҳрум қилишдек қабих жиноятга қўл уриш ҳақида ҳикоя қилинган. Асарда «миш - мишларга қараганда, жунгжангллар қарғишга учрабди - қишда музлаб қолган Эдил дарёсидан түп - түп бўлиб ўтаётганларида бирдан муз ёрилиб, ҳаммаси мол - ҳоллари билан биргалликда муз остига чўкиб кетишибди...» деган гаплар бор.

Асар қаҳрамонлари: *Эдигей Бўрон* (у Собитжонга «Илгари бош учун эъзолашарди, бундан чиқди, энди орқаларинг учун эъзолашар экан-да... Сен манқуртсан! Ҳақиқий манқурт!...» деган), *Собитжон, Жўламон, Наймин ота, Қазанган* (уни дафн қилишга олиб кетаётганда марҳумнинг ёнида унинг кўёви - Ойзоданинг эри ўтиради), *Абутолиб Куттибоев* ва *Зарифа* (улар сталинча қатағон қурбони бўлганлар), *Ойзода* ва бошқ.

ЎЛЖАС СУЛАЙМОНОВ

Таниқли қозоқ адиби Ўлжас Сулаймонов 1936 йил 18 майда Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида туғилган. Отаси Умар ҳарбий хизматчи эди. Ў. Сулаймонов дастлаб русча мактабда, сўнгра Қозоғистон Давлат университетининг геология факультетига ўқиган. У 1961 йилда Москвадаги М.Горький номида Жаҳон адабиёти институтида ҳам ўқиди. 1962 - 1971 йилларида «Қозоқфильм» студиясида бош муҳаррир, «Простор» журнали бўлим мудири, 1972 йилдан бошлаб Қозоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви котиби лавозимида ишлади. Қозоғистоннинг Италиядаги элчиси сифатида фаолият кўрсатди. Ҳозирги пайтда Ўлжас Сулаймонов турли - туман расмий ҳамда жамоатчилик вазифаларини бажармоқда. У рус тилида ижод қилади, лекин қозоқ халқига хос миллий хусусиятларни, урф - одатларни яхши билади.

Асарлари: «*Арғумоқлар*» (1961, биринчи асари), «*Қўстай туналар*», «*Ажойиб туш*», «*Шарофатли вақтлар*», «*Маймун йил*», «*Лой китоб*», «*Оловнинг кўнгиши*», «*Юмалоқ юлдуз*», «*Аз и Я*», «*Қойилмасан инсонга, замин*» ва бошқ.

ГАБРИЭЛЬ ГАРСИЯ МАРКЕС

Маркес 1928 йилда *Колумбия*нинг шимоли - ғарбида жойлашган *Аракитуки* деган шаҳарчада дунёга келган. Габо (Габриэль) ҳаётида ўчмас из қолдирган кимса унинг бобоси истеъфодаги полковник *Николос* ҳисобланади. Унинг ҳаёти аксар саҳифаларидан ўз романларида фойдаланди. «*Бобом ва бувим*, - деб эслайдиган Маркес, - *жишлар билан тўлиб кетган эски уйда яшар эдилар. Уларнинг ҳар иккиси ҳам иримчи бўлиб, гаройиб тасаввурга эга бўлганлар...*». Габриэлининг отаси дорингунос бўлиб, у ўғлининг ҳам фармацевт бўлишсини истар эди. Габриэль эса адвокатлик касбини орзу қилди. Маркес дастлабки ҳикоясини 17 ёшида ёзган ва 60 - йилларга қадар унинг асосий касби журналистика бўлиб қолди. Унинг бу фаолияти *Богопада*, «*Эль Эспектадор*» («*Шарҳчи*») рўномасидан бошланди. Адиб ёзувчи сифатида шаклланар экан, кўпроқ *Хемингуэй*, *Кафка* ва аynиқса *Фолкнер* ижодидан кўпроқ баҳраманд бўлган. Ёзувчи *Парижда*, *Венесуэлада*, *Мексикада* ва *Тошкентда* ҳам бўлган.

Асарлари: «*Хосиятсиз соат*» (1961), «*Катта оламинг дафи этилиши*», «*Полковникка ҳеч ким ёзмайди*», «*Танҳоликнинг юз йили*» (1965-1966), «*Оқсоқолнинг кузи*» (1975, унда Лотин Америкасини даҳшатга солган ҳокими мутлақ тўғрисидаги афсона акс эттирилган ва фош қилинган), «*Ошқора қотиллик қиссаси*» (1981) ва бошқ.

«Ошқора қотиллик қиссаси» ҳақида

Бу асарга муаллиф ўрта асрларда яшаган португал ёзувчиси Жил Вицентининг «*Такаббуриш билан ҳам меҳр - муҳаббат қозониш мумкин*» деган сўзларини эпиграф (псхсўз) қилиб олган. Қиссада ётган воқеа ҳаддан зиёд олди. Пабло ва Педро Викарио исмли эгизак биродарлар Сантьяго Насарни сўйиб ташишга аҳд қиладилар ва ўз аҳдларини бажарадилар. Уларнинг бундай ёвуёна қарорга келишларининг боиси сингиллари Анхела билан боғлиқ. Фожиадан бир кун олдин Анхела билан Байярдо Сан Романнинг тўйи бўлиб ўтган, эгизаклар ҳам, Сантьяго Насар ҳам бу тўйда ўтириб майшат қилишади. Аммо куёв Анхелани қиз чиқмагани учун тонгта яқин ўз уйига олиб келиб ташлаб кетган, Анхела эса акаларининг зуғумларига чидолмай, Сантьяго Насар номини тилга олган эди. Сантьяго Насар епископнинг улар шахрига ташриф буюрини муносабати билан тонг саҳарда туриб, ўлим шарпаси кезиб юрган кўзига чиқади. Маркес бу воқеага гўё ёзувчи кўзи билан эмас, балки терговчи кўзи билан қарайди. «*Мени ишонтиринг - ақидалараст этинг, дунёни ўзгартириб юбораман*». Бу пурмаъно ибора, афсуски, ушбу қиссада ёвуз ниятли кишиларнинг ҳатти-ҳаракатини ўзида ифодалаб келади.

Асар қаҳрамонлари: *Понство Викарио (Анхела Викарионинг отаси), қотиллар - ака-ука Пабло ва Педро Викариолар, уларнинг синглиси Анхела Викарио, хулиқад, бироз ранглар, арабий йиғит Сантьяго Насар, унинг ўлиmidан кейин бир чегарачи билан қочиб кетган қайлиғи Флора Мигель* ва бошқ.

ПАУЛО КОЭЛЛО

(1947 йилда туғилган)

Пауло Коэло бугунги жаҳон адабиётининг энг машҳур ёзувчиларидан. У Бразилияда яшайди, португал тилида ижод қилади. XX асрнинг 90 - йилларида яратилган «*Алхимик*» ва «*Бешинчи тоғ*» романилари билан катта шухрат қозонган. «*Алхимик*» романи қаҳрамони *Сантьяго* ўз орзу - нияти йўлида ватани Андалузия (Испания) дан Мисрга сафарга отланар экан, бу йўлда турли - турман саргузаштларни бошидан кечиради, хилма - хил одамларга дуч келади, улардан ғаройиб панд - насиҳатлар, ривоятлар эшитади. «*Бахт қалити*» анна шундай ривоятлардандир.

Л У Ф А Т

Аълиёлар - худонинг дўстлари, маънавий камолотда одий мартабага эришиб, ҳаққа етган ва ғайб асроридан хабар бера оладиган зотлар.

Анқо - қуш номи, ўзи йўқ нарса

Адам - йўқлик

Анбар - хушбўй қора модда

Андлялиб - булбул

Аргувон - қизил гулди дарахт, қизил юз маъносиди ишлатилади.

Ахурамазда (Хурмузд) - зардуштийликнинг эзгулик худоси

Ажам - араблардан бошқа халқлар

Ажун - олам, дунё

Алиф - араб алифбосидаги ҳарф, тик қомат маъносиди ишлатилади.

Алп - баҳодир, паҳлавон

Андеша - ўй, фикр, ҳаёл, мулоҳаза

Айбоб - пайғамбарлардан бири. сабр тимсоли

Аржуманд - азиз, эҳтиромли.

Афғор - фиғон, нола; қайғули.

Ағниё - гани, бой.

Аҳбоб - дўстлар

Бақо - абалийлик

Бадхў - ёмон қилиқ

Баҳр - денгиз.

Бенаво - фақир, бечора

Беқайд - эркин.

Билга - доно

Билик - билим, илм

Буроқ - пайғамбаримиз меърож кунининг от

Боди сабо - тонги шамол

Бўз - газлама, кўрқиб кетган одам юзининг оқариши

Бўдун - халқ

Вовъз - ваъз, маъруза айтувчи

Войвояк - бойўғли, бойқуш

Воқиф - хабардор.

Ганж - ҳалина, бойлик

Гала - пода

Гесу - аёллар сочи.

Гулвўш - гул сочувчи, гулловчи

Дол - буқилган, эзилган

Дайр (майхона) - Оллоҳ номи муттасил зикр этиладиган жой.

Даҳр - олам, дунё, жаҳон

Даҳри дуншарвар - пасткаш дунё.

Душвор - мушкул, қийин.

Дилафгор - дили вайрон

Жабин - манглай, пешона

Жинон - жаннат.

Жовидон - абадий.

Жувонмард - олийҳиммат, саҳий.

Зоҳид - тақводор, аммо илоҳий муҳаббатдан беҳабар киши

Заврак - кема, қайиқ.

Зулф - гажақ

Зиж - астрономия жалвали, тақвим

Зикриё (Закариё) - пайғамбар, кофирлар зулмидан қочиб дарахт ичига яширинган, уни дарахт билан бирга арралаганларида ҳам худони тилидан қўймаган.

Ибтидо - бошланиш, муқаддима

Ифрот - ҳаддан ошиш, меъёридан ошиқ.

Имғоч - дарахт, масофа (тахм. 8 км).

Ихрож - чиқариш, ҳайдаш.

Кишвар - мамлакат.

Качимуллоҳ - Худо билан сўзлашгани учун Мусога берилган ном.

Комрон - бахтли, орзусига эришган

Карам - яхшилик, эҳсон

Канора - қирюқ, четгара

Кавсар - афсонавий жаниат булоғи

Лафз - оғзаки айтилган сўз

Лайли (арабча) - тунни

Мажнун - девона

Маснад - суянчиқ, тахт

Мағлаъ (ар.) - чиқиш жойи (**Ой ва Кўёш** ҳақида)

Муштарий - сотиб олувчи

Матлуб - орзу этилган нарса

Матлаб - истақ, орзу.

Махмур - май ичган, маст.

Мардум - 1) одамлар 2) кўз қорачиғи, гавҳари

Машинота - пардозчи

Мақолат - сўз, нутқ; боб.

Монъ - тўсиқ, ғов

Мисқол - 4,1 грамм

Мехроб - масжид тўридаги **теғаси** қайрилима қилиб ишланган тоқча

Мужгон - килрик

Музимар - яширин

Мукаррар - такрор, қайта-қайта

Менг - хол

Маҳпар - қиёматда инсонлар

тўпланадиган майдон

Миқмар - чўғдон

Мискин - камбағал, бечора

Муғ - оташпараст, май сочувчи

Мусҳаф - Куръон

Мусоҳиб - яқин киши.

Миҳра (Митра) - кўёш худоси

Муғриб - куйичи, ашулачи, чолғучи
Мухтасар - қисқа, ихчам, қалпа.
Муҳиб - севган, муҳаббат ихдор эгган.
Мўр - чумоли
Назира - ўхшаш, монанд, тенг
Нару - бошқа, бўлак
Новак - камоннинг ўқи, мажозий:
киприк
Нуи - араб алифбосидаги ҳарф,
мажозий: ёрнинг бақбақаси.
Ниҳон - яширин
Ориф - билувчи, танувчи, доно
Осиё (Муҳимий шеърда) - тегирмон
тоши, мусибат
Олачуқ - чайла, қапа
Пайкар - ҳайкал, жусса, гавда
Паймона - қадаҳ, умри тугаган
Пирн муғон - тариқат раҳбари, илоҳийт
сари бошловчи пир.
Рум - Византия (Италия), кичик Осиё ва
қисман Греция.
Ризвон - розилик, мажозий: жаннат
Раъият - халқ, фуқаро
Расан - арқон, арғамчи
Работ - қўрғон, қарвонсарой
Равоқ - *луг. маъноси*: иморат, уй, бино,
яшаш жойи, *қўлма маъноси*: дунё, олам,
жаҳон
Робита - боғланиш
Саҳиҳ - соғлом, тўғри
Сайфи - қилич
Сухайл - бир ёруғ юлдуз
Сайёд - овчи.
Сарв - тик ўсадиган дарахт; қадду қомат.
Сафо - тозаллик, мусаффолик.
Саяд - ҳосиятли, бахт келтирувчи.
Сорбон - туяқаш.
Сутун - устун, тиргович.
Таъкира - қайд этиш, ёзиб қўйиш
Тарсо - христиан
Таковар - тезюар, йўрға от
Тажалли - жилоланиш. Тасаввуфга қўра,
бутун оламдаги ҳаракат, кўкариш ва
янгиланиш, ҳусну жамол, ҳасинини ўзи
ҳам руҳи мутлақ нурининг таралиши
туфайлидир.
Тавозе - одоб сақлаш, хоқисор
бўлишлик
Тафрит - сусткашлик.
Таҳайюл - ҳаёлга келтириш, ҳаёл қилиш
Таҳамтан - афсонавий Рустамнинг
ляқаби.
Тубий - жаннат дарахти, келишган
қомат
Туман - ўн минг
Уммон - ҳозирги Арабистон денгизи

Улиғ - улут. хисса
Фаррух - гўзал, бахтли
Фархулданай - қутлуғ қадам
Фав - расм, олат, қўникма
Фоний ўқинчи, йўқ бўлувчи
Фурқат - айрилик, жудолик
Фитрат - гўйма истеъдод
Фироқ - айрилиқ.
Хуршид - қуёш, офтоб
Хилқат - ярагилиш
Халил - дўст, ёр
Чарх - осмон, фалак
Черик - қўшин, лашкар
Чавғон - учи эгик таёқ
Чўлпон - Венера (Зухра) юлдузи
Шамшод - хушқомат дарахт
Шамс - қуёш
Шона - тароқ
Шароби антаҳур - покланиш шароби
Шубон - чўпон
Эрам - афсонавий боғ
Эрик - тиришқоқ
Юсуф - пайғамбар, адабиётда гўзаллик
рамзи
Кўҳқан - Фарҳод образига маънодош
("Тош қазувчи")
Қаз - фоз ўйналадиган жой
Қайсар - Цезарнинг лақаби.
Қуръон - Оллоҳнинг ҳикмати, илми ва
сирларининг баёни.
Ғаний - бой, бадавлат
Ҳасан - яхши, гўзал
Ҳалилуллоҳ - Оллоҳнинг дўсти, Каъбага
асос солган Иброҳим пайғамбар лақаби.
Ҳидоят - тўғри йўл кўрсатиш
Ҳотам - саҳийлик, қўли очиклик
Хувайдо - ошқора, аён, равшан
Ҳилол - ярим ой

ва бошқалар.

ЎРТА МАКТАБДА ЎРГАНИЛАДИГАН БАДИИЙ АСАРЛАР РЎЙХАТИ

1. «Уч оғайни ботирлар», «Сусамбил», «Хусниябону», «Али бобо ва қирқ қароқчи» эртақлари ва бошқ.
2. «Гумарис», «Широқ» афсоналари.
3. «Тунюқуқ», «Кул Тигин», «Билга ҳоқон», «Ирк» битиклари.
4. «Равшан», «Кунтуғмиш», «Алпомиш», «Гуруғли» дostonлари.
5. Ю. Х. Ҳожиб «Кутағду билги».
6. М. Қошғарий «Девону луғотит турк»
7. А. Югнакий «Ҳибатул-ҳақойиқ»
8. «Алп Эр Тунга» марсиyasi.
9. Кайковус «Қобуснома».
10. А. Ясавий «Девони ҳикмат».
11. Фирдавсий «Шоҳнома».
12. Хоразмий «Муҳаббатнома».
13. Сайфи Саройи «Сухайл ва Гулдурсун».
14. Имом ал-Бухорий «Ал-адаб ал-муфрад».
15. С. Шерозий «Гулистон», «Бўстон».
16. Рабғузий «Қисаси Рабғузий».
17. Гулҳаний «Зарбулмасал».
18. Атоий «Жамолинг васфини қилдим чаманла...», «Кўнглим олдинг, бегим, ёшурмоғинг не?», «Агар кўнглинг тилар жонимни олмоқ» каби ғазаллари ва бошқ.
19. Умар Ҳайём «Ул ёрки дилим...», «Бир қўлла тутиб», «Лойимни ўзинг қорган...», «Ҳайём гуноҳга», «Эй чарх...» каби рубоийлари ва бошқ.
20. Лутфий «Сенсан севарим...» «Мени шайдо қилдурғон бу кўнгилдир, бу кўнгул», «Аёқингга тушар ҳар лаҳза гесу...» каби ғазаллари ва бошқ.
21. Мужрим Обид «Арзи аҳвол».
22. Х. Ҳувайдо «Роҳати дил» дostonи ва бошқа шеърлари.
23. Фузулий «Лайлову Мажнун».
24. Кутб «Хисрав ва Ширин».
25. Дурбек «Юсуф ва Зудайҳо».
26. Ҳайдар Хоразмий «Бўз тўқувчи кампир ва баззо» ҳикояти, «Гул ва Наврўз» дostonи.
27. Ш. Мунис «Шеър ул тиги дудамдурким» ва бошқа шеърлари.
28. Амирий «Лаб уюр такаллумға».
29. Анбар Отин «Алифбо».
30. Нодири «Фироқнома» ва бошқа шеърлари.
31. Увайсий «Букун, эй дўстлар фарзанди жононимни соғиндим», «Анор», «Ёнғоқ», «Кун ва тун» ва бошқа шеърлари.
32. Машраб «Уртар», «Қилди манга бир жылва, ногоҳ боқа қолдим» ва бошқа шеърлари.
33. Отаҳий «Таъвиз ул-ошиқин», «Қасидан насихат» ва бошқа шеърлари.
34. Сайидо Насафий «Ухпаш», «Қолмабди», «Ўт эрур» каби ва бошқа шеърлари.
35. Муқимий «Саёҳатнома», «Танобчилар».
36. Фурқат «Фасли навбахор улди...», «Сурмадин кўзлар қаро» («Келинчак»), «Саргузаштнома», «Киши ҳолимни билмас», «Сайдинг қўябер, сайёд» ва бошқа шеърлари.
37. Махмур «Ҳапалак», «Ҳаким Туробий ҳажви».
38. Турди «Тор кўнгуллуқ беклар», «Турдиман», «Ёд мандин ким берур: яхши замонлар кўрдиман» ва бошқа шеърлари.
39. Конфуций «Сухбатлар ва муҳокамалар».
40. Антуан де Сент-Экзюпери «Кичкина шаҳзода».
41. Нодар Думбадзе «Хелладос».

42. Жанни Родари «Рим эртаклари», «Учтадан охири бор эртаклар», «Хуришни билмайдиган кучукча» ва бошқалар.
43. Ж. Свифт «Гулливернинг саёхатлари».
44. Зоҳир Аълам «Афандининг қирқ бир пашшаси».
45. Умар Сайфиддин «Нақорат».
46. Расул Ҳамзатов «Она тилим», «Шуям эркакми?».
47. Р. Тўқор «Нур ва соялар», «Ҳалокат».
48. С. Есенин «Доғлар кетмиш мажруҳ кўнги-дан...», «Хуросонда бир дарвоза бор», «Форс тароналари», «Гудакликдан маълум ҳар одам».
49. Софокл «Шоҳ Эдип».
50. Шекспир «Ҳамлет».
51. Пушкин «Евгений Онегин».
52. Альбер Камю «Бегона».
53. Марк Твен «Том Сойернинг янги саргузаштлари».
54. Эрнест Сетон-Томпсон «Еввойи йўрга».
55. М. Солиҳ «Шайбонийнома».
56. Дилшоди Барно «Таржиман ҳол».
57. А. Жомий «Баҳористон».
58. Маҳтумқули «Бошлади», «Элингга» ва бошқа шеърлари.
59. А. Дониш «Наводирул-вақоеъ».
60. И. Ибрат «Гаърихи Фарғона».
61. М. Ю. Баёний «Шажараи Хоразмшоҳий».
62. Алмаий «Кашла ва Димнайи туркий».
63. Азиз Несин «Дахшатли туш».
64. Г. Г. Маркес «Ошқора қотиллик қиссаси».
65. А. Навоий «Ҳамса», «Лисонут-тайр», «Маҳбуб ул-кулуб», «Салотин бобида», «Меҳр ва Суҳайл», «Кеча келгумдур...», «Қаро кўзум», «Кўргали ҳуснинги...», «Қоши ёсунму...», «Жонга чун дермен», «Ердин айри кўнгул...» ва бошқа шеърлари.
66. З. М. Бобур «Бобурнома», «Мубаййин», «Волидия» асарлари ва бошқа шеърлари.
67. Бердақ «Халқ учун», «Нодон бўлма».
68. С. Айний «Судхўрнинг ўлими».
69. А. Утар «Тил» ва бошқа шеърлари.
70. Х. Х. Андерсен «Қор маликаси», «Булбул», «Чақмоқтош».
71. Ч. Айтматов «Асрга татигулик кун», «Қиёмат», «Оқ кема».
72. А. Қодирий «Ўткан кунлар», «Жинлар базми», «Меҳробдан чаён», «Улоқда».
73. М. Бехбудий «Падарқуш».
74. А. Фитраг «Абулфайзхон», «Миррих юлдузига», «Ўгут», «Гўзалим, бсвафо гулistonим», «Юрт қайғуси».
75. А. Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», «Тулки ила қарға».
76. Чўлпон «Кеча ва кундуз», «Кишан», «Виждон эрки», «Кўнгили», «Қаландар ишқи», «Ёнғин», «Бинафша», «Гўзал», «Бузилган ўлкага» ва бошқа шеърлари.
77. У. Носир «Яна шеъримга», «Юр, тоғларга чиқайлик», «Юрганмисан бирга ой билан», «Гулзор-чаман...», «Юрак», «Насимага деганим», «Нил ва Рим», «Монолог».
78. Миркарим Осим «Тўмарис», «Широқ», «Темур Малик».
79. Ғ. Ғулом «Шум бола», «Соғиниш», «Вақт», «Сен етим эмассан», «Билиб куйки, сени Ватан кутади», «Менинг ўғригина болам».
80. А. Қаҳҳор «Синчалак», «Асрор бобо», «Ўғри», «Бемор», «Минг бир жон», «Дахшат».
81. О. Ёкубов «Музқаймоқ», «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Эр бошига иш тушса», «Диёнат».

82. Ҳ. Олимжон «Роксананинг кўз ёшлари», «Зайнаб ва Омон», «Холбуки тун», «Ғазал», «Ойгул билан Бахтиёр».
83. М. Шайхзода «Искандар Зулқарнайн», «Йилларнинг саломин йилларга элиб...», «Мирзо Улугбек».
84. Ойбек «Навойи», «Наъматак», «Кутлуг қон», «Чимён дафтари», «Гулнор опа», «Фонарчи ота».
85. Шукрулло «Умр ҳақида эртақ». «Оналар ташвиши», «Қабр тоши».
86. А. Орипов «Тилла балиқча», «Дорбоз», «Хусумат», «Ишонч кўприклари». «Она сайёра», «Сароб», «Баҳор», «Генетика», «Баҳор кунларида», «Кўз манзаралари», «Ҳолат», «Кетганлар ёди бу», «Ўзбекистон», «Жаннатта йул».
87. П. Қодиров «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони».
88. Э. Воҳидов «Рухлар исёни», «Рашким», «Сирдарё улини», «Нидо», «Инсон», «Ўзбегим», «Эшлигим», «Тандир кийган Матмуса» ва бошқ.
89. Зулфия «Ўғлим, сира бўлмайди уруш», «Кўрганмидинг кўзларимда ёш», «Баҳор келди сени суроқлаб», «Тун», «Не балога этдинг мубтало», «Сенсиз», «Ойдинда», «Сен қайдасан, юрагим».
90. Миртемир «Сурат», «Мен туғилган тупроқ», «Тошбу». «Онагинам», «Балиқ ови», «Булут», «Тўрғай», «Ҳандалак».
91. Ҳ. Тухтабоев «Сарик девни миниб», «Қасоскорнинг олтин боши».
92. А. Мухтор «Бухоронинг жин кўчалари», «Поэзия», «Ниҳол», «Чинор».
93. Ҳ. Қошимов «Дуненинг ишлари», «Урушнинг сўнгги қурбони».
94. Ҳ. Даврон «Падаркуш», «Ватан ҳақида етти ривоят».
95. С. Аҳмад «Қоплон», «Собик», «Уфқ», «Чўл бургути».
96. Ҳамза «Йигла, Туркистон», «Туркистон», «Дардига дармон истамас», «Ўзбек хотин-қизларига».
97. Ш. Ҳолмирзаев «Ўзбеклар», «Зов остида алашув», «Ўзбек характери».
98. Уйғун «Оқ қиллар», «Баҳор қўшиғи», «Нима иш қилгансан?», «Шоир ва болари», «Тонг», «Ариқ».
99. Р. Файзий «Ҳазрати инсон».
100. Ҳосир Фозилов «Саратон».
101. Ўлмас Умарбеков «Ҳаёт қўшиғи».
102. Абай шеърлари.
103. Тоғай Мурод «Юлдузлар мангу ёнади», «Отамдан қолган далалар».
104. Мирмуҳсин «Меъмор».
105. Неъмат Аминов «Чолболанинг эртақлари».
106. С. Зуннунова «Рух билан суҳбат».
107. Муҳаммад Али «Гумбаздаги нур».
108. А. Суюн «Баҳодирнинг қилғичи», «Оқ ва қора». «Дарада», «Тутқун», «Баҳодирсиз қайтди аргумоқ».
109. Рауф Парфи «Она Туркистон», «Чўлпон», «Тонг отмоқда», «Ёмғир ёғар», «Абдуллажон марсияси».
110. Омон Матжон «Кўрдим Шукур Бурҳон», «Қайси йил кўкламда Жайхун бўйида», «Кўшиқ».
111. Шавкат Раҳмон «Туркийлар», «Тунги манзара», «Тонг очар кўзларин», «Ой синиғи», «Ҳамал».
112. Тўра Сулаймон «Илтимос», «Армон», «Тавалло», «Гул бир ён, чаман бир ён».
113. Ҳ. Худойбердиева «Дориломон кунлар келди», «Бегим, сизни табиат», «Бугун туркка не керак...».
114. Ш. Бошбеков «Темир хотин».
115. М. Юсуф «Юртим, адо бўлмас армонларинг бор», «Меҳр қолур» ва бошқ.
116. Ҳ. Султонов «Саодат соҳили».
117. Ўлжас Сулаймонов «Аргумоқ», «Мамбет ботирнинг қатл олдидан айтганлари» ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Ўзбек адабиёти», 5-синф учун дарслик - мажмуа. Тошкент, «Ўқитувчи», 1993 й.
2. «Adabiyot», 5-sinf uchun darslik - majmua, Toshkent, "O'qituvchi", 2000 y.
3. «Ватан адабиёти», 5-синф учун дарслик - хрестоматия, Тошкент, «Ўқитувчи», 1990
4. «Ўзбек адабиёти», 6-синф учун дарслик - мажмуа, Тошкент, «Ўқитувчи», 1995 й.
5. «Ватан адабиёти», 6-синф учун, Тошкент, «Ўқитувчи».
6. «Adabiyot», 6-sinf uchun darslik - majmua, Toshkent, «O'qituvchi». 1999 y.
7. «Ўзбек адабиёти», 7-синф учун дарслик - мажмуа, Тошкент, «Ўқитувчи», 1997 й.
8. «Adabiyot», 7-sinf uchun darslik - majmua, Toshkent, «O'qituvchi», 2000.
9. «Ўзбек адабиёти тарихи», 8-синф учун дарслик, Тошкент, «Ўқитувчи», 1986 й
10. «Адабиёт хрестоматияси», 8-синф учун, Тошкент, «Ўқитувчи», 1986 й.
11. «Ватан адабиёти», 8-синф учун дарслик - хрестоматия, Тошкент, «Ўқитувчи», 1992
12. «Ўзбек адабиёти». 8-синф учун дарслик - мажмуа, Тошкент, «Ўқитувчи», 1993 й.
13. «Ватан адабиёти», 9-синф учун дарслик - хрестоматия, Тошкент, «Ўқитувчи», 1993
14. «Ўзбек адабиёти», 9-синф учун мажмуа, Тошкент, «Ўқитувчи», 1993 й.
15. «Ўзбек адабиёти», 9-синф учун дарслик, Тошкент. «Ўқитувчи», 2000 й.
16. «Adabiyot» (N. Karimov va boshq.), 9-sinf uchun darslik, Toshkent, «Ma'naviyat», 2002.
17. «Ўзбек совет адабиёти», 10-синф учун дарслик, Тошкент, «Ўқитувчи», 1984 й.
18. «Ўзбек адабиёти», 10-синф учун мажмуа, Тошкент, «Ўқитувчи», 1995 й.
19. «Ўзбек адабиёти», 10-синф учун дарслик, Тошкент, «Ўқитувчи», 2000 й.
20. «XX аср ўзбек адабиёти», 11-синф учун дарслик, Тошкент, «Ўқитувчи», 1995 й.
21. «XX аср ўзбек адабиёти», мажмуа, Тошкент. «Ўқитувчи», 1993 й.
22. «XX аср ўзбек адабиёти», мажмуа, 11-синф учун, Тошкент. «Ўқитувчи», 1997 й.
23. «Adabiyot» (B. Qosimov va boshq.), 10-sinf uchun darslik, Toshkent, 2004.
24. «Adabiyot» (N. Karimov va boshq.), 11-sinf uchun darslik, Toshkent, 2004.
25. Б. Тўхлиев «Адабиёт» (Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик), Тошкент, «Ўқитувчи», 2002 й.
26. Н. Каримов, С. Мамажонов, Б. Назаров, У. Норматов, О. Шарафиддинов «XX аср ўзбек адабиёти тарихи», Тошкент, «Ўқитувчи», 1999 й.
27. Ҳ. Умунов «Адабиёт қондалари» (Академик лицейлар учун), Тошкент. «Ўқитувчи», 2002 й.
28. «Ўзбек совет энциклопедияси», 14 томлик. Тошкент. 1977.
29. «Ўзбекистон Республикаси», Энциклопедия, Тошкент, «Қомуслар бош таҳририяти», 1997 й.
30. «У ким, бу нима», болалар энциклопедияси, Тошкент, 1988.
31. «Бедиль. Пахлавон Махмуд. Рубои» Ташкент, Издательство литературы и искусства имени Г. Гуляма, 1991 г.
32. «Шоҳ ва шоир Хусайн Бойқаро», Тошкент, 1995 й.
33. «Алишер Навоий. Фазаллар. Шарҳлар» Тошкент, «Камалак», 1991 й.
34. «Ўзбек шоирлари баёзи. Увайсий. Нодира». Тошкент, «Фан», 1993 й.
35. Ҳ. Ҳ. Ниёзий. «Узилган чечаклар», Тошкент, Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 й.
36. Насафий «Хожа Аҳмад Яссавий». Тошкент, 1993 й.

37. Незмат Жаббаров «Хожа Аҳмад Яссавий - тасаввуф осмонининг порлоқ қуёши». Тошкент, 1994 й.
38. «Абу Муслим Жангномаси», Тошкент, «Ёзувчи», 1992 й.
39. Чўлпон «Адабиёт надири», Тошкент, 1994 й.
40. Т. Бобоев «Шеър илми таълими», Тошкент, «Ўқитувчи». 1996.
41. Т. Бобоев «Адабиётшуносликка кириш курси бўйича ўқув - методик қўлланма», Тошкент, «Ўқитувчи», 1979.
42. Т. Бобоев «Адабиётшунослик асослари». Тошкент. «Ўзбекистон», 2002.
43. А. Ҳожиаҳмедов «Мактабда аруз вазнини урганиш», Тошкент, «Ўқитувчи», 1995.
44. А. Ҳожиаҳмедов «Шеъринг санъатлари ва мумтоз қофия», Тошкент. 1998.
45. А. Ҳожиаҳмедов «Ўзбек арузи луғати», Тошкент, 1998.
46. А. Ҳожиаҳмедов «Мактабда ўрганиладиган мумтоз шеърнинг вазн кўрсаткичлари», Тошкент, 2001.
47. Азиз Қаюмов «Алишер Навоий», Тошкент, «Камалак», 1991
48. А. Фитрат «Аруз ҳақида», Тошкент, «Ўқитувчи». 1997.
49. Улғубек Долимов «Исҳоқхон Ибрат», «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, Тошкент, 1994.
50. Ж. Лапасов «Мумтоз адабий асарлар ўқув луғати», Тошкент. «Ўқитувчи» 1994 й.
51. Ҳ. Ҳомидий, Ш. Абдуллаева, С. Иброҳимова «Адабиётшунослик терминлари луғати», Тошкент. «Ўқитувчи», 1967 й.
52. Ж. Йўлдошев, С. Ҳасанов «Авестода ахлоқий-таълимий қарашлар», Тошкент, «Ўқитувчи», 1992 й.
53. Ҳамиджон Ҳомидов «Қирқ беш аллома ҳикояти», Тошкент, «Фан», 1995 й.
54. Ҳамиджон Ҳомидов «Олис- яқин юлдузлар», Тошкент, «Чўлпон», 1990 й.
55. М. Жумабоев «Ўзбек ва жаҳон болалар адабиёти», Тошкент, «Ўқитувчи», 1996 й.
56. Н. Каримов «Усмон Носирнинг сўнги кунлари», Тошкент, 1994 й.
57. Ҳалим Худоиназаров «Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб», Тошкент, «Ўзбекистон», 1994 й.
58. С.Мирвалиев «Ўзбек адиблари», Тошкент, «Фан», 1993 й.
59. О.Ҳасанбоева «Педагогика тарихидан хрестоматия», Тошкент, «Ўқитувчи», 1993 й.
60. «Буюк сиймолар, алломалар» (3 томлик), Тошкент, 1996 й 1997 й.
61. Ш. Каримов, Р. Шамсутдинов «Ватан тарихи», Тошкент, «Ўқитувчи», 1997.
62. «Ўзбекистон тарихи», 8-синф учун дарслик, Тошкент, «Ўқитувчи», 1994 й, 1999 й.
63. Исо Жабборов «Рухий олам: жаҳолат ва камолат», Тошкент, «Ўзбекистон», 1988 й.
64. Убайдулла Уватов «Донолардан сабоқлар», Тошкент, 1994 й.
65. «Ўзбек тили» (рус мактабларининг 10 ва 11-синфлари учун дарслик), Тошкент. «Ўқитувчи». 1993 й.
66. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури, 1-маҳсус сон, 1999 йил ва Академик лицей ўқув дастурлари.
67. «Ахборотнома»лар, Ўқув юртларига кириш учун тест саволлари, Тошкент, 1996-2003 йиллар.
68. «Бошланғич таълим» журналлари.
69. «Даракчи» газеталари.
70. Маллас Н. М. «Ўзбек адабиёти тарихи», Тошкент, 1965 й.
71. «Ўзбек педагогикаси антологияси», I жилд, Тошкент, «Ўқитувчи», 1995 й.
72. Ш. Роқимий «Тарихи томм», Тошкент, «Маънавият», 1998 й.
73. «Uniltimas siymolar» (Jadidchilik harakatining namoyandalari), Toshkent , 1999.
74. «Маънавият юлдузлари», Тошкент, 1999.
75. А. Камю «Избранное», Москва, 1990.

76. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, Тошкент, 2000.
77. Г. Жалолов «Ўзбек шоиралари», Тошкент, 1970 й.
78. А. Хайитматов «Адабий меросимиз уфқлари», Тошкент, 1997 й.
79. К. Хошимов, С. Нишонава, М. Иномова, Р. Ҳасанов «Педагогика тарихи», Тошкент, 1996 й.
80. К. Имомов, Т. Мирзасев, Б. Саримсоқов, О. Сафаров «Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди», Тошкент, «Ўқитувчи», 1990 й.
81. О. Мадаев, Т. Собитова «Халқ оғзаки поэтик ижоди» (Академик лицейлар учун дарслик мажмуа), Тошкент, 2001 й.
82. Н. Шукуров, Н. Хотамов, Ш. Холматов, М. Маҳмудов «Адабиётшуносликка кириш», Тошкент, «Ўқитувчи», 1984.
83. У. Гўйчиев «Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси», “Фан” нашриёти, 1966 й.
84. “Адабий турлар ва жанрлар” (Уч жилдлик). “Фан” нашриёти, 1992 й.
85. Азиз Қаюмов “Алишер Навоий”, Тошкент, “Камалак”, 1991 й.
86. Алишер Навоий “Сабъаи сайёр”, Тошкент, 1991 й.
87. Бўрибой Аҳмедов “Ўзбекистон тарихи манбалари”, Тошкент, «Ўқитувчи», 2001й.
86. Saodat Yo'ldosheva “Xalq urf-odatları va an'analari”, Toshkent, “Ijod dunyosi”, 2003.
87. «Адабиёт ўқитиш методикаси» (С. Долимов ва бошқ.), Тошкент, 1967.
88. Иззат Сулгон «Адабиёт назарияси», Тошкент, «Ўқитувчи», 1980.
89. «Буюк истеъдод соҳиблари» (Тузувчи М. Хайруллаев), ихчам маълумотнома, Тошкент, «Адолат», 2002.
90. В. А. Абдуллаев «Ўзбек адабиёти тарихи», Тошкент, «Ўқитувчи», 1967.
91. N. Karimov, U. Normatov “Adabiyot” (5 - sinf uchun o'quv qo'llanma), Toshkent, “Sharq”, 2004.
92. B. Qosimov, S. Ahmedov, Sh. Rizayev, R. Qo'chqorov “Adabiyot majmuasi” (5 - sinf uchun), Toshkent, “Ma'naviyat”, 2004.
93. S. Ahmedov, R. Qo'chqorov, Sh. Rizayev “Adabiyot” (6 - sinf uchun darslik - majmuu), Toshkent, “Ma'naviyat”, 2005.
94. Q. Yo'ldoshev, B. Qosimov, V. Qodirov “Adabiyot”, (7 - sinf uchun darslik), Toshkent, “Sharq”, 2005.

МУНДАРИЖА

Кириш. Адабиёт - сўз санъати.....	3
1-мавзу. Халқ оғзаки ижоди.....	5
2-мавзу. Шеърлий жанрлар (<i>лирика</i>).....	11
3-мавзу. Шеърлий жанрлар (<i>давоми</i>).....	16
4-мавзу. Бадий санъат турлари.....	23
5-мавзу. Бадий санъат турлари (<i>давоми</i>).....	28
6-мавзу. Шеърлий тизимлар. Аруз вази.....	33
7-мавзу. Бармоқ вази. Бадий ижод усуллари ва бадий асар тузиллиши.....	40
8-мавзу. Адабиётшунослик атамалари.....	44
9-мавзу. Адабиётшунослик атамалари (<i>давоми</i>).....	48
10-мавзу. Энг қадимги алабий ёдгорликлар.....	52
11-мавзу. Ўзбек халқ достонлари (« <i>Алломшиш</i> », « <i>Равшан</i> », « <i>Кунтуғмиш</i> », « <i>Малика Айёр</i> »).....	57
12-мавзу. VIII - XV асрнинг биринчи ярми адабиёти (<i>сайёҳлик асарлари, Урта Осиёнинг қомусий олимлари: Форобий, Ал-Хоразмий, А. Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек</i>).....	63
13-мавзу. Тасаввуф ва адабиёт. Тасаввуф алломалари (<i>И. Аҳмад, М. Ҳаллоқ, Мотуридий, А. Гўлдуноний, Ф. Антор, А. Яссавий, Б. Нақибанд, Ҳожа Аҳрор Валий</i>).....	69
14-мавзу. IX - XIV аср адабиёти намояндалари (<i>Ал-Бухорий, М. Қошғарий, Ю.Х.Ҳожиб, М.Замахшарий, А.Юнакий, Рабғузий, П.Маҳмуд, С. Саройи</i>).....	72
15-мавзу. XIV-XV аср адабиёти намояндалари (<i>Хоразмий, Лутфий, Қутб, Атоий, Ҳ. Хоразмий, Ҳ.Бойқаро, Шайбонийхон, Мажлисий, Гадоий, Саккокий, Дурбек</i>).....	81
16-мавзу. «Хамса» чилик тарихидан (<i>Н. Иштиқовий, Ҳ.Деҳлавий, А.Жомий, XV асрнинг иккинчи ярмидан XVII асргача бўлган давр адабиёти ҳақида</i>).....	86
17-мавзу. А. Навоийнинг ҳаёти ва ижоди.....	89
18-мавзу. XV - XVIII аср адабиёти намояндалари (<i>XVII-XVIII асрлар ва XIX асрнинг биринчи ярми адабиёти ҳақида, М.Солиҳ, Бобур, Ҳожа, А.Баҳодирхон, Сўфи Олюёр, Зебунисо бегим, Машраб, Турди Фароғий, Сайидо Насафий, Ҳувайдо</i>).....	97
19-мавзу. XVIII - XIX аср адабиёти намояндалари (<i>Дулҳаний, Мунис, Махмур, Мужрим-Обид, Амирий, Нодира, Увайсий, Диллиоди Барно, Огаҳий, К.Хоразмий</i>).....	105
20-мавзу. XIX аср адабиёти намояндалари (<i>XIX асрнинг иккинчи ярми адабиёти ҳақида, Мирий, Муҳйи, М. Баёний, Феруз, Алмаий, Муқимий, Фуқрат, Завқий, Ибрат, А. Табибий, Анбар Отин, А.Ўтар</i>).....	112
21-мавзу. Жаҳид адабиёти намояндалари (<i>Ўзбек жаҳид адабиёти ҳақида, XX аср адабиёти ҳақида, Шавкат, Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Авлоний, Сўфизода</i>).....	118
22-мавзу. XX аср бошидаги адабиёт намояндалари (<i>Ҳамза, А.Қодирий, Чулпон</i>).....	126
23-мавзу. XX аср адабиёти намояндалари (<i>Ғ.Ғулом, Ойбек, Уйғун, А.Қаҳор, М.Осим, Қ. Муҳаммадий</i>).....	134
24-мавзу. XX аср адабиёти намояндалари (<i>М.Шайхзода, Ҳ.Олимжон, К.Яшин, Миртемир, Усмон Носир</i>).....	140
25-мавзу. XX аср адабиёти намояндалари (<i>Зулфия, Ш.Рашидов, Р.Файзий, Шўхрат, С.Аҳмад, А.Мухтор, Шукрулло, Мирмуҳсин, С.Зуннунова</i>).....	144

26-мавзу. XX аср адабиёти намояндалари (О.Ёқубов, П.Қодиров, Н.Фозилов, Х.Тўтабоев, У.Умарбеков, Тўра Сулаймон, Э.Воҳидов, Н.Аминов, Б.Бойқобилов)	149
27-мавзу. XX аср адабиёти намояндалари (Ш.Холмирзаев, А.Орипов, У.Ҳошимов, Муҳаммад Али, Зоҳир Аълам, Омон Матжон, Р.Парфи, Тоҳир Малик, Азим Суён).....	156
28-мавзу. XX аср адабиёти намояндалари (Х.Ҳудойбердиева, Тоғай Мурад, М.М.Лўст, Шавкат Раҳмон, У.Алим, Ш.Бошбеков, Хуришид Даврон, М.Юсуф, М.Кенжабек, Х.Султонов, С.Саййид, Ҳозирги адабий жараён)	162
29-мавзу. Жаҳон адабиёти намояндалари («Али бобо ва қирқ қароқчи» эртаги, Софокл, Конфуций, Рўдакий, Фирдавсий, Кайковус, Н.Хусрав, У.Ҳайём, Шота Руставели, С.Шерозий).....	168
30-мавзу. Жаҳон адабиёти намояндалари (Х.Шерозий, Фузулий, Шекспир, Ж.Свифт, Д.Дефо, Бедил, Махтумқули, Мирзо Ғолиб, Пушкин, Х.К.Андерсен, М.Ф.Өхундов, Шевченко, Майн Рид)	174
31-мавзу. Жаҳон адабиёти намояндалари (Бердақ, А.Дониш, Марк Твен, Жюль Верн, Абай, Эрнест Сетон-Томсон, Р.Тўқур, Жек Лондон, С.Айний, М.Ҳодий).....	179
32-мавзу. Жаҳон адабиёти намояндалари. (Ф.Кафка, С.Есенин, А.Тўқай, М.Авезов, Антуан де Сент - Экзюпери, Ю.Фучик, П.Неруда, М.Турсунзода, А.Камю, А.Несин, Ж.Родари, Р.Ҳамзатов, Н.Думбидзе, Ч.Айтматов, У.Сулаймонов, Г.Г.Маркес, П.Козло)	183
Дуғат	191
Урта мактабда ўрганиладиган бadiий асарлар руйхати	193
Фойдаланилган адабиётлар	196

Сафо Матжон, Ширроғжон Сариев

Ўзбек адабиёти

(Урта мактаб, академик лицей ва касб - ҳунар коллежларининг ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртига кىрувчи абитуриентлар учун қўлланма) - тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашри,

Тошкент, 2005 - 200 бет

Б. 35. Адади 100, Ҳажми б.т.